

Исматилло Йўлдошев

84(543)

Й 78

57

Махфий Маҳкама

Samarqand 2021

Исматилло Йўлдошев

МАХФИЙ МАҲКАМА
ЁХУД
қонунсиз қамалганлар қиссаси



«TURON NASHR»

Самарқанд – 2021

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ўзб)
Й 58

Йўлдошев, Исматилло.

Махфий махқама ёхуд қонунсиз камалганлар қиссаси / Исма-
тилло Йўлдошев. – Самарқанд: TURON NASHR, 2021 й. – 380 б.

Тақризчи ва сўзбоши муаллифи:

Светлана Ортиқова,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари.

Китобда Гдлян, Иванов ва улар гуруҳига кирган қонунбузар
терговчиларнинг ҳақиқий башаралари тўғри ва холисона очиб
берилган. Асарда келтирилган ҳар бир фактнинг ўзи ҳам алоҳи-
да олганда катта бир китобга мавзу бўлиши мумкин. Муаллиф
асарга киритилган фактларни мазмунли қилиб умумлаштир-
ган. Китоб халқимиз бошига тушган мудҳиш кунларнинг асл
моҳиятини очиб беради, деб ўйлайман. Қиссани ўқиганда қал-
бингиз титрайди, адолатсизликка қарши нафратингиз ошади.

Хуллас, бу китобни бепарво қабул қиладиган ўқувчи бўлма-
са керак. Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-7051-0-4

© Исматилло Йўлдошев,

© «TURON NASHR», 2021.

СЎЗБОШИ

Совет социалистик республикалари иттифоқи – ССРИ. Ушбу давлат ҳамда унинг бош прокуратураси терговчилари Гдлян ва Иванов номларини бугунги ёш авлод деярли билмайди. Аммо 1985-1990 йилларда бу икки фамилияни эшитган одам бир сесканиб олгани бор гап.

Негаки, айнан шу икки теговчи ва улар бошчилигидаги тергов гуруҳи 1983-1989 йилларда Ўзбекистонда фаолият олиб борган. Улар юзлаб одамларни асоссиз равишда қамоққа олган, қалбаки ва сохта ҳужжатлар тайёрлаб жиноий жавобгарликка тортган. Улкан империянинг терговчилари берилган ваколатдан фойдаланиб, қўлга олиш, қамаш, умуман фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш чоғида қонунчилиқни қўпол равишда бузган.

Қўлингиздаги ушбу китобда айнан шулар ҳақда аниқ фактлар ва ҳаётий мисоллар келтирилган.

Китобда Гдлян, Иванов ва улар гуруҳига кирган қонунбузар терговчиларнинг ҳақиқий башаралари тўғри ва ҳолисона очиб берилган. Унда кўрсатилганидек, Гдлян ва Ивановлар малакалари паст, ҳуқуқ тизимларини яхши билмаган, улар гуруҳига кирган терговчилар ўз бошлиқларининг топшириқларини кўр-кўрона бажарувчи, мансабпараст, ном чиқариш учун тўғри келган қабоҳатлардан тоймайдиган шахслар бўлган.

Табиийки, савол туғилиши мумкин: Дунё остин-устун бўлгандек, шайтон ўйини бўлиб ўтганлигига наҳот ҳамма жим қараб турган? Албатта, юртимизнинг қўплаб асл фарзандлари қонунбузар терговчиларнинг кирдикорларини фош қилиш, уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиш учун зарур чораларни кўрган. Китоб муаллифи ҳам

ана шундай фидойи кишилардан бири. И.Йўлдошев ССРИ Бош прокуратурасидаги махфий бошқармадаги фаолияти давомида Гдлян ва унинг шерикларини қонундан ташқари ишларини фoш қилишда бирмунча ишларни амалга оширган.

Китобни мутолаа қилиш асносида бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўласиз, деган умиддаман. Аммо адолат тантана килмаганидан, қонунбузар теговчилар жавобгарликка тортилмаганидан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Қонунсизлик айбдорлари қонун чиқарувчи ҳокимият ўриндиқларига ўтириб олганликлари учун ҳам шундай бўлган. Яъни, улар ССРИ олий совети депутатлигига “сайланиб”, “демократия” ниқобига ўраниб олган.

Умуман, гдлянчилар Ўзбекистоннинг асл фарзандлари бошига оғир кунларни солган. Республика миқёсидаги раҳбарлардан тортиб, юзлаб фирқа котиблари, вазирлар, раислар, бригадирлар, пахта заводи директорлари, қабул пункти мутасаддиларини ноҳақ қамаган. Уларга ота, она, рафиқа, фарзанд, қариндош бўлган минглаб одамларга ҳам руҳий, аксарият ҳолларда жисмоний азоб берган...

Гдлянни шунчаки жинойтчи деб эмас, балки миллатга қарши қирғин уюштирган ғаддор, қўли қонга ботган ашаддий қотил деб баҳоласак, тўғри бўлади. Чунки у халқимиз ва миллатимизнинг энг сара намояндаларини бадном қилиш, таҳқирлаш, оғир азоб-уқубатларга дучор қилиш ва қийнаб ўлдириш каби жинойтларга қўл урган.

Асарда келтирилган ҳар бир фактнинг ўзи ҳам алоҳида олганда катта бир китобга мавзу бўлиши мумкин. Муаллиф асарга киритилган фактларни мазмунли қилиб умумлаштирган. Китоб халқимиз бошига тушган мудҳиш кунларнинг асл моҳиятини очиб беради, деб ўйлайман.

Шу боис гдлянчилар фаолиятига оид ушбу асар ҳар қандай китобхонни ларзага солади. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан юртимизда қанчадан қанча кишиларнинг инсоний қадр-қиммати ваҳшийларча таҳқирлагани аниқ фактлар асосида ҳикоя қилинганки, қисса-

ни ўқиганда қалбингиз титрайди, адолатсизликка қарши нафратингиз ошади.

Хуллас, бу китобни бошқача қабул қиладиган ўқувчиси бўлиши мумкин эмас. У кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Светлана ОРТИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори ўринбосари.

МУҚАДДИМА

Хурматли китобхон!

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеаларнинг махфийлик даражаси ўтиб бўлган. Кўп нарса ошкор бўлиб кетди. Айрим ҳолатлар бир неча бор ОАВда эълон қилинган ва китоб тариқасида кенг жамоатчиликка тақдим этилган. Мен ўшалардан ўзим кўрган-билганларимни сизларга ҳикоя қилмоқчиман. Хотирамда бор нарсаларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Баъзи исм-фамилияларга адашган бўлишим мумкин. Бунинг учун сизлардан узр сўрайман!

1983 йил сентябрдан 1989 йилнинг май ойига қадар ўнлаб, юзлаб фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқи қасддан поймол қилинди. Уларга нисбатан ҳақоратлаш, ҳўрлаш, жисмоний ва руҳий қийноқ каби жиноятлар содир этилди...

Шу кунларда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида тарихни объектив ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда яқин ўтмиш тарихига, сеvimли адибимиз Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, энг қора кунларимизга соғлом нигоҳ билан назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди, бизнингча.

Ўша даврда мен В.И.Илюхин бошлиқ гуруҳга штаб бошлиғи ва гуруҳ аъзоси сифатида жалб қилинган эдим. Биз гдлянчилар содир қилган бир қанча тергов сохтакорлигини, ёлғон кўргазмалар олинганлигини, гуруҳ аъзолари мансабини суиистеъмол қилиб, давлатга, шахсларга жуда катта зарар етказгани, одамларни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва бошқа бир қанча содир қилган жиноий ҳаракатлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борганмиз.

Гуруҳимизнинг самарали фаолияти натижасида Гдлян тергов гуруҳи бошлиқлигидан озод қилиниб, прокуратура тизимидан ҳайдалди. У жиноий жавобгарликка тортилишидан қўрқиб, турли йўллар билан ССРИ Олий совети депутатлигига сайланиб, дахлсизлик ҳуқуқини қўлга ки-

ритди. Жазодан қутулиб қолиш мақсадида ёлғон фактлари билан кенг жамоатчиликни алдаб, ўзини мафияга қарши курашувчи шахс сифатида кўрсатди. Митинглар уюштириб, оммавий ахборот воситаларида тасдиқланмаган, бир пулга қиммат ёлғон маълумотларни тарқатиб, бутун омманинг эътиборини ўзига қаратди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишим лозим. Ўша даврларда бундай қийин вазифаларни бажаришим Ватанимга ва халқимга бўлган ҳурматим сабаблидир. Ноҳақ қийинчиликлар кўрган ҳамюртларимизга баъзи нопок кимсалар томонидан қонунсиз ҳаракатлар қилиниб, уларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари поймол қилиниб, туҳмат тошлари отилган эди.

Гдлян билан Иванов қонунчиликка зид равишда (судда исботини топмаган айблов ҳамма даврларда ҳам қонуний кучга эга бўлмаган) марказий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда гўё жиноятчи тўдаларни фош қилганликлари ҳақида “Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр”, “Ўзбекистон биз учун Шарқий фронт”, “Ўзбекистон Ўрта Осиё Чернобили” деган гаплар билан жуда катта шов-шув кўтаришди.

Улар бу уйдирмалари билан ССРИ КПСС МКнинг Бош қотиби М.С.Горбачевни ҳам ишонтиришди. Умуман, Гдлян ва Иванов Ўзбекистондаги фаолияти давомида касбий вазифа мажбуриятларидан четлаб, сиёсий найрангбозга айланганди.

Ўша давр воқеликлари тўғрисида хулоса қилишда 1988 йил Ўзбекистон ССР Олий совети сессиясида сўзга чиққан ЎзФА вице-президенти Э.Юсуповнинг қуйидаги фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга:

“70-80-йилларда Ўзбекистонда порахўрлик авж олиб кетганлигини фақат маҳаллий, миллий хусусиятлар, феодал, патриархал ўтмиш қолдиқларининг мавжудлигидан деб тушунтириш, менимча, тўғри бўлмаса керак. Фактлар ва партия ветеранларининг хотиралари шундан далолат берадики, урушдан илгари Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўтмиш сарқитлари ҳали кишилар турмушида ва омма онгида ҳозиргига

қараганда яна-да чуқурроқ бўлган бир даврда порахўрлик тўғрисида камдан кам кишилар тасаввур қилар эдилар”.

“Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” кўпчиликнинг назарида сиёсий иш ҳисобланарди. Ваҳоланки, бу воқеликка берилган объектив баҳо эмас.

“Литературная газета”сининг 1988 йил 20 июл сонида таҳририят шарҳловчиси Юрий Щекочихиннинг милиция подполковниги Александр Гуров билан суҳбат-мақоласидан олинган куйидаги диалог кўп нарсага ойдинлик кирилади, деб ўйлайман. Негаки, унда Ю.Щекочихиннинг “Александр Иванович, мафия ҳақида гап кетса, негадир барча жозибали мисоллар жанубий ҳудудлардан олинади?” деган саволига жавоб қайтарилади:

“Менимча, бунинг сабабларини иқтисодий ҳаётдан излаш керак, – дейди А.Гуров. – Жануб – бу бизнинг Клондайк (Клондайк – Канададаги олтинга бой ҳудуд.)

Салбий ҳодисалар ҳақида гап очилса, негадир нукул Ўзбекистон ҳақида сўзлайдилар. Бу ўринда гап қоғозда етиштирилган пахта учун миллиардлаб сўм пул ўтирланганида, раҳбарларнинг коррупцияга берилиб кетиши туфайли республика жар ёқасига келиб қолганида эмас, республика ҳаддан ташқари ковлаб текширилгани сабаб Ўзбекистон тилдан тушмай қолди. Гап шунда. Бошқа ҳудудларни текшириш учун эса қўлимиз калталиқ қияпти”.

Ўшандай шароитда ҳам А.Я.Сухарев, И.П.Абрамов ҳамда В.И.Илюхин каби қалби пок, адолатпарвар, қонунларни ҳурмат қилувчи ходимлар билан бирга “Пахта иши” бўйича ноҳақ айбланганларнинг ҳуқуқларини тиклашда кўп қийинчиликлар бўлса-да, қўлдан келганича чин қалбдан ҳаракат қилганмиз ва курашганмиз.

Гдлян ва Ивановнинг ҳаракатлари ССРИ Бош прокуратураси коллегиясида бир неча марта муҳокама қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ССРИ Олий совети сессияларида кўрилган ва материалларни тергов ҳаракатлари давомида йиғиб тасдиқланган, тўрт жилдлик, ҳар бир ҳолат бўйича шахсан ўзим маълумотномалар тузганман.

Гуруҳнинг ноқонуний ҳаракатлари икки юздан зиёд шахсларнинг кўргазмалари, экспертиза хулосалари, тафтиш ҳужжатлари ва бошқа ашёвий далиллар билан исботланган эди.

Мен ушбу маълумотларни хизмат юзасидан тарқатишим мумкин эмас эди. Маълумотлар суднинг ҳукмлари қонуний кучга киргандан кейингина оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши кўзда тутилганди. Биз дастлаб китобни ССРИ Бош прокуратурасининг раҳбарлари номидан чиқармоқчи бўлдик, ўша пайтда китоб икки томдан иборат эди. Лекин раҳбарлар китоб чиқаришга розилик беришмади. ССРИдаги сиёсий ўзгаришлардан кейин уларнинг ҳаммаси ўз вазифаларидан бўшатилади.

Собиқ иттифок тарқалгач тергов гуруҳи раҳбари В.Илюхин бор масъулиятни зиммасига олиб, қисқартирилган вариантда ўз номидан «Қабоҳат ёхуд...» номли китоб ёзди.

Жиноят иши қўзғатиш учун тегишли материалларни шахсан йиғиб, улар бўйича олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатларида қатнашиб, воқеаларнинг аксариятини ёддан билганлигим учун В.Илюхин кечаси соат бирларда ҳам мендан баъзи нарсаларни сўраб қолар эди. Чунки у кечалари ҳам уйида шу иш бўйича шуғулланди.

Ушбу битиклариларимда унинг китоби ва ўзимнинг шахсий архивимда бўлган ҳужжатлар ҳамда бошқа манбалардан фойдаланиб, мустабид тузум давридаги сўнгги қатағон ҳақида азиз ўқувчиларга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Гдлян ва Ивановларнинг терговчилик фаолиятида йўл қўйган қўпол қоидабузарликлар, ноқонуний хатти-ҳаракатларни ўрганган тергов ходими сифатида айтишим мумкинки, “Пахта иши” билан боғлиқ муҳим бир ҳолатни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Негаки, талон-торож қилиш ёки пора олиш жиноятларини содир этишга ҳеч қандай қасдлари ва таъмагирлик нияти бўлмаган фуқароларни шундай жиноятларни қилганликлари учун судлаш фактлари бўлган. Кўп ҳолларда қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликларда айбли бўлганларнинг ҳаракати талон-торож қилганликда квалификация этилган.

Кўпинча колхоз ва совхозларнинг кассаларидан олиниб, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарига берилган, кейинчалик давлат банкига тушган пул маблағлари асоссиз равишда талон-торожлар суммасига киритилган.

Аслида айнан собиқ марказнинг буйруғига асосан социалистик давлатнинг “катта ютуқлари”ни намойиш этиш учун қўшиб ёзишлар вужудга келган. Давлатнинг ўзи одамларни қўшиб ёзишга мажбурлаб, сўнг уларни қатағон қилди. Дунё тарихида – халққа нисбатан бундай, лўнда қилиб айтганда, ўта кетган ғирромлик жуда кам учрайди.

Биз буларнинг ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Халқимиз зулмат тўла қоронғу кунларни бошидан кечирди. Бу “иш” Ўзбекистоннинг асл фарзандлари бошига оғир кунларни солди.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган мазкур китобда ушбу ҳолатлар аниқ ҳужжатлар ва фактлар билан асосланган. Воқеалар Гдлян, Иванов ва уларнинг тергов гуруҳи томонидан қилинган қонунсиз ҳаракатлар бўйича қўзғатилган жиноят иши материалларидан, шахсан ўзимнинг кундаликларим, Илюхиннинг кундаликлари ва «Қабоҳат ёхуд...» номли китобидан ҳамда ССРИ собиқ Бош прокурори А.Я.Сухаревнинг кундаликларидан фойдаланиб, қаламга олинди.

Китобнинг ёзилишида собиқ ССРИ Бош прокурори А.Я. Сухарев, унинг ўринбосари И.П.Абрамов ва бошқарма бошлиғи В.И.Илюхинларнинг шахсий маслаҳатлари учун уларга чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Бундан ташқари, Гдлян, Иванов ва тергов гуруҳининг қонунсиз ҳаракатлари бўйича тегишли кўрсатувлар, ашёвий далиллар тўплашда ёрдам бериб, яқиндан кўмаклашганликлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот органларида ўша вақтларда хизмат қилган кўплаб устозлар ва ҳамкасбларимдан беҳад миннатдорман. Улар Ўзбекистон фуқароларини қатағон қилган Гдлян ва унинг гуруҳи содир қилган жиноятларини фош қилиш ва ундан жабрланганлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича тинимсиз курашган эди.

Нима сабабдан ушбу китобнинг ёзилиши шунча йилга кечиктирилганлиги тўғрисида савол туғилиши мумкин. Чунки мен ўша вақтда махфий бошқармада ишлагандим ва прокуратура идораларидан тергов ҳамда бошқа материалларни йигирма йилга ошкор қилмасликка тилхат берганлигим сабабли ҳолатларни очиқлашдан ва ёзишдан ўзимни тийганман.

Китобни ёзилишга туртки бўлган яна бир нарсани эсга олиб ўтмоқчиман.

Мустақиллигимиздан кейин Давлат хавфсизлик комитети Миллий хавфсизлик хизматига айлантирилди. Уларга кўплаб ҳуқуқлар берилди. Янги бўлимлар ташкил этилди, ходимлар штатлари кўпайтирилди. Ходимларнинг ойлик маошлари ҳам оширилди. Шу тахлит улар давлатимизнинг энг ишонган органига айланди.

Аммо улар берилган ваколатни суистеъмол қилиб, жамият ҳаётининг барча жабҳалари ишига аралаша бошлади. Ҳамма давлат ташкилотларига ўз вакилларини жойлаштириб, “қаттиқ назорат ўрнатишди”. Ҳатто, суд, прокуратура, ички ишлар бошқармалари ва бошқа органлар уларга тўғридан тўғри бўйсунадиган бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, улар берилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, олдиларига қўйилган вазифаларни унутиб қўйишди. Оқибатда Андижон воқеалари, Биринчи президентимизга суиқасд содир бўлди.

Улар истаган одамани истаган вақтида ёлғон кўргазма ва ёлғон далиллар билан жавобгарликка тортди. Ҳар қандай судда истаган ҳукмларни чиқартиришди. Уларнинг қонунсиз ҳаракатлари билан кўплаб гуноҳсиз кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Кўплаб тадбиркорлар мол-мулкларидан айрилиб, қанчадан қанча одамлар ишсиз қолди. Бир қанча тадбиркор ва ишбилармонлар чет элга чиқиб кетди.

Яъни, амалпараст, манфур кимсалар бериячилар, гдлянчилар каби зулмат тиғини яна очикқўл ва содда халқимизнинг юрагига санчди. Оқибатда қанчадан қанча бегуноҳ одамлар зулм, қатағон ва хўрлик исканжасига тушди.

2016 йилга келиб муҳтарам Президентимиз Шавкат Ми-

ромонович Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан бу ҳолатларга чек қўйилди. Уларнинг бир нечтаси жиноий жавобгар бўлди. Ҳозирги кунда улар томонидан қонунсиз жавобгарликка тортилганларнинг бир қисми оқланди. Афсуски, бир қанчаси жазони ўтаб қайтган бўлса-да, бир қанчаси ҳозир ҳам жазо ўтамоқда.

Кейинги йилларда шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳар қандай одамни тўлқинлантиради, ҳаяжонга солади. Айниқса, яқин тарихимизда юз берган инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига адолатли баҳо берилгани кўнгилни тоғдек кўтаради.

Шу боис яқин ўтмишимиздаги адолатсизликлар ҳақида аниқ тасаввур уйғотиш учун мустабид тузум давридаги сўнгги қатағон, 80-90 йиллардаги тарихимизга бир назар бўлади, деган умидда ушбу китобни ёзишга жазм қилдим.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Исматилла Асадович Йўлдошев 2-бошқармага чақирилгач, ССРИ Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан берилган бир қанча топшириқларни ўз вақтида аъло даражада бажариб, таҳсинга сазовор бўлган. Жумладан, 1988 йилда Грузия Республикасида терговчилар ўтирган автомашинага қуролли ҳужум уюштирилган вақтида ўқ отар қуролдан жароҳат олишига қарамасдан ёниб кетиши лозим бўлган автомашинадаги оғир тан жароҳати олган одамларни хавфсиз жойгача кўтариб етказиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Ўзбекистон Республикасида ССРИ прокуратураси тергов гуруҳи томонидан Аҳмаджон Одиллов ва бошқаларга нисбатан бир неча йиллардан буён олиб борилаётган, лекин қонуний тўхтамни топмаган жиноят иши бўйича жиддий шуғулланиб, бир қанча ёзма кўргазмалар тайёрлашда иштирок этган. Шу ёзма кўргазмалар асосида жиноят иши доирасида қонунсиз қамоқда сақланаётган бир қанча шахсларнинг эҳтиёт чоралари ўзгартирилишини таъминлаган. Шунингдек, ушбу жиноят иши бўйича гумонланувчиларнинг ҳаракатларига қонуний баҳо берилиб, жиноят ишининг уларга тегишли қисмлари ҳар хил мотивларда ҳаракатдан тугатилиб, тегишли қонуний чоралар қўрилган эди.

Бундан ташқари, жиноят иши бўйича юзлаб кишиларнинг ҳаракатларига баҳо берилмасдан сансалорликка солинган қисмларига ҳам тегишли қонуний баҳо берилиб, бу қисмлари ҳам ҳаракатдан тугатилиб, қонунга мослаштириб қарорлар чиқарилган. И.Йўлдошев кўп йиллардан буён ўзининг тўхтамини тополмаган жиноят иши қонуний тўхтамга келишини таъминлаб, тергов гуруҳи тугатилишига сабабчи бўлган.

И.Йўлдошевга Ўзбекистон Республикасида ССРИ прокуратурасининг Т.Х.Гдлян бошлиқ гуруҳи томонидан қонунга зид равишда тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги, гувоҳлар ва айбланувчиларга ҳар хил йўллар билан: уриб,

қўрқитиб ёлгон кўрсатма олиш орқали айбсиз кишиларни жиноий жавобгарликка тортиб келинаётгани тўғрисида гуруҳ раҳбарияти ва уларнинг аъзоларига нисбатан тегишли материаллар тўплаш вазифаси юклатилганди. Бу ҳолатлар И.Йўлдошев томонидан жуда тезкорлик билан амалга оширилиб, қисқа муддатда юзлаб аризалар, бир қанча ҳужжатлар, аудио ёзувлар ҳамда Гдлян томонидан бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг раҳбар ва бошқа ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун шахсан ўзи томонидан юритилган иш дафтар ва унга илова қилинган схемалар ҳам қўлга киритилди.

Бу маълумотлар Гдлян ва унинг тергов гуруҳи ҳаракатлари юзасидан жиноят иши қўзғашга тўлиқ асос бўлиб, тегишлича жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов бошланди. Олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида прокуратура тарихида бўлмаган мудҳиш жиноятларни содир қилган Гдлян ва унинг гуруҳи аъзолари кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитмаган қабихликларни амалга оширганликлари аён бўлиб қолди. Улар ҳатто бир неча айбсиз кишиларни қийнаб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказган фактлар ва бошқа ҳолатлар фош бўла бошлади.

Минг афсуски, даврнинг талабига кўра, мен ишдан кетишга мажбур бўлдим. Мендан кейин тайинланган Бош прокурор жиноят ишини ҳеч бир сабабсиз ғайриқонуний ҳаракатлари асосида тугатди. Бу ҳам прокуратура ва жаҳон тарихида ягона ҳолат бўлиб ўтмиш зарварақларида қолди.

Гдлян ва Иванов, улар раҳбарлик қилган тергов гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида гап кетганда ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, ССРИ Олий советида билдирган фикрларим ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

“Ишончим комилки, муҳокама қилинаётган масала муҳим, хусусий эмас, балки анча кенг доирадаги ишдир. Пировард натижада гап Гдлян ёки Ивановда эмас. Балки мазкур масала принципиал аҳамиятга эгалиги яққол кўриниб турибди. Зотан, бу ерда гап қайта қуришнинг кўлами

кенг кадриятлари, жамиятимизга етишмай турган ижтимоий адолат ва қонунчилик хусусида бораётир. Башарти биз ҳуқуқий давлат қуришни ва шахснинг устуворлигини эълон қилган эканмиз, қонун бобида ҳаммамиз изчил бўлмоғимиз, ўзбошимчалик йўлига мустаҳкам ғов солмоғимиз керак. Бу масалада икки хил ёндашув бўлиши мумкин эмас”.

Умуман, Гдлян иш принципини қисқача шундай ифода-лаш мумкин: “Айбсизми-айбдорми, барибир, чўктиравер, уларнинг мурдалари устидан юриб ўзинг сувдан қуруқликка чиқасан”. Шунини айтиш керакки, бунақанги “айбни исботлаш” усули кўпинча самарали ишга солиниб ва ўзининг аччиқ меваларини берган эди.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу усулнинг қай даражада хавфли эканлигини жуда кўп кишилар ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам тушунмаган ва тушунишни истамайди.

А.Я.СУХАРЕВ,
собиқ ССРИ Бош прокурори.

МАХФИЙ МАҲКАМА

1985 йил. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига раҳбарлик қилиб, Пастдаргом туманида жуда кўп эпизодли, элликка яқин шахслар айблови бўйича қўзғатилган жиноят ишининг терговини тугатиб, вилоят судида кўриш учун топширдим. Соат 22:00 ларда мени Самарқанд вилояти прокурори Владимир Иванович Еременко ўз хонасига чақиртирди.

– Қани, Йўлдошев, ишлар қандай, – деди одатдагидан бошқача оҳангда Владимир Иванович. Менинг жавобимни ҳам кутмай ССРИ Бош прокуратураси томонидан Москвага зудлик билан чақиртирилганлигим ҳақидаги телеграмма билан таништирди.

Мен таътил олмоқчи эканлигимни айтдим. Лекин В.Еременко ССРИ Бош прокуратурасининг телеграммасига бундай муносабатда бўлинмаслигини айтиб, қўлимга хизмат сафари гувоҳномаси ва бир нечта жойидан муҳрланган пакетни тутқазди.

Пакет ССРИ Бош прокурори ўринбосари И.П.Абрамов номига ёзилган эди. Пакетни И.Абрамовга топшириб, у томонидан бериладиган топшириқларни сўзсиз бажаришим лозимлиги тушунтирилди.

Таътилга тайёргарлик кўриб, ўзимда бўлган ҳамма ариза-материаллар ва жиноят ишларини топширган эдим. Аммо Москвага кетишим учун пул йўқ эди. Шу сабабли, кеч бўлса ҳам, ҳисобчига вазиятни тушунтириб, пул кераклигини айтдим. У кассада пул йўқлигини, ойнинг охирида бўлишини айтиб, бирор кишидан қарз олиб туришни маслаҳат берди. Осмон йироқ, ер қаттиқ, наилож ҳамкасбларим – Аҳат ака Эсанов ва Ҳамид ака Жўраевдан қарз олдим.

Оила аъзоларим – турмуш ўртоғим ва фарзандларимни қишлоққа, ота-онамнинг уйига жойлаштирдим.

Ўша пайтларда Самарқанд аэропортидан Москва шахри-

га ҳар куни самолёт учарди. Шундай бўлса-да, транспорт прокурорига илтимос қилиб, кейинги кунга чипта буюртма қилдириб қўйдим. Эртаси куни маҳаллий вақт билан 11:30 да Москвага учиб кетдим...

Самолёт қўнғач юқларимни олиб аэропортдан чиққунимча соат Москва вақти билан 16 лардан ўтганди. Такси билан ССРИ Бош прокуратурасига етиб борганимда эса иш вақти аллақачон тугаган экан.

Бош прокуратуранинг кириш эшигига бориб, навбатчи милиционерга чақирув асосида Ўзбекистондан келганлигимни тушунтирдим. Ичкарида прокуратуранинг навбатчи ходимига учрашиб, меҳмонхона масаласини ҳал қилмоқчи эдим. Бироқ милиционер хизмат гувоҳномамнинг муддати тугаганлиги сабабли ичкарига қўймади. Шу боис прокуратуранинг навбатчи ходимини телефонда улаб беришини сўрадим, милиционер бу илтимосимни сўзсиз адо этди.

Прокуратуранинг навбатчи ходимига телеграмма орқали келганлигимни тушунтириб, меҳмонхонага жойлашишга ёрдам беришини сўрадим. У менга кутиб турунг, деди. Қирқ дақиқалардан кейин «Союз» номли меҳмонхонадан менга жой банд қилинганлигини айтди. Такси билан ўша меҳмонхонага бориб жойлашдим. Дам олиб, эрталаб соат 9:00 ларда ССРИ Бош прокуратурасига келдим. Гувоҳномамнинг муддати ўтганлиги сабабли яна идоранинг ичкарисига киритишмади.

Нима қиларимни билмай турганимда бир вақтлар Самарқандда ишлаган Ирина Ивановна Бардина келиб қолди. У билан саломлашиб, телеграмма орқали келганлигимни, Абрамовга киришим кераклигини, гувоҳномамнинг муддати ўтганлиги сабабли милиционер ичкарига қўймаётганлигини тушунтирдим. У милиционерга айтиб, мени ўзи билан олиб кирди.

Учинчи қаватдаги хонасига чиққанимиздан сўнг ички телефонда ким биландир гаплашди, мени телеграмма орқали Ўзбекистондан келганлигимни тушунтирди. Гушакни қўй-

гач паспортим, сафар ва хизмат гувоҳномаларимни олиб чиқиб кетди. Бир соатлар ўтгандан кейин мени чақиртирган бошқармага кириш учун рухсатнома олиб келди.

Кейин билсам, бошқарма жуда махфий бўлиб, ҳатто ССРИ Бош прокуратурасида ишлайдиган ходимлар ҳам бошқарма бошлиғининг алоҳида рухсатисиз ичкарига бемалол кира олмаскан.

Бардина мени тўртинчи қаватга олиб чиқиб, бошқарма эшигини кўрсатди. Кўрсатилган жойга бориб, автомат билан қуролланган ҳарбий қўриқчиларга ҳужжатларни тақдим қилдим. Орадан йигирма минутлар ўтгандан кейин бир йигит чиқиб, мени ичкарига таклиф қилди. Унинг ҳамроҳлигида Бош прокурор ўринбосари И.П.Абрамов қабулхонасига кирдим. Ҳамроҳим ўзимни қандай тутишим, саволларга қандай жавоб беришим кераклигини, ортиқча гапирмаслигимни тушунтириб, ичкарига кириб кетди. Ўн дақиқадан кейин чиқиб, киришим мумкинлигини айтди.

Хоната кирсам, креслода генерал-лейтенант формасида эски танишим, 1977 йилда Краснодар ўлкасининг ҳарбий прокуратурасида бирга ишлаган дўстим – Иван Павлович Абрамов ўтирарди.

У мени кўриши билан ўқиб ўтирган қоғозларини қўйиб, қучоғини очганча пешвоз чиқди. Иккаламиз жуда илиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Шунда у атайлаб мени чақирганлигини англаб етдим...

И.Абрамов билан охириги марта 1979 йилда учрашган эдик. Ўшанда у Самарқандга меҳмон бўлиб келган эди. Қадимий кентда бир неча кун меҳмон қилиб, бирга юргандим. Кейинчалик у Краснодар ўлкаси ҳарбий прокурори ўринбосарлигидан ССРИ Давлат хавфсизлик комитети (КГБ)га ишга ўтган эди.

Биз анча гаплашиб ўтирдик, кофе ичиб ёшликни, Краснодарда ўтган даврларни эсладик.

У ўринбосари Виталий Алексеевич Шеголхинни чақириб, менинг ҳамма муаммоларимни ҳал қилишни ва бошқарма

ишлари билан таништиришни буюрди. Ўзи ССРИ Бош прокурори Александр Яковлевич Сухаревнинг қабулига кириши кераклигини айтиб, чиқиб кетди...

Менга айтишларича, бу бошқарма ўта “махфий” бўлиб, фақат бутуниттифоқ Бош прокуратурасида ташкил этилган. Унинг вазифалари ва назорат қилиш предметлари ССРИда атом билан боғлиқ барча ҳолатлар, космос билан боғлиқ ташкилотлар, илмий-текшириш институтлари, космодромлар, кон-металлургия комбинатлари, рангли металларни қазиб олиш, қайта ишлаш саноати ва бошқалардан иборат эди.

Бундан ташқари, бошқармада КПСС Марказий Комитети аъзолари ва барча унга аъзоликка номзод раҳбарлар ҳақидаги маълумотлар ўрганилар ва сақланар экан.

Мендан булар ҳақида, ҳатто шу бошқармада ишлашимни ҳеч кимга, ҳеч қаерда айтмаслигим тўғрисида тилхат олиниб, ҳужжатлаштирилди. Жиноятчиларнинг суратини олгандай турли ракурсларда суратга туширилиб, бармоқ изларим олинди ва тегишлича расмийлаштирилди.

Берилган гувоҳномага бошқарма номи ёзилмагани, фақат ССРИ Бош прокуратураси “алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси” дейилган эди. Шу куни бошқармага кириш учун код ёзилган махсус рухсатнома беришди. Яшаш учун Москва шаҳрида жойлашган Космонавтлар шаҳарчасидан бир хонали квартира ажратилди. У шаҳарча ёпиқ типда бўлиб, ҳудудга махсус рухсатнома орқали кириларди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, шаҳарчада яшаш жуда қулай эди. Ҳудудидаги бозорча нарх-наво бошқа жойларгидан сезиларли даражада арзон сотиларди. Тақчиллик сезилиб турган ўша даврда бу ердаги озиқ-овқат дўконларида ҳамма нарсани топиш мумкин. Шаҳарчада космонавтлар, уларнинг оилалари, соҳага тааллуқли олимлар ва бошқа жиддий шахслар оилалари билан яшар эди. Жуда тинч, осойишта ва айна дамда, ниҳоятда саришта шаҳарча эди...

Бир куни Иван Павлович Абрамов мени ҳузурига чақи-

риб, Ўзбекистонда пахта қандай етиштирилиши, қандай йиғиб-териб олиниши, йиғим-теримда кимлар қатнашиши сингари пахта билан боғлиқ бутун тафсилотлар ҳақида сўраб қолди.

Пахтани етиштириш учун деҳқонлар йил бўйи ишлаши, ерни тайёрлашдан бошлаб, чигит экиш, ишлов бериш, парваришlash, йиғим-терим ишларининг машаққатли жараёнларини батафсил тушунтирдим. Терилган пахтани заводларга топшириш сентябр ойидан бошланиб, баъзан декабр ойигача давом этиши, пахта йиғим-терими жуда катта меҳнат талаб қилиб, унда ҳатто мактаб ўқувчилари, ёшу кекса қатнашиши, терим тонгдан то қоронғи тунгача давом этишини айтиб бердим.

Бундан ташқари, Москвадан берилган пахта режаси йилдан йилга кўпайиб бораётгани, оқибатда Ўзбекистонда барча суғориладиган ерларга, ҳатто кейинги пайтларда деҳқонларнинг шахсий томорқа учаскаларига ҳам, боғлар, узумзорлар кесилиб уларнинг ўрнига ҳам пахта экилиб, аҳолининг 60-70 фоизи фақат пахта етиштириш билан шуғулланаётгани, режа ва мажбуриятларни бажариш учун тинимсиз меҳнат қилинаётганини бирма-бир сўзладим.

Мактаб ўқувчилари, талабалар ҳам жалб қилиниб, миллионлаб одам декабр, ҳатто январ ойларида ҳам пахта териш билан шуғулланишига қарамай, режани бажариш имконияти бўлмай қолгани оқибатида турли қинғир йўллар, жумладан, сохта ҳужжатлар билан пахта “тайёрланаётганлигини” тушунтирдим.

Умуман, Ўзбекистоннинг газии, олтини ва бошқа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам, сотиш ҳам Москва орқали амалга оширилиб келинаётганлиги, Ўзбекистоннинг аҳолиси Африкада яшайдиган одамлардан ҳам қашшоқ эканлиги, ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги ва бошқа ҳолатлар бўйича батафсил гапирдим. И.П.Абрамов мени диққат билан эшитиб, буларни ССРИ Бош прокурори А.Я.Сухаревга ҳам айтиб беришимни сўради. Мен рози

бўлдим. Орадан бир неча кун ўтиб Бош прокурор хузурига кирдик. Унга Абрамовга айтган гапларимни сўзма-сўз так-
рорладим.

У сўзимни бўлмай эшитди. Гапимни тугатгач пахта режасига қўшиб ёзишлардан кимлар манфаатдор экинлигини сўради.

Сухаревнинг диққат билан тинглаши, Абрамовнинг қўлаб-қувватлаши мени яна-да дадиллаштирганди. Шу боис Ўзбекистоннинг суғориладиган ва ўзлаштирилган ерлари-да жуда яхши ҳосил олинса-да, Москвадан берилган режа-ни бажариб бўлмаслигини айтдим. Оқибатда айрим кол-хоз-совхоз раҳбарлари, пахта заводлари раҳбарлари қўшиб ёзишга мажбур бўлаётгани тушунтирдим.

– Пахта асосан енгил саноат ривожланган Иванова, Кос-трома ва бошқа шаҳарларда жойлашган завод-фабрикалар-га топширилади, – дедим. – Қўшиб ёзилган пахтанинг жо-йини тўлдириш учун ушбу фабрика ва заводларнинг ман-сабдор шахслари билан пора эвазига келишиб, бўш вагон-лар жўнатилади, пахта етказиб берилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштирилиб, режалар сунъий равишда бажарилади.

Партиянинг топшириғини бажариш ўша вақтда қонун даражасида эди. Бутун ўзбек халқи – ёш болалардан на-фақахўргача кунига ўн икки соатлаб пахта даласида меҳнат қилиши, одамлар январ ойигача қора совуқларда ҳам пиш-май қолган ғўза кўсакларини териб, килограммни ошириш учун ишлаши, бу давлатга ҳеч қандай фойда олиб келмас-лигини ҳам гапириб бердим.

Билишимча, Ўзбекистондаги ҳақиқий ҳолат тўғрисида уларнинг тўла тасаввури йўқ эди. Билганлари, асосан, мар-казий матбуот нашрларида берилган ахборотлардангина иборат бўлган. Шу даврда уларга пахта иши бўйича тергов гуруҳлари ҳар хил ёлғон ахборотларни етказётган, айб-сиз одамларни қийнаб, қўплаб раҳбар ва пахтачилик бўй-ича мутахассисларга сохта айбларни ёпиштираётганди. Бу “иш”ларини Ўзбекистондаги мафияга қарши кураш сифа-тида баҳолаб, марказий матбуот орқали бонг уришарди.

Тўғри, ўша вақтларда 15 та республика бир давлат ҳисобланар, Москва эса пойтахт сифатида қадрланарди. Бироқ ба-рибир бошқа юртда, ўзга миллат вакиллари орасида одамда қандайдир ноқулайлик сезиларди. Шу боис ўзим билган ай-рим ҳамюртларим билан учрашишга ҳаракат қилардим.

Тўрақул Юлдошевни етмишинчи йиллардан буён танир эдим. У киши билан талабалик пайтларимда кўп учрашган-ман. Ўша вақтларда Ўзбекистон Марказий партия комите-тида Қишлоқ хўжалик ишлари бўйича масъул ходим бўлиб ишлаган Т.Юлдошев бизларга жуда кўп ёрдам берарди.

Самарқанддалигимда Ҳайдар Исломовдан унинг иш те-лефонини олган эдим. Шу рақамга қўнғироқ қилдим. Ўзи йўқ экан, ёрдамчиси билан гаплашиб, у киши ярим соат-лардан кейин келишини билиб олдим. Ярим соатдан кейин телефон қилган эдим Тўрақул ака жавоб берди. У кишининг овози жарангдор бўлиб, ҳар қандай инсонга ва катта ауди-торияларга ҳам қандайдир ёқимли куч билан таъсир қи-ларди, кўпроқ эшитгингиз келарди.

Суҳбатимиз якунидаги келишувга кўра, мен у кишининг ишхонасига борадиган бўлдим. Шу куни ишларимни бироз вақтли тугатиб, такси билан Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасига етиб бордим. Т.Юлдошев мени кутиб турган экан, бир пиёла чой устида анча суҳбатлаш-дик. Гап орасида Бош прокурор билан бўлган суҳбатни бир бошидан айтиб бердим.

– Яхши қилибсиз, – деди хурсанд бўлиб. У кишининг фикри ҳам менинг фикримга тўғри келди. Ва имкон топиб Бош прокурор ўринбосари Абрамов билан таништиришим-ни сўради.

Орадан бир неча кун ўтиб Абрамовга Тўрақул Юлдошев Ўзбекистоннинг Москвадаги вакили эканлигини, суҳбатла-шишга таклиф қилаётганини айтдим. У рози бўлиб, жума куни соат 18:00 ларга борадиган бўлди.

Белгиланган вақтда Тўрақул Юлдошевнинг ҳузурига бор-дик. Бир чашкадан кофе ичиб, суҳбатлашдик. Суҳбат жуда

қизиб кетди. Тўрақул ака Абрамовга Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазият, пахта етиштириш машаққатлари, қўшиб ёзишларнинг туб сабабларини атрофлича таҳлил қилиб, фикрларини далиллар билан исботлаб гапириб берди.

– Ҳуш, сизнингча, ҳозир Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган тергов гуруҳининг ишлари хатоми, унда? – Абрамов Т.Юлдошевга ўтқир нигоҳларини қадаб, синчков савол берди.

– Гап шундаки, – дея сўзини давом эттирди Т.Юлдошев. Аслида бу савол уни муддаога ўтишига туртки бўлганди.

Шу боис у айти пайтда Ўзбекистонда юзлаб гуноҳсиз кишилар қамалиб, инсонни инсон ўрнида кўрмаган шафқатсиз терговчилардан кўплаб бегуноҳ одамлар жабр кўраётганини гапиришга тушди. Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳи учун ўрмонга тушган ўтдек, ҳўлу куруқ баравар эканлигини, улар ўз вазифаларидан четга чиқаётганлигини тушунтиришга киришиб кетди.

Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи жуда кўп қонунбузарликлар қилаётганлиги, инсонларни қийнаётганлиги, айбсиз одамларни маҳкамага тортиб, мажбурлаб раҳбарларга нисбатан ёлғон кўргазмалар олаётганлигини баён қилди. Ҳатто гувоҳ ва айбланувчиларга тан жароҳати етказётган фактларни, бир қанча раҳбар ходимлар қийноқларга чидай олмасдан ўз жонларига қасд қилганликлари ва терговчиларнинг бошқа қонунсиз ҳаракатларини образли қилиб, ишонарли тарзда тушунтирди.

Дарҳақиқат, Т.Юлдошевда нотиклик қобилияти кучли эди, шунингдек, Ўзбекистондаги вазиятни жуда яхши биларди ва тўғри тушунтира оларди.

– Тушунарли, – деди Абрамов.

Бўлиб ўтган савол-жавоблар кейин у Тўрақул акани ССРИ Бош прокурори қабулига олиб кирадиган бўлди. У бу ишни бир ҳафтани ичида амалга оширишга ваъда берди.

Орадан ўн кунлар ўтиб мени Абрамов чақириб, бир папка ҳар хил материалларни берди. Тўрақул Юлдошевга билан биргаликда ўзбекистонликлар номидан Бош прокурор-

га очик хат тайёрлашимизни, хат тайёр бўлгач аввал ўзига кўрсатишимизни тайинлади. Очик хат икки кунда тайёр бўлди. Мен уни Абрамовга кўрсатдим, ўқиб чиқиб бир-икки жойини тузатиб берди.

Бир неча кун ўтиб, Бош прокурорга киришимизни айтди. Соат 16:30 ларда Александр Яковлевич Сухаревнинг қабулига кирдик.

– Қани ўртоқлар, – дея у бизни ўтиришга таклиф қилди. – Масаладан қисман хабарим бор. Шу боис гапни чўзиб ўтирмасдан муддаога ўтсак.

Тўрақул Юлдошев шошилмасдан ўттиз минутлар гапирди. Александр Яковлович унинг гапини бўлмасдан бутун вужуди билан эшитди, ўзига нималарнидир ёзиб олди. Охирида Тўрақул аканинг нотиклигига қойил қолиб, ҳатто чапак чалиб юборди.

Тўрақул ака мен ва Абрамовга ҳеч қандай гап қолдирмади. У Ўзбекистонда бўлаётган қонунсиз тергов ҳаракатларини жуда аниқ ва тиниқ тушунтириб бера олгани сабабли Бош прокурорнинг Ўзбекистон бўйича фикри тубдан ўзгарди...

Александр Яковлович очик хатни олиб қолиб, тегишли чора кўрилишини айтди.

Шунингдек, Юстиция вазири бўлиб ишлаган вақтида чет эллик юристларни олиб икки марта Самарқандга борганлиги, Самарқанд жуда ёққанлигини, Самарқанд вилояти юстициясининг бошлиғи Ҳайдар Исломов кутиб олиб, меҳмон қилганлигини зўр ҳаяжон билан сўзлаб берди.

Тўрақул ака ҳам Ҳайдар ака ҳақида жуда илиқ фикрларни билдириб, мен у кишининг шогирди эканлигимни айтиб ўтди.

Биз Бош прокурор ҳузуридан соат 17:20 ларда чиқдик ва Абрамовнинг хонасига кирдик. Абрамовга бу учрашув ва Тўрақул аканинг гаплари жуда ёққан эди. У энди яна тайёргарлик кўриб, Ўзбекистонни, унинг пахтакорларини қаттиқ ҳимоя қилиш кераклигини айтди ва материаллар йиғиб зарур тадбирларни амалга оширишимизни тушунтирди.

Шу куни биз Тўрақул ака билан кўтаринки кайфиятда

чиқиб, анча суҳбатлашдик. Ҳайдар Исломовга телефон қилиб, Алексей Яковловичнинг саломини етказдик.

Эртасига Абрамов мени ҳузурига чақириб, “аканг зўр одам экан, у киши менга ёқди, жуда самимий ва очиқ инсон экан”, деб гапириб қолди...

Ўз навбатида Абрамов ва Сухарев ҳам Тўрақул акада жуда илиқ таассурот қолдирганди. У киши прокурорлар билан учраштирганим учун мендан ҳам хурсанд бўлганди. Бу гапларни у кишининг умрини охиригача ҳар учрашганимизда эслаб турардик... Тўрақул ака кенг фикрли, давраларнинг гули, тўғри сўзли, ҳақиқатгўй инсон, қадрдон акам эди...

Менга бошқарма раҳбарияти бошқа ишлар бўйича ҳам топшириқлар бера бошлади. Шу боис иттифокнинг турли ҳудудларида олиб борилаётган ишларга бошқарманинг алоҳида топшириқлари бўйича бориб, тергов ҳаракатларида қатнашиб юрдим. Арманистон, Грузия, Украина, Сибир ўлкаси ва бошқа жойларда сафарда бўлиб, тегишли топшириқларни бажариб келдим. Буларнинг барчаси кўнглимнинг туб-тубида юртимизда бўлаётган қабихликларга нисбатан нафрат кун сайин кучайиб боришигагина хизмат қиларди.

Гдляннинг Ўзбекистонда қилган ишлари ўша даврларда бир шоир дўстимиз томонидан ёзилган ушбу шеърни ёдга солади:

*Ҳеч қачон сопини кесмайди қилич,
“Ғолиблар” даврини сураверади.
Насаби номаълум яна бир Илич -
Халқини беомон қираверади...*

*Фалокат чекинар, даф бўлмас хатар,
Ногаҳон уй ёнар, портлайди кўприк.
Уруш тугаса ҳам жанг давом этар –
Сталин ўлмаган, Берия тирик!*

*Ўзбеклар ватани қонга қорилди,
Яна аросатда додлар ўзбегим...*

Ўзбек қардошнинг боши ёрилди –
Нафақат Сталин, Гитлер ҳам тирик!

Бировнинг дардини англамас биров,
Ҳар кимга ўзининг яраси йирик.
Ногаҳон боғимни босди-ку қиров –
Демак, қиш ярадор, қиш ҳали тирик...

Умр ўтиб борар елдек ғизиллаб,
Дунё эшиклари очилиб кетган.
Бири илм истаб, бири иш излаб,
Ўзбеклар дунёга сочилиб кетган.

Асло тарк этмасин дилни диёнат,
Кўҳна достонингни кўйла эй, бахши,
Оналарни ташлаб қочиш хиёнат,
Жаҳаннам бўлса ҳам, Ватаним яхши!

АҲМАДЖОН ОДИЛОВ КИМ?

Аҳмаджон Одилов Наманган вилояти Поп тумани, Ғурумсарой қишлоғида 1924 йилда туғилган. Отаси 1937 йилда халқ душмани сифатида отишга ҳукм қилинган. Бир йиллик ҳисобчилик курсини тугатиб, Ленин номли колхозда дастлаб оддий ҳисобчи, кейинчалик бош ҳисобчи ва колхоз раиси вазифаларида ишлаган. 1971 йилда колхоз таркибида ташкил этилган Агросаноат бирлашмасига бош директор этиб тайинланган.

Агросаноат бирлашмасида ўн иккита ҳар хил қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашган совхозлар ташкил қилиниб, турли соҳаларда иш юритилган. Шу совхозларда йўналишига мос равишда завод, фабрика ва цехлар ташкил қилинган. Совхозларнинг ҳисоб-китоб ишлари, пул маблағларини сарфлаш бирлашманинг марказий ҳисобхонаси орқали амалга оширилган....

Мен Аҳмаджон Одиловнинг иши бўйича назорат иши жилди ва иш бўйича тушган аризалар, жинойт ишининг барча тафсилотлари билан танишдим. А.Одилов бош директор бўлган Агросаноат бирлашмаси тажриба тарзида Республикамизнинг яна бир ҳудуди – Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ҳам ташкил қилинган (бош директор Зариф Бурҳонов бўлган).

Агросаноат бирлашмаси ҳудудда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва маҳсулотларини ўзининг бир нечта заводларида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот чиқарарди ва ҳатто экспортга ҳам юборарди. Жуда даромадли бирлашма бўлган.

А.Одилов бош директор сифатида бирлашмага бўйсунувчи барча совхозларга раҳбарлик қилган ва пул маблағларини шахсан ўзи тасарруф этган. Мавжуд маблағлар ишчиларга ойлик сифатида берилган, агросаноат бирлашмаси ҳудудида бир қанча қурилишлар амалга оширилган. Жумладан,

бирлашма маблағлари ҳисобидан мактаб, болалар боғчаси, агросаноат бирлашмаси идораси, шифохона, ички ишлар бўлинмасига маъмурий бино, йўллар, ариқлар, ерларни ўзлаштириш учун насос станциялари, дам олиш масканлари, дала шийпонлари қурилган, қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган.

Агросаноат бирлашмаси ҳудуди Тожикистон, Қирғизистон Республикалари ва Тошкент ҳамда Фарғона вилоятлари билан чегарадош эди. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш омборлари, ҳар бир совхозда мавжуд хом ашёга мос завод-фабрикалар қурилган ва бирлашмада бир неча минг киши иш билан таъминланган.

А.Одилов Сирдарёга жуда катта насос станциялари ўрнаттириб, сув чиқарган ва минглаб гектар ерларни ўзлаштиришга бош бўлган. Натижада қўшни туман ва республикалардан қанчадан қанча деҳқонлар келиб, ер олиб ишлаган, оиласини боққан...

Аслида А.Одиловни Ўзбекистон Республикаси прокуратураси терговчиси И.В.Меровский қамоққа олган. Меровский А.Одилов ва унга нисбатан очилган жинойт ишига тааллуқли деб билган шахсларни уриб-сўкиб, Гдлян “методи”ни қўллаган. Гумонланувчиларнинг қариндошлари ва оила аъзоларини қамаш билан қўрқитган. Шу орқали Ўзбекистон раҳбарлари, жумладан, Шароф Рашидов ва бошқа масъул шахсларга нисбатан қуруқ ёлғондан иборат айблов қўргазмалар олган.

Узоқ вақтдан буён олиб борилаётган тергов ҳаракатлари натижасида аниқ қарорлар қабул қилинмагани сабабли жинойт иши ССРИ Бош прокуратурасининг 2-махфий бошқармасига олиб берилган. Бошқарма терговчиси Борис Евгеньевич Сведерский раҳбарлигидаги тергов гуруҳи бу иш билан шуғуллана бошлаганди.

Мен иш материаллари билан танишиб чиқиб, тегишлича маълумотнома ва саволнома туздим-да А.Одиловни сўроқ қилиб, айрим ҳолатларга аниқлик киритиш учун раҳбариятга

тақдим қилдим. Раҳбарият саволнома билан танишиб чиқиб, А.Одиловни қўшимча сўроқ қилишни менга топширди.

Рухсат бўлиши билан Москва шаҳри тергов хибсхонасида сақланаётган А.Одиловни сўроқ қилиш хонасига чақиртирдим. Назоратчилар А.Одиловни олиб киришганида у кишининг қўлида оғир халта бўлиб, ичида беш-олти жилд ҳар хил қоғозлар бор эди.

– Ассалому алайкум, танишиб қўяйлик, терговчи Исмаилла Йўлдошев бўламан.

Ўзбекча саломимга жавобан А.Одилов ишончсизлик, ҳадик аралаш юзимга тикилиб қолди.

Ўтириб, танишдик. Мен самарқандлик эканлигимни айтдим. У киши вилоят ижроия комитети раиси Синдор Ҳамроқулов билан яхши муносабатда эканлиги ҳақида гапириб берди. Орада Самарқанд вилояти партия Комитети собиқ биринчи котиби Бектош Раҳимов ҳақида ҳам гапириб, уларга ижобий характеристика берди. Беш кунлар чамаси давом этган сўроқларни жуда эркин ва самимий олиб бордим. У кишининг ҳар бир гапини бўлмай, охиригача эшитиб, саволнома бўйича давом этдим. Сўроқ давомида қўшимча ҳолатлар бўйича саволлар бериб, муқаддам берган кўргазмаларига аниқлик киритиб бордим.

А.Одилов бир нечта терговчилар томонидан сўроқ қилинганлиги, сўроқлар рус тилида олиб борилиб, баъзи қисмларига терговчиларнинг алдовларига ишониб қўл қўйиб, тасдиқлаб берганлиги ҳақида кўргазма берди.

Сўроқ давомида жиноят ишидаги юзлаб одамларга эълон қилиниши лозим бўлган айбномаларнинг тахминий ҳолатлари бўйича ҳам савол-жавоблар қилдим. Мақсадим жуда кўпчилик сабабсиз жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олиш, бўрттириб кўрсатилган ҳолатларни юмшатиб, ҳақиқий ҳолатларни аниқлашдан иборат эди.

А.Одилов мен ёзган сўроқ баённомаси билан танишиб, ҳеч қандай қўшимча қилмасдан тўғри ёзилганлигини, фикрлари тўлиқ баён қилинганлигини айтиб, тасдиқлаб берганди...

Биз бир-биримизни жуда тез тушуниб олдик. Шу сабабли у киши билан сўроқ баённомасига қўшмаслик шарти билан бир қанча масалаларни гаплашиб олдик. Унинг асосий хатоси келиб тушган пул маблағларини давлат банкига топширмай бирлашма кассасида сақлаб, заруратга қараб харажат қилганлигида эди.

А.Одилов Москвадан, Тошкентдан, вилоятлардан ва бошқа жойлардан бирлашмага ташриф буюрган ҳар хил раҳбарлар, тафтишчилар, журналистлар, шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, мутахассисларни меҳмон қилган, уларга ҳар хил совғалар берган. Шу харажатларни ҳам махсус ҳисобчи ҳужжатлаштириб, ҳар бир меҳмоннинг номига махсус жилд очиб, сарф қилинган суммаларни кўрсатиб, алоҳида яширин ҳисоб-китоб ишларини олиб борган...

Жиноят иши материалларидан аниқланишича, дастлабки тергов давомида Агросаноат бирлашмасининг бош директори А.Одилов ва бир неча кишилар қамоққа олинган. Бош директор А.Одилов бир неча кун сўроқ қилиниб, бир қатор мансабдорлар, жумладан, собиқ иттифоқ мансабдор шахсларига ҳар хил сабаблар билан совға (пора)лар берганлиги, уларни меҳмон қилиб, бирлашманинг жуда кўп миқдорда маблағларини талон-тарож қилганлиги фактлари кўрсатиб ўтилган. Бироқ сўроқ давомида пора тариқасида берилган совғалар қачон, қаерда, қандай ҳолатда берилгани тўлиқ кўрсатиб, исботланмаган. Жиноят процессуал қонунлар бўйича аниқланиши лозим бўлган вақт, жой ва усулга мутлақо ойдинлик киритилмаган.

Қизиғи, А.Одиловнинг кўргазмаси бўйича илгари Ўзбекистон Республикаси прокуратураси терговчиси бўлиб ишлаган, ўша вақтда Самарқанд шаҳар прокурори вазифасида ишлаётган Обиддин Алибоев ҳам бир неча йил олдин бирлашма бўйича олиб борган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини тугатиш учун пора олганликда гумонланиб, қамоққа олинган.

Мен А.Одилов ва бошқаларга нисбатан очилган жиноят

иши материаллари билан тўлиқ танишиб, тўртта ёзма кўргазма тайёрладим:

Биринчисида жиноят иши юзасидан А.Одиловга тегишли бўлмаган ўттиздан ортиқ қисмлар бўйича тегишлича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, гумондорларни ушлаб турмасдан, ҳолатларга қараб қонуний тўхтамга келиш кераклигини баён қилдим. Қолаверса, айблари тасдиқланган ҳолатларни тегишли хулоса билан ҳудуд бўйича судларга юбориш, тасдиқланмаганларини тугатиш, баъзи қисмларни ҳудудий прокуратураларга тегишли қарор қабул қилиш учун юбориш кераклигини билдирдим.

Иккинчисида Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва баъзи масъул мансабдор шахсларга тегишли бўлган қисмларни қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориб, яқуний хулосага келиш, айбдорликлар тасдиқланса, судга юбориш ёки тегишлича қарор чиқариб, қисмларни тугатиш масаласини ҳал қилиш зарур дедим.

Учинчисида жиноят ишининг Москва-Кремл қисми бўйича ҳам қўшимча бир қанча тергов ҳаракатлари олиб борилиб, тегишли қонуний қарор қабул қилиш масаласи ҳал этилиши лозимлигини билдирдим.

Тўртинчиси А.Одилов ва бошқаларга нисбатан хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, бирлашманинг мол-мулки ва бойликлари, пул маблағларини талон-тарож қилинганлиги фактлари бўйича мутахассислардан тегишли хулоса олиниб, суд бухгалтерияси ва бошқа экспертизалар ўтказилиши, уларнинг айбдорлик ҳолатларига баҳо берилиб, тегишли хулосага келиниши ва судда кўриш учун юбориш кераклиги ҳақида эди.

Ёзма кўргазмаларни раҳбариятга тақдим қилдим. Унда, шунингдек, жиноят иши бўйича гумондор тариқасида қамоққа олинган совхоз раҳбарлари, мутахассислар ва ҳайдовчиларни қамоқда ушлаб туришга ҳеч қандай асос йўқлиги туфайли уларнинг эҳтиёт чораси тилхат билан ўзгартирилиши, қамоқдан озод қилиниши, зудлик билан уларнинг қисмларини ҳаракатдан тугатиш чораларини ҳал қилиш ҳам кўрсатилган эди.

Раҳбарият фикрларимга тўлиқ қўшилди. Шу боис Бош прокурор ўринбосари Абрамов чақириб, А.Одилов ҳақидаги жиноят иши бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатлари икки йилдан буён ҳеч қандай натижага эришилмасдан тўхтаб қолганини айтди. Айтишича, жиноят иши юзасидан дастлабки тергов муддати ССРИ Президенти М.С.Горбачёв томонидан ҳам узайтирилган эди.

Самарқандда бундан ҳам кўпроқ эпизодли, эллик, юз киши айбловлигидаги жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориб, қонунда белгиланган муддатларда тугатиб, судга юборганимиз, тергов ҳаракатлари ва қамокда сақлаш учун муддатни узайтирмасдан иложи борица масалани у ёки бу томонга ҳал қилганимизни айтдим. Жиноят ишлари қанча чўзилса, муддат узайтирилса, жиноят ишининг салмоғи пасайиб, баъзи далиллар ўз кучини йўқотиши, гувоҳларнинг кўргазмалари ҳам ўзгариб кетишини билдирдим. Ўзим баъзи жиноят ишларини бир-икки кунда тугатиб, судга юборганлигим ҳақида гапириб бердим.

Орадан кўп ўтмай А.Одилов ва бошқаларнинг жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давомида раҳбарият томонидан берилган ёзма кўргазмаларни бажарилиши, тергов ҳаракатларининг аҳволини ўрганиш ва дастлабки терговда қатнашиш, Бош прокурорнинг алоҳида махфий топшириқларини бажариш ва тегишли ахборот бериш учун Москвадан Наманганга жўнатилдим.

Наманганда дўстим, вилоят прокурори Чори Жўраев кутиб олди. У билан Москвада – бутуниттифоқ прокуратурасининг малака ошириш курсида икки ой бирга ўқиб, бир хонада яшаганимиз сабабли жуда қадрдон бўлиб кетган эдик. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси прокуратураси йиғилишларида бирга қатнашиб, бир-биримизнинг уйимизда меҳмон бўлганмиз. Шу сабабли боришим ҳақида у кишига билдирган эдим, мени кутиб олиб, бир пиёла чойга таклиф қилди. Уйда меҳмон бўлиб анча суҳбатлашдик.

Суҳбат давомида у вилоят прокуратурасининг хоналарини бир неча йилдан буён Бош прокуратура терговчилари

эгаллаб олиб, ишларига халал бераётганлиги, уларга терговни ташкил қилишида ёрдамлашиш учун кўп вақт сарфлаётганини гапириб қолди. Мен ҳам ўзимга тегишли бир қанча ҳолатларга қизиқиб, зарур ахборотларни олдим.

Унинг ҳайдовчиси Ҳакимбек кеч соат 23:00 ларда меҳмонхонага олдиндан айтилган хонага жойлаштирди. Эрта-лаб туриб, нонушта қилгач Наманган вилояти прокуратурасига бордим. Бу вақтда Бош прокуратура тергов гуруҳи ҳали ишга келмаганди. Улар ишни соат 10 дан кейин бошлар экан. Наманган шаҳар прокуратураси ҳам шу бинода жойлашгани сабабли мен гуруҳ аъзолари келгунга қадар шаҳар прокурори, эски танишим Умматали Шамсиевнинг хонасида гаплашиб ўтирдим.

Соат 10 ларда гуруҳ раҳбари Сведерский билан учрашишга муяссар бўлдим ва ўзимни таништирдим. Сухбат давомида ишни жиноят иши материаллари билан танишишдан бошламоқчи эканлигимни айтдим, у рози бўлиб, тегишли жилдлар турган хонани кўрсатди. Хонада уч юз жилддан зиёд жиноят иши материаллари бор экан.

Шаҳар прокурори ўзининг ўринбосарини хонасини менга ажратиб берди. У ерда жиноят иши материаллари билан ўн кунлар чамаси танишиб, бирон бир тузук сўроқлару далиллар топа олмадим. Қирқдан зиёд терговчи ва тезкор ходимлар, мутахассислар дастлабки терговда қатнашиб, бирон-бир аниқ натижага эришолмаганлигига ишонч ҳосил қилдим. Ўрганган ишлар юзасидан ўзимга маълумотнома қилиб олдим.

Ҳар жума куни Қўқон шаҳрига бориб соат 18:30да Давлат хавфсизлик комитети (КГБ)нинг факс аппаратида Москвага—Бош прокуратурага махфий тарзда факсограмма, маълумотноманинг ҳақиқийсини махфий почта орқали юборишим керак эди. Бундан ташқари, тергов гуруҳи бўйича ҳам баъзи маълумотлар олиниб, йигирма варақдан иборат ахборотномани биринчи марта Ким Юра номли ходим орқали жўнатдим.

Ахборотномада жиноят иши бўйича ўз фикрларимни ҳам кўрсатган эдим. Унда жиноят ишини тегишли қисмларга ажратиб, судга кетиши имконияти бўлмаган қисмларини

ҳаракатдан тугатиш, баъзи қисмларини ҳудудий прокуратураларга юбориш ҳақида ва бошқа фикрларни кўрсатгандим. Орадан бир неча кун ўтиб Ким Юра менга почта борлигини айтди.

Кечки пайт Қўқонга бориб, махфий хатни олдим. Хатда раҳбарият менинг фикримга асосан қўшилганлиги ва ўзларининг бир нечта қўшимча фикрлари кўрсатилган эди. Мен хат билан танишиб бўлиб, уни Ким Юрага махсус сейфда сақлаш учун қолдирдим. Наманганга келгач тайёрлаб қўйган тергов режасига тегишли ўзгартиришлар киритиб, танишиб чиқиш учун гуруҳ раҳбари Сведерскийга тақдим қилдим.

...Тергов гуруҳининг раҳбари Сведерский жуда секин ҳаракат қилиши, унда тезкорлик йўқлигини билардим. У бундан олдин Навоий шаҳрида жойлашган тоғ кон-металлургия комбинатининг бош директори Зарапетян бошлиқ масъул мансabdор шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов гуруҳи раҳбари бўлган. Беш йил тергов ҳаракатлари олиб бориб, ишни жиноят таркиби йўқ, деб топиб ҳаракатдан тугатган.

Мен буни шахсан Зарапетяндан эшитгандим. Чунки ўша вақтларда мен Нарпай районлараро прокуратурасида ишлардим. Шу ерда яшовчи Аркадий Ҳалатов деган арман миллатига мансуб дўстим бўларди. У Навоий тоғ кон-металлургия комбинатнинг озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи бўлгани сабаб бир сафар учрашганимизда Зарапетян ҳам суҳбатдош бўлганди. У гап орасида иттифоқ прокуратураси терговчилари тўрт йилдан буён тергов ҳаракатлари олиб бораётганини айтган эди. Мен унинг гапига ишонмай ҳайрон қолганман. Яшавор шоввоз, дегинг келади. Шунча вақт қанча одамларни ишдан қолдирган ва давлатга қанча миқдорда зарари теккан?!

...Тергов режасини берганимдан сўнг икки-уч кун ўтиб Сведерский мени хонасига тақлиф қилди.

– Қани келинг, ўртоқ Йўлдошев, – дея истехзо билан қабул қилди. Шу топда унинг менга нисбатан ғазаб ва нафрати қайнаб тургани юз ифодасида зоҳир бўлиб турган эди.

Бироқ мен характер хусусиятимга ва ишнинг моҳиятига кўра босиқлик ва ақл билан иш юритдим.

Қайд этиш лозимки, у мен тузган тергов режаси билан келишолмасди. Шу боис орамизда анча тортишув бўлди. Мен ўз тажрибам, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва жиноят процессуал қонунлари, суд амалиётлари бўйича тергов режасининг тўғри ва айти дамба самарали тузилганини батафсил тушунтирдим. Бундан ташқари, бу масала раҳбарият билан келишилганлигини билдирдим. Шунга қарамай у ўйлаб кўришини билдирди.

Режа кескин қаршиликка учрамагани менинг руҳиятимга куч бағишлади. Ақл-идрок билан, пухта режага асосланиб иш юритиш муваффақият омили бўлишини яна бир бор ҳис қилгандим, ўшанда. Мен галдаги ишни бошладим: қамоққа олинган барчани, яъни Аҳмаджон Одилов ва Абдурахмон Ҳамроқуловдан бошқа ўн беш нафар шахсларнинг эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида қарорлар тайёрлаб қўйдим.

Тортишувимиздан икки кунлар ўтиб, қарорлар нусхасини Сведерскийга тақдим қилдим. У қарорлар билан танишиб, Обиддин Алибоевдан ташқари ҳаммасига розилик берди. Шундан кейин барча шахсларни қамоқдан озод қилдик. Уларнинг аксарият қисми совхоз раҳбарлари ва Аҳмаджон Одиловнинг қариндошлари эди.

Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тергов гуруҳи терговчиси Меровский томонидан қамоққа олинган. Кўпчилиги нима сабабдан қамалганини билмайди, дастлабки терговда адвокат, таржимон қатнашмаган, сўроқлар рус тилида ёзилиб, мажбурлаб имзо қўйдирганликларини баён қилар эди...

Сведерский тергов режамни ҳам кўриб чиқиб, баъзи жойларига ўзгартириш киритди ва тасдиқлаб берди. Режа бўйича ҳолатларни алоҳида терговга ажратдим-да терговчиларга ёзма кўрсатма бериб, маълум муддатда тугатиш чорасини кўриш, процессуал қонунлар асосида иш олиб бориш ва натижасини кўриб чиқишимизни тушунтирдим.

ҚАМОҚДАГИ СОБИҚ ПРОКУРОР

Обиддин Алибоев 1950 йилда Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида туғилган. 1973 йилдан бошлаб прокуратура органларида турли лавозимларда ишлаган. 1978 йилда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси терговчиси сифатида Наманган вилояти Поп туманида жойлашган Агросаноат бирлашмасининг айрим раҳбарларига қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борган. Жиноят иши бўйича бир қисмини судда кўриш учун юбориб, бир неча қисмларини ҳаракатдан тугатган.

Бу иш қайта кўрилганда, яъни 1984 йилда биринчи марта қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида А.Одиловга қўйилиши лозим бўлган айбларини тўлиқ текширмасдан, шошма-шошарлик билан ёлғон кўргазмаларга ишониб, мансабини суиистеъмол қилганлиги, пора олганлиги факти бўйича Ўзбекистон Республикаси прокурори А.Н.Бутирлин томонидан қамоққа олишга рухсат берилган.

Мен О.Алибоевни шахсан танирдим. У ўзини жуда катта тутиб юрадиган инсон эди. Ҳеч кимни писанд қилмасди. 1983 йиллар бўлса керак, Ўзбекистон Республика прокуратураси терговчиси лавозимидан Самарқанд шаҳар прокурори вазифасига ўтказилди. У келиши билан вилоят прокуратураси биносининг биринчи қаватида жойлашган Самарқанд шаҳар прокуратурасини алоҳида бинога кўчириб ўтказди.

Нимагадир ўша пайтдаги вилоят прокурори Умурзоқ Жалилов билан келишмасди. Вилоят прокурори ва ходимларининг талабларини бажармас, йиғилишларда ҳам иштирок этмасди. Аслида У.Жалилов ҳам пайариқлик бўлиб, жуда саводли, табиатан босиқ, кечиримли, кўп ишлайдиган, катта тажриба эга мутахассис эди. У Самарқанд вилоят прокуратурасига ишга келгунга қадар Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаб, тизимда алоҳида ҳурмат қозонганди...

* * *

Мен Обиддин Алибоев Самарқанд шахрида прокурор бўлган вақт бўйича қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориш учун Латвия Республикасидан келган терговчи Гунтус Вегантусни билан кўхна кентда бўлдим.

Қилинадиган ишлар жуда кўп эди. Чунки О.Алибоев Самарқанд шаҳар прокурори бўлиб икки ярим йил ишлаган. Барча ҳаракатдан тугатилган, тўхтатилган, судга кетган жинойт ишлари, жинойт ишини рад қилиш ҳақида чиқарилган қарорлар, ариза-шикоятлар кўриб чиқилиши керак бўларди. Самарқанд вилояти прокурори Владимир Иванович Еременконинг қабулига кириб вазиятни тушунтириб, ёрдам сўрадим. У барча бўлим бошлиқларини чақириб, менинг режам бўйича тегишли топшириқлар берди.

Ишлар қизиб кетди, ходимлар кечки пайтлар ҳам ишладди. Натижада ҳамма хулоса, сўроқларгача қилиниб, бир-икки ой чўзилиши мумкин бўлган иш бир ҳафтада якунланди.

Бундан ташқари, жинойт ишида бир кишининг “Алибоевнинг машинасини ремонт қилиб берганман”, деган кўрғазмаси бор эди. Обиддин Алибоев фойдаланган, отасининг номидаги “ГАЗ-24” русумли автомашина кўздан кечирилиб, тегишли экспертиза ўтказилди. Автомашина таъмирланмаганлиги, қисмлари ўзгартирилмаганлиги аниқланди. “Алибоевнинг машинасини ремонт қилиб берганман” деган кўрсатма ёлғон бўлиб чиқди...

Бир ҳафтада қилинган ишлар рўйхатини тузиб, бир жилдга жамлаб, тергов гуруҳи раҳбари Б.Сведерскийга тақдим қилдим. У ҳайрон қолиб варақлаб чиқди. Ишни бунчалик тез тугатганимизга ишонмай Еременкога телефон қилди. Барча фикрларим тўлиқ тасдиқлангач раҳмат айтиб, Самарқандга саёҳатга бормоқчилигини билдирди. Еременко мен билан бирга истаган вақтда келиши мумкинлигини айтди.



Одатий иш кунларининг бирида О.Алибоевнинг қайно-таси Алишер Тўхтасинов келиб менга мурожаат қилди. У Андижон тумани прокурори вазифасида ишлаган вақтлари Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ўқув курсида бир-га таҳсил олган эдик. Жуда мулоҳазали, очиқкўнгил, чехраси тиниқ бу инсон билан О.Алибоевнинг иши юзасидан анча суҳбатлашдик. У О.Алибоев билан учрашиши мумкинми ёки йўқлигини сўради. Мен раҳбарият билан келишиб, бу масалани ижобий ҳал қилиб беришни ваъда қилдим.

Бундан ташқари, А.Тўхтасинов О.Алибоевнинг иши бўйича қонуний вакил бўлиб қатнашмоқчи эканлигини билдирди. Буни ҳам раҳбариятдан сўраб жавобини айтаман, дедим. У О. Алибоевни нималарда айбланаётганлиги, кимлар унга кўргазма бераётганини суриштирди. Мен у кишига “Қонуний вакил бўлиб тайинлансангиз, иш материаллари билан танишиш имкониятига эга бўласиз”, деб тушунтирдим.

А.Тўхтасиновнинг мурожаати бўйича Сведерскийга айтгандим, афсуски, у рухсат бермади. Лекин мен бу билан кифояланиб қолмадим. Бу ҳолат бўйича Кўқон орқали «марказга» хабар юбордим. Эртаси куни хабар келди, унда О.Алибоевнинг қариндоши телеграмма жўнатиши айтилган эди. Алишер Тўхтасинов Бош прокурор номига телеграмма жўнатди. Мен унга О.Алибоев билан учрашиш ва қонуний вакил бўлиши тўғрисида қарор чиқардим. Аммо Б.Сведерский барибир имзо қўймади.

Унинг бу қўрслиги аччиғимни чиқарди, қолаверса, бир ўзбекнинг қонуний мурожаатини ҳал қилиб беролмаганим алам қилди. Шу сабабли қарорга ўзим имзо қўйиб, вилоят прокурорининг муҳри билан А.Тўхтасиновга О.Алибоев билан учрашиш учун рухсат бердим. Ўша пайтда О.Алибоев Тошкентда Давлат хавфсизлиги комитети (КГБ) тергов хибсхонасида сақланаётган эди.

Шундан кейин ўзим тузган режага асосан барча ҳолатлар бўйича терговчилар билан алоҳида-алоҳида гаплашиб чиқ-

дим. Қандай тергов ҳаракатлари олиб бориш, гувоҳларнинг гапларини қандай бўлса шундай ёзиш, ҳолатлар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ва бу бўйича тегишли маслаҳатлар олиш ҳақида ҳам тушунча бердим. Уларга топширилган жиноят иши қисмларини тезроқ тугатиб, ўз юртига кетиши мумкинлигини билдирдим.

Улар собиқ иттифоқнинг турли Республикаларидан келган терговчилар бўлиб, аксарият қисми ўзбек тилини билмаслиги сабабли ишни олиб боришда жуда қийналаётган эди. Шу боис уларга ҳар қандай ҳолатда ўзбек тилини биладиган терговчилардан кўмак олиши мумкинлигини тушунтирдим. Иш юришиши учун уларга Ғурумсарой қишлоғидан, яъни Агросаноат бирлашмаси идораси жойлашган қишлоқдан ётиб ишлаш учун шароит ташкиллаштириб бердим. Улар аниқ тергов режаси бўлмаганлиги сабабли жуда зерикиб кетган эди.

О.Алибоевни сўроқ қилиш ва у билан тергов ҳаракатлари ўтказиш учун Наманган шаҳрида жойлашган тергов ҳибсхонасига этап қилдирдим. У бир неча йиллар давомида сўроқ ҳам қилинмаган, у билан тергов ҳаракатлари ўтказилмаган. У уч йилдан ортиқ муддатда ҳеч ким билан учрашмаган, ҳатто ҳеч қандай озиқ-овқат ва кийим-кечак ҳам олиб берилмаган. Қамоққа олингандаги кийимлари билан сақланиб, ҳибсхонада нима берилса шу билан жон сақлаб келган. Наманганга олиб келинганида кўрдимки, костюмининг астари чириб кетган эди. Ўз вақтида жуда кибр билан юрган кишининг бу ҳолатга тушганлигини кўриб ачиниб кетдим...

У билан биринчи кунги тергов ҳаракатини тугатгач, Наманган вилояти Матлубот жамияти савдо бирлашмасининг раиси, эски танишим Бурхониддин Абдуғаниевнинг олдига бориб, ҳолатни тушунтирдим. О.Алибоевнинг ўлчамига мос костюм-шим, кўйлак, ички кийим, пойабзал ва бошқа майда-чуйдалар кераклигини айтдим.

Шу ўринда битта нарсани айтиб қўяй, яхши одамлар борлиги учун ҳам қиёмат қойил бўлмайди, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Бурхониддин Абдуғаниев эртасига

мен айтган нарсаларнинг ҳаммасини, шу жумладан, савоб бўлади, деб озиқ-овқат ҳам олиб келди.

О.Алибоевни ювинтириб, янги кийимларни бердик. У жуда хурсанд бўлди. Бу яхшиликни умрбод эсидан чиқармаслигини айтиб, дуо қилди. Ҳибсхона бошлиғига ҳам қўлидан келганча унга эътибор беришини илтимос қилдим. Қариндошларига телефон қилиб, Наманганга келиб О.Алибоевни кўриб кетишлари мумкинлигини, уларга рухсат олиб беришимни тушунтирдим. Лекин ҳеч ким келмади.

Мен О.Алибоевга нисбатан жиноят иши материалларини ўрганиб, уни айблаб судга бериш учун далиллар етарли эмаслиги, воқеаларга анча йил ўтиб кетгани, тиклаш имконияти йўқлиги сабабли уни қамокдан озод қилиб, жиноят ишини шу қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги фикр билан Б.Сведерскийга мурожаат қилдим. Лекин у тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. Ҳатто менга “илгаридан таниш бўлганлигинг учун уни ҳимоя қиляпсан”, деб таъна қилди. “Жиноят ишини истаган терговчига беришинг мумкин”, деб билдирги ёзиб ишни қайтариб бердим.

Шундан кейин Б.Сведерский жиноят ишини Сибир ўлкасидан келган терговчи А.Н.Петровга берди. У ҳам тергов материаллари билан танишиб чиққач, жиноят иши суддан ўтмаслиги, суд оқлов ҳукми чиқариши мумкинлигини таҳмин қилаётганини билдирди. Мен унинг гапини тасдиқлаб, чуқурроқ тушунтириш бердим. Кейин у “нима қилай”, деб маслаҳат сўради. “Б.Сведерскийнинг мақсади жиноят ишини ҳар қандай ҳолатда судга юбориш, тугатишга рози бўлмайди. Шунинг учун сен Бош прокурор номига билдирги жўнат”, дедим. У икки кунда билдирги тайёрлади, мен кўриб чиқдим. Бир-икки жойига қўшимча киритдим. Петров почтага бориб, билдиргини махсус почта орқали Бош прокуратурага жўнатди.

Бир ҳафтала ўтиб, Петровнинг билдиргиси бўйича Москвадан бошқарманинг тергов бўлими бошлиғи ўринбосари Е.И.Гусаков келди ва О.Алибоевни иши билан танишиб

чиқиб, маълумотнома ёзди. Мен у билан олдиндан таниш бўлганлигим туфайли жума куни Самарқандга саёҳатга олиб боришни таклиф қилдим. У таклифимга рози бўлди.

Самарқандда Гусаковни меҳмонхонага жойлаштириб, диққатга сазовор жойларни томоша қилдирдим. Меҳмонни ўзбекча таомлар, мева-чева, ширинликлар билан сийлаб, якшанба куни соат 16:30 да Самарқанд-Москва рейси билан чиқариб, кузатиб қўйдим. У хурсанд бўлиб кетди.

Шу тариқа Сибирлик терговчи А.Петров ҳам О.Алибоевга нисбатан жиноят ишини Б.Сведерскийга қайтариб, туғилиб-ўсган юртига жўнаб қолди.

Шундан кейин Б.Сведерский жиноят ишини Татаристондан келган терговчи Салим Хайрулинга топширди. У сал ҳовлиқмарок, мақтанчоқроқ одам эди. Гуруҳ терговчилари уни ёқтирмасди. У тез кунда О.Алибоевга нисбатан жиноят ишини муқаддам олинган ёлғон кўргазмалар асосида айблов хулосаси билан тугатди.

С.Хайрулин жиноят иши бўйича сохтакорликка йўл қўйиб, О.Алибоевнинг айбсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (гувоҳларнинг кўргазмалари, автомашинани ремонт қилинмаганлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ва бошқа ҳужжатларни) ишдан олиб ташлаган экан. Чамаси икки варақдан иборат бу ҳужжатлар тасодифан олдимдан чиқиб қолди. Мен бу ҳужжатларни дарҳол жиноят ишига қўшиш учун тақдим қилдим.

Жиноят иши айблов хулосаси билан Бош прокуратурага жўнатилди. Бош прокуратура жиноят ишини кўриб чиқишни ташкиллаштириш учун иттифоқ Олий судига юборди. Олий суд жиноят ишини кўриб чиқиш учун Қозоғистон Республикаси Олий судига юборди.

Мен бундан хабар топгач, О.Алибоевнинг қайнотаси, унинг қонуний вакили Алишер Тўхтасиновни чақириб, ишни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига қайтартириш чорасини кўриши лозимлигини тушунтирдим. Чунки гувоҳларнинг ҳаммасини Қозоғистонга олиб бо-

риш қийинчилик туғдирадди. Бу табиийки, О.Алибоевнинг айбсизлигини исботлаш имкониятини йўққа чиқарарди. Боролмаган гувоҳларнинг ёлғон кўргазмалари ўқиб эшиттирилиб, жазо тайинланиши эҳтимоли катта эди. А.Тўхтасинов Қозоғистонга бориб, танишлари орқали жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий судига қайтариб келди.

Жиноят иши кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Одий суди томонидан кўриб чиқилиб, О.Алибоевга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди. Уни прокуратура органларига ишга тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилди.

* * *

А.Одилов ҳақидаги жиноят иши бўйича иттифоқ прокуратурасида мен томонимдан ташкиллаштирилиб, жиноят ишига қонуний баҳо берилиб, тайёрлаган тўрта ёзма кўргазма ва бошқа ҳар бир ҳолат бўйича берилган ёзма кўргазма ва топшириқлар асосида бир неча юз қисмларга ажратилиб, тегишлича хулосага келинган эди. Жиноят ишининг аксарият қисми ҳар хил мотивлар билан ҳаракатдан тугатилди. Бу қисмлар босимлар орқали судларга берилган тақдирда тегишлича қоралов ҳукмлари чиқарилиши мумкин эди. Чунки ўша вақтларда судлар прокуратура томонидан юборилган ҳар қандай жиноят ишини тасдиқлаш, далиллар тўпланишига баҳо бермай прокуратура қарорига мос ҳукмлари чиқариш билан овора эдилар...

Суд ҳукмларидан норози бўлиб ёзилган минглаб ариза ва шикоятлар деярли кўрилмас эди. Аризачиларга иш тўғри кўрилганлик ҳақида жавоб хати юборилар эди, холос.

Хуллас, А.Одилов ҳақидаги ўша вақтлар бутун дунёга машҳур бўлган жиноят иши (Чунки бутун дунё оммавий ахборот воситаларида ҳали яқун топмаган бу ишга қўшиб-чатиб, овоза қилган эди. Шу сабабли собиқ иттифоқнинг айрим республикалари аҳолиси Ўзбекистонни билмаса-да, А.Одиловни яхши таниб қолган эди...) кенгайиб, қисмларга бўлиниб, парчаланиб кетган эди. Уч юздан зиёд гумонла-

нувчи ва айбланувчиларнинг ҳаракатларига қонуний баҳо берилиб, уларнинг ҳаракатлари қонун доирасида ҳаракатдан тугатилди. Узоқ вақт таъқиб, кузатув, қўрқув остида юрган шахслар ва уларнинг оила аъзолари барча гумонлардан қутулиб, янги ҳаётга қадам қўйди.

Жиноят иши бўйича А.Одилов ва уни ўринбосари А.Ҳамроқуловга нисбатан қисми зўрма-зўраки тугатилиб, айблов ҳулосаси билан судга берилган бўлса-да, бу қисми ҳам кейинчалик ҳаракатдан тугатилиб, улар ҳам озодликка чиқди.

Менга иттифоқ Бош прокурори томонидан берилган алоҳида махфий топшириқнинг биринчи қисмини муваффақиятли якунлаган эдим.

Шу жараёнларда гуруҳ раҳбари Борис Сведерский билан ўртамизда анча тортишувлар бўлиб, сен-менга ҳам борган эдик. Кейинчалик у ҳаммасини тўғри тушуниб, менга раҳмат айтган эди.

НАВБАТДАГИ МАХФИЙ ТОПШИРИҚ

Собиқ иттифоқ Бош прокуратурасининг алоҳида махфий топшириғига асосан галдаги вазифам ҳам Ўзбекистон билан боғлиқ бўлди. Унга кўра, Республикада олиб борилаётган бошқа жиноят ишлари, хусусан, Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи ва вилоятларда ташкил қилинган тергов гуруҳлари томонидан «Пахта иши» бўйича жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни ва бошқаларни қонунсиз ҳаракатлар бўйича Бош прокурор номидан жойларда қабул қилиб, тергов ҳаракатлари Республика қонунлари доирасида олиб борилаётганлиги, терговчилар томонидан ноқонуний ҳаракатлар ишлатилаётгани каби ҳолатларга ойдинлик киритишим керак эди.

Наманган вилоятида ўтказилган қабулда икки юздан зиёд одамнинг ариза ва мурожаатлари қабул қилинди. Кўп ариза ва мурожаатлар тегишли идора вакиллари ҳамда ҳудудий прокурорларга топшириқлар бериш йўли билан ҳал қилинди. Жиноят ишлари юзасидан айбловларга норози бўлган шахсларнинг аризалари маълумотномалар тузилиб, иттифоқ Бош прокуратурасига йўналтирилди.

...Тўрақўрғон туманидаги мактаб директориға таълим масканининг таъмири учун йиғилган ва таъмирлашга ишлатилган пуллар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, судга юборилган ва унга саккиз йил қамоқ жазоси берилган. Жиноят иши иттифоқ Бош прокуратурасида ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига суд ҳукмига протест киритиш учун тегишли тақдимнома юборилди. Республика прокуратураси суд ҳукмига протест киритди. Иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қайта кўрилиб, мактаб директориға нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди ва у ўз ишига қайта тикланди.

Фарғона вилоятида бўлиб ўтган қабулга бир юз эллик киши келди. Уларнинг ариза ва мурожаатлари кўриб чиқи-

либ, аксарият қисми жойида ҳал қилинди. Бешта аризани иттифоқ Бош прокурорининг номига қабул қилиб, уларни жиноят ишлари бўйича тегишли маълумотномалар билан иттифоқ Бош прокуратурасига тақдим этдик.

Аризалардан бири Қўқон шаҳар Ички ишлар бўлими (БХСС) ўзлаштириш ва социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш бўлими ходими пора олганлиги тўғрисидаги жиноят иши бўйича ёзилганди.

Аризани иттифоқ Бош прокуратурасига тегишли маълумотнома билан юбордик. Жиноят иши Бош прокуратурада ўрганилиб, Қозоғистон Республикаси Олий суди томонидан чиқарилган ҳукмга протест киритилди. Протест асосида жиноят иши қўшимча терговга қайтарилди. Қўшимча терговни ўзим олиб бориб, ходимнинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатдим ва уни ишга тиклаш ҳақида қарор чиқардим.

Унга туҳмат қилганлар жиноий жавобгарликка тортилди. Ишга тикланган ходим Қўқон шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи, кейинчалик эса Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Республика Йўл-транспорт назорат бошқармаси бошлиғи вазифаларида полковник унвони билан хизмат килди.

Қабул давомида Қўқон ёғ-мой комбинатининг директори Юсуфжон Ёқубов ҳар хил меваларнинг (шафтоли, ўрик ва бошқа) данакларидан фойдали ёғ олиб, фармацевтика ривожига ҳисса қўшаётганлиги, одамлар унинг номзодини иттифоқ Олий советига депутатликка кўрсатишаётганлигини, лекин унга вилоят партия комитетида рус миллатига мансуб шахс қаршилиқ қилаётганлигини билдирди. Депутат бўлмаслиги учун ҳар хил туҳматлар уюштираётганлиги боис шаъни, кадр-қиммати ҳимоя қилишда ёрдам сўради. Унинг мурожаати иттифоқ Бош прокуратурасига юборилди. Текшириш давомида унинг важдари тўлиқ тасдиқланди. Ю.Ёқубов кейин иттифоқ Олий советига депутат, Қўқон партия комитетининг биринчи котиби бўлди.

Сайёр қабуллар Самарқанд вилоятида ҳам ўтказилган-ди. Унда муқаддам Самарқанд шаҳар судининг раиси вазифасида ишлаган шахс мурожаат қилди. Мурожаатда айтилишича, у Самарқанд шаҳар судининг раиси вазифасида тўрт йилдан зиёд вақт ишлаган, унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига қўйилган. Судьялик фаолияти давомида уч йил олдин безорилик жиноятини содир қилган шахсга беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган. Жазони ўтаётган жойда тезкор ходимлар ўша маҳкумдан судяга пора берганлиги тўғрисида ариза олишган. Шу ариза асосида жиноят иши қўзғатилиб, у пора олиш жинояти билан айбланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. У саккиз йил муддатни ўтаб келган. Аслида эса тўхмат асосида жавобгарликка тортилганлиги, бу ҳақида ёзган юзлаб аризалари асоссиз равишда рад этилиб келаётганлигини билдирди. Унинг мурожаати ҳам иттифоқ Бош прокуратурасига тақдим этилди.

Жиноят иши иттифоқ Бош прокуратурасида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг шу иш бўйича чиқарилган ҳукмига протест киритилди. Жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий судида қайта кўриб чиқилиб, оқлов ҳукми эълон қилинди. У шу ҳукм асосида ишга тикланди. Тўхмат қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Сайёр қабуллар Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон автоном Республикаларида ҳам олиб борилди. Бир қанча ариза ва мурожаатлар жойида қаноатлантирилиб, тегишли хулосаларга келинган эди.

Сайёр қабуллар давомида мурожаатларнинг аксарият қисми “Пахта иш”ига оид бўлиб, кўплаб шахслар асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилаётганлиги ҳақида эди. Ҳақиқатдан ҳам минглаб кишилар – бригадирлар, агрономлар, мутахассислар ва бошқалар асоссиз равишда жавобгар қилинганлиги аниқланди.

Бу ҳолатлар аниқланиб, умумийлаштирилиб, иттифоқ Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикасидаги барча

тергов гуруҳларига тегишли топшириқлар бериш тавсия этилди. Тавсиям тезлик билан кўриб чиқилиб, раҳбарият фикримга тўлиқ қўшилди. Тергов гуруҳларига ва Ўзбекистон Республикаси прокурорига тегишли кўрсатма берилди. Кўрсатма бажарилмай келаётган эди. И.П.Абрамов менга бу ҳолатлар бўйича Республика прокурори Бутурлиннинг қабулига кириб тушунтиришимни айтди. Бутурлиннинг қабулига кирдим. У ўринбосари Олег Иванович Гайдановни чақириб, терговчиларни йиғиб, семинар ўтказиш кераклигини билдирди.

Шу асосда шанба куни соат 10:00 га Республикадаги барча тергов гуруҳлари, шу жумладан, Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи аъзоларини ҳам чақириб, иттифоқ Бош прокурорининг кўрсатмасини бажариш юзасидан семинар ўтказдик.

Семинарда тергов бўйича қонунда белгиланмаган тергов ҳаракатларини ўтказмаслик, гувоҳ ва айбланувчиларнинг шахсига тегмаслик, ёлғон кўргазма ва далиллар тўпламаслик, пахта иши бўйича моддий манфаатдор бўлмаган шахсларни, бригадир, агроном ва бошқа мутахассисларни жиноий жавобгарликка тортмаслик, тергов этикаси ҳақида қизғин суҳбат ва баҳслар бўлди.

Кўрсатма кўриб чиқилгандан кейин минглаб шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Адолат қисман бўлса-да, тикланган эди. Менга топширилган махфий топшириқда Ўзбекистон Республикасидан иттифоқ Олий советига сайланган депутатлар билан учрашиш вазифаси берилди. Учрашув давомида депутатларга “Пахта иши” бўйича тергов олиб бораётган Гдлян бошлиқ ва бошқа гуруҳлар томонидан тергов ҳаракатлари давомида айбсиз шахслар жиноий жавобгарликка тортилаётганлиги, сохта гувоҳлар, далиллар тўплаш билан шуғулланилаётганлиги каби кўплаб қонун бузилишлари содир этилаётганлигини тушунтиришим керак эди. Ўз навбатида, бу ҳолатларни ёзма равишда иттифоқ Олий советига чиқариш лозимлигини асослаб бериш вазифаси юклатилганди.

Мен ҳолатни бизда мавжуд бўлган фактлар ва бошқалар асосида гапириб бердим. Вазият ўта нозик бўлганлиги сабабли баъзи депутатлар тергов гуруҳидан қўриқиб, таклифимни рад этди.

Депутатлардан фақат Аҳмаджон Мухторов ва Одил Ёкубов рози бўлди. Мен уларга қонунсизлик билан боғлиқ барча ҳужжатларни ва сайёр қабулларда олинган аризалар мазмуни ёзилган маълумотномаларни, баъзи жиноят ишлари юзасидан терговчиларнинг қонунсиз ҳаракатлари бўйича судлар чиқарган ажримлар нусхаларини тақдим этдим.

Улар бу фактлар бўйича тўпланган маълумотларни Олий совет мажлисларига ёзма равишда тақдим қилиб, Бош прокуратурага бу қонунсиз ҳолатларга чек қўйишга ва тергов гуруҳи ҳаракатлари юзасидан хизмат текширувлари ўтказиб, тегишли чора кўришга чақирган эдилар. Кейинчалик уларнинг талаблари кўриб чиқилди. Гдлян ва унинг тергов гуруҳи аъзоларининг ҳаракатлари юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди.

ШОҚОЛЛАР ТЎДАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Адабий тилда чиябўри деб номланувчи катталиги итдек келадиган ёввойи ҳайвонни халқимиз шоқол деб атади. Шоқоллар асосан тўда-тўда бўлиб юриши, майда бўлишига қарамай чийилдоқ товуши билан бошқа ҳайвонларда ваҳима уйғотади. Уларнинг энг характерли хусусиятларидан бири ўз нафсини қондириш учун ҳеч нарсадан тап тормаглигидадир. Шоқоллар ўрни келса, ўрмон қироли деб тавсифланувчи арслонлар билан ҳам ўлжа талашишади. Тўғри, улар арслон билан бевосита жангга киришмайди, аммо унинг олдидагига кўз олайтириб, ғашини келтириш, бир тишлам олиб қочиш билан егуликни қолдириб кетишига эришган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Ўзини “мафия”га қарши кураш олиб бораётгандай қилиб кўрсатиш учун бутун марказий ОАВда чиқишлар қилган, моддий манфаатдорлик учун жавобгарликдан ҳайиқмай турли қабихликларга қўл урган Гдлян ва Ивановлар ҳам, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда пайдо бўлган шоқоллар тўдаси эди.

* * *

1984 йилда Нарпай туманлараро прокуратурасида ишлар эдим. Бир куни тумандаги барча ҳуқуқ-тартибот ходимлари, яъни прокурор, судя, ИИБ бошлиғи Ўзбекистон КП Марказий Комитетига мажлисга чақирилдик. Мажлисда Республиканинг ўша даврдаги барча раҳбарлари, иттифоқ МКнинг Ўзбекистонни назорат қилиш бўйича ходими ва иттифоқ Бош прокуратурасидан Бутурлин қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон МК биринчи котиби Усмонхўжаев маъруза қилди. У рус тилида пахтани қўшиб ёзиш фактлари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари ишламаётганлиги, республикада коррупция, порахўрлик авжига чиққанлиги, Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳи Бухорода жуда кўп миқдор-

да пул бойликларини топиб, бир қанча савдо ходимлари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари ва вилоят партия комитети раҳбарларини қамоққа олганлиги ҳақида бир соатга яқин маъруза қилди. Кейин Москвадан келган вакил сўзга чиқди. Уларнинг маърузаси бир-бирига жуда ўхшарди. Маърузада Усмонхўжаевнинг ўз сўзи йўқ эди. Уни Москвадан келган вакил тайёрлагани билиниб турарди. Эртасига Республика прокуратурасида йиғилиш бўлди. Йиғилишда Н.Бўрихўжаев Республика прокурори вазифасидан кетганлиги, ССРИ Бош прокуратурасида бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган Бутурлин прокурор этиб тайинланганлиги эълон қилинди.

Шундан кейин бутун Ўзбекистон бўйича пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўшиб ёзиш бўйича бир қанча жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов гуруҳлари тузилди. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида дастлабки тергов ҳаракатлари бошланиб, жиноят ишлари судларга юборила бошланди.

Шу йиллари ўзбек халқи учун 1937-1938 йиллар гўёки қайтиб келган эди. Бир томонда Ўзбекистон прокуратураси томонидан пахта иши бўйича қўзғатилган жиноят ишлар бўйича тергов олиб бориларди. Иккинчи томонда Гдлян ва Ивановларнинг тергов гуруҳи томонидан қамоққа олишлар, айблашлар бошланиб кетганди. Ҳамма қўрқувда яшар эди. Арзларни тинглайдиган одам йўқ эди. Шикоят-аризаларни ҳеч ким текширмас эди. Ўша вақтлари прокуратура тизимларида ходимларнинг қонунсиз ҳаракатларини тафтиш қиладиган махсус инспекция йўқ эди. Айбсиз одамлар йиллаб қамоқларда ётарди.

Гдлян 1983 йилда Бухоро вилояти савдо бошқармаси масъул мансабдорларининг ҳаракатларига нисбатан ДХК (КГБ) томонидан қўзғатилган жиноий иш юзасидан дастлабки тергов ҳаракати олиб бориш учун иттифоқ Бош прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига раҳбар қилиб Ўзбекистонга юборилганди.

Унинг тергов гуруҳи Бухоро вилоятида савдо соҳасида ишловчи ўттизга яқин қамоққа олинган шахслар бўйи-

ча дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борган. Қамоққа олинганлардан 27 нафарини дастлабки тергов давомида ёлғон кўргазмалар беришга ундаб, масъул мансабдор шахсларга нисбатан жуда кўп миқдорда пора берганлиги тўғрисида ёлғон кўргазмалар олган. Гдлян берган ваъдасига асосан жиноят ишларининг ўша 27 кишига тегишли қисмларини ҳаракатдан тугатиб, уларни қамоқдан озод қилган ва иш жойларига қайта тиклаган. Кейинчалик улар билан жиноий тил бириктириб, бир қанча жиноятларни содир қилган.

Гдлян ва унинг гуруҳини бу қадар бебошликка берилиб кетишининг туб сабабларини англаб етишда ССРИ Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлган В.Илюхининг хотиралари муҳим аҳамиятга эга.

“ССРИнинг собиқ Бош прокурори Александр Михайлович Рекунков билан охирги гаплашганимизни яхши хотирлайман, – дейди В.Илюхин. – Бу вақтда у пенсияда эди. Бир куни менга телефон қилиб, учрашишимиз керак, деди. Уни Гдлян иши бўйича съезд комиссиясида эшитмоқчи бўлишаётганини, кўпгина фактик ҳолатларни унутаёзганини ва мен билан бўлажак суҳбат чоғида уларни хотирасида тиклаш ниятида эканлигини қисқа қилиб тушунтирди.

Мен рози бўлдим, зеро унинг илтимосига розилик бермаслигим ҳам мумкин эмасди. Чунки у яқиндагина менинг раҳбарим эди, уни ҳамиша ҳурмат қилардим. У менинг тақдиримда катта рол ўйнаган.

Очиғини айтганда, дастлабки кезларда бизнинг муносабатларимиз анча оғир кўчган. Мен аппаратдаги мавжуд вазиятга, тартиб-қоидаларга дарров кўникиб кета олмаганман. Муҳокама ва ахборот берган пайтларимда тўғрисиқлигим, прокуратуранинг ҳамма қаватларида раҳбарлар билан қўл остидагилар ўртасида таркиб топган муносабатлардаги мураккаб бюрократик услубни тезда ҳазм қила олмаганлигим ўзимга панд берган.

Масалан, кўпдан бери ишлайдиган аппарат ходимлари мени огоҳлантириб, мабодо бирон бир масала юзасидан А.Рекунковга бошқа бир одам ахборот бериб бўлган бўлса,

сен худди шу масала юзасидан яна унга ахборот бераман, деб хомтама бўлма, Александр Михайлович иккинчи ахборотни қабул қилган ҳоллар камдан кам бўлади, дейишганди. Рекунковнинг ана шу заиф томонидан хабардор бўлган аппарат ходимларидан баъзилари бундан фойдаланишар, обрў орттиришарди. Шундай гап-сўзларга қарамай мен ҳар қалай унинг ҳузурига киришга жазм қилардим, ўз фикримни баён этардим, тўғриси, дакки ҳам эшитардим, аммо ўз фикримни ҳимоя қилардим.

Бош прокурор ҳам мени тушунди, шекилли, 1987 йил сентябрда Югославияга хизмат сафарига ўзи билан бирга олиб кетди. Бу мамлакатда биз прокуратура ва судларнинг иши қандай ташкил қилинганлиги билан танишдик. Шунда Александр Михайлович билан норасмий вазиятда мулоқотда бўлиш учун имконият туғилганди.

Ҳар қалай, у ҳақиқий Бош прокурор, кучли, иродали раҳбар эди, давлат ҳокимияти бошқарув органидагилар унинг фикри билан ҳисоблашишарди. Прокуратура органларида ишлаган 40 йилдан кўпроқ вақт ичида у ишда тартиб ўрнатиш учун кўп тадбирлар кўрди. Ҳокимият тепасига Ю.Андроповнинг келиши билан порахўрликка, ўғирликка қарши бошланган фаол курашнинг оғирлиги асосан А.Рекунков ва прокуратура зиммасида эди. Тўғри, бу курашда жиддий нуқсонлар ҳам бўлди. Гдлян Ўзбекистонда ўзбошимчаликка йўл қўйганлигида унинг ҳам айби бор, албатта...

Александр Михайлович келишилган вақтда хонага кириб келди. Биз қучоқлашиб кўришдик, юмшоқ ўриндиқларга ўрнашиб олиб, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Шундан сўнг Рекунков қонунчиликни бузиш ҳоллари оммавий тус олганлиги тўғрими, деб сўради ва текшириш давомида нималар аниқланганлиги ҳақида сўзлаб беришимни илтимос қилди. Мен унга қонунсизликнинг асосий шакллари ҳақида қисқача гапириб бердим ва фуқароларнинг кўпгина арзномалари тасдиқланаётганини айтдим.

Шунда “Қандай қилиб бу аҳвол рўй берди экан? Терговда

қонунчиликка қатъий риоя қилинишини мен қаттиқ талаб қилганимни ўзинг яхши биласан-ку, ахир”, деб навбатдаги саволни берди. Менинг айтган гапларимдан кейин Александр Михайлович анча тушкун аҳволда эди. Шунга қарамай, мен унга очиғини айтдим.

Гапни Каракозовдан бошладим. Бу одамнинг ўзи Гдляннинг таъсири остига тушиб, унга қарши боролмай қолганини, тергов материалларини яхши билмай, Александр Михайловични алдаб келганини, у бўлса Каракозовга ишонганини ва бу билан катта хато қилганлигини айтдим. Каракозов ва Гдлян олинаётган миллионлар ҳамда республикадаги юқори мансаблардаги кишиларнинг ҳибс қилиниши билан унинг бошини айлантириб қўйганликларини, кўп масалалар юзасидан унинг ўзи иш материаллари билан танишмасдан, Каракозов тақдими бўйича асоссиз қарорлар қабул қилганлиги ҳақида гапирдим. Ҳеч бир зарурати бўлмаган ҳолда айрим шахсларга нисбатан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида ҳатто ўринбосарларига ҳам ишонмай, фақат шахсан ўзигагина ахборот беришлари ҳақида кўрсатма бериб, хато қилганлигини айтдим.

Мен унинг ўринбосари Сорока ҳақида билган ва ўйлаган нарсаларимнинг ҳаммасини яширмай гапириб бердим. Сорока кўп ҳолларда қийин масалаларни ҳал этишдан ўзини олиб қочганини, уларни ҳал этишни асоссиз равишда ўз ўринбосарларига юклаганини, била туриб масъулиятдан қочиш мақсадида шундай қилгани ҳақида гапирдим. Сороканинг иш столи усти ҳамиша бўш туришини, ўзига олиб келишган тергов материалларини ақалли танишиш учун бир соат ҳам ушлаб турмаслигини, барча қарорларни берилган ахборотга асосланиб қабул қилаверишини, бу хилда раҳбарлик қилиш услубида жиддий нуқсонларга, қонунсизликларга йўл қўйилиши муқаррарлигини таъкидладим. Гдлян билан Иванов Бухоро вилоятидаги талон-тарож, ўғрилик ва порахўрлик билан шуғулланган ўнлаб одамларни асоссиз равишда жавобгарликдан олиб қолганликларини Сорока

биларди, аммо бу борада ҳеч қандай чора кўрмади, сукут сақлади ва бу билан уларни янгидан-янги қонунсизликлар қилишларига йўл очиб берди. Мана оқибати энди кўриниб турибди, дедим.

Биз Александр Михайлович иккаламиз яна кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. Назаримда, унинг қўл остида ишлайдиган одам биринчи бор унинг ишига баҳо бераётган, собиқ раҳбарининг камчиликлари ҳақида тўғри бетига айтаётган эди.”

* * *

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Гдлян ва Ивановлар гуруҳининг жиноий ҳаракатлари бўйича ССРИ Бош прокурори томонидан тузилган ва В.Илюхин бошчилигидаги тергов гуруҳи терговчилари Ўзбекистон ҳақида у қадар яхши тасаввурга эга эмасди.

Айнан шу тергов гуруҳи таркибига қўшилганим тақдирнинг сийлови, катта мактаб ҳамда қайсидир маънода, зўр бир синов бўлган эди. Мен гуруҳ раҳбари ва терговчиларга пахта ишининг келиб чиқиш сабаблари, КПСС Марказий Комитети томонидан пахта режаси ҳаддан ошириб юборилгани оқибатида Россиядаги тўқимачилик заводлари иштирокида коррупцион схемалар пайдо бўлиб, катта-кичик раҳбарлар бунда мажбурий қатнашганлари, бунга бутун ўзбек халқи жавобгар эмаслигини ва албатта, Гдлян ва Ивановлар тергов гуруҳининг қилмишлари, унинг оқибатларини тушунтирардим. Шу сабабли, гуруҳ бошлиғи В.Илюхин ва бошқа терговчилар жуда кўп ҳолатлар бўйича менга мурожаат қиларди. Уларга ҳолатларни тушунтириб, кўп раҳбар ва мутахассисларнинг тухматлардан қутулишига ёрдам берганман...

Биз Гдлян ва Ивановни Ўзбекистонда ўтказаетган қонунсиз тергов ҳаракатлари, гувоҳ ва гумонланувчиларни қаттиқ қийнаб, руҳий-жисмоний азоблар бериш орқали ўзлари истаганча кўргазмалар олиб, содир қилган жиноятларининг бир қисмини исботлаб бўлган эдик. Жабрланган, қийноқлар-

га солинган ўзбек халқининг асл фарзандларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тинимсиз меҳнат қилардик.

Ишимиз ССРИ Олий советида кўрилиб, ҳал бўлиши, уларни қамоққа олишга Олий советдан рухсат берилиши лозим эди. ССРИ Бош прокурорининг тақдимномасини кўриб чиқишда депутатларнинг роли катта бўлган...

Масала ССРИ Олий советида кўрила бошлади. Ўзбекистонлик депутатларга раис А.И.Лукашов сўз бермади. Фақат Аҳмаджон Мухторов ва Владимир Одилов гапиришга мурассар бўлди. Улар жуда яхши ва кескин гапирди. Россия ва Грузия депутатлари Гдлян ва Ивановни қаттиқ ҳимоя қила бошлади. Съездни иккинчи куни В.Одилов Гдлян ва Ивановларнинг жиноят иши бўйича гуруҳ раҳбари В.Илюхин маълумотнома беришини сўраб, Лукашовга илтимос қилди. У бу илтимосни қаноатлантирмади.

Хуллас, ССРИ Олий совети Гдлян ва Ивановларни жиноий жавобгарликка тортиш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги ССРИ Бош прокурорининг тақдимномасини рад этди.

Шу куни гуруҳ раҳбари В.Илюхин съездда бўлган гаплар ҳақида бизга айтиб берганида ҳаммамизнинг кайфиятимиз тушиб кетди. Чунки хавfli жиноятчилар очикда қолиб, жуда кўп ишларимиз чиппакка чиққанди.

Бизда Гдлян ўз қўли билан ёзиб юрган кундалик “иш дафтари” бор эди. Унда кимларни қамоққа олиш, яна қанчадан қанча раҳбарлар ва уларнинг қариндошларини бадном қилиш, пора берувчи ва оловчиларнинг сонини кўпайтириш, пора олиш-беришнинг тахминий суммалари, ҳатто оддий ўқитувчи ва врачларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш режалари ёзилганди. Шунингдек, ўзи келишмай қолган маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг исми-фамилияси ўч олиш мақсадида киритиб қўйилганди. “Иш дафтари”да кимларда қанча пул бўлиши мумкинлигининг тахминий суммалари, гуруҳи аъзоларининг ҳам кимлардан қанча пора олган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги

тахминий фикри, Қашқадарё вилояти партия Комитетининг биринчи котиби Ғоибов ва Самарқанд вилояти ижроия Комитети раиси С.Ҳамроқуловлар билан протоколсиз суҳбатлари бўйича бир қанча ёзувлар қайд қилинганди.

Тўғри, Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳидагиларнинг ҳаммаси ҳам ноинсоф эмасди. Айримлари бу қонунсиз ҳаракатларга қарши чиқиб боши балога қолиб кетди. Гдлян айримларини гуруҳдан, айримларини прокуратура тизимидан бўшаттириб юборди. Ушалардан бири турли йўллар билан бу дафтарни бизга етказганди. Бу дафтар ашёвий далил эди...

ГДЛЯН ВА ИВАНОВ КИМ ЎЗИ?

1983 йилда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров бир савдо ходимидан пора олаётган пайтда қўлга тушиб, ҳибсга олинди. Бу ишни тергов қилиш пайтида Бухоро вилояти савдо идорасининг раҳбарларидан бири Ш.Қудратов ўзи раҳбарлик қилаётган идорадаги савдо ходимларидан пора олиши ва партия, совет ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошлиқларига пора бериши ошкор бўлиб, у ҳам қамокқа олинади ва тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади.

Музаффаров ва Қудратовнинг ишини тергов қилиш Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан олиниб, ССРИ прокуратурасига топширилди. Гдлян ва Иванов эса ССРИ прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига бошлиқ этиб тайинланди. Уларга жуда катта ваколат берилди, ўз фаолиятини олиб бориш учун ҳатто ҳарбий техника ва вертолёт, қуролланган аскарлар ҳам бириктириб қўйилди. Шундан сўнг улар Ўзбекистонда мисли кўрилмаган зўравонликдан иборат фаолиятини бошлаб юборишди.

Бу икки шоввоз Ўзбекистондаги раҳбар ходимларни ҳаммасининг ҳаракатларида жиноят таркиби бор, деб юзлаб одамларни тергов ҳибсхоналарида қонунсиз ушлаб турган. Улар томонидан ўзбек халқининг юзлаб покиза фарзандлари тергов ҳибсхоналарида аёвсиз калтакланиб, ёлғон кўргазмалар беришга мажбурланган.

Гдлян ва унинг тергов гуруҳи ҳаракатлари юзасидан иттифоқ Бош прокурори Александр Яковлович Сухарев томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов гуруҳи тугатилди. Бунда асосан ССРИ Бош прокурорининг ўринбосари, махфий бошқарма бошлиғи И.П.Абрамовнинг жуда катта ҳиссаси бор эди. Чунки айнан унинг раҳбарлигида гуруҳга нисбатан терговолди материаллари тайёрланди. Хужжатлар йиғилиб, тегишлича тақдим этилди.

Шундан сўнг, Гдляннинг тергов гуруҳига нисбатан жиноят иши бўйича дастлабки тергов олиб бориш иттифоқ Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи В.Илюхин бошчилигидаги тергов гуруҳига топширилди. Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Гдлян бошлиқ гуруҳ терговчиларининг бир нечтаси жиноий жавобгарликка тортилиб, жиноят ишлари тегишлилик бўйича судларга юборилди.

Табиий савол туғилиши мумкин, Гдлян ва Иванов қандай жиноят қилган, нега уларни жавобгарликка тортиш керак эди?

Ҳақиқий терговчи фақат факт ва далилларга асосланган ҳолда иш олиб бориши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жиҳатларни адолат тарозисига солиб кўргандан кейингина узил-кесил хулосага келиши лозим. Гдлян, Иванов ва улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари қарийб олти йил мобайнида ўз фаолиятида жиноят процессининг ушбу талабларини қўпол тарзда бузиб, қонунларни сурбетларча оёқости қилди. Ўз муддаоларига эришиш учун гумонланувчиларни ваҳшиёна қийноқларга солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздириб, юзлаб юртдошларимизни қамашди.

Гдлянчилар ўзлари ўйлаб топган айб билан қамаган кишиларини ашаддий жиноятчилар билан бир камерага ўтқазиб, отувга ҳукм қилиш билан қўрқитиб, “айбига” иқрор қилдиришган, пора берганлиги тўғрисида кўргазмалар олишган.

Шундай йўллар билан тергов қилиниб, судга ўтказилган жиноят ишлари бўйича Гдлян ва Ивановларнинг судларга тазйиқлари билан бир неча раҳбар ходимларга ҳатто ўлим жазоси қўлланилган. Масалан, Бухоро вилояти партия Комитети биринчи котиби бўлиб ишлаган Каримов, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани биринчи котиби Холиқов ва бошқа шахсларга ана шундай ҳукм ўқилган. Тўғри, уларга тайинланган жазо кейинчалик қамоқ жазосига айлантирилган...

Умуман, Гдлянчиларнинг айблов хулосаси билан тугатилиб, судларга юборилган бир қанча жиноий ишлар бўйича оқлов ҳукмлари эълон қилиниб, баъзилари қўшимча тер-

говга қайтарилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири бўлиб ишлаган Яхёевга нисбатан жиноят иши суд томонидан қўшимча терговга қайтарилган ва қўшимча тергов давомида ҳаракатида жиноят ҳодисаси бўлмаганлиги сабабли тугатилган. Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Отамурод Муҳаммадиевга нисбатан жиноят иши ҳам қўшимча терговда шундай яқун топган.

Ҳамма жиноят ишлари бўйича Гдлян ва унинг тергов гуруҳи аъзоларининг дастлабки тергов ҳаракатлари давомида йўл қўйган қонун бузилишлари, тергов сохтакорликлари бўйича чора қўллаш учун судлар томонидан ажримлар чиқарилиб, иттифоқ Бош прокурори номига юборилган.

Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳига нисбатан жиноят иши қўзғатилгач, тергов гуруҳининг бир нечта аъзолари қамоққа олинди, терговга келмаганларига нисбатан қидирув эълон қилинди.

ССРИ Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи В.Илюхин раҳбарлигидаги тергов гуруҳи таркибида Гдлян ва Ивановлар инсон тақдирига бефарқ бўлганлиги, ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаганликларига шахсан гувоҳ бўлганман. Гуруҳдаги фаолиятим давомида уларнинг очилган ва бир қанча вақтлардан буён ҳаракатсиз ташлаб қўйилган, охирига етказилмаган бир нечта жиноят ишларини қайта кўриб чиқишимга тўғри келган.

Хусусан, Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Тўра Ҳайитовга нисбатан очилган жиноят иши Гдлян томонидан судда кўришлик учун берилган. Суд жиноят ишини кўриб чиқиб, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун қайтарган.

...Т.Ҳайитов ҳибсга олинганидан кейин, биринчи сўроқ пайтида Иванов унга иккита қоғоз кўрсатган. Биринчи қоғозда ўн олти нафар ички ишлар ходимининг исми ёзилган бўлса, иккинчи қоғозда республика партия ва давлат арбоблари, ҳатто ССРИ Ички ишлар вазирлиги раҳбари Чурба-

нов, шунингдек, Усмонхўжаев, Жабборов, Осетров, Ибрагимов, Мухаммадиев, Султонов, Кретов, Харкевич, Қахрамонов ва бошқа мутасаддиларнинг номлари қайд қилинган.

Иванов ундан ўн олти нафар ходимдан 53000 сўм пора олиб юқорида номлари кўрсатилган раҳбарларга берганман, деган иқдорлик кўргазмаси беришни талаб қилган. Т.Ҳайитов бундай кўргазма беришдан бош тортгандан сўнг иккинчи сўроқ пайтида уни деразанинг олдига олиб бориб, ДХК биносининг рўпарасида турган хотини ва қизини кўрсатади ҳамда иқдорлик кўргазмасини бермаса хотинини ва болаларини ҳибсга олишини айтади...

Жиноят иши бўйича қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориб, Тўра Ҳайитовнинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли ишни ҳаракатдан тугатгандим. Ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги қарорни Т.Ҳайитовни ишга тиклаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири В.Камоловга юбордим. Камолов уни ишга тиклашга ваъда бердию, лекин ССРИ Ички ишлар вазири рози бўлмаганлиги важи билан Т.Ҳайитовни ишга тикламади.

Кейинчалик Т.Ҳайитов қамоқда, тергов ҳибсхонасида ўтирган саккиз ой муддатдаги иш ҳақларини ундириб олишга муваффақ бўлди...

Бундан ташқари, Самарқанд вилояти партия комитети биринчи котиби Рашид Салоҳидинович Ашуралиев гумондор тариқасида жалб қилинган, бир неча йилдан буён ҳаракатсиз ётган жиноят иши материаллари менга топширилди. Маълум бўлишича, Р.Ашуралиев Самарқанд вилоятида биринчи котиб бўлиб ишлаган вақтида Сиеб бозорига бориб, сотувчиларнинг ноқонуний ҳаракатига дуч келади. Жиноят иши материалларида Р.Ашуралиев Халқ контроли деб номланувчи текшириш бригадасини чақириб, қонунсизликка барҳам беришни буюргани ва бозор ичида бўлган “Қизил чойхона” номли савдо ва овқатланиш мажмуаси директори Солижон Адиловдан Халқ контролининг вилоят бўйича бошлиғи орқали жуда кўп миқдордаги пулни пора сифатида олганлиги кўрсатилган.

Гдлян гуруҳи терговчиси Р.Ашуралиевни бир неча марта чақириб, унга 50 нафар вилоят раҳбарларидан, район партия комитети котибларидан 250 минг сўм миқдорда пора олиб турганлиги ва олинган пуллардан республика раҳбарларига, жумладан, Ш.Рашидов ва бошқаларга пора сифатида берганлиги ҳақида айбни бўйнига олиб ариза ёзишни уқтирган. Қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини баён қилса, унга енгиллик берилишини айтган. Найранги иш бермаган терговчи Р.Ашуралиевни ҳар куни Давлат хавфсизлик комитети биносига чақириб, мунтазам равишда ҳақорат қилиб, қариндош-уруғларини қамаш билан кўрқитган. Шундай бўлса-да, Р.Ашуралиев уқтирилганидай кўрсатма ёзиб бермаган.

Шундан кейин уни сўроқ қилган рус миллатига мансуб терговчи ҳеч қаяққа кетмаслик ҳақида тилхат олган. Тез кунларда уни шахсан Гдляннинг ўзи Москвага чақириб сўроқ қилишини уқтирган ва тайёргарлик кўриб туришини айтган. Рашид Салоҳиддинович менга ҳадик ва турли гумонлар сабаб қон босими ошиб, касал бўлиб қолганлигини, кечалари ухлай олмаслигини айтиб берган эди...

Ҳолат бўйича Самарқанд шаҳрига келиб, Сиёб бозоридаги савдо ходимлари, “Қизил чойхона” савдо ва овқатланиш мажмуаси директори Солижон Адиловни сўроқ қилдим. Жиноят ишидаги фактлар тасдиқланмади. Қўшимча тергов ва барча иш материаллари бўйича тегишли тергов ҳаракатлари ўтказиб, Ашуралиевга нисбатан жиноят ишини жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан тугатдим.

Умуман, бу икки терговчининг салоҳияти тўғрисида собиқ ССР Иттифоқи прокуратураси Бош тергов бошқармасининг ходимлари Бош прокурор муовини ҳузурида ўтказилган кенгашни эслаш ўринли. Унда Ўзбекистондаги ишнинг йўналишларидан бири бўйича олиб борилаётган тергов натижалари муҳокама қилинганди. Ўшанда Иванов ахборот берган, бошқа терговчиларнинг ҳам ҳисоботи эшитилган. Кенгаш материаллари пухта ва чуқур таҳлил қилингандан

сўнг Ивановга қамоққа олинган кишининг айбини исботлайдиган далиллар йўқлиги ва уни дарҳол ҳибсдан бўшатиш зарурлиги айтилганда Иванов ўзини тута олмай ўрнидан сакраб туриб, тутоққан ҳолда шундай деган: “Гап ҳокимият учун бораётган бир пайтда исбот-далилга бало борми!” Ҳа, гап ҳокимият устида кетар экан, бунинг учун, унинг фикрича, ҳамма воситалар яхши эди. Айбсиз кишини қамаш, 10-15 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳам мумкин. Ўз ҳокимиятига эришиш йўлида бир эмас, бир неча одамнинг тақдирини поймол қилиш ҳам мумкин эди.

Терговчилар Ивановнинг ўзига йўл қўйган хатолари ҳақида неча марталаб рўй-рост айтганлар, тайёргарлиги яхши эмаслигини юзига солган пайтлари ҳам бўлган.

Процессуал нормаларни бутунлай назар-писанд қилмаслик, қонунни юзаки билиш Гдлянга ҳам хос хусусият эди. Шу боис прокурорлар ҳам, сўнгра судялар ҳар доим гдлянчилар “хом-хаталасига” дуч келишарди. Терговчилардан биронтаси тўрт йиллик иши мобайнида қилган меҳнати эвазига қонунга хилоф иш қилганлиги ҳақида судларнинг ўндан ортиқ хусусий ажримини олган ҳоллар камдан кам бўлади, қанчадан қанча айбсиз кишилар жиноий жавобгарликка тортилганини айтмайсизми... Бу ҳуқуқнинг чегарасизлиги ва ҳеч нарсани билмаслик билан чирмашиб кетган катта сиёсий найрангбозликнинг самарасидир.

Гдлян тергов олиб боришда ҳуқуқ соҳасидан саводсизлигини билинтирмаслик учун “агентлар”, “ари уяси”, “сарқит”, “демократия”, “мафия”, “партократия” сингари ибораларни ишлатишга устаси фаранг эди.

Шу ўринда у билан кўп йиллар бирга ишлаган терговчиларнинг фикрини келтириб ўтиш ҳам ўринли. Масалан, Шароевский Гдляннинг қонунга нисбатан муносабатини қуйидагича таърифлайди: “Гдлян ҳамиша бизга одамлардан, айниқса, магазин мудирларидан гувоҳлик олаётганимизда жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида уларга ваъда беришимиз лозимлигини уқтирарди. Бу хилда ваъда

бериш маънавий жиҳатдан олганда менда шубҳа туғдирди, чунки пора берибгина қолмай, шу билан бирга, катта миқдорда харидорларни алдаган ва ўғирлик қилган кишиларга нисбатан қўзғатилган ишларни қандай қилиб қонуний асосларда тўхтатиш мумкинлигини мен ҳечам тушунолмасдим. Шу масалалар хусусида мен Гдлянга бир неча марта мурожаат қилганимда, у менга: бу “Марказқўмнинг кўрсатмаси” деб жавоб берганди.

Кунларнинг бирида мен ЖК ва ЖПКни қўлтиғимга қистириб, ана шу масалани аниқлаб олиш учун унинг ҳузурига кирдим. Гдлян кодексларни қўлимдан олиб, уларни варақлаб кўрди ва худди мазах қилгандай менга қараб: “Қандай қизиқарли китоблар-а, уларни қаердан олдинг?” деди. Сўнгра китобни ёпиб, менга қайтариб берди ва “Бу китобларни қаердан олган бўлсанг, жойига олиб бориб қўй, бундан кейин уларни асло қўлингга олма”, деди.

Унинг учун қонун битилмаган, у ўзининг “революцион” онги, ахлоқи билан иш қиларди, бошқа қолган ҳамма нарсалар – одамлар, нормалар, ҳақиқат – унинг учун бир чақа эди”.

Асли тожикистонлик, юридик фанлари номзоди Абдужаббор Абдужалиловнинг интернетдаги проза.ру сайтида эълон қилинган “Гдлян – Иванов фарисеи от коррупции” (“Гдлян – Иванов коррупциядан риёкорликка”) сарлавҳали мақоласида Гдлян ва Иванов бошчилик қилган тергов гуруҳининг асл қиёфаси тасвирланган. Муаллиф Ўзбекистонда бир муддат Гдлян - Иванов гуруҳида терговчи сифатида фаолият олиб борган.

“...Бешинчи каналда давлат думасининг собиқ депутати Николай Ивановнинг коррупция муаммоси ҳақидаги узундан узоқ интервьюсини кўрдим, – дейилади мақолада. – Ивановнинг серзавқ, танқидий нутқи шу қадар таъсирли эдики, эшитиб туриб, уни таниёлмай қолдим. Ўтган ишларни кавлаш тарафдори эмасман, аммо Николай Ивановнинг ўтмиш ҳаётидаги айрим лавҳаларни, шу билан бир қаторда, унинг собиқ устози ва дўсти – Телман Гдлян ҳақида ўқувчиларга сўзлаб

беришга аҳд қилдим. Гдлян ва Иванов – бу ҳаётимнинг бир саҳифаси. Мен одамларнинг кунлардан бирида “Э, Абдужалиловми? Уям анавилардан бири-да...” деган таънасига қолишни истамайман.

1983 йилнинг декабрида Гдлян гуруҳида ишлаш учун юборилдим. Тошкентга келганимда кун кеч бўлганди. Тергов гуруҳи Ўзбекистон ССР ДХК (КГБ) биносида жойлашган экан. Ўшанда бу гуруҳ 12 кишидан иборат эди. Гдлян Ивановни “жасур ўринбосарим” деб таништирди. Эсимда, кўриб ҳайрон қолганман. Ўта муҳим ишлар бўйича терговчи иш юзасидан ССРИ прокуратурасидан бошқа ҳеч кимга бўйсунмас эди. Прокуратуранинг оддий ходими бўлган Иванов эса “жасур ўринбосар” сифатида менга ҳам топшириқлар беради.

Иванов ўша куни кечқурун хонасидаги сейфдан бир шиша ароқ олиб очди. Учовлон ичдик. Гдлян (унинг лақаби “Хренович” эди) қиладиган ишларимни тушунтирди ва бир нечта қамоққа олинганлар ишини менга топширди. Ўшанда билдимки, Николай Вениаминович Иванов (лақаби “Сокол”, “Супурги”, “Югурдак”) гуруҳда ҳеч қандай иш қилмасди. У ҳам “раҳбарият кўрсатмаларини бериш” билан шуғулланарди. Тергов фаолиятида бундай ҳоллар одатий бўлгани учун кўпам эътибор қилмадим.

Мен “ўзбеклар иши” бўйича барча икир-чикирларни тавсифлаш ниятим йўқ. Бу ҳеч кимга қизиқ эмас. Фақат бир нарсани айтиб ўтишни шарт деб биламан. Мен гуруҳга келиб қўшилишим билан Грузия прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси Мошиашвили фаолиятини тугатиб, ортга қайтди. Мен у билан бирга Ленинградда малака ошириш курсида ўқиганман. Аэропортда ёлғиз қолганимизда у қўлоғимга секин шивирлади: “Абдужалилов, бу иш бизга тўғри келмайди. Хреновичдан узоқлашиш йўлини топ. Бунинг охири вой”.

Гдляннинг “Буларнинг ҳаммасининг орқаси нотоза. Дуч келганини обориб тикиб қўявер. Хато қилмайсан”, деган

гапи машҳур иборага айланиб кетганди. Ҳар қандай жиноий ишни тергов қилишнинг ўз қонун-қоидаси бор. Аммо бу ерда ҳеч қандай қонун-қоида йўқ эди. Ўзбекистон прокурори Бўрихўжаев имзо чеккан қамокқа олиш тўғрисидаги санкцияда ҳатто айбдорларнинг исм-фамилияси ҳам кўрсатилмасди. Гуруҳ аъзоси, Гдляннинг юртдоши Алберт Карташян бўлса, гумондорлардан ўзига керакли исталган маълумотни ола билишидан фахрланиб юрарди.

У вақтларда тинтув вақтида озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйиш мумкин эмас, дўконлар ҳам мусодара қилинган маҳсулотларни қабул қилмас эди. Лекин ҳеч қандай назорат йўқлиги туфайли тинтув чоғида қўлга киритилган ўнлаб қути ароқ ва коньяк тергов гуруҳи аъзоларининг ҳар кунги кечки зиёфат дастурхонида “йўқ қилиб” ташланарди.”

А.Абдужалилов Телман Гдляннинг “ўзбек иши”ига раҳбарликни ССРИ Бош прокуратураси тергов бўлимининг бошлиғи, ҳамюрти Герман Каракозов орқали қўлга киритганини ёзади. Дарҳақиқат, Каракозов Гдляни доимо қўллаб-қўлтиклаб юрган, Иванов эса Мурманск вилояти прокуратурасининг бор-йўғи оддий ходими бўлиб, тергов гуруҳига азбаройи Гдлянга танишлиги туфайли қўшилиб қолган эди.

Тўғри, ССРИ Бош прокуратураси 1989 йил 25 май куни Т.Гдлян раҳбарлигидаги тергов гуруҳи томонидан қонун талаблари қўпол равишда бузилганлиги фактлари юзасидан жиноий иш қўзғатди.

Бироқ у ССРИ ва Арманистон халқ депутати этиб сайланди. Гдлян “Демократик платформа”, минтақалараро депутатлик гуруҳи (МДГ) ва “Демократик Россия” ҳаракатининг мувофиқлаштирувчи кенгашлари бошқаруви аъзоси бўлди.

1990 йил феврал ойида компартиядан (КПСС) чиқарилди. Апрель ойида ССРИ Олий совети “ССРИ халқ депутатлари Т.Х.Гдлян ва Н.В.Ивановлар томонидан асоссиз айтилган баёнотлар”ни қоралади. Шу ойда Гдлян ССРИ Бош прокурори ҳузуридаги ўта муҳим масалалар бўйича катта терговчи лавозимидан четлаштирилди.

1991 йилнинг августида “сиёсий муҳит ўзгарганлиги сабабли” жиноий иш тўхтатилди. Шу йили Гдлян Россия Халқ партиясини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва раҳм-шафқат Умумроссия тараққиёти жамғармасини тузиб, уни бошқарган.

Аҳамиятлиси, шу йили 19 август куни ДХК (КГБ) ходимлари томонидан ҳибсга олиниб, ҳарбий казармалардан бирига жойлаштирилди. Бироқ 21 август куни “путч” муваффақиятсизликка учраб, у озод қилинди.

Интернетдаги маълумотларга кўра, Гдлян 1992-1994 йилларда 10 партияни ва жамоат ташкилотларини ўз ичига олган “Новая Россия” сиёсий блокини бошқарган. Конституциявий кенгаш аъзоси ва Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатаси аъзоси бўлган.

1995 йилда “Новый взгляд” газетасининг бир бўлимини бошқариб, унда “ҳукумат билан ҳамкорлик ўрнатган “ички фашизм” – маҳаллий мафия” ҳақида ёзган.

1995-1999 йилларда Москвадаги 192-Бабушкинский ягона мандат сайлов округидан Россия Федерацияси Думаси депутатлигига сайланган. У халқаро масалалар қўмитаси аъзоси бўлиб, Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Европа парламенти билан доимий алоқалар делегацияси аъзоси бўлган. “Россия-Греция” Парламентлараро гуруҳи раҳбари ва давлат Думасининг “Российские регионы” депутатлик гуруҳи аъзоси бўлган.

...Гдлян бошлиқ гуруҳ томонидан колхоз, совхоз, ташкилотлардан жиноят ишига керак ва керак бўлмаган бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлар далолатнома тузмасдан олиб қўйилган. Шу сабабли тергов гуруҳимизга уларни кераклиларини жиноят ишига қўшиш, баъзиларини Ўзбекистонга қайтариш учун қўшимча вақт ва ишчи кучи талаб қилинарди. Ҳолатдан келиб чиқиб, тергов гуруҳ раҳбари В.Илюхинга бу ҳужжатларни тушунадиган мутахасис ва терговчини Ўзбекистондан чақириш кераклигини айтдим. Унинг розилиги билан иттифоқ Бош прокурорининг кўрсатмасини тайёрлаб, Самарқанд вилояти прокуратураси терговчиси,

кўплаб хўжалик ишларини тергов қилган Ахат Самадович Эсанов ва бухгалтерия эксперти Федарат Рашидовларни чақиртирдим. Улар ўн беш кун ичида ҳужжатларни тегишлича тартибга солиб берганди.

Ўша даврларни эсларканман, беихтиёр бир шоир дўстимизнинг ёзган шеъри ёдга тушади:

*Фақатгина сен яшасанг, ўзгалар унмасинми,
Шунча элат, шунча эл ёруғ кун кўрмасинми?!*

*Олдинг-ку бор-йўғимни, ҳеч вақо қолмади-ку,
Бирор ўзбек қийналдим, деб лабини бурмасинми?!*

*Сон-саноқсиз кошона ишратингга маҳталдир,
Камбағал шўрлик ҳатто кулба ҳам қўрмасинми?!*

*Миллатнинг ярми ана турмага кириб чиқди,
Шўрлик халқнинг қолгани сал эркин юрмасинми?!*

*Қамайман, деб дўқ урасан, қамоқда ётибман-ку,
Бозорларда болалар ароба сўрмасинми?*

*Фақат сен бўл, ўзгалар қирилиб кетса, майли,
Ҳатто, гўдак болалар йўлингда турмасинми?!*

*Бир кун Маккада муслим, бир кун кўрсам, насроний,
Шунча гуноҳ қилсанг ҳам, Худоям урмасинми?!*

ЧИЯБЎРИ ИЗИДАН ЁХУД ОЛТИН ВАСВАСАСИ

Одатда чиябўрини овлашга ишқибозлар топилмайди ёки бунга зарурат бўлмайди. Аммо унга қариндош бўлган бўрини, аввало, қўйларни ёки бошқа ҳайвонларга зарар келтириши ва қимматбаҳо териси учун овлашга иштиёқ ва қизиқиш доим баланд бўлган.

Чиябўрининг юнги ёки терисини бирор фойдали мақсадда ишлатиб бўлмайди. У ўлаксахўр ҳайвон сифатида табиатга айтарли зарар келтирмайди ва уни йўқотиш зарурати йўқ.

Аммо Гдлдан бошлиқ чиябўрилар Ўзбекистонда шу қадар катта ваҳима уйғотиб, улкан зарар келтираётган эдики, унинг олди олинмаса, оқибати яна-да йирикроқ йўқотишларга сабаб бўлиши муқаррар эди.

Шу боис 1985 йилнинг охирларида махсус топшириқ асосида Гдлян гуруҳининг қонунсиз ишлари ва уларнинг ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни йиға бошладим. Иттифоқ Бош прокуратураси, Олий совет ва бошқа жойларга юборилган кўпгина ариза-шикоятлар Гдлян ишлайдиган жиноятларни тергов қилиш бўлинмасига йўналтирилганди. Шу боис бу аризалар текширилмасдан ишга тикиб қўйиларверган. Жуда кўп аризалар рўйхатга олиниб, изсиз йўқолган фактлари ҳам мавжуд эди. Уларни ёзган шахсларни топиб, бир қанчасининг нусхаларини йиғиб чиқдим.

Гдлян ва унинг гуруҳи томонидан йўл қўйилган сохтакорликлар, хизмат доирасидан четга чиқишлар ва бошқа ҳолатлар бўйича икки минг варақдан иборат ҳужжатларни тўрт жилдга тикиб, (қўшимча ҳужжатлар билан ўн жилд эди) тегишли маълумотнома билан иттифоқ Бош прокурори ўринбосари И.Абрамовга унинг талаби асосида жиноят иши қўзғатиш учун тақдим қилдим. У материаллар билан бир ҳафтalar чамаси танишиб, Бош прокураторга тақдим қилди. Материаллар қўлма-қўл бўлиб, уч ойдан зиёд вақт ўтгандан кейингина жиноят иши қўзғатилди.

Агар жиноят иши олдинроқ, яъни улар депутат бўлишга ҳаракат қила бошлаган вақтларда кўзғатилганда, Гдлян ва Ивановлар депутатликка сайланмасди ва дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлмас эди. Шунда уларни жиноий жавобгарликка тортиб, қамоққа олинганда ҳамма нарса ҳал бўларди. Афсуски, Бош прокуратура раҳбариятининг совуққонлиги билан ҳам бу иш амалга ошмай қолди...

Биз ҳақиқат ва адолат тўла тантана қилиши учун ишни охирига, мантикий ҳулосасига етказишни режа қилгандик. Қамоқхоналарда жазо муддатини ўташда давом этаётган кишиларга қўйилган барча адолатсиз айблар олиб ташла-нишига эришишни истардик.

Тўғри, Гдлян ва Иванов башарасидаги манфур мунофиқлик ниқобини батамом олиб ташлашга эришолмаган бўлсак ҳам, аммо маълум даражада фош этишга муваффақ бўлдик. Олиб борган терговларимиз давомида юздан ортиқ фуқаронинг айбсиз эканлиги исботланди. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Баъзилари узоқ йиллар қамалиб ётган жойларидан озодликка чиқарилди.

Очиғи, Гдляннинг миллионлари билан терговнинг дастлабки ойларида, тўғрироғи, 1989 йилда деярли шуғулланмадик. Қўлга олиш, қамаш, умуман, фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш чоғида қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз керак эди. Биз терговни бошлар эканмиз, кўп ўтмай биздан шу ишнинг қандай бўлмасин бирон бир натижасини талаб қилишларини тушунардик. Чунки гдлянчилар масаласи те-варагида баҳс тобора авжига минмокда эди. Бундан ташқари, бизга Ўзбекистондан адолатни тиклаш, айбсиз кишиларни оқлашни илтимос ҳамда талаб қилиб ёзилган ўнлаб, юзлаб аризалар тўхтовсиз келмокда эди.

Суриштирувлар давомида Гдлян ва Иванов тергов гуруҳи аъзолари билан Ўзбекистонда аралашмаган соҳа қолмаганлиги кундай равшан бўлиб қолганди. Улар терговда шахси

аниқланмаган грузин миллатига мансуб “Того” исмли шахс билан жиноий тил бириктириб, Грузиядан энг паст навли чойни Самарқанд чой фабрикасига ноқонуний тарзда олиб кириб, уни биринчи навли чой деб қабул қилдириб, ўртадаги жуда кўп миқдордаги фарқни ўзаро бўлишиб олган.

Бундан ташқари, гдлянчилар фуқароларни қимматбаҳо буюмлар сақлашда иштирок этгани тўғрисида ўзларига нисбатан ёлгон кўрсатмалар беришга мажбурлаш орқали далилларни сунъий равишда тўплагани аниқланганди. Ўз айбига “икрор” бўлиш ҳоллари шу даражага етиб борганки, ҳеч бир жиноятга алоқаси бўлмаган шахслар ўз яқинларини қутқариш мақсадида орзу-ниятлари учун йиғиб қўйган маблағларига дўконлардан заргарлик буюмларини харид қилиб, уларни терговчиларга олиб бориб топширган. Бу каби “мусодаралар” бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказилган.

Гдлян билан Иванов миллионлар ортидан “қувиб”, уларни қўлга киритиш учун ҳар қандай воситаларни ишга солишдан ҳам ор қилмаган. Жумладан, кишилардан пул топиб беришни талаб қилиб, қонунга ҳилоф равишда ушлаб туриш ва қамаб қўйишдан ҳам тоймаган. Одамларни ойлаб ҳибсхонада сақлаб қариндош-уруғларига дўқ-пўписа билан пул йиғиб беришни талаб қилган.

Ўзбекистонда олиб борилган тергов ишлари давомида Гдлянга оид материаллар бўйича кимматбаҳо буюмларнинг эгалари сифатида 100 дан ортиқ киши қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилган ва қамоқда сақлангани аниқланди. Гуруҳда уларни “гаровдагилар” деб аташган. Масалан, А.Каримов иши бўйича 23 киши “гаров” тариқасида ушлаб турилган. Гоҳо ҳеч бир айблари бўлмаган ҳолда тергов қамоқхоналарида ойлаб ётганлар ҳам бўлган...

Гдлян ва унинг ҳамтовоқлари одамларга кибру ҳаво, нафрат ва аламзадалиқ билан муносабатда бўлган. Порахўрлик учун қамоққа олинган шахсларнинг бойликлари қаерда сақланаётганлиги тўғрисида зўрлик билан ахборот олишган, баъзан гувоҳлик беришга мажбур қилиш мақсадида қамаб

қўйишган. Гдлян уларнинг неча киши эканлигини санаб ҳам ўтирмаган. Зеро, унинг учун бу кишиларнинг тақдири писта пўчоғидек арзимас нарса эди. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги ҳеч бир асоссиз ойлаб, ҳатто йиллаб ҳибсда сақланган. Уларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларининг бирортаси ҳам судга жўнатилмаган.

Шунингдек, “қаҳрамонларимиз” Толятти автозаводидан Ўзбекистон Республикасига ажратилган “ВАЗ 2107” маркали автомашиналарни Латвия Республикасига жўнатиб, жуда кўп миқдорда моддий бойликка эришганлари ҳақидаги тўлиқ текширишга улгурилмаган ҳолатлар ҳам бўлган. Улар Ўзбекистондан жуда кўп миқдорда шахсий бойлик орттириб, шу пуллар эвазига депутатликка номзодини қўйиб, митинглар уюштиришди, турли чиқишлар билан халқни, бутун ССРИ жамоатчилигини чалғитди.

Яъни, Т.Гдлян ва унинг тарафдорлари турли йўллар билан мусодара қилган миллионлар туфайли ном чиқарди ва шуҳратларга кўмилди, омма орасида кенг танилди. Ана шу миллионлар туфайли матбуот саҳифаларида, телевизор экранида кўкларга кўтариб мақталди, сўнгра эса Иванов билан биргаликда ССРИ халқ депутати курсисига ўтирди.

Миллионларни телевидение орқали олиб кўрсатишди, расмга туширишди, суратларни эса газета ва журнал саҳифаларида босиб чиқаришди. Ана шу миллионлар билан Гдлян, Иванов ва уларга яқин турган терговчилар неча марталаб суратга тушишган.

“1988 йил Гдлян сайловолди курашини бошлаб юборган вақтда унга реклама зарур эди, – деб ёзади Гдлян ва унинг гуруҳи кирдикорларини фош қилиш билан шуғулланган тергов гуруҳимиз раҳбари В.Илюхин. – У ва Г.Каракозов мусодара қилинган пул ва қимматбаҳо буюмларни ССРИ прокуратураси залида намоиш қилишга Бош прокурор А.Рекунковни кўндиришди. Бу кўргазма Гдлянга нима учун керак бўлганини афтидан Рекунков тушуниб етмаган, гап нимадалигини ўша дамда дарҳол пайқаб ололмаган. Қо-

лаверса, у бу кўргазма орқали прокуратуранинг обрўйини бир қадар мустаҳкамламоқчи бўлган бўлса ажабмас. Кўргазма намоийшига жуда кўп журналистлар ва фотомухбирлар таклиф этилди. Зални кучайтирилган милиция соқчилари, ички қўшинлар солдатлари қўриқлаб турарди. Бу тасодифий ҳол эмасди, чунки наридан бери жиҳозланган хонада бир неча миллион сўмлик пул, қимматбаҳо буюмлар қўйилганди.

Ўша куни яхши эсимда, соат миллари ўн иккига яқинлашмоқда эди. Зал терговчилар, журналистлар, ССРИ прокуратурасининг ходимлари билан лик тўлганди. Мен ўз хонамда ўтирардим. Бевосита Рекунков билан уланган телефон бирдан жиринглаб қолди. Трубкани кўтардим. Бош прокурор куруққина қилиб ҳузурига таклиф қилди. Мен бешинчи қаватга кўтарилиб, унинг хонасига кирдим. Хонада Рекунковнинг бир ўзимиди ёки бошқа бирон кимса ҳам бормиди, ҳозир эсимда йўқ. Бош прокурор мендан: “Залда миллионлар намоийш қилинаётганидан ва журналистлар таклиф этилганидан хабаринг борми?” деб сўради. Мен ижобий жавоб бердим. Шунда у ана шу тадбирни иложи борица қисқароқ, қилиш, журналистлар тезроқ кетиши кераклигини айтди. “Пастга, залга тушиб, матбуот учун бир-икки оғиз сўз айт, биз каттароқ учрашувга чиқишга тайёр эканлигимизни маълум қил. Шу учрашувда бериладиган саволларга биз жавоб қайтаришимиз учун уларнинг рўйхатини айтишсин. Ҳозир эса кўргазмага якун ясаш керак”.

Мен унинг кўрсатмасини бажаргани кетдим. Рекунков мени таклиф қилганлиги тасодифий ҳол эмасди. Ўша кезларда мен мамлакат прокуратураси Бош тергов бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлганлигимдан вазифалар тақсимотига кўра, айни бир вақтда назорат олиб боровчи бўлимни ҳам бошқарар, ўғрилиқ, порахўрлик, ғаразғўйлик билан қилинган бошқа хил жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича терговни кузатиб турар ва ташкил қилар эдим. Менинг ваколатим Бош тергов бошқармаси бошлиғининг яна бир ўринбосари Г.Каракозов раҳбарлигидаги тер-

гов бўлимига ўтмасди. Аммо бизнинг бўлимимизда бутун мамлакат бўйича юқорида тилга олиб ўтган ишлар ҳақидаги барча маълумотлар тўпланганди. Шу боисдан Рекунков иттифоқда порахўрликка қарши олиб борилаётган курашнинг аҳволини журналистларга жуда қисқа қилиб ёритиб бериш ҳар қалай менинг қўлимдан келади, деб ўйлаган бўлса керак.

Кейинчалик билсам, ушбу кўргазма хусусида Рекунковга юқори ташкилотлардан қўнғироқ қилишган экан. Хуллас, кўргазмани маъқуллашмаганликларини айтишган, у носоғлом фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлади, дейишган. Мен журналистлар олдида 10 минут чамаси бўлдим. Гдлян, С.Салоҳитдинов ҳам мен билан ёнма-ён туришганди. Мен фақат Ўзбекистондаги эмас, балки бошқа минтақалардаги тергов материалларига багишланган катта доирадаги учрашувга ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида сўзлаб бергунимга қадар фотомухбирлар мени Гдлян билан бирга суратга олиб бўлишган эди. Кейинчалик бу суратлар баъзи журналларда босилиб чиқди.”

ИОСИФ ВИССАРИОНОВИЧ

Бу шахс, шубҳасиз, XX асрда энг машҳур номлардан бири. У нафақат ССРИ, балки жаҳон тарихида ҳам энг узоқ иқтидорда бўлган ҳукмдорлар қаторида туради. У ССРИда 1922 йилдан 1953 йилгача, жами 31 йил ҳокимият тепасида бўлган.

Бугун аксарият тарихчилар Иосиф Виссарионович Сталинни Адолф Гитлер билан бир сафга қўяди. Гитлер уруш туфайли миллионлаб инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган бўлса, Сталин тинч замонларда миллионлаб инсонларни ёстиғини қуритган ва кўлами ниҳоятда катта қатағонни амалга оширган.

1920 йиллар қатағонлари. Сталин ўзининг илк қатағонларини 1925 йиллардан бошлаган. 1927 йилда Совет-Британия муносабатларига дарз кетади ва Британия ССРИ билан савдо ва дипломатик алоқаларни узади. ССРИда бу “чет эл интервенцияси” деб баҳоланади ҳамда шахсан Сталиннинг буйруғи билан ёппасига қама-қамалар бошланиб кетади.

Энг аввал хориждан мамлакатга қайтган собиқ муҳожирлар қамоққа олинади. Сўнг собиқ помешчиклар, савдогарлар, поплар, қулоқлар қамалади. Ўшанда СССР бўйлаб қанча одам қамалгани ҳақида ҳануз аниқ маълумотлар йўқ.

“Шахта иши”. Бу воқеа Донбассда бўлиб ўтган. Донбассдаги кўмир ва руда конларини ўзлаштиришда хориждан мутахассислар чақирилган эди. 1928 йилда чет эл жосуси сифатида хорижлик мутахассислар ва улар билан бирга ишлаган ССРИ фуқаролари битта ҳам қолмасдан қамоққа тиқилади.

Партия ичидаги “ёт унсурлар” билан кураш. 1927 йил ноябр ойидан 1928 йил январ ойигача ССРИда “партиявий тозалаш” ишлари олиб борилган. Айниқса, собиқ меншевикларга умуман раҳм қилинмаган.

Уларнинг етакчиси Лев Троцкий 1928 йилда аввал Олмаота шахрига сургун қилинади. Сўнг хорижга қочишга мажбур бўлади.

Коллективлаштириш давридаги қатағонлар. 1928-1932 йилларда ССРИда хусусий мулк тугатилиб, деҳқонлар мажбурий тарзда коллективлаштирилади. Бунда деҳқонлар қўлидаги барча нарса – ер, сув, чорва моллари, деҳқончилик асбоблари янги тузилган жамоа хўжаликлари учун тортиб олинади.

Бойлар ва ўртаҳоллар ёппасига “қулоқ” деб аталиб қамалади ёки кимсасиз ҳудудларга сургун қилинади. Хўжалигидаги чорва моллари ва деҳқончилик анжомларини жамоа хўжаликларига ихтиёрий топширмаганлар қаттиқ жазоланади. Қаршилиқ кўрсатганлар ҳатто жойида отиб ташланади.

Мамлакатдаги деҳқонларни талаб, уларни мажбурий тарзда жамоа хўжаликларига аъзо қилиш ишларига Михаил Калинин бошчилик қилади.

Лагерлар бош бошқармаси (ГУЛАГ) махсус бўлими маълумотларига кўра, 1930-1931 йилларда ССРИ бўйлаб коллективлаштириш ишларида 381 мингта оила қулоқ қилинган ва 1 миллион 803 минг 392 нафар киши қамалган.

Сталин қатағонлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар ўтказган тарихчи В.Н.Замсков берган маълумотларга қараганда, ССРИда 1930-1940 йиллар оралиғида 2,5 миллион киши қамалган ва 1930-1933 йилларда 600 минг киши ҳалок бўлган.

Норасмий маълумотларга кўра, коллективлаштириш даврида жами 4 миллион деҳқон қатағон қилинган.

Ғалла тақчиллиги қатағони. 1932 йилда ССРИда ғалла ҳосили жуда паст бўлади ва жамоа хўжаликлари белгиланган режани зўрға 15-20 фоизга бажаради. Кузга келиб ҳосил чўғи камлигини билган ССРИ раҳбарлари ғалла етиштирадиган ҳудудларда ғалла етиштиришга масъул бўлганлар ва деҳқонларни жазолайди.

“Ғалла иши”да умумий ҳисобда 5000 партия ходими, 15000 деҳқон, кўплаб темир йўл станциялари раҳбарлари ва ишчилари жазоланган.

1933-1934 йиллар қатағони. Сталин қатағонлари 1934 йилда авж палласига чиқади. Тарихчилар буни ўша йилда

ССРИда НКВД ташкил этилганига боғлашади. Янги ташкил этилган бу орган ўша пайтда “иш кўрсатиш” учун ҳам кўпчиликни қамоққа тикади.

РСФСР ҳукуматининг расмий маълумотларига кўра, 1933 йилда 1 миллион, 1934 йилда 1,2 миллион киши қамоққа ташланади.

“Киров иши”. Бу иш аввалида партия сафлари “ёт ун-сурлар”дан тозаланади. Кейин эса Ленинградда “Киров иши” бошланади.

С.М.Киров Ленинград обкомининг раҳбари бўлиб ишлаган. Халқ орасида обрўси ниҳоятда катта бўлган. Уни Ленинградда отиб кетишади. 1989-1990 йилларга келиб бу иш шахсан Сталиннинг буйруғи билан амалга оширилгани маълум бўлган.

Кировнинг қотили қўлга олинганда у Г.Зиновев ва Л.Каменев раҳбарлик қилган яширин ташкилотга аъзолигини айтади. Шу боис Зиновев ҳам, Каменев ҳам қамоққа олинади. Улардан сўнг яна кўплаб кишилар Кировнинг ўлимида ва яширин ташкилотга аъзоликда айбланиб, қамоққа ташланади. Бир сўз билан айтганда, Сталин Кировни ўлдиртириб, шу баҳона жуда кўп одамни қамоққа тикади.

“Пулково иши”. 1934 йилда қуёш тутилиши ҳодисаси юз берган ва уни ССРИ ҳудудидан тўлиқ кузатиш мумкин бўлган.

Ўшанда Пулково обсерваторияси раҳбари Б.Герасимовичга хорижлик олимлардан қуёш тутилиши ҳодисасини у бошчилик қилаётган обсерваториядан кузатишни сўраб кўплаб мурожаатлар тушади. Олим уларнинг аксариятига ижобий жавоб беради ва кўплаб хорижлик олимлар ҳодисани Пулково обсерваториясидан туриб кузатишади.

Хорижликлар кетганидан сўнг, обсерваторияни НКВД босади ва барча ходимларни “хориж жосуси” сифатида қамоққа олади. Шундан сўнг мамлакатдаги кўплаб астрономлар, геологлар, геофизиклар, математиклар “Пулково иши”га дахлдорликда айбланиб, қатағон қилинади.

“Катта террор”. 1936 йилда НКВД раҳбари Ягода бўша-

тилиб, ўрнига Н.Ежов тайинланади. Шундан сўнг “Катта террор” деб номланган қатағонлар бошланиб кетади.

30-йилларда Ягода ва Ежов сингари жиноятчилар инсониятга қарши жиноят содир этгани учун ССРИ тарихида жаллод сифатида ном чиқарган эдилар. Шулар ва шу кабиларнинг айби билан халқимизнинг ҳам асл фарзандлари, давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий, ёрқин истеъдод эгаси, шоир Усмон Носир ва бошқалар қатағон қилинган.

1937-1938 йилларда умумий ҳисобда 1 миллион 575 минг 259 киши қамалган. Улардан 681 минг 692 нафари терговдан сўнг отувга ҳукм қилинади.

Марказий Осиё республикаларидан қамалганлар ва отиб ташланганлар асосан “панктурист”, “миллатчи”, “диний реакционер”, Россия тарафларда “троицкийчи”, “меншевик”, Украинада эса “бандерачилар”, деб айбланиб қатағон қилинган.

1937 йилда НКВД мамлакат бўйлаб ўзининг барча тузилмаларига N00447 сонли “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа ёт унсурларни маҳв этиш” ҳақидаги буйруғини жўнатган. Шундан сўнг бутун ССРИ бўйлаб одамларни сиёсий айблар билан қамоққа тикиш бошланиб кетади.

Оила аъзоларидан кимдир “қизиллар”га қарши курашган ёки “қулоқ” қилинган бўлса, уни “ватанга хиёнат”да айблаш учун шунинг ўзи етарли асос бўлган. Сўнгра қариндошлари орасида “ёт унсурлар” бўлганларни, “душманлар” билан бирга ишлаганларни, диний билимга эга бўлганларни сиёсий айблар билан қамаш бошланади.

Ўшанда бутун ССРИ бўйлаб чақимчилар ниҳоятда кўпаяди. Кимдир НКВДчиларга яхши кўриниш учун, кимдир мансаб олиш учун, кимдир яна нимадир сабаб билан бошқалар устидан чақув хатлари ёза бошлайди.

Шу тариқа, 1941 йил 22 июн, фашистлар Германияси ССРИга бостириб киргунча мамлакат бўйлаб жуда кўплаб одам сиёсий айблар билан қамоққа тикилади.

Уруш давридаги қатағонлар. 1939 йилда бошланган Иккинчи жаҳон уруши даврида ССРИ Полша ва Чехословакиядан Ғарбий Беларус ва Ғарбий Украинани, Финландиядан Карелиянинг бир қисмини ва Руминиядан Бессарабияни тортиб олади. Босиб олинган ҳудудларнинг аксарият аҳолиси ССРИ таркибига киришга рози бўлмайди ва қуролли қаршилик кўрсатади. Аммо кучлар тенг бўлмагани учун улар енгилади.

Шундан сўнг ўша ҳудудларда яшайдиган аҳолининг аксарият қисми қамоққа тиқилади. Қамоқхоналар поляк, фин, карел, румин, молдаван, украин ва беларус асирлари билан тўлади.

Уруш даври депортациялари. Немислар ССРИга бостириб кирганидан кейин ҳамма мудрофаа ишлари билан банд бўлиб, мамлакат ичида сиёсий қатағонлар бирмунча тўхтади.

Бироқ 1943 йилнинг кузида, урушда ССРИнинг қўли баланд келиб, немислар ортга чекина бошлаганда қатағонларнинг янги тўлқини бошланади. Сталиннинг буйруғи билан турли миллатлар сотқинликда айбланиб, ўз уйларидан қувғин қилинади.

1943 йил 12 октябрда ССРИ Олий совети Президиумининг РСФСР таркибидаги Қорачой автоном областида яшовчи қорачойларни Қозоғистон ва Қирғизистонга бадарға қилиш ҳақида қарори эълон қилинади.

1943 йил 27 декабрда қалмиқлар, 1944 йил 29 январда чечен-ингушлар, 24 февралда болқорлар, 10 майда крим татарлар, 24 июлда месхети турклар ўз уйдан қувғин қилиниб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларига бадарға қилинади.

Ўшанда, бадарға қилинганларни юк вагонларига тиқиб олиб кетишган. Оғир шароитда уларнинг кўпчилиги ҳалок бўлган. Сталин вафотидан кейин уларнинг бир қисмига ватанига қайтишга рухсат берилади.

Европалик махбуслар ва ҳарбий асирлар. Уруш ССРИ ҳудудидан чиқиб, Шарқий Европа ҳудудига ўтганидан сўнг, ГУЛАГ қамоқхоналари ҳарбий асирлар ва Шарқий Европа

мамлакатларида ССРИга қарши бўлган аҳоли вакиллари билан тўла бошлайди.

Ўша пайтда, Полша, Венгрия, Руминия, Болгария, Чехословакия каби мамлакатлар аҳолиси орасида немислар билан бирга коммунистларни ҳам бирдай ёмон кўрадиган инсонлар етарлича топилар эди.

ССРИ қўшинлари немисларни қувиб ўша давлатлар ҳудудига кирар экан, ССРИни ёқтирмайдиганларнинг аксарияти қамоқхонага жўнатилади.

Уруш тугаганидан сўнг немислар қўлига асир тушган, Шарқий Европа мамлакатларида партизанлик ҳаракатларида қатнашган ССРИ фуқароларининг барчаси ватан хоини сифатида қамоққа тиқилади.

“Звезда” ва “Ленинград” журналлари “иши”. 1946 йил 14 августда ҳукуматнинг “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақида қарори чиқади. Қарорда бу журналлар ўз саҳифасида А.Ахматова ва М.Зощенконинг “совет реализмга ёт бўлган” асарларини бергани учун қаттиқ танқид қилинган эди.

Шундан сўнг мамлакат бўйлаб барча газета ва журналлар “элакдан ўтказилади”. Яна қайтадан адиблар, журналистлар, адабий ходимлар қамоққа олинади. Одамлар учун яна таҳликали кунлар бошланади. Ўша даврда Шукрулло, Саид Аҳмад ва бошқа кўплаб ўзбек адиблари ҳам қамалган.

“Яҳудийлар иши”. 1948 йилда эса “Яҳудийлар иши” номи билан қатағонлар тўлқини бошланади. Бу қатағоннинг бошланишига ССРИда фаолият юритувчи “Яҳудий антифашист комитети” ташкилотининг Яқин Шарқда ташкил этилаётган Исроил давлати билан яқин муносабатлар ўрнатиши сабаб бўлган.

Ташкилотни 1942 йилда театр актёри ва режиссёри Соломон Михоэлс тузган. Уруш тугаганидан сўнг бу ташкилотнинг хориждаги яҳудий ташкилотлари билан алоқа ўрнатишга уриниши бошданоқ Сталинга ёқмаган. 1948 йилда Исроил билан алоқа ўрнатиши бу ташкилот ишининг тафтиш қилинишига ва мамлакатдаги аксарият таниқли яҳудийларнинг қамалишига сабаб бўлади.

“Яҳудийлар иши” 1952 йилгача давом этади ва ССРИдаги энг таниқли 13 нафар яҳудийнинг отиб ташланиши билан тугайди.

“Врачлар иши”. 1950 йилларда ССРИдаги энг кучли врачларнинг аксарияти яҳудийлар эди. “Яҳудийлар иши” ёпилгани билан Сталиннинг яҳудийларга бўлган муносабати ўзгармайди.

Марказий Комитет Президиумининг аъзоси В.Малишевнинг эслашича, 1952 йил 1 декабр куни Сталин Марказий Комитет аъзолари олдида “Ҳар қандай яҳудий миллатчиси - АҚШ разведкасининг айғоқчиси. Яҳудий миллатчиси яҳудийларни АҚШ қутқарди, деб ўйлайди. Айниқса, врачлар орасида яҳудий миллатчилари кўп”, дейди.

Сталиннинг шу гапи мамлакат бўйлаб таниқли врачларнинг қамоққа олинишига сабаб бўлади. Аввалига миллати яҳудий бўлган врачларни ҳибсга олишади. Сўнг улар билан бирга ишлаган врачларни қамашади. Шу тариқа мамлакатдаги энг кучли врачлар қамоққа олинади. Улар орасида Сталиннинг шахсий врачлари В.Виноградов ҳам бор эди.

Сталин қатағонлари рўйхатида энг охириги иш “Врачлар иши” бўлади. Орадан бироз ўтиб, 1953 йил 5 март куни у вафот этади.

Халқаро “Мемориал” ташкилоти ҳисоботларига кўра, Сталин қатағонлари туфайли 10-12 миллиондан 38-39 миллион нафаргача одам ҳалок бўлган.

1954 йил КПСС Марказий Комитети биринчи котиби Хрущёв номига тайёрланган маълумотномага кўра, 1921 йилдан 1954 йилгача НКВД “тройка”лари ва ҳарбий трибунал томонидан 3 миллион 777 минг 380 нафар одамга ҳукм эълон қилинган.

Лаврентий Берия 1938 йил 22 августда НКВД раҳбари этиб тайинланган. Айнан у Сталин қатағонларининг энг ёвуз ижрочиларидан бири бўлган.

Сталин вафотидан кейин, унинг содиқ хизматкори сифатида Бериянинг бошида ҳам қора булутлар айлана бошлайди. 1953 йил 26 июнда Хрущёв ССРИ Министрлар Со-

ветининг махсус йиғилишини чақиради. Йиғилишда Берия масаласи кўрилади ва уни “мамлакатнинг социализм йўлидан ривожланишга тўсиқ бўлаётган шахс” сифатида ва яна бир қатор айблар билан айблашади ва ўша ернинг ўзида қамокқа олишади.

Бериянинг қўлига кишанни шахсан маршал Жуковнинг ўзи тақади. Берия 1953 йил 24 декабрда СССР Олий суди томонидан отувга ҳукм қилинади ва ҳукм ўша кунда ижро этилади.

1983-1989 йилларда Ўзбекистонда фаолият олиб борган тергов гуруҳи раҳбари Гдлянни ҳам қатагон машинасини юритиб, жуда кўп одамларни қонунсиз ёлғон кўрсатма ва далиллар билан қамокқа олган. Агар у вақтида тўхтатилмаганда у ўзининг режалари бўйича қатагонни Бериядан ўтказиши аниқ эди. Унинг ҳаракатлари кеч бўлса-да тўхта-тилиб, ишдан бўшатилди. Гарчи жазо тайинланмай қолган бўлса ҳам, жиноят иши қўзғатилган эди.

БЕРИЯНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Ҳикматов Гдлян ва Иванинг қилмишларидан азобда қолганлардан бири. У ноҳақ қамалгани кейинчалик аниқланди, Ўзбекистон Олий суди томонидан оқланди.

У ССРИнинг ўз давридаги машҳур терговчиларининг тергов усулига шахсан гувоҳ киши сифатида шундай кўрсатма берган: “терговчи Иванов менга бундай деди: Сиз Елцин билан Жабборовга пора бермаган бўлсангиз ҳам, пора берганман, деб қўл қўйинг. Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр эканлиги бизга яхши маълум”.

Рад жавобини олгач, Иванов шундай деган: “Биз судни ҳам мажбур қиламиз. Судлар биз нима десак, шуни қиладди. Биз И.Усмонхўжаев ва О.Салимовни қамоққа олдик, улар энг олий жазога ҳукм қилинади. Биз улардан истаган одамга қарши гувоҳлик беришни талаб қиладиган бўлсак, улар шундай гувоҳлик беради. Суд Каримов, Қудратов, Музаффаровларни отишга ҳукм қилган эди, лекин улар бизга керак кишилар бўлгани учун биз уларни отишдан сақлаб қолдик. Улар олдида сен ким бўлибсан, бор-йўғи битта райкомнинг биринчи котибисан-да, биз яқин орада ҳатто Кремлда ўтирган кишиларни ҳам қамоққа оламиз. Агар сен ҳозир бизнинг айтганимизни қилмасанг, сени қип-яланғоч қилиб ечинтирамиз ва бутун совет иттифоқи бўйлаб сазойи қиламиз. Болаларинг билан бирга сени турмада чиритишадди. Ёки сенга энг олий жазо беришларига эришамиз. Сен ҳали бизни билмабсан, бизларни билганингда эди, бошқача одам бўлиб қолардинг”.

Гдлянчиларнинг кирдорлари ҳақида С.Канязов қуйидагиларни маълум қилган: “Хонага Иванов кириб келди ва қатъий оҳангда шундай деди: “ССРИ Бош прокурори номига ариза ёз. Аризангда ўз қўл остингдаги камида 45-47 кишидан 500 минг сўмга яқин пора олганман, деб ёзасан, шунингдек, унда камида 12-15 эпизодни “юқорига” нисба-

тан ёзасан, улар ичида Осетров, Орлов, Абдуллаева, Ишков ва бошқалар бўлсин, деб буюрди”.

Ҳибсга олинган киши ёлғон гапирмай туришда давом этаверса, терговчилар дўқ-пўписадан амалий ишга ўтишарди. Турма камераларига ҳибсга олинган кишининг энг яқин қариндош-уруғлари олиб келинарни. Баъзан болаларни она-оналари ётган камерага қўшни бўлган хоналарга жойлаштиришган. Улар бир-бирларининг изтиробини сезиб туришлари учун атайин шундай йўл тутилган. Бу орқали шафқатсиз жаллодлар ота-оналик ва қариндош-уруғчилик ҳис-туйғуларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланишган.

Гдлянчи терговчиларнинг қарорлари бўйича Мусахоновнинг ҳеч қандай айби бўлмаган тўрт нафар, Нуримбетов, Камолов, Ражабов ва Жуманиёзовларнинг саккиз нафардан, Усмонхўжаевнинг тўққиз нафар, Худойбергановнинг 15 нафар қариндош-уруғлари қамоққа олинган.

Гдлян ва унинг тергов гуруҳи қамаган кишилар уларни эртасига нималар кутаётганини мутлақо билишмас эди. Улар доимий равишда кўрқитиб, дўқ-пўписалар билан ваҳимага солиниб сўроқ қилинари эди. Қамалганлар яқин кишилари ва қариндош-уруғлари тақдири учун ҳам изтироб чекишга мажбур бўларди.

Бу ҳақда Қосим Нуримбетов шундай ҳикоя қилади: “Менга Гдлян кимга қанча пора берганлигим ва кимдан қанча пора олганлигимни айтиб турди, мен бу гапларни аризамга ёза бошладим. Гдлян мендан районимизга юқори ташкилотларда ишлайдиган раҳбарлардан кимлар келганини сўраб олди. Мен уларнинг номларини айтганимдан кейин ўша кишиларга пора берганман, деб ёзишга мажбур қилди. Сўнгра барча колхоз раислари, совхоз директорлари, савдо ташкилотларининг раҳбарлари номини ёзиб беришни ва уларни пора берувчи кишилар эди, деб кўрсатишни буюрди.

Мен у айтган ҳамма гапларни ёзиб берганман. Рўйхатни ёзиб бўлганимдан кейин яна Гдляннинг ўзи айтиб туриб ҳар бир кишидан неча сўм олганимни, худди шунингдек, юқо-

ри ташкилотларда ишлайдиган раҳбарларга гўё мен берган пулнинг миқдорини ёздирган. Фақат шундан кейингина ҳар бир пора берувчи ва пора олувчи киши тўғрисида бу пуллар нима учун олингани ва бошқаларга нима сабабдан олиб бориб берилганлигини ўйлаб чиқаришимга тўғри келган, яъни мен аризамни иложи борица ростга ўхшатиб ёзишим керак эди”.

Терговда ҳеч қандай маълумот бермайдиган камгап кишиларга хотин, бола-чақаларини прокуратурага, ДХКга, милицияга қандай олиб келинганлиги суратга туширилган видеоёзувларни намоиш қилиб кўрсатишган. Кейин эса гўё тасодифан шундай бўлгандек, турма йўлагида ота билан ўғилни, тергов изоляторлари кабиналарида она билан қизни атайин учраштириб қўйишган. Ва яна айбни бўйнига олмай турган кишига: “Мана, кўряпсанми, сен айбни бўйнингга олишни хоҳламаяпсан ва биз сенинг болаларингни, хотинингни қамаб қўйишга мажбур бўлмоқдамиз. Айбларингни бўйнингга олсанг, биз уларни қўйиб юборамиз” дейишган.

Табиийки, шундан кейин кўпчилик кишилар бу хилдаги рухий қийноқларга бардош бера олмай ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам тухмат ва бўҳтонга кўмар эдилар. Ўз болалари ва бошқа яқин қариндош-уруғларининг тақдирини ўйлаб, ёлғон гапиришга мажбур бўлган.

Гдлян терговчилари ҳомиладор аёл Нуримбетова Аважонга дўқ қилиб “...ҳозир турмага олиб кетадилар, сен болангни ўша ерда туғасан”, деб кўрқитишган.

Жуманиёзова Зухрага терговчи: “Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга рози бўлмасанг, қизларингни зўрлаймиз...” деган.

Тўрабой Каримовни кечаси уйдан ушлаб кетишган. Уни одам ўлдирганликда, қотилликда айблаб олиб кетаётганликларини айтишган. Хотини қаттиқ кўрқиб кетган, йиғлаб ялинган. Бир ой мобайнида изоляторда олиб борилган сўроқларда Тўрабой Каримовдан ичига 500 минг сўм пул солинган дипломатни қаерга қўйганлигини айтишни, уни

топиб беришни талаб қилғанлар. У эса бу тухматларни сира бўйнига олмасди, чунки ҳеч қандай пул тўла дипломатнинг ўзи бўлмаган.

Тўрабой Каримов бу ҳақда шундай ҳикоя қилган: “Сўроқ вақтида ҳар хил дўқ-пўписалар билан мени кўрқитишар эди. Турмадан чиқмайсан, шу ерда чириб кетасан, биз сенинг қоқ пешонангдан отиб ташлаймиз, дейишарди. Ҳар доим сўроққа икки қўлимга кишан солиб олиб келишарди. Улар менинг хотиним қамоққа олинганини, қизларим институтдан ҳайдалганини айтишар, шу каби ёлғон маълумотлар билан мени кўрқитиб бўйсундирмоқчи бўлишар ва уйимга булдозер солиб, вайрон этишга қасам ичишарди. Лекин энг даҳшатли ишлар камера ичида содир бўлар эди. Бу ерда атайин мен билан бирга қамаб қўйилган ашаддий жиноятчилар мени мунтазам уриб-сўкиб ҳақорат қилишар эди. Камерага кирган заҳоти терговчилар тўқиб чиқарган пул тўла дипломатини мендан талаб қилишар ва аёвсиз калтаклашарди.

Улар бошимга телпак кийгизиб томоқларим остидан ипини маҳкам тақиб қўйишар ва батамом кучдан қолиб йиқилиб тушгунимча ўтириб туришга мажбур қилишарди. Шундан кейин жуда кўп миқдорда совуқ сув ичишга мажбур қилар эдилар. Агар бўйсунмасам ўласи қилиб уришар эди. Ўзлари тўшақда ётган ҳолда, мени изғирин шамол кучлироқ эсатиган жойда пол устида ухлашга мажбур қилишарди. Ётган жойимдан туришга мутлақо рухсат беришмас эди...”.

Қорақалпоғистон вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Қаллибек Камолов ҳам ёлғон кўрсатма беришдан воз кечади. Шундан сўнг унга нисбатан кўрқитиш ва дўқ-пўписалар бошланади. Улар: “Иш жойингда бирон айбингни топиб ўзингни ҳам, болаларингни ҳам, хотинингни ҳам қамаб қўямиз”, дейишади.

Гдляннинг терговчилари маҳбусларнинг нозик ҳис-туйғуларини кўзғаб, уларга руҳий таъсир ўтказиш йўли билан берган маълумотларидаги рақам ёнига бор-йўғи битта

“нол” қўшиб қўйишни таклиф қилишарди. Буни аввалига муғомбирлик билан, яхши гапириб амалга оширишга уриниб кўришар, бўлмаса, дўқ-пўписалар қилиб ўз сўзларини ўтказишарди. Масалан, минг сўмлик порага яна битта “0” қўйиларди, натижада минг сўм ўн минг сўмга айланарди. Поралар сони масаласида ҳам худди шундай йўл тутиларди. Бир марта пора берган одамнинг кўрсатмаси ёнига “нол” қўшиб, уни ўн мартага айлантириб қўйишарди, поранинг кимга берилганини ҳар доим ўзлари топишар, айтиб ёздиришар, гоҳида эса бутун бир рўйхат тақдим қилишарди. Маҳбусни бир марта пора бердингми ёки беш марта, ўн марта пора бердингми, барибир деб ишонтиришарди. Бизнинг гапимизга кўнсанг, ўнта пора учун ҳам, битта пора берган кишидек жазо оласан ёки бутунлай озод қилиб юборишимиз ҳам мумкин, дейишган. Агар гапимизга кўнмасанг, оттириб юборамиз, баъзан Ивановнинг яхши кўрган иборасини ишлатиб “пешонангга хол қўйиб қўямиз (ўлимга ҳукм қилинганларга пешонасига шундай белги қўйилган)” дейишган.

Милиция подполковниги Тўра Очилов ҳам узоқ вақт терговчиларнинг тазйиқларига қаршилиқ кўрсатган. Уни совуқ карцерда сақлашган, қийноқларга солиб уришган. Аммо Очилов барча қийноқларга матонат билан чидаган. Гдлян отаси ва ўғлини қамаш тўғрисидаги қарорни кўрсатганда Очиловнинг руҳи чилпарчин бўлади. Ўзининг энг яқин, кадрдон кишилари тақдири учун ташвишга тушиб қолган Очилов улар айтган аризага қўл қўйиб берган.

Ўша кунларни эслаб Очиловнинг ўзи бундай дейди: “Гдлян менга бир схемани кўрсатди, унда ССРИ ва Республикалар Ички ишлар вазирликлари, КПСС Марказий Комитети, вилоят котиблари кичик-кичик квадратлар шаклида белгилаб қўйилган бўлиб, ҳар бир квадратнинг ичига фамилиялар ёзилган эди... Улар мана шу схемада кўрсатилган кишиларга тухмат қилишни, улар пора олган, деб кўрсатма беришни талаб қилишарди”.

Очилов мазкур схема бўйича Қашқадарё вилояти партия

қўмитасининг биринчи котибига пора берганман, деб туҳмат қилади. “Мен унинг туғилган кунда олтин соат совға қилганман”, деб кўрсатма беради. Бу маълумотни Иванов ёзиб олган. Лекин протоколда котибнинг туғилган кuni қайси санада эканлиги кўрсатилмаган. Кейинчалик бу ишни кўриб чиқиш терговчи Коваленковга топширилади. Сўроқ вақтида у Очиловдан пора берилган вақтни аниқлашга уриниб кўради. У буни айтиб бера олмайди, чунки ўзи ҳам буни аниқ билмас эди.

Буни Коваленков тушуниб, Очилов билан бирга Гдляннинг хонасига киради ва соат тўғрисидаги гаплар ғирт ёлғонлигини айтади. Очиловнинг гапларига қараганда воқеанинг давоми бундай бўлган: “Гдлян бизнинг иштирокимизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг хўжалик ишлари бошқарувчисига қўнғироқ қилиб, ундан Ғойиповнинг туғилган кунини аниқлаб олди. Шундан кейин менга танбех бериб, сен унинг туғилган кунини ҳеч қачон эсингдан чиқариб қўймагин”, деди. Бироз фурсат ўтиб, Коваленков мени қайтадан сўроқ қилди ва протоколда Ғойипов туғилган кунни аниқ кўрсатиб қўйди”.

ЎзССР Ички ишлар вазирлиги жинойт қидирув бошқармасининг собиқ бошлиғи Жамолов Гдлян билан Ивановнинг Ўзбекистонда амалга оширган кирдикорлари ҳақида қўйидагиларни ёдга олади: “Бу икки терговчи бизга тергов муддати ҳам, одамларни ҳибсда сақлаб туриш муддати ҳам ҳеч нарса эмас, дер эди.

Турма Гдлян билан Иванов учун қудратли қурол ва қўмакчига айланди. Улар ўз мақсадларига эришиш учун энг ифлос усулларни, ҳар қандай воситаларни ишлатишдан ҳам тоймадилар. Ҳибсга олганларидан кейинги дастлабки кунлардаёқ улар кўрсатган йўлдан бормаганим учун мени бошқа камерага, ашаддий жинойтчи Оқил Ғофуров ётган камерага кўчиришди. У йўлтўсарлик, босқинчилик қилгани учун қамалган гиёҳванд экан. Оқил менинг Республика жинойт қидирув бошқармаси бошлиғи эканлигимни билар

экан. Шу сабабли у камерада чидаб бўлмайдиган “шароит” яратди: у менга доим рухий тазйиқ ўтказар, ўтган ишларни эсга солар, мени истаганча ҳақорат қилар, сўкинар ва тўхтовсиз камситар эди. Мен мана шундай чидаб бўлмас шароит юзага келганлиги тўғрисида Гдлянга гапириб бердим. У эса фақат мийиғида кулиб қўя қолди”. Ниҳоят, ўз айбини тан олиш ҳақидаги ариза ёзилади. Шу куниек Ғофуровни колонияга жўнатиб юборишган.

...1957 йилда туғилган Зиёда Камолова қўлидаги эмизикли боласига қараш учун декрет таътилида юрган эди. Навбатдаги сўроқ 1988 йил 2 июн соат 24 дан 3 июн соат 13 гача давом этган. Ана шу ўтган вақт мобайнида чақалоғи ва икита норасида болалари ҳам Зиёданинг ёнида бўлган.

Сталиннинг жаллод ҳамтовоғи бўлган Лаврентий Бериянинг бўйсунувида ишлаган терговчилар қамоққа олинган одамларни ўз айбига иқрор бўлиб, кўрсатма беришга мажбур қилдирадиган 26 та усулдан фойдаланган. Т.Гдляннинг Ўзбекистонда содир этган жиноий қилмишлари юзасидан ўтказилган тергов давомида гдлянчилар тўдаси томонидан одамларни ўз айбига иқрор бўлиб, кўрсатма беришга мажбур қилдириш мақсадида 18 та усул қўлланилгани аниқланди.

КАЗАРМА ТАРТИБИДА

Айрим вақтларда ҳуқуқ-тартибот органларида “казарменная положения” деган жумла ишлатиб турилади. Бунда баъзан байрам ёки бошқа сабаб билан ўтказилаётган тадбирлар сабаб иш кучайтирилган тартибда ташкил этилгани назарда тутилади. Яъни, бунда одатий иш вақти тугагандан сўнг уйга қайтиб оила даврасида ёки шахсий масалалар билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

Айтиш мумкинки, собиқ иттифоқнинг охирги уч йилида, 1988-1991 йилларда ССРИ Бош прокуратурасининг кўпгина ходимлари айнан “казарменная положения”да ишлашларига тўғри келганди. Хусусан, Бош тергов бошқармасининг ходимлари бутун мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан терговчиларни чақириб, тергов бригадалари тузишга ва улар билан бирга энг қайноқ нуқталарга – ур-йиқитлар авж олган жойларга етиб боришга аранг улгуришарди. Бундай жойларда уларнинг ҳаётлари ҳам доимий хавф-хатар остида кечарди. Хусусан, ўзим ҳам Грузияда сафарда бўлганимда “калашников” автоматидан яраланиб, ёнимдаги терговчи ҳалок бўлганди.

Биз ҳарбийлардек ҳаёт кечирардик. Ҳеч ким навбатдаги сафар ҳақидаги фармойишга эътироз билдиролмасди. Йўл-анжомларимизни доимо иш кабинетларимизда сақлардик, негаки сутканинг исталган вақтида сафарга жўнаш тўғрисида буйруқ бўлиб қолиши мумкин эди. Шахсан ўзим 1985 йилнинг охиридан ССРИ прокуратураси тугагунга қадар Бош прокуратуранинг 2-бошқармасида фақат тергов гуруҳларида ишладим. Уйга 2-3 ойда бир келиб-кета олардим, холос.

Иттифоқ прокуратураси марказий аппаратининг ходими Э.Хачатуров, Курск вилояти прокуратураси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари В.Цибина, Донецк вилояти прокуратураси ходими Э.Якубовский, Ростов вилояти проку-

ратураси тергов бошқармасининг прокурори А.Черников, Самарқанд вилояти прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси А.Эсанов ва шулар сингари малакали ҳамкасбларимни, содиқ дўстларимни ҳамиша чуқур миннатдорлик билан эслайман.

1990 йилнинг бошларида А.Я.Сухаревнинг кўрсатмасига биноан ССРИ Ички ишлар вазирлиги Бош тергов бошқармасининг собиқ бошлиғи, адлия генерал-лейтенанти В.Г.Новиков бошқармага ўринбосар қилиб тайинланди. У нафақага чиққан бўлса ҳам, прокуратурада бироз ишлаб бериш истагини билдирган экан.

Василий Григоревич сидқидилдан ишлайдиган серғайрат ходимлиги, тергов практикаси, жиноий ҳуқуқ ва процесс қоидаларини жуда яхши билиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Узоқ йиллар мобайнида ҳарбий прокурор бўлиб ишлаганлиги сабабли прокурорлик назорати ишларини ҳам мукаммал билар эди.

У гуруҳимизга келгунига қадар каттагина тергов маълумотлари тўплаб улгурган эдик. В.Новиков биз олиб бораётган ишдаги маълумотлар билан танишиб, уларни пухта ўрганиб чиқди ва ҳеч иккиланмай: Гдлян гуруҳи қонунчиликни қўпол равишда бузилишига йўл қўйган, деган хулосага келди. Улар албатта, жиноий жавобгарликка тортилиши ва суд томонидан жазоланиши лозим, деб айтарди. Василий Григоревич ёши ўтиб қолган бўлса-да, бир ўзи бир нечта терговчининг ишини қиларди. Қандай муаммога дуч келсак, у кишидан маслаҳат сўрар эдик. В.Новиков Ўзбекистон ИИВда ишлаётган ходимлар билан алоқа ўрнатиб, бизга маълум бўлмаган бир қанча ҳолатлар бўйича ҳам тегишли маълумотлар тўплаган экан...

* * *

1989 йилнинг июн-июл ойларида ҳаддан ташқари кўп ташкилий масалаларни ҳал қилишга тўғри келди: гуруҳни таркиб топтириш, уни жойлаштириш, зарур техника билан

таъминлаш, Ўзбекистонга қайта-қайта келиб-кетиш ва бу ердаги ишларни йўлга қўйиш шулар жумласига кирарди.

Тергов ишларини қай йўсинда ва қандай олиб боришни тўғри белгилаш ғоят муҳим эди. Ўша кезларда бизнинг гуруҳимизга суд қилиб ҳукм чиқарилган, иши ҳали терговда бўлган, терговни Гдлян бошлаб узоқ вақт давом этаётган кишилардан келаётган шикоятлар оқими жуда кўпайиб кетди. Агар биз шикоятларни текширишга берилиб кетадиган бўлсак, жуда кўп вақтимиз сарф бўлиб, тергов муддатларини ўтказиб юборишимиз мумкинлигини яхши тушунар эдик. Чунки энди бу ишлар бошқа терговчилар қўлида эди. Башарти текшириш бошланса, бу терговчиларнинг ҳам фаолияти тўхтар, уларнинг қўл-оёғини боғлаб қўйгандек бўларди. Оқибатда улар терговни белгиланган муддатда тамомлашга улгурмас эди. Шунинг учун гуруҳ раҳбари судлар томонидан кўриб чиқилган ёки ҳаракатдан тугатилган ишлар бўйича қонунбузарликка йўл қўйилган фактларнигина тергов қилиш тўғрисида қарорлар чиқарди. Бошқа ариза-шикоятлар эса тергов ходимлари томонидан текшириладиган бўлди. Бундай қарорга келишимизга сабаб Гдлян, Иванов ва бошқа бир қатор терговчиларнинг Ўзбекистондаги ишларни олиб боришдан четлатилгани эди.

Ишларни қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаган кишилар олиб боришарди. Шунинг учун улар олиб бораётган ишнинг ҳолислигига шубҳа билдиришга асос йўқ эди. Улар жинояткорона қонунбузарликлар ёки хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳоллари аниқланганда бундай ишларга оид маълумотларни ажратиб олиб бизга жўнатишлари лозим эди. Биз эса улар юзасидан якуний тергов олиб борардик. Бундай таклифга прокуратура раҳбарияти ҳам рози бўлди.

Тергов ишларида мураккаб вазиятлар тез-тез пайдо бўлиб турарди. Чунки у ССРИ халқ депутатлари биринчи съездида тузилган комиссия иши билан бир вақтда баб-баравар давом этарди. Комиссиянинг бир қатор аъзолари, хусусан,

И.Сорокин, Н.Игнатович, комиссия якуний хулосалари чиқарилмагунича терговни умуман тўхтатиб туришни талаб қилишарди.

ССРИ прокуратураси бундай талабларни қатъий равишда рад қилар эди. Бироқ бизга собиқ гдлянчилар гуруҳидаги терговчиларни сўроқ қилишни ман этиб қўйдилар. Қарийб уч ой мобайнида фақат ҳужжатлар билан ишладик. Бу масала атрофидаги вазият тобора кескинлашиб борарди. Кўпчилик дўстларим, ҳатто менга шунчаки таниш бўлган кишилар ҳам бундай жанжалли масалага араллашиб, ишдан ҳам ажраб қолмаслигимни маслаҳат берардилар. Ҳатто прокуратуранинг ўзида ҳам бошқа терговчилар томонидан заҳарханда киноялар, луқмалар бўлиб турарди.

Бунинг устига марказий матбуотдаги шов-шувлар борган сари авж олар эди. Съезд тузган комиссия ихтиёрига иш ҳужжатлари берилмаётир, деб прокуратурани асоссиз равишда айблашар эди. Ҳолбуки, ҳеч қачон бундай бўлмаган. Матбуотда Т.Гдлян, Н.Иванов, Сорокин, Игнатович, Семеновларнинг фамилиялари доимий равишда чиқиб турар ва улар бизнинг номимизга асоссиз даъволар билдиришарди. Бу ишлар, афтидан, атайин уюштирилар эди. Мақсад – бизни мувозанатдан чиқариш, руҳимизни синдириш ва ишни тўхтатишга мажбур қилиш эди. Кўпчилик газеталар уларнинг қўлида бўлиб, аксарияти ҳали текширилмаган, лекин шов-шувларга сабаб бўладиган ахборотлар учун ўз саҳифаларидан катта-катта жой берар эди.

Лекин аста-секинлик билан бўлса-да, съезд комиссиясининг фикри бизнинг фойдамиз томонга ўзгара бошлади. Ҳақиқатни тиклашга астойдил уринаётган комиссиянинг мушоҳадали аъзолари Гдлян ва Иванов тўғрисида митингларда айтилаётган гапларга, газеталарда босилаётган фикрларга, бурчак-бурчакларда шивирлаб айтилаётган миш-мишларга ва умуман ноҳолис ахборотларга эътибор бермай қўйди.

Комиссиянинг ихтиёрида жуда кўп маълумотлар бўлиб, унинг аъзолари кўплаб одамлар, шу жумладан, Ўзбекистон-

даги кишилар билан ҳам учрашар эди. Мана шу кишилар баён этган фикрлар таъсирида тушунчаларида ўзгаришлар содир бўла бошлади. Комиссияга ёрдам бериш учун ССРИ Олий совети томонидан тайин қилинган прокурор Э.Мартинсон чиндан ҳам холис киши экан. Унинг жуда тартибли, ҳалол, жиной ҳуқуқ-тартибот ва жиной процессларга оид ишларни яхши биладиган киши эканлиги тезда маълум бўлди. Э.Мартинсон узоқ йиллар мобайнида Болтиқбўйида ҳарбий прокурор бўлиб ишлаганди. Мураккаб ва чигал ишларда пишиб чиққан бу одам қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан шафқатсиз курашарди. У билан бўладиган ҳар бир суҳбат менга ҳамиша қониқиш бағишлар эди. Кўпинча биз у билан терговга оид ғоят мураккаб муаммоларни муҳокама қилардик.

Дарвоқе, билишимча, Э.Мартинсонни комиссиянинг ёрдамчиси сифатида ишга олиш тўғрисидаги таклифни Гдляннинг содиқ дўсти, Литва прокуратурасининг терговчиси Э. Бичкаускас айтган. Улар бу одам бизга ён босади, деб ўйлаган бўлса керак. Лекин Э.Мартинсон ўз виждонига ҳам, ҳақиқатга ҳам хиёнат қилмади. Съезд комиссияси учун бир қатор ғоят холисона хулосалар чиқарди. ССРИ Олий совети сессияларидан бирида Э.Мартинсон Гдлян йўл қўйган қонунбузарликларни фош қилиб ташлаганди...

Биз иш бошлаган дастлабки ойлардаёқ Гдлян билан Ивановни сўроқ қилиш, улар билан бир қатор кишиларни юзлаштириш зарурати пайдо бўлганди. Ўшанда у ҳали прокуратуранинг тергов бўлимига келиб-кешиб юрарди. Шу боис бу ҳақда гуруҳ бошлиғи В.Илюхинга мурожаат қилдик. У Гдлянга қўнғироқ қилганда, ўз жойида экан. Трубкини қўтариб, уни сўроқ қилиш ҳақидаги таклифларига рад жавобини берган. Ўзи ҳам, Иванов ҳам ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда сўроққа бормаслигини айтган. Бунинг устига В.Илюхинга дўқ-пўписа қилиб трубкини қўйиб қўйган.

Гдлян билан Иванов депутатлар дахлсизлиги деб аталмиш кучли “зирх” ортига яшириниб олдилар. Шунинг учун

биз уларни мажбурий равишда сўроққа олиб кела олмадик. Мутлақо зарурат бўлган ҳолларда ҳам улар яшайдиган квартиралар ва бошқа бир қатор жойларда тинтув ўтказа олмадик. Бунга розилик беришни сўраб ССРИ Олий советига мурожаат қилиш натижа бермайдиган беҳуда иш эди.

В.Илюхин терговчиларни тўплаб, Гдлян билан бўлган суҳбатни қандай бўлган эса, шундай маълум қилди. Қонунбузарликларнинг барча эпизодларини шундай таҳлил қилиб чиқиш керакки, улар ниҳоятда пишиқ-пухта ҳужжатлар бўлсин, терговчилар эса ҳар қандай кутилмаган ҳолларга, ҳар қандай ўзгаришларга ва агар иш судгача борадиган бўлса, Гдлян билан Ивановнинг суд жазо берадиган ғоят хилма-хил гувоҳликларига тайёр бўлиб туриши кераклигини тайинлади.

1989 йилнинг кузига келиб бизнинг қўлимизда бир қанча жиддий маълумотлар тўпланди. Гуруҳ терговчилари доимий равишда Ўзбекистонда ишлар, судланган шахслар билан гаплашиш учун қамокхоналарга борар, ҳибсда ётган кишилар билан иш олиб борарди. Натижада жуда катта ҳажмдаги ахборотлар “ёғилиб” келарди. Бу ахборотларни ўқиб ўзлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда терговнинг бундан кейинги йўналишини белгилаб олиш зарур эди.

1990 йил апрелида ССРИ Олий совети Гдлян ва бошқаларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларимизга рози бўлмаганидан кейин мен гуруҳимиз раҳбари В.Илюхинга Ўзбекистонда катта жиноят ишларини тасдиқланган қисмларини алоҳида ажратиб судга юборганлигимиз ва тегишли ҳукмларини олганлигимизни айтдим.

Шундан кейин у Василий Георгиевич ҳамда Э.Хачатуровлар билан маслаҳатлашиб, терговнинг бундан кейинги аҳволини муҳокама қилди. Ўшанда тор доирада бир қатор ишларни алоҳида ажратиб олиб муҳокама қилишга, айбдорлиги сира шубҳа туғдирмайдиган Гдлян гуруҳидаги бошқа терговчиларнинг ишини айблов хулоса билан тамомлашга қарор қилган эдик. Сўнгра бу ишларни судга

жўнатиб ҳукм чиқаришга, кейин эса шуни асос қилиб Гдлян ва Ивановнинг ҳаракатлари бўйича ажратилган қисмини тўплаб Олий советга яна қайта мурожаат қилишни Бош прокурордан сўрашга қилишиб олдик.

Бунда терговчилар йўл қўйган қонунбузарликлар гуруҳ раҳбарларининг хатти-ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ эканлигини назарда тутдик. Қўлимизда суд ҳукмлари бўлганидан кейин, фикримизча, депутатлар олдида мавқеимиз анча салмоқли бўлар эди.

Мана шу тарздаги фикр-мулоҳазалар ССРИ Бош прокурори А.Я.Сухаревга маълум қилинди. У ҳам бизнинг таклифларимизга рози бўлди. Биз терговни давом эттирдик. 1990 йил бошларига келиб кўп масалалар ойдинлашиб қолган эди. Биз жуда кўп бегуноҳ шахслар судга берилганлигини аниқладик. Афсуски, уларнинг баъзилари устидан ҳукм чиқарилиб, аллақачон қамоқхоналарда жазо муддатини ўтар эдилар.

Биз гдлянчилар терговини 1937-1938 йиллардаги терговлар билан яққол солиштириб кўриш имкониятига эга эдик. Чунки 1989-1991 йилларда прокуратура ўша даҳшатли йилларнинг айбсиз қурбонларини оқлаш ишлари билан фаол шуғулланаётган эди. Деярли ҳар куни прокуратурага даста-даста НКВД ишларини келтиришарди. Бу ҳукмларга, “учлик комиссияси” қарорларига, алоҳида кенгашлар ва бошқа шунга ўхшашлар чиқарган ҳукмларга протест-норозилик ҳужжатлари тайёрланиб, илова қилинади.

“ЎРА” ВА ЗУЛМ “МАНЗАРА”СИНИНГ ОЧИЛИШИ

Гдлян рахбарлик қилган тергов гуруҳидаги барча терговчиларни қоралаб бўлмайди. Негаки, Гдлян ва Ивановга яқин бўлган ўн-ўн беш кишидан иборат терговчиларгина қонунбузарлар эди. Лекин мана шу кичик тўда Ўзбекистонда қарийб олти йил мобайнида иш олиб бориб, сурбетлиги, шафқатсизлиги билан юзлаб кишилар бошига беқиёс қайғу-алам ва кулфат солди.

Масалан, Гдлян ва унинг тергов гуруҳи қарийб 200 кишини ушлаб, ҳибсга олиш тўғрисида қарорлар чиқарган. Шулардан 64 киши порахўрлик учун, қолганлари эса бошқа ҳар хил жиноятлар учун ва асосан “жиноий йўллар билан топилган бойликларни сақлаганлиги учун” ҳибсга олинган.

Бевосита Гдлян ва Иванов томонидан 15 та жиноий иш судларга жўнатилган. Шу ишлар бўйича фақат 31 кишининг ҳаракатлари устидан ҳукм чиқарилган. Қўзғатилган тўртта ишни қайта тергов қилиш учун ўзларига қайтариб берилганида, бу ишларни иккинчи марта судга оширишга асос топилмаган.

Суд Гдлян ҳали ишлаб юрган вақтларидаёқ, у жўнатган ишлар бўйича ҳибсда сақланаётган Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг ўринбосари Қахрамоновни ҳамда Қарши шаҳар саноат моллари савдо идорасининг директори Ғойиповни оқлаб, қамоқдан озод қилди.

Гдлянни ишдан озод қилиш пайтигача унинг терговчиларидан бошқа терговчиларга олиб берилган ишлар бўйича ҳали яна 29 киши ҳибсда сақланаётган эди. Кейинчалик улардан фақат 14 кишигина айбдор, деб топилиб судланди, қолганларининг эса айблилиги исботини топмай, бутунлай оқланди. Суд ҳукми билан қамалган яна бир нечта шахс устидан чиқарилган ҳукмлар кассация тарзидаги ва назорат тартибидаги текширишлар натижасида бекор қилинди. Шундай қилиб порахўрлик учун қамалган кишилардан 25 киши, яъни

деярли ҳар икки кишининг бири 1991 йилнинг биринчи сентябрига – Ўзбекистон мустақиллигига қадар, қолганлари мустақиллик йилларида судлар томонидан оқланди...

Энг ёмони, айбсиз кишилар 7-9 ойдан 3-7 йилгача ҳибсда сақланган. Масалан, Қахрамонов 3 йилу 3 ой турма камерасида ётган. Милиция генерали А.Муҳаммадиев 2 йилу 2 ой, милиция майори Иззатов 7 йил, авиация отрядининг командири Арслон Рўзметов 3 йилу 9 ой 21 кун турмада сақланган. Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Тўра Ҳайитов ҳеч қандай айбсиз 3 йилдан кўпроқ ҳибсда сақланди. Ана шу вақт ичида унинг хотини вафот этади, бироқ терговчилар унга марҳум билан видолашиш имконини бермаган. Аёлининг ўлими тўғрисида Ҳайитовга орадан бир йил ўтгач айтишади. У озод қилинган, ҳувиллаб ётган уйига кетди...

Тўра Ҳайитов уларга қаршилик қилганда ўғлини қамоққа олишга қарор чиққанлиги тўғрисидаги ҳужжатни унга кўрсатишади. Ҳайитовнинг ўзи бу воқеаларни шундай эслайди: “1986 йилнинг 11 майида мени Ивановнинг кабинетига чақиринди. У деразадан менга хотиним билан қизимни кўрсатди, улар ДХК биноси рўпарасида туришарди. У хотинимни чақиртириб сўроқ қилди. Агар у пул ва бойликларни келтириб бермаса ва менинг ҳузуримга кимлар келиб турганлигини, кимлар нима олиб келганлигини айтмаса, қамаб қўяман, деб қўрқитди. Терговчи ўшанда менга: “Мана кўрдингми, хотининг билан қизингни қамоққа олиш учун бу ерга чақириб келдим”, деганди. Хотиним у ерда эрталабдан то қоронғу тушгунча типпа-тик турарди. Бундай ҳол 1986 йилнинг 20 майига қадар давом этди. Иванов ҳар куни хотиним билан қизимни чақирар ва уларни кўчада туришга мажбур қилар эди. Бир жойни кўрсатиб то ўзи жавоб бермагунча қимирламай туришлари кераклигини айтар эди.

Хотиним ўзи шундоқ ҳам хаста эди, аммо улар бунга парво қилмадилар ҳам, уни жазирама иссиқда оч-наҳор тик оёқда туришга мажбур қилдилар. Кичик ўғлимни, яна

бир қизимни ҳам чақиртириб, доимо унинг ёнида туришга мажбур қилдилар. Оила аъзоларим ҳатто икки маротаба мени деразадан кўрдилар ва мен улар билан имо-ишоралар орқали гаплашдим. Сўнгра академиядан катта ўғлимни чақиртириб келиб, бир неча марта сўроқ қилдилар. Уни ҳам эрталабдан кечгача гоҳ кабинетда, гоҳ кўчада кутиб туришга мажбур қилишди. Бу ишларни Боров билан Иванов бир-галикда амалга оширди.

1986 йил 20 майда Иванов яна чақиртирди: У ҳар доим мени ўзимнинг собиқ кабинетимда сўроқ қилар эди. Бу ишни атайин менга руҳий тазйиқ ўтказиш учун қилишарди. Кабинетга олиб келганларида Иванов билан Боров мени қабулхонага олиб чиқиб эшикни очишди ва мен қабулхона рўпарасидаги кабинетда катта ўғлим Маҳмудни кўрдим. У бошини эгиб ўтирар, унинг атрофида эса Гдлян гуруҳидаги ходимлардан тўрт киши тик туришарди. Мени кабинетга олиб киришди, Иванов менга ўрунов сўроқ қилинган протоколни кўрсатди. Ўрунов ҳар ойда унинг қўл остида ОБХСС инспектори бўлиб ишлайдиган ўғлим Маҳмуддан 1000 сўмдан олиб турганлигини ёзиб берган эди. Шу ҳужжат билан бирга яна ўғлимни қамокқа олиш тўғрисидаги қарорни ҳам кўрсатишди. Аммо хибсга олиш тўғрисидаги қарорни, ариза ҳамда Ўруновнинг сўроқ қилинганлиги тўғрисидаги протоколни менга узоқдан кўрсатдилар, қўлимга бермадилар. Шундан кейин мен жуда сиқилиб кетдим, руҳим тушиб кетди.

Энди ўйласам, ўз ишларимдан уялиб кетаман, ахир мен ҳеч қачон, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган киши эдим. Улар олдида нега бунчалар кўрқиб кетдим? Ваҳоланки, мен Гдлян, Иванов ва уларнинг гуруҳидаги бошқа терговчилар йўл қўяётган қонунсизликларни билар эдим. Улар турли хил ёлғон ҳужжатларни тўқиб ташлашарди. Шунингдек, бошқа айбланувчиларнинг ҳам болалари ва хотинларини қамашаётганлиги, Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида қандай ишлар қилаётганлиги, терговчилар Хоразм областидаги бир туман партия қўмитасининг биринчи котибининг рафиқаси

Қахрамон она Воисовани ва бошқа кўплаб кишиларни қамаганликларини ҳам билар эдим. Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай ишлашарди. Улар қонунга бўйсунмасдилар, аксинча, қонун уларга бўйсунарди.

Аввало, уларнинг тазйиқи остида қўрқувлар, дўқ-пўписалар мени ҳолдан тойдирганлиги учун ҳам Иванов айтиб турган аризага имзо қўйишга мажбур бўлганман. Бош прокурор номига ёзилган ушбу аризада Иванов рўйхатда кўрсатган кишиларга менинг пора берганлигим ва пора олганлигим ёзилган эди. Ўғлимни қамоққа олишади, деб қўрққан эдим, бу қайғу-аламни хотиним кўтара олмайди, деб шундай қилган эдим. Мен ҳаётни кўрган ва қамалиб ётишга тайёр киши эдим, лекин ўғлимнинг учта норасида боласи бор эди. Мана шунинг учун ҳам Иванов менга нимани айтиб турган бўлса, ҳаммасини ёзиб берганман.

Ариза ёзиб берганимдан кейин уларнинг муомаласи ҳам бошқача бўлиб қолди. Менга сигаретлар, қўшимча егуликлар олишга рухсат беришди, тушлик овқат олиб келадиган бўлишди, лекин мени виждон азоби қийнади. Мен – умримда чекмаган одам, бир кунда икки қутидан сигарет чека бошладим. Мен ўлишни истар эдим. Нега десангиз ҳалиги “тан олиш” қоғози билан мен онамни, ўғилларимни, хотинимни, кизларимни, барча қариндош-уруғлар ва дўстларимни иснодга қўйган эдим. Одамлар тўғрисида ёлғон гувоҳлик бериб, кечирилмас гуноҳ қилган эдим”.

Гдлян гуруҳидаги терговчилар ўзлари амалга оширган қонунсизликларни яшириш учун қамоққа олиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни ҳужжатлар ичидан йиртиб олиб, йўқ қилиб ташлашар ёки уларни тўплаб алоҳида қопларда, пўлат сандиқларда сақлашарди. Бундай яширин ҳужжатлар сақланадиган жойларни гдлянчи терговчилар “ўра” (“яма”) деб аташарди. Биз ана шу “ўрани” узоқ вақт “ковлаш” натижасида у ердан топилган ҳужжатлар асосида одамларга ўтказилган зулм “манзара”сини очишга муваффақ бўлдик.

1984 йилнинг августида Бухоро вилояти партия қўмита-

сининг собиқ биринчи котиби Каримов порахўрлик учун қамоққа олинган, кейин эса суд қилиб жазо тайинланган эди. Лекин ўша вақтда яна 23 киши қамаб қўйилган, улардан олти киши бевосита Иванов чиқарган қарорлар бўйича қамалганлигини билмас эди. Камол, Анора ва Мухиддин Саидовлар, Махмуджон Камолов, Баҳодир Каримов ва Лола Каримовалар 5-6 ойдан ортиқ ҳибсда сақланди. Уларни ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш билан боғлиқ маълумотлар кейинчалик ҳужжатлар орасидан чиқариб ташланган ва суддан яширилган.

Беш йил ва ундан кўпроқ вақт мобайнида одамлар айбдор ҳисобланиб, улардан яшаб турган жойидан ҳеч қаяққа кетмаслик тўғрисида тилхатлар олинган, лекин уларга нисбатан ҳеч қанақа иш юритилмаган. Одамлар йиллар давомида уйдан узоққа кетолмай қўрқувда яшаган. Бунақа яшашнинг бир кунини айтмайсизми?

Улар яна маҳбусларга руҳий тазйик, ўтказиш мақсадида узоқ муддат ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда сақлаб, ойлаб сўроққа чақиришмаган. Бу билан ёлғон гапиришни истамаган кишиларни қўрқитмоқчи, уларда терговчилар учун ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайдиган “ўлимга маҳкум этилган киши эканман”, деган тасаввур пайдо қилмоқчи бўлишган. Шу тариқа тинқасини қуришиб, адои тамом қилишлари натижасида маҳбуслар ўз келажагини ўйлаб ваҳимага туша бошлашар ва камералардан бир нафас ташқарига чиқиш мақсадида ҳатто сўроқ қилинишларини илтимос қилиб ялинишга тушган...

Тергов олиб боришнинг ваҳшиёна йўллари Гдлян ва Ивановнинг шахсан ўзлари ўйлаб топиб, бу усулларни жорий этишга рухсат берган. Бу масалада ҳам жуда кўп далилларни қўриш мумкин. Қуйида терговчилар берган гувоҳликлардан парчалар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди.

Иброҳимов: “Ҳар қандай шахсни фақат Гдлян ва Иванов розилик берганидан кейингина ушлаб келишарди, ҳибсга олиб қамар эдилар... Улардан Гдлян тузиб берган схемалар орқали ёлғон кўргазмалар олинарди”.

Абдурахимов: “Ҳақиқатан ҳам, биз ҳар бир ишни ССРИ прокуратураси гуруҳининг раҳбари Т.Гдлян ва Н.Ивановнинг бевосита кўрсатмалари билан амалга оширдик. Бойликларни ўз ихтиёри билан бизга келтириб берган шахсларни ушлаб келиш тўғрисида ҳам улар кўрсатма беришарди. Ушлаб келтирилган шахсларни қамаб қўйиш тўғрисида ҳам бизларга шахсан улар кўрсатма берар эди. Кўп ҳолларда ҳар хил сохта далолатномалар тузилиб, уларга имзо қўйдиришлар ҳам топширилар эди”.

Мамедов: “Пора берганлар, ўғирлик қилганларга нисбатан жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорлар фақат Гдлян билан Иванов томонидан қабул қилинади. Қамаб қўйиш, ушлаб келиш масалаларини ҳам улар иккаласи ҳал қилар эди. Биз, терговчилар бирор бир масалани ўзимизча мустақил ҳал қила олмасдик. Гдлян ва Иванов ҳузурига келиб, ўз фикр-мулоҳазаларимизни уларга билдиришимиз мумкин эди, холос”.

В.Кравченко: “Ушлаб келиш ва ҳибсга олиш – бу фақат Гдлян билан Ивановларгина қабул қилиши мумкин бўлган қарор асосида амалга ошириладиган ишлар эди. Шунга қўшимча қилиб айтмоқчиманки, Гдлян билан Ивановнинг фикрича, қонунда кўзда тутилган тинтув қилиш, пул ва бошқа бойликларни тортиб олиш ҳамда бойликларни сақлашда айбдор бўлган кишиларни фош этадиган ҳужжатларни тўплаш билан овора бўлиб ўтирмай, балки ноқонуний бўлса ҳам, осон йўлдан фойдаланиш керак эди. Улар энг самарали усул – бу одамларни ушлаб келиш ва қамаб қўйиш, деб ҳисоблардилар...”

Шундай ҳоллар ҳам бўлар эдики, айбланувчилар ўз қариндош-уруғларини чақиб берар эдилар, чунки улар шундай оғир шароитларга солиб қўйилар эдики, шунга мажбур бўлардилар”.

Гдлян ва Ивановнинг қабиҳликлари ҳақида улар фаолиятини ўрганган гуруҳимиз раҳбари В.Илюхиндан ўтказиб бир сўз дейиш қийин. В.Илюхинга кўра, “Айбдорнинг ай-

бини очиш суднинг, прокурор билан терговчиларнинг вазифаси эмас, балки гдлянча “назария” бўйича “айбдорнинг бурчи ўз айбини, ўзининг айбдор эканлигини исбот қилиб беришдан иборатдир. Бу Гдлянгагина хос усул айбдорлар устида шафқатсиз “қамчи ўйнатиш” усули эди.

Гдлянчилар гуруҳи ҳар бир одамга ахборот манбаи деб қарар ва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, ундан ўша ахборотни суғуриб олишга ҳаракат қилишарди. Айбсиз фуқароларни кўплаб ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш усули ҳам худди мана шундай назария асосида қурилган эди. Улар тахминан қуйидаги қоида асосида ишлар эди: “Қўлингдagi терговчилик шамширини ўнгга ҳам, чапга ҳам сермаб боравер, охири кимгадир тегади. Бу ерда ҳамма жиноятчи, шунинг учун сенинг хатти-ҳаракатларинг барибир тўғри бўлиб чиқади ва оқланади”. Улар шу даражада тубанликка етиб боришган эдики, оқибатда бутун бир халқни жиноятчи деб эълон қилдилар”.

РАИСА МИХАЙЛОВНА ВА ТЕАТРЛАШГАН СУДЛАР

ССРИ Бош прокуратурасининг судларда жиноят ишларининг кўрилиши устидан назорат олиб боровчи бошқармаси катта прокурори Р.Овчарова гдлянчилар судга оширган ишлар юзасидан энг биринчи давлат қораловчиси бўлган. Шунда у Гдлян ва у бошлиқ гуруҳ олиб борган терговнинг асл башараси билан тўқнаш келган. Бу ўринда гап “Бухоро иши” деб ном олган иш устида бормоқда. Иш бўйича Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан шаҳар саноат моллари савдо бошқармаси директори Кудратов жиноий жавобгарликка тортилган эди.

Прокуратуранинг тажрибали ходими Раиса Михайловна йигирма йилдан ортиқ вақт давомида судларда давлат қораловчиси бўлиб келган. У далил-исботларнинг қадрига етар, суд ишларини яхши билар ва жиноят ҳуқуқи билимдони эди.

Давлат қораловчилари йирик ишлар бўйича материаллар билан суд мажлиси бошланишидан анча илгари танишарди. Р.Овчарова ҳам худди шундай қилган. У иш билан танишувнинг бошланғич палласидаёқ бир қанча ҳолларда қонунчилик жуда қўпол бузилганлигини аниқлаган. Шунда у Гдлян ва гуруҳ аъзолари билан шу ҳақда гаплашиб кўришга ҳаракат қилади. Аммо бу уринишлари натижа бермаган, у тушунишни истамаслик кайфиятидан бино бўлган мустаҳкам деворга дуч келган.

Тергов хусусида танқидий фикр билдиргач, Гдлян Овчаровани очикдан очик таъқиб қилишга ўтган, ҳақоратлаш, инсоний қадр-қиммати, аёллик иффатини ерга уриш, иш юзасидан камситишлар авжига минган...

Р.Овчарова биринчи бўлиб тилга олган нарса – бу одамларнинг Гдлян қаршисида қўрқувга тушиб қолганлиги эди. Гдлян фақат оддий кишиларнигина эмас, балки Ўзбекистон раҳбариятини ҳам фалаж қилиб қўйган эди. Ўша 1985 йил-

даёқ Гдлян вазиятни ўз қўлига олган ва республикадаги вазиятга ўз ҳукмини ўткази бошлаган.

Чиндан ҳам Гдлян даҳшатли вазият вужудга келтирган бўлиб, юқори лавозимлардаги раҳбарларни қамоққа олиш билан ўз имкониятларини кўз-кўз қилмоқда эди. Бунда у доим ССРИ Бош прокурори ҳамда КПСС Марказий Қўмитасининг номидан ва топшириғига мувофиқ иш кўряпман, деб пеш қилган.

Гдлян дастлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди, сўнгра эса унинг раҳбарларининг қўли билан айна шу Марказий Қўмитанинг ўзини ҳам бадном қилди...

Р.Овчарова суд жараёнидаги вазият ҳақида қуйидагиларни гапириб берган эди: “Гдлян билан Иванов ўша пайтда айбланаётган ҳар бир судланувчига нисбатан суд қандай жазо чораси белгилашини ҳукм чиқарилишидан анча бурун айтишган. Буларнинг ҳаммаси судда маълум бўлди. Бу ҳақда арзномалар туша бошлагач, мен давлат қораловчиси сифатида судланувчилардан “сизлар қандай қилиб жазо чорасини Гдляннинг ўзи белгилайди, деган қарорга келдингиз?” деб сўрадим.

Улардан ҳар бирининг айтишича, Гдлян “суд шунчаки бир расмиятчилик. Ҳамма менинг ногорамга ўйнайди”, деган. Яна бирининг айтишича, Гдлян “Бизга ақлли судья ва прокурорларнинг ҳеч кераги йўқ. Бизга чўнтак қаппайса бўлди”, деган сўзларни такрорлашни яхши кўрган.

Раиса Михайловна “Гдлян учун эмас, балки ўзим ишлаётган ССРИ прокуратураси учун жуда-жуда уялиб кетдим”, деганди. Негаки, у сўроқ қилганларнинг аксарияти кўзларига ёш олиб, терговчилар ўзларига нисбатан сўроқ қилишнинг ваҳшиёна усуллари қўлланганликлари, калтаклаганликлари, ҳайвондан олиб ҳайвонга солганликлари, инсоний қадр-қимматини ерга урганликлари ҳақида сўзлаган.

Гдлян суд ва давлат қораловчиси олдига шарт қўйганди, гумонланувчиларни Гдлян билан Иванов истаганидек

сўроқ қилишлари керак, акс ҳолда ҳаммаларини суд залидан чиқариб юборишади. Бироқ улар чучварани хом санашган. Ўша “Бухоро иши” бўйича Р.Овчарова ҳамда А.Липатов қонунчиликни қаттиқ туриб ҳимоя қилган, бемаъни талабларни рад этган.

Яъни, суд Гдляннинг хоҳиши билан иш кўрмаган. Айбловдаги ҳар бир ҳодисага танқидий назар билан қараб, судланувчи ва айбланувчиларнинг ҳамма айтганларини қайд қилиб борган. Натижада даҳшатли манзара очила борган. Гдлян тарафдорларидан бирон кимса ҳамиша залда бўлиб, суд ишининг бориши ҳақида унга муттасил ахборот бериб турганлиги учун гдлянчилар суд теварагида игво тарқатишганди. Р.Овчаровани пора олганликда айблашди. Суд теварагида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси маъмурий органлари бўлими тазйиқни кучайтиради.

ЎзССР Олий судининг собиқ раиси С.Йигиталиев шундай хотирлайди: “...Гдлян тўғридан тўғри дўқ-пўписа қилиш ва товламачилик йўлига ўтди. Суд жараёни бошланганидан кейин орадан 3-4 ой ўтгач у раислик қилувчининг четлаштирилишига ҳаракат қилди, ишни суднинг бошқа аъзосига топширишни талаб қилди. Аввалига Гдлян Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси орқали ҳаракат қилди, кейин ўз даъволари билан менинг ҳузуримда икки марта бўлди. Аммо асос бўлмаганлиги сабабли мен унинг талабларини қондиришни рад қилдим”.

Р.Овчарова ахборот ёзиб Бош прокурор А.Рекунковга мурожаат қилди. Натижада масала Бош прокуратура коллегияси муҳокамасига қўйилди. Гдлян билан Ивановнинг ҳар иккаласи қаттиқ ҳайфсан олди...

Овчарова Липатов билан суд жараёнини яхши якунлашди. Айблов турли хил иллатлар, сохта гувоҳликлардан тозаланди ва ҳукм чиқарилди. Шу билан бирга, 1986 йил 13 майда ЎзССР Олий судининг жиноят ишлари бўйича суд коллегияси ССРИ Бош прокурори номига хусусий ажрим чиқарди.

Ана шу хусусий ажримда суд Гдлян билан Иванов ашаддий пора берувчиларни ва уларга воситачилик қилганларни, Бухоро шаҳар саноат моллари савдо бошқармаси ходимларидан иборат талон-торожчиларни жиноий жавобгарликдан қонунга хилоф тарзда озод қилиб юборганликлари фактига, бу ҳақда аввал ҳам айтилганлигига Бош прокурорнинг эътиборини қаратиб ўтди ва шунинг юзасидан чора кўришни сўради. Ҳақиқатда, тергов материалларига асосланмаган айблар қўйилаётганлигини маълум қилди. А.Дўстовга қўйилган айбни бунга мисол қилиб келтирди. Унга нисбатан Ёждувон район партия қўмитаси собиқ котиби С.Раҳимовдан 20 минг сўм миқдорида пул, 2210 сўмлик саноат ва озиқ-овқат моллари олган деган айб қўйилган эди. Бунда Дўстовнинг айбини амалда тасдиқлайдиган бирон бир далил судга тақдим қилинмаган. Ишда ҳатто С.Раҳимовни сўроқ қилиш, гувоҳлар билан Дўстовни юзлаштириш протоколлари ҳам йўқ эди. Бу ҳол суднинг иш юзасидан бу хусусда тергов ишлари олиб борилмаган, деган хулоса чиқаришига сабаб бўлган. Суд протоколларни тақдим қилишларини сўраб мурожаат қилганда терговчилар унинг сўровини жавобсиз қолдирган. Суд мажлисида сўроқ қилинганда Раҳимов пора берганлигини қатъиян рад этган. Дўстов ҳам пора олмаганлигини айтган. Уни асоссиз жавобгарликка тортишди, амалда тергов олиб бормасдан, суд учун зарур ишларни бажармасдан туриб унга айб қўйишди.

Гдлян билан Иванов учун бу биринчи ва охириги марта бўлаётган воқеа эмасди. Улар ўзларининг шахсий фикр-мулоҳазалари билан бегуноҳ одамларга айб тўнкашдан ҳеч қачон тап тортишмасди.

Суд бошқа хил қонун бузишларни ҳам аниқлади, жумладан, рус тилини билмайдиган шахслар рус тилида сўроқ қилинган, таржимондан фойдаланилмаган.

ССРИ Бош прокурорининг эътибори шу нарсага қаратиб ўтилди, Бухорога газмол жўнатилганлиги учун Грузиянинг мансабдор шахсларига пора берилганлигини, пора берил-

ган, ўғрилик қилинган бошқа кўпдан кўп ҳолларни текширишни Гдлян ташкил қилмаган, пайсалга солган, рад этган.

Суд коллегияси шу нарсани ҳам маълум қилдики, терговчилар раислик қилувчининг ижозатисиз ва розилигисиз суд жараёнини магнит лентасига ёзиб борганлар, судни ўтказиш тартибига тўғридан-тўғри аралашиган.

Минг афсуслар бўлсинки, ўша 1986 йилда чиқарилган суд ажримига ССРИ прокуратурасида лозим даражада эътибор берилмади ва у тез орада унутиб юборилди. Ваҳоланки, ўша 1986 йилдаёқ фақат тергов ишида ўзбошимчаликлар, ёлгон гувоҳликлар беришга мажбур этишгагина эмас, балки одамларни, худди оммавий қатағон йилларида бўлганидек, суд жараёнига тайёрлаш каби ҳолларга ҳам йўл қўйилганлигини аниқлаш мумкин эди.

Терговчилар пора берганлик тўғрисида, кўп ҳолларда сохта гувоҳликлар берган кишилар билан судга қадар тергов изоляторларида (алоҳида хоналарда), колонияларда ёхуд суд кетаётган вақтда суд ўтказиладиган хоналарда учрашишар эди. Шунда бу кишиларга судда қандай гувоҳликлар беришлари кераклигини уқтиришарди. Бундай учрашувлар пайтида яна қамоққа олиш, иш қўзғаш, қариндош-уруғларини жазога мустаҳиқ қилиш билан қўрқитишарди. Бошқача айтганда, одамлар шундай гирдобга тушиб қолардиларки, ундан чиқишга умуман илож тополмасдилар. Ўзбошимчалик шу даражага етгандики, гувоҳларнинг судга келиши ҳақидаги чақириқ қоғозларини терговчиларнинг ўзлари ёзиб берар, судга қандай гувоҳликлар беришлари кераклигини обдан уқтирардилар.

Қўрқитиш ва товламачилик йўли билан У.Нурматовни пора олган деб маҳбус Жамоловга туҳмат қилишга мажбур этишади. Нурматов шуларни эслаб шундай деганди: “1988 йил ноябр ойи охирларида биз умр йўлдошим иккаламиз чақириқ қоғози билан Москва шаҳрига ССРИ Олий суди суд мажлисига етиб бордик. Шанба куни эди, бизни икки нотаниш киши кутиб олди. Биз Нурматовлар эканлигимизга

ишонч ҳосил қилганларидан кейин берган гувоҳликларимизни ўзгартирмаслигимиз ҳақида мени ва умр йўлдошимни огоҳлантиришди. Мен ўзларингиз кимсизлар, деб улардан сўрадим. Улар Гдлян терговчилар гуруҳидан эканликларини айтишди. Судда ўз гувоҳликларимни ўзгартариш фикрида эдим, аммо бу учрашув менинг руҳий аҳволимга қаттиқ таъсир қилди, оқибатда мен терговчига берган аввалги гувоҳликларимни тасдиқладим”.

Суд олдидан гувоҳларга таъсир ўтказилиши ҳақида шу хил фактларни бошқа кўп кишилар ҳам айтишганди.

Тўра Очилов шундай кўрсатма беради: “Норов ва Қахрамонов устидан бўладиган суд бошланишидан олдин бизнинг колонияга терговчи Вафин келди. У мени Қахрамонов ва Норовга пора берганман деб ёлғон кўрсатув беришга ва бу гапни судда ҳам такрорлашга кўндирмоқчи бўлди. Вафин менинг олдимга шахсан Гдляннинг топшириғи билан келганлигини айтди. Гдлян судда, албатта, терговдаги сўзларимни тасдиқлашим лозимлигини Вафинга тайинлаб айтиб юборибди. Бунинг звазига Гдлян жазо муддатини қисқартиришда ёрдам кўрсаташини билдирибди”.

Владимир Мулин: “Суд бошланишидан олдин Қудратовдан бошқа барча айбланувчиларни бир хонага тўплашди. Гдлян, Иванов, Вафин, Коваленков, Пантелеев ҳам шу ерга келишди. Гдлян биз билан суҳбат ўтказди. У “суд яхши ўтади, биз сизларга яхши судьяни танладик, суд таркибидагилар ҳам яхши одамлар”, деди. “Давлат қораловчиси Москвадан келади – яхши аёл, суд тез тугайди, суд тугаши биланок сизлар жазо муддатини ўтайдиган жойларга, очиқ ҳавода юрадиган лагерларга кетасизлар. Фақат аҳмоқлик қила кўрманглар. Айблов хулосасида ёзилган гапларни, судда биз айтган фикрларни тасдиқлаб гапиринглар, сизларга биз ниманики ваъда қилган бўлсак, ҳаммаси бажарилади”, деди. Гдлян ўз сўзини тутатганидан кейин бизлар учун кутилмаган совға тайёрлаб қўйилганлигини айтди. Суҳбатдан кейин бизга қариндош-уруғларимиз билан кўришиш имконини бердилар. Шундай қилиб биз суд бўладиган кунни кута бошладик”.

Н.Турсунов: “Суд бошланишидан сал олдин терговчи Коваленков чақирди. У мендан терговчиларга нима деган бўлсам, судда ҳам ўша гапни айтишим кераклигини тушунтириб, бу ҳақда мендан тилхат олди. Бордию, сен бошқача маълумот бергудек бўлсанг, ўша заҳотиёқ ҳибсга олиниб, изоляторда қоласан”, деди. “Хукмронлик ҳозир бизнинг кўлимизда...” дея дўқ урди. 1985 йилнинг декабрида, аниқ куни эсимда йўқ, мени олий судга чақиришди. Мен йўлакда ичкарига чақиришларини кутиб ўтирардим. Шу пайт олдимга менга нотаниш бўлган 3 киши яқинлашиб келди-да “Турсунов сенмисан?”, деб сўрашди. “Ҳа”, деб жавоб бердим. Шунда улардан бири чўнтагидан кишан чиқарди-да, менга кўрсатди, агар илгари айтганларингдан тонсанг, мана шу кишанга тушасан, шу ернинг ўзидан тўппа-тўғри турмага кетасан, деди. Мен чиндан ҳам қамаб қўйишади, деб қўрқиб кетдим”.

Гдлян ва унинг тўдаси одамларни суд жараёнига тайёрлаш чоғида фақат шундай усулларни қўллаш билан чекланиб қолмаган. Бундай “тайёргарлик” баъзан суд бўлишидан анча олдин бошланган. Махбуслар бир сидра “тайёргарликдан” ўтказилганидан кейин уларга баъзи бир мухбирлар билан суҳбатлашиш таклиф этиларди. Бунда албатта суҳбатнинг, мухбир берадиган саволларга қайтариладиган жавобларнинг йўналиши олдиндан келишиб олинарди. Мухбир билан учрашган киши, албатта, ўз айбини бўйнига олиши, қилган ишларига пушаймон бўлаётганини айтиши, очикда юрган танишларига мурожаат қилиб, уларнинг ўзидан намуна олишга ва ҳамма гапни айтиб беришга, етказилган зарарни қоплашга даъват этиши шарт эди.

Мухбирлар ҳар доим Гдлян айтган гапларни ёзиб олишар ва асосан марказий газеталарда босиб чиқаришарди. Бундай мақолалар, одатда, ўзига хос далил бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилар эди. Яъни газеталарда босилган мақолалар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилар эди. Қани энди матбуотда, ўз оғзингдан ёзиб олинган ғирт ёлғон

сўзлардан суд вақтида тониб кўр-чи? Бу осон иш эмас. Бу ерда энди мени терговчилар мажбур қилган, деб баёнот беришнинг сира иложи бўлмасди. Сабаби, маҳбуснинг журналистлар билан суҳбати тамомила эркин тарзда ўтганлиги алоҳида таъкидланар, шу сабабли сизнинг сўзингизни энди ҳеч ким инобатга олмасди.

Бу суҳбатга қадар нималар бўлганини, маҳбусни терговчилар қанчалар қийин-қистовга олганлигини камдан кам киши билар эди. Бундай мақолалар судга тазйиқ ўтказмоқчи бўлганларга ва суддаги ёлғон гапларни фош этмоқчи бўлганларга, шубҳасиз, қаттиқ таъсир кўрсатар эди.

СУДНИНГ ҚЎПОЛ ХАТОСИ

Иzzатовнинг ҳаёти болалигидан машаққатли кечган. Тўрт ёшида отадан етим қолган. Отаси Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлиб, онаси тўрт нафар ёш бола билан бева қолган. Турк миллатига мансуб бўлган унинг оиласи 1944 йилда қонхўр Бериянинг қаҳрига йўлиққанлар билан Грузиядан бадарға қилиниб, Ўзбекистонга кўчирилган. Шунинг учун у ўзбек тилини жуда яхши ўрганган.

Видодил ўзининг меҳнат фаолиятини ўн ёшга етар-етмас бошлайди, айнаи вақтда ўқишни ҳам ташламайди. Ўнинчи синфни тугатганидан кейин армияда хизмат қилади. Қозғистондаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда қатнашади. Армиядан қайтганидан кейин ички ишлар органларига хизматга юборилади. Оддий ходимликдан то майор унвонини олгунча – дивизион командири бўлиб етишгунича бенуксон хизмат қилади. У ўз хизматини илм олиш билан бирга қўшиб олиб боради ва натижада олий юридик маълумот олишга эришади. Ҳалол хизматлари учун бир неча марта медаллар, фахрий ёрлиқлар ва бошқа турли мукофотлар олади.

Уйли-жойли бўлиб, уч фарзандни ўстиради. Ҳибсга олинган вақтда ўғли Тошкент давлат университетининг юридик факултетида, қизи эса технология институтида таҳсил олар, кичик қизи 6-синфда ўқир эди...

Мен ўзим Видодил Иzzатов билан ҳеч қачон учрашган эмасман. Лекин унинг сўроқ протоколларини, бошқа ҳужжатларини ўқиб чиққанимдан кейин менда матонатли, жасур ва ҳеч қачон виждонига қарши иш қилмайдиган киши экан, деган тасаввур пайдо бўлган. Нега десангиз, Гдлян гуруҳи қўллаган ваҳшиёна иш усуллари ҳам, тергов камeralаридаги даҳшатлар ҳам, қамоқхоналарда ашаддий жиноятчилар ичида яшашга мажбур этилган ҳаёт ҳам Видодилнинг иродасини бука олмаган. Барча айёрлик, муғомбирлик ва дўқ-пўписаларга қарамай, у қатъий туриб ўзининг айб-

сизлигини ҳимоя қилган, виждонига қарши иш тутмаган ва ҳеч кимга тўхмат қилмаган, ҳолбуки, унга ёлғон учун озодлик ваъда қилган эдилар.

Унинг айбдор ёки айбсиз эканлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун суд маслаҳатхонага кириб кетишдан олдин Иззатовга сўнгги сўз беради. Шунда у ўзига тўхмат қилганларини ҳамда ҳамкасблари ва оила аъзолари олдида уни уятга қўйганларини айтади. 25 йил мобайнида нуқсонсиз ҳалол хизмат қилган суднинг қора курсида ноҳақ ўтирар экан, унинг юрак-бағри эзилиб кетади. Судга мурожаат қилиб у шундай баёнот беради: "...Менинг кўкрагимда ҳалол одамларнинг юраги уриб турганлигини суд билиб қўйишини истайман". Лекин суд тергов маълумотларини муҳокама қилишда ҳолис бўлолмай, ғоят қўпол хатога йўл қўяди. Оқибатда бу хатони тузатиш учун етти йил вақт керак бўлди. В.Иззатов етти йилгача тергов изоляторида, қамоқхоналарда азоб чекди. Хотини, болалари етти йил зор-зор кўз ёши тўкиб, унинг қутулиб келишини интиқ бўлиб кутдилар.

Мен ўз-ўзимга кўпинча шундай савол бераман: "Хўш, башарти, суд ташқи томондан қараганда рисоладагидек тузилган тергов маълумотларини чуқурроқ таҳлил қилиб кўрганида, улар зўравон терговчилар зулмининг натижаси эканлигини аниқлаши мумкинми?"

Агар суд тақдим этилган тергов ҳулосасига кўр-кўрона амал қилмасдан, унинг ўзи кўпроқ мустақиллик кўрсатганида, ишнинг кичкина бўлса ҳам, бир-бирига боғланмайдиган, озгина бўлса ҳам, бир-бирига қовушмаган жойларини кўпроқ эътибор бериб, жиддийроқ текширганида, кўп нарсалар аён бўлиб, ҳақиқат юзага чиққан бўлар эди. Суд бундай қилмади...

Иззатов Гдлян билан учрашган кунини ўз ҳаётидаги энг қора кун, деб билади. Негаки, унинг оилавий тинчлиги бузилиши ҳам, хизматдаги обрў-эътибори кетиб, мавқеининг йўқолиши ҳам худди шу кундан бошланди.

У бир вақтлар Берия уларнинг оиласини Грузиядан бадарға қилганини эсга олади. Орадан кўп йиллар ўтганидан кейин яна болалари ҳам ўзлари туғилиб ўсган жойларни ташлаб Сибирга бадарға қилиндилар. Лекин энди Берия эмас, унинг вориси – шум ниятли Гдляннинг иродаси билан шундай бўлди. Бундай машаққатлар ҳам айнан ана шу беҳосият терговчи билан биринчи учрашувдан бошланди.

Видодил Иззатов Тошкент шаҳар суди томонидан бир неча бор пора олганликда, йўл ҳаракати қоидалари бузилишига сабабчи бўлган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий чора кўрмаганликда айбдор деб топилган эди. Суддаги ҳужжатлар бўйича гўё у ўз қўл остидаги ходимларини ҳимоя қилганлиги ва хизмат юзасидан қўллаб-қувватлаб юрганлиги учун улардан пора олган эмиш. Поранинг суммаси ҳаммаси бўлиб, 4-8 минг сўмдан кўпроқ деб кўрсатилган. Бундан ташқари, Иззатовни Бухоро ижроқўми ИИБ раҳбарларини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан текин таъминлаб турганликда айблашган. Бу товарларнинг қиймати 995 сўмлик деб кўрсатилган.

Шу ўринда ССРИ Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ю.М.Чурбанов иши бўйича чиқарилган ҳукмдаги маълумотларни эсга олиш ўринли. У 30 минг сўмдан кўпроқ пора олганлиги учун суд қилинган ва унга 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган. Энди айтинг-чи, ўз ҳажми ва хавфлилик даражаси бўйича Чурбановнинг қилмишларини Иззатов судланган ишлар билан тенглаштириб бўладими? Йўқ, асло тенглаштириб бўлмайди. Лекин шунга қарамай...

Ўзбекистон ССРИ Олий суди президиуми Иззатов устидан чиқарган ҳукмни бекор қилиш тўғрисида 1990 йил 3 августда эълон қилган ҳужжатда шундай дейилади: “Иззатов қонунга хилоф ишлар қилганлиги учун қонунсиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган. Иззатов устидан қўзғатилган иш натижаларидан манфаатдор бўлган шахсларнинг бир-бирига зид маълумотлари асосидагина суд томонидан пора олганликда айбланади”.

Бундай ғаламисларни адолатли суд қилиб кесилишдан эса Гдлян билан Иванов олиб қолган. Улар Иззатовга қарши ёлғон кўрсатма берганликлари эвазига шундай саховатга ноил бўлган.

Аслида Иззатовдан Бухоро вилояти ижроқўми ИИБ раҳбарларига ҳамда вилоят раҳбарларига қарши маълумотлар беришни талаб қилишган. Иззатовнинг айтишича, Гдлян унга яхши шерик бўлишни таклиф қилган, унинг агенти бўлиб, бошқалар тўғрисида маълумот тўплаб юришни таклиф қилиб, агар у шу шартга кўнса, уни озод қилиб юборишини айтган. Бунда яна у иккалалари юртдош – кавказлик эканликларини ва келишиб олишлари кераклигига ҳам ишора қилган. Унинг таклифига рад жавоби берилганидан кейин эса у тўнани тескари кийиб, бутунлай бошқача гапира бошлаган. Шу пайтгача сахий, кўнгилчан одамга ўхшаб мулоқим гаплашаётган Гдляннинг унинг кўз ўнгида ёввойи ҳайвонга айланиб қолган.

Гдлян энди рўпарасидаги кишига қараб шундай деб бақир кетган: “Менга қара, Иззатов, гапимга кулоқ сол, агар сен мен билан яхшиликча иш битиришни истамасанг, у ҳолда мен сени хоҳлаган ишни бажаришга мажбур этадиган воситалар топаман. Менга ўхшаган кишилар иттифокда фақат 4 киши эканимизни сен яхши биласан. Биз фақат ССРИ Бош прокурорига бўйсунамиз, холос. Бошқа ҳеч ким бизга хўжайинлик қилолмайди. Сен менинг уч кишидан иборат учлик комиссиясининг раиси эканлигимни биласанми?”

Биз худди 1937-38 йилларда бўлгани сингари, барча масалаларни уччаламизгина ҳал қиламиз. Хоҳлаган кишимизни қўйиб юборамиз. Аввал менга шуни айтгин-чи, сен ўзинг турк бўлатуриб қандай қилиб ИИБ органларига суқилиб киргансан? Айт, кимга неча пул бергансан?”

Гдлян бақирешда давом этиб яна бундай деган: “Мен сенга нима десам ҳаммасини ёз, мабодо сенинг ёзиб берадиган гапинг бўлмаса, буни мен сенга ўргатаман. Хоҳласанг, бўҳтон ёз, хоҳласанг, алдаб ёз, лекин ёзсанг бўлди. Мен ИИБ бошлиғига, унинг ўринбосарларига пора берганман деб ёз...”

Иззатов нотўғри гапни ёзишдан бош тартади, бу эса Гдляннинг жон-понини чиқариб юборади ва унга қараб бисотидаги бор ҳақоратларни ишлатиб сўкинади. “Қасам ичиб айтаманки, сени албатта қаматиб юбораман”, дейди. У яна кавказликларга хос энг кескин ибораларни топиб: “Мен сендан қўлбола порахўр ясайман. Сен мен учун ахлат сингари бир нарсасан, лекин билиб қўй, менинг қўлимдан осонликча чиқиб кета олмайсан”, дея дағдаға қилади. Яна у “Сен тарихни биласанми?” деб сўраб қўяди: “1915 йилда турклар арманларни қиличдан ўтказган. Арман халқи учун мен сендан қасос оламан, туркларни лагерларга, шимолий ўлкаларга бадарга қилиб, ўша томонларда чиритаман”. Ҳа, Гдлян ўз “ваъда”сини бажарди.

В.Иззатовни 1984 йил 22 мартда камоққа олишди ва ҳар куни сўроққа чақириб қийнашди, унга нисбатан ваҳшиёна зулмлар қилишди. Хотинингни ва болаларингни қамаб қўямиз, деб уни қўрқитдилар, ҳақорат қилдилар. Сўроқлар бутун кунбўйи ва кечқурун ҳам давом этар, терговчилар навбат билан алмаштириб туриларди.

В.Иззатов сўроқлар давомида муттасил равишда уриб-калтаклашларга ҳам дучор қилинди. Уни Ивановнинг хонасида сўроқ қилиш учун олиб келганларидан сўнг азоб-уқубатли кунлар бошланди. Хонада Калинин, Карташян, Иброҳимов ва Тахтаровлар бор эдилар. Иванов тўпланганларга қараб: “Танишинг, ўртоқлар, мана бу туркларнинг ёввойи ҳайвони. Иш вақтида унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги керак”, дейди.

Иззатовнинг қуйидаги ҳикояси ҳам эътиборга молик. “Гдляннинг терговлардан бирида менга “Муттаҳамсан, ҳамма ўзбеклар бир-бирининг устидан ёзиб беряпти, сен эса юртдош бўла туриб менга ёрдам беришни истамаяпсан, деди-да хонадан чиқиб кетди. Чиқиб кетаётганида бунақа ўжарлик қиладиган бўлсанг, энди ўзингдан кўр, деди. Эртага мен кўрсатма бераман, барча ДХК агентлари сен билан шуғулланишади, сен тўғрингда маълумотлар тўплана-

ди, ана ўшанда мен сени турмада чиритаман. Ҳозир ҳам 13 йиллик қамоқ нақд деб ҳисоблайвер, дея ўдағайлади”.

Иззатов яна шундай бир фактни эслайди, навбатдаги калтаклашлардан кейин Иванов терговчиларга “Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай ҳеч нима ёзиб бермаса, уни 3-қаватдан пастга ташлаб юборинглар, кейин ўзини ўзи ташлади, деб акт тузамиз”, дейди.

Иззатовни маълумот беришга мажбур қилиш ишлари Бухорода бошланган, кейин уни Тошкентга, Гдланинг хизмат кабинетига яқинроқ жойга кўчириб келишади. Аслида гдланчилар ҳибсга олинган кишиларни кўпинча бир изолятордан иккинчи изоляторга кўчириб турган. Чунки бу ҳам уларга руҳий таъсир ўтказишнинг бир йўли бўлган. “Бухорода гапиришни истамасанг, Тошкентга юборамиз, Тошкентда ҳам гапирмайдиган бўлсанг, Москвага, туғилиб-ўсган жойларингдан узоқроққа жўнатамиз”.

Ёлғон гапиришни истамаган кўпгина камгап кишилар ана шу машаққатли масофани босиб ўтишга мажбур бўлган, лекин бу йўллар Иззатовни кўрқита олмас эди. Уни хотини ва болаларининг тақдири ҳаммадан кўпроқ ташвишга солган. Чунки деярли ҳар бир сўроқда уларни қамоққа олишлари мумкинлигини таъкидлаб қўйишарди.

Иззатовни фақат кўрқитиш билан чекланиб қолишмади, унинг ўғлини изоляторга олиб келиб унга кўрсатиб ҳам қўйишган. Бу ишни улар гўё тасодикий ҳодиса қилиб кўрсатмоқчи бўлишган. Яъни, Видодилни сўроққа Ивановнинг кабинети томон олиб бораётганларида терговчилар рўпарадан унинг ўғли Олегни олиб ўтиб қолади

Олег отаси билан бундай учраштиришганини яхши эслайди. У яна бир воқеани ҳам эслаб бизга гапириб берганди. Худди бошқа ўнлаб бегуноҳ кишилар каби Олегни ҳам қайта-қайта сўроққа чақиришарди. Ундан отасини фош қилувчи маълумотлар беришни талаб қилишар, лекин у ҳеч нима билмас эди. Иванов ҳар доим сени ертўлага қамайман, деб дўқ қилиб кўрқитарди. “Мен жуда кўрқиб кетдим, – деб ҳи-

қоя қилган Олег. – Мени қамаб қўймасликларини сўрадим... Мен хонада Коваленков билан бир ўзим қолган вақтда у мени ички кийимимгача ечинишга мажбур қилди, кейин у сени ҳозир ертўлада ётган ашаддий жиноятчилар ёнига олиб бориб ташлайман, улар сени зўрлашади”, деди.

Бўлажак юристни терговчилар мана шундай мактабдан ўтказиб, унга “сабоқ” берган эдилар. У бу сабоқни бир умр эсидан чиқармайдиган бўлди. Отаси судланганлиги учун уни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига ишга олишмаган. Шундай қилиб, Олег район матлубот жамиятида маслаҳатчи юрист бўлган.

Гдлян олиб борган тергов маълумотлари бўйича суд ҳукмига билан Иззатов ўн уч йил озодликдан маҳрум этилган. Тўғри, ССРИ Бош прокурорининг ўринбосари ёзган протест, яъни норозилик хати бўйича Ўзбекистон Олий суди президиуми бу адолатсиз ҳукмни бекор қилди. Иззатов озодликка чиқди. Аммо у бунгача етти йилга яқин умрини турли қамоқхоналарда ўтказишга мажбур бўлди.

Гдлян ўзи ёзган жуда кўп эсдаликларда уни тилга олади. Уни ашаддий порахўрни фош этишнинг зўр мисоли сифатида келтириб ўтган. Иззатовнинг оқланиб чиқиши эса Гдляннинг барча ёлғонларини ва мақтанчоқлигини фош қилди.

В.ИЛЮХИН ХОТИРАЛАРИ

25 майда Гдлян гуруҳи қонунчиликни бузаётганлиги тўғрисида фуқаролардан тушган аризалар бўйича 2-бошқарма терговчиси сифатида тўплаган материалларим асосида жиноят иши қўзғатилди.

Бу ишга В.Илюхиннинг раҳбар қилиб тайинланиши, тўла бўлмаса-да, адолатни тиклашга, қабих терговчиларнинг асл юзини очиб ташланишига хизмат қилганди. Бу ҳақда Илюхиннинг ўзи шундай деганди:

“Дастлаб Бош прокурор ўринбосари Александр Филиппович ишни тергов қисми олиб бориши мумкин эмаслигини, бу қисм бошлиғи Г.Каракозовнинг ролини ҳам аниқлаши лозимлиги сабабли ишни тергов қилишни иккинчи бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ю.А.Потемкин олиб борсин, деган таклиф билдирди. У аввалига рози бўлди. Кейин эса Чернобил АЭСида юз берган аварияни тафтиш қилганидан кейин соғлиғи ёмонлашиб келганлигини ва ёши ҳам бир ерга бориб қолганлигини баҳона қилиб, рад жавобини берди.

Бу чиндан ҳам одатдан ташқари иш эди. Т.Гдлян ва Н.Иванов атрофидаги шов-шувлар қизигандан қизиб борар, мен уларнинг аксарияти сунъий равишда вужудга келтирилаётганини сезиб юардим, лекин асосий гап бунда эмасди. Гдлян ишини ўрганиб чиқмасимдан олдин ўзим ҳам улар катта тергов ишлари олиб бордилар, жасорат кўрсатдилар, ўғирланган жуда кўп маблағларни давлатга қайтардилар, деб ўйлаб юардим.

Т.Гдлян билан биз Саратов юридик институтида бир вақтда ўқиганмиз. Тўғри, у институтни мендан икки йил олдин битирган эди. Хизмат соҳасида ҳам бизнинг муносабатларимиз бинойидек эди. У билан ҳам, Н.Иванов билан ҳам 1987 йилда Ўзбекистонда бевосита мулоқотда бўлгандим. Ўшанда мен у ерда иш олиб борган прокурорлар – терговчилардан иборат ходимларнинг катта гуруҳига раҳбарлик

қилгандим. Баъзан улар Бош тергов бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари сифатида менинг кабинетимга айрим масалалар, хусусан, ўз гуруҳларини терговчилар билан тўлдириб, кучайтириш тўғрисидаги илтимослар билан келиб туришар эди.

Хуллас, Гдлян ва Иванов раҳбарлигидаги тергов гуруҳи ишини ўрганиш ишларини олиб бориш менга топширилдиган бўлди. Бир кун ўйлаб кўриб, эртасига Гдлян ва Иванов раҳбарлигидаги тергов гуруҳи ишини ўрганишга розилик бердим. Мен биринчидан, бу ишни шахсан ўзим кўриб чиқишни истардим. Иккинчидан, Гдлян билан Ивановни уларга нисбатан бўлаётган хуружлар ва айблардан бир қадар ҳимоя қилишга ҳам менда рағбат бор эди. Чунки ўша кезларда мен улар ҳақидаги нохуш гапларни шундай хуружлар деб тахмин қилар эдим.

В.И.Кравцовдан жинойт иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорни ҳамда текшириш маълумотларидан иборат жилдни қабул қилиб олдим. Бу маълумотлар, асосан, фуқаролардан тушган аризалар, Гдлян гуруҳи йўл қўйган қонунбузарликлар тўғрисида ССРИ Бош прокурори номига юборилган суд ажримларидан, бир қанча шарҳловчи маълумотномалар, Ўзбекистонда Гдлян ва унинг гуруҳи томонидан қонунсиз қилинган тергов ҳаракатлари туширилган аудио ва видео материаллар, Гдлян томонидан кўп йиллар давомида юритилган – Гдляннинг қонунсиз ҳаракатларини исботловчи ўз қўли билан ёзган маълумотлар, режаларидан иборат иш дафтар эди. Уларни ўрганиш учун икки кун вақт кетди.

Кечқурун мени А.Я.Сухаревнинг хузурига таклиф қилишди. Ўртамизда узоқ суҳбат бўлиб ўтди. Мен ўз фикр-мулоҳазаларимни, шубҳа-гумонларимни унга очиқ-ойдин айтдим.

Сезишимча, Александр Яковлевични Т.Гдлян билан битта институтда ўқиганлигимиз тўғрисидаги ахборотим, айниқса, кўпроқ ўйга толдириб қўйганди. У тергов гуруҳини қандай тузмоқчи эканлигимни сўради ва мамлакат прокуратураларидан истаган даражадаги зарур терговчиларни

чақириб ишлатиш учун имконият беражагини айтди. Сухбат охирида тергов вақтида ўта холислик кўрсатишимни илтимос қилди.

Инсоф юзасидан тан олиб айтиш керакки, у ҳеч қачон мендан иложи бўлмаган ишни талаб қилмас эди. Аслида бўлмаган нарсаларни, “махсус тайёрланган” фактларни топиб беришни сира ҳам сўрамас эди. У ҳеч қачон шов-шувга сабаб бўладиган, апил-тапил чиқарилган хулосалар тайёрлашга даъват қилмасди.

Мен учун энг қийин иш гуруҳ аъзоларини танлаш бўлди. Мен билган терговчилар, ишларни ишониб топширсам бўладиган кишиларнинг кўплари бошқа бригадалар таркибида ғоят муҳим ишларни тафтиш қилишар ва уларни бу ишлардан ажратиб олиб, уларга янги иш топшириш ақлдан бўлмас эди. Шунинг учун мен ўз ҳамкасбларим ёрдамига, Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари кўмагига муҳтож бўлиб қолган эдим. Бошқа жойлардан бизнинг талабимиз бўйича чақирилган терговчилар ҳам бирин-кетин етиб кела бошлади.

Бироқ мен бу ерда ҳам яна бир кутилмаган ҳодисага дуч келдим. Бир қатор терговчилар Т.Гдлянга қарши иш бошлашни хоҳламаётганликларини очиқ-ойдин айтди. Улар шундай иш қўзғатилганлигининг ўзи ҳам нотўғри, бу Бош прокурор томонидан унга тазйиқ ўтказиш деб ҳисобларди. Уларни ишимиз тўғрилигига ишонтиришга, Гдлянга қарши эмас, балки фуқаролардан тушган аризалардаги қонунсизлик фактлари бўйича қўзғатилганлигини тушунтиришга уринишларим беҳуда кетар эди.

Бундай терговчиларни яна ўз жойларига қайтариб юборишга тўғри келарди. Лекин баъзан шундай кайфият билан келган терговчиларнинг айримлари ҳам бизни қўллаб, бирга ишлашга рози бўлардилар. Шуни айтиш керакки, орадан 20-30 кун вақт ўтганидан кейин уларнинг Гдлян гуруҳи ҳақидаги ижобий фикри кескин ўзгарарди. Улар энди процессуал қонунлар қўпол равишда бузилганлигидан, Гдлян

гуруҳи томонидан қонунларга нисбатан ҳурматсизлик қилинганини гапирардилар.

Дастлабки ойнинг охирига келиб бизнинг гуруҳимизда ишлаётган терговчиларнинг сони 15 кишига етди. Мен улар сонини ошириш тарафдори эмасдим. Тўғри, 1990 йилнинг бошларида гуруҳимизда уч-тўрт ой мобайнида 37 нафар терговчи иш олиб борган эди. Ўшанда тафтиш қилинадиган ишлар ҳажми ошгандан ошиб борар ва бу ишларни оз куч билан бажаришнинг сира иложи йўқ эди. Терговчилар тез-тез алмашиб турардилар. Лекин шундай бўлса-да, уларнинг асосий қисми сақланиб қоларди.

1989 йилнинг биринчи августида мени янги ишга тайинлашди, энди давлат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш бошқармасига раҳбарлик қила бошладим.

Ўша кезларда бутун прокуратура қийин даврни бошидан кечираётган эди. Одатдаги ишлардан ташқари прокурорлик назоратининг янги йўналишларини тайёрлаш соҳасидаги ишлар кенг миқёсда авж олган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида немис ирқчилари ва ватан хоинлари қилган ашаддий ёвузликларни тафтиш қилиш ишларини ҳам биз олиб борар эдик.

Бундан ташқари, бошқармадаги бутун бир бўлим 30-50 йилларда қатағон қилинган кишиларни оқлаш билан шуғулланарди. Олиб борилаётган ишларнинг йўналиш қўлами ниҳоятда кенг эди. Шахсан ўзим мамлакатдаги энг қайноқ нуқталар – Молдова, Литва, Эстония ва Фарғонага узоқ муддатли хизмат сафарларига бир неча мартаба бориб келишимга тўғри келган.

Гдлянчилар ишини ўрганиш давомида бир нарсага амин бўлдим. Гдлян бошлиқ терговчилар чархпалакни бор кучи билан айлантиришга ҳаракат қилган. Улар ҳеч бир айби йўқ кишини ҳам бир лаҳзада қўпчилик ичида обрўсизлантириб, ишдан четлаштириш, унинг қайтадан ўз вазифасига ишга олиниши, унвон ва мукофотларининг тикланиши ҳатто оқланганидан кейин даргумон бўлиб қолишини таъминлаган.

“Ўзбекистон КП Хоразм вилояти қўмитасининг биринчи котиби М.М.Мирқосимовга.

Хоразм вилоятидаги бир қатор мансабдор шахсларни жазолаш юзасидан қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш давомида шу нарса аниқландики, Хоразм вилояти матлубот жамиятининг раиси Отахон Ҳразматов ўзига тобе бўлган шахслардан пора олган.

Баён қилинган, маълумот ахборот тариқасида хабар қилинмоқда”.

Хатнинг тагига 1987 йил 27 август санаси қўйилган ва унга Гдлян имзо чеккан. Биз ёзилган хатларга кичкина бўлса ҳам, асос қидириб, бутун тергов давомида кичкинагина далил-исбот топишга ҳаракат қилдик, лекин бундай далил-исботни топа олмадик.

Яна шундай бир мактуб 1986 йилнинг 9 июнида ёзилган бўлиб, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири, милиция генерал-майори У.С.Рахимовга ва Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги А.А.Тришкинга жўнатилган хатда бундай дейилади:

“ССРИ прокуратураси томонидан Ўзбекистон ССРИнинг бир қатор мансабдор шахсларига нисбатан уларни порахўрликда, жуда катта миқдорда давлат мулкани талон-торож қилишда ва бошқа жиноятлар қилишда айблаб қўзғатилган жиноят иши тергов қилинмоқда.

Иш материалларида Навоий вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Тўра Ҳайитовга ҳозирги вақтда Навоий район ижроқўмининг ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб турган Намат Бозорович Шомуродов томонидан пора берилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Юқорида Н.Б.Шомуродов тўғрисида баён этилган фикрлар сизга ахборот тарзида хабар қилинмоқда”.

Хатнинг остига терговчи Г.А.Айвазов имзо чеккан.

Хатлардаги “пора берилганлиги тўғрисида маълумотлар бор” деган сўзларга қаранг, фақат маълумотлар бор эмиш. Бу маълумотлар охиригача текширилмаган, улар бўйича

ҳали узил-кесил бир хулосага келинмаган. Улар ҳали тасдиқланмаслиги ҳам мумкин. Кўп ҳолларда шундай бўлиб чиқди ҳам. Т.Ҳайитовни суд батамом оқлади, лекин бунгача орадан қийноқ ва азобларга тўла 3 йил ўтиб кетди. 1986 йил июнида Шомуродов иши бўйича жўнатилган хат устига бошлиқлар қуйидаги кўрсатмаларни ёзиб қўйдилар:

“А.П.Тепловга. Уни бундан буён ишда қолдириш ё қолдирмаслик тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун”.

“С.Ю.Турлибековга. Навоий ИИБга юбориш учун хат тайёрлашни сўрайман”.

Тошкентдаги ССРИ Ички ишлар вазирлиги Олий мактабининг катта ўқитувчиси, милиция полковниги Убайдулла Тожихонов уч йилу 23 кун қамоқда ётди. “У ўзининг ҳибсга олинишига сабаб Гдлян ва Ивановлар истаган ёлғон маълумотларни бермаганлигим”, дейди.

Сўроқлар вақтида Иванов доимо Тожихоновдан нолирди. У ҳеч қандай маълумот бермаётганлигини ва шунинг учун қамоқда ўтирганини эслатишдан эринмаган. Лекин бу “хато”ни тузатиш мумкин, деб таъкидларкан, Иванов. У Тожихоновга бутун бир рўйхатни кўрсатиб мана шу кишиларнинг ҳаммасига, яъни ССРИ Ички ишлар вазири Федорчукка, унинг ўринбосари Лежепековга, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Густовга, Сидоровга, ЎзССРнинг собиқ Ички ишлар вазири Иброҳимовга, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Сатторовга, Қаҳрамоновга жами 200 минг сўм миқдорида пора берганман, деб маълумотнома ёзиб, гувоҳлик беришни таклиф қилади.

Энг ёмони, терговчилар уни куппа-кундузи Ички ишлар вазирлиги Олий мактабидаги кишилар кўз ўнгида ҳибсга олишади, унинг қўлларига худди энг хавфли жиноятчи каби кишан солиб олиб кетишади. Полковникни, ҳурматли устозни, милиция мактаби ҳудудидан намоийишкорона олиб ўтишган.

Кейинчалик Тожихонов тўла оқланади, унинг бекор қилинган унвонлари қайтариб берилиб, лавозимига тикланди.

Ғоят қизиқарли бир воқеани ҳикоя қилувчи М.Бурхонов берган маълумотларда қаранг, нималар деб ёзилган:

“Кунлардан бир кун Карташян мени сўроқка чақириб қўлимга чой узатди. Мен рад қилдим. У эса мени қатъий чой ичишга ундаб, қўлидаги чойни зўрлаб узата бошлади. Мен яна рад қилдим. Кейин у мени қаттиқ зарб билан урди, мен полга ағдарилиб тушдим. Карташян “Сен ифлос ўзбек ростини гапирмаганинг устига мен узатган чойни ҳам ичмайсанми”, деди.

Шундан кейин мен у берган чойни ичишга мажбур бўлдим. Унинг мазаси оддий чойникидек эдию, лекин шуни ичганимдан кейин менда аллақандай қўрқув, иродасизлик туйғуси пайдо бўлди ва мен Карташян айтиб ёздирган гаплар остига қўл қўйиб бердим”.

Бундай “чай” тўғрисида бошқалар ҳам гапириб берганди. Аммо биз барча ҳолатлар, шу жумладан, сўроқ чоғида кишиларга руҳий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган моддалар ҳам қўлланганлигини яхшилаб текшириб чиқишга улгурмадик...

Қўлимизда яна шундай фактлар бор эдики, улар кишини даҳшатга солиш баробарида гдлянчиларга нисбатан улкан нафрат ҳиссини, ҳар қандай шароитда ҳам уларни қонун олдида жавобгарликка тортиш шартлигини тақозо қиларди. Хусусан, Гдляннинг кўрсатмаси билан Бухоро вилояти обкомининг биринчи котиби А.Каримовнинг иши бўйича унинг яқинлари ва танишларидан яна 50-60 киши, хусусан, Камол, Анора, Муҳиддин Саидовлар, Маҳмуджон Камолов, ўғли Баҳодир ва қизи ТошДУ ҳуқуқшунослик факултети битирувчиси, 22 ёшли Лола Каримова ҳам ҳибсга олинган.

Усмонхўжаев иши бўйича унинг ўзидан ташқари яна 30-40 киши ҳибсга олинган. Усмонхўжаевнинг хотини, ўғли Ғайрат, икки нафар синглиси – Фазилатхон ва Каналхонлар 6 ойлаб ҳибсда сақланган. Тошкент вилояти обкомининг собиқ биринчи котиби М.Мусахонов иши бўйича ҳам фарзандлари ТошДУ кафедра мудири, физика-математика

фанлар доктори Мирзаюсуф Мусахонов ҳамда икки қизи-Сожида ва Нафиса Мусахонова ҳам ҳибсга олинган эди. Қ.Камолов ва Т.Жуманиёзовлар иши бўйича 50-60 нафар қариндош ва танишлар ҳибсга олинган. Примов иши бўйича тўрт нафар, соғлиқни сақлаш вазири А.Худойберганов иши бўйича ўнлаб қариндошлари қамоққа олинган.

Хоразм вилояти партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби М.Худойберганов иши бўйича ўнлаб айбсиз одамлар, хусусан, ўғли К.Худойберганов, хотини Н.Худойберганова, қариндоши Ю.Рўзимовлар 9 ойга қадар ҳибсда сақланган.

Ғойиповнинг айбсиз икки ўғли судгача 4-6 йил қамоқда сақланган. Ғдланнынг бевосита кўрсатмасига кўра, 9 фарзанднинг онаси Поша Олимова, 11 нафар фарзанднинг онаси Бибизода Долиева, 12 фарзанднинг онаси Анора Саидова ҳам ҳибсга олинган ва улар устидан турмуш ўртоқларининг бойликларини гўё яширган, деган ноқонуний айбловлар билан жиноят иши қўзғатилган.

Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида гувоҳларни тунда чақириш ва сўроқ қилиш ман қилинган. Лекин тергов гуруҳи ва Ғдланнынг шахсан ўзи қонун талабига ҳилоф равишда гувоҳларни тунда сўроқ қилиш билан шуғулланган. Бунга 1957 йилда туғилган Зиёда Камоловани мисол қилиб келтириш мумкин. Зиёда Камоловнинг эмизикли боласи бор, декрет таътилига чиққан. Терговчи Ибрагимов уни 1988 йил 2 июн куни соат 24. 00 да чақириб, эртасига – 1988 йил 3 июн соат 14 00 га қадар сўроқ қилган. Бу вақтда Зиёда Камоловнинг онаси, эри, қайнонаси ҳибсда бўлган.

Беруний район партия комитети котиби О.Ражабов иши бўйича 54 нафар яқин қариндоши, қўшниси ва танишлари асоссиз қамоқда сақланиб қийноққа солинган.

“СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида”ги қонунда депутатларни совет ва уларнинг ижроқўми розилигисиз ушлаш ва ҳибсга олиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бироқ терговчилар қонуннинг бу талабини бир эмас, бир неча марта бузишган. Масалан, Ғдланнынг қарори билан “Прав-

да” колхозининг бош муҳандиси Шарифбой Ражабов депутат бўлишига қарамасдан, 1987 йил 30 ноябрда қамоққа олинган. Уни қамоққа олиш учун розилик олинмаган. Ўзининг депутатлигини терговчиларга айтса-да, терговчилар буни инобатга олишмаган.

Умуман, гдлянчилар гуруҳи кўп ҳолларда одамларни қонунсиз равишда ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш сингари ярамас усуллар ёрдамида ўз қўлларидаги ишлар учун “зарур” маълумотларни тўплашга уринган. Бегуноҳ кишиларни ёлгон гувоҳлик беришга мажбур қилганлар. Шу тариқа сунъий равишда жуда кўп сохта далиллар “асоси” вужудга келтирилган. Бу – юзлаб беайб кишиларга нисбатан даҳшатли руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиш эди. Бундай усулнинг қўлланиши оқибатида худди 30-йиллардаги сингари ота-оналар ўз болаларининг “айбини очиш”га, болалар эса ўз ота-оналарини “фош қилиш”га мажбур этилган. Манфур ва олчоқ гдлянчилар бу ишларнинг барчасини мажбурий гувоҳлик беришга қарши қонунлар, ман этувчи қоидаларнинг ҳаммасини оёқ ости қилган ҳолда амалга оширган.

Зотан, собиқ иттифоқ республикаларининг барчасидаги жинойт процессуал кодексларида сўроқ қилаётган ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахс томонидан дўқ қилиш ёки бошқа ноқонуний йўл билан гувоҳлик беришга мажбур қилинганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормалар белгилаб қўйилганди. Бундай хатти-ҳаракатлар учун Ўзбекистон ССР жинойт кодекси бўйича 2 йилгача, айбни оғирлаштирадиган ҳолларда эса 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар бунга куч ишлатиш ёки сўроқ қилинаётган шахсни ҳақорат қилиш ҳам қўшилган бўлса, у ҳолда айбдор шахслар беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланарди.

Қонунларда бундай қатъий масъулият белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас. Чунки бундай ноқонуний сўроқ қилиш усуллари ёрдамида айбсиз шахсни энг оғир жинойтлар қилишда, масалан, қонунда энг олий жазо – ўлим жазоси

берилиши кўзда тутилган оғир жиноятлар қилганликда ноҳақ айблаб қўйиш мумкин. Афсуски, суд амалиётида бундай ҳоллар кўп бўлган, суд баъзан тергов маълумотларига кўр-кўрона ишонган ҳолда, тақдим қилинган далилларни ва бу далиллар қандай усуллар билан қўлга киритилганлигини чуқур текширмасдан қўпол хатога йўл қўйиб, одамларни отишга ҳукм қилган ҳоллар ҳам учрайди.

Лекин судлар фақат ёлғон даъволарнигина эмас, шу билан бирга, ҳаққоний гувоҳлик берилган ҳолларни ҳам ўзлари текшириб кўришга бурчлидирлар.

СОБИҚ МАҲКУМЛАР КЎРСАТМАЛАРИ

1918-1935 йилларда “қизил террор” туфайли болшевиклар юрт озодлиги учун курашган қанчадан қанча боболаримизни “босмачи”, деб қириб ташлашган. Кейин 1937-1953 йилларда “катта террор” даври бошланди. Маҳаллий зиёлиларимизнинг қанчаси “аксилинқилобчи” ва “пантуркист” тамғаси билан қатағон қилинди. Бунга 1941-1945 йиллардаги уруш қурбонларини қўшинг. Юртимизнинг юз минглаб асл фарзандлари қурбон бўлди.

Биргина 1930 йилнинг феврал-март ойларида колхозлаштириш сиёсати оқибатида 40 минг деҳқон “қулоқ” қилинган. Ўша йили давлат банклари, суд, прокуратура органларида ишловчи ходимларга нисбатан ҳам қатағон бошланган. Улар орасида Ўзбекистон Олий судининг собиқ раҳбари Сайдулло Қосимов ҳам бор эди.

1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг киши қатағон қилиниб, шундан 13 минг нафари отиб ташланган. Улар орасида Ўзбекистондаги турли миллат ва элат вакиллари бор эди. Не-не ҳамюртларимиз “қосимовчи”, “троцкийчи”, “бухаринчи”, “иноғомовчи” тамғалари остида, Япония, Германия, Британия жосуси сингари қалбаки айбловлар билан қамоққа олиниб, қатл этилди.

Гдлян ва Иванов тергов гуруҳи фаолияти оқибатида ҳам республикаимизда ҳўлу қуруқ баробар ёнди, юқори лавозимларда ишлаб, халқнинг катта эътиборига сазовор бўлган инсонлар, ҳатто Министрлар Совети, Марказқўм котиблари ҳам ҳибсга олиниб, ҳўрланди.

Гдлянчилар томонидан қандай усулда тергов қилингани ҳақида уларнинг ўзлари бир қатор рад қилиб бўлмайдиган фактларни гапириб берган.

Бектош РАХИМОВ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўринбосари бўлиб ишлаган:

“...Кечқурун яна сўроққа чақиришди. Қўйилган масала шу

бўлдики, улар талаб қилган пул суммасини топширишим билан мени қўйиб юборишар экан. Улар шундай шарт қўйдики, агар улар айтган суммани топширсам, пулнинг қандайдир қисмини ўзимга олиб қолишимга рухсат беришаркан.

Терговчилардан бири ўзбек эди, у мени шу шартга кўндиришга роса уринди. Сўнг улар яна сўкишга ва қўрқитишга ўтишди. Гдлян, мен буйруқ берсам КГБ офицери бўлган ўғлингни ишдан олишади ва КГБдан ҳайдаб юборишади, деб айтди. Улар мен қилмаган ишимни қилганман деб иқрорлик кўргазмаси беришимни талаб қилишарди. Сўроқ пайтида пулим йўқлигини ва шунинг учун ҳеч нарса бера олмаслигимни айтганимдан улар қаттиқ норози бўлишди..." (1989 йил 11 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

1924 йилда туғилган, Социалистик меҳнат қаҳрамони, бир неча марта давлат орденлари билан мукофотланган Бектош Рахимовни гдлянчи терговчилар 1988 йил 5 декабрда ўз ховлисида қўлга олиб, тергов изоляторига жойлаштирган. Бу ерда у 9 ой ҳибсда ўтиради, кейинчалик тўла оқланиб озодликка чиқади. Тергов камерасида ўтказилган вақт ва олиб борилган сўроқларни у мисоли даҳшатли тушдек эслайди:

"Улар нуқул битта масалани чайнайверар эдилар, яъни, агар мен улар талаб қилган пулларни топширсам, шу заҳоти озодликка чиқариб юборишларини айтишарди. Менинг устимдан кулиб, қаттиқ ҳақорат қилдилар. Карташян менинг "хулқ-атворим" туфайли ўғлим қамоққа олинганлигини ва бошқа оила аъзоларимни ҳам қамамоқчи эканликларини маълум қилганидан кейин менинг сабр-бардошимга дарз кетди..."

Акс ҳолда, мени йўқ қилиб, ўғлимни қамаб қўйишар эмиш. Бундай қатъий талаб менинг руҳиятимга кучли таъсир қилди. Оқибатда мен қариндош-уруғларимдан ҳеч кимга тегишмаса, ҳар қандай гувоҳлик беришга рози бўлдим. Менга пора берувчилар сифатида 60 кишининг номини кўрсатиш вазифаси қўйилди. Мен қанча уринмайин бу

вазифани тўла бажара олмас эдим. Иванов менинг “ишим”-дан асло қониқмади, унинг буюртмаларини бажармаганлигим учун яна жазо тариқасида пора берувчилар рўйхатини 70-80 кишига етказишимни талаб қилди ва мен хотиним ва болаларим ҳаёти учун хавотирга тушиб, янгидан янги ёлғонларни ёзиб беришга мажбур бўлдим. Иванов ёзганларимни ўзи хоҳлаганча тузатиб қўяр эди”.

Кейинчалик ақлу ҳушим жойига келиб, мажбуран ёздирилган ёлғон гаплардан воз кечдим. Тахминан, 1988 йилнинг 25 декабрида мени Москвага олиб бордилар. Н.Ивановнинг фикрича, мен миллионер эмишман...

Кейинчалик Иванов яна менинг ўғлимдан гап очди. Дастлабки айбимни “тан олган” кўрсатмаларимдан кейин ўғлимни қамоқдан чиқариб юборишган эмиш. Энди яна қамоққа олишар экан. У доим мени ўзи билан дўст бўлишга ундарди. “Биз билан дўстона муносабатда бўлиш керак”, дерди у.

Ережеб АЙТМУРАТОВ, Ўзбекистон ССР Компартияси Марказқўми котиби бўлиб ишлаган:

“...Мен 1987 йил 20 августда Тошкентда қамоққа олиндим. Бир неча кун мени Ўзбекистон КГБсининг тергов изоляторида сақлашди, сўнг Москвага олиб боришди. Шу пайтдан бошлаб Гдлян ва Иванов сўроқ қила бошлашди. Менга анчагача чин юракдан иқрор бўлишнинг аҳамиятини тушунтиришиб, қўйилган айбларга иқрор бўлишим кераклигини маслаҳат беришди. Агар ким иқрорлик кўрсатмаси бермаса, отувга ҳукм қилинади, агар улар айтганига юрсам, мени ҳатто қамоқдан озод қилишларини ҳам айтишди. Башарти иқрорлик кўрсатмаси бермасанг, хотинингни, ўғлингни, қизингни, укангни қамоққа оламиз, деб қўрқитишди. У ҳатто ҳомиладор аёлни ҳам ҳибсга олганмиз, сен ҳам шундай бўлишини истайсанми, деб сўради. Мен мутлақо айби йўқ одамларнинг қамоққа олинишини истамасдим...”

...Эртасига Гдлян ва Иванов мени яна чақиришди. Гдлян 50 кишидан пора олганман деб ёзиб беришимни, поранинг миқ-

дори 450.000 сўмдан кам бўлмасин деб айтди...” (1989 йил 4 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

Ережеб Айтмуратов, шунингдек, қуйидагиларни ҳам гапириб берганди:

“Менга барча қўйилган айбларни бўйнимга олишни маслаҳат беришди. Акс ҳолда иш бўйича мени, ўз иборалари билан “паровоз” қиламиз деб қўрқитдилар, яъни республикада йўл қўйилган қўшиб ёзишлар учун етакчи жавобгарлардан бирига айлантирамиз, деб қўрқитдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби вазифасида ишлаган вақтимда бевосита бу ишларга алоқадор бўлганлигимни айтиб дўқ қилдилар.

Мен яна шундай чурқ этмай тураверадиغان бўлсам, хотинимни, ўғлимни, қизимни ва укамни қамаб қўйишларини айтиб қўрқитардилар. Ўшанда Иванов ҳатто аллақандай ҳомиладор аёлни ҳам аяб ўтирмай ҳибсга олганликларини шаъма қилган эди. Хулоса қилиб, мен ҳам шундай аянчли кўргиликка гирифтор бўлишим мумкинлигини таъкидлаб қўйди. Гдлянчилар мутлақо айбсиз кишиларни қамоққа олаверишларига шубҳа қилмасдим. Менинг учун фарзандларим ва қариндош-уруғларимнинг хотиржамлиги, тинч-осойишталиги ягона истак бўлиб қолган эди. Мен бу бегуноҳ кишиларни қийноққа солишларига йўл қўя олмас эдим, шунинг учун тергов билан келишишга аҳд қилдим.

...Усмонхўжаевга 30 минг сўм, Осетровга 50 минг, Ўзбекистон КП МК ташкилий-партиявий бўлимининг мудирини Орловга 10 минг сўм, Мусахоновга 5 минг сўм, Абдуллаевага 5 минг сўм, Насриддиновага 15 минг сўм, Бугаевга 10 минг сўм, Рашидовга 20 минг сўм, Худойбергановга 3 минг сўм, ССРИ Давлат таъминот комитетининг раиси ўринбосари Г.М.Орловга 5 минг сўм, Ўзбекистон Республикаси агропроми раиси Жўрабековга 5 минг, Самарқанд вилояти комитетининг биринчи котиби Ражабовга 3 минг сўм, ССРИ Мелиорация ва сув хўжалиги вазири Василевага 5 минг сўм, ССРИ Қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитетининг со-

биқ раиси, кейинчалик Рязан вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Хитринга 5 минг сўм, КПСС МК ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Могилниченкога 10 минг сўм, ўша бўлимнинг шўба мудир Смирновга 10 минг сўм, бўлим инструктори Ишковга 15 минг сўм, КПСС МК Қишлоқ хўжалик бўлимининг шўба мудир Истоминга 10 минг сўм, ўша бўлимнинг инструктори Неделкинга 5 минг сўм ва Салимовга 5 минг сўм пора берганман, деб ёлғон кўрсатма беришга мажбур бўлганман.

Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон. Булар бари айбсиз кишиларга қилинган тўхмат. Бунда менга ҳақиқий воқеалардан фойдаланиш ва бўлиб ўтган учрашув материалларини ҳам қўшишни ҳамда бу ёлғон ҳисоб-китобдан гўё ўзимга теккан пулларни ҳам қўшиб қўйишни тавсия этдилар. Уятдан, номусдан ичим ёнар эди. Мен ҳар куни шу ҳақда ўйлар эдим. Ўзимнинг виждонсизлигим ва қилган ифлослигим тўғрисидаги аянчли фикр бир дақиқа бўлсин ҳаёлимдан кетмасди. Мен аслида одамларни сотганимни ва уларга хиёнат қилганимни тушуниб турардим. Иванов эса ҳар доимгидек: “Ёз, кўпроқ ёзавер, ҳеч нима бўлмайди. Қанча кўп пул кўрсатсанг, ўзингга шунча яхши бўлади”, деб таъкидлашдан тўхтамасди.”

Оқил САЛИМОВ, Ўзбекистон ССР Олий совети Президиуми раиси бўлиб ишлаган:

“...Биринчи кундаёқ Иванов мендан республикада кимдан қанча пора олганим ва “юқори”да ишлаганлардан кимга қанча пора берганим ҳақида иқдорлик кўргазмаси беришимни талаб қилди. Менинг ҳеч кимдан пора олмаганман ва ҳеч кимга пора бермаганман деб айтганларимни терговчилар мутлақо эътиборга олишмади...”

...Иванов менга, биз партия манфаатларидан, XIX партконференция қарорларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилармиз, шунинг учун биз талаб қилган кўргазмаларни бериб бизни қўллаб-қувватлашинг керак, деб айтди. Акс ҳолда, қариндошларингни қамаб, хонадонингни остин-устун қи-

либ ташлаймиз, Усмонов бизнинг йўриғимизга юрмаган эди, отувга ҳукм қилинди, деб таҳдид қилди... (1989 йил 11 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг ўринбосари бўлган Қаҳрамонов уч йилдан зиёд турмада азоб чекиб, гдлянча тергов қилишнинг бутун даҳшатларини ўз бошидан кечирган. Гдлян ва Иванов ундан “юқори”га – Москвага, Кремл ходимларига қарши гувоҳлик беришни талаб қилади. Қаҳрамонов табиийки, бу талабларни рад қилади.

Келинг, унинг ҳикоясига мурожаат қиламиз: “Мен бировга туҳмат қилишга рози бўлмаганимдан кейин, – дейди Қаҳрамонов. – Иванов мутлақо бошқа одам бўлиб қолди. У энди менга бақира бошлади, мени сенсираб “комсомолвачча”, аблахсан деб сўқди. Партия ходимларининг барчаси порахўр деди, уларни ҳақоратлаб беҳаёларча сўқинди. Ўзига ва Гдлянга тергов ишларини Сиёсий бюро топширганлигини, иккаласи қандай қарорга келса, шундай бўлишини таъкидлаб ўдагайлади. Сўнгра оёғимга қаттиқ тепиб, юзимга туфлади. Мана шундай таҳқирлар натижасида мен хушимдан кетдим. Илгари ҳеч қачон ҳеч ким мен билан бундай оҳангда гаплашмаган эди. Мен узоқ вақт раҳбарлик лавозимларида ишлаб келганман, ҳамма мени ҳурмат қилган.

Бу ерда эса бирдан шундай ақл бовар қилмас ҳақорат ва камситишларга дуч келдим. “Сен менга шайтонлик қил-япсан, бу ҳунарингни ташла, мен учун бир ҳовуч ахлатдек гапсан. Бугунги кунни, 20 мартни сен ҳали бир умр эслаб юрасан”, деди бармоқлари билан бошимга туртиб. Икки соат шу тарзда қийнади, кейин яна бир терговчини чақирди, ҳозир унинг фамилиясини эслай олмайман. Ўзи эса уч соатга аллақаяёққа кетди. Сўнгра ранглари қув оқарган ҳолда, ғазаб-нафратга тўлиб кириб келди-да, ҳибсга олиш тўғрисида рухсатномасини менга кўрсатди. Холбуки, бунгача мени сўроқ қилиш бўйича ҳеч қандай протокол тузмаган эди. Мен ўзимни ҳибсга олиш тўғрисидаги рухсатномага қўл қўймадим, оқибатда иззат-нафсимни ерга уриш, ҳақорат қилиш узоқ вақт давом этди. Кейин у протоколни

ҳам жуда қисқа тузди-да, соқчиларни чақириб “Олиб кетинг”, деб буюрди. Бир ой шу тариқа азоб-уқубатлар, қийноқлар билан ўтди. Кейин Бухоро вилоятининг Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан юзлаштириш бошланди. Ш.А.Раҳимов билан юзлаштирув чоғида мен унга “Виждонсиз одам экансан, нега менга тухмат қиласан”, дейишим билан Иванов “Қаҳрамонов, овозингни ўчир, аблаҳ, тезда сен ҳам тилга кирасан”, дедию, мушти билан юзимга аёвсиз урди. Раҳимов бундай қилиш мумкин эмас, дея унга танбеҳ берди, кейин рухсатсиз ўрнидан туриб чой тайёрлади. Мени тинчлантира бошлади. Иванов эса унга қараб, “сен уни билмайсан, у жуда катта жиноятчи”, деди.

Кейин менга қараб: “Бу ерда ҳеч нима айтишни истамаётган экансан, сени Москвага даф қиламан, ана шу ерда сен дарров тилга кирасан, бизнинг шундай усулларимиз борки, ҳатто булбулигўё бўлиб сайрайсан”, деди. Москвага жўнатиш олдидан Иванов мени ҳузурига чақиртирди ва яна ўзи айтган шахсларга пора берганлигимни бўйнимга қўймоқчи бўлди. Мен бунга кўнмадим. Бу ёлғон нима учун керак эканини сўрадим. Иванов менга қараб бақира кетди: “Овозингни ўчир, муттаҳам! Билиб қўй, биз сенинг қариндош-уруғларингдан қанчадан қанча қимматбаҳо буюмлар тортиб олдик, уларнинг ҳаммаси ўғри, ҳаммасини турмага тикамиз, бундан ташқари, сенинг итвачча ўғилларингни жиноятда иштирок этган шахслар сифатида ҳибсга оламиз ва қамаб қўямиз, онт ичиб айтаманки, албатта қаматаман”.

Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Мен унинг сўзларига ишондим, чунки у ўзининг куч-қудрати тўғрисида кўп гапирар, КПСС Марказий Комитети номидан иш кўраётганликларини доимо таъкидлар эди.

Мен қатағонлар бошланди, деб ўйладим. Иванов мени “Тошбағир киши экансан, ўз болаларингга ва қариндош-уруғларингга раҳмсиз фашист экансан”, деди. Қўлларимга кишан солиб, шу ҳолда самолётда Москвага жўнатдилар. Қўлимдаги кишанлар ҳам маълум даражада мени ўзимга ва ўзга шахсларга тухмат қилишимда рол ўйнади, десам ҳам

бўлади. Москвада мени анча вақтгача сўроққа чақиришмади. Орадан анча вақт ўтгач, 1985 йил июнида Гдлян билан Иванов мени яна қийноққа сола бошладилар. Москвага олиб келишгач, менга уларнинг кўрсатмаси билан кийимларимни ечиб олиб, эски қамоқ кийими беришган эди. Бу ҳам руҳимни тушириб юборди. Гдлян мени бу кийимда кўриб устимдан кула бошлади: “Оббо сен-эй, буни қара-я, кимларга ўхшаб қолибсан, бу ҳали ҳолва, фақат бошланиши, бундан ҳам ғаройиб ишларни кўрасан”. У шундай дўқ-пўписалар қилганидан кейин хонадан чиқиб кетди. Хонада Иванов иккимиз қолдик. У менга хотиним ўлганини айтди. Мен даҳшатга тушдим. Бунинг устига у менинг икки ўғлимни қамоққа олиш тўғрисидаги қарорларни кўрсатди. Ўғилларимнинг бири ҳали вояга етмаган ўсмир эди. Бошимга тушган кулфатлар, мен чекаётган азоб-уқубатлар болаларимнинг ҳам бошига тушар экан-да, деб уларнинг тақдирини ўйлаб жуда қўрқиб кетдим. Шунинг учун мен Гдлян ва Иванов хоҳлаганидек кўрсатма беришга рози бўлдим, ёлғон гапларни ёзиб ўзимга ҳам, бошқаларга ҳам туҳмат қилдим”.

Олти боланинг отаси Л.Муқимов ҳеч қандай айби бўлмаган ҳолда изоляторда салкам 6 ой ўтирган: “Сўроқ вақтида Иванов менга “Сен кичкина одамсан, бизга ҳечам керак эмассан, қолаверса, болаларингни тарбия қилишинг керак, яхшиси сен Қосимжоновга қарши маълумот бер, яъни қайсидир жойда Қосимжоновга бир тугунчак берганман, деб айт. Қариндош-уруғларингдан ёки яқин дўстларингдан бу фактни тасдиқлай оладиган бирор кишини топ”, деган. Лекин Л.Муқимов бунда кўрсатув бермайди, унга озодлик таклиф қилганларида ҳам ёлғон гапиришни истамайди. Сўроқлар деярли суткалаб давом этади, камерага олиб келганларида эса уни камерада ётган газандалар аёвсиз дўппослаган.

Болтабой Жўраев фақат хизмат машинасида ЎзССРнинг собиқ Ички ишлар вазири ўринбосари Бегелманни олиб юрганлиги учунгина озодликдан маҳрум қилинган. Терговчиларнинг фикрига кўра, у Бегелманнинг шахсий ҳайдов-

чиси сифатида нималарнидир билиши керак ва билганларини сўзлаб бериши лозим бўлган.

Б.Жўраев: “Мени кабинетга олиб келган вақтларида Гдлян шу ерда экан, у бошқа бир терговчига мени кўрсатиб, “уни бир-икки силтаб қўй-чи”, деб кўрсатма берди. Гдляннинг ўзи эса мендан “Бегелман кимлардан пора оларди”, деб сўради, мен “пора тўғрисида ҳеч нарса билмайман”, деб жавоб бердим.

Хонага терговчи Иванов кириб келди ва менга шундай деди: “Сен хавфли одамсан, сен турмада чириб кетишинг керак”. У Соқчини чақирди-да, мени ертўлага жўнатди”.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Болтабой Жўраев ҳеч қандай қонунга хилоф иш қилмаган. Худди шунга ўхшаш бошқа бир ҳайдовчи – Шодмон Бобожонов ҳам ҳеч бир айбсиз бир неча кун ертўлага қамаб қўйилган. Ҳолбуки, у бемор бўлиб, терговчиларга ўз хасталигини айтган, дорилари битилган қоғозларни, справкаларини кўрсатган, дори беришларини илтимос қилган, лекин унинг барча сўзлари эътиборсиз қолдирилган.

Кейинчалик “Пахта иши”ни қайта кўриш бўйича тузилган комиссия саъй-ҳаракати билан Россиянинг турли вилоятларида жазо муддатини ўтаётган 4000 га яқин одам ватанга қайтарилди. И.Усмонхўжаев, Н.Худойбердиев, Қ.Камолов, Е.Айтмуротов, Т.Умаров, М.Мусахонов ва бошқалар эса Россиянинг Нижний Тагил шаҳридаги колонияда эдилар. Улар ҳам Тошкентга келтирилиб, махсус тиббий қисмга ётқизилди, тиббий хулосаларга асосан кекса-касалмандликлари учун 1991 йил бошида қамоқдан озод этилди.

Дарвоқе, улар Тошкентга келтирилиб, уйига жўнатилганидан норози бўлган ССРИ Бош прокурорининг ўринбосари Дзенитас Ўзбекистон Олий судига хат билан мурожаат қилиб, Нижний Тагилдан келтирилганларнинг ҳужжатини юборишни қатъий талаб қилган бўлса-да, ҳужжатлар жўнатилмаган.

ТУҚМОҚ ТЕРГОВЧИЛАР

1987 йил 15 декабр куни кечаси соат 12 ларга яқин Нукус шаҳридаги терговчилар гуруҳи врач Б.Есимуратовни гувоҳ сифатида ушлаб келишади. Гдлян билан Карташян уни соат тўртгача сўроқ қилади. Ундан кейин Есимуратовни хизмат кабинетига қамаб устидан қулфлаб қўядилар, унга яна бир бор ўйлаб кўришни ва терговга зарур бўлган маълумотларни беришни таклиф қилишади. Акс ҳолда уни “... турмада чиритишларини” айтишади.

Лекин бу ишнинг бошланиши эди, холос. Сўроқ нақадар даҳшатли тарзда олиб борилганлигини Есимуратов юракбағри изтиробга тулиб, қийналиб эслайди. У ҳеч қандай жиноятга, жиноий йўл билан тўпланган бойликларга алоқаси йўқ киши эди. Бу ҳақда у сўроқ бошланган пайтдаёқ Гдлянга маълум қилган. Кейин нималар бўлганлигини у шундай эслайди: “Менинг бу сўзларим негадир Гдляннинг жаҳлини чиқариб юборди. У энди мени қўполлик билан сенсирай бошлади. Мени бу ерга гувоҳ сифатида чақириб келган бўлса-да, энди гувоҳ эмас, айбдор сифатида рўйхатга олишини, хозирок гувоҳлар чақириб бўйнимга айб қўйишини, барча қариндошуруғларим билан бирга турмада чиритишини” айтди.

Есимуратов озодликка чиққанидан кейин нима сабабдан уни оиласидан ажратганликларини, нега озодликдан маҳрум қилганликларини аниқламоқчи бўлади. Бу ҳақда у қуйидагича ҳикоя қилади: “Янглишмасам, 1987 йилнинг 21 декабрида бўлса керак, мен К.Маркс кўчасидаги бинога келдим. Бу бинога кираверишда “ССРИ прокуратурасининг тергов гуруҳи” деган ёзув осиб қўйилган эди. Қорақалпоғистон бўйича гуруҳ раҳбари Иброҳимовга мурожаат қилдим. Мен ундан сабаблар кўрсатилган ҳужжат беришларини сўрадим. Лекин Иброҳимов мени оғизга олиб бўлмайдиган хунук сўзлар билан сўқди, ҳатто “мол” ва “аҳмоқ” деб ҳақорат қилди. Сўнгга “Бу ерга қайси юрак билан келдинг, қан-

дай қилиб терговчи устидан шикоят қилишга ва справка сўрашга журъат этдинг?” деб ўдағайлади. У мени жиноятчи деб атади. “Сенга ўхшаган кишиларни отиб ташлаш керак”, дея кабинетидан ҳайдаб чиқарди. Шундан кейин мен ҳеч қаерга бориб ҳақиқат қидирмайдиган бўлдим, ҳаётимда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ҳеч кимга гапириб бермадим ва шикоят қилмадим”.

Ўзларини ҳеч ким назорат қилмаётганлигига амин бўлган Гдлян гуруҳидаги терговчилар шу даражага бориб етганки, улар 1987 йилнинг кузида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида махсус изоляторлар очиб олишган. Ушбу изоляторга одамларни бир неча кунгача қамаб қўйиб, уларни овқатсиз, оч-наҳор қолдиришган.

Биз гдлянчилар ишини ўрганиш давомидаги сўроқларда А.Саидова ва О.Гадоева уларни ҳибсга олганларидан кейин доим Карташян сўроқ қилганлигини, сўроқ давомида у бир неча бор ҳақорат қилганлигини, урганлиги ва юзларига туфлаганлигини баён этди.

Гдлян гуруҳида терговчи бўлиб ишлаган Шамсиддиновни сўроқ қилганимизда у “терговчи Карташян Бурхоновни урганини ва унинг юзига туфлаганини ўз кўзим билан кўрганман”, деб айтди.

Гдлян гуруҳининг аъзоси В. Шароевский шундай ҳикоя қилади:

“Мен Карташян билан икки ҳафтача бирга ишладим ва кейин Гдлянга бориб бу киши билан ишлай олмаслигимни айтдим. Чунки унинг иш усуллари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган даражада эди.

Одатда, у сўроққа савдо ходимлари, магазин мудирлари ва бошқа соҳалардан ўнлаб ва ундан ортиқ кишини баравар чақирар эди. Бу кишилар билан олиб бориладиган ишдан кўзланган мақсад битта, яъни уларнинг раҳбарларга пора берганлиги тўғрисида ўз қўли билан ариза ёзиб беришларига эришишдан иборат бўларди. Бунда терговчилар, шу жумладан, Карташяннинг қўлида ҳам сўроқ қилинаётган

кишиларнинг жинойй фаолияти тўғрисида ҳеч қандай ахборот ва ҳатто уларнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлмас эди. Улар савдо тизимида ишлайдиганларнинг ҳаммаси ҳам пора беради ва пора олади, деган фикрдан келиб чиқиб шундай йўл тутарди...”

Гдлянчиларнинг “иш услуги”ни яққол тасаввур қилишда улар билан бирга ишлаган терговчи А.Холодов берган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

“Терговчилар гуруҳида ўзимиз “тўқмоқлар” деб ном қўйган бир гуруҳ бор эди. Дастлабки маълумотларни қўлга киритиш билан шуғулланадиган бу “тўқмоқлар” таркибига Карташян, Мавлонов, Абдурахимовлар... кирар эди. Улар гувоҳлардан ҳаммага маъқул бўладиган маълумотларни кўпроқ олар эди”.

Улар учун исботлар, фактлар эмас, балки ойлар ва йиллар, кечиқиб бўлса-да пайдо бўладиган ўз айбига иқрор бўлиш аризалари энг муҳим ҳужжат ҳисобланарди.

Тергов иши раҳбарлари бу “мохир терговчилар”нинг хизматларини рағбатлантириб турган. Бундай вақтларда улардан сурбетлик билан: “Бу мукофот учун яна қанча иқрорлик аризаси керак бўлишини биласизми?” деб сўраб қўйишаркан.

Гдлян билан Иванов, албатта, тафтиш актларини, йирик камоматлар тўғрисидаги молиявий ҳужжатларни қандай усуллар билан қўлга киритганликларини айтишмайди. Бу ерда энг оддий қоидага амал қилинар эди: “Ё сен гувоҳлик бериб бировни ўғрига чиқарасан, ёки ўзинг турмага тушасан”. Бундай усул билан ёлғон ва бўхтонлар гирдоби тобора чуқурлашаётганлиги ҳеч кимни ташвишга солмас эди, ёлғон гапиришга рози бўлган кишилар устидан қўзғатилган ишлар дарҳол тўхтатилар, тафтиш актлари эса яшириб қўйилар эди. Сурбетлик ва ёлғон, шафқатсизлик ва нафрат – бу ифлос “ўйин” ларнинг асосий негизини ташкил этарди.

...Константин Пирцхалава 1986 йил ноябр ойида Т.Гдлян гуруҳида пайдо бўлганида эндигина 25 ёшга кирган йигит-

ча эди. Бунгача у армияда хизмат қилган, ҳарбий юстиция соҳасида ишлаган, кейин эса уни Гагра шаҳридаги прокуратуранинг катта терговчиси лавозимига қабул қилишган. Грузия прокуратурасининг тавсифномасига қараганда, у камтар, тартибли, ўзининг бурчини ҳалол ва сидқидилдан бажарадиган яхши терговчи бўлган. Ўзбекистондаги ишлар билан 1988 йил март ойига қадар шуғулланган. Шу вақт ичида ССРИ Бош прокуроридан бир неча марта ташаккурнома олган, шунингдек, погонига янги-янги юлдузлар қўшилган, Грузияга қайтиб боргач Гдлян ёрдамида, аниқроғи, унинг тавсияси билан юқори лавозимга кўтарилган. Уни Грузиядаги энг обрўли лавозимлардан бири – Гагра шаҳар прокурори лавозимига тайинлайдилар. Булар бари ишнинг зоҳирий, яъни ташқи томонлари, холос. Энди ишнинг ботиний жиҳати, ички моҳиятига бир назар ташлаб кўрайлик.

Константин Гдляннинг гуруҳида “тўқмоқ” вазифасини бажарарди. Терговда гапирмаганларни, ҳеч қандай маълумот бермаганларни тилга киритиш айни мана шунга ўхшаш “тўқмоқ”ларга топширилган. Терговчиларнинг фикрича, “тўқмоқ”ларнинг қўлига тушган ҳар қандай киши ҳам гапиришга, ахборот беришга мажбур бўлган.

1987 йил ноябр-декабр ойларида Пирцҳалава ва бошқа терговчилар Гдлян билан биргаликда Қорақалпоғистонда ишлаган. Лекин уларнинг асосий қароргоҳи Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида эди. Урганчни улар тасодифий танламаган эди. Бу ерда вилоят прокурорининг ўринбосари вазифасида уларнинг улфати А.Титаренко ишларди. У гдлянчи терговчилар тавсия қилган одамларни қамоққа олиш тўғрисидаги қарорларга ҳеч суриштирмасдан, кўзини чирт юмиб муҳр босиб бераверган. Титаренко тўғрисидаги гапларни чўзиб ўтирмай, олдиндан айтиб қўя қолай у қонунсизликка йўл қўйганлиги учун, хизмат чоғида ўз ваколатини суиистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган, ундан сал илгарироқ эса прокуратура органларидан ҳайдалган.

...Беруний туманининг собиқ биринчи котиби А.Р.Ражабов ҳибсга олиниб, бунинг учун асослар ҳам тайёрлаб қўйилган эди. Шунингдек, терговчилар пул ва облигацияларни ҳам далил сифатида ишга тиркаб қўйишди. Улар учун бойликлар кимга тегишли ва улар қаердан топилганлиги муҳим эмас эди. Энг муҳими, уларни қидириб топиш ва тортиб олиш эди. Бу бойликларнинг кимники эканлиги ва улар қандай йўллар билан топилганлигини кейинроқ аниқлаб “изоҳланаверарди”. Терговчиларнинг чиғириғидан Ражабовнинг барча қариндош-уруғлари, унга яхши таниш бўлган кишилар албатта ўтиши керак эди.

Операция олдидан Гдлян ҳаммага топшириқ бериб чиқади, ҳар бир терговчи ўз ўлжасини биларди. 1987 йил 26 ноябр куни эрта тонгданоқ Пирцҳалава Беруний шахрига етиб келади ва тезда Комилжон Ражабовни қидириб топади. Ражабовнинг хотини вафот этган, вояга етмаган болалари билан бирга турарди. Болаларининг бири 3 яшар, бири 7, яна бири 10, энг каттаси 14 ёшда эди. Худди ўша куни, 26 ноябрда ўғли Қудрат 10 ёшга тўлган эди. Шунинг учун Комилжон кечкурун ёзиладиган байрамона дастурхон ҳаракатини эрталабдан бошлаган эди. Табиийки, терговчининг келиши қутилмаган ҳол бўлган. Урганчга мен билан бирга кетасан, деб туриб олгани бундан ҳам ошиб тушади. Ражабовнинг болаларим нима бўлади, уларга ким қарайди, деган сўроғига ҳеч ким қулоқ солмайди. Болалар ёлғиз қолишади.

Шундан кейинги воқеалар ғоят жадаллик билан ривожланиб борган. Терговчилар тинимсиз ишлар, ҳар бири ўзига керакли маълумотларни имкони борича тезроқ тўплашга ва уларни яшин тезлигида Гдлянга етказишга ҳаракат қиларди. Пирцҳалава ҳам Ражабовни сўроқ қилишга киришадди. Сўроқ мобайнида ундан ўз амакисининг порахўрлигини билиши ва унинг бойликларини ўзида сақлаётганлигини тан олишни талаб қилади. Ражабов, албатта, бундай тухматга рад жавобини берган. Чунки у, ҳақиқатдан, ҳам амакисининг порахўрлиги ҳақида ҳеч нарса эшитмаган бўлган.

Пирцхалаванинг қўлида К.Ражабов томонидан жиноят қилганини исботловчи ҳеч қандай ҳужжат, далил йўқ эди. Яъни, Комилжонни тахминан сўроқ қилишган.

Пирцхалава Ражабовни урмоқчи бўлиб қўлини кўтарганда, Комилжон унинг қўлини ушлаб қолади. Сўнгра кўзи қонга тўлган терговчи сўкиниб ҳақорат қила бошлайди. Лекин бундай бемаъни усул ҳам у кутган натижани бермайди.

Кечқурун Комилжонни Гдлян ишлаб ўтирган хонага олиб келишади, унга ҳам Комилжон амакисининг олган пораси тўғрисида ҳам, унинг бойликлари тўғрисида ҳам ҳеч нарса билмаслигини айтади. Уйига қўйиб юборишларини сўрайди. Бинобарин, Ражабовнинг илтимоси тамомила асосли эди. Чунки унга ҳеч ким ҳеч қандай айб қўймаган, уни ҳеч ким ҳибсга олмаган. Қолаверса, уни ушлаб келиш тўғрисида ҳам ҳеч қандай ҳужжат тузилмаган эди. Ражабов фақат гувоҳ саналарди, холос. Модомики, шундай экан, сўроқдан кейин у ҳеч қандай шартларсиз истаган жойига кетишга ҳақли эди.

Аммо гдлянчилар бундай қилмайди. Гдлян барча терговчилар олдида қўлини Комилжонга ниқтаб туриб жаҳл билан: “Уни ертўлага олиб тушиб бир адабини бериб қўйинглар”, дейди.

Хўш, бу буйруқда қандай маъно яширинган эди? Ҳа, Гдлян қанчалик жиззаки бўлмасин, ўзи қилаётган ишини яхши билар эди, у гувоҳларни озодликдан маҳрум қилиш, мутлақо айби бўлмаган одамларни қамаб қўйиш – ҳеч қандай қонунда йўқ ўзбошимчалик эканлигини жуда яхши тушунар эди.

Турмага қамаш тўғрисида тузилган ҳар қандай протокол қачонлардир тарих қўлида, прокурор ва суд қўлида далил бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. У ҳолда Гдляннинг ҳоли вой бўлар эди, зеро бу далиллар унинг ўзини жиноят курсисига ўтказган бўлар эди. Шунинг учун у бошқачароқ йўл топди. Гдлянчиларга тергов изолятори ходимлари яшаб турган тураржой биносида икки хонали квартира бўш ётганлиги маълум бўлди. Бу уй изоляторнинг шундоққина ён-

гинасида эди. Мазкур квартирадан Гдлян ва унинг шериклари ўзларининг шахсий қамоқхонаси сифатида фойдалана бошлаган.

Масалан, К.Ражабов ва Т.Аметовни айнан мана шу хонага олиб келиб қамаб қўйишган. Ўшанда уларнинг иккаласи ҳам кечки овқатсиз қолишади.

1987 йил 29 ноябр куни ўтказилган сўроқ вақтида Комилжон Пирцхалавадан: “Айбсиз одамларни қамаб қўйишга сизларга ким ҳуқуқ берди, деб сўраганида, у безбетлик билан: “Бизнинг шундай ҳуқуқимиз бор”, деб жавоб беради.

1987 йил 2 декабрда К.Ражабовни тергов изоляторига олиб боришади ва уни ҳеч қандай ҳибсга олиш рухсатномасисиз кун бўйи ўша ерга қамаб қўйишади. Комилжон ўшанда Пирцхалавага ўзини 4-қаватдан ташламоқчи эканлигини айтади, у эса “ўзингизни босинг, болаларни ўйланг”, деб уни тинчлантирмоқчи бўлади ва яна икки кундан кейин озодликка чиқариб юборишга ваъда беради.

Учинчи декабрдан тўртинчи декабрга ўтар кечаси Пирцхалава изоляторга Комилжоннинг акаси З.Ражабовни олиб келди. Зарифбой қаттиқ калтакланганлигидан юзлари шишиб кетган, қорни оғриётганлигидан нолир, сўроқ вақтида уни Пирцхалава аёвсиз урганлигини айтиб йиғлар эди. 4 декабр куни эрталаб Зарифбойни терговчилар олиб кетади, К.Ражабовни эса уйига қўйиб юборишади. Гдлян гуруҳи томонидан қонунга хилоф равишда ташкил қилинган тергов изоляторида Комилжон Ражабов ўтказган машаққатли 9 кун шундай тугайди. Унга бу азобли кунлар туғрисида ҳеч қандай ҳужжат берилмайди, ундан ҳатто кечирим ҳам сўрашмаган. Ваҳоланки, унинг мурғак болаларини ҳеч қандай қаровчисиз қолдиришган, қариндош-уруғлари, яқин кишилари ва хизматдош ўртоқлари олдида унинг обрўсини тўкиб шарманда қилишган. Лекин охир-оқибатда на Гдлян, на Пирцхалава Комилжонга ҳеч қандай айб қўя олмаган. Негаки, уни айблаш учун арзигулик сабабнинг ўзи бўлмаган. Бу ҳам навбатдаги сохтакорлик ўйини эди, холос.

К.Ражабов ҳибсга олинганидан кейин орадан тўрт кун ўтгач унинг қўл остида ишлайдиган ходимлар К.Ражабовни ҳимоя қилиб ССРИ Бош прокурорига шикоят ёзган бўлган. Бироқ мазкур шикоят ҳам бошқа ўнлаб аризалар сингари Каракозов иш қоғозлари девонхонасида кўздан ғойиб бўлиб кетган.

Гдлянчилар ишини ўрганиш давомида Пирцҳалава фаолияти юзасидан В.Сабуров иш олиб борди. Бу киши тажрибали терговчи, жуда яхши тайёргарлик кўрган юрист эди. У прокуратурада 20 йилдан зиёд хизмат қилган ва тўрт йил мобайнида Пенза вилоят судининг аъзоси бўлган. Мен уни ўз касбининг моҳир устаси, шунингдек, тартиб-интизомли ва ўта холис киши сифатида билардим.

В.Сабуров терговни ғоят юқори савияда олиб борди. У мазкур ишдан исбот қилиш мумкин бўлган энг асосий маълумотларни танлаб олди. У тажрибали судья бўлганлигидан К.Пирцҳалаванинг айбдор эканлигини бўйнига қўйиш учун судда зарур бўладиган ҳамма жиҳатларни тўғри ҳисоблаб чиқди. Зеро В.Сабуров ўзининг оғир вазминлиги ва саранжомлиги билан ҳамиша бошқа терговчилардан ажралиб турарди. Шу боис унга иш ўргатишнинг, уни ортиқча шоширишнинг ҳожати йўқ эди Пирцҳалава ишини кўриб чиқиш давомида В.Сабуров К.Ражабовни қонунсиз равишда озодликдан маҳрум қилинганлигидан ташқари яна бошқа бир қанча жиноят фактларини ҳам аниқлади. 1990 йилнинг 14 ноябрида у Пирцҳалавага яқуний айбномани кўрсатди. Айбноманинг мазмуни қуйидагилардан иборат эди:

ССРИ Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар буйича терговчи Т.Х.Гдлян раҳбарлик қилган ССРИ прокуратурасининг тергов гуруҳи терговчиси сифатида мансабдор шахс ҳисобланган К.А.Пирцҳалава Ўзбекистондаги порахўрликлар тўғрисида кўзгатишган жиноят иши бўйича тергов олиб бориш вақтида қонун унга берган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидан чиқиб кетган. Давлат манфаатларига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига

катта зарар етказган хатти-ҳаракатларга йўл қўйган ғаразли ва бошқа ўта амалпарастлик мақсадларини рўёбга чиқариш учун ўз хизмат бурчларига мос келмайдиган, унга ҳилоф бўлган ишларни онгли равишда амалга оширган, ўзига берилган ҳуқуқлардан ва хизмат ваколатларидан нотўғри фойдаланган.

К.Пирцҳалава гувоҳ К.Ражабовнинг айбини исботловчи ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмай туриб, уни ҳибсга олиш тўғрисида прокурор санкцияси – рухсатномасига эга бўлмай туриб ва уни ушлаб келиш тўғрисида ҳеч қандай протоколсиз ҳибсга олиш учун Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 405-моддасида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлмаган бир вақтда 1987 йил 26 ноябрда Гдляннинг кўрсатмаси бўйича уни Хоразм вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармаси тергов изолятори ходимлари яшайдиган уйдаги бўш квартиралардан бирига зўрлаб қамаб қўяди ва бу ерда уни 1987 йилнинг 4 декабрига қадар тергов изолятори ходимлари, 7456-ҳарбий қисмининг махсус соқчилик хизматидаги ҳарбий хизматчилар соқчилиги остида сақлайди. Хонанинг эшиги кечаси ҳам, кундузи ҳам қулфлаб қўйилади. Бинобарин, Ражабов 9 кун мобайнида озодликдан маҳрум бўлади. Юқоридаги ҳаракатларнинг ҳаммасини К.Пирцҳалава К.Ражабовни маълумот беришга мажбур қилиш мақсадида амалга оширган.

Маҳбус ўзини уйда қаровсиз қолган болалари ҳузурига қўйиб юборишни илтимос қилганда К.Пирцҳалава К.Ражабовнинг айбсиз эканини ва фақат гувоҳ сифатида чақирилаётганини кўра-била туриб унга рад жавобини берган.

1987 йил 3 декабрда тахминан соат 9 ларда гувоҳ сифатида ҚҚАССРнинг Беруний шаҳридан Хоразм вилоят прокуратурасига К.Пирцҳалава томонидан олиб келинган Зарифбой Ражабов сўроққа чақирилган. У тушлик овқатга чиқарилмасдан, танаффуссиз сўроқ қилинади. “Жиноий йўллар билан топилган бойликларни беркитган” деган гумон билан Пирцҳалава уни соат тунги 23 дан 10 минут ўт-

гунга қадар сўроқ қилади. Бунда К.Пирцҳалава З.Ражабовга нисбатан жисмоний куч ишлатади. Оёқлари билан унинг гавдасига бир неча марта тепиб, юзларига мушти билан уради, оқибатда унга тан жароҳати етказди.

Сўроқдан кейин ўз ҳуқуқи ва хизмат ваколатини суиистеъмол қилган К.Пирцҳалава Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 405-моддасини қўпол равишда бузиб, 1987 йил 4 декабрда кечаси тахминан соат 1.00 ларда ушлаб келиш тўғрисида протокол тузилмасдан ва ҳибсга олиш тўғрисидаги санкциясиз З.Ражабовни тергов изолятори ходимлари уйининг К.Ражабов қамаб қўйилган хонасига олиб келади.

1987 йил 4 декабрда К.Пирцҳалава маълумот беришга мажбур қилиш мақсадида ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда қонун талабларини қўпол равишда бузиб гувоҳ И.Б.Қодировни ушлаб келиб, уч кун мобайнида қонунсиз равишда Урганч шаҳридаги тергов изоляторида ҳибсда сақлайди.

1987 йил 5 декабрда худди шу терговчи маълумот олишга мажбур қилиш мақсадида гувоҳ З.Ортиқовни уч кунгача тергов изоляторида қамоқда сақлайди.

Пирцҳалава 1987 йил 4 декабрдан 7 декабргача Қодиров ва Ортиқовлардан керакли маълумотларни олиш учун ушлаб келишда жисмоний куч ишлатади ҳамда уларни узоқ вақт мобайнида ҳибсда сақлаб туриш билан қўрқитмоқчи бўлади.

Пирцҳалавани айбдор сифатида жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор расмий процессуал, яъни адлия тили билан тузилган, лекин бундай чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, протоколнинг ҳар сатри ортида ҳеч қандай айби бўлмаса-да, К.Пирцҳалава ва Т.Гдлян томонидан қийноққа солинган кишиларнинг азоб-уқубатлари ётади. Агар Пирцҳалавага қўйиладиган айблар асосида ҳукм чиқариладиган бўлса, у 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши керак эди. Мажбур қилиш фактининг ўзиёқ айбдорнинг жазоланишини тақозо этарди. Сабуровнинг кўрсатишича, К.Пирцҳалава чиндан ҳам сўроққа чақирилаётганлиги учун изтироб чекар, унинг ишини кўриб чиқаётган

ҳамкасбига ҳар хил хушомадлар қилмоқчи бўлар, суҳбат чоғида унга бир қадар ён босишларига ва ҳатто уни кечириб юборишларига умид боғлар эди.

Пирцҳалава терговчи бўлганлиги учун ўзига қарши етарли далиллар тўпланганлигини яхши билар эди. Шунинг учун ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми, деб берилган саволга: “Менга қўйилган айблардан фақат бир қисминигина бўйнимга оламан”, деб жавоб берган. К.Пирцҳалава гувоҳларни бир неча сутка мобайнида бўш квартирага қамаб қўйганлигини рад эта олмасди. Бундан ташқари, бизнинг қўлимизда Қодиров, Ортиқов, Ражабовларнинг қонунсиз қамалганидан ташқари яна бир қанча гувоҳлар берган талай далиллар ҳам бор эди. Бу фактни инкор этиш сира мумкин эмасди. Негаки, мазкур хонага қамаб қўйилган Ражабовлар ҳам, бу ишни текширган Сабуров ҳам, изоляторнинг бутун шахсий таркиби ҳам бу ҳақда гувоҳлик берди.

Пирцҳалаванинг ўзи бу ҳақда шундай кўрсатма берганди: “Ўшанда сўроқ протоколи тузганманми ёки йўқми ҳозир эсимда йўқ. Гдлян менинг ахборотимни эшитиб бўлганидан кейин Ражабовни бирор жойга қамаб қўйгин-да, ҳеч қаёққа қўйиб юбормай, у билан иш олиб бор. Унга соқчи қўйгин. Натижа чиқмагунича сўроқни давом эттираверинглар, деб тайинлади”.

Аслини олганда К.Пирцҳалаванинг ўзи ҳам қонунни қўпол равишда бузаётганлигини, зулм ўтказаётганини яхши билар эди. Лекин унинг таъкидлашича, бу ишларни у ўзининг хоҳиши билан амалга оширмаган эди. У бу ҳолни шундай изоҳлайди: “Барча терговчилар, ҳатто мендан каттароқ кишилар ҳам Гдляннинг барча буйруқларини сўзсиз бажаришарди. Ҳамма қандай бўлмасин обрў орттиришга интиларди. Мен ҳам ёши ўзимдан анча катта бўлган кишилар каби ном чиқаришни, шуҳрат қозонишни истардим. Ўша кезларда қонунга хилоф ишларни қилиш оддий ҳолга айланиб қолган эди. Ҳамма ўзини кўрсатиб қўйишга интиларди. Мен ҳам-касбларим ичида нисбатан ёшроғи эдим. Табиийки мен ҳам улардан ортда қолишни истамасдим. Ва шунга интилдим”.

1987 йилга келиб Т.Гдлян ва унинг атрофидаги кишилар ҳақиқат нима, адолат, холислик нима эканлигини тамоман унутиб қўйдилар. Улар адолатни ҳам, ҳақиқатни ҳам ўзларининг шахсий манфаатларига, кейин эса ўз гуруҳлари манфаатларига, худбинлик йўлидаги манфаатларига қурбон қилдилар. Ҳар қандай қонунсизликнинг дастлабки куртаклари, энг аввало, Гдлян билан Ивановнинг хонасида барг ёзарди. Барча зулму ситамларнинг ижрочилари ҳам уларнинг ўзлари эдилар.

Шунинг учун Пирцҳалаванинг "...гуруҳ раҳбарлари жавобгарликка тортилмадилару, бизлар жавобгар бўлиб қолдикми? Улар бизни ўзлари бошлаган ишнинг "қурбони"га айлантирдилар. Гдлян билан Иванов ҳатто терговга келиб иштирок этишни ва қандай қилиб бўлса ҳам, бизларга ён босишни, ҳамма ишлар аслида қандай бўлганини айтиб бериб, гуноҳнинг бир қисмини ўзларига олишни ҳам истамаётганликлари" тўғрисидаги таажжублари тушунарли эди.

Пирцҳалава устидан қўзғатилган жиноят ишида унинг сўроқ вақтида З.Ражабовни калтаклаганлигини исбот қилиш ҳаммадан кўра мураккаброқ бўлди. Лекин В.Сабуров ўзининг бутун маҳоратини ишга солиб, бу ишнинг ҳам уйдасидан чиқди. Пирцҳалава ҳаммадан ҳам кўра мана шу гувоҳни ургани учун қўрқар эди, чунки бу унга билдирилган айбноманинг жиноят эпизодлари ичида энг оғири эди.

Унинг кетидан Юрченкони сўроқ қилиш бошланди. У дастлабки саволларга жавоб бериш вақтида ҳеч нимани яширмаслигини, фақат ҳақиқий маълумот беришини истар-истамас тарзда бўлса-да, айтиб ўтди. Чунки у зўрлик қилиш ва камситиш билан боғлиқ бўлган гдлянча тергов усулини ҳеч қачон маъқулламаган эди. У Хоразм вилояти прокуратурасининг иккинчи қаватида 1987 йил 3 декабрда ўзи ва Пирцҳалава З.Ражабовни сўроқ қилганликларини тасдиқлади. Пирцҳалава саволлар бериб турган, Юрченко сўроқ протоколини машинкада ёзиб турган. Сўроқ давомида Пирцҳалава асабийлашиб кетган, жабрланувчининг орқа

томонидан келиб, уни энсасидан итариб юборган, лекин Ражабов саволларга яна салбий жавоб қайтарган. Ўшанда Пирцхалава унинг гавдасига қаттиқ мушт урган. Юрченко Пирцхалавага ўша вақтнинг ўзидаёқ бундай сўроқ қилиш мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган усул эканлигини айтган. Сўнгра бу сўроқда бошқа иштирок эта олмаслигини айтиб, хонадан чиқиб кетган. Шундан кейин нима бўлганлигини у билмайди. Шунингдек, Юрченко ўша воқеадан кейин орадан сал ўтмай Гдлян гуруҳидан четлатилганлигини ҳам сўзлаб берди. Афтидан, бу тасодифий эмасди. Зеро, у бўлаётган барча қонунга хилоф ишларга мутлақо қарши эди.

Юрченко берган маълумотлар биз тўплаган бошқа далилларга қўшилди ва бизга К.Пирцхалава устидан айбнома ёзиш, кейин эса ишни судга жўнатиш имконини берди. Лекин бу ишлар тезгина битиб қолгани йўқ. Иккинчи сўроқдан сўнг Пирцхалава Грузияга кетиб қолди ва чақирганимизда келмади. В.Сабуров Грузияга юборилди, лекин у Пирцхалавани қидириб топа олмади. Гаграга борса Пирцхалава Тбилисига кетган, деб айтишган. Тбилисига келиб сўраса унинг Гаграда эканлигини маълум қилишган. Аслида тергов ишлари тамомланган эди. Лекин айбдорнинг ўзи йўқлиги учун биз ишни судга юбора олмай турган эдик. В. Сабуров Москвага қайтиб келганидан кейин бу ишни анчагача муҳокама қилдик. Шу жумладан, ССРИ Бош прокурорининг собиқ биринчи ўринбосари А.Василев хузурида ҳам атрофлича маслахатлашдик. Шундан кейин Пирцхалавани қидириб топиш ва уни қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд эди. Бош прокурорнинг икки ёрдамчиси биз тақдим этган маълумотлардан камчилик топиш, терговдан нуқсон ёки ноҳолислик қидириб, ҳужжатларни роса пухта ўрганиб чиқдилар. Лекин бундай камчиликларни топа олмадилар ҳамда Пирцхалавани қамоққа олиш мумкин эканлигини тасдиқладилар. Шундай қилиб, зўравон терговчини қамоққа олиш учун рухсатнома олинди.

ССРИ Ички ишлар вазирлигининг ходимлари уни тезда топишди ва Москвадаги тергов изоляторидан бирига олиб келишди. Биз терговни давом эттирдик, айбдорни ва унинг ҳимоячисини тергов маълумотлари билан таништиришга киришдик. Худди ана шу кунларда кўчаларда митингбозлик авж олиб кетди. Зеленоградликлар прокуратура биноси атрофига тўпланиб, турли шиорлар кўтариб, шовқин-сурон қила бошлади. Улар сафига грузинлар ҳам келиб қўшилди. Уларнинг баъзилари пойтахт бозорларига савдо иши билан келган кишилар бўлса, бошқалари Пирцхалаванинг қариндош-уруғлари эди. Улар кўпчиликни ташкил этмас, шу ваздан ўтган-кетганлар ҳам уларга у қадар эътибор қилмас эди. Бироқ шундай бўлса-да, бу каби норозилик билдириш, митингбозлик беш кундан кўпроқ давом этди. Қўлида микрофон ва овоз кучайтирувчи аппаратлар кўтариб олган жарчилар орасида бир-икки марта Гдляннинг ҳам, собиқ терговчи Вафиннинг ҳам қораси кўриниб турди.

Аммо прокуратура биносини камал қилиш шу билангина тугагани йўқ. Улар ўзларининг “содиқ хизматкори” – демократик матбуотни ишга солдилар. “Собеседник”да Пирцхалава қамоққа олинганлиги тўғрисида мақола пайдо бўлди ва унда Иттифоқ прокуратураси қаттиқ қораланди. “Российская газета” ҳам бу ишдан четда қолмади, у терговчи қамоққа олинишининг сабаблари тўғрисида икки-учта саволга жавоб беришни В.Илюхиндан илтимос қилди. Дастлаб у рад жавобини берди, сўнгра кичик бир суҳбат ўтказишга рози бўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Илюхин билан қилинган суҳбат босилган газетани унинг ўзига кўрсатишди. Бу суҳбат бор-йўғи 2-3 кичик устунчадан иборат эди. Лекин мана шу кичкина мақолага Н.Иванов ва газета таҳририяти томонидан каттагина шарҳ берилганлиги ҳайратланарли эди. Мазкур шарҳда албатта В.Илюхинни сийқаси чиқиб кетган гдлянча усулларни эслатувчи оҳангда ҳеч қандай исбот-далилсиз қоралашга, бўйнига бўлар-бўлмас айбларни қўйишга ҳаракат қилинган эди.

Бу назаримда, газета ва унинг мухбири Андрей Жданкин томонидан уюштирилган шармандали, фирром ўйин эди. Майли, ўтган ишга саловат, бу бесубутликлар уларнинг виждонига ҳавола. В.Илюхин шундай деб, баҳсга киришишни, раддия ёзишни ва ўзининг ҳақ эканлигини исботлаб ўтиришни эп кўрмади. Бунга ҳаракат қилганда ҳам, “эркин” матбуот ўз саҳифаларида кечирим сўрашига ишонмади.

Бироқ Пирцхалавани “ҳимоя қилиш” кампанияси шу билан тугагани йўқ. Идорага Грузиядан Пирцхалавани қамокдан чиқаришни талаб килувчи телеграммалар ёғилиб кетди. Уларнинг ҳаммаси ССРИ Бош прокурори вазифасини ижро этувчи А.Д.Василев номига келган эди. Куйида ана шундай телеграммалардан бирини келтирамиз:

“Гагра жамоатчилиги фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлаб 12 ноябрда ўтказилган митингга Гагра шаҳрининг прокурори Константин Алексеевич Пирцхалава қонунсиз равишда қамокқа олинганига қарши ўз норозилигини билдиради.

Митинг қатнашчилари ушбу ҳаракатларда граждани ҳуқуқларининг қўпол равишда бўзилганлигини, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва маҳаллий маъмуриятни назар-писанд қилмасликни, Бутуниттифоқ прокуратурасининг ўзбошимчалик билан ўтказган зулмини кўради. Митинг иштирокчилари бундай бошбошдоқликни тўхтатишни ва 19 ноябрга қадар Константин Алексеевич Пирцхалавани озод қилишни талаб этади. Агар бизга рад жавоби берилгудек бўлса, биз бу ишга иттифоқдош республикалардаги турли партияларнинг вакиллари билан жалб қилган ҳолда яна ҳам кескин ҳаракатлар қилишга мажбур бўламиз”.

Телеграмма Иля Праведнийнинг Гагра минтақавий жамияти ҳамда Руставели жамияти номидан жўнатилган.

Грузия прокуроридан ҳам норозилик мактуби олинди. Унда прокуратурада ходимларнинг мажлиси бўлганлиги ва бу мажлисда қуйидаги қарор қабул қилингани айтилган эди:

“1. ССРИ Бош прокурори олдида ССРИ Бош прокурори

ўринбосари И.П. Абрамовни ва бошқарма бошлиғи В.И.Илюхинни Грузия ССР прокуратураси жамоаси билан учрашиш учун хизмат сафарига юбориш масаласи қўйилсин.

2. К.А.Пирцхалава зудлик билан қамоқдан озод қилинсин, унга нисбатан қилинаётган жиноий таъкиблар тўхтатилсин.

3. ССРИ Бош прокуратураси коллегиясидан Грузия прокуратурасининг ушбу талабларини муҳокама этиш сўралсин. Бунда келтирилган талабларнинг рад этилиши республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни жиддийлаштирибгина қолмасдан, балки Грузия ССР прокуратураси жамоаси йиғилишида таъкидланганидек, бу ҳол республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан ССРИ прокуратураси раҳбарлигига қарши бир қатор норозилик ҳаракатларининг бошланишига сабаб бўлиши ҳам назарда тутилсин”.

Хўш, бу борада нималар дейиш мумкин? Телеграммалар, мурожаатлар ғоят зўр ҳаяжон билан битилган, уларда ғазаб ва нафрат алангаси гуриллаб турибди. Бунга сабаб, ўша телеграммаларни юборган кишилар фикрича, гўё Пирцхалаванинг гражданлик ҳуқуқлари бузилганлиги эмиш, яна бунинг оғир оқибатларга ҳатто, миллий низоларга сабаб бўлиши мумкинлиги хусусида огоҳлантиришлар ҳам йўқ эмас. Хўш, ўша митингга чиқиб, Пирцхалавага қўйилган айбларга норозилик билдирган кишилар Пирцхалаванинг кимлигини ва у нима ишлар қилганинани билишармикин? Ишончим комилки, билишмайди. Уларга жиноят ишининг маълумотлари тўғрисида ҳеч ким ахборот бермаган. Уларни айблов ҳужжатлари билан ҳеч ким таништирмаган. Иля Праведний ва Руставели жамиятлари аъзолари фақат одамлар тинчини бузиш, улар олдида ўзларини яхши кўрсатиб, бақириб-чақириб билан шуғулланган. Зеро, уларга ишнинг моҳияти эмас, балки шов-шув кўтариш учун баҳона муҳим эди.

Мени ҳайрон қолдирган нарса Грузия прокуратурасидаги ҳурматли ҳамкасбларимнинг тутган йўллари бўлди. Қандай қилиб улар миллатчилик ботқоғига ботиб колдилар? Нима учун улар ўзбек халқи вакиллариининг гражданлик ҳуқуқла-

рини назар-писанд қилмаган Пирцҳалавани ёнини олади-лару, қонунсиз равишда озодликдан маҳрум қилинган ўзбеклар олдида ҳаммалари гинг демайдилар. Ўзбекларнинг ҳуқуқлари бирданига қадрини йўқотиб, грузинларнинг ҳуқуқларидан пастроқ бўлиб қолдими?! Қани бу ерда адолат, холислик?!

Пирцҳалава ишига ССРИ халқ депутатлигига сайланган З.Шенгелия, В.Адвадзе, В.Салуквадзелар ҳам қўшилишди. Улар ССРИ Олий советининг ўша пайтдаги раиси А.И.Лукиянова ҳамда ССРИ Бош прокурори вазифасини бажарувчи А.Д.Василевга мурожаат қилиб, Пирцҳалавани қамокдан озод қилишни ва унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тўхтатишни сўради.

Биз бу хусусда бир неча марта А.Д.Василевга ахборот берганмиз. Бу ишни Бош прокурорнинг ёрдамчилари ҳам ўрганиб, Пирцҳалаванинг жиноий жавобгарликка тортилганлиги қонуний, унинг қамалганлиги ҳам тўғри иш бўлган, деган хулосага келганлар.

Иш бўйича айблов хулосаси ёзилгач, депутатлар тергов изоляторида сақланаётган Пирцҳалава билан учрашишга рухсат сўрадилар. 1990 йил 13 ноябрда Салуквадзега рухсат берилди. Шундан кейин депутатлар ўз тактикаларини ўзгартирди, яъни шахсан жавобгарликни ўз зиммаларига олиб маҳбусни кафилга чиқаришни илтимос қила бошлади. 20 ноябрда В.Илюхин Василевнинг хонасида бўлди. Василев Илюхиндан бундай ишни амалга ошириш имконияти тўғрисида сўради. Илюхин қатъиян рад жавобини берди. Агар кафилга чиқарадиган бўлсак, Пирцҳалава судга келмайди ва бу иш ҳеч қачон судда кўрилмайди, деган. Худди шундай ҳам бўлди.

А.Д.Василев эҳтиёт чорасини ўзгартириб, маҳбусни қамокдан чиқариб юбориш тўғрисида кўрсатма берди. Кейинчалик у ўзининг бу ҳаракатини унга ССРИ Олий совети томонидан, тушунишимча, А.И.Лукианов томонидан тазйиқ ўтказилганлиги билан оқламоқчи бўлди. Алексей Дмит-

риевичга бўлган жуда катта ҳурматига қарамасдан, унинг бу қарорига Илюхин норозилик билдирди. У ўзини тергов гуруҳининг раҳбари вазифасидан озод қилишларини сўраб рапорт ёзди. Орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин асаблар жойига тушди. Василев Илюхинни бошлаб қўйган ишни охирига етказиш зарур эканлигига ишонтирди.

Рост, Алексей Димитриевич ғоят мураккаб бир шароитда ишлар эди. Катталарнинг гапига кирмаслик қандай оқибатларга олиб келишини яхши англади. Лекин барибир у аччиқ тақдирдан қочиб қутула олмади. Шу воқеалардан кейин орадан бир йил ҳам ўтмасдан уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишди. Фақат уни эмас, бутун прокуратура коллегиясини август исёнини қувватлаганликда айблаб ишдан бўшатдилар. Бу бор-йўғи баҳона эди, холос. Раҳбарлар ўзларига ёкмаган кишиларни оммавий равишда қувғун қилишга киришган эди. Оқибатда эса Булгаков асарларида тасвирланган янги “Шариковлар” майдонга чиқиб келди. Улар тантана қилди, ўз бурчига содиқ, виждонли ҳамда ўз ишининг мохир устаси бўлган кишилар “Шариковлар” билан алмаштирилди. Разведка ва давлат хавфсизлиги ишларига, ички ишлар вазирлигига, прокуратура ишларига ҳеч тап тортмасдан дилетантларни, митингларда нотиклик қилиб юрган лўттибозларни ола бошладилар.

Улар ўзларининг ибтидоий ва сийқа қарашлари билан разведка ишларида ҳам ошкораликни талаб қилиб чиқа бошлади, қонунчилик ўрнига қатъий маъмуриятчиликни жорий эта бошлади.

Мен булар ҳақида батафсил фикр-мулоҳаза билдираётганимга сабаб шуки, бу гапларнинг ҳаммаси Пирцхалава атрофидаги шов-шувлар билан бевосита боғлиқ ҳолда содир бўлди.

ССРИ халқ депутатлари Адвадзе, Церетели ва Салуквадзелар шахсан кафил бўлганлиги учун 1990 йил 1 ноябрда Пирцхалава қамокдан озод қилинди. Улар биринчи чақирилишидаёқ Пирцхалаванинг судга етиб келишини таъминлаймиз, деб мажбурият олган эди.

Жиноят иши 26 ноябрда ССРИ Олий судига юборилди. Суд раиси Е.А.Смоленцев номига ёзилган хатда биз қуйидагиларни маълум қилган эдик: “Қонунга биноан бу иш Ўзбекистон ССР суди томонидан кўрилиши керак. Лекин агар имконият бўлса, тўла ҳолисликни таъминлаш мақсадида ушбу ишни бошқа республиканинг судига юборишни сўраймиз. Бунда яна шу нарсанинг ҳам ҳисобга олинишини сўраймизки, барча жабрланувчилар ва гувоҳларнинг аксарияти Ўзбекистонда яшайдилар. Уларнинг баъзилари эса анча кексайиб қолган кишилар”.

Албатта, ўзбек судяларининг ҳолислигига шубҳа қилиш учун ҳеч қандай асосимиз йўқ эди. Бизнинг кутган мақсадимиз битта – кейинчалик ҳар қандай суд ҳукмининг атрофида бўладиган нотўғри талқин қилишларнинг олдини олишдан иборат эди, шу боис иш қаерда кўриб чиқилиши бизни унча ташвишга солмади. Биз далил ва исботлар етарли эканлигига ишонардик. Фақат Россия судларида иш қараб чиқиладиган бўлса, унинг ҳолис ва адолатли ҳал бўлишига бироз шубҳамиз бор эди.

Биз Россия Олий советининг бошида Гдляннинг эски сафдошлари ва ҳамфикрлари турганлигини яхши тушунар эдик. Минг афсуски, биз бошлаган ишларнинг пировард натижаси ана шуларга боғлиқ эди.

Е.А.Смоленцев ишни Қозоғистон Олий судига жўнатиш тўғрисида фармон берди. Қозоғистон Олий суди эса ўз навбатида ишни Чимкент вилояти судига юборди.

Орада бир-икки ой ўтса-да, суд мажлиси тайин бўлмади. Пирцхалава эса Кавказ тоғлари ортига яшириниб, ишни кўриш юзасидан чақирилган суд мажлисига келмасдан юрарди.

Биз Чимкент вилояти суди билан боғландик. Суд раисининг ўринбосари Н.Власова бир неча марта чақирик қоғози жўнатилган бўлишига қарамай, Пирцхалава келмаётганлиги сабабли суд мажлисини бир кунга тайин қила олмаётганлигини айтди. У боши берк кўчага кириб қолганлигини, ишни қайта тергов қилиш учун қайтариб юбориш мақсади-

да кичкина бўлса ҳам бирор-бир баҳона қидириб топа олмаганлигини очикдан очик тан олди. Бу ишда ёрдам беришни ўзимиздан илтимос қилди. Биз шундан кейин ўртада кафил турган ССРИ халқ депутатларига мурожаат қилдик. Улар бизнинг гапимизни эшитишни ҳам истамади. Пирцхалава қаерда эканлигини уларнинг ўзлари ҳам билмасликларини айтишди. Хўш, унда бундай кафиллик кимга керак?

Пирцхалава номидан чоп этилган “Собеседник” ҳафта-номасининг 1990 йил 49-сонида босилиб чиққан мақолага “Ўзимнинг оқланишимга эришмоқчиман”, деб сарлавҳа қўйилган. Мақолани Пирцхалава куйидаги сўзлар билан тугатган: “Мен бу ишнинг судда кўрилишини истайман, чунки мени фақат суд айбсиз деб топиши мумкин!” Бу сўзлар жуда салмоқли эди, зеро улар юрист томонидан ва бутун халқ олдида айтилган сўзлар эди-да. Пирцхалава тергов изолятори эшигидан остона ҳатлаб чиққан заҳотиёқ оқланиши учун “жанг” бошлаб юборган эди. Лекин у қандай усуллар билан курашарди? Мана, шулардан бири: У Чимкент вилояти судига телеграмма жўнатиб, ўзининг даволаниш учун стационарда ётганлигини ва у ерга фақат 1991 йил феврал ойининг охирларида етиб бориши мумкинлигини билдиради. Пирцхалава яна ёлғон гапириб, ҳаммани алдаётган эди. У ҳеч қандай касал эмас эди. У вақтни бироз чўзиши керак эди холос, чунки у Грузия халқ депутатлари сайлови-га ўз номзодини қўйган эди. Бундан кутилган мақсад битта, яъни депутатлик мандатини қўлга киритиш ҳамда унинг қудратли ваколоти билан судга бормаслик, қолаверса, республика Олий советидан мадад олиш эди.

Пирцхалава бунинг уддасидан ҳам чиқди. 1991 йил февралида Пирцхалава Грузия халқ депутати этиб сайланди.

Худди шундай вазият бундан олдинроқ порахўрлиги учун қамоққа олинган “Крунк” қўмитасининг бошлиқларидан бири Манучаров билан ҳам содир бўлган эди. Терговчи Карташянга айбнома тақдим этилган заҳоти у Арманистон депутатлигига сайланди, қонунчиликни бузган яна бир қанча кишилар ҳам ҳеч қийналмасдан халқ депутати бўлиб олди.

Даъвогаринг қози бўлса, дардингни кимга айтасан, деганлари чиндан ҳам бор гап экан.

Пирцхалава барибир Чимкентдаги судга келмади. Жуда кўп ёзишмалардан кейин бу иш яна ССРИ Олий судига қайтарилди. Суд уни ишлаб чиқаришга қабул қилди ва суд бўладиган кунни белгилади. Судда ғоят қалтис бир савол пайдо бўлди: Пирцхалава депутат қилиб сайланганидан кейин уни суд қилиш мумкинмикан, у сайланган советдан Пирцхалавани суд жавобгарлигига тортиш учун розилик олиш керакмасмикан? Бу оддий масала эмасди. Жуда кўп баҳс-мунозаралардан кейин уни суд қилиш мумкин деган фикрга келинди.

Бунда Пирцхалавага айб қўйилган ва ишни судга юборилган вақтда у ҳали депутат эмас эди, деган мулоҳазадан келиб чиқиб шундай қарорга келинди. Яъни, уни жиноий жавобгарликка тортилиш босқичлари анча олдинроқ бўлиб ўтган эди.

Пирцхалава ССРИ Олий судига ҳам келмади. Уни мажбурий равишда олиб келиш тўғрисидаги Грузия Ички ишлар вазирликларига берилган топшириқлар ҳам бажарилмай қолди. Адолатли суд йўлига яна тўсиқ қўйилди, уни яна бошқа бир ҳокимият билан алмаштирдилар. Бу тўсиқни фаол равишда Грузия Олий совети президиуми бунёд этиб борарди. Масалан, унинг 1991 йил 12 апрелдаги қарорида шундай сўзлар битилган эди: “Грузия Республикаси Олий советининг аъзоси К.А.Пирцхалава ўз депутатлик вазифаларини бажаришни давом эттирсин ва ССРИ Олий судидаги ишини кўриб чиқадиغان суд мажлисида иштирок этмасин...”

Грузия Республикаси Олий советининг раиси З.Гамсахурдиа имзо чеккан қарор Пирцхалава ишига гарчи адолатли бўлмаса ҳам, энг сўнгги нуқта қўйди.

1992 йилнинг феврилида Пирцхалава устидан бир кишининг жонига қасд қилмоқчи бўлганлиги учун жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида хабар келди. Грузия прокурори Пирцхалавага нисбатан биз қўзғатган ва кейинчалик тўх-

татиб қўйилган жиноят иши маълумотларини юборишни сўраб Россия прокурорига мурожаат қилган. Эътибор берсангиз, бу ерда ҳам муайян бир қонуният мавжудлигини кўрасиз. Жуда кўп терговчилар учун Гдлян мактаби изсиз кетмаган. Пирцҳалава билан ҳам шундай бўлди.

КОДЕКСДАГИ НОМАЪЛУМ МОДДА

Ҳар доим Гдлян билан Ивановнинг уятсизлигига, содир бўлган воқеа-ҳодисаларни бузиб кўрсатишига ҳайрон қолардим. Юмшоқроқ қилиб айтганда, улар ғирт ёлғон ахборотларни худди рост гапдай етказа олиш қобилиятига эга эди.

Уларнинг бу ҳаракатлари Геббелс одамларни қандай қилиб лақиллатганини беихтиёр ёдга солади. Геббелс махсус ёлғон ва бўхтонлар, уйдирмаларни тўкиб чиқариш қоидаларини ишлаб чиққан бўлиб, қисқача мазмуни шундай: тарқатиладиган ахборот ҳақиқатдан қанчалик йироқ бўлса, у шунчалик яхшироқ хазм бўлади, унга одамлар кўпроқ ишонади.

Гдлян билан Ивановнинг кўпгина нутқлари ҳам худди ана шундай ёлғонлардан иборат бўлар эди. Бундан ташқари, улар митинг ёки йиғилишга келган ўз мухлислари, ҳозир улар айтадиган фикрдан бошқа гапни тан олмайдиган бир тўда оломон нималар кутаётганини жуда яхши тушунар эди.

Умуман, бу икки терговчи ўз номлари газета ва журналлар саҳифасида пайдо бўлган пайтдан то сўнгги кунларгача профессионал юристлар билан тўғридан тўғри, ҳалол мулоқотга киришишдан қочиб юрди. Бунинг ўрнига улар иш маълумотларидан мутлақо беҳабар бўлган кишилар олдида, терговчиларнинг профессионал фаолиятидан, қонун талабларидан йироқда бўлган кишилар олдида сўзга чиқиб, ўзларини кўрсатишди.

Маълумки, ҳақиқий юрист фақат ва фақат далиллар асосида фикр юритади. Улар-чи, мутлақо бошқа йўлдан ўзлари ўйлаб топган “факт”ларни қандай бўлмасин исботлаш йўлидан борди. Оқибатда ўнлаб кишиларнинг ўз жонига ўзи қасд қилиш фактини келтириб чиқарди.

Гуруҳида тергов олиб боришнинг ваҳшиёна усуллариغا чидай олмасдан ўз жонига қасд қилган кишилар ўлимида ҳеч қандай айби йўқлигини айтиб қасам ичар экан, Телман Хоренович яна хафа бўлган киши қиёфасига кириб, “Биз-

ни ўн бир кишининг ўлимида бекорга айбламоқдалар, биз фақат уларнинг тўрттаси билан иш кўрганмиз, холос”, дейди. Бу рақамлар қанчалик ростлиги Гдляннинг виждонига ҳавола, лекин ўша тўрт киши ўлимининг ўзиёқ Гдляннинг қўли қон эканини исбот қилиб турибди-ку!

Тўртинчи, яъни охирги ўз жонига қасд қилган киши, Гдляннинг айтишича, порахўрлиги ҳамда валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган Ғани Мирзабоевнинг укаси Маҳмуд Мирзабоев бўлган. Мана, ўша суҳбат чоғида Гдлян айтган гапларни сўзма-сўз келтирамиз:

“Биз унинг укаси Маҳмуд миллион-миллион сўм пулларни яшириб қўйганлиги тўғрисида расмий маълумот олдик. Шундан кейин укасини чакириб сўроқ қилдик. У пуллар, тиллалар, бриллиантлар қаерга яшириб қўйилганлигини айтиб берди. У акасининг бойликларини яшириб қўйишда иштирок этганлиги учун биз уни қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқардик. Худди ҳозиргидек эсимда, Иванов, Бухоро вилоят ДХК бошқармасининг бошлиғи Муртазоев, терговчи ва мен ўтирган эдик. У ҳам шу ерда эди. Мен унга шундай дедим: “Маҳмуд, биз сизни озодликдан маҳрум қилишимиз керак, лекин сиз жиноий йўллар билан топилган бойликлар қаерга яширилганини айтиб бердингиз. Мен бундай ўйлаб қарасам, сиз бир ишчи одам экансиз. Қўлингизни менга беринг. Қаранг, бу қўлларингиз меҳнаткаш кишининг қадоқ қўллари. Мен сизни тушунаман. Акангизнинг илтимосини рад этиш қийин бўлган. Қонун бўйича мен сизни қамоққа олишим керак ва мана бу қарор ҳозирча унга сиз имзо чекмаганлигингиз сабабли тўла расмийлаштирилган ҳужжат бўлгани йўқ. Мана, сизнинг кўз олдингизда мен уни йиртиб ташлайман... Сизни озодликдан маҳрум қилишга менинг қўлим бормайди.

У йиғлаб юборди. “Мен бу хизматларингизни бир умр эсимдан чиқармайман”, деди ва яна давом этиб, “мен қилган гуноҳим учун турмага тушишим кераклигини яхши би-

ламан, лекин сиз бугун мени озод қилиб, менга иккинчи умр бердингиз, сизнинг бу яхшилигингизни ҳеч қачон эсимдан чиқармай, сиздан доим миннатдор бўлиб юраман. Фақат бир илтимос, ҳозир кеч бўлиб қолди, мен кечаси уйга бориб ухлаб ётган болаларимни безовта қилмай қўя қолай, бу кеча мен акамнинг машинасида ухлай қоламан (акасининг “Волга” машинаси ДХК ҳовлисида турган), эртага эрталаб бирга кетамиз ва мен сизга олтинлар қаерда эканини кўрсатаман”, деди. Хонада ДХК бошлиғининг музлатгичи бўлиб, унда пишлок, сарийёғ, колбаса ва тандир нони бор экан. Мен унга: “Сиз мана шу нарсалардан тановул қилиб олинг, биз меҳмонхонага кетамиз, бугун бу ерда ёш бир капитан навбатчилик қилади, биз унга ҳам сиз ҳақингизда тайинлаб кетамиз”, дедим. Шундан кейин биз хонадан чиқиб кетдик. Шу воқеанинг эртасига, эрталаб саккиз яримда Маҳмуд ўзини деразадан ташлаган”.

Буни қаранг, нақадар жозибали ҳикоя. Гдляннинг ижросида у яна-да содда, яна-да таъсирли жаранглайди. У ҳикояда ўзини ғоят олижаноб қилиб кўрсатишга устаси фаранг. Буни қарангки, у Маҳмудни озодликка чиқармай, унга иккинчи ҳаёт бахш этибди, уни шу даражада қувонтириб юборибдики, натижада у бечора қувончини ҳеч қаёққа сиғдиrolмай, иккинчи қаватдан ўзини ташлабди ва боши билан тушиб ҳалок бўлибди. Отасини соғиниб ётган болаларини уйғотиб қўймаслик учун кечаси уйига кетмаган эмиш. Ким ишонади бу гапга?

Гдлян ёлғон гапираётган эди. Ҳа, кўзини лўқ қилиб ғирт уйдирма гапларни айтаётган эди. Ўша куни Маҳмуд сўроқ қилинган хонада ҳеч қандай тандир нону, пишлок, колбасалар йўқ эди. Ўша куни Гдляннинг қўлида Маҳмуд Мирзабоевни қамоққа олиш тўғрисида рухсатнома ҳам йўқ эди. Ҳеч қандай прокурор бундай санкцияни Гдлянга бермаган эди. Маҳмуд ҳеч қандай бойлик ва пулларни яшириб қўйганлигини тан олган эмас эди. Маҳмудни сўроқ қилиш протоколи эса Иванов томонидан кейинчалик унинг ўлиmidан

сўнг тузилган эди. Шунинг учун ҳам у протоколларга имзо чекилмай қолган эди. Ҳеч қандай “меҳнаткаш одам, ишчи қўллар, қадоқ қўллар” ҳақида гап-сўзлар ҳам бўлмаган. Зеро, Маҳмуд Мирзабоев Бухоро вилояти матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш-реклама комбинатида директор ўринбосари бўлиб ишлар эди.

Ўш, аслида нималар бўлган эди, ўша фожиали тунда воқеалар қай тарзда ривожланган эди? Воқеа худди ўша Гдлян ва унинг шериклари синовдан ўтказган ваҳшиёна механизм тарзида амалга оширилган. 1984 йил июлда Бухоро вилояти Матлубот кооперацияси раиси Ғани Маҳмудов қамоққа олинган.

“Порахўр” қамоққа олинганидан кейин унинг ҳеч қандай айби бўлмаган оила аъзоларини, қариндош-уруғларини, қўни-қўшниларини ва шунчаки унга таниш-билиш бўлган кишиларни ёппасига ушлаб келиш ва ҳибсга олиш бошланган. Акаси қамоққа олиниши билан Маҳмуд Мирзабоевни ҳам ушлаб Гдлян ҳузурига келтиришади.

Маҳмуднинг хотини 39-болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайдиган Моҳира Мирзабоева бу ҳақда ҳикоя қилиб берганди: “1984 йил 6 июл кечаси соат бирларга яқин учта милиция ходими келиб, эримни машинага ўтқазиб олиб кетишди ва шундан кейин уни бошқа кўрмадим. Фақат 7 июл кунигина мени Гдлян ҳузурига олиб келишди ва бу ерда менга эрим ўз жонига қасд қилиб ҳалок бўлганлигини ва ҳозир ўликхонада ётганлигини маълум қилдилар. Бу гапни эшитиб, ўзимдан кетиб қолдим. Ўша куни кечқурун эримнинг мурдасини олиб келдик”.

1984 йил 7 июл куни эрталаб М.Мирзабоевнинг уйида тинтув ўтказилади. Тинтув ҳеч қандай натижа бермайди. Тинтув олдидан, яъни М.Мирзабоев қўлга олиниб ушлаб кетилаётган пайтда унинг уйига милиция ходимини кечаси навбатчиликка қолдиришган, унга уйдан ҳеч ким чиқмасин ва бу ерга ҳеч ким кирмасин, деб тайинлашган.

М.Мирзабоевнинг озодлигини чеклаб қўйиш учун терговчиларда ҳеч қандай асос йўқ эди. Бунини яхши англаган тер-

говчилар биз уни гувоҳ сифатида сўроққа чақирган эдик, деб таъкидлашлари турган гап. Бироқ процессуал кодекс гувоҳларни кечаси чақиртириш ва сўроқ қилишни қатъиян ман этади. Шунинг учун кейинчалик улар Маҳмуд терговчилар ҳузурига олиб келинган вақтни ўзгартириб кўрсатган.

Одамларни ёлғон маълумот беришга мажбур қилганлиги ва тергов маълумотларини сохталаштирганлиги учун биз жиноий жавобгарликка тортган терговчи Бахтиёр Абдурахимов сўроқда ёлғон маълумотлар берганди. У Гдляннинг кўрсатмасига биноан Мирзобоевни гуруҳ раҳбари ҳузурига эрталаб соат 7 дан кейин сўроққа олиб келинганини айтади.

Б.Абдурахимов ёлғон гапираётганлигини фош қилиш учун ҳам анчагина югуриб-елишга тўғри келди. Ўша куни М.Мирзобоевни ҳақиқатан терговчилар ҳузурига олиб келган милиция ходимларини қидириб топдик. Ички ишлар бошқармасининг ҳайдовчиси А.Пўлатов “ўша куни кечаси, яъни 6 июл соат 24 дан ошган вақтда йўлга чиққанмиз”, деб тушунтириш берди. Мирзобоевни олиб келишга у билан бирга яна икки милиционер ҳам борган.

Мана шу маълумотларни кўрсатганимиздан кейин Абдурахимов ўзи айтган сўзларидан қайтди, орадан анча вақт ўтганлигини ва ўзининг хотираси яхши эмаслигини баҳона қилди.

Биз олиб борган тергов маълумотларидан Гдлян ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганлиги ҳеч шубҳасиз тасдиқланди. Айни унинг кўрсатмасига биноан айбсиз шахс ҳисобланган гувоҳни озодликдан маҳрум қилишган, оқибатда бундай зулм ва ҳақоратга чидай олмаган М.Мирзобоев ўз жонига қасд қилди. Шунинг учун ҳам Гдляннинг “терговчилик” фаолияти асосли равишда жиноят деб баҳоланган. Тўрт боланинг отаси бўлган бир кишининг ўлимида шахсан у айбдор эди.

М.Мирзобоев билан бирга хизмат хонасига бошқа шахсларни, жумладан, Робия Раззоқова, Умар Ҳаётов, Эргаш Наврўзовларни ҳам шахсан Гдляннинг буйруғи билан қамаб қўйишган. Бинобарин, бу кишиларни ушлаб келиш прото-

коли улар бир кечани Гдлян тергов гуруҳи жойлашган бинода ўтказганларидан кейин тузилади ва шундан кейин ҳам улар яна уч кеча-уч кундуз ички ишлар бошқармаси изоляторига қамаб қўйилади. Э.Наврўзов билан У.Ҳаётовни фақат маҳбус Ғани Мирзобоевнинг хизмат машинаси ҳайдовчиси бўлганликлари учунгина ушлаб олиб келадилар. Уларни ушлаб келиш учун бошқа ҳеч қандай асос бўлмаган. Орадан кўп вақт ўтмай бу кишилар ҳаракатида жинойт аломатлари йўқ эканлигини гдлянчиларининг ўзлари ҳам тан олган.

Э.Наврўзов ўша кунларни хотирлаб, уни соат 16 ларга яқин тергов гуруҳи жойлашган бинога олиб келганликларини ва бу ерда уни то ярим кечагача хонама-хона олиб юриб сўроқ қилганликларини сўзлаб берди. Ундан Ғани Мирзобоевнинг пуллари, бойликлари қаерда сақланишини айтишни талаб қилишган. Наврўзов бу нарсалар унга маълум эмаслигини айтганида, терговчилар уни роса калтаклаб деразасиз кичкина бир хонага қамаб қўйган. Терговчилар уни қамаб эшикни қулфлаганларидан кейин хонадаги чироқни ҳам ташқаридан ўчириб қўйган. Наврўзов бутун кечани очнаҳор, қоронғи хонада ўтказди. Эртасига уни ички ишлар бошқармасининг камерасига ўтказишади. Лекин у ерда ҳам Наврўзов икки кечаю икки кундуз овқатсиз қолади. Унга бу вақт мобайнида фақат сув бериб туришган, холос.

Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Умар Ҳаётов ҳам сўроқ вақтида терговчилар уни қандай ургани, кечалари овқатсиз очнаҳор қолдирилганлиги ва ҳеч бир қулайликларсиз хонага қамаб қўйилгани тўғрисида сўзлаб берди. Мана шу икки киши гапириб берган воқеалардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, Маҳмуд Мирзобоевнинг ўз жонига қасд қилишидаги асосий сабаб айнан шу тарздаги қийноқ ва таҳқирлар бўлган.

Маҳмуднинг ўлими муносабати билан 1984 йилда ССРИ прокуратурасининг прокурори Г.К.Мазуркевич (у Г.Каракозовнинг қўл остида ишларди) текшириш ўтказди ҳамда терговчиларнинг ҳаракатларида жинойт аломатлари йўқ, деб жиноий иш қўзғатишдан бош тортди.

Хўш, бу хусусда нима дейиш мумкин?

Аввало, текшириш ноҳолис тарзда ўтказилди. Прокуратура учун шармандали бўлган фактни яшириш ва уни хаспўшлаб юбориш учун қўлларида келган ҳамма ишни қилишди. Г.Мазуркевич ўз вазифасини ҳалол бажармади. Масалан, у ҳатто М.Мирзобоев сўроққа қачон ва ким томонидан олиб келинганлигини, у неча кун ҳибсда сақланганлигини текширишни мутлақо истамади, у айна пайтда бошқа шахслар ҳам ушлаб келтирилганлиги тўғрисида, ўшанда мазкур кишиларни озодликдан маҳрум қилиш учун ҳеч қандай асос бўлмаганлиги хусусида лом-мим демади.

Умуман олганда, Гдлян бу ишдан жуда осон қутулди. Унга фақат танбеҳ бериб қўя қолишди. Ҳолбуки, ўша пайтларда ёқ уни судга бериб қора курсига ўтқазиш учун барча асослар бор эди ва бу тамомила адолатли иш бўлар эди. Г.Мазуркевич ҳам ҳеч бир тўсиқларсиз пенсияга чиқдию кетди.

Гдлян содир бўлишида ўзини айбдор деб тан олган тўртта ўз жонига қасд қилиш ҳолларидан ташқари, яна бир киши – Тошкент вилоятидаги Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай) туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, 52 ёшли А.Х.Ҳожимуратов ҳам шундай ҳалок бўлганлигини унутиб қўйди чоғи.

А.Ҳожимуратов 1985 йил 23-24 декабр кунлари Ўзбекистон давлат хавфсизлик комитетида Гдлян гуруҳининг терговчилари А.Карташян ва И.Кунец томонидан узоқ вақт сўроқ қилинади. Орадан кўп вақт ўтмай ўз жонига қасд қилган.

А.Ҳожимуратовнинг порахўрлиги тўғрисидаги айбловлар совун кўпигидек ёрилиб кетди, чунки унга қилинган тўхмат ва бўҳтонларнинг адолатли хулосалар эканлигини исбот қиладиган ҳеч қандай далил йўқ эди. Шу ўринда милиция полковниги Ҳожимуратовнинг ўлиmidан сал олдин Республика Бош прокурорига ҳамда Ўзбекистон компартия Марказқоми котиби номига ёзган хатидан баъзи сатрларни келтириб ўтиш лозим:

“1985 йилнинг 23-24 декабр кунлари мени ССРИ ДХК ва прокуратураси вакили Карташян ДХК биносига таклиф

қилди. Мен келсам, у билан яна бир киши бор экан. Улар икковлашиб, мени, болаларимни, ҳатто марҳум онамни ҳақорат қилдилар. Сен ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Д.Жамоловга пора бергансан, ҳозир шу айбингни бўйнингга олиб икзорлик ёзасан, деб талаб қилдилар. Мени сўроқ давомида бўғиб қийнадилар. Улар биргина мени эмас, бутун бошли халқимизни ҳақорат қилиб сўқишди. Нуқул, “ўзбекларнинг ҳаммаси қўй, босмачи, фашист” деб сўқинишарди.

Алберт Карташян хотинимни ҳам, қизимни ҳам ҳақорат қилди. Бунинг устига, у менинг юзимга тупурди. Мен бу азобларга чидай олмасдан, ёлғон маълумот беришга мажбур бўлдим. Шу азоб-уқубатлар билан қутула олмаслигимни, бу йиртқишлар ҳали яна анча вақт мени таҳқирлашларини кўнглим сезиб турибди...”

Мана шу мактубни ёзиб бўлганидан кейин А.Ҳожимура-тов ҳаёт билан видолашди. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, суд-медицина экспертизаси унинг баданида фақат сиртмоқ изларинигина эмас, айна пайтда у сўроқ берган вақтда терговчиларнинг зўравонлик қилганлигини исботловчи жароҳатларни ҳам тасдиқлади.

Афсуски, гдлянчилар томонидан содир этилган фуқароларнинг қонуний ҳуқуқини қасддан поймол қилиш, ҳақоратлаш, ҳўрлаш, жисмоний ва руҳий қийноқлар оқибатида ўз жонига қасд қилиш шу билан тугамади.

Пискент тумани партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби У.Баҳодиров тергов пайтида ўз жонига қасд қилган бўлса, Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Р.Ғойилов Гдлян бошлиқ терговчилар қамоққа олиш учун уйига келганида ўзини ўзи ҳалок қилади. Иккинчи жаҳон урушида фашистларга қарши мардонавор курашган, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги йирик агросаноат мажмуаси директори, меҳнат қаҳрамони Бобомурод Омонов эса тергов ҳибсхонасида соғлиғи кескин ёмонлашиб, вафот этган.

Бундай фожиали тақдирлар рўйхатини, афсуски, яна узок давом эттириш мумкин. Таҳқирланишлар, инсон нафсониятини оёқости қилишга қаратилган Гдлян гуруҳида тергов олиб боришнинг ваҳшиёна усуллари кўпларни ўз жонига қасд қилдирди.

Собирова Элнорани 1988-89 йилларда асоссиз равишда 6 ойдан ортиқ қамокда ўтирган. Фақат ССРИ Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Д.Василев бу ишга аралашганидан кейингина озод қилинганди. Гдлян уни бир неча бор сўроқ қилган, уни қўрқитиб ҳам кўрган, алдаб ҳам кўрган, унга ҳар хил ваъдалар берган ва охири сўкиб ҳақорат қилишган.

Элнора билан ҳаммадан кўпроқ бир терговчи – Карташян иш олиб борган. Гарчи Гдлян Карташяннинг пешонасини Сукротнинг пешонасига ўхшатган бўлса-да, унинг қўл остида тергов берган бошқа кишилар унга ўзгача баҳо беради. Терговчиларнинг айтишларига қараганда, Гдлян гуруҳида Карташян биринчи ўриндаги “тўқмоқ” ҳисобланган. Унинг муомала луғат бойлиги унча кўп эмасди. Бу камчиликни у ҳамиша болаҳонадор қилиб сўкиш билан тўлдириб турарди. Унинг сўроқ қилиш усули йўл қўйиб бўлмайдиган бешафқат тарзда олиб бориларди. Яъни, Карташян ўзининг қўполлиги ва одамларни камситиб, ҳақорат қилиши билан бошқалардан фарқ қилар эди. У камдан кам ҳолларда сўроқ протоколи тузар, ҳамиша сўроқ қилинаётган кишининг руҳини чўктириб, уни ёлғон гапиришга мажбур қилар, оқибатда ҳар қандай гуноҳсиз кишидан ҳам ўз айбига иқдор бўлганлигини ёздириб олишга муваффақ бўлар эди. Ёзувчизув ишларини эса унинг учун бошқа терговчилар бажаришаверарди.

Э.Собированинг таъкидлашича, Карташян сўроқларига унча-мунча одам дош беролмайди. Сўроқ вақтида аксарият кишилар ўзини ташлаб юборган ва ҳушидан кетиб қолган вақтлар кўп бўлган. Сўроқлардан бирида Собирова ўзининг асосий қон томирини кесиб, бу азоблардан бир йўла қутулишга ҳаракат қилади.

Э.Собирова билан бир вақтда унинг ўғли ва қариндош-уруғларидан яна 8 киши қонунсиз равишда қамоққа олинган. Кейинчалик ҳибсга олинган бу кишиларнинг ҳаракатларида жиноят йўқ, деб топилиб, улар устидан қўзғатилган ишлар ҳаракатдан тўхтатилган.

Э.Собирова Карташян ҳақида нималарни эслайди: “Мен у терговчини биринчи марта 1983 йил январда бўлса керак, сўроқ вақтида кўрганман. Ҳозир кунини аниқ эслай олмайман. У менинг назаримда одам эмасди. Бир куни мени унинг хонасига олиб киришганида Карташян менга қараб бундай деган: “Дастлабки кунларда сизнинг ишингиз билан ким шуғулланганини мен билмайману, лекин бу ерда сиз тилга кирасиз”. Карташян шу заҳоти мендан эрим порахўр ва жиноий ишлар билан шуғулланган деб ёзиб беришни талаб қила бошлади. У тўхтовсиз менинг атрофимда айланиб юрар ва нуқул “Ҳамма пора олган, сен ҳам олгансан”, деб такрорлар эди. Карташян мени ҳар хил бемаъни сўзлар билан ҳақорат қилар, сўкинар, менинг оналик ва аёллик шаънимни ерга уриб камситар эди. Бундан ташқари, Карташян ҳар бир сўроқда, “Эринг ва ўғилларинг отилади, катта ўғлинг ҳозирнинг ўзида сендан воз кечди”, деб қўрқитар, сенинг ўзингни ҳам отиб ташлаймиз, невараларинг болалар уйида ўсади ва улар дунёда сендақа одам бўлганини унутиб юборадилар”, деб дўқ қилар эди.

Бир кун Карташян бармоғини менинг пешонамга ниқтадида, “Сени отган вақтларида ўқ пешонангнинг нақ мана шу ерига тегади”, деди истехзоли тиржайиб. Очиқ ҳавога олиб чиққанларида ҳар сафар девор орқасидан одамларнинг дод-вой солиб, ~~баччи~~ йиғлаганлари эшитиларди... Назаримда, худди менинг болаларим қийналиб йиғлаётганга ўхшаб туюлаверарди.

Шундай кунларнинг бирида тергов изоляторида мени сўроқ қилаётганларида Карташян менга қараб: “...Ҳозир сенинг эринг ўлимга маҳкум қилиниб, отиб ташлаш учун деворга суяб қўйилган”, деди. Унинг бу сўзларидан кейин менинг аҳволим ёмон бўлиб, ўзимдан кетиб қолдим.”

Бу гапларнинг рост эканини аниқлаш унчалик қийин бўлмади. Бунинг учун биз шу аёл сақланган тергов изолятори назоратчиларини чақириб, улар билан гаплашиб кўрдик. Улар ҳам, бошқа ходимлар ҳам берган маълумотлар бу гапларни тасдиқлади.

Кичик назоратчи Э.Абдулатипов томонидан 1989 йил 1 январда Ўзбекистон ССР ДХК тергов изоляторининг бошлиғи И.Суздалцев номига ёзилган рапортдан бир неча сатр келтирамиз:

“Сизга шуни маълум қиламанки, 1989 йил 17 январда сўроқ бераётган вақтда маҳбус Э.Собированинг аҳволи ёмонлашиб қолди. Мен унга ёрдам кўрсатишга мажбур бўлдим. Қўлтиғидан кўтариб камерагача етиб олишига кўмаклашдим. Мен бу аёлни олиб кетгани хонага кирганимда терговчилар ниҳоятда асабийлашганликларини кўрдим. Терговчи Карташян бор овози билан менга: “Олиб кетинг уни”, деб бақирди. Собировага эса “Ўз камерангизга боринг-да, яхшилаб ўйлаб кўринг”, деди. Тергов бўлимидан тергов изоляторига ўтиладиган зинага келганда аёл энгашиб гавдасини тутолмай ҳушидан кета бошлади”.

Собировага тезда врач чақиришади, зарур ёрдам кўрсатилиб, уни сўроқ қилиш ман этилади. Кейин эса уни санитария қисмига кўчиришган. И.Суздалцевнинг ўзи ҳам мана шу бўлиб ўтган воқеаларнинг гувоҳи бўлган эди. Чунки у изолятор бўйича навбатчининг ахборотидан кейин дарҳол Э.Собирова ётган камерага етиб келган. ДХК изолятори учун бу номатлуб ҳодиса эди.

Суздалцев ҳикоя қилишича, у оғир аҳволда ётган Э.Собирова олдига келиб, унга томон энгашиб нима гаплигини сўраганида, у қийнала-қийнала зўрға гапирса-да, терговчилардан шикоят қилган. Сўроқда уни аёллик ғурурини ерга урганликларини гапирган. Бундан ташқари, Суздалцев ҳибсга олинган Т.Ошров, А.Абдуллаевалар ҳам терговчиларнинг қўпол муомаласидан шикоят қилганликларини сўзлаб берган. Суздалцев маҳбусларга шикоят билан прокурорга мурожаат қилиш тартибини тушунтириб берган.

Мен бу ерда И.Суздалцевнинг изоҳларига фақат кичкина бир қўшимча қилмоқчиман. Собирова билан бўлиб ўтган ўша воқеадан кейин Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитети Гдлян ва унинг гуруҳига ўз изоляторидан фойдаланишга рухсат бермай қўйган. Терговчиларнинг бундай бош-бошдоқлиги Давлат хавфсизлиги органларининг бўйсига путур етказаётганини тушуниб қолган эдилар.

Ўша кезларда изоляторда ҳеч қандай айбсиз ҳибсда сақланаётган Д.Қамбарова ўша воқеаларни шундай эслайди: “Сўроқ вақтида хонага бир киши кириб келди ва у менга қараб “ҳозир сен синглинг билан учрашасан, – деди, – лекин сен гапирмай турасан, у эса гапиради”.

Мен гапирмай жим туришга сўз бердим. Шундан кейин мени бақириқ-чақириқ ва йиғи овозлари эшитилиб турган қўшни хонага олиб киришди. Хонада Гдлян, боши устара билан қирилган бир ўзбек киши, Карташян, Аслонов, яна иккита эркак ва синглим Собирова Элноралар бор эди. Собирова Элноранинг чап қўл бармоқлари устидан бинт билан ўраб ташланган, юзлари шишиб кетган эди...”

Бу ҳақда бизга терговчи Логвинов ҳам гапириб берганди. Мен бу ерда Логвинов берган маълумотлардан парча келтириб ўтмоқчиман, Логвинов бизга яна битта мана шундай фожаи ҳақида гапириб берди: “Фозилов ҳам ўзининг вена қон томирини кесган эди, мен буни яхши биламан. У қўлини бинт билан бойлаб юрганини кўрганман”.

...1984 йилнинг 15 августида Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-лейтенант Қудрат Эргашев ўзини отиб ўлдиради.

1985 йил 17 май Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Г.Давидов учун сўнгги кун бўлди. Госпиталда ҳам тинч қўйишмагани учун у ўз бошига ўқ узади.

Ўлиб-ўлолмаганлар эса юртдошига, миллатдошига тухмат қилишга ёки шундай тухматни қабул қилишга мажбур бўлган. Афсуски, Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари, эл кўз тиккан шахс Рафиқ Нишоновнинг ўзи қонун ҳимоячилари

ниқобидаги манфур жинойтчиларни қўллаб-қувватлаб турса, ўзбекнинг жабрдийда вакиллари додини ким эшитарди?

Гдлянчилар томонидан мункайиб қолган қариями, пенсия ёшидаги кишими, уруш қатнашчисими, ногиронми, касалми – фарқи йўқ, қамок камерасига тиқилган. Хотин-қизлар, ҳатто қарамоғида балоғатга етмаган бир неча нафар фарзанди бўлган кўп болали аёллар ҳам қамокқа ташланиб, қийноқ қўлланилганча сўроқ қилинган.

Шахсан Гдляннинг топшириғи билан 75 ёшли Туркменов, 70 ёшли Жўраев, 83 ёшли Жуманиёзова, 91 ёшли Иброҳимова уриб-сўкиб тергов қилинган... Эмизикли боласи бор А.Камолова 1988 йил 2 июндан 5 июнгача тўхтовсиз сўроқ қилинган. Кечалари боласини атайлаб чирқиллатиб йиғлатишган ва эмизишга бермаганлар.

Буларнинг барчаси ҳақида суюкли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов қуйидагича хулоса қилган:

“Энг ўкинчиси, ўша пайтдаги айрим “юрт ота”лари журъат топиб, “ҳой, барака топгурлар, бир ҳовуч нопок “қўшиб ёзса” уларнинг дастидан бутун халқ бадном бўлиши керакми?” деёлмади. Ўзбекистон номига бўлса-да, суверен республика, шундай экан, айб қилган одамларимизни ўзимиз жазолайлик, нега уларни бошқалар бунчалик хор-зор қилиши керак”, дейиш ҳам қўлларидан келмади. Қайси эс-ҳуши жойида одам хато ёки гуноҳ қилган боласини қўшининг оёғи тагига ташлаб тепкилатади? Бунинг отини лоқайдликнинг қайси моддасига киритиш керак?”

“АРЗИМАС” МАҲБУС

Мақсуд Барноев – 1955 йилда туғилган, Ўзбекистон улгуржи савдо базаси Бухоро вилояти базасига қарашли тамаки омборининг омборчиси вазифасида ишлаган. Қарамоғида тўртта ёш боласи бор, у ҳам Гдлян гуруҳининг, Н.Иванов ўтказган терговнинг барча даҳшатларини бошидан кечирган.

Гдлян билан Иванов ўз ишларида Мақсудга унчалик катта аҳамият беришмасди. Лекин улар ўзларининг стратегик йўллари амалга оширишда ундан фойдаланмоқчи бўлган. Улар Бухоро вилояти базасининг мудир И.Шариповни фoш қилувчи асосий киши сифатида Мақсудни ишга солмоқчи бўлишган, холос.

Улар олдиндан ишлаб чиққан режа бўйича М.Барноев Шариповга пора берганлиги тўғрисида кўрсатув бериши керак бўлган. Шундан кейин, яъни муҳим “далил”га эга бўлиб олингач Шариповдан ҳам худди шу мақсадда фойдаланиш мўлжаллаб қўйилган. Уни “Бухоро вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Абдувоҳид Каримовга ва Бухоро вилояти ИИБ ОБХССнинг бошлиғи Музаффаровга катта миқдорда пора берганман” деб кўрсатма беришга кўндирмоқчи бўлишган.

Бироқ Барноев лом-мим демайдиган киши чиқиб қолади. У терговдан бирор нарсани яширмоқчи бўлгани учун эмас, балки аслида ҳам у кишиларнинг порахўрлиги тўғрисида ҳеч нарса билмаганлиги учун индамай тураверган. Ана шундан кейин Барноевнинг ўзига қарши терговчилар ўзлари суйган фoш этувчи методларини ишга солиб, унинг “жиноий фаолияти” тўғрисида маълумот тўплашга киришадилар.

Шу тариқа 1985 йил 12 февралда “ҳаққоний” маълумот олинади, гўё у ишлайдиган омборда бир қути пул кўришган эмиш. Ишчи Ражабов шундай маълумот берибди. У бу пулларни гўё яна икки нафар бошқа ишчилар билан бирга кўрган эмиш. Ўша ишчиларни ҳам чақириб сўроқ қилишга

тўғри келди. Улар қатъий равишда бу гапни рад этиб, “биз ҳеч қандай пул-мул кўрганимиз йўқ, Ражабов адашаётган бўлса керак”, деб жавоб берган. Шунга қарамасдан М.Барноевни қийноққа сола бошлайдилар, унга узоқ вақт азоб бериб, тўхтовсиз сўроқ қиладилар. Терговчиларни пул қаердан топилгани ва у пуллар кимники эканлиги, улар қандай йўллар билан топилганлиги мутлақо қизиқтирмасди. Ўша вақтда Мақсуд омбор мудир Ибод Убайдовга фақат ёрдамчи бўлиб ишлаганлиги ҳам уларни қизиқтирмайди. Модомики, ўша ерда чиндан ҳам пул бўлган экан, буни, биринчи навбатда, ўша ердаги кишилардан сўраш лозим. Лекин улар И.Убайдовни бирор марта ҳам безовта қилмадилар.

Терговчилар Барноевни биринчи марта ўз ҳузурларига 20 февралда чақирган. У қўйилган айбларнинг ҳаммасини рад қилган. Уни Ражабов билан юзлаштириш ҳам терговчилар учун зарур натижани бермагач, сўроқ яна давом этаверган. Дўқ-пўписа қилиш бошланган, лекин Барноев туҳмат қилишга рози бўлмаган.

1985 йил 16 майда янги туркум сўроқлар бошланади. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам сўроқ протоколи тузиб борилмайди. 21 майда навбатдаги сўроқ бўлиб ўтади. Энди сўроқ бўлганлиги тўғрисида протокол тузилади, лекин унга М.Барноев имзо чекмаган. Ушбу протоколга терговчилардан Евстафев, Попков ва Морозлар томонидан тузилган маълумотнома илова қилинган. Маълумотномадан шу нарса маълум бўладики, Барноев сўроқ қилинаётган вақтда тушликка чиқиш учун танаффус эълон қилинган. Бироқ шу бўйи у терговчилар ҳузурига бошқа қайтиб келмаган ва шунинг учун ҳам у протоколга имзо чекмаган. Чиндан ҳам, ўша куни тушдан кейин Мақсуд сўроққа келмаган эди.

Ўша куни Бухоро шаҳар касалхонаси тез ёрдам хизмати-га соат 19.00 да Барноевнинг хотини кўнғироқ қилиб ёрдам сўрайди. Соат 20.40 да Мақсудни касалхонага олиб келадилар. Тиббий ҳужжатларда шундай сўзлар ёзилган. “Бемор “тез ёрдам” машинасида олиб келинди. Бош оғриғи ва боши

айланишидан қулоғи шанғиллаши, умумий аҳволи ёмонлигидан, тинка-мадори қуриб кетаётганидан, бўйин мушаклари қакшаб оғриётганидан ва нима еса қусиб ташлаётганлигидан шикоят қилди. Касалхонага олиб келинган вақтда баданининг кўп жойида кўкариб, “қонталаш” бўлиб қолган жароҳатлар бор эди. Барноевнинг сўзларига қараганда, “1985 йил 24 май кундузи соат 11 ларда Файзулла Хўжаев тумани прокуратураси биносида терговчилар уни аёвсиз муштлашган”.

Шифокорлар сўраганда у ўзини терговчи Мавлонов урганлигини айтган.

26 майда Барноев вилоят прокурори Ю.Матюшов номига ариза ёзиб, унда суд-тиббий текшириши ўтказишни, ўзини терговчилар урганлиги тўғрисидаги фактни тергов қилишни ва уларни жиноий жавобгарликка тортишни сўрайди.

Прокурор Бухоро вилояти прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Д.Қурбоновга тергов бошлашни топширади. Шуни эътироф этиш керакки, Д.Қурбонов топшириққа масъулият билан ҳамда ўз касбига тўла мувофиқ тарзда ёндашади. Орадан кўп ўтмай унинг қўлига суд-тиббий экспертизанинг қуйидаги қатъий хулосаси келиб тушади: “Бухоро вилояти 1-касалхонаси неврология бўлими қошида 6719-сонли касаллик тарихи маълумотлари бўйича 1955 йилда туғилган фуқаро Мақсуд Саидович Барноевнинг суд-тиббий экспертизадан ўтказилиши асосида биз шундай хулосага келдикки, унинг баданларида қонталаш бўлиб қолган жароҳатлар мавжуд. Бундай жойлар унинг ўнг елкасида, ҳар иккала билагиди, ўнг оёғи болдирининг орқа томонида, чап елкасининг чуқурчасида, ўнг кўзи чеккасида яққол сезилиб турибди. Бу жароҳатлар учи тўмтоқ ва қаттиқ буюм билан уриш натижасида ҳосил бўлган бўлиб, енгил тан жароҳати тоифасига мансуб. Жароҳатлар етказилган вақт 1985 йил 24 майга тўғри келиши мумкин. Бундай жароҳатни М.Барноевнинг ўзига ўзи етказган бўлиши эҳтимолдан узоқ”.

Иш юзасидан бошқа маълумотлар ҳам пайдо бўлади. Уларда ҳам сўроқ вақтида Барноев калтакланганлиги тўғрисидаги тахминлар тасдиқланади. Барноевнинг ўзи ҳам Гдлян терговчилари билан учрашувларни яхши эслаб қолган бўлиб, улар тўғрисида муфассал гапириб беради. Уни бир неча марта сўроққа чақирадилар. Амакиси И.Шарипов пора олганлиги тўғрисидаги фактларни тасдиқлаб ахборот ёзиб беришни талаб қиладилар. У қатъиян рад этади.

Бир кун ўзи, хотини ва болалари уйда бўлмаган вақтда эшикни бузиб кириб, унинг уйида тинтув ўтказганлар, унинг паспортини ва ҳарбий билетини олиб кетганлар. Уйдаги баъзи бир буюмлар йўқолган, улар қаерда эканини шу вақтгача ҳам ҳеч ким билмайди. Тинтув ҳеч қандай натижа бермайди. Чунки у ўз оиласи билан оддий ҳаёт кечирган бўлиб, уйда арзигулик ҳеч нарса тополмайдилар. 24 майда уни қаттиқ қийноқлар билан урадилар. Бу ҳақда Барноев қуйидаги маълумотларни ёзиб берганди: “Прокуратурадаги хоналардан бирида мени сўроқ қилишаётганда Мавлонов, Карташян ва яна соқол қўйган баланд бўйли икки терговчи бор эди. Мен уларнинг фамилияларини билмайман. Яна бир озарбайжонлик, мўйлов қўйган терговчи ҳамда пакана ориқ одам – Туркманистондан келган терговчи ҳам шу ерда эди. Ҳаммалари мендан иқрорнома талаб қилишарди. Менга бир варақ оқ қоғоз беришди ва ҳаммалари баравардан бош прокурор номига ўз ихтиёринг билан иқрорнома ёзиб бер, деб талаб қилишди. Мен рад этдим. Сўроқ соат 9 дан 50 минут ўтганда бошланган эди, соат 13 ларга бориб тамом бўлди. Мен ҳеч нарса ёзиб бермадим. Сўроқ вақтида мени Карташян, Мавлонов, ҳалиги соқол қўйган икки терговчи ва мўйловли терговчи урди. Гоҳ бир киши, гоҳо эса бирдан бир неча киши, икки-уч кишилашиб ҳам уришди. Кафтларини қирраси билан бўйнимга, биқинимга, қўлларимга урдилар. Оёқлари билан оёғимга ҳамда юзимга тепдилар. Калтаклар зарбидан бурним қонаб кетди: Соат 13 да тушликка қўйиб юборишди ва Евстафев менга тушдан кейин, соат 14 да яна келишимни айтди”.

Шундан кейин Барноев сўроққа келмаган, сабабларини юқорида айтиб ўтган эдик. У ўша куни ишхонасига келиб ишдан жавоб сўрайди. Чунки ўзини жуда ёмон ҳис қилади. Уйига кетади. Кечқурун эса хотини ва ота-онаси “тез ёрдам” машинасини чақиришга мажбур бўлади.

15 июнгача у Бухоро касалхонасида даволанади, кейин эса қариндош-уруғлари Тошкент шаҳридаги касалхонага мурожаат қилгач ва уни пойтахт касалхонасига ётқизадилар. Мана шу вақтда бухоролик терговчи унинг калтакланганлиги ҳақидаги кўпчиликни шарманда қиладиган фактларни очиб ташлаши мумкинлиги баъзи бировларга ёқмайди. Иттифоқ прокуратурасидан бош тергов бошқармаси бошлиги ўринбосари С.Герасимов Бухорога етиб келади ва бутун тергов ишларини ўз қўлига олади. Бироқ орадан кўп ўтмай бу киши ҳамма ишдаги етакчилик секин-аста Гдлян билан Иванов қўлига ўтаётганлигини сеза бошлайди. Улар одамларни ўзлари сўроқ қилишар, бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказар, бу ишларга ҳатто тайини йўқ кишиларни, шахсини текшириб кўриш зарур бўлган кишиларни жалб қилган эдилар.

Сергей Иванович Герасимов бу вақтга келиб марказий аппаратда бир неча ой ишлаб улгурган эди. Афтидан, шунинг учунми, Гдляннинг ҳаракатларига унчалик монелик қилмади ва натижада орадан кўп вақт ўтмай тергов ишларидан бутунлай четга чиқиб қолади.

Гдлян билан Ивановнинг қўллари эса қаёққа узатса етар эди. Улар қилган биринчи иш шундан иборат бўладики, М.Барноев билан тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкинлиги тўғрисида врачлар ҳулосасини қўлга оладилар. 1985 йил 4 июлда М.Барноевни Гдлян ҳузурига чақирадилар. Шуни айтиш керакки, бу пайтда Гдлян унга нисбатан қаҳр-ғазабга тўлиб, ундан жаллодлардек ўч олишга шайланиб турган эди. У М.Барноевга ўша куни – 1985 йил 24 майда мени амаким И.Шарипов урган эди, деб ёзиб беришни таклиф қилади. Айни пайтда, у Мақсудни порахўрлик тўғрисида

тухматчилик қилишга ҳам ундайди. Зеро, бу вақтга келиб Гдляннинг қўлида ўз жиянини урганлиги тўғрисида Шарипов томонидан ёзилган “икрорнома” бор эди. Кейинчалик суд вақтида Шарипов ушбу “икрорнома” ундан зўрлик қилиш йўли билан ёздириб олинганлигини сўзлаб беради.

Гдлян ўзи мўлжаллаган бу тадбир билан икки қуённи урмоқчи эди. Бир томондан, Шариповни фош қиладиган қўшимча маълумотга эга бўлса, иккинчи томондан, Барноев воқеасини ўзи ва шериклари учун доғ тушмайдиган тарзда тугатмоқчи эди.

Лекин Барноев яна ўжарлик қилади. У ёлғон гапни тасдиқлашни рад этади. Уни ярим кечагача терговчилар хоналари бўйлаб олиб юриб, сарсон қиладилар. Кейин эса Иванов уни ушлаб келтирилганлиги тўғрисида қарор ёзади ва уни камерага қамаб қўяди. Ҳолбуки, ўша кунни Мақсуднинг қўлида у ҳали ҳам даволанишда юрганлиги тўғрисида ҳужжат бор эди.

Азоб ва қийноқлар билан ўтказилган сўроқлар, камситиб ҳақоратлашлар натижасида М.Барноев мутлақо билмайдиган ишларни “биламан”, деб ва аслида ҳеч қачон қилмаган ишларини “қилганман”, деб “икрорнома” ёзиб беришга мажбур бўлади.

И.Шарипов ўз жиянини ургани учун нима сабабдандир суд жавобгарлигига тортилмаган. Нимадир сабаб билан Барноевни ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш билан боғлиқ мазкур факт бўйича тўпланган маълумотлар, 60 кундан ортиқ уни қамоқда сақланганлиги билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар иш орасидан суғуриб олиб ташланган. Биз кейинчалик бу ҳужжатларнинг бир қисmini топдик ва ишга баъзиларини тикладик. М.Барноев тўрт йил мобайнида айбланувчилар қаторида бўлган, фақат 1990 йилнинг июлига келибгина у тўла оқланган ҳамда унга етказилган моддий зарар учун товон тўлаганлар.

Бир қатор сабабларга кўра, биз Барноевга етказилган азоб-уқубатлар, унга қилинган туҳматлар учун айбдорларга айбнома тақдим қилиб улгурмадик. Мен бу ерда ҳозир

масъулиятни ойдинлаштириб, жавобгар шахсни аниқ айтишни истамайман. Лекин шу нарса аниқки, одамларни ҳибсга олиш учун тайёрланган иш маълумотларини яширилганлиги ва йўқ қилиб ташланганлиги учун бу ишда айбдор бўлган кишилар албатта судга берилиши керак эди.

Дарвоқе, Максуд Барноевга терговчилар ўз отасининг дафн маросимида қатнашишга рухсат бермайдилар. Отаси ўлган кун у қонунсиз равишда ҳибсда сақланаётган бўлган...

Шамси Раҳимов ҳам аслида М.Барноев каби “арзимас” маҳбус бўлган. Уни ҳибсга олганларида Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаётган бўлган. Ўша вақтда Раҳимовдан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги раҳбар ходимларига туҳмат қилишни, яъни улар пора олади, деб гувоҳлик беришни талаб қилишган. Ш.Раҳимов эса рад жавобини бераверган. Ш.Раҳимовнинг айтишича, шундан кейин Гдлян ўзининг ифлос найранглари ишга солган.

“Мени ашаддий жиноятчилар ётган камерага қамаб қўйишди, – деб эслайди Ш.Раҳимов. – Улар менинг милиция ходими эканимни билиб олишган экан. У ерда Марат Добрин, илгари судланган Соловев, Абдуллаев ва бошқалар ётарди. Ҳатто бу ерга қамоқ лагерларидан бошқа маҳбусларни ҳам келтириб атайдан мен ва бошқа милиция ходимлари ётган хоналарга киритиб қўядилар. Ўша ашаддий жиноятчилар бизга қамоқ лагерларида милиция ходимларини қандай ҳақоратлаб уриб-сўқишларини, зўрлашларини ва ҳатто турли усулларни қўллаб ўлдириб юборишларини сўзлаб беришарди. Бу ишларнинг ҳаммаси Гдлян ва Иванов кўрсатмаси бўйича амалга оширилиб, бизни қўрқитиш учун, биздан ўзларига керакли маълумотларни олиш учун қилинарди. Биз ҳали ДХК тергов изоляторида ётган вақтимиздаёқ ёнимизда уларнинг “маҳбус” қиёфасидаги шогирдлари ўтирар эди. Улар бизни Гдлян таклифи бўйича “ўз айбимизга икрормиз” деб ёзиб беришга ундашарди. Шундай қилсак, бизнинг қамоқдаги ҳаётимиз яхшиланар,

бизга қариндошлар билан дийдорлашиш ва бошқа турли имтиёзлардан фойдаланиш имкони берилиши мумкинлигини айтиб, бизни аврашарди.

Гдлян билан Иванов бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида мени муттасил равишда камситиб “сен энг хавфли душмансан, босмачисан”, деб ҳақорат қилиб келди. Қўлларини пешонамга ниқтаб “шу ерингга хол қўямиз, сен дипломниям, депутатликниям, партбилетниям сотиб олгансан”, дейишарди. Гдлян руҳий таъсир ўтказиш мақсадида менинг қариндошларим устидан кўзғатилган еттита жиноят ишларини келтириб столга қўйди. Сўнг улардан бирини қўлга олди-да, мана буниси сенинг жиянинг эмиш, унга аллақачон ўн йил берилди, қолганларини ҳам ўтқизамиз, бутун мол-мулкларини тортиб оламиз. Ҳаммасининг бола-чақаларига сен ва сенинг бола-чақаларинг билан бир умр адоватда яшашлари учун ҳаммангиз Шамси Абдуллаевичнинг касофатига қолдинглар, деб айтамиз, деди.

Ўшанда мен бошқа илож йўқ эканлигини англадим, нима хоҳласангиз ёзинг, мен қўл қўйиб бераман, фақат қариндош-уруғларимга тегманглар, деб илтимос қилдим. Улар менга Эргашев билан Давидовга пора берганман, деб ёзишимни таклиф қилдилар. Бу вақтга келиб уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз жонларига қасд қилиб бўлган эди. Шунинг учун Гдлян билан Иванов улар нариги дунёга жиноятчи деган тавқи-лаънатни олиб кетишлари учун иқрорномани олдинроқ ёзилган қилиб кўрсатишимни талаб қилди. “Шундай қилсанг, бу қоғознинг ижтимоий таъсири кучлироқ бўлади, бошқалар ҳам шундай деб маълумот беришади, бу ишга сен ҳам ўз ҳиссангни қўшиб қўйгин”, дейишди. Мен пул, спиртли ичимликлар, гиламлар ва бошқа товарлар кўринишида 27 минг сўм пора олганман, Эргашев, Давидов, Каримов, Қаҳрамоновларга 25 минг сўм пора берганман, деб иқрорнома ёзиб бердим.

Иванов менга икки дона ноксирон ва бир дона седуксен таблеткасини ичирди. Кетидан 95 кўк чой билан сийлади,

олдимга конфетлар қўйди. Энди ўта масъулиятли пайт келганлигини, мен Қаҳрамоновнинг юзига тик қараб туриб, унга пора берганимни айтишим лозимлигини таъкидлаб қўйди. Мен буни истамадим, чунки уятдан ерга киргудек ҳолга келиб қолган эдим. Улар менга бу ишларда сен бир кичкина мурватча ҳисобланасан, бизга сен эмас, Қаҳрамонов керак. Кейин унинг ёрдамида биз Москвани ҳам фош қилишимиз керак бўлади, дейишди. Яна “биз ахир сенга ўхшаган кичкина мурватчаларга ёрдам бермоқчимиз-ку, наҳот шуни тушунмасанглар”, дейишарди...”

ГИНА ВА КИБР ҚУРБОНИ

Н.Туропов 1976 йил августидан 1984 йил февралига қадар Сурхондарё вилояти ижрокомининг раиси, кейин эса 1986 йил декабрғача Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган.

Туропов қамокқа тушишидан олдин, яъни 1987 йил январ ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР Агросаноатига қарашли ғалла ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи лавозида ишлаган. Оиласи Қарши шаҳрида қолган, ўзи Вазирлар Кенгашининг Шелковичная кўчасидаги меҳмонхонасида яшаган. Прокуратура марказий аппаратининг ва бошқа идораларининг кўпгина ходимлари бу меҳмонхонани яхши биладилар. Хизмат сафарларига келган вақтларида Гдлян билан Иванов ҳам ҳар доим мана шу меҳмонхонада турган.

Тақдир тақозоси билан, 1987 йил январ, феврал ойлари ичида мана шу торговчилар билан уларнинг бўлажак маҳбуслари бир бинода яшайди. Туропов Гдлянни танирди. У билан Қарши шаҳрида ўзи обкомнинг биринчи котиби эканлигидаёқ танишган эди. Гдлян унинг ҳузурига келиб, маҳаллий матбуотда чиқиши зарурлигини, ўзи жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сақлаб қўйишни илтимос қилиб берган пул ва бойликларни ихтиёрий равишда давлатга топширишни сўраб аҳолига мурожаат қилмоқчи эканлигини айтган эди. Ўшанда Туропов унга рухсат бермасдан, “пул ва бойликларни қидириб топиш торговчиларнинг иши”, деб айтган. Албатта, у ҳақ эди. Бироқ...

Улар бир бинода, битта меҳмонхонада яшаган вақтларида ҳам сиртдан қараганда рисоладагидек муносабатда бўлган. Баъзан ошхонада бир дастурхон атрофига ўтириб нонушта қилишган, терговга алоқаси йўқ ҳар хил мавзуларда худди эски танишлардек бир-бирларини сенлаб гаплашиб ўтирган.

Ана шундай кунларнинг бирида нонуштадан кейин улар меҳмонхона фойесида учрашиб қолади. Гдлян Туроповнинг

қўлини қўлига олиб гап орасида мулойимлик билан дўстона бир оҳангда Марказий Комитет котиби Осетровга пора берганман деб кўрсатув ёзиб беришни сўрайди. Туропов буни ҳазилга йўяди, лекин Гдлян ўз илтимосини ниҳоятда жиддий тарзда яна такрорлайди. Шундан кейин Туропов, “мен ҳалол одамга туҳмат қила олмайман”, дея жавоб беради. Орадан 2-3 кун ўтгандан кейин Гдлян гап орасида яна ўша кундагидек юмшоқ оҳангда ўз илтимосини такрорлайди. Лекин яна рад жавобини олади.

Икки бор қилинган суҳбатдан кейин учинчи марта ҳам, меҳмонхонага яқин бир жойда Гдлян деярли ялинган оҳангда Туроповни Осетровга қарши маълумот беришга, жуда бўлмаганда унга 20 минг сўм берганлиги тўғрисида кўрсатув беришга кўндирмоқчи бўлади. Афтидан, Гдлян Осетровга нисбатан далиллар тўплашда қийналаётганга, бу иши унчалик “юришмаётган”га ўхшарди.

Туропов бундай найрангларга кескин қарши чиқади. Оқибатда Гдлян билан унинг ўртасида даҳанаки жанг бўлади. Рад жавобини олиб, жаҳли чиқиб кетган Гдлян: “Ҳечқиси йўқ, шундай кун келадики, сен менга ўн ҳисса кўпроқ миқдорда маълумот ёзиб берасан”, дейди. Шундай деб улар икки ёққа кетишади, лекин Туроповнинг кўнгли хира бўлиб қолади. Орадан анча вақт ўтиб кўнглидаги хиралик йўқолади. Гдлян билан бўлган жанжал эсидан чиқиб кетади. Бир йил мобайнида уни ҳеч ким безовта қилмайди. 1988 йилнинг 17 феврал куни эрталаб Н.Туроповни олиб кетгани ишхонасига келадилар, анчагина хизматдош ўртоқларининг кўз ўнгида хизмат хонасидан олиб чиқиб кетишади. Ҳибсга олишаётганларида унга ҳеч қандай ҳужжат кўрсатишмайди. Ўзбекистон ДХК биносига етиб келганларидан кейин уни ертўлага олиб тушиб, тергов изолятори камераларидан бирига жойлайдилар. Ўша куни кечқурун уни Иванов сўроққа чақиради, қўлига уни ҳибсга олиш тўғрисидаги рухсатномани тутқазади ҳамда унга руҳий таъсир ўтказиш учун нутқ сўзлай бошлайди. Барча дўқ-пўписа, қўрқитиш усуллари ишлатиб бўлгандан

кейин республика партия ва совет аппарати ходимларига қарши маълумот беришни талаб қилади. Рад жавобини олгач қутуриб кетади. Оғзидан кўпиклари сачраб бор овози билан жазавага тушиб бақира бошлайди. “Сен мен учун бир чумолидай нарсасан. Мен сени битта тирноғим остига олиб эзиб ташлайман. Модомики, сен турмага тушган экансан, энди бу ердан осонликча чиқиб кетмайсан. Мен сенинг оғзингдан қонингни келтираман. Бу ерда сил касал бўлиб ўлиб кетасан, мен кафил”, дейди.

Туроповни сўроқ қилишда “пешонангга яшил хол қўямиз” деб қўрқитишади. Уни ҳам “турмада чиритмоқчи” ва “барча қариндошларини қамаб қўймоқчи” бўлишади...

Кейинги кунлари ўтказилган сўроқларда ҳам дўқ-пўписалар такрорланади. 20 февралда Иванов маҳбуснинг анкетасидаги маълумотлар билан қизиқиб, хотини, болалари тўғрисидаги ҳужжатларни суриштиради. “Агар менинг сўзларимга кирмасдан, мана шундай чурқ этмай тураверсанг, буларнинг ҳаммасини қамоққа оламан”, дейди. Бухорода, Қорақалпоғистонда, Хоразмда шундай ишлар қилингани тўғрисида гапириб, мисоллар келтиради. Буларни у айтмаса-да, Туроповнинг ўзи ҳам билар эди.

Масала кўндаланг қилиб қўйилади: “ё сен одамларга тўхмат қиласан ёки ўзинг қамаласан, яқин кишиларинг ҳам ҳибсга олинади”.

Ниҳоят, Туропов енгилади. Иванов нима иш қилаётганини яхши билар эди.

Туропов ўша кунларни эслаб шундай ҳикоя қилган: “Улар менга Сурхондарё вилояти бўйича “ўз айбига иқроор бўлиб келиш” аризасини ёзиб беришни таклиф қилдилар. Мен нима ёзишни, кимга тўхмат қилишни билмай қийналар эдим. Шунда Иванов менга туман ва шаҳар партия қўмиталарининг биринчи котибларини ёзиб бериш кераклигини айтди. Мен унга жавобан партия қўмиталарининг биринчи котиблари вилоят ижрокоми раисига бўйсунмасликларини айтдим. Бўлмаса, деди Иванов, “пора берувчилар” сифа-

тида шаҳар, туман ижрокомларининг раисларини, колхоз ва совхозларнинг директорларини кўрсатиш зарурлигини айтди. Мен бунга кўнмадим. “Бу ғирт ёлғон гап бўлади ва одамлар буни тасдиқламайди”, десам бунга жавобан Иванов: “Буёғи энди сенинг ишинг эмас”, деди. Сўнгра менга ариза матнини айтиб туриб ёздирди. Пора берувчилар номлари санаб ўтилганидан кейин аризага Усмонхўжаев, Айтмуродов, Орлов, Есин, Лигачёв, Громико, Смирнов, Пономарёв ва бошқаларнинг фамилияларини ҳам айтиб туриб ёздирди”.

Шунингдек, Туропов Ивановнинг талаби ва унинг ёрдами бўйича М.С.Горбачевга ҳам хат ёзган. Унда ўзи қилган жиноятлар учун тавба-тазаррулар ёзилган. Ҳолбуки, унинг ҳеч қандай тавба қиладиган айбининг ўзи бўлмаган. Уни ёлғон гапиришга мажбур қиладилар. Шунинг учун у ҳаммага ёлғон гапирган. Терговчи билан юзма-юз келганда ҳам алдади, гувоҳлар билан юзлаштиришганда ҳам алдайверди. Гувоҳлар билан юзлаштиришга боришдан олдин Иванов унга йўл-йўриқ берарди: Ўзини қандай тутишни ўргатарди, бериладиган саволларга қай йўсинда жавоб беришни ва нималарни гапиришни олдиндан айтиб қўярди.

Туропов шундай изоҳ беради: “Осетров билан юзлаштирилган вақтда у мени “ифлос”, “ярамас” деб ҳақорат қилди. Мен ундан хафа бўлмадим. У мени бундан ҳам бадтар сўқишга ҳақли эди. Нега десангиз, мен ёлғон гапираётган эдим ва бу билан прокурор кийимидаги жиноятчилар амалга ошираётган қонунсизликларга кўмаклашаётган эдим”.

Фақат кейинчалик минглаб ҳужжатлар ўрганиб чиқилган вақтга келиб, юзлаб шахслар қўшимча сўроқ қилинганидан кейин Гдлян билан Иванов қандай даҳшатли тергов усулини жорий қилганлигини ва улар яратган тергов машинасидан ёлғон-яшиқ гаплар, тухмат ва бўхтонлар ичини қурум босган мўридан чиққан тутундек бурқсиганлиги кўриниб қолди. Одамларни нима сабабдан икки-уч йиллаб ва ҳатто беш йиллаб қамоқда сақлаб сўроқ қилганликлари аёнлаш-

ди. Иродаси бўғиб, руҳи синдирилган, ҳақорат ва азоб-уқубатларга дучор қилинган маҳбуслар исталган вақтда тергов учун маъқул келадиган маълумот “бериб турган”.

Туроповни тўғри йўлга қайтариш осон бўлмади, ҳатто уни бошқа терговчилар сўроқ қила бошлаганликларидан кейин ҳам ўша илгари айтиб туриб ёздирилган вақтда ёдлаб олган гапларини зўр бериб такрорлайверган. Ивановнинг таъсири унинг онгида шу даражада даҳшатли из қолдирган эди.

1988 йил баҳорида Гдлян билан Иванов Туропов ишини бундан буён тергов қилишни Украина ССР прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Н.А.Клоколга топширди.

Николай Алексеевич прокуратура органларида 20 йилдан кўпроқ ишлаган одам бўлганидан жуда кўп тоифага мансуб бўлган ишларни тергов қилишда унинг тажрибаси катта эди. Худди мана шу сифатларига кўра уни Гдлян гуруҳига олишган эди. Иванов Н.А.Клоколга Қарши шахрига бориб у ерда пора берувчиларни сўроқ қилишни топширади. Айни пайтда унинг қўлига Туропов ёзган аризани ҳам тутқазади.

Ушбу ариза Николай Алексеевичда катта шубҳа туғдиради. У мазкур ахборотларнинг ростлигига ишонмайди, лекин ҳамма Гдлян гуруҳининг шон-шухратини гапириб уни кўкларга кўтариб мақтаб турган бир пайтда бу хилдаги шубҳали фикрларни баён этиш расм бўлмаган эди. Бироқ барча ман этишларга қарамасдан Клокол ўшанда барибир сафарга жўнаб кетишдан олдин Туроповнинг яна бир марта сўроқ қилиниши учун розилик олишга эришган. Бу вақтда Туропов Москва шахридаги тергов изоляторида сақланаётган эди.

Клоколнинг хотирлашича, Туроповнинг ёзган аризаси ҳам у сўроқ вақтида берган маълумотлар ҳам схематик характерда бўлиб, юзаки, киши ишонмайдиган ва ҳақиқатдан узоқ бўлган фикрлардан иборат эди. Унинг қандай шароитда пора олганлиги ёки пора берганлиги тўғрисидаги конкрет саволларга жавоб беришда довдираб қолаётганлиги шундай сёзилиб турарди. У гапидан адашиб кетар, бир дам

ўзини йўқотар ва шундай дақиқаларда энг оддий нарсаларни айтиб беришга ҳам қийналарди. Бунинг устига қилинган сўроқлар бўйича баъзи протоколлар тузилганидан кейин у ўзи бераётган барча маълумотлар ҳаққоний эмаслиги тўғрисида гапира бошлайди. У ҳозирча шундай маълумот бериш кераклигини, бу ҳақда у Иванов билан келишиб олганлигини айтади. “Ҳозирги вазиятда фақат шу хилдаги маълумотларни бериш керак экан”, дейди. М. Туроповнинг бундай хатти-ҳаракатлари тўғрисида Клокол Ивановга ахборот беради ва Туропов терговчиларни сохта йўлдан бошлаётганлигини айтади. Иванов эса Туропов номларини келтириб ўтган пора берувчилар билан ишни бошлаб юборишни таклиф қилиб, Туроповнинг хулқ-атвориغا эътибор қилмасликни сўрайди.

Бироқ Қашқадарё вилоятида олиб борилган ишлар Туроповнинг ариза ва кўрсатмаларида берилган маълумотларнинг холис эканлигига шубҳа-гумонларни кучайтирган, холос. Туропов номларини келтирган мансабдор шахсларнинг кўплари ўзларини оқлайдиган шундай фактларни келтирадиларки ва шундай вазиятларни тасвирлаб беришадики, улар ҳар қандай пора бериш фактини рад этади.

Текшириш вақтида ҳам бу шахслар берган фактлар холис равишда тасдиқланар эди. Зеро, Туропов ўзининг собиқ қўл остидаги кишиларни пора берувчи қилиб кўрсатган эди. У кўпроқ ўзи жанжаллашиб, гап талашиб қолган, ишидан бирор камчилик топиб партиядан ўчирган, ишдан бўшатган ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш учун розилик берган шахсларни ёзиб берган. Клокол телефон орқали иш натижаларини Ивановга маълум қилади. Туроповнинг гаплари тасдиқланмаганлигини ва у номларини санаб ўтган кишиларга қўйилган айблар ғирт ёлғон эканлигини хабар қилади. Бунга жавобан терговни олиб боришни билмаётгани, ўзига топширилган участкадаги ишларни барбод қилаётгани тўғрисида таъна ва дашномлар эшитилади. Унга аҳволни тузатиш ва яхшироқ ишлаш зарурлиги уқтирилади.

Клокол бу гапга қарши эътироз билдиради ва бундай йўлдан бориш хавфли эканлигини айтади. Шунда Иванов: “Бизлар турли тилларда гаплашиб, бир-биримизни тушунмаётганга ўхшаймиз”, дейди ва трубкани тақ этиб қўяди.

“Гдлян ва Ивановлар билан тўқнашув натижасида мен шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, – деб эслайди ўша кунларни Клокол, – айбланувчи киши терговчиларнинг илтимоси бўйича (дастлабки кунларда улар билан Иванов иш олиб борган эди) ўзи ёзиб берадиган аризаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, КПСС Марказий Қўмитаси ходимларига гўёки пора берганлигини ёзиши ҳамда ҳар қандай вазиятда ҳам ўз сўзида қаттиқ туриб, фикрини ўзгартирмаслиги керак эди. Шахсан мен учун бундай ишлар кутилмаган бир ҳол эди.

Бераётган ёлғон-сохта маълумотлар ўзининг аҳволини тобора ёмонлаштириб қўяётганлигини тушуниб қолган Туропов Иванов билан тузган битимини бузишга қарор қилган ва ўзи ёзган аввалги маълумотлар қандай туғилганлигини ва бунда Иванов қандай рол ўйнаганлигини тушунтириб бера бошлади”.

Натижада 1990 йил 16 мартда Тожикистон Олий суди Н.Туроповнинг пора олишда айблануви бўйича ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, уни тўла оқлади. Бу ишни ССРИ Олий суди ҳам текшириб чиқди ва Тожикистон судининг қарорини тўғри деб топди. Фақат тўла оқланиб чиққунига қадар Н.Туропов тергов изоляторларида 2 йилу 29 кун ётган.

ҲАҚИҚАТНИНГ АЧЧИҚ ЙЎЛИ

1983-1989 йилларда “ўзбеклар иши” била “ном қозонган” Гдлян Ўзбекистондаги кўплаб раҳбарларни бадном қилди. Уларнинг аксарияти тўғри ва ҳалол одамлар бўлишган. Бошқа кўпчилик кишилар қатори Жабборов ҳам лавозим вазифаларини чин дилдан бажарганлиги, Гдляннинг “гапига кирмагани” учун панжара ортига тушиб қолди.

Исмоил Жабборовни 1988 йил 19 октябрда қамоққа олишган. Унга Навоий вилоятидаги Қизилтепа пахта тозалаш заводи директори Усмоновдан, Ўзбекистон гўшт-сут саноати вазирлигига қарашли Бухоро музхонаси (холодилниги) директори Аҳмедовдан ва Бухоро вилоят партия қўмитаси ходими Ҳалимовдан бир неча марта пора олган, деган айбни тўнкашди. Аммо Жабборовнинг айтишича, унинг учун турма йўли анча илгари бошланган, вилоят партия қўмитаси биринчи котиби эканлигидаёқ унинг ўз иш кабинетида Гдлян билан дастлабки учрашувлари, можаролари бўлиб ўтган.

Жабборов вилоят партия ташкилоти котиблигига сайлангандан кейин ташкилотни мустаҳкамлаш, вилоятдаги вазиятни соғломлаштириш, партия сафларини ўзига доғ туширган тасодифий кишилардан тозалаш учун кўп ишлар қилди. Бу ҳақда биз фақат расмий ҳужжатлар, Жабборовга берилган тавсифномалар орқалигина билиб қолмадик. Ўз раҳбарини ҳимоя қилган оддий коммунистлар ҳам шу ҳақда сўз юритишди. Демак, Жабборовнинг мақсадлари ўз қаҳрамонона фаолиятини Бухоро вилоятидан бошлаган Гдлян ва унинг гуруҳи муддаолари билан мос тушиши керак эди. Ахир Гдляннинг ўзи ҳам бутун умр партиядаги мафия, давлат маблағини ўзлаштирувчилар, ўғри-муттаҳамларга қарши курашиб келганлигини доим таъкидлаб айтган-ку. Аммо гап бошқа ёқда эди. Ўйланган ўйин чиқмади. Агар холисона гапириладиган бўлса, улар чучварани хом санаш-

ганди. Агар биринчи котиб сўзда эмас, балки амалда тартиб ўрнатган бўлса, Гдлян эса доим ўзини гўё мафияга қарши курашаётган қилиб кўрсатиб, усталик билан иш кўрди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ва савдо ходимларидан бир гуруҳи давлат хавфсизлиги терговчилари томонидан қамоққа олинганидан кейин Гдлян ишни ўзига қабул қилиб олиб, уларга қарши далиллар йиғишга киришди. Унинг ўзи ҳам, терговчилари ҳам, жуда жўн схема асосида иш олиб боришди: магазин мудирлари, бўлим бошлиқларини хушхушларига чақиришиб, қамоққа олинганларга пора берганликлари ҳақида гувоҳлик бермагунларича ҳол-жонларига қўйишмади. Кўплари пора берганликларини тан олиб, харидорларни алдаш, улардан уриб қолиш ҳисобига ўзлари пул йиғишларини, унинг бир қисмини Бухоро шаҳри ва вилоятдаги савдо идораларининг раҳбарларига беришларини айтишди. Пора ҳажми бир неча ўн минг сўмдан бир неча юз минг сўмгача борарди. Масалан, Қориева ҳамда Сатторова 222 минг сўм, Орипов 114 минг сўм, Қосимов 150 минг сўм берганлигини айтган.

Пора берганларнинг ҳаммасини Иванов жавобгарликдан озод қилган. Бунда улар пора берганликларини гўё ўз ихтиёрлари билан келиб айтганликлари рўқач қилинади. Қонунда шундай асос кўзда тутилган, аммо ҳамма гап шундаки, Гдлян билан Иванов бунда қонунни четлаб ўтишган. Гувоҳлик берувчилар ҳеч вақт ўз ихтиёрлари билан келишмаган, уларни сўроққа чақириб, узоқ вақт “қийин-қистовга” олишган, шундан кейингина “ихтиёрий” равишдаги аризалар дунёга келган.

Гдлян Иванов билан биргаликда бу шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этибгина қолмай, балки уларни ўз ишларида қолдиришни сўраган, ҳатто талаб қилганлар. Ҳамма гап шундаки, Гдлянга яхшими-ёмонми, виждонлими-виждонсизми, бундан қатъи назар, гувоҳлар керак бўлган, фақат улар Гдлян учун зарур гувоҳликлар беришса бас эди. Кишиларни кўндиришга уринишар, уларга пўписа қи-

лишар, гувоҳлик берганларидан кейин ҳеч қандай номатлуб оқибатлар келиб чиқмаслиги учун ҳамма чорани кўрамиз, деб ваъдалар беришарди. Гдлян билан Иванов шундай ишлар, шундай фикр юритарди. Аммо Жабборов бошқача ўйлар эди. У қуйидагича қатъий йўл тутди: кишилар жиноий жавобгарликдан озод қилинишлари мумкин, аммо улар башарти жиноят қилган бўлсалар, алдамчилик, ўғрилиқ, порахўрлик қилган бўлсалар, партия сафида қолишлари, савдода, ички ишлар органларида раҳбарлик вазифаларида ишлашлари мумкин эмас. Унинг тутган йўли жуда аниқ ва мутлақо тўғри йўл эди. Шундай фикр-мулоҳаза юритган Жабборов виждонидан айрилган носоғлом кишиларни партиявий йўл билан текшириш, партия ташкилотларини бундай кишилардан тозалаш ҳақида кўрсатма берди. Бундай одамлар асосли равишда партиядан чиқарилиб, ишдан бўшатила бошлади. Гдлян эса бундан ҳазилакамига ташвишга тушиб қолмади. У қандай гувоҳликлар берилиши мумкинлигини билганлигидан, гувоҳлардан айрилиб, эндигина зўр-базўр эпақага келтириб олган далилларга эга бўлишнинг бутун бир тизимидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин эди.

Вилоят қўмитаси ва унинг биринчи котиби тутаетган йўли ҳақида Москвага маълумот беришади. Механизм ишга тушади. 1987 йил охирида терговчилар Навоий шаҳрига – Жабборовга телефон қилиб, уни сўроқ бериш учун келишини таклиф қилишди. Уч-тўрт марта телефон қилишдию, аммо тергов қандай масала хусусида ўтказилиши ҳақида лом-мим дейишмади. Лекин улар бу борада унча қатъиятлилиқ кўрсатмадилар, чамаси, уларга бу тергов унчалик зарур эмасди. Ҳар қалай телефон орқали боғланишга психологик аҳамият бериб, ўзлари ҳақида эслатиб қўймоқчи бўлишган ёхуд партия сафларини тозалаш ишига хотима беришга уринишган чоғи.

1988 йил бошларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасидан кўнғироқ қилишиб, Марказкомнинг иккинчи котиби Анишчев номидан гапиришиб, қўрилатган чо-

ра-тадбирлардан норози эканликларини айтишган. Шундан кейин “Правда” газетасида “Олтин устидаги кобралар” номли мақола чиқди. Унда Бухоро вилоят партия қўмитаси гдлянчилар олиб бораётган жиноий ишлар бўйича гувоҳларни таъқиб қилишяпти, деб танқид қилинганди.

Вилоят партия қўмитаси бюроси мазкур мақолани муҳокама қилиб, унга тамомила қўшилмаслигини изҳор қилди. Муҳокама натижалари юзасидан “Правда”га хат йўлланиб, мақолага эътироз билдирилган ва ҳақиқий аҳвол тушунтирилиб, хатни газетада босиб чиқариш сўралганди. Аммо хат босиб чиқарилмади. Уни прокуратурага, ўша Гдляннинг ўзига юборишди.

Жабборов билан Гдлян ўртасидаги муносабат аста-секин таранглаша борди. Гдлян эътирозни ёқтирмас ва рақиблари билан ади-бади айтишиб ўтирмасди. У ўзига ёқмаган кишилардан ўч олмасдан қўймаган. Боз устига, Гдлянни ҳамма нарсага қудрати етадиган шахс қилиб кўрсатиб, ССРИ халқ депутатлари қурултойида ҳатто Бош прокурорлик лавозимига ундан кўра муносиб номзод йўқ деб, оғиз кўпиртиришаётган бир вазиятда Жабборовни бир ёқлик қилиш унчалик қийин эмасди.

“1986 йил май ойидан бошлаб Гдлян билан Иванов менинг устимдан салбий мазмундаги маълумотларни йиға бошлаган, – дейди Жабборов. – Тергов гуруҳи аъзолари озодликдан маҳрум этилганлар сақланаётган жойларда, Бухоро ва Навоий вилоятларидан ҳукм қилинганларнинг олдига кириб (Жабборов узоқ муддат Навоийда ишлаган) менга пора берганликлари ҳақида гувоҳлик беришларини талаб қилган. Масалан, Қизилтепа район партия қўмитаси собиқ биринчи котиби Н.Ҳикматовни менга пора берганлиги ҳақида гувоҳлик бериши учун аввал илтимос қилишган, кўндиришга уринишган, сўнг кўрқитиш, дўқ-пўписа йўлига ўтишган. Иванов бўлса сурбетлик билан “Гарчи Жабборовга пора бермаган бўлсанг ҳам, барибир берганман деб ёзавер, ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр – буни биз яхши биламиз”, деган.

Жабборовни оғир жиноятлари учун қамоққа олинган ёки ҳукм этилганлар “фош” қилди. Чунки узоқ муддат ҳибсда сақланганликдан, қўпол муомаладан, жисмоний ва руҳий қийноқ-азоблардан иродаси букилган бу киши учун барибир бўлиб қолган. Терговчилар бирон кимса ҳақида гувоҳлик беришни сўраса, улар “гувоҳлик” бераверган. Гоҳо улар учун бировга тухмат қилиш озодликка чиқишларига имкон берадиган бирдан бир нажот йўли бўлиб туюлган.

Ғиждувон район партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Раҳимов, Ғиждувон районидаги “Халқобод” жамоа хўжалиги раиси Ўрунов ва бошқалар отишга ҳукм қилиш билан қўрқитишлар остида Жабборовга тухмат қилган.

Дарвоқе, Гдлян гуруҳи терговчиси И.Боров Бухоро вилояти партия қўмитасига энди қаршилиқ қилишмаса керак деган ўй билан 1989 йил 29 мартда Жабборов қамоққа олинганидан кейин хат йўллаган. Терговчи ёзади: “ССРИ прокуратураси Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси ташкилотининг собиқ директори Қудратовни порахўрлик ва бошқа хил жиноятларда айблаб, унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини кўриб чиқди....Мазкур иш юзасидан шу савдо бошқармаси ходимлари гувоҳ сифатида қатнашдилар. Ҳукм чиқарилганидан кейин улардан кўплари расмиятчилик асосида гўё Бухоро вилоят партия қўмитаси бюросининг қарори борлигини рўкач қилиш билан эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилган. Мазкур ҳолатни текшириб кўришни ва қуйида номлари зикр қилинган фуқаролар Орифов, Қосимов, Сатторова, Қориевага... мутахассислиги бўйича ишга жойлашишда ёрдам беришни сўрайман”. Хатда жами 23 кишининг фамилияси кўрсатилган...

Бухородаги оилавий қамоққа олишлар Жабборовга ҳам яхши маълум эди. Одамларни ярим тунда бирдан қаергадир олиб кетишар, сўнгра ойлар, йиллар ўтиб, улар уйларига қайтишарди, баъзан эса умуман қайтишмасди ҳам. Гдлянга сўроққа чақирилган Маҳмуд Мирзабоев ҳам худди шундай қайтиб келмаган кишилардан эди. Эртаси куни унинг жасадини тергов гуруҳи жойлашган бино яқинидан топишди.

Биринчи сўроқ пайтидаёқ Гдлян шу ҳақда эслатиб қўйган: “Сен бизнинг Бухородаги ишларимиздан бохабарсан-а. Биз билан ҳазиллаша кўрма. Сени ҳеч ким ҳимоя қилмайди, ҳаммаси ўзидан қўрқади. Ҳозирги лавозимингда ишлаётганингга кўп вақт бўлмаганлиги учун сенга 40 кишилиқ топширик берамиз, жами бўлиб 300 минг сўмлик порани кимлардан олганингни айтасан”. Шундан кейин бир варақ тоза қоғоз бериб, пора берганларни номма-ном кўрсатишни буюрган... “Билиб қўй, – дейди у, – ҳаётинг бизнинг қўлимизда, сен ё айтганимизни қиласан ёки оқибати ёмон бўлади”.

Жабборовнинг иродасини букишди. Оқибатда у ҳеч қачон қилмаган ишини бўйнига олди. У шундай хотирлайди: “Якка хонада сақланган дастлабки кунларимданоқ мен худди ёмон туш кўраётгандек талвасада эдим – турмада ётишим, оиламдан узокдалигим, шармандагарчилик – буларнинг ҳаммаси руҳимга қаттиқ таъсир қилди. Қачон ҳушимга келганимни эслай олмайман... Бир ҳафтадан кейин Каракозов келиб, Гдлян билан Иванов илгари орамизда бўлган келишмовчиликлар туфайли мен билан учраша олмасликларини, шу боисдан мени ўзи сўроқ қилажагини айтди. “Ёдингда бўлсин, – деди у, – сен бу ердан чиқиб кетолмайсан, сен тамом бўлган одамсан. Башарти, биз тарафга ўтиб, қўйилаётган айбларни тан олсанг, энг олий жазодан қутулиб қолишинг ва энг кам муддатга озодликдан маҳрум қилинишинг мумкин. Айни чоғда оиланг ва қариндош-уруғларинг ҳақида ҳам ўйлаб кўр. Акс ҳолда ҳар нарса бўлиши мумкин”.

Жабборов ҳибсдаги бошқа одамларга қўшилмай алоҳида қамоқхонада ётар экан, улар истагандек гувоҳлик берди.

Аммо порахўрлик ҳақидаги ишлар худди ғирром қимор каби, бирин-сирин чиппакка чиқиб борди. Гдлян эса бундай ишлардан юзга яқинини ўйлаб чиқарган эди. Жабборов қанчадан қанча одамларга туҳмат қилди. Умуман олганда, улар айни вақтда бир-бирларига туҳмат қилишарди. Туҳмат асосий “далил” бўлиб хизмат қиларди, ҳақиқатда пора берганлик ва олганликни ҳеч нима билан исботлаб бўлмасди.

Масалан, Жабборов ўзига пора берган одамнинг манфаати йўлида бирон иш қилганлигини асло аниқлаб бўлмаганди. 300 минг сўм пора олганликда айбланган Жабборовнинг уйдан эса бир неча бор тинтув қилинганда 515 сўм пул, 2 минг сўмлик заргарлик буюмлари, 100 сўмлик облигация топишди, 4 минг сўмликдан зиёд мол-мулк хатланди. “Ашаддий” порахўрнинг бор-буди, бутун бойлиги шугина эди.

Шундай бўлса-да, прокуратурада узил-кесил қарорни суд қабул қилгани яхши бўлади, деган қарорга келишди. Чунки бу пайтда прокуратура шаънига гдлянчилар ишини барбод этипти, мафияни ҳимоя қиляпти, деган айблар тўнкашмоқда эди.

Тошкент шаҳар судида кўрилган иш юзасидан суд оқлов ҳукми чиқарди ва Жабборовни суд залининг ўзида қамокдан озод қилди. Шу ҳукм билан бирга суд ССРИ Бош прокурори номига хусусий ажрим чиқарди ва тергов давомида қўйилган айблар, пора олганлик ва берганлик ҳақидаги фактларнинг ҳаммаси уйдирма эканлигини, айбсиз одамга нисбатан жабр-зулм қилинишига йўл қўйилганлигини қайд қилиб ўтди. Суд Бош прокурордан Гдлян билан Иванов ҳамда бошқа баъзи терговчилар йўл қўйган қонунсизликни албатта текшириб чиқишни талаб қилди. Шу тариқа Жабборов ҳибсда бир йилу тўрт ой ушлаб турилганидан кейин олис йўл тугади, таҳқирлашлар, тухматлар шу тарзда хотима топди.

* * *

Назир Ражабов Жабборовга қараганда камроқ – 9 ой қамокда бўлди. Иккаласини ҳам бир кунда: 1988 йил 19 октябрда ҳибсга олишган эди.

Н.Ражабов 1939 йилда туғилган. Ўнинчи синфни битиргандан кейин политехника институтига кириб ўқийди, кейин Қozoғистондаги заводлардан бирида муҳандис-конструктор бўлиб ишлаган. Шундан сўнг жонажон юрти Ўзбекистонга қайтади. У мансаб бобида жуда катта муваффақиятга эришди – 36 ёшида Бухоро вилоят партия қўмитасига

котиб бўлди, 39 ёшида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудирини этиб тасдиқланди. Унинг ўтқир ақл эгаси, билимдон ва ажойиб ташкилотчилик қобилиятига эгаллигини тезда пайқаб олишди. У ССРИ ва Ўзбекистон давлат мукофотлари соҳибиди. Ражабовни порлоқ келажак кутарди. Аммо, афтидан, у бу ҳақда ҳаммадан кўра камроқ ўйларди. Юборган жойларида виждонан ва ҳалол меҳнат қилди. Қишлоқ қурилиши вазирини бўлиб ишлади, тўрт йил Наманган вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлди, 1987 йилдан жиноий жавобгарликка тортилгунига қадар Самарқанд вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби эди.

Нима сабабдан Гдлян Ражабовни ўзининг навбатдаги қурбони қилиб танлади? Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Биринчидан, бунга Ражабовнинг хизмат соҳасида босиб ўтган йўли сабаб бўлди. Ражабов жуда кўп нарсадан хабардор, бинобарин, агар “обдан ишланса”, Тошкентдаги, шунингдек, Москвадаги юқори мансабдор кишилар ҳақида ҳам маълумот бериши мумкин, деб ҳаёл қилишди. Иккинчидан, ақл-идрок, истеъдод ва заковатда, хизмат мансабида ўзидан устун турувчиларни Гдляннинг жини суймасди. Башарти, унинг йўлида шундай одамлар учраб қолгудай бўлса, албатта улар билан ўртасида низо чиқарарди. Шундай пайтларда унинг олчқлиги тутар, бундай истеъдод соҳибларини чақиб олиш, ерга уриш ва умуман эзиб ташлаш ўтида ёнарди.

Гдлян Ражабовга қарши шу қадар ваҳшиёна усулларни ишга солишининг учинчи сабаби яна шунда эдики, у ҳамманинг олдида 19-партия конференциясида порахўр делегатлар ҳам қатнашаётгани, ҳатто уларни кўрсатиб бериши ҳам мумкинлиги ҳақида хом-хатала ваъда бериб қўйганди. Ҳолбуки, бу пайтда у ҳали асосли фактларга эга эмасди.

Ражабов ўн кун давомида бирон кимсадан пора олганлиги ёки бирон кимсага пора берганлигини батамом инкор этди. Унга ишонишмади, гувоҳлик беришини талаб этишди. Яна рад жавоби олишди. Шундан сўнг гапга унамайдиган бу

одамни “тобига келтириш” учун бисотларида бор усулларни ишга солишди.

“Қирқ кишидан пора олганингни ўз ихтиёринг билан ёзиб бер, – дейди Гдлян. – Унда Намангандан ўн киши ва Бухоро ҳамда Тошкентдан ўттиз кишининг номи зикр қилинган, жами 400 минг сўм пора олганлигинг кўрсатилган бўлиши керак, бундан ташқари 12-15 кишига пора берганлигингни ёзишинг, шундан икки-уч киши албатта КПСС МК аппаратида бўлиши лозим. Агар ёзмасанг, турмалар ва зоналарда сақланаётган кишилардан бир миллион сўм пора олганлигингга гувоҳлар топамиз ва отилишингни таъминлаймиз. Агар сен ўлимга ҳукм қилинганлар камерасига тушмасанг, мен эркак эмасман. Сен ҳақингда газета ва журналларда ёзамиз, ҳамма мухбирлар ўзимизнинг одамлар. Коротичдан илтимос қилсак, бас, “Огонек” журнали саҳифасида сен ҳақингда салбий мақола босилиб чиқди деявер, шундай шармандангни чиқарайликки, яратилганларингга пушаймон бўласан. Шуни ҳам айтиб қўяй, қариндош-уруғларинг билан ҳеч қачон кўришолмайсан, ҳатто мурдангни ҳам олишолмайди. Ўт билан ўйнашма, Ражабов. Агар мен айтганимдек қилсанг, кўпи билан бир ярим-икки йилдан кейин уйингда бўласан”.

Ражабовнинг қаршилиги “синдирил”ди. У ҳам ўзини ўзи “фош этиб” бошқаларни “айблай” бошлади. 1988 йил 26 декабрда ариза ёзиб, унда “ўттиз уч кишидан пора олганлигини ва республиканинг раҳбар ходимларидан ўн кишига пул берганлигини ёзади. Улар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг ҳамма котиблари бор эди.

Ражабов бу терговчиларга ҳақиқатнинг умуман керак эмаслигини англаб олди ва улар билан ўйин бошлади, умрида бўлмаган нарсаларни бўйнига олаберди, пул бериш, пора олиш билан боғлиқ уйдирмаларни тўқиб чиқара бошлади.

Жумладан, у 1988 йил 12 ва 19 ноябрда ёзган аризаларида 1981 йил январ-февралда Москва шахрига хизмат сафарига борганларида Шамсутдиновдан икки минг сўм миқдорида

пора олганлигини кўрсатган. Аммо Гдлян гуруҳига кирмаган терговчилар томонидан бу иш текшириб чиқилганида Шамсутдинов Ражабов билан бирга Москвага ҳеч қандай хизмат сафарига бормаганлиги, шу сабабдан унга пора бериши мумкин эмаслиги ва бошқа шу каби қатор ишлар ҳужжатлар асосида тасдиқланди.

Яна бир мисол. Ражабов 1988 йил 12, 19 ноябрда ва 4, 9, 26 декабрда сўроқ берганида 1984 йилда Чуст районидаги Ленин номли жамоа ҳўжалиги раиси Рафиқ Сотиболдиевдан 3 минг сўм олганлигини айтади. Наманган агросаноат бошқармасидан маълум қилишларича, вилоятда Сотиболдиев фамилияли жамоа ҳўжалиги раиси ёки давлат ҳўжалиги директори тугул, бундай одамнинг ўзи ҳам мутлақо йўқ экан. 1980 йилдан бошлаб Чуст районидаги Ленин номли жамоа ҳўжалигига Ҳабибулла Абдуллаев ва Йўлдошбой Рафиқов раислик қилишган. Бу ишдаги бошқа маълумотлар билан ҳам тасдиқланди.

Гдлян билан Иванов Ражабовни қонунга хилоф равишда ҳибсда ушлаб турганликларига ишончлари комил эди. Унинг айби ҳолисона ҳеч қандай далил билан тасдиқланмади. Уйда, иш жойида ўтказилган тинтувлар ҳеч қандай натижа бермаганлигини улар жуда яхши билишарди. Шунингдек, ўз “мижозлари” камтарин ҳаёт кечиришидан ҳам улар хабардор эдилар. Оператив маълумотлар, шу жумладан, тергов изолятори маъмуриятининг камералар бўйича ёрдамчиларидан олинган маълумотлар ҳам уларга маълум эди. Ҳаммасидан хабардор эдилару, аммо кишиларни ҳўрлашни қайсарлик билан давом эттирмоқда эдилар.

Изолятор маъмуриятининг камералар бўйича ёрдамчиларидан бири Егор Матвеевич шундай ҳикоя қилади: “Фикримча, Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоят партия кўмитаси собиқ биринчи котиби Назир Ражабовнинг тақдири ғоятда фожиали. У Гдлян билан Ревеко унинг бўйнига қўйишга уринган сохта жинойтларга қарийб бир ой чамаси зўр бериб қаршилиқ кўрсатди... Ражабов гўё ўз пул-

ларини “сақлашга олган” давлатманд фуқаролар, ўз дўстларининг номларини кўрсатишга мажбур бўлди. Ражабовнинг пора олганлик ва берганлик ҳақидаги гувоҳликлари ҳам ғирт уйдирма. “Нима ҳам қилардим, – деган эди Ражабов менга, – менинг бошқа иложим йўқ, акс ҳолда мени отишадди, оиламни ҳам омон қўйишмайди”.

Гдлян гуруҳи Ражабов теварагида бўхтонни шу қадар чигаллаштириб ташлаган эдики, Гдлян билан Иванов ишни олиб боришдан четлаштирилганларидан кейин янгидан тугзилган терговчилар бригадаси ишнинг тагига етиши учун анча-мунча вақт керак бўлди. Ражабовга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор 67 варақдан иборат эди. ССРИ Бош прокурорининг ёрдамчиси В.С. Галкин мавжуд материалларни икир-чикирларигача обдан таҳлил қилиб чиқди, жиноят таркиби йўқлиги сабабли иш нима сабабдан тугатилаётганлигини ишончли далиллар асосида кўрсатиб берди.

Одамларни асоссиз равишда қувғин қилиш ва қамоққа олиш, қалбаки ва сохта ҳужжатлар тайёрлашдан иборат яна бир мудҳиш саҳифага хотима қўйилди. Аммо адолат тантана қилишига, ғалаба нашидасини ҳис этишга ҳали эрта эди. Қонунсизлик айбдорлари қонун чиқарувчи ҳокимият ўриндиқларида ўтиришган эди.

МУСАХОНОВЛАР

Майли, у катта бир вилоятнинг раҳбари бўлсин, лекин бир миллион рубл миқдорида пора олишни ақлга сиғдириб бўладими? Агар 1987 йилларда янги “Жигули-06” русумли автомобил нархи 5000 рубл атрофида бўлганини ҳисобга олсак, 1 миллион рубл 200 та машинанинг пули эканлигини англаш мумкин. Бутун вужуди билан коммунист бўлган, социализм принципларига қатъий амал қилиб яшаган, коммунизм қуришга ишонган, 1970-1985 йилларда Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Мирзамахмуд Мусахоновда шунча маблағ бўлганига бирорта ҳам соғлом ақл эгаси ишонмайди. Шунга қарамай, 1985 йили нафақага чиққан Мирзамахмуд аканинг тинч ва осуда кунлари икки йилга чўзилди, холос.

1987 йилнинг 20 августида у собиқ иттифокдан жуда катта ваколатлар билан юборилган “десантчи”лар гуруҳи етакчиси Телман Гдлян томонидан “пахта иши” бўйича қамоққа олинди. Республикада ҳамма ўзбекларни “жиноятчи ва порахўр” деб бутун оламга жар солган Гдлянга шов-шув керак эди. Бунинг учун Ўзбекистондаги раҳбарлик лавозимида ишлаётган барчани элакдан ўтказиш, айби борми-йўқми, “порахўр” деган тамғани пешонасига босиш керак эди.

Шундай ҳам бўлди. Бухородан бошланган “ов” аста-секин пойтахтга ҳам етиб келди. 76 ёшни қаршилаган собиқ обком секретари қамоққа олинди. Кекса коммунист – 1976 йили Социалистик Меҳнат қаҳрамони, Ленин ордени ва “Ўроқ ва болға” медали соҳиби, 1976-1986 йилларда КПСС МК аъзоси, ССРИ Олий совети депутатлигига сайланган собиқ коммунист хайрон бўлганча, КГБ ертўласида “кимдан қанча пора олгани”, “кимга қанчасини бергани” ҳақида сўроқ бера бошлади...

Гдлян ва Ивановнинг махфий суҳбатидан:

Иванов: – Тошкент вилоятининг собиқ раҳбари М.Муса-

хонов нафақада-ку, қамайвераизми?

Гдлян: – Бизга фарқи йўқ, гўрга кирмаган бўлса, бўлди. Чақир ва кама. Айб топамиз. Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Хотини ва қизлари билан қўрқитсак, истаган қоғозингга қўл қўйиб беради. Бизга кўп пул керак! Тушуняпсанми, жуда кўп. Бунақа собиқ раҳбарлар орқасидан ҳам катта пул ишлаб олишимиз мумкин. Отаси қамалиб кетмаслиги учун ер тагидан бўлсаям топиб келишади. Қани, ишга кириш, фойдаланиб қолиш керак, укам!

Иванов: – Бўлди, бажараман...

Шундай қилиб пенсияга чиққанига 2 йил бўлган Мирза-махмуд Мусахонов порахўрликда айбланиб қамоққа олинади. Тергов ва суриштириш жараёни Гдлян сценарийси бўйича давом этади. “Пора олганман ва берганман, аммо ўз айбимга чин кўнгилдан иқрорман”. Мана, М.Мусахоновдан талаб қилинган кўрсатма. Шуни ёзиб берса, бўлди, бемалол қарилик гаштини суриши мумкин экан.

Умрининг катта қисмини эл-юрт хизматига бағишлаган, бунинг учун собиқ иттифоқнинг энг юксак унвонлари билан тақдирланган, нуфузли раҳбар сифатида катта обрў-эътибор қозонган коммунист, етарлича ҳаётий тажрибага эга инсон илк сўроқдаги бу пўписадан қўрқиб кетмади, албатта. Пенсиядалигини, йўқотадиган лавозими йўқлигини, муҳими, бировдан пора олмагани ва бермаганини дангал айтди. Рус тилида равон сўзлайдиган М.Мусахоновнинг гаплари қатъий эди.

Қамоқ, асабни ишдан чиқарувчи саволлар, таҳқирлаш “наф” бермади. Асл мақсад – “миллион”ларнинг топилмагани Гдляннинг тинчини бузди: “Наҳот, бир пайтлар республика энгил саноат вазири, Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгашининг котиби, Давлат план комитетини бошқарган, Ўзбекистон ССР Олий советининг раиси лавозимида ишлаган, энг йирик вилоятга раҳбар бўлган одамда пул бўлмаса? Наҳотки?!”. Мана шу аламли савол уни эс-хушидан айирди, буткул ваҳший ҳайвонга айлантирган.

Собиқ обком котибининг ўғли Мирзаюсуф ва қизлари Сожида ҳамда Нафисалар қамокқа олинган. Улардан ҳам отаси яширган пулнинг қаердалиги сўралган. Кейин юзга яқин киши сўроққа тортилди:

– Хўш, ҳалиям кўрсатма бермайсизми? – дея совуқ тиржайди Гдлян.

– Фарзандларимни тинч қўй, уларни бу ишга аралаштирма! – деди нафаси қиса бошлаган Мирзамаҳмуд Мусахонов.

– Унда, мана бу кўрсатмани қайтадан ёзиб беринг.

Мирзамаҳмуд Мусахонов олдиндан тайёрлаб қўйилган “икрорнома”га нигоҳ ташлади. Не кўз билан кўрсинки, бутунлай тухматдан иборат кўрсатмада сўроққа тортилган-тортилмаган ўнга яқин раҳбарларнинг исм-фамилиялари бор эди. Қон босими ошиб кетган М.Мусахоновнинг юзлари қизарди, қоғозни қўшқўллаб нарига сураркан, “Бу кип-қизил бўхтон-ку”, деди жаҳл билан.

– Сиз ва оила аъзоларингизга озодлик керак, менга эса мана шу қоғоз!

– Имзо чекмайман! Исбот талаб қиламан! Мана шу одамларнинг лоақал учтаси билан юзлаштиринг-чи, қани кўзимга қараб нима дейишаркан?

– Исботми, марҳамат. Қани, эшик олдига келинг-чи?

Аранг қаддини ростлаган М.Мусахонов қия очиқ эшикдан йўлакка хавотир билан қаради. Кўзларига ишонмади. Қўлларига кишан солинган икки қизи мунғайиб турарди.

– Уларни нима қилмоқчисизлар? – йиғламсираб сўзлади ота.

– Нима қилардик, турмага тикамиз, кейин кўзига қон тўлган “зек”ларнинг олдига киритамиз...

– Ярамас! – ғазабланган М. Мусахоновнинг муштлари титраб кетди.

Отанинг руҳи тушиб, оёқларида куч қолмади, жойига зўрға ўтирди. Кўзига “икрорнома” ва унинг ортидаги мислсиз хўрликлар эмас, суюкли қизларининг қамокхонадаги аянчли ҳолати кўринди... Гарчи иродаси тоғдек метин бўлмасин, гап қизларининг ор-номуси, келажагига келиб тақалганда, бўшлиқ қилди, “тухмат”ларга кўнишга мажбур бўлди.

Тухмат – қанчалар оғир гуноҳ. Бироқ Гдлян ва Ивановнинг терговлари ёлгон кўрсатмалар билан миллатдошларни, қариндошу жигарларни бир-бирига қайрашга қаратилган ўта разил жиноят эди. Унинг қурбони бўлганлар ўз жонларини сақлаб қолиш учун эмас, қамоқда ҳам ўлолмагани учун виждонига қарши иш тутган...

М.Мусахонов ёзган “икрорнома”да Пискент район партия комитетининг биринчи котиби Учқун Баҳодировдан 10000 рубл пора олгани, Ўзбекистон Марказий комитетининг котибаси Раъно Абдуллаевага 15000 рубл пора бергани ва яна бир қанча шахсларнинг фамилиялари бор эди.

Умуман, Мирзамахмуд Мирзааҳмедович Мусахоновга терговчилар миллион-миллион сўмлаб пул йиққансан ва энди ўша пулларни қайтаришинг керак, деб уқтириб келишган. Мирзамахмудни фақат “айбингни бўйнингга олишинг” ва етказилган “зарар”ни қоплашинг сени ўлимдан қутқариб қолади”, деб ишонтирганлар. Рухий ва жисмоний тазйиқлардан чарчаган М.Мусахонов одамларга тухмат қилган, ҳеч қандай айби бўлмаган болаларини “фош қила бошлаган”, улардан пулларни тўплаш, топиш ва келтириб бериш орқали ўзига озодликни “сотиб олиб беришларини” сўраган. Унинг ўз фарзандларига қилган мурожаати видео-плёнкага туширилади, кейин эса қариндош-уруғларига ва яқин кишиларига намойиш қилинади...

Физика-математика фанлари доктори, Тошкент давлат университети “Физика назарияси” кафедрасининг муdiri Мирзаюсуф Мусахоновни қамоққа олинган куниёқ терговчилар “Бир миллион рубл қаерда?” деб тўхтовсиз саволга тута бошлайди:

– Қанақа бир миллион рубл? – ҳайрон бўлади Мирзаюсуф Мусахонов.

– Отанг яшириб қўйган миллионни сўраяпман! Манзилни айт! – деб дўқ уради терговчи Аслонов.

– Бизнинг оилада бунақа пул йўқ. Отам ҳалол яшаганлар, бировдан пора олмаган.

– Ўзбекистондаги партия ташкилотларининг 95 фоизи жиноятчи – пастдан то тепагача умумий порахўрлик занжирининг бўғинидир! – дейди бу гапга ишонмаган Гдлян афтини бужмайтириб. – Демак, отанг Мусахонов ҳам жиноятчи бўлиши керак.

Профессор Мирзаюсуф Мусахонов собиқ ССРИдагина эмас, балки дунёнинг бошқа қатор мамлакатларида ҳам машҳур олим эди. У Тошкент давлат университетида узоқ вақт самарали ишлаган, ўзининг қимматли илмий асарлари билан кадр топган инсон, ўнлаб иқтидорли олимларни тарбиялаб вояга етказган мураббий, устоз.

У Гдляннинг кўрсатмаси бўйича ҳибсга олинади. Кейин эса отаси томонидан жиноий йўллар билан топилган бойликларни яшириб қўйишда айбланиб қамалади. Оқибатда беш ойдан кўпроқ вақт қамокда азобланиб ётади. Унга қўйилган айблар нафақат қонунга хилоф, балки ҳеч қандай асосга эга бўлмаган бемаъни гаплар эди. Зеро, Мирзаюсуфдан умри давомида ҳеч қачон кўрмаган миллион-миллион пулларни қайтариб беришни талаб қилганлар.

...Инсон боласи ўзига етказиладиган қийноқларга чидаши мумкин, бироқ туғишганлари ва зурриётларининг азобига тоқат қилолармикан? Бунинг устига, терговчилар Мирзаюсуф акага отасининг видеомурожаатини кўрсатиб, “Ана, энди ишондингми, отанг миллионларни тўплаганига? Сен эса бу пулларнинг қаердалигини биласан. Шунинг учун айнан сенга мурожаат қиляпти”, деб турса, одам бу ёлғон кўрсатмадан жинни бўлиши мумкинми? Мирзаюсуф Мусахонов бу кўрсатув дадасига қанчалар қимматга тушганини ҳис этмай қолармиди? Яқинларини қутқариб қолишнинг ягона йўлини излайди...

Мирзаюсуф Мусахоновнинг 1989 йилда Гдлян жиноий ишини ўрганиш ишчи комиссиясига ёзган аризасидан: “27.01.1988 йил. Карташян отамга қарши кўрсатма беришимни талаб қила бошлади. Акс ҳолда узоқ муддатли қамокқа тиқишини, у ёқдан эса қайтиб чиқмаслигимни айтиб

қўрқитишди. Шунингдек, ўзимнинг жиноятчи эканлигимни исбот қилишаркан, гўё мен илмий унвонларимни пулга сотиб олган эканман. Яқинларимнинг барчаси қамаларкан, ҳатто фарзандларим ҳам. Мен пулни қизганиб, отам, сингилларим ва болаларимнинг ҳаётини хавфга қўйиб, уларнинг тақдирига бепарволик қилаётган эканман. Таҳқирлаш, камситиш ва дўқ-пўписа билан босим ўтказишди. Ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Наҳот фарзандларимни қамоққа тикишса, деб руҳан азобландим...”.

Ана шундай босим остида ўтган сўроқлар олимнинг ҳаётини издан чиқаради. Ҳақорат ва хўрлашлар шу қадар ҳаддан ошиб кетадики, оқибатда маънавий камситилган ва иложсиз қолган Мусахонов жигаргўшаларини азоб-уқубатдан сақлаб қолишнинг ягона йўли ўз жонига қасд қилиш, деб ўйлади. Бу сўнгги чора сифатида ҳаёлидан кетмай, кечаси ўзини осмоқчи бўлади.

У бўйнига сиртмоқ солиб, ўз жонига қасд қилишидан бир неча соат олдин ССРИ Бош прокурорига, шунингдек, хотини ва бола-чақаларига хат ёзиб қолдиради:

“Мени отамнинг гўё жиноий йўллар билан топган миллион-миллион сўмлик бойликларини яшириб қўйишда айбламоқдалар. Мен бу қадар кўп бойликлар тўғрисида ҳеч нарса билмаслигимни айтдим ва ҳозир ҳам айтаман... Мен ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолганман. Халқдан ўғирлаб олинган миллион-миллион сўмлик бойликларни яшириб порахўрга ёрдам бергансан, деб менга қўйилган айблардан қутулишнинг, ўзимнинг айбсиз эканлигимни исбот қилишнинг ягона йўли - шу ҳаётдан кетиш, деб биламан. Менинг бу қадамим гарданимга қўйилган ноҳақ айбларга ва шу билан боғлиқ ҳолда менга етказилган изтиробларга қарши норозилик ҳисобланади. Менинг ўлимимда камерада мен билан бирга ётган кишиларни айбламасликларингизни сўрайман”.

Унинг оиласига ёзган хатини ҳам ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди. Унда онгли равишда бу ҳаётни ташлаб кетишга шайланган инсоннинг энг сўнгги изтироблари, энг сўнгги

муҳаббат сўзлари, қалбидаги энг теран видолашувлари, энг сўнгги дил сўзлари баён этилган. Гдлян бу сўзларни ўқиган, билмадим, бу сатрларни ўқиганда унинг юраги бирор лаҳза бўлсин жиз этганмикин? Ўз болаларини ўйлаб у ҳам бир сесканиб қўйганмикин?

“Азизларим, мендан хафа бўлманглар. Мен ҳеч иложсиз аҳволга тушиб қолганман, чунки “адолат суди”нинг ҳайбатли бешафқат бало-қазоси менинг устимга бостириб келмоқда. Уни менинг устимга қандайдир оддий бир одам эмас, балки М.М.М.нинг шахсан ўзи юбормоқда. Мен уни ҳам қораламайман, мен ўз фарзандларини ҳам ғажиб ейишга қодир бўлган афсонавий махлукқа айланишни истамайман”.

Бу мактуб – ўзининг айбсиз эканлигини исбот қилишга ҳаракат қилаётган киши қалбининг сўнгги нидоси эди. Қаранг, у нима дейди: “... Мен ўз фарзандларини ҳам ғажиб ейишга қодир бўлган афсонавий махлукқа айланишни истамайман”. Мактубда бундан ташқари яна унинг устига “шахсан М.М.М. ҳайдаб келаётган ҳайбатли бало-қазо, “адолат суди” тўғрисида гап боради. Хўш, бу сатрларнинг остида қандай маъно яширинган? М.М.М. деганда Мирзаюсуф ўзининг 76 ёшли отаси Тошкент вилояти партия кўмитасининг собиқ биринчи котиби, порахўрлиги учун қамоққа олинган Мирзамахмуд Мирзааҳмедович Мусахоновни назарда тутган.

Гдляннинг кўрсатмаси билан қамоққа олинган Сожида Мусахонова ўша вақтда Тошкент давлат университетида илмий ходим бўлган. Уни акаси билан бир кунда ушлаб кетишади ва қамоққа оладилар. Уни ҳам отаси жинойий йўллар билан йиққан кўп миллион сўмлик бойликларни яширишда айблашади. У тергов изоляторларида худди акаси каби беш ой ўтиради. Фақат орадан бир йил ўтганидан кейингина унга қўйилган айблар батамом олиб ташланган...

Сожидадан ҳам гўё яшириб қўйилган “миллион”ларни аниқлашда, айниқса, терговчи Карташян жонбозлик кўрсатади. Шундоқ ҳам изтироб чекаётган Сожида отасининг

бир аҳволда берган видеомурожаатини кўриб ўзини қўярга жой тополмай қолади. Отаси ўзида эмасди, қандайдир психотроп дорилар таъсирида эди, онгини йўқотиб, “зомби”га айлантирилганди...

Кекса отасининг тортган азобларини кўтаролмаган Сожида К.Умаров, М.Мажидова ва Х.Абдуллаевга нисбатан ёлғон кўрсатма беришга мажбур бўлади. Карташяннинг алдов, қўрқитув, руҳий азоблари ва айтиб туриб ёздириш орқали олинган “икрорнома”сида Сожида гўё отасининг қимматбаҳо буюмларини сақлаётган шахсларнинг фамилияларини қайд этган.

Бундай кўрсатма беришга ўша биргина видеомурожаат сабабми? Аслида, гап бошқа ёқда: қўрқув, асабнинг тоқат қилолмай қолиши, вазиятни, яъни айни пайтдаги ҳолатни англолмай қолиш – иродани йўқотиш каби омиллар-чи? “Агарда ёзмасанг, отанг отилади! Эринг ва қизинг қамалади! Қариндош-уруғларинг репрессия қилинади!”.

Сўроқ вақтида терговчилар, камерада эса 22 ёшли қотил аёл - З.Жуманиёзованинг тазйиқ ва “ишлов”лари, “Эринг қамалди, ҳозир ўлимга маҳкум этилганлар билан бир камерада, қизинг ҳам қамокда, опанг аллақачон айбдор деб топилган, ўғлингни болалар уйига бериб юборишди! Аканг бир ўлимдан қолди, турмада ўзини осган экан, энди отанг қамокда чирийди ва унинг қабри темир панжара ортида қолиб кетади”, каби дағдағалари ёки Гдляннинг: “Отанг бойлигини қаерга кўмган, саноат олтинлари қаерда, тилладан ишланган ҳайкаллар ва тангалар қани?! Сен ҳам порахўрсан, мафияга алоқадорсан, очкўз аёлсан! Отанг сени деб хор-зор бўлиб ўлиб кетади! Пулни деб отангнинг ҳаётини хавф остига қўйяпсан”, дея ўшқиришларини шунчаки қабул қилиш мумкинми?

Тўйиб ухламаслик, овқатланмаслик, тўхтовсиз сўроқдаги руҳий қийноқлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Карташян бошини чангаллаган аёлнинг ҳолдан тойганига ишонмай, сувга нимадир қўшиб беради ва ана энди айтиб турганини осонлик билан “ёздириб” олаверади.

Бу ҳақда унинг ўзи шундай кўрсатма берган: “1988 йилнинг 14 ноябр куни менга дадамнинг иккинчи марта ёзма мурожаат қилган хатини кўрсатишди. Хатни ўқиб юрагим яна ёмон бўлиб қолди, англадимки, биз ҳаммамиз тузоқдамиз. Чойнақдан нимадир қуйиб узатишди, ичишга қўрқдим. Сўроқ ярим тунгача давом этди. “Отанг иккинчи марта сенга хат ёзипти, миллионларнинг қаердалигини фақат сен биларкансан, агарда уни бизга топширмасанг, даданг нафақада қарилик гаштини суриш ўрнига қамоқда итдай ўлиб кетади, сенга эса узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинланади!”

Умуман, терговда унга бир фикрни сингдирмоқчи бўлишган: агар у миллионларни топиб бермаса, отасини отиб ташлашади, қизини ва унинг эрини қамаб юборишади, барча қариндош-уруғлари эса қатағон қилинади. Унга 12 ёки 13 ноябрда қизи қамалганлигини, эри ўлимга маҳкум қилинганлар хонасида ўтирганини, ўғлини эса болалар уйига топширилганини эълон қилишади. Терговчилар ўз айбига иқдор бўлиш ва тавба қилишни астойдил талаб этаверади-лар. Улар агар айбингга иқдор бўлмасанг, бизнинг бир оғиз сўзимиз билан ўзинг ҳам, қизинг ҳам турманинг ўзида зўрланасанлар, дейишарди.

У азоб-уқубатларга чидай олмасдан болаларини қутқариб қолиш мақсадида ёлғон маълумот бера бошлайди. На-чора, она – она-да! У ўзи ётган изолятордан терговчиларнинг назорати остида ССРИ Бош прокурори номига “тавба-тазарру” хатини ёзади. Унда Сожида фақат бир нарсани илтимос қилади: “Мен сиздан қизим Асомова Ферузага нисбатан кўрилган жазо чорасини ўзғартириш масаласини ижобий ҳал қилиб беришни жуда-жуда илтимос қиламан. Бу гапларни Сизга ғам-алам ва изтиробда қолган бир она ёзипти. Ўзимнинг тақдирим қандай бўлишини ҳам сизлардан умид билан кутиб қоламан”.

Руҳий кўрқитишлардан ва дўқ-пўписалардан гангиб қолган Сожида Мусахонова терговчилар ҳамиша таъкидлай-верганларидан кейин, чиндан ҳам, қизим қамоққа олинган,

деб ишониб қолади. Аслида унинг қизини қамоққа олишмаган. Ундан ёлғон маълумотлар ёздириб олиш учун уни қамаб қўямиз, деб қўрқитган эдилар. 1989 йил май ойида Сожида ССРИ Бош прокурорига яна хат ёзади. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор эди: “Бизнинг оиламизга Гдлян ўтказган зулм жиноят ҳисобланади. У берган азоблар натижасида мен деярли кўрмайдиган бўлиб қолдим, ишимдан ажралдим. Менга жиддий маънавий ва моддий зарар етказилди. Ахир бу инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши эмасми? Биз Берия даврини – даҳшатли қатағон йилларини қайта тиклаётган Гдлян усулларига қарши норозилик билдирамыз. Гдлян, Иванов группаси кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли ишларни қилмоқда. Бу ишлар қонунчиликка мутлақо тўғри келмайдиган даҳшатли ишлардир”...

Гдлян тўпланган “материал”ларни судга оширди. 1987 йили Тожикистон ССР Олий суди оқсоқолни пора олиш ва беришда айбдор деб топиб, 6 йилга қамади. 1992 йилда М. Мусахонов иши худди ўша судда қайта кўриб чиқилди ва у айбсиз деб топилиб, озод қилинди.

ҚАЕРДАЛИГИНИ ДХК ҲАМ БИЛМАГАН АЙБЛАНУВЧИ

Абдувоҳид Каримов 1974-1984 йилларда Сурхондарё ва Бухоро вилояти партия қўмитаси биринчи котиби бўлган, 1984 йилдан Ўзбекистон ССР сув хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаган. 1984 йил 11 августда Қашқадарёдаги хизмат сафари чоғида тунда Қарши шаҳридаги вилоят сув хўжалиги бошқармасининг меҳмонхонасидан Гдлян тергов гуруҳи томонидан ушлаб кетилган. Бу ҳақда оила аъзоларига, раҳбариятга, бирор-бир кишига 3 ой давомида хабар берилмаган.

У кишининг қизи, юридик фанлари доктори Лола Каримова кейинчалик уларга бўлган зуғум ва адолатсизлик ҳақида қуйидагиларни гапириб берган:

– Хотирамда ўша доғули кунлар даҳшатли муҳрланиб қолган. Мен, ота-онам, оилам аъзолари ва қариндош-уруғлар, куда-андалар, жами 45 яқинларимиз бу жараённинг бевоқифи иштирокчисига айланганмиз ва қаттиқ жабрини тортганмиз. Гдлянни шунчаки жиноятчи, деб эмас, балки миллатга қарши қирғин уюштирган ғаддор, қўли қонга ботган ашаддий қотил, деб баҳоласак бўлади. Чунки у халқимиз ва миллатимизнинг энг сара намоёндаларини бадном қилиш, руҳий ва жисмоний таҳқирлаш, уларни узоқ муддатга қамаб юбориш, оғир азоб-уқубатларга дучор қилиш ва қийнаб ўлдириш каби жиноятларга қўл урди.

Мен ўша пайтда Тошкент давлат университетининг юридик факултетини битириб, илмий иш қилиш мақсадида Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтига йўланма олган эдим. Ҳали ишга кириб улгурмаган даврим...

9 нафар фарзанд (уларнинг 5 таси вояга етмаган эди), ўз оиласи билан яшаётган опаларим ва акамнинг уйларига шу куни қўққисдан 45 кишилиқ Гдлян катта гуруҳи аъзолари келиб, тинтувни бошлаб юборади. Мен ва онам (Меҳринисо

Каримова) отам билан бирга Қашқадарёда эдик. Тошкентда бувим ва кичкина болалар қолган эди. Биз Тошкентга қайтганимизда уйимиздаги барча ҳужжатлар, ашёлар, кийим-кечаклар, оилага алоқадор буюмлар олиб кетилган ва катта оиланинг кун кечириши учун ҳеч нарса қолдирилмаган эди. Бизни отамнинг кутилмаганда йўқолиб қолгани кўпроқ ташвишга солар эди.

Мен Давлат хавфсизлик комитетининг биз таниган, хизматда масъул лавозимда ишлаган Очил Муртазоевнинг уйига бордим. Қизини чақириб, отам ҳақидаги маълумотни отасидан билиб беришини илтимос қилдим. Лекин бу масала уларга тегишли эмаслигини, эҳтимол отамни тергов гуруҳи олиб кетган бўлса керак, деган тахминни айтди. Орадан бир ой ўтди. Лекин ҳеч қаердан хабар бўлмади, мижжа қоқмадик, отамизнинг тириклиги ёки аҳволи қандай экани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигимиз бизни қаттиқ изтиробга солар эди. Ўзбекистон прокуратурасига борганимда, остонасига ҳам яқинлаштиришмади ва қўриқчилар орқали ҳеч нарса билмаслигини, фақат Москвага бориб масалани ҳал қилиш мумкинлигини етказишди.

Онам ўқитувчи эди. 7 нафар жон онамнинг маошига қараб қолдик. 112 рубл қарз кўтариб, сентябр ойи охирида Москвага, собиқ ССРИ Бош прокуратураси тергов бўлими қабулхонасига бордим. Гдлян мени қабул қилишини сўрадим. Икки соатлардан кейин қабулга розилик билдирди ва хонасига киритди.

Терговчи шинам, барча шароитлар муҳайё, деворлари ёғочдан ишланган кенг хонада сигарет буруқситиб ўтирар, жуда дарғазаб эди. Киришим билан пичинг қилиб: “Ҳали сенмисан, Абдувоҳид Каримовичнинг юрист қизи? Нима мақсадда келдинг?” деди. Отамни излаб келганимни, унга қандай айб қўйилаётгани, соғлиғи, ейиш-ичиши қандай эканидан ташвишдалигимизни айтдим.

У истехзоли кулиб, мағрурона дона-дона қилиб гапирди:
– Отанг шу ерда. Кўрсатма беряпти. ССРИ ДХКсининг Ле-

фортова тергов изоляторида. Биз жуда катта ишни бошлаб қўйдик. Сенлар – барчанг жиноятчисан, ҳаммасини текширамыз, бу ҳали “ўзбеклар иши”га айланади. Бу масалада бутун Ўзбекистонни жиноятга тортса бўлади. Сен билан гаплашиб ўтиришга ортиқча вақтим йўқ. Сенга бошқа ҳеч нарса демайман.

– Отамга Тошкентдан кийим-кечак, бироз озиқ-овқат олиб келган эдим, шуни ҳам бера олмайманми? – деб сўрадим.

– Йўқ, бунга рухсат бермайман, – деди.

– Бир томондан кўнглим озгина тинчиди. Чунки икки ойдан ошиқроқ вақт давомида бизни қийнаган саволга ниҳоят жавоб топган эдик. Демак, отамнинг тирик эканини билдик. У пайтда сиёсатга ва адолатга ишончимиз юқори эди. Адолат барибир қарор топади, деб қаттиқ ишонардик. Кейин Тошкентга қайтдим. 1984 йил октябрда Москва тергов бўлимида Иванов уйга телефон қилди. “Москва жуда совуқ, қор тушди, отангизга кийим олиб келинглар”, деб гўшакни қўйиб қўйди.

Мантиқсизликни қаранг. Миллион-миллион тонна пахта етиштирган ўзбек халқининг ўзи кийимга зор эди. Бечора отам ўша ёзда устига кийиб чиққан енгил либос билан Москванинг совуқ иқлими, зах ва совуқ ҳибсхонанинг қўрқинчли камерасида азоб чекарди. Билет олишимиз қийин кечди. Имконимиз йўқ эди. Менинг ишга киришим эса отамнинг вазияти туфайли кечиктирилаётган эди...

Гдлян ҳозир ҳам матбуотда ўзбек халқи билан ҳеч қандай иши бўлмагани, фақат жиноятчиларга қарши курашгани ҳақида оғзини кўпиртириб гапирганига ишонманг.

1984 йил 11 ноябрда терговчилар Тошкентдаги уйимиздан мени, Тошкент шаҳридаги 84-умумтаълим мактабидан онамни, акамни ҳам иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик комитетининг Гдлян учун ажратилган алоҳида ҳибсхонасига олиб боришди. Қўлимизни қайириб, худди катта жиноятчини тутгандай иккитадан соқчи ҳамроҳлигида бордик.

Бизни “қашқирлар” гуруҳининг яна бир терговчиси Картяшян исмли шахс алоҳида хонада тергов қилди. Тергов 3 кун, эрталабдан ярим тунгача давом этди. Дўқ-пўписалар, ҳақоратлар эшитдик, акамни роса дўппослади, онамни қийнашди. Аста-секин зулм салтанатининг адолат ва ишонч ҳақидаги барча фикрлари қуруқ сафсата эканига иқроҳ бўла бошладим. Барчаси ўта жиддийлашаётган ва туйнук адоғида нур йўқ эди.

Терговчилар “отангнинг жинойтини яширгансанлар, кирдикорларини била туриб, тегишли органларга айтмагансанлар, сенларни Сибирга жўнатиб, йўқ қилиб юбораман”, деб қўрқитар эди.

Уч кундан кейин учовимизга ҳам жинойтларни яширишда гумон қилинаётган шахслар сифатида ҳибсда ушлаш тўғрисида Гдляннинг қарорини кўрсатишди. Шу тариқа бизга айблов эълон қилинди. 14 ноябр кундузи қўлимизга кишан солишиб, мени, онам ва акамни конвойга солиб, номаълум томонга олиб кетишди. Машина ичи жуда қоронғи ва қаерга кетаётганимизни билмас эдик. Аэропортга олиб боришди. Машинада трапгача бордик. Ёнимда иккита терговчи ва қўриқчи бор эди, қўлим кишанланган...

Самолётга олиб чиқишди. Узоқдан онамни кўриб, шу самолётда олиб кетишаётганини сезиб қолдим. Самолёт 1,5 соатча учди. Душанбега келганимизни учувчи эълонидан кейин билдим. Яна махсус ёпиқ ва ичи қоронғу машинага солишди ва бир бинога оборишди.

Кейин билишимча, бу Тожикистон ДХКнинг тергов изолятори экан. Ҳар куни терговга чақиришади. Аввалига Рафил Туктаров, кейин Ширин Ширинов терговни олиб борди. Акам ва онам ҳам бу ерда эканлиги тергов вақтида гапирган овозидан аҳён-аҳёнда эшитиб, юрагим ҳис қиларди.

Тергов ғайриинсоний эди. Чунки бизни олиб кетишгани ҳақида ҳам оиламизга, умуман, ҳеч кимга хабар берилмади. Бувим Файзинисо ая йиғлайвериб, кўзи кўрмай қолган. Мен олти ой асоссиз ётган бўлсам, акам ва онам тўққиз ойга яқин ҳеч қандай далил-исботсиз азоб чекишди.

Мени 1985 йил 24 апрелда четга чиқмаслик шарти билан озод қилишди. Тилхат ёздириб олишди. Таниш-билишлардан бойлик ундириб келиш вазифаси зиммамга юклатилди.

Чиқиб, билдим. Қамалмаган иккита опам – Гулсара ва Гулнорани мол-мулк, пул йиғиш учун биз билган ва билмаган ҳар қандай одамнинг уйига бирма-бир кириб, пул, мол-мулк топишга мажбур қилишган экан. Поччаларимни ҳам роса дўппослаб, азоблашган. Қариндошимиз, таниқли Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, халқ кулоли Файзулла Абдуллаев ҳам бу “ўлим тегирмони”га тушиб чиқишган эди.

Будаврда айбсизлик презумпциясига зид равишда нафақат менинг отам, республикадаги бошқа вилоят котибларини матбуотда айблаб, кетма-кет жинойтчилар, порахўрлар, айбдорлар, деб марказий матбуотда мақолалар босила бошланди.

Қашқадарё вилояти обком котиби Рўзмат Ғоипов ўзини ўзи ўлдирди. Жиззах вилояти раҳбари Шагазатов, Тошкент вилояти обкоми Мирзамахмуд Мусахонов, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг қатор раҳбарлари устидан жиноят ишлари очилди. Улар рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин. Мамлакат етакчилари Гдлян гуруҳига қарши ҳеч иш қилолмас, овоз кўтарса ёки ҳуқуқини талаб қилса, унинг устида ўша кунёқ жиноят иши очиларди. Қаттол Гдлян келгусида жамоат арбоби, яъни депутат, ўша пайтдаги Бош прокуратуранинг юқори амалдори, сиёсий арбоб, қўйинг-чи, даҳо бўлишни истарди. У бу мақсадига эришди ҳам. Собиқ ССРИ Олий советига депутат бўлди ва бу билан ўзининг жиноятларига қарши иш очилганда депутатлик иммунитетидан жуда унумли фойдаланди.

1984 йили бошланган тергов иши 1987 йилда собиқ ССРИ Олий судига оширилиб, отамга ўлим ҳукмини эълон қилиш билан якунланди. Бир иш бўйича тергов 4 йил ҳам бўлиши мумкинми? Прокуратура кўрган ишлар бўйича оқлов ҳукми ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Гувоҳлар ҳаддан ортиқ кўплиги сабабли суднинг бир қисми Ўзбекистон Олий суди биносида 7 кун, қолган қисми

Бухорода 3 кун кечди. Отамнинг атрофидаги жуда кўплаб одамлар – хўжалик, партия раҳбарлари судга тортилди. “Дело” сунъий кўпиртирилиб, отамдан, ўнлаб туман, шаҳар, вилоят раҳбарларидан ҳақиқий халқ жиноятчилари яшашга уринишлар республика бўйлаб оммавий тус олди.

1987 йил 29 майда собиқ ССРИ Олий суди дадамга ўлим ҳукмини ўқиди. Отам бир ярим йил давомида Москвадаги ўлим камерасида афв этишларини сўраб ёзган илтимосномаси жавобини интиқ бўлиб кутар эди. Бу орада инсултни бошдан ўтказди. Ҳукм атайин жума куни (хафтанинг охириги иш куни) кечки соат 17:30 да ўқилиб, бизга арз қилиш учун имконият қолдирилмаган эди. Бутун суд жараёнида доимий равишда Гдлян гуруҳининг терговчилари ҳар бир гувоҳлар, айбланаётганларга кўрсатмасини ўзгартирмаслик, акс ҳолда, уларни қамаш, ҳибсдагиларни эса оғирроқ моддалар билан жавобгар қилишини эслатиб, куч ва босимда суд жараёнига тўлиқ аралашдилар.

Отам ўлимга маҳкум қилинган куннинг эртасига мен, онам ва акам видолашувга кирдик. Шунда отам бизни “Фарзандларим, шуни доим эсда тутинглар, мен жиноятчи эмасман, сизлар бошларингни баланд кўтариб юринглар. Мен бутун умр халқимизга ҳалол хизмат қилдим, сизлар уяладиган иш қилганим йўқ. Ҳали бу ишлар очилади, адолат эгилсаям синмайди, агар мени эсламоқчи бўлсанглар, мен қурган каналлар, обод қилган шаҳар-қишлоқларга, янги очган ерларга бориб туринглар, шунда менинг руҳим шод бўлади”, дедилар.

Ўлим жазоси 1988 йил охирида ССРИ Олий совети президиуми раиси Андрей Громико томонидан 20 йиллик қамоқ жазосига алмаштирилди. Чунки онам неча кунлаб навбат кутиб, шахсан бу раҳбар билан учрашиб, вазиятни тўлиқ тушунтирган эдилар. Тўққизта бола етим қолишини, катта оила эканлигимизни, ўзлари эса бир умр ўқитувчилик қилиб, ҳалол меҳнат билан пул топаётганликларини кўз ёши билан айтиб бергач, Громико тушунган эди.

Жазони ўташ учун отамни Сибир тайгасидаги Сталин даврида қурилган энг қаттиқ режимдаги Свердловскнинг Ивдел қишлоғидаги қамоқхонага юборишди. Бу орада ССРИ тарқаб, Ўзбекистон мустақил бўлган эди. Отам масаласида биз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Қаримовга мурожаат қилдик. Президент дадамнинг ишини Ўзбекистон Олий судида қайта кўриб чиқиш учун кўрсатма берди.

Минг афсуски, ўзбекистонлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари отамни олиб келишга улгурмади. 1992 йил 21 январда отамнинг юрак хуружидан вафот этгани ҳақидаги хабар етиб келди. Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, дадам ишлари қайта кўриладиган бўлса, албатта, Гдлян ва унинг жинойтчи гуруҳи фош қилинган бўлар эди. Чунки адолатсиз терговга тортилганлар орасида собиқ вилоят раҳбарлари жуда кам қолган эди.

Шу сабабли бу қотилликда айнан Гдляннинг қўли бор, деб ўйлайман. Чунки отамни олиб келиб, юртимизда кўмганда у кишида заҳарланиш аломатлари борлигини шифокорлар тасдиқлашди.

СИЁСАТЧИГА АЙЛАНГАН ТЕРГОВЧИЛАР

Ўз вақтида Гдлян билан Иванов шуғулланаётган жиноят ишларини сиёсий ишлар билан чоғиштиришга зўр бериб уринишарди. Ва бунга қайсидир маънода эришишди ҳам.

Гдлян ва Иванов ҳибсда ётган кишилардан турли йўллар билан қўлаб раҳбарлар, жумладан, ССРИнинг сўнгги раҳбари М.Горбачевга ҳам қарши маълумотлар тўплаган. Бу борада Бухоро вилояти матлубот жамиятининг собиқ раиси Ғани Мирзабоевнинг айтиб берганлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки у М.С.Горбачев билан шахсан таниш, “Қизил тошлар” санаториясида бирга дам олган, суратга тушган бўлган. 1984 йилда Ғ.Мирзабоевни қамоққа олишгач уйдан тинтув вақтида топилган бу суратларни Гдлян олиб қўяди. Изоляторда ундан Горбачевга қимматбаҳо совғалар, шу жумладан, Раиса Максимовнага пўстин учун қорақўл тери олиб бориб бергани тўғрисида маълумот беришни талаб қилишади.

“Мен бу талабни бажармадим, деб ёзади Ғ.Мирзабоев, чунки аслида бундай иш ҳеч қачон бўлмаган эди. Бунга жавобан Гдлян менга “Сени тилга киргизиб қўяман, деди ва чиндан ҳам мени “тилга киргиза бошлади”.

– Улар мени қандай хоҳласалар шундай қийнардилар, дейди Ғани Мирзабоев. – Мени 4 сафар уриб қийнаган бўлсалар, ҳар сафар ҳам бу қийноқлар жараёнида терговчилардан ташқари Гдляннинг шахсан ўзи қатнашарди... Ҳар сафар мен оғриқнинг зўридан бор кучим билан бақирар эдим, фамилиямни айтиб, менга ёрдам беришларини сўрардим. Шундай вақтда Гдлян аввалига стулда бамайлихотир ўтирар, кейин эса ўрнидан шахд билан турар, менинг атрофимда айланиб тўхтовсиз чекар эди. Менга қараб киноя билан: “Хўш, Мирзабоевич, гапирасизми-йўқми? Мен сизга айтяпман, ҳатто сиздан талаб қиламан! Горбачев тўғрисида маълумот беринг, йўқса, бу ердан чиқмайсиз, ҳа-ҳа, бу ердан тирик чиқмайсиз, ўзингизни ўзингиз ўлдирасиз”, дер эди.

Сўнгра Мирзобоев камерада бир ойга яқин маҳбус Погосян билан бирга ўтирганини сўзлаб берди: У йиғлади ва бу ҳақоратларга ва қийноқларга чидай олмаганини ҳамда М. Горбачевга қарши маълумот ёзиб берганини айтди.

“...Кейин Погосяни бошқа камерага ўтказишди. Орандан 12 кунча вақт ўтгандан кейин у ўз жонига қасд қилган эмиш, деган хабар келди. Бошқа биров эса уни камерада бирга ётган маҳбуслар ўлдиришди, деди”.

Гдлянчилар одатда бирор лавозимда ўтирган шахсни “юқори”га пора бергани тўғрисида ёлғон гапиришга мажбур қилиб, қийнаган. Қийноқлар азобидан эзилиб, жонидан тўйиб кетган маҳбус ҳар қандай гувоҳлик беришга рози бўларди. Гдлянчилар тилхат мазмунини айтиб турарди, маҳбус ёзар эди. Шунда улар ўзлари мўлжалга олган кишиларнинг исми-шарифларини айтишар ва ҳатто ўша шахсга неча сўм миқдорида пора берилганлиги тўғрисидаги ёлғонни ҳам тўқиб ташлашарди. Бундай вақтларда албатта катта миқдордаги сумма айтиларди. Шу тариқа Гдлян жуда катта бир пирамида тузишга, битта катта занжирга ҳаммани маҳкам боғлашга уринарди. Бу занжирнинг халқалари колхозлар, совхозлар, участкалар, фермалардан бошланиб, охири Кремлгача борар эди.

Суриштирувларимиз ва аниқланган ҳужжатлар шундан далолат берадики, Гдлян аввал ўз тергов назариясини ишлаб чиққан. Кейин ўз хулосаси, аниқроғи, терговчига хос бўлмаган фантазияси асосида турли схемаларни ишлаб чиққан. Кейин эса шунга яраша зарур бўлган “далиллар”ни тўплашга, яъни ўз тахминларини исбот қилишга киришган.

Ҳеч қандай айбсиз 3 йилдан кўпроқ ҳибсда сақланган Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Тўра Ҳайитов бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берганди: “Гдлян мендан сўраган нарса, бу Осетров ва Қахрамоновга, шунингдек, Усмонхўжаевга пора берганман, деб айтишим бўлди. У “хоҳласам Усмонхўжаевни, Салимовни, Рекунковни, Соломенцевни қамоққа ташлайман, истасам Лигачёвни

ва ҳатто хоҳласам, Горбачевни ҳам ҳибсга олишим мумкин”, деди. “Сен биласанми, азизим Тўра, ҳозирги вазиятга мен ҳўжайинман, мана бу Сухарев, Катусевлар мен учун сариқ чақа, мен сени хоҳласам қамайман, хоҳласам озод қиламан. Мен нимани хоҳласам, шу нарса амалга ошади. Ҳозир мен мамлакатда пайдо бўлаётган кўпгина масалаларни ҳал қилмоқдаман. Мана, яқинда менинг ким бўлиб кетишимга сен ўзинг гувоҳ бўласан.

Мен жуда катта одам бўламан. Жамики ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари менинг қўл остимда бўлади. Мен кам деганда Бош прокурор бўламан, балки Марказий Комитетга ҳам ўтишим мумкин” деганди.

1986 йилда Гдлян билан Иванов Ўзбекистондаги тергов ишларининг бориши тўғрисида катта ахборот тайёрлаб М.С. Горбачёвга жўнатади. М.С.Горбачев терговчиларнинг ушбу ахбороти билан шахсан танишиб чиқиб, уни КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг мажлисида ҳаммага ошкор қилган. Ҳолбуки, иттифоқ прокуратураси мунтазам равишда Ўзбекистондаги ишларнинг аҳволи тўғрисида Марказий Комитетга ахборот бериб турарди. Ҳўш, унда терговчиларнинг бу хати нима учун Бош котибни қизиқтириб қолган?

Назаримда, муҳим ишлар кўп бўлганлиги учун унинг вақтини олмаслик мақсадида прокуратура томонидан тайёрланган ахборотлар билан М.С.Горбачевни таништиришмаган бўлиши мумкин. Ахборотлар Марказий Комитетнинг маъмурий органлар бўлимида ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига раҳбар котибнинг столида тахланиб ётаверган. Бундан ташқари, Гдлян билан Иванов ўз хатларида олиб бораётган тергов ҳаракатларининг мураккаб тўсиқларга учраётганлиги, юқори лавозимларда ўтирган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда юз бераётган қийинчиликлар тўғрисида ёзганди.

Терговчиларнинг тўғридан тўғри КПСС МКнинг Бош котибига мурожаат қилганликлари Бош прокурор А.Рекунков учун мутлақо кутилмаган ҳол бўлганди. Чунки бу хат тўғри-

сида у сиёсий бюронинг ўзида эшитган. Унинг сиёсий бюрога чақирилиши ҳам кутилмаган бир ҳол эди. Одатда, Бош прокурор ҳуқуқий масалалар муҳокама қилинадиган вақтлардагина у ерга таклиф қилинган.

Прокуратурада 40 йил ишлаган Рекунков биринчи марта шундай вазиятга тушиб қолган бўлса ажаб эмас. Лекин у жуда кучли характер ва катта иродага эга, партия ва давлат органларидаги бундай машмашаларни яхши тушунадиган киши бўлгани учун довдираб, ўзини йўқотиб қўймаган. У Ўзбекистонда нима ишлар қилинаётгани, қандай кучлар ишга солингани ва қандай натижалар олингани тўғрисида қисқача ахборот берган. Гдлян билан Ивановлар ўртага қўйган масалаларга келганда эса Рекунков терговчилар ёзган хат билан яхшилаб танишиб чиқиш ва кейинчалик ахборот бериш учун вақт беришларини илтимос қилади. Сиёсий бюро бу таклифга рози бўлади.

Хат прокуратура учун ҳеч қандай янгилик бермайдиган умумий гаплардан иборат бўлиб, унда асосий мавзу иш давомида дуч келинаётган қийинчиликлардан иборат эди. Гдлян ва Ивановнинг бу хатни Марказий Комитетга юборишдан мақсади юқори идораларда ўзларини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмасди. Чунки бошқа прокурорларда ҳам қийинчиликлар ошиб-тошиб ётарди. Бош прокурор бу қийинчиликларни ҳам, Гдлян билан Ивановнинг найрангини ҳам яхши биларди. Шунинг учун у бир қарорга келишга шошилмади. Аксинча, аниқ далиллар, маълумотлар талаб қилди. Бунга эса Гдлян ҳали тайёр эмасди. У етарли далиллар, айбни исбот қилувчи маълумотлар тақдим эта олмади. Шунинг учун Ўзбекистон ва мамлакат миқёсидаги бир қатор раҳбарларни ҳибсга олиш ҳамда жинойий жавобгарликка тортиш иши чўзилиб кетди.

Умуман, ССРИ прокуратураси ва унинг раҳбариятини Гдляннинг тергов ишларига ҳалақит беришда айблаб бўлмайди. Аксинча, уларни бошқа тарафдан, яъни худди ўша Гдлян гуруҳи устидан қаттиқ прокурор назоратини ўрна-

тилмаганлигида, қолаверса, тўпланган далилларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқмасдан туриб, одамларни қамолққа олишга рухсат берганликларида айблаш мумкин.

Рой Медведев ССРИ Олий совети сессиясида, прокурор назорати лозим даражада эмаслиги ёки бундай назорат, умуман йўқлиги тўғрисида гапирганда, мутлақо ҳақ эди.. Яна у: "...назорат ва текшириш бўлмаган жойда эса қонунсизлик, қонунни бузиш ва ўзбошимчалик қилиш куртак очади ва у ҳамиша ўзининг аччиқ меваларини бера бошлайди", деган эди.

ССРИ Бош прокурори Гдлян билан Ивановнинг хати юзасидан Марказий Комитетга ҳолисона жавоб ёзди. У ўз жавобида бўлаётган ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини асосан тўғри ифода этди. Аммо торговчиларни жазолашни лозим топмади.

Гдлян ва Иванов мўлжалга аниқ урган эди – улар М.Горбачевнинг "назари"га тушди. Энди уларни тўхтадиган куч йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилишганди. Бу борада Р.Абдуллаева ҳибсда ётган вақтда берган маълумотни қайд этиб ўтиш ўринли. У Гдлян билан Иванов ўзларида "Кремл мафияси" тўғрисида маълумотлар мавжуд эканлигини айтиб, ҳамиша мақтанчоқлик қилишларини сўзлаб берган. Улар Ўзбекистондан бошлаб то Москвагача етадиган пиллапоя кураётганликларини айтган. Сўроқлардан бирида Иванов: "Биз бу пиллапояни сизларнинг мафкура соҳасидаги одамларингиз, яъни Яковлев ва Разумовскийлар билан тамомлашимиз керак", деган.

Собиқ иттифоқнинг торговчи ходимларидан бири А.Жучковнинг айтганлари ғоятда эътиборга лойиқ. У бундай дейди: "Процессуал масалалардан беҳабарлигига қарамай Гдлянни мамлакатимизда порахўрликка қарши ном чиқарган ашаддий курашчи қилиб кўрсатиб, унинг атрофида шовшув кўтарганлиги учун матбуотимиз ҳам кўп жиҳатдан айб-ли. Ўзининг ошкора чиқишларини оқлаш учун Гдлян ҳар қанақа ишдан ҳам тоймади, қилган иши қонунга нечоғли тўғри келиш-келмаслигини мутлақо ўйламади ҳам".

Гдлян Ўзбекистонда олиб борган тергов ишларининг дастлабки натижалари анча камтарона бўлганлигини кўпгина прокурор ходимлар билишади. Бундан ташқари, иккаласига ҳам қонунчиликни қўпол суратда бузганликлари учун интизомий жазо берилган. Гдлян эса ҳатто гуруҳга раҳбарликдан четлаштирилган. Мана шунинг учун ҳам улар ўзларини ўзлари кўкларга кўтариб мақташлари, газеталарнинг шов-шуви жуда керак бўлиб қолган. Бунинг учун нималар қилишмади дейсиз: интервьюлар беришди, раддия мақолалар чиқаришди, кўпчилик олдида чиқишлар қилишди. Яна гўё Гдлянни ўлдириш учун унга суиқасд қилинганлиги ҳақида шов-шув кўтаришди.

Эмишки, мафиянинг ашаддий душмани тушган самолётни таранг тортилган трос ёрдамида ағдаришга уринишганмиш. Қоп-қоп ўғрилиқ пул билан ўтирган Гдлянни ашаддий қотиллар, меҳнат аҳлининг қонхўрлари қўлидан тезроқ қутқаришга даъватлар янгради. Аслида эса бундай ҳодиса умуман бўлмаган. Тўғри, Қарши шаҳрида учиш чизигида бегона буюм ётгани учун аэропортда самолёт ҳалокатга учрашига сал қолган. Аммо бу вақтда Гдлян 700 километр узоқда, Тошкентда, Давлат хавфсизлик комитети биносида бўлган. Усталикни қаранг, юз берган ҳодисани шу ерда туриб эшитгану чиппа-чин ўзи билан бўлган ҳодиса, деб овоза қилган-қўйган, сўнг бу ҳақда ҳаммаёққа жар солиш учун одамларини ишга солган.

Самолёт билан содир бўлган ҳодиса юзасидан Ўрта Осиё транспорт прокуратураси жиноят иши қўзғаб, текшириш олиб борган. Аммо тергов материалларида Гдлянга суиқасд қилинганлигини кўрсатувчи тариқча ҳам асос йўқ эди. Жиноят таркиби йўқлиги сабабли бу иш тўхтатилди. Учиш чизигида бегона нарсанинг пайдо бўлиб қолганлиги эса тасо-дифий бир ҳол бўлган.

Терговчи Б. Сверцевни сўроқ қилиш протоколидан парча келтираман:

Б.Сверцевга савол: “А.Лихановнинг “Огонек” журнали

1989 йил 4- сонида босилган “Кома” номли мақоласида берилган хабарда айтилган Гдлянга суиқасд қилинганлиги ҳақида сизга нималар маълум?”

Жавоб: “Бу ҳақда В.Дёминнинг 1988 йилда “Виборгский коммунист” газетасида чиққан “Маҳаллий аҳамиятга молик бўлмаган жанглار” деб номланган мақоласида хабар берилган эди. Гап шундаки, генерал Норбўтаевни қамоққа олиб, оператив ходимлар билан уни самолётда олиб кетаётгандик. Аммо бунда на Гдлян, на бошқа бир одам бор эди. Халқни чалғитишнинг нима кераги бор?”

Халқни чалғитиш нима учун керак бўлиб қолганлиги кейинроқ аниқ бўлди. Фақат шуни қўшимча қилиш мумкин-ки, “Огонёк” журнали Гдлян билан Ивановни “ўстиришда” ҳал қилувчи рол ўйнади. Журналда берилган ана шу терговчиларни мақтаб, кўкларга кўтарувчи қасидаларда ёлғон сув қилиб ичиб юборилганди...

Марказий матбуот, хусусан, “Правда” газетаси Гдлян бошлиқ гуруҳнинг минбари бўлганди дейиш мумкин. Шу боис 1984-1990 йилларда Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақида ССРИ марказий матбуотида чоп этилган ҳақоратомуз мақолаларнинг фақат номини санаб чиқиш учун бир тадқиқотчи камида олти ой тер тўкиши керак...

Унда берилган мақолаларда асосан Ўзбекистонда тармоқ отиб кетган мафия, рекет, ёлланма қотиллар мавжудлиги, уларнинг “маънавий раҳбарлари” борлиги ҳақида сўз юритилган. Бир гал Гдлянга Ўзбекистонда суиқасд қилмоқчи бўлишди, деган даъвони ҳам илгари сурди. КПСС Марказий Комитетининг нашри бўлган “Правда” газетасида чиққан бу гапларга ишонмай бўладими ўша пайтда? Бунинг устига, ССРИнинг барча теле ва радио каналларида “ўзбек мафияси” акс этган лавҳалар тинимсиз айланиб ётган бўлса...

Хуллас, самолёт ҳодисасидан кейин ҳам Гдлян ва Иванов доимо хавф остида эканликлари ҳақидаги шов-шувлар тинмади. Чунки бу терговчилар ўзларини кўз-кўз қилишлари керак эди-да. Шунда Гдлян билан Ивановни ҳимоя қи-

лишни таъминлаш кераклиги ҳақида талабномалар ДХК ва ИИВга тинимсиз келиб турди. Кейин кўнгиллилардан шахсий соқчилари пайдо бўлди.

Бугина эмас. Хоразм вилояти ижроия қўмитасида Гдляннинг илтимосига биноан бир гуруҳ терговчиларга бронези-летлар – махсус ҳимоя нимчалари ажратилди. Терговчилар гўё ишлари жуда хавfli ва оғир эканлигини кўз-кўз қилиш учун телекамералар олдида уларни эгиларига кияр, суратга тушиб бўлганларидан, яъни ўзларини кўз-кўз қилиш маро-сими тугаганидан кейин бронези-летларини ечар ва шу заҳо-ти милицияга топширардилар. Хўш, шундан кейин нима ҳам дея оласан киши. Бу ўринда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ҳа, бундай суратга олишлар ортида нималар яширин-гани кўпларнинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Худди шунингдек, Иванов берган мана бу интервью ҳақида ҳам ўйлаб кўришмаганлиги аён. У гуруҳ терговчилари ишига баҳо беришда бир оқсоқолнинг сўзларини келтиради. Бунда унинг фамилияси, исми, турар жойини кўрсатмайди, албат-та. Ана шу оқсоқол, гўё, “бу терговчиларни негадир орден ва медаллар билан мукофотлашмаяпти, демак, “юқорида-гилар” улар меҳнатининг қадрига етмаяптилар”, деган сўз-ларни айтган эмиш.

Қани энди, ўша оқсоқолни топиб, у билан гаплашиб кўр-санг эди, афсуски, бундай қилишнинг иложи йўқ, чунки у билан бўлиб ўтган суҳбатнинг ўзи уйдирма. Аммо Иванов оқсоқол билан суҳбатни шунчаки эслатмаган. “Қаҳрамон-лар”нинг сабри чидамаган. Ўз назарларида улар ўзлари-ни қаҳрамон деб билишган, шундай ҳаёл уларни ҳеч тарк этмаган. Ҳамонки, улар жасорат кўрсатган эканлар, шун-га яраша тақдирланишлари ҳам керак-да, мукофотни эса тўғридан тўғри сўраб олиш ноқулай, бунини оқсоқолнинг тили билан: “Бизни мукофотлаш пайти келди”, деб айтса бўлаве-рарди-да, ахир...

Пировардида Гдлян гуруҳи томонидан қамоққа олинган-лардан бири – А. С. Ўруновнинг сўзларини келтириб ўтиш

ўринли бўлади. Иванов камерада, унинг қаршисида кўнгил ёзади. Умуман, у аҳён-аҳёнда дилида борини тўкиб солишни яхши кўрарди. Шулардан бирини Ўрунов хотирасида шундайлигича сақлаб қолган: “Шундай истеъдодлар борки, улар сояда қолганлар, биз Телман Хоренович иккаламиз шундай истеъдодлар жумласига кирамиз, биз ҳам одамлар қаторида саналмоғимиз ва ана шу ҳаётдан ўз улушимизни олмоғимиз лозим, чунки социализм даврида фақат шахсий хиссанг орқалигина юксакликка эришишинг ва кўзга ташланишинг мумкин. Телман Хореновичга минг раҳмат, у мени зулматдан ёруғликка олиб чиқди. Ниҳоят, мен шахс сифатида ўзимни намоён этдим, номим чиқди, ҳаётим яхши изга тушиб олди. Телман Хоренович мени Москвадан уйли-жойли қиляпти, бинобарин, мен у билан нариги дунёга кетишга ҳам тайёрман, зеро у билан мен иккаламиз учун энди бундан бошқа йўл ҳам йўқ. Биз бир-биримиз билан маҳкам боғланганмиз, бунинг учун унга ҳурматимнинг чеки йўқ.

Мана сен ҳам ўз вақтида машҳур шахс бўлгансан. Қайнотанг вазир бўлиб турганда сен ҳақингда матбуотда кўп ёзишган, кўп марталар телевизорда чиққансан, энди бизлар парвоз қилишимиз керак. Ахир Москванинг Калинин ва Кутузов шоҳ кўчаларида яшаётган одамларни биласан-ку, у ерда одамлар лавозимига қараб яшашади, ҳар қандай инсоннинг ҳам шундай бахтиёр яшагиси келади”.

Ўрунов бироз тин олгач яна сўзида давом этди: “Улар доим шу ҳақда гапиришарди, улар мамлакатда машҳур кишилар бўлиб етишишни жуда-жуда исташарди. Бу улар ҳаётининг мақсадига айланганди. Буни бошқача баҳолаш мумкин эмас. Иванов ўзини жуда ақлли, **имкониятлари** катта одам деб ҳисоблар ва Гдлян билан икковлари катта раҳбарлар бўла олишлари мумкинлигини ҳадеб таъкидларди, бунда улар прокуратура органларини эмас, балки партия ва совет марказий идораларини назарда тутишарди, албатта. Тарихда қолишни узоқ, вақт эслаб юришларини исташарди.”

ЛИГАЧЁВГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

Гдлян билан Иванов сайловчилар билан бўлган учрашувлари чоғида Егор Лигачёв номини бошқа “порахўрлар”нинг фамилияларига қўшиб айтаверган. Бундан ташқари, Гдлян И.Усмонхўжаевнинг сўроқ протоколини ҳам (ҳали суд бўлмасидан) ошкор қилиб юборди. Унда Лигачёвга пора берилганлиги тўғрисида айтилган эди. 1989 йил 19 майда Е.Лигачёв ССРИ Бош прокурорига қуйидаги баёнот билан мурожаат қилади:

“1988 йил 12 майда ССРИ прокуратураси терговчиси Иванов Ленинград телевидениеси орқали сўзга чиқиб, жиноий ишларга “Сиёсий бюронинг янги аъзолари қўшилганлиги”ни айтиб унда менинг фамилиямни ҳам тилга олиб ўтди. Шу муносабат билан қуйидагиларни маълум қилишни зарур деб биламан.

Ушбу баёнот бўхтон ва қуруқ тухматдан иборат деб ҳисоблайман. У менинг номимга кам деганда жиноятга алоқадор киши деган шубҳа ва гумонлар соясини ташлайди. Ушбу баёнот, энг аввало, амалпарастлик мақсадларида ва шунингдек, жиноий ишларни олиб бориш чоғида йўл қўйилган суиистеъмолликлар муносабати билан фуқаролар ёзган хатларда унга билдирилган айблар учун масъулиятни ўзидан соқит қилиш учун айтилган.

Сизнинг эътиборингизни қуйидаги вазиятга қаратишни истар эдим. Баён этилган сохта ахборот жиноий ишлар бўйича белгиланган тергов ўтказиш тартибининг бузилишидир.

Ушбу ишнинг текшириб чиқилишини, иш натижасининг матбуотда чоп этилишини сўрайман”.

Егор Кузмичнинг ушбу мурожаати тўла асосланган ва ҳаққоний талаб эди. Лекин 1986-1987 йиллардаёқ Гдлян унинг изига тушганлигини ва унга, яъни Лигачёвга пора берилганлиги тўғрисида қандай қилиб бўлса ҳам, маълумот олишга уриниб кўрганлигини билмас эди. Ҳақиқат, виждон

ва ор-номус деган тушунчалар бу икки терговчи томонидан аллақачон унутилган ва дилларидан чиқариб ташланган эканлигини ҳам у ҳали билмасди.

Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Қ.Камолов бунга ёрқин мисол бўлади.

“...Гдлян ва Иванов менга битта рўйхат тутқазди, – деганди Қ.Камолов. – Унда гўёки мен пора олган шахсларнинг номлари бор эди. Шунингдек, гўё мендан “юқорида”, яъни ўзимдан юқори турган, мендан пора олган шахслар рўйхати тузилган иккинчи қоғозни ҳам тутқазишди. Менинг ўзим бирорта фамилияни, бирор суммани оғзимга олганим йўқ. Ҳаммасини Гдлян билан Иванов айтиб турди. Улар “Рашидовнинг бойликларини, 31 миллион сўм пулини сақлаб қўйганлигини бўйнингга оласан”, деб мажбур қилишди.

Улар мендан Лигачёвга, Капитоновга, Долгихга, Соломенцевга, Теребиловга, Рекунковга қарши маълумот беришни талаб қилишди. Хуллас, фақат М.С.Горбачев, Лукьяновларга нисбатангина мендан маълумот талаб қилишмади. Бу билан улар гўё давлат тепасидаги биринчи шахслар томонидан қўллаб-қувватлаб турилганликларини таъкидлаб қўймоқчи бўлишди. Шунга қарамай, Гдлян билан Иванов номларини тилга олган шахсларга нисбатан кўрсатма беришдан қатъиян бош тортдим”.

Гдлян ва унинг терговчилари Ўзбекистоннинг Лигачёв бориб-келган барча жойларига сафар қилган. У ким билан гаплашган бўлса ёки кимнинг олдида шунчаки бир пас ёнма-ён турган бўлса, ҳаммасини сўроқ қилишган. Самарқанд вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, кейин эса Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган 60 ёшли милиция генерали А. Мухаммадиевни ҳам тинч қўйишмаган. Гдлян генерални 27 ой қамокда сақлаган.

А.Мухаммадиев ўзининг ҳибсга олинишини “юқорига” пора бериш тўғрисидаги ёлғон гапларга қўшилмай, уларга рад жавобини берганлиги билан боғлайди. Бу ҳақда у шундай ҳикоя қилади:

“Мен билан Гдлян ва Иванов шуғулланди. Улар гапнинг бошидаёқ уларга керак эмаслигимни айтди: “Сен биз учун катта шахс эмассан, бизга Рашидов керак, республика Ички ишлар вазирлигининг, республика ва ССРИнинг партия ҳамда ҳукумат раҳбарлари керак”, дейишди. Гдлян билан Иванов мен Е.К.Лигачёвга пора берганлигим тўғрисида кўрсатма ёзишим кераклигини айтишди. Улар менга Лигачёв Самарқандда бўлган вақтида вилоят раҳбарлари гўё унга ичига пул ва қимматбаҳо нарсалар солинган дипломат берганликларини сўзлаб бердилар. Мендан эса ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ва сафарда Лигачёв ҳамроҳ бўлиб, кузатиб юрган киши сифатида унга шоҳона зарбоф тўн совға қилганимни ёзиб беришимни талаб қилишди.

Лигачёв Самарқандга келган вақтида шаҳарда бўлмаганлигим ва шунинг учун унга зарбоф тўн кийгизишим мумкин эмаслигини ва умуман менда бундай тўннинг ўзи йўқлигини исбот қилиб бердим. Шундан кейин улар пул ва қимматбаҳо нарсалар солинган дипломат Лигачёвга берилганлигини кўрганман, деб ёзишимни талаб қила бошлади. Мен Иванов билан Гдлянга Самарқандда ўзим бўлмаганимдан кейин Лигачёвга берилган дипломатии ҳам кўрмаганлигимни айтдим, бундан улар тутоқиб кетишди. Мени аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солиб ҳақорат қилишди, афғон душмани, ўжар эшшак, муттаҳам деган сўзлар билан камситишди. Гдлян билан Иванов тергов олиб борган деярли бутун давр мобайнида худди мана шу ҳол давом этди”.

1988 йилнинг октябр ойига қадар қанчалик зўр бериб уринишларига қарамасдан, улар Е.Лигачёв номига доғ туширадиган бирор бир нарса топишга муваффақ бўлмаган. Фақат И.Усмонхўжаев ҳибсга олинганидан кейингина уларда умид учқуни пайдо бўлган. Гдлян оддий бир қишлоқ йигитининг Ўзбекистон КП МК биринчи котиби даражасига кўтарилгунча босиб ўтган йўлини муфассал ўрганиб чиқади. Шу орқали И.Усмонхўжаев таъсир ўтказса бўладиган, иродаси бўш шахс эканлигини яхши билиб олади. Шундан

кейин унинг яшаш шароитини кескин ўзгартириб, яъни озод юрган кишини панжара орқасига ташлаб, уни бир синаб кўришга аҳд қилади.

25 октябрда Гдлян ҳузурида ўтказилган сўроқ маълумотларида биринчи марта Лигачевнинг номи пайдо бўлади. Унда гуё Усмонхўжаев унга икки марта – ҳар сафар 30 минг сўмдан пора берганлиги кўрсатилган.

26 октябрда Гдлян ва Московцева иштирокида А.Василев ҳузурида ўтказилган сўроқ вақтида Усмонхўжаев 1984 йил июл ойида Ўзбекистон КП МК XVI пленуми иш олиб бораётган вақтда Тошкент шаҳрида Лигачёвга биринчи марта пора берганлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш масаласида Москва шаҳрига борган вақтида, ўша йилнинг ноябр ойида, Лигачёвга иккинчи марта “пора берган”. Ҳар иккала ҳолда пуллар дипломатга солиб берилган.

Гдляннинг қўлида мана шундан бошқа ҳеч қандай маълумот бўлмаган.

Бироқ 1988 йил 1 ноябр куни овозли видеоёзув асбобларини қўллаб ўтказилган сўроқда Усмонхўжаев Е.Лигачёвга пора берганлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини тўла ва қатъиян рад этди. “Мен Лигачёвга тўхмат қилганман, унга пул ҳам, бошқа қимматбаҳо нарсалар ҳам берган эмасман”, деди.

Умуман, бу вақтга келиб Гдляннинг ўзи учун сира қутилмаган мураккаб вазият вужудга келиб қолди. Бош прокурор А.Сухаревнинг фармойишига кўра, Усмонхўжаев билан ишлаш учун бошқа тергов гуруҳи тузилади ва бир қатор сабабларга кўра Гдлян уни сўроқ қилишдан четлаштирилди.

Бундан ташқари, 1988 йилнинг охирларига келиб, Гдлян томонидан қонунчилик шахсан бузилганлиги тўғрисидаги фактлар тобора кўпроқ аён бўла бошлади. У бошлиқ бўлган терговчилар гуруҳининг хатти-ҳаракатлари устидан ССРИ прокуратурасига ва бошқа юқори органларига тушаётган шикоятлар оқими кўпайиб кетди. Одамлар терговнинг холис олиб борилаётганига тобора кўпроқ шубҳа билдира бошлади.

Бундан ташқари, биз 1984 йил июн ойининг охирларида Ўзбекистон КП МК пленумида Е.Лигачёв билан бирга КПСС МК аппарати ходимларидан кимлар борлигини аниқлаб ва уларни сўроқ қилдик. Лигачёв Ўзбекистонга борганида қўриқлаб борган соқчилар бошлиғи В.Малишев кечаси ҳам, кундузи ҳам, ҳамиша Лигачёвнинг ёнида бўлган. У республика раҳбарлари билан ўтказилган барча учрашувларда иштирок этган. Бундай учрашувлар расмий ҳарактерда бўлган. Бухоро, Самарқандда меҳнаткашлар билан ҳам учрашув бўлган.

Лигачёвни кўпдан бери яхши танийдиган Малишев уни ҳалол, виждонли одам, деб атади. Малишев бутун масъулиятни зиммасига олиб шу нарсани таъкидладики, Егор Кузмичга совға тарзида келтирилган бирор бир нарса ёки айниқса, унинг пул олганлигини ўзи ҳам кўрмаган, соқчилик хизматида бўлган бошқа ходимлардан ҳам бу ҳақда ҳеч нарса эшитмаган. У Гдлян билан Ивановнинг Ўзбекистон КП МК XVI пленумида Лигачёвга пора берилганлиги тўғрисидаги баёнотларини “ғирт ёлғон” гап, деб баҳолади.

Лигачёвнинг ёрдамчиси бўлиб ишлайдиган В.Легостаев ҳам терговчиларнинг Лигачёвга пора берилганлиги тўғрисидаги баёнотини “курақда турмайдиган ёлғон гап”, деб атади. У бутун XVI пленум иши давомида ва ундан кейин ҳам ҳар доим Лигачёв ёнида бўлган. Шунинг учун у Егор Кузмичга аллақандай дипломат берилганлигини рад этди. Лигачёв ҳар қачон ҳам совға-саломлар олишга қарши киши эди ва шундай киши бўлиб қолди, деб таъкидлади В.Легостаев.

Лигачёвга пора берилганлиги тўғрисидаги гапни бошқа шахслар ҳам, жумладан, Егор Кузмичнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлган комендант А.Михайлов, врач А.Таранов ва бошқалар ҳам “бутунлай нотўғри гап” деб рад этди. Шундан кейин Усмонхўжаев берган маълумотлар ва икки терговчининг бу гапни таъкидлашлари ҳар қандай ишонч ва эътибордан маҳрум бўлиб, ҳавода муаллақ осилиб қолди.

1984 йил 9 июлда Е.Лигачёв Москвага қайтиб келганидан

кейин ўзининг Ўзбекистонга қилган сафари натижалари бўйича КПСС МК аппарати ходимлари олдида сўзга чиқади.

Лигачёв Ўзбекистондаги жуда кўп камчиликлар тўғрисида ва социал адолат қонунлари бузилаётганлиги ҳамда булар бари меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлигини айтиб ўтади. Лигачёв кўпгина партия қўмиталари раҳбарлари фаолиятида сўз билан иш бирлиги йўқлигини танқид қилади. Ҳуқуқ-тартибот, халқ назорати, молия органларида тасодикий кишилар ҳам ишлаётганлигини мисоллар билан кўрсатган.

Хуллас, унинг нутқи билан танишиб чиққач шундай кишининг майда-чуйда совға-саломларга ва порага сотилмайдиган ҳалол киши эканлигига бизда шубҳа қолмади.

Бунинг устига Гдлян айбдор деб қамаб қўйган Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Қаҳрамоновни ССРИ Олий суди оқлаб ҳукм чиқарди. Худди мана шу олий орган Ҳ.Яҳёевни айблаш билан боғлиқ бўлган иш маълумотларини ҳам қўшимча тергов қилиш учун қайтариб юборди. Судда қўпол процессуал хатоларга ва тергов қилишга оид йирик камчиликларга йўл қўйилганлиги очилиб қолди.

1989 йилнинг 4 сентябрида ССРИ Бош прокурорининг ёрдамчиси В.С.Галкин Гдлян билан Ивановнинг шов-шувга сабаб бўлган Лигачёв билан боғлиқ сафсатабозлигига чек қўйди. У Е.Лигачёвга нисбатан қўзғатилган ишни унда жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарди.

Съезд комиссияси ҳам барча материалларни ўрганиб чикди. Комиссия томонидан тайёрлаган ҳисоботда шундай деб ёзилди: “Маълумки, Сиёсий Бюро аъзоси Е.К.Лигачёвга қўйилган айбларга жамоатчиликнинг алоҳида эътибори қаратилган эди. Тез орада шу нарса аён бўлдики, бу айбнома Ўзбекистон КП МК собиқ биринчи котиби И.Б.Усмонхўжаев Гдлян билан терговчи Московцеваларга 1988 йил 23 октябрдаги сўроқ вақтида берган баёнотига ҳамда унинг 25 октябрда Московцева ва ССРИ Бош прокурори номига ёзган ари-

засида такрорланган фикрларга асосланган экан. Ушбу баё-
нотда таъкидланишича, Усмонхўжаев Сиёсий бюро аъзоси
Е.К.Лигачёвга икки марта ҳар бири 30 минг сўмдан – ҳамма-
си бўлиб 60 минг сўм “пора берган”. Усмонхўжаев ушбу факт-
ни тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил келтирмаган. Бизнинг
комиссиямиз Усмонхўжаевнинг жиноят ишида ҳам бошқа
шахсларнинг жиноят ишларида ҳам Е.К.Лигачёвнинг фао-
лиятида қандайдир қонунга қарши қилинган ҳаракатларни
исботловчи далиллар йўқ эканлигини таъкидлайди”.

РАШИДОВГА ЙЎЛ ЁКИ...

Россиялик тарихчи, махсус хизматлар ва ССРИ тарихи бўйича ўнлаб китоблар муаллифи Александр Колпакиди “Пахта иши”нинг тарихи ҳақида фикр билдириб, бир қатор қизиқарли айтишларда тўғри фикрларни билдирган:

“Ўзбек ишини ким бошлаган? Гдлян ва Ивановни ҳамма билади. Ўзбекистон КГБ раиси Мелкумовни деярли ҳеч ким билмайди. Буларнинг барини Андропов, Мелкумов, Гдлян ва Ивановлар қилишди.”

Олим, шунингдек, масаланинг туб сабабларига тўхталаркан, собиқ иттифокдаги нуфузи, ислом векторидаги ўрни ва қарашлари туфайли “Ўзбеклар иши”да асосий “нишон” Шароф Рашидов бўлган деган фикрни илгари суради.

Бир нарса дейиш қийин. Аммо шуниси аниқки, Гдлян ва Иванов Рашидовни порахўрликда айблаб, уни кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда нотўғри йўл тутган, деб ҳисоблайдилар ва бошқа кўп гуноҳларни унинг устига ағда-риб гапирган ва ёзган.

Улар ҳибсга олинган барча партия, совет ходимларига Рашидовни пора олганликда айблайдиган маълумотлар бериш тўғрисидаги фикрни зўрлаб ўтказмоқчи бўлишган. Буни таклиф қилибгина қолмай, балки маҳбусларни, уларнинг қариндош-уруғларини қийноққа солиб қўрқитиш йўли билан талаб қилишган.

Гдлянчилар Самарқанд вилояти партия комитети биринчи котиби Рашид Ашуралиевдан ҳам Ўзбекистон ССРнинг марҳум раҳбарига қарши кўрсатма беришни талаб қилган. Аслида Р.Ашуралиев Самарқанд вилоятида биринчи котиб бўлиб ишлаган вақтида Сиёб бозорига бориб, Халқ контроли бригадасига сотувчиларнинг ноқонуний ҳаракатига барҳам беришни буюрган. Унга айтиш шу ҳолатда “Қизил чойхона” номли савдо ва овқатланиш мажмуаси директори Солижон Адилловдан Халқ контролининг вилоят бўйича

бошлиғи орқали жуда кўп миқдордаги пулни пора сифатида олганлик айби қўйилган.

Гдлян гуруҳи терговчиси эса Р.Ашуралиевни 50 нафар вилоят раҳбарлари ва район партия комитети котибларидан 250 минг сўм миқдорда пора олиб турганлиги ва олинган пуллардан республика раҳбарларига, жумладан, Ш.Рашидов ҳамда бошқаларга пора сифатида берганлиги ҳақида ариза ёзишни уқтирган. Қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини баён қилса, унга енгиллик берилишини айтган. Найранги иш бермаган терговчи Р.Ашуралиевни ҳар куни Давлат хавфсизлик комитети биносига чақириб, қариндош-уруғларини ҳам қамаш билан қўрқитган. Шундай бўлса-да, Р.Ашуралиев уқтирилганидай кўрсатма ёзиб бермаган.

Шундан кейин уни сўроқ қилган рус миллатига мансуб терговчи ҳеч қаёққа кетмаслик ҳақида тилхат олиб, уни Гдляннинг ўзи Москвага чақириб сўроқ қилишини уқтирган ва тайёргарлик кўриб туришини айтган. Рашид Салоҳидинович менга ҳадик ва турли гумонлар сабаб қон босими ошиб, касал бўлиб қолганлигини, кечалари ухлай олмаслигини айтиб берган эди...

Самарқанд вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, кейин эса Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган 60 ёшли милиция генерали А.Муҳаммадиевни Гдлян 27 ой қамокда сақлаган.

“Юқорига” пора бериш тўғрисидаги ёлғон гапларга қўшилмай, уларга рад жавобини берган генералга нима таклиф қилинган деб ўйлайсиз?

У буни қуйидагича ҳикоя қилган: “Мен билан Гдлян ва Иванов шуғулланди. Улар гапнинг бошидаёқ уларга керак эмаслигимни айтди: “Сен биз учун катта шахс эмассан, бизга Рашидов керак, республика Ички ишлар вазирлигининг, республика ва ССРИнинг партия ҳамда ҳукумат раҳбарлари керак”, дейишди.

Ўзбекистон ССР Компартияси Марказқўми котиби бўлиб ишлаган Ережеб Айтмуратов 1987 йил 20 августда Тошкентда

қамокқа олинган. Уни бир неча кун Ўзбекистон ДХКнинг тергов изоляторида сақлашади, сўнг Москвага олиб боришади.

Терговчиларнинг “паровоз” қиламиз, яъни республикада йўл қўйилган қўшиб ёзишлар учун етакчи жавобгарлардан бирига айлантираммиз, деган гапидан собиқ котиб саросимага тушиб қолади.

Шундан кейин ҳам “тилга кирмаган” Айтмуратов яна шундай чурқ этмай тураверадиган бўлса, хотинини, ўғлини, қизи ва укасини ҳам қамаб қўйишларини айтиб дўқ уришади. Ўшанда Иванов ҳатто аллақандай ҳомиладор аёлни ҳам аяб ўтирмай ҳибсга олганликларини шаъма қилган. Хулоса қилиб, аянчли кўргиликка гирифтор бўлмаслиги учун уларнинг “гапига” киришни таъкидлашади. Оқибатда фарзандлари ва қариндош-уруғларининг хотиржамлиги ягона истак бўлиб қолган Айтмуратов тергов билан келишишга аҳд қилган.

Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган: ... Усмонхўжаевга 30 минг сўм, Осетровга 50 минг, Рашидовга 20 минг сўм ва бошқа ўнлаб кишиларга миқдорини кўрсатиб, пора берганман, деб ёлғон кўрсатма беришга мажбур бўлганман.

Булар бари айбсиз кишиларга қилинган тўхмат эди. Бунда менга ҳақиқий воқеалардан фойдаланиш ва бўлиб ўтган учрашув материалларини ҳам қўйишни ҳамда бу ёлғон ҳисоб-китобдан гўё ўзимга теккан пулларни ҳам қўшиб қўйишни тавсия этдилар. Уятдан, номусдан ичим ёнар эди. Ўзимнинг виждонсизлигим ва қилган ифлослигим тўғрисидаги аянчли фикр бир дақиқа бўлсин ҳаёлимдан кетмасди. Одамларни сотганимни ва уларга хиёнат қилганимни тушуниб турардим. Иванов эса ҳар доимгидек: “Ёз, кўпроқ ёзавер, қанча кўп пул кўрсатсанг, ўзингга шунча яхши бўлади”, деб таъкидлашдан тўхтамасди”.

Ш.Рашидовни “фош” қилиш учун Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қаллибек Камоловдан, айниқса, кўпроқ фойдаланмоқчи бўлишган. Негаки, улар бир-бирига қуда бўлишган. Рашидовнинг ўғли Владимир Камоловнинг қизи Светланага уйланган эди.

Тўғри, бу никоҳ унчалик мустаҳкам бўлиб чиқмади ва Рашидов вафотидан кейин орадан кўп вақт ўтмай у бузилди.

Гдляннинг тахмини бўйича гўё Рашидов вафотидан сал олдин ўзининг афсонавий миллионларини, олтин ёмбиларини қудасига бериб қўйган эмиш. У эса бу бойликларни ишончли жойга беркитиб қўйган. Бу бир кишининг калласидан чиққан шунчаки фараз – хаёлий гап бўлиб, уни ҳақиқий воқеликка айлантириш учун кўп уринишди. Уни ҳақиқатга айлантириш учун турли воситалар қидиришган.

1987 йилнинг 16 ноябрида ССРИ Олий суди Отаулла Худойбергановни пора олгани ва пора бергани учун тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқаради. О.Худойберганов 1975 йилдан 1984 йилга қадар Қорақалпоғистон пахта тайёрлаш саноатининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Терговда у ўзининг пора олгани ва пора берганлигини “бўйни”га олади. Шу билан бошқаларни ҳам “фош қилади”. Бу пораларнинг миқдори унча катта бўлмаганлиги сабабли унга бериладиган жазо ҳам унчалик қаттиқ эмасди. Унинг уйи тинтув қилинган вақтда ҳам пичоққа илинадиган бирон-бир нарса топа олмайдилар.

Аслида Худойберганов ишини тергов қилишга Гдлян гуруҳининг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Бу ишни бошқа терговчилар текширган ва суд ҳукми ҳам чиқиб бўлгандан кейин Гдлян бу ишдан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланишга уриниб кўради. У пахта пунктларининг, пахта тайёрлаш идораларининг ва пахта тайёрлаш саноатининг раҳбарлари пахтани қўшиб ёзиш ҳисобига “миллионлаб сўм пулга эга бўлаётганликлари”ни эшитган ва мана шу кишилар “Ўзбекистоннинг энг катта пулдорлари, улар қоп-қоп пуллар устида ухлашади”, деб ўйлаган. Гдлян афтидан, Худойберганов жуда катта “бойликларини яшириб қўйганлиги” тўғрисида изолятордаги оператив ходимлардан тузуккина ахборот олган бўлса керак. Шунинг учун у ССРИ прокуратураси раҳбарларига мурожаат қилиб, Худойбергановни гувоҳ сифатида бошқа ишларни очиш учун тергов изоляторидида қол-

диришга рухсат беришларини сўрайди. 1984 йил 7 декабрда бундай рухсатнома олинади.

Табиийки, амалда ҳеч қандай гувоҳлик йўқ эди. Худойбергановдан улар жуда катта ўйин учун фойдаланиб кенг миқёсли олди-берди ишларини бошлаб юборади.

1988 йил 8 январда Худойберганов ССР Бош прокурори номига ўзининг биринчи аризасини ёзиб беради. Мазкур аризасида у айбларини бўйнига олиб, ўз гуноҳини чуқур англаб етганини, совет суди одил суд эканлигига чуқур ишонч ҳосил қилганлигини баён этади: “Шунинг учун, – деб ёзади у, – мен ихтиёрий равишда, тергов органлари ходимларининг ҳеч қандай аралашувисиз, ўз ташаббусим билан ўзим сақлаб қўйган 3 миллион сўмга яқин пул, тилла, облигацияларни давлат фойдасига қайтариб беришни истайман. Эҳтимол, пул ва бойликлар бундан биров кўпроқ чиқар”.

1988 йил 9 январда у такрорий ариза ёзади. Бунда у 5 миллион сўм пул сақлаётганлигини хабар қилади ва бу пулларнинг ҳаммаси обкомнинг биринчи котиби Камоловники эканлигини қўшиб қўяди. Ариза рўйхатга ҳам олинмайди, изоляторнинг махсус қисми орқали ҳам ўтказилмайди. Худди шу куни соат 11 дан 30 минут ўтганидан то 19 га қадар Гдлян билан Иванов Худойбергановни сўроқ қилади. Протоколга ёзилган маълумотлардан шу нарса аён бўладики, гўё 1984 йил баҳорида Камолов Худойбергановга иккита жомадон ва битта қимматбаҳо буюмлар солинган хўжалик сумкаси беради. “Ҳозир вақт алғов-далғов бўлиб турибди”, деб шу нарсаларни сақлаб қўйишни илтимос қилади. Жомадонлар билан сумка унинг уйида икки ҳафта туради, кейин эса хотини у нарсаларни кичкина-кичкина тугунчаларга солиб боғлайди ҳамда уларни қариндош-уруғлариникига тарқатади. Хужжатда улар кимларникига бўғча берган бўлса, ҳаммасининг фамилиялари келтирилган. Протокол охирига икки қатор изоҳловчи гап ҳам ёзиб қўйилади. Қ.Камоловнинг айтишига қараганда, мана шу бойликларнинг ҳаммаси Ш.Рашидовники эканлиги унга маълум эмиш. Булар

бари масаланинг ташқи томонидир. Хўш, унинг ички томони, яъни мазмуни қандай? Бу маълумотлар қаердан пайдо бўлган?

Бу сир-асрорларни Худойбергановнинг ўзи биров очиб қўйди. У 1989 йил 26 августда қилинган сўроқ вақтида, “мени суд қилиб кесиб юборишганидан кейин Москва шаҳридаги тергов изоляторида қолдиришди”, деб изоҳ берди. Унинг айтишича, бир кун кутилмаганда уни Гдлян билан Иванов сўроққа чақиради. Сўроқ узоқ вақт давом этади. Биринчи сўроқдан кейин иккинчиси, учинчиси, ундан кейин яна тўхтовсиз сўроқлар бошланиб кетади. Терговчилар гўё Қ.Камоловга Худойберганов пора берган, Камолов эса бошқа шахсларга пора берган ва Камоловга тегишли миллионларни сақлаб қўйган эмиш, дейди. Худойберганов пора берганлигини ва Камоловнинг пулларини сақлаб қўйганлигини мутлақо бўйнига олмайди.

“Ўшанда, – деб тушунтиради Худойберганов, – Гдлян билан Иванов менинг олдимга шарт қўйди: ё мен Камоловга пора бериш фактини бўйнимга оламан, ё бўлмаса улар менинг барча қариндош-уруғларимни ҳибсга олади ва “йўқ қилиб юборишади”. Гдлян ва Иванов мен билан бир неча кун мобайнида худди шундай мазмунда гаплашавердилар, лекин сўроқ протоколи тузишмади. Мен қариндош-уруғларимнинг ҳаёти хавф остида қолганлиги учун уларнинг шартига қўнишга мажбур бўлганман. Зеро, агар мен улар айтган шартларга рози бўлсам, мени дарҳол бўшатиб юборишга ваъда беришди. Бундан ташқари, улар мендан гўё Айтмурадовга (Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашининг собиқ раиси), Тўрткўл тумани партия комитетининг биринчи котиби Нуримбетовга “пора берганлигим” тўғрисида кўрсатма ёзиб беришимни талаб қилдилар. Мен уларнинг таклифларига рози бўлганимдан кейин Иванов менга айтиб туриб, юқорида номлари келтирилган шахсларга пора берганим ҳамда Камоловнинг бойликлари менда “сақланаётганлиги” тўғрисида Бош прокурор номига ариза ёздирди. Бир неча кун мобайнида биз худди бозорда нарх

талашгандек рақам талашдик. Улар мендан 6 миллион сўм кўрсатишни талаб қилди, мен эса 1 миллион сўм ёзиб беравердим. Гдлян билан Иванов бундай аризани қабул қилмади. Шундан кейин мен 2 миллион кўрсатиб бошқа ариза ёзиб бердим. Бу аризани ҳам қабул қилмай, “яна бир ўйлаб кўринг”, деб мени қайтариб юборишди. Хуллас, 3 миллион сўмга келишдик”.

Биз изоляторда Худойберганов сўроққа чақирилган хужжатларни текшириб чиқдик. Биринчи ариза ёзилгунича уни бир неча бор сўроқ қилишган. Улар ҳеч қурса 1988 йил 6-7 январда қилинган сўроқни ҳам протокол қилиб ишга тикиб қўймаган. Лекин асосий масала бу эмас. Терговчилар Худойбергановнинг мабодо уларнинг шартини қабул қилмайдиган бўлса, жиноий йўллар билан топилган миллионлар учун отилиши муқаррарлигини жуда яхши тушунишарди. Зеро, ёзилган маблағ чиндан ҳам жуда катта эди. Бироқ терговчиларнинг ўзлари унинг ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини айтади, яъни “бу миллионлар меники эмас, Ш.Рашидов билан Қ.Камоловники”, деб кўрсатасан, дейишади. Ҳақиқатда эса бу миллионлар умуман мавжуд эмасди. Шундай қилиб, даҳшатли, ўта хавфли ўйин бошланади. Бу ўйинда иштирок этаётганлардан бири ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун бошқа бир кишининг ҳаётини ўлим хавфи остида қолдирарди. Терговчилар эса бу ўйинни совуққонлик билан бошқарар эканлар, нуқул бир ўқ билан икки қуённи уриш пайида бўлар эди. Биринчидан, Худойбергановнинг пулларини тортиб олиб, Камоловнинг айбини бўйнига қўяр эдилар, айни маҳалда Рашидовнинг “жиноий” фаолиятини “исбот қилмоқчи” бўлишади.

1988 йил 27 январда Худойбергановни Хоразм вилояти ижрокомининг ички ишлар бошқармаси тергов изоляторига кўчиришади. Бу ерда ҳам у билан “кимга неча пул бергани” хусусида иш олиб борадилар. Орадан вақт ўтгач, унинг қариндош-уруғларидан ҳамда у айтган, кўрсатиб берган жойлардан 5 миллион 800 минг сўм пул, облигациялар ва қимматли буюмларни тортиб олишади.

Гдлян билан Иванов ва яна бошқа бир қанча терговчилар ССРИ Бош прокуроридан навбатдаги пул мукофотларини, янги-янги унвонларни олади. Бундай катта миқдордаги пулни топиб берганлиги учун албатта мукофотлаш лозим-да. Бироқ агар Бош прокурор “терговчиларнинг Худойберганов билан тил бириктиришгани”ни ўз вақтида билганида эди, терговчиларни мукофотлашга бунчалик ошиқмаган бўларди. Уларнинг бундай фитнаси ҳатто амалга оширилиши ҳам мумкин эди, лекин ишнинг бошқа терговчиларга олиб берилиши бунга ҳалал бериб қолди. Шу нарса таажжубланарлики, тортиб олинган миллионлар хусусида Камолов билдирган фикр-мулоҳазалар Гдлян билан Ивановни мутлақо қизиқтирмас эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам 1986 йилдан бери қамалиб ётган Камолов улар нимани айтиб туриб ёздирсалар, ўшани тасдиқлайди ва такрорлайди, деб ишонар эди. Чиндан ҳам 1988 йилга келиб Қ.Камоловнинг иродаси мутлақо бўғиб олинган, руҳи синдирилган бўлиб, терговчиларнинг барча талабларини ҳеч қандай қаршилиқ қилмасдан бажарар эди. У аслида ҳеч қачон қилмаган ишларини ҳам бўйнига олаверар эди.

Кейинчалик у шундай сўзлаб беради: “Мен шу нарсани таъкидлаб ўтишни истайманки, Гдлян билан Иванов гўё мен пора олган кишиларнинг рўйхатини, шунингдек, мендан юқори лавозимдаги раҳбарлар орасидан мендан пора олган шахслар рўйхатини қўлимга тутқазишди. Гдлян агар мен унга керак бўлган маълумотларни бермайдиган бўлсам, отиб ташлашини, қариндош-уруғларимни хибсга олиб, бутун авлодимни йўқ қилиб ташлашини айтди. Менинг қон босим касалим бор, қамоқ шароити, бундай руҳий зулм ўтказишлар оқибатида саломатлигим яна-да оғирлашиб қолди. Гдлян менга тиббий ёрдам кўрсатишни рад қилди. Терговчига зарур бўлган маълумотларни ёзиб бермагунимча мен ҳеч қандай тиббий ёрдам ололмадим”.

Қ.Камоловдан, шунингдек, Ш.Рашидовга “тегишли бўлган пулларни” аввалига 20 миллион, кейинроқ эса 31 мил-

лион сўмни топиб беришни талаб қилишади. Камерада у билан бирга ётган яна икки киши ҳам ундан худди шу нарсаларни талаб қиладилар. Бу кишилар уни доим уриб, бўғиб қийнар, ўлдирамиз, деб қўрқитар эди. Терговчилар фақат дўқ-пўписа қилиш билан чекланмай, унинг хотини Любов Семёновна Камоловани, ўғлини, укасини – ҳаммаси бўлиб 8 нафар қариндош-уруғларини қонунсиз равишда ҳибсга олади. Уларнинг ҳар бири 9 ойдан камерада қамалиб ётади. Камолов уларнинг камалганлигини биларди, чунки бу ҳақда унга доимо эслатиб туришарди, онда-сонда тергов изоляторларида қариндош-уруғларини бир кўрсатиб қўйишарди. Қамокдаги оғир ҳаёт, азоб-уқубат ва ҳўрликлар унинг иродасини бўғиб ташлайди. Ўзининг ва Рашидовнинг “миллионлари” борлигини ҳам, пора олганини ҳам тан олади. Кейин эса унинг ўзи ва суд томонидан бу фактлар рад этилди.

Худойберганов терговчилар билан муросага келгани учун чиндан ҳам озодликка чиқади. Урганч шаҳар халқ суди 1988 йил 2 июнда тергов изолятори биносидан изолятор маъмурияси тақдимномасини кўриб чиқиб, Худойбергановни муддатидан олдин шартли равишда қамокдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Вужудга келтирилган вазиятда махбусни бу хилда шартли – муддатидан олдин чиқариб юборилиши тўғрисидаги суд қарори қонунга тўғри келмаса ҳам, лекин Гдлян ўз ваъдасининг устидан чиқади. Бунинг учун Гдлян ўз топшириқларини қулоқ қоқмай бажарадиган қонунбузар гумаштаси, Хоразм вилояти прокурорининг ўринбосари А.Титаренко орқали ҳаракат қилган. У изолятор бошлиғига Худойбергановни озод қилиш тўғрисида ҳужжатларни тайёрлашга буйруқ берган. “Худойберганов очикда юраверсин, керак бўлганида Камоловнинг судига ўзи келади”, дейди. Тўғри, бу ерда Худойберганов суд бўлмасиданоқ ўзи ёзиб берган ёлгон кўрсатмаларнинг кўпини рад этганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Суд Қ.Камоловни фақат қилган гуноҳлари учун жазолайди, ўйлаб чиқарилган, сохталаштирилган ва ўз исботини топмаган барча

маълумотларни инобатга олмасдан иш таркибидан чиқариб ташлайди.

Бу ўринда бир рақамни айтиб ўтиш ўринли. Кейинги терговларда ва суд муҳокамаларида Гдляннинг тергов маълумотлари бўйича ҳибсга олинган 15 нафар партия ходими айбсиз, деб топилиб, тўла оқланади. Улар 9 ойдан 3 йилгача ва ундан ҳам кўпроқ муддат турмада ётади. Улар орасида КПСС Марказий Комитети аппаратининг ходими, Ўзбекистон КП МКнинг 2 нафар котиби, 6 нафар вилоят партия комитетларининг биринчи котиблари ва район даражасидаги котиблар бор эди.

БИРИНЧИ КОТИБГА ҲУЖУМ

И.Усмонхўжаев 1988 йил 19 октябрда ССРИ Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Василев томонидан ҳибсга олинган ва ўша заҳоти ССРИ прокуратураси бош тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В.Титов, ССРИ Давлат хавфсизлик комитетининг терговчиси В.Рац томонидан сўроқ қилинган.

Биринчи сўроқда Усмонхўжаев бирор кишидан пора олганлигини ва пора берганлигини рад этади. 20 октябрда худди ўша шахслар томонидан яна бир киши ССРИ прокуратураси тергов қисмининг бошлиғи Г.Каракозов иштирокида такрорий сўроқ қилинади. Натижа ўша-ўша, лекин Усмонхўжаев ўзига нисбатан шубҳа пайдо бўлганлиги муносабати билан бўлаётган воқеалар моҳиятини ўйлаб кўриш учун вақт беришларини сўрайди. Ўша куни кечаси у А.Сухарев номига ариза ёзиб беради. Бу ҳужжат 21 октябрда изоляторнинг махсус қисмида рўйхатдан ўтказилади. Аризада бир қанча шахслардан пора олганлигини хабар қилади, уларнинг фамилияларини бирма-бир санаб ўтади.

21 октябрда уни Каракозов, Титов, Рац ва терговчи Н.Московцева сўроқ қилади. Сўроқда у ўз аризасида ёзилган гапларни тўла тасдиқлайди.

Эртасига Усмонхўжаевни сўроқ қилишмайди, чунки шанба эди. Индинига 23 октябр якшанба куни тергов изоляторига Гдлян билан Московцева кириб келади. Гдлян изолятор бошлиғи Пухарев билан яхши ошна бўлгани учун унинг бу ерга кириб келиши унча қийин бўлмаган. Усмонхўжаевни Гдлян ҳузурига сўроққа олиб келишади ва у КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимларига: Капитоновга 100 минг сўм, Соломенцевга 100 минг сўм, Гришинга 30 минг сўм, Романовга 25 минг сўм, Могилниченкога 20 минг сўм, Бессарабовга 10 минг сўм, Ишковга 10 минг сўм пора берганлиги тўғрисида маълумот беради.

Бундан ташқари, Усмонхўжаев ССРИ собиқ Бош прокурори А.Рекунковга 50 минг сўм ва унинг муовини О.Сорокага 20 минг сўм берганлигини айтади. Шунингдек, жиноий йўллар билан топилган 4,5 миллион сўмни давлатга қайтариб беришни ваъда қилади.

Ўша куннинг ўзида Усмонхўжаев Гдляннинг кўмагида битта ариза ёзиб берган. Унда гўё мана шу сўроқ бошлангунча пора берганлиги тўғрисида ахборот ёзиб, ўз ихтиёри билан маълумот берганлигини ёзади. Бу ишни у жавобгарликдан қутилиш ниятида қилади, чунки пора берганлик тўғрисида ўз ихтиёри билан ариза ёзиб маълум қилиш қонунга мувофиқ, пора берган кишини жавобгарликдан озод қиларди. Албатта, Усмонхўжаев борасида ҳеч қандай ихтиёрийлик тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, фақат уни лақиллатиб шундай маълумот ёздириб олишган.

Гдлян усулида тергов олиб бориш сирларидан воқиф мутахассис сифатида Усмонхўжаев сўроқ протоколининг асосий мазмунини ўйлаганингда, шундай бир табиий фикр пайдо бўлади, унга кўра ўша куни 23 октябрда Гдлян бир қатор раҳбар ходимларнинг фамилияларини эсидан чиқариб қўйган бўлса керак, деб фикр хаёлингга келади. Агар уларнинг номларини эслаганида Усмонхўжаев уларга ҳам пора берганман, деб ёзиб берган бўлар эди. Яна шу гапни ҳам қўшиб қўймоқчиманки, Усмонхўжаев ёзган аризадан фарқли ўлароқ уни сўроқ қилиш протоколида Романов, Рекунков, Сорокалар порахўрлар қаторида кўрсатиб ўтилмайди. Лекин бу кичик бир детал бўлиб, улар Гдлянни унчалик ташвишга солмасди. Сўроқ соат ўн бирдан ўн минут ўтганда бошланиб, соат йигирмадан ўн беш минут ўтгунича давом этади. Протоколда пора берилган жой, вақт, пора бериш сабаби сингари деталлар мутлақо келтирилмаган.

Гдлян 23 октябр куни эсидан чиқарган ишларни орадан икки кун ўтганидан кейин ўрнини тўлдирди. У Каракозов билан бирга Сухаревга мурожаат қилиб, Усмонхўжаев билан фақат ўзи ишлаши кераклигига уни ишонтирди. Гап

орасида Усмонхўжаевнинг қўли билан ёзилган хатни ҳам кўрсатди. Бу хатда Усмонхўжаев Бош прокурордан ўз ишини олиб боришни шахсан Гдлянга топширишни сўрайди. Сухарев бунга рози бўлди, чунки худди мана шу воқеадан кейин ҳамма ишлар чархпалак бўлиб кетишини у олдиндан кўра олмаган эди.

25 октябрда Гдлян ҳузурида ўтказилган сўроқ маълумотларида биринчи марта Лигачевнинг номи пайдо бўлади. Унда гўё Усмонхўжаев унга икки марта – ҳар сафар 30 минг сўмдан пора берганлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, у Ю.Чурбанов билан Н.Щелочковларнинг ҳар бирига 50 минг сўмдан, ССРИ Олий судининг собиқ раиси В.Теребиловга 40 минг сўм, Ўзбекистоннинг собиқ прокурори А.Бутурлинга 15 минг сўм пора берганлигини маълум қилади.

Сўроқ соат 19 дан 10 минут ўтганда бошланиб, 21 дан 40 минут ўтганда тугайди. Бу вақт протоколда ҳам кўрсатиб қўйилади. Яна протоколга Усмонхўжаев берилган поралар тўғрисида ўз ихтиёри билан ахборот бергани тўғрисидаги ариза ҳам илова қилинган.

Шундан кейинги сўроқларда яна янги-янги шахсларнинг номлари порахўр сифатида тилга олинади. Гўё пора олган бундай кишиларнинг рўйхатдаги сони бир неча ўн кишига етган эди.

Шу ерда пул миқдори ва шахслар масаласида аниқлик киритиш мақсадида ҳамда Усмонхўжаев берган маълумотларни қай даражада тўғрилигини идрок этиш қийин бўлмаслиги учун мен воқеалар тартибига риоя қилмай, сал кейинроқ бўлиб ўтган воқеага эътиборингизни қаратмоқчиман. Модомики, ССРИ Олий суди 1989 йили 27 декабрда унга нисбатан айблов ҳукмини чиқарган экан, Усмонхўжаевни жиноятчи деб аташ мумкин, фақат уни бошқа иш юзасидан, яъни узоқ муддат озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, Хоразм област партия кўмитасининг собиқ биринчи котибидан 3 марта 50 минг сўм миқдорида пора олганлиги учун ҳукм қилинганди. Унинг устига қўйилган

бошқа барча айблар худди пуфлаб шиширилган совун кўпигидек ё тергов вақтидаёқ, ёки суд чоғида чиппакка чиқди. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу иш ССРИ Олий судида қараб чиқиляётган вақтда унга янги раис Е.А.Соломенцев раҳбарлик қилди.

Усмонхўжаев пора олувчилар сифатида тилга олган шахслар рўйхати билан танишиб чиқар эканман, мен унда ўзига хос бир хусусият кўзга ташланиб турганини пайқадим. Бу рўйхатда Гдлян қачонлардир жанжаллашиб қолган, унинг йўлига тўсқинлик қилган, бирор ҳаракат билан қонунсизликнинг олдини олишга, Ўзбекистонда содир бўляётган ҳодисаларни холис тарзда ёритишга уриниб кўрган кишиларнинг номлари кўпроқ учрар эди.

Мисол учун Олий суд Т.Қахрамоновни оқлаб, Ҳ.Яҳёевга нисбатан қўзғатилган иш маълумотларини қайта тергов қилиш учун қайтариб юборганидан сўнг Гдлян В.Теребилов обрўсини тўкиши мумкин бўлган маълумотларни йиғишга киришган. М.Соломенцев, Могилченколар турли вақтларда Гдлян гуруҳи ўтказётган мустабидлик тўғрисида тушган шикоят ва аризаларни текширишга бевосита алоқадор бўлган эди.

Гдлян ўзи ишлаб чиққан “дўқ қилиб кўрқитиш” тактикасини Усмонхўжаевга нисбатан ҳам қўллаган. Бу ерда ҳам у ўзи тўқиб чиқарган, “Ўзбекистонда ҳамма пора олган, модомики пора олган экан, демак “юқоридагиларга” ҳам албатта пора берган”, деган ақидага асосланиб иш тутган.

Гдлян гуруҳида ишлатиладиган жаргон билан айтганда, Усмонхўжаевни “қаттиқ пресслашган”, уни жуда оддий йўл билан “илинтиришган”. Яъни унга “Сен республика КП МКнинг биринчи котибисан, масъулиятли лавозимни эгаллаб келгансан, сени отиб ташлаш учун бир марта пора олганинг ҳам етарли, чунки бу жамият учун ҳаддан ташқари катта хавф солади. Агар яшашни истасанг, сенга битта нажот йўли бор, сен шу йўлдан борсанг қутулиб қоласан. “Юқори”га пора берганман, деб маълумот ёзасан. Бу порахўрлик “ботқоғи”га мени уларнинг ўзлари тортган, деб кўрсата-

вер. Сен бунӣ ўз хоҳишинг билан қилган эмассан, улар сени пора беришга мажбур қилишган. Агар шундай деб ёзсанг, ўзингга яхши бўлади. Биз қилаётган иш гўё катта бир пиллапоя деб фараз қилинадиган бўлса сен унда биринчи, асосий зина эмас, балки унинг кичик бўлагисан. Шунинг учун мана шу имкониятдан – биз қўлингга тутқазаётган қутқарув “воситасидан” фойдаланиб қол. Шундай қилсанг, даҳшатли жазодан қутуласан”.

Афсуски, бу усулнинг қай даражада хавфли эканлигини жуда кўп кишилар ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам тушунмаган ва тушунишни истамайди. Улар шундай фикр қиладилар “Хўш, сўроқда қўполлик қилишган бўлса, нима қипти, балки дўқ қилганлари ҳам ростдир, одамларни қонунсиз равишда ҳибсда сақлаган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин улар миллион-миллион сўм пулларни давлатга қайтаришга эришди. Иш хатосиз бўлмайди”.

Йўқ, булар майда гаплар ва оддий хатолар эмас, бу процессуал бандитизм-босқинчиликдир, Гдлян билан Иванов ва улар атрофидаги айрим кишилар “адлия қотилларидир”. Улар одамлар томонидан қилинмаган жиноятни қилинган, деб ёзиб далилларни сохталаштирган. Улар одамларнинг бўйнига шундай оғир айблар қўйганларки, агар судда яхшироқ муҳокама қилинмаса, мутлақо гуноҳсиз кишиларга ўлим ҳукми чиқарилиши мумкин эди. Мана, бир қарашда унчалик хавфли бўлиб кўринмаган хатоларнинг даҳшати.

Бундан ташқари, ўша хато одамлар тақдиридан, уларнинг фожиасидан вужудга келадиган занжирнинг бошланиши – биринчи халқаси бўлар эди холос. Бунӣ тушунмаслик бизнинг Гдлян билан, унинг принциплари билан мутлақо келиша олмаётганимиз сабабларини тушунмаслик бўлур эди.

Биз Усмонхўжаевнинг нима сабабдан тухмат қилганини тадқиқ этиб, унинг бундай маълумот беришида кимлар ва қай тарзда таъсир ўтказганлигини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Турли ишларни тергов қилишда катта тажрибага эга ССРИ Бош прокурорининг алоҳида муҳим ишлар бўйича

терговчиси А.Исканцев Усмонхўжаев билан сўроқ протоколини (20 варақдан иборат) машинкада ёзишдан ташқари яна Усмонхўжаев сўроқ бераётган дақиқаларни видеоплёнкага ҳам ёзиб олган.

Усмонхўжаевга берилган биринчи савол шундай бўлган: “Бизни сизнинг ишингиз юзасидан дастлабки тергов қандай бошлангани қизиқтиради. Сизни қандай вазиятда ушлаб келишган ва қандай сўроқ қилишган? Мана шуларнинг ҳаммасини изоҳлаб, тушунтириб бера оласизми?”

Усмонхўжаев бу саволга жавоб бериш ўрнига ўзининг узундан узоқ ҳаёт йўлини ҳикоя қила бошлаган. Терговчи бир неча марта уни гапдан тўхтатишга ва берилган саволга аниқ жавоб беришга чақиришга мажбур бўлган. Албатта, Усмонхўжаевнинг аҳволини тушуниш керак. Ўша пайтда у 12 йилга озодликдан маҳрум этилган бўлиб, озодликда юрган киши билан анчадан бери гаплашмаган эди. У дилида тўпланиб қолган бор гапни гапиргиси, ўзини қийнаётган дардларни айтгиси, ўзини нималарда айблайдию, бошқаларни нимада айблаши тўғрисида сўзлагиси келади.

Қуйида терговчи билан сўроқ қилинаётган киши ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни келтирамиз:

Терговчи: Инъомжон Бузрукович, мен сиздан ҳар ҳолда сизни ушлаб келишларига оид гапларни айтишингизни сўрайман.

Усмонхўжаев: Мен жавоб бермоқчиман, мана сиз ёзиб боринг, шуни айтмоқчиманки, менинг қандайдир йўллар билан амал пиллапояларидан юқори кўтарилганим тўғрисидаги гаплар ҳаммаси ёлғон, бу ҳаммаси ёлғон. Бу тўқиб чиқарилган гаплар. Бу бизнинг ишимиз бўйича олдиндан тайёрланган ёлғонлар занжирининг қисмларидан биридир.

Терговчи: Хўш, сизнинг фикрингизча, буларни ким тўқиб чиқарган?

Усмонхўжаев: Гдлян, Иванов ва мана бу Каракозовлар тўқиб чиқарган.

Терговчи: Модомики, сиз бу шахсларнинг номларини

айтаётган экансиз, улар тўқиб чиқарган гапларнинг моҳияти нимада?

Усмонхўжаев: Биласизми, булар бари олдиндан ўйлаб, олдиндан ёзиб-чизиб қўйилган. Мен ҳали, кейинроқ сизга булар ҳақида ҳам гапириб бераман, ҳозир қўлга олишганини айтмоқчиман...

Шундан кейин яна ҳаёт йўли тўғрисидаги узундан узок ҳикоя бошланиб кетади.

Терговчи: Инъомжон Бузрукович, мен буларнинг ҳаммасини тушунаман, лекин сиз бўлиб ўтган воқеаларга яқинроқ гапларга ўтсангиз бўларди.

Усмонхўжаев: Мен тушунаман. Мен бу гапларни ҳеч қерда гапирган эмасман, мени бирпас қулоқ бериб эшитишингизни илтимос қиламан. Бу жуда керак.

Терговчи: Сиз Гдлян гуруҳига қандай муносабатда бўлгансиз?

Усмонхўжаев: Мен унга яхши муносабатда бўлганман. Унга қерда нима ёрдам керак бўлса, ҳар доим унга ёрдам кўрсатиб келганмиз.

Терговчи: Гдляннинг ҳеч қандай илтимослари бўлмаганмиди?

Усмонхўжаев: Илтимосларими, бўлган... У менга ўзлари тайёрлаган баъзи ишларни судлар қабул килмасдан қайтариб юбораётганликларини айтган. “Сиз уларга буйруқ беринг, биз берган ишларни тўхтовсиз ўтказиб юборадиган бўлишсин”, деган. Мен унга шундай жавоб берганман: “Мен қанақасига судларга кўрсатма беришим мумкин, ахир судларга кўрсатма беришга менинг ҳаққим йўқ-ку!” Афтидан, менинг бу гапим унга унчалик ёқмади. Шундан кейин биз бошқа учрашмадик. Мен унинг жўнаб кетаётганини, яна қайтиб келганини эшитардим. Уни қамаганмиш, буни қамаганмиш, яна аллакимларни қамаганмиш, деган гаплар юрарди. Кейин эса ҳибсга олишлар оммавий тус олиб кетди... Бир куни Қашқадарёдан бизнинг ҳузури-мизга Марказий Комитетга 200-250 киши келди. Улар барча қамоққа олинган маҳбусларнинг қариндош-уруғлари экан.

Биз улар билан учрашдик, лекин уларга ҳеч нарса дея олмадик. Улар биздан “Нима сабабдан қамаб қўйишди, изоҳлаб бера оласизми, тушунтириб бера оласизми” деб сўрашарди. Бунақанги тўда-тўда бўлиб келувчилар сони кундан кунга кўпайиб борарди. Биз бу масалада Осетров билан маслаҳатлашдик. Мен унга “Эшитишимча, бизга Москвадан терговчилар келган эмиш, балким улар билан учрашармиз, балким одамларга нима деб жавоб беришимизни улар айтишар”, дедим. Бизнинг бундан бошқа мақсадимиз йўқ эди. Осетров бу ишни ўз зиммасига олиб, “Мен кўнғироқ қилиб қўяман”, деди. У ҳойнаҳой кўнғироқ қилган бўлса керак, орадан бир ёки бир ярим соат вақт ўтганидан кейин менга КПСС МКдан кўнғироқ қилишди: “Сиз ўз ишларингиз билан машғул бўлаверинг”, дейишди.

Усмонхўжаев бу ерда рост гапни айтаётган эди. Ҳақиқатан ҳам, Гдлян Ўзбекистон КП МКга борган ва судялар устидан шикоят қилган. Бевосита процесслар давомида уларни алмаштиришни сўраган. Гдляннинг сўзига киришни истамаган ақлли ва принципиал судялар унга ёқмаган.

Терговчи: Хўш, сизга ким кўнғироқ қилди?

Усмонхўжаев: Ташкилий бўлим мудирини ўринбосари Могилниченко “Ўз ишингиз билан шуғулланаверинг ва тергов ишларига аралашманг”, деди. Мана, икки йилдан бери мен ҳибсда ўтирибман ва шу вақт ичида жуда кўп нарсаларни таҳлил қилиб чиқдим. Сунъий тарзда вужудга келтирилган жуда кўп масалалар мавжуд. Пора бериш, пора олиш – бу ҳаммаси тазйиқ остида, дўқ қилиш, қўрқитиш билан одамларнинг бўйнига қўйилмоқда. Хўжалик раҳбарлари, райком, обком орқали пора олиш, пора бериш мумкинлигини кимлардир ўйлаб чиқарган тўқима гаплигига мен қатъий ишонаман. Бу ўзига хос бир зинапоя бўлиб, ундан қандай фойдаланишни Гдлян билан Ивановнинг тергов гуруҳи олдиндан ёзиб, чизиб қўйган бўлса керак.

Терговчи: Сиз бунга қарши норозилик билдирдингизми?

Усмонхўжаев: Норозилик билдирмай бўлар эканми, мен

қаерларга бормадим дейсиз. Мен Марказий Комитетда ҳам бўлдим. Уларда менинг хатим бор. Мен у ерда бир неча бор бўлганман. Қараб чиқамиз, дейишган. Улар Гдлянга ишонишди, ўшанда бизга ҳеч ким ишонмаган. Бу кишиларга эса эркинлик бериб қўйишган. Ҳамма имкониятлар шу кишиларга яратилган. Улар кўнгилларига нима келса, шуни қилган.

Усмонхўжаев мана шу ўзбошимчаликлар, Гдлян ва Иванов жорий этган иш услуби тўғрисида гапирганда ҳақ эди. Бу усул қанчалик оғир оқибатларга олиб келганлигини қанчадан қанча кишиларнинг бошига оғир кунларни солиб, азоб-уқубатлар келтирганини сал ўтиб ҳамма кўриб, билиб олди. Негаки, Усмонхўжаев каби ҳибсга олинган бошқа кўплаб кишилар ҳам терговчиларнинг бундай ўзбошимчалиги олдида ўзларининг ниҳоятда ожиз ва иложсиз қолганликларини, уларнинг ўзбошимчаликлари ҳақида худди Усмонхўжаев айтган воқеаларга ўхшаш ҳодисаларни бизга ҳикоя қилиб бердилар.

Дарвоқе, Усмонхўжаев сўроқ пайти терговчининг масалага аниқлик киритувчи бир қатор саволларига жавоб бергач, масаланинг моҳиятига ўтди. Сўроқ анча қизиқарли ва муайянлаша бошлади. Усмонхўжаев ҳибсга олинганини, сўроқ қилинганини ва сўнгра 604 ёки 609 рақамли тахминан 16 ўринли катта бир камерага қамаб қўйганликларини айтди. У ерда икки киши ўтирган экан. Бирининг исми Михаил, фамилиясини унутибди, иккинчиси эса Озарбайжон пахта тозалаш саноатининг собиқ министри Фарҳод Салмонов экан. У 13 йил озодликдан маҳрум қилиниб, бу ерда ўтирган экан.

Михаил унга эътибор билан қараган, қамалганига ачинган ва ҳамдардлик билдирган, унга яхшироқ жойни кўрсатган тўшак топиб келтириб берган. Кейин эса жосус-хоинлик вазифасини бажарган. Усмонхўжаевнинг хотирлашича, қамалгани кунининг эртасига, 20 октябр кuni сўроқ бошланиши билан Каракозов унга руҳий таъсир кўрсатишга ўтган: “Асосий масала – бу айбни тан олишдир”, деган. Усмонхўжаев “Мен нимани тан олишим керак”, деган. “Сен пора

олгансан, шуни тан олишинг керак”, дейди Каракозов. Шундан кейин у Усмонхўжаевга “Ўзингни отиб ташлаймиз, барча оила аъзоларингни қамаймиз, қариндош-уруғларингни ҳам турмада чиритамиз”, деб А.Каримовни мисол келтиради. Уни отишга ҳукм қилган эдилар. Унинг 20 дан зиёд қариндош-уруғлари қамаб қўйилган эди. Ундан барча болалари тўғрисида гапириб беришни сўрашган. “Болаларнинг бу ишга нима алоқаси бор, уларнинг гуноҳи нима, деб сўрадим. Гаплар жуда узоққа чўзилди ва юрак бағримни эзиб юборди”, дейди Усмонхўжаев.

Терговчи: Сиз ҳақиқатан ҳам болаларингизни қамаб қўйишлари мумкин эканини тасаввур қилиб, шу гапга ишондингизми?

Усмонхўжаев: Албатта, ишондим-да. Мана, масалан, ҳозир сиз нима деётган бўлсангиз, мен ҳаммасига ишоняпман. Уларга ҳам ишонганман. Ахир улар эсли-хушли, катта ёшли одамлар-ку.

Терговчи: Сиз яқин кишиларингиз қамалганлигини билармидингиз?

Усмонхўжаев: Мен бир қанча қариндошларимни қамалишган, деб эшитган эдим. Булар одамни шундай ҳолга солишадики, оқибатда ўзинг тўғрингда мутлақо ўйламай қўясан. Бу ерда сенинг оталик, қариндошлик, жигарбандлик хиссингни қўзғатадилар, беихтиёр ўзингга яқин кишилар тўғрисида ўйлай бошлайсан... Қолган ҳамма нарса унутилади... Фақат болаларингни, рафиқангни ўйлайсан. Мен ҳам шундай фикрларни ўйлайвериш бошим оғриб кетди, қон босимим ҳам кўтарилиб кетган бўлса керак. Камерага қайтиб келдим. Калламда ҳамон ўша ўйлар. Нима қилишим керак, деб ўртанаман. Михаил ёнимга келиб сўроқда нима гаплар бўлганини сўради. Мен унга “болаларимни ҳибсга олиб қамаб қўйишмоқчи”, дедим.

Михаил “Ҳа, камашади”, деди. Салмонов ётган жойида гапга аралашиб: “Мен қамалган кунимнинг эртасигаёқ хотинимни камокқа олишган”, деди. “Ҳа, – дейди Михаил, –

дарҳол қамайдилар”. Мен “Қани ҳақиқат”, дейман. “Э, нималар деяпсан, бу ерда ҳақиқат нима қилади? Бу ерда ҳамма ёлғон гапиради. Қанча ёлғон гапирсанг, шунча яхши бўлади”, дейди. Ўтириб чуқур ўйга толаман. Эртага яна ўша терговчилар билан учрашаман. Эртага қандай гаплар бўларкин? Шу тариқа эртанги кун ҳақида ўйга чўмиб кетаман. Шундай ҳолатга тушаманки, бирон нарса ёзиш хаёлимга ҳам келмайди. Лекин Михаил нуқул пилдираб келиб, ёнимдан нари кетмайди. Нуқул қандайдир ариза, қандайдир тан олиш ҳақида гапирадию, мен ҳатто қисқа бир нарсани қандай ёзишни ҳам билмайман, чунки умримда бунақа нарса ёзган эмасман-да. Шундан кейин чой ичдик, ўтириб маслаҳатлашдик. Михаил нуқул мени қистайди “Хўш, нима қиламиз”, дейди. Мен ҳам бошим қотиб ўша саволни такрорлайман. “Энди нима қиламиз?” “Ҳозир Осетров ҳам қамоқда ўтирибди, яқинда уни отиб ташлашади, унинг номига ҳам икки миллионгача пора тўплашган. Сен нима қиласан, ўзингга жабр қилиб, болаларингни, хотинингни қийнаб нима қиласан?! Ҳаммаларини қамаб қўйишади, дейди яна Михаил. Мен унга “Бу ишни мен қила олмайман. Виждоним олдида қийналаман. Қандай қилиб кўра-била туриб ёлғон гапириш мумкин?” “Унда, – дейди Михаил, – пешонангга яшил хол суришади-да, худди ўша жойни мўлжаллаб отиб ташлашади, қарабсанки асфаласофилинга равонасан. Шундан кейин ҳамма ёқда шов-шув бўлишини кўрсанг...” Бу гаплар менинг жонимга тегади. “Бундан қутулишнинг йўли битта, у ҳам бўлса – айбга иқрор бўлиш”, дейди Михаил. Тўхтовсиз қамоққа олишлар, дўқ-пўписалар, қўрқитишлар... болалар ҳақидаги маълумотларни ёзиб олганлари – ҳамма-ҳаммаси юракка ғулғула солади. Булар ҳаммаси нима учун керак экан, деб ўйлайман. Мен қаерга тушиб қолдим, қандай қилиб бу ерга келиб қолдим... Охири сабрим чидамади, иқрор бўлишга ўзимча рози бўла бошладим. Михаил эса бу ишни мен учун аллақачон тайёрлаб, оддий қаламда иқрорнома ёзиб бўлган экан. Мен унга битта

ҳам сўз қўшмаганман. Бу унинг ижоди, сўзма-сўз ҳаммасини Михаил ёзиб чиққан. “Мана бундай қилиш керак, – деб гап бошлайди у, – қамоқда ўтирган бир неча кишиларнинг номларини бу ерга қўшасан. Кимнинг қанчага қодирлигини ўзинг биласан, айтайлик, 200-250 минг сўмдан олганман деб белгилайсан. Шунда бу терговчилар тинчийди. Бўлмаса ҳозир уларнинг қўлида қандай катта куч тўпланганини кўриб турибсан”. Шу пайт мен Каракозов айтган гапларни эсладим, ҳаёлимга Орлов, Худойбердиев келди. Михаил иқрормоманинг бош қисмини ўзининг ибораси билан айтсак, “шапка”сини ёзиб чиқади. Аввалига гуноҳимни астойдил бўйнимга олишимни ёздик. “Мана шундай қилсак яхши бўлади, мен бу ишларни билиб қолганман. Мана кўрасан, сенга бўлган муносабатлари дарҳол ўзгаради. Кейин асли қанақа бўлганини исбот қилаверасан. Бу гаплардан тонаверасан”, дейди.

Терговчи: “Исбот қилаверасан” дедими ёки тонаверасан дедими?

Усмонхўжаев: “Тониш ҳам мумкин, исбот қилиш ҳам мумкин. Тузатиб қўйиш ҳам мумкин. Мендан фамилияларни ёзиб қўйишни сўради. Мен эса: “Худойбердиевдан неча пул олганман билмайман”, дедим.

У эса “Э, ҳозир буни ёзишнинг кераги ҳам йўқ, Сен фақат фамилияларни ёзиб чиққин-да, кейин охирига 200 минг сўм кўрсатиб қўясан. Сен гўё ҳаммаларидан жами шунча пул олгандек бўласан. Фақат фамилияларнинг ўзини ёзиб чиқ”, деди. Мен ёздим. Худойбердиевни, яна у айтган икки кишини ёздим. “Бу кам, – дейди у, – бор-йўғи уч киши бўлди. Ахир сен Марказий Комитетнинг биринчи котибисан. Бунга ишонишмайди. Жуда бўлмаганда 6-7 кишини, ҳатто 10 кишини ёзишинг керак. Ўшанда бироз ростга ўхшаб туюлади”. Мен яна ўйга толаман “Майли, нима бўлса бўлди”, дейман. Кейин: “Кел, Айтмуродовни ёзиб қўямиз”, дейман.

“Хўш, йирик-йирик обкомлардан кимлар бор”, деб сўрайди Михаил. “Мисол учун, Қорақалпоғистондан Камолов бор”,

дейман. “Ана, – дейди у, – кел, шу Камоловни ёзайлик”. “Яна пойтахт обкоми Мусахонов бор, у жуда ҳам яхши одам”, дейман. Яна хаёлда санай бошлайман, етти киши бўлибди...

“Бир амаллаб ўн кишига етказгин” ёлворади “ҳамдард”-им. Мен кўнмайман. “Нима сен эсингни едингми? Йўқ, бўлмайди, етарли”, дейман. Сўнгра ҳозир қанчалиги ҳам эсимда йўқ 350 минг сўмдан кўпроқ ёки озроқ рақамни ёзиб қўяман. Рақам остига имзо чекишим билан Михаил шу заҳоти ўзи қаламда ёзган қоғозларини йиртиб ахлатга ташлади. Бундай қарасам кун кеч бўлиб, қоронғи туша бошлабди. Қўлимда соатим йўқ эди, соат неча бўлганини билмайман. Михаил кнопкани босиб одам чақирди. Туйнук очилди ва у менинг аризамни узатиб юборди. “Мана бу иш тўғри бўлди”, дейди кейин жилмайиб. Эртасига эса яна сўроққа чақиришди. Сўроққа энди тўрт киши барабар келди. Московцева, Титов, Рац ва Каракозовлар сўроқ қилишди”.

Терговчи: (Исканцев): Бу вақтда уларнинг қўлида сизнинг аризангиз бормиди?

Усмонхўжаев: Ҳа, аризани олишган экан. Мана, сиздан ариза тушди, дейишди. Ҳа, шундай ариза бор, дедим.

Терговчи: Сиз айбингизга дарҳол иқроор бўла бошладингизми ёки дастлаб айбни рад этдингизми?

Усмонхўжаев: Йўқ, мен рад этмадим. Ахир уларнинг қўлида мен айбимга иқроор бўлган ариза бор эди. Московцева дарҳол машинкага ўтириб протокол ёза бошлади. “Сиз ҳозир шошилмасдан, бир чеккадан гапириб беринг, қачон, қаерда, кимдан неча пул олгансиз”, деди. Ана энди менинг бошим қотишини кўрсангиз, ўйлаб-ўйлаб ҳар бирига тахминий рақамларни тақсимлаб чиқа бошладим. “Худойбердиевдан бўлиб-бўлиб фалон сўм олганман”, дедим. Шуни ҳам эплотмабман. Ҳисобда янглишиб кетибман, рақамлар қўшиб чиқилганда мен айтган 250 минг ўрнига 260 минг сўм чиқди. Мана, мен қай аҳволда колган эдим. “Худойбердиевдан 20 минг, Айтмуродовдан 15 минг, Мусахоновдан 40 минг, Орловдан 25 минг, Худойбергановдан 8-10 минг олганман”, деб ёздирдим.

Терговчи: Ўша ерда сизга ҳеч ким дўқ-пўписа қилмади-ми? Мен худди ўша кунни назарда тутяпман.

Усмонхўжаев: 21 октябр куни бошқа кунлардагига ўхшаш дўқ-пўписалар бўлмади. Асосий вақтимиз вазиятни аниқлашга кетди.

Терговчи: Сиз тергов изолятори камерасига қайтиб келганингиздан кейин Михаил ва Салмоновлар томонидан ҳеч қандай илтимослар бўлмади-ми? Масалан, улар сиздан нима-нидир яна ошириброқ кўрсатишни сўрашдими ёки йўқми?

Усмонхўжаев: 21 октябрда улар кўпроқ иккаласи ўзаро гаплашди. Маълум бўлишича, у ерда менга қадар Чимкент вилояти партия комитетининг собиқ биринчи котиби ётган экан. Улар ўша киши тўғрисида гаплашишди, у Кунаев ва бошқаларга қарши гувоҳлик берган экан. Могилниченкога ҳам пора берганини бўйнига олибди. Бошқа шунга ўхшаган масалаларни ҳам муҳокама қилишди. Лекин менинг ўзим 20 октябрдан 21 октябрга ўтар кечаси туни билан деярли ухламай чиқдим. 21-чида ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Эртасига, 22 октябрда ҳам аҳволим ёмон бўлди.

Терговчи: Сиз 21 октябрда ўзингиз билан қайси терговчи ишлаши кераклигини сўраб Бош прокурор номига нима сабабдан ариза ёздингиз?

Усмонхўжаев: 21 октябрдаги аризани бошидан охиригача Михаил айтиб туриб ёздирган. У мен билан ким ишлаётганини сўради, мен Титов, Рац деб жавоб бердим. У “Сенга уларнинг нима кераги бор? Сен билан раҳбарнинг ўзи иш олиб бориши керак”, деди. Мен унга “Нима терговчини мен танлар эканманми” дедим. “Сен ахир Марказий Комитетнинг биринчи котиби бўлгансан, – деди, – кел, ариза ёзиб кўрамиз”. Мен унга “Шу Гдлян билан учрашишга сира тобим йўқ”, дедим. “Агар ишингни Гдлян шахсан кўриб чиқмаса, сен кўп нарса йўқотасан”, деди. Мен эса тобора ўзимдан ўзим норози бўла бораман, чунки қанча ёлғон-яшиқни тўқиб ташладим, қанча ноҳақ гапларни айтдим.

Терговчи: Бу гапни сиз қачон, кимга айтдингиз?

Усмонхўжаев: Бу гап камерада бўлган эди. “Бу масалани ҳам Гдлян ҳал қилиб бериши мумкин, – деди Михаил. – Сен унга мурожаат қилишинг, мен хато қилдим, деб айтишинг мумкин. Бу масалани ундан бошқа ҳеч ким ҳал қилиб бера олмайди, чунки у гуруҳнинг раҳбари... Сен эса Марказий Комитетнинг биринчи котиби бўлгансан”. Мен “Уни бир мартагина кўрганман, холос”, дедим. У мени аврайвериб-аврайвериб ахийри кўндирди. Аризани бошидан охиригача ўз қўли билан ёзиб чиқди. Кейин эса мен унинг ёзганларини ўз қўлим билан кўчириб олдим. Шундан кейин у ўзи ёзган қоғозни майда-майда қилиб йиртди-да, ташлаб юборди.

Терговчи: Сиз мазкур аризада таъкидлашингизча “Мен ўзим мутлақо ишонадиган ходимларгина менинг ишимни олиб боришини сўрайман. Мен фақат Каракозов, Гдлян, Ивановлар билан самимий гаплашишим мумкин”, деб ёзбисиз. Бироқ иккинчи томондан, Каракозов мени ёлғон гапирishга мажбур қилди, шу жумладан, менга дўқ қилиб, мени кўрқитди, дейсиз, у ҳолда нима учун бу аризада унга ишонман деб ёзгансиз?

Усмонхўжаев: Мен унда ҳали билмаган эдим. Бировнинг таъсири остида ариза ёзилиб қолганда. Шундай қилиш лозим деб ўйлаганман.

Терговчи: Худди шу ерда яна “Бошқа ходимларга ҳеч қандай жиддий маълумотлар бермайман” деб ёзгансиз.

Усмонхўжаев: Мен Михаилга “Нима учун бундай дейиш керак”, десам, у “Шундай қилинса, ёзганларинг яна ҳам ишончлироқ бўлади”, деди. Кейин унинг гапига кириб, шундай ариза жўнатдим.

Терговчи: Шундан кейин сизни ким сўроққа чақирди? Аризангиз 23 октябрда ёзилганмиди? Ёки 23 октябрда ариза жўнатилганидан кейин сизни сўроққа чақиришганмиди?

Усмонхўжаев: Ҳа, албатта. Бу ариза сўроқ вақтида ёзилган эди. Бу аризани менга айтиб туриб ёздиршган эди.

Терговчи: Сизга ким буни айтиб туриб ёздирган?

Усмонхўжаев: Гдлян.

Терговчи: Хўш, у қандай вазиятда сизга айтиб ёздирган?

Усмонхўжаев: Бизнинг аризамиз жўнатиб бўлинган эди. Бу 23 октябр якшанба куни эди. Ўшанда мени тўсатдан чакириб қолишди. Менимча, ҳовлига, очиқ ҳавога чиққан эдим, ҳозир аниқ эсимда йўқ. Хонага кирсам... Гдлян билан Московцева ўтиришибди.

Терговчи: Хўш, ўшанда ўртангизда қандай суҳбат бўлиб ўтди?

Усмонхўжаев: Гап дарҳол рухий ҳужумдан бошланди. Мана, мен кириб келдим. У типпа-тик турибди. “Мен, – деди у, – сиз билан бўладиган мана шу учрашувни тўрт йил кутдим. Ҳа, сиз билан шу ерда турмада учрашмоқчи эдим. Хўш, ўша пайтда, мен сизнинг кабинетингизга кирган вақтимда, – деди у, – шу ҳақда ўйлаган эдим. Бу одам турмада ўзини қандай тутаркин, деган гаплар хаёлимдан ўтган эди. Шундан кейин мен ўзимни қандай тутишим кераклиги тўғрисида насихатлар бошланиб кетди.

Терговчи: У бир ўзимиди?

Усмонхўжаев: Йўқ, Московцева билан бирга эди. Улар иккаласи бир одам деса ҳам бўлади. “Сизлар республикани жар ёқасига келтириб қўйибсизлар. Миллионларни, миллиардларни талон-торож қилдингизлар” дейишди. Уларнинг гапича, гўё мен кимларгадир нотўғри ахборот берибман. Аслида, кейинги тўрт йил давомида пора ҳисобига яшаган эмишман. Москвадаги ҳомийларим мени қўллаб-қувватлаб турган эмиш. “Москвадаги ҳомийларингизнинг ўзлари ҳам порахўрлар”, дейди Гдлян. Мен унга “Бундай деманг, буларнинг бари бўлмағур гаплар”, дедим. “Биз ҳаммасини биламиз, – дейди у, – ҳаммасини ипидан игнасиғача биламиз. Сизнинг ҳар бир қадамингизни кузатиб юрганмиз. Мана, масалан, Московцева уч йил биринчи котиб лавозимини эгаллаб турган вақтингизда сиз билан шуғулланган. Сизнинг келиб чиқишингизни, авлод-аждодларингиз ким эканини – ҳамма-ҳаммасини биламиз. Биз ҳатто ўзингизга тегишли бўлган бойликларни қаёққа олиб бориб яшириб

қўйганингизни ҳам биламиз. Масалан, охирги сафарингизда... Москвадан нима олиб кетгансиз, шуни ҳам биламиз. Ҳар бир босган қадамингизни биламиз. Қаерга кирганингиз, кимлар билан учрашганингиз ҳам бизга яхши маълум". Мен унга "Мен қариндошларимникида бўлганман", дедим. "Ҳаммасини биламиз. Сиз бизнинг қўлимизга тушган охирги жинойтчи ҳам эмассиз. Ҳатто энг ашаддий жинойтчи ҳам бизнинг қўлимизга тушганида "Началник, бу гал сен ютдинг, мен айбимни бўйнимга оламан", дейди. Мана, ҳозир Сиз ҳам худди ана шундай ҳолатдасиз. Бу ерда бошқа йўл йўқ", деди Гдлян. Мен унга "Мен нима керак бўлса, ҳаммасини ёзиб бердим", дедим. "Булар денгиздан томчи, холос. Сенинг хотининг ҳам ашаддий порахўр. Биз уни исталган куни, исталган соатда қамоққа олишимиз мумкин..." Мен унга "У қандай қилиб порахўр бўлиши мумкин", дейман. "У кадрлар билан шуғулланган дейди, сизда эса кадрлар пулсиз ишга тайинланмайди. Мана энди икки йўлдан бирини танланг ё гапириб берасиз, ё худди Каримовдай отишга ҳукм қилинасиз. Сизга ҳеч ким ёрдам бермайди. Каримовга биз ёрдам бердик, чунки у бизга кўп нарсаларни гапириб берди. Юқоридаги кишиларга тааллуқли жуда кўп гапни бизга айтиб берди. Сизга эса ҳеч ким ёрдам бермайди... Кейин у асабийлашиб сенсирашга ўтиб кетди "Сен асфаласофилинга кетасан. Тўплаган 5-7 миллионинг муаллақ осилиб қолаверади, яна такрор айтаманки, сенга ҳеч ким – на сиёсий бюро, на бошқаси ёрдам бера олади. Бу ерда масалани фақат тергов ҳал қилади. Агар муомалага кўнмасанг, тергов йўлидан бир қарич четга чиқадиган бўлсанг, ҳалок бўласан. Ҳозир мен истасам, бўйнингга 5 миллион ёзаман, истасам, 7 миллион ёзаман. Истасам, бу ишни бутун ер юзига дўмбира қилиб чаламан", дейди. Мен унга "Сиз бу ишни газеталарда, ўз нутқларингизда жуда муболаға қилиб юбордингиз", дейман. "Бу ёзганларим ҳаммаси тўғри дейди, башарти сен ўзингни одамдай тутиб, бизга рост гапирмасанг, қилган гуноҳларингни бўйнингга олма-

санг, у ҳолда 50 кишини, бутун авлод-аждодингни йўқ қилиб ташлаймиз. Мен ҳозир шундай катта кучга эгаманки, 200 нафар терговчи оғзимга қараб турибди. Битта тугмачани боссам, масаланг ҳал бўлади. Шунинг учун тезроқ бир қарорга кел”. Мен унга “Мана, мен ариза ёзиб бердим”, дедим. “Э, булар ҳаммаси ҳали ҳеч нарса эмас. Мана, масалан, Марказий Комитетга сени бирор киши чақирганми?” Мен унга “Мен партия контроли Комитетида бўлганман”, дедим. “Хўш, у ерга нима деб ёзишибди?” Мен унга “Тўё мен 2 миллион сўм олганимни ёзишибди”, дедим. “Бу сен олган пулларнинг учдан бири, холос. Ҳозир Ўзбекистонга яна 100 кишини жўнатаман. Улар менга яна бир неча миллион топиб келишади. Шунинг учун сен бизнинг хужжатларимизга қараб иш тутгин”, деди. Хуллас, Гдлян икки миллион сўмни менинг бўйнимга қўймоқчи бўлди. Пора олиш тўғрисида гапирдию, лекин пора бериш тўғрисида гапирмади. Чурбановга, Соломенцовга қанча пора берганим хусусида ҳеч нима демади. Мен унга “Юрагим безовта қияпти, бироз дам олишга имкон беринглар”, дедим. “Йўқ, – деди Гдлян, – сен муғомбирлик қиялсан. Мен сени бу ерга олиб келиш учун 3 йил тер тўкканман”.

Мана шунақа даҳшатли гапларни гапириб, юракка ваҳима солади. Нуқул шовқин-сурон кўтариб кўнгилни хун қилади. “Мана, масалан, тўртинчи қаватда бир аппарат бор, – дейди у, – биз шу аппарат орқали ҳатто сен хонада нима қилаётганингни ҳам кўриб турамиз. Башарти, гуноҳларингни бўйнингга олмасанг, ҳозиргидай гапирмай тураверсанг, хотинингни қамокқа оламан, деб дўқ қилди.

Терговчи: Сиз Гдляннинг росмана кучи ва имкониятлари борлигини ёки аксинча, у қуруқ дўқ-пўлиса қилаётганлигини қандай ҳис қилдингиз?

Усмонхўжаев: У шундай шовқин-сурон кўтариб қатъият билан гапирардики, унда росмана куч бор деб ишониб қоларди одам. Биласизми, у ҳамма гапни айлантириб шунга олиб келдики, мен чиндан ҳам булар эртага бориб хотиним-

ни қамокқа олади, деб ўйлай бошладим. “Сен ўзинг Колимага борасан”, деди у. Шундай қилиб, тобора кўпроқ қийнаб руҳий азоб берарди. Мен “Соғлиғим ёмон, қўйиб юборинг”, дедим. “Йўқ, – дейди у, – баҳонанг кетмайди, қани ёз”. Мен унга “Нимани ёзай”, дейман. “Ёзавер, – дейди у, – шу ерда ўтирган кишилардан истаган биттасини ёзавер”. Мен унга “Мана етти кишини ёзиб бердим”, дедим. “Бу ҳали ҳеч нима эмас, 5-7 миллионга етса бошқа гап. Сенинг даражанг 60-70 киши. Шунча одам сенга пора беради. Сен пора берадиган юқоридаги кишилар сони эса 30-40 киши бўлиши керак. Обкомнинг биринчи котиблари учун, одатда, 40-50 киши белгиланади. Агар мана шу айтганларим бўлмаса, у ҳолда сенга нормани икки ҳисса ошириб қўямиз, яна ҳам кўпроқ таъмагир бўласан”, деди.

Терговчи: Сиз шундан кейин ҳам Гдляннинг фикрларига қўшилишга рози бўлдингизми?

Усмонхўжаев: Нима қилиш керак? Бошқа илож йўқ, мен озгина бўлса ҳам, дам олишни истар эдим, “кел, ёз” дейди. Мен “Нимани ёзай”, дейман. “Ёзавер, – дейди. – Қамокда ўтирганлардан қайси бирини ёзсанг ҳам, хато қилмайсан”. Ниҳоят, мен кимнидир ёзган эдим-ку, шу қамокда ўтирганлардан биттаси эди. “Ҳозир кимни ёзишни билмайман” дедим. “Хўш, масалан, – дейди у, – нима учун Каримовни ёзиб бермайсан?” Мен унга “Қанақа Каримовни?” дейман. У “Бухороликни” дейди. “Мен ундан ҳеч нима олган эмасман”, дейман. “Сен ундан 70 минг сўм пул олгансан. У бу гапни судда ҳам тасдиқлаган. Бу гап ҳукмда ҳам бор”, деди. “Мен бу ҳақда ҳеч нима билмайман”, дедим. “Теребилов сенинг дўстинг, сенга наҳотки бу ҳақда ҳеч нима демаган бўлса. У суд жараёни қандай бораётганини бизга ҳар қуни айтиб турган эди”, деди. Мен “Суд жараёни қандай бораётгани тўғрисида мен ҳеч нарса билмаганман”, дедим.

Терговчи: Бошқа шахслар билан ҳам шундай бўлганмиди?

Усмонхўжаев: “Хўш, кейин Қашқадарё биринчи котиби Ғойипов”, деб гапга оғиз жуфтлашим билан у “Ғойиповнинг

ўғли сенга самолётда пора берган. Сен ундан самолётда 100 минг сўм олгансан”, деди. “Мен олмаганман”, дедим. “Эй, сен нималар деяпсан! Биз бутун экипажни, юзлаб гувоҳларни сўроқ қилдик. Нима, шарманда бўлмоқчимисан? Бу ёғи қизиқ иш бўлди-ку. Яхшиси, рози бўлгин», деди. Мен “Назаримда, уни самолётда кўргандай бўлганман, лекин ҳеч қанақа дипломатни билмайман”, дедим. Шу тариқа 100 минг сўмни ҳам бўйнимга мажбуран қўйдилар. Мен ўтириб ўйлай бошладим. Бу одамдан кутулиш учун ўша 2 миллионни тўплаш керакка ўхшайди. Кутулишнинг бошқа йўли йўққа ўхшаб туюлди. “Яхёев сенга пора берганми?” деди. “Йўқ”, дедим. “Мана, – деди у, – Ҳозир суд кетяпти. У сенинг номингни биринчи бўлиб тилга олди”. Мен унга: “Яхёевга қарши ўзим чора кўрганман. У қандай қилиб бундай дейиши мумкин” дедим. “Бунинг ҳеч қандай фарқи йўқ”, деди у.

Терговчи: Шундай қилиб, бошқаларнинг номини ҳам Гдлян айтиб турдимиз? Ёки ўзингиз айтдингизми?

Усмонхўжаев: Мен ўтирган жойимда хаёлга чўмаман, нима қилишимни, нима дейишимни билмайман, шунда Гдлян менга қараб бундай дейди: “Кел, минтақалар бўйлаб хаёлан бир кезиб чиқамиз. Яна кимлар қолганини, кимлар хибсда ўтирганини бир-бир ўйлаб кўр”. Мен “Хўш, яна кимлар қолди экан”, деб хаёл сураман. Хаёлимга битта райком котиби келади. “Мана, кўрдингми? – дейди у, – энди минтақалар бўйича юрамиз. Андижонда ишлагансан. Ана шу ишлаган вақтингда қанча пора олгансан”, деб сўрайди. “Олмаганман”, дедим. “Ҳамма биринчи котиблар пора беришган, – дейди у. – Ана ўшаларни ёз, мен айтган микдорга етказ”.

Мен яна ўйлаб хаёлга чўмаман. Биринчи котиблар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади. Мен улар билан бирга ишлаганман. Энди биридан 1,5 минг, бошқасидан 2 минг, кимдандир 4 минг, яна бошқасидан 3 минг олганман, деб ёза бошладим. Андижонни хаёлан айланиб бўлдим. Яна нима қилиш мумкин? Ўзимча хомчўт қиламан. Яна бир таниш киши кўз олдимга келади. У ҳам райкомнинг биринчи ко-

тиби ёки бошқаларни ёзаман... Хўш, ким қолди? “Хўжалик раҳбарларидан-чи?” Мен бир колхоз раисини ёзиб бердим. “Республика фаоллари-чи?” Мен унга жавобан “Республика фаоллари дейсизми... Мен улардан ҳеч пора олган эмасман, уларга ҳеч нима берган ҳам эмасман. Нима учун мен уларга тухмат қилишим керак? Кейин уларнинг ҳоли нима кечади? Ахир сиз эртага уларни чақиртириб келасиз, сўроқ қиласиз, тўғрими,” дейман. “Йўк, – дейди у, – ҳеч нима бўлмайди. Улар қандай ишда ишлаган бўлсалар, шундай ишлаб юраверадилар. Мен бунга ваъда бераман. Уларга ҳеч нима бўлмайди. Сен мана бу рўйхатни тўлдириб берсанг, бас. Республика миқёсидаги кишилардан икки кишини ёз”.

Терговчи: Шундай қилиб ҳаммаси бўлиб неча кишини ёзиб бердингиз?

Усмонхўжаев: Икки бор уриниб, тахминан 50 нафарга яқин кишини ёздим. Бу 23 ва 25 октябр кунлари орасида бўлган эди. Кейин қоронғу тушгач, Гдлян менга топшириқ берди: “Энди навбат аризага”, деди. Шу вақтгача ёзганларимиз хомаки ёзувлар эди. У бир неча бор менга яқинлашиб келди, қўлини столга уриб тақиллатди.

Терговчи: Лекин жисмоний жиҳатдан у сизга бирон-бир шикаст етказдими?

Усмонхўжаев: Йўк, лекин бундан кўра менга жисмоний таъсир кўрсатгани яхши эди. Ўшанда мен ҳозиргидек аянчли аҳволга тушиб қолмаган бўлар эдим. У менинг оталик ҳис-туйғуларимни поймол қилиб, мени шу куйга солди. Мен энди ҳаммаси тамом бўлди, деб ўйладим. Мен-ку ҳалок бўламан, лекин уларни сақлаб қолишим керак, деб ўйладим. У мени шундай чув туширди. “Каримовга тегишли қанча одамни қамоққа олганимизни билсанг керак-а, – деди, – сенга тегишли 50 кишини қамоққа оламиз.”

Терговчи: У шу ишни ҳақиқатан ҳам амалга ошириши мумкинлигига ишондингизми?

Усмонхўжаев: Ахир айтганини қилди-ку. Гарчи менинг ёрдамим билан бўлса ҳам, бу ишни қилди. Анчагина кишини қамади.

Терговчи: Охир-оқибатда сизнинг қариндош-уруғларингиздан ҳаммаси бўлиб неча киши қамалди?

Усмонхўжаев: Тўққиз киши. Кўп кишиларни 2-3 кун қамаб, кейин қўйиб юборишган. Шу вақт ичида уларни сўроқ қилиб ҳамма ниятларига етиб олишган. Баъзи бировлари тўққиз ойга яқин қамалиб ётишган. Хотиним, масалан, 5 ойдан кўп қамокда ётди, ўғлим ҳам анча ётди... “Бу ерда ҳамма ишни мен ҳал қиламан, – дерди Гдлян. – Бу ерда мен ва менинг гуруҳим ҳамма ишни ҳал қилади. Мен бу ерда хўжайинман, бир ўзим хўжайинман”.

Терговчи: Сизга ўз қариндош-уруғларингизга қилинган мурожаатингизни видеоплёнкага ёздиришни ким маслаҳат берган?

Усмонхўжаев: Михаил. “Агар мурожаат қилсанг, – деган у, – ҳамма иш жойида бўлади”.

Терговчи: Хўш, 4,5 миллион сўмни-чи? Бу рақамни биринчи бўлиб ким айтган?

Усмонхўжаев. Гдлян айтган. У ҳатто 5 миллион деган эди. Тушлик танаффус вақти эди. “Мана ҳозир тушлик овқат вақти бўлди, бориб бир ўйлаб кўр”, деган. “Менда ҳеч қандай миллионлар йўқ”, деганман. У эса “Агар бугун шуни ҳал қилмасанг, эртага 6 миллион бўлади. Сен 5 миллион баҳолангансан. Раҳбарлик шунча баҳолаган”, деган. У айнан шу “раҳбарлик” деган сўзни ишлатган. Мен қанақа “раҳбарлик” ҳақида гап кетаётганини сўрамаганман. “Мен ҳеч нарса қила олмайман, – деган у, – бугун 5 миллион тўғрисида ариза бўлмас экан, эртага бу рақам 6 миллион бўлади”.

Терговчи: Айтинг-чи, қандай қилиб сиз Лигачёв, Кузнецов, Бутурлин ва бошқаларнинг номини тилга олгансиз?

Усмонхўжаев: Бу шахсларни Гдлян тилга олган. У Лигачёв номини 23 октябрдаёқ тилга олган эди. Аввалига мен унинг номини ёзмасликка роса ҳаракат қилдим.

Терговчи: 25 октябрда эса унинг номини ёзиб беришга рози бўлгансиз, тўғрими?

Усмонхўжаев: Яна мени сиқувга олиб мажбур қилиш-

ган. Лукьяновнинг номини ҳам айтган. Бу киши масаласида у жуда кўп зуғум қилган. У менга “Хўш, Олий Совет Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари ким”, деди. Мен: “Лукьянов”, деб жавоб бердим. У “Худди ана шу кишини ёз” деди. Мен “Йўқ”, деганман.

Терговчи: У сиздан Лигачёв билан Лукьяновдан ташқари яна сиёсий бюро аъзоларидан ҳеч кимни тилга олишни талаб қилмаганми?

Терговчи: Сиз секретарга, президиум раисига тухмат қилишингизни, яъни биринчи шахсларни ҳам ёзинг деб талаб қилмаганми?

Усмонхўжаев: Йўқ, лекин шунга ишора қилинган, очиқдан очиқ гап бўлмаган.

Терговчи: Хўш, ишора қай хилда бўлган?

Усмонхўжаев: “Пастдан юқоригача ҳаммаси порахўрлар, хоҳлаганингни ёзиб беришинг мумкин” деган. Лекин Анатолий Иванович Лукьяновни ёзиб беришимни талаб этиб зуғум қилишган.

Терговчи: Айтинг-чи, сизнинг деярли ҳар икки кунда биттадан ариза ёзишингизга нима сабаб бўлган? Буни қандай изоҳлайсиз?

Усмонхўжаев: Бундай аризалар ёзишни менга терговчилар айтишган, Иванов айтган, бошқалари ҳам айтишган. Мабодо мен бундай аризаларни ҳар икки кунда янгисини ёзиб турмасам, учинчи куни менинг барча қариндош-уруғларимни қамоққа олишларини айтишган. Мана шундан кейин мен кетма-кет ёзаверганман. Очиққа чиқишни истардим, ўзимга яқин кишилар аҳволи не кечаётганини билгим келарди. Менинг биринчи саволим ҳам “Уйдагилар, қариндош-уруғлар тинчми”, деган гап бўларди. Қамоқда қандай бўлмасин, мана шу камерадан чиқиб кетсам, деб ўйлайсан киши. Бир кун ўтади – чидайсан, иккинчи кун ўтади, учинчи куни эса чидаб бўлмайди. Ғазабинг қайнаб тошади, ташвишинг ортади. Эҳтимол, ҳозир уйдагиларни қамоққа олгани кетишгандир, деб ўйлай бошлайсан... Шун-

дан кейин эса ёзишга мажбур бўласан. Кейин уйдагиларни, қариндош-уруғларнинг аҳволини билиш учун “чақиртиринглар” деб илтимос қиламан.

Терговчи: Хўш, терговчилар сизга нима деб жавоб беришар эди?

Усмонхўжаев: “Агар ҳозиргидек маҳкам туриб берсангиз, ўзингизга яхши дейишарди улар. Ариза ёзинг, иккорунома ёзинг, ҳамма ишлар жойида бўлади”.

Терговчи: Шундан кейин сиз оилам энди тинч бўлади, деб хотиржам бўлармидингиз?

Усмонхўжаев: Ҳа, мана масалан Гдлян ҳар сафар Худойберганов тўғрисида гапириб берарди: “Мен бу киши билан учрашганимда кучоқлашиб, ўпишиб кўришаман, – дер эди у, – Бу киши 4,6 миллион тўғрисида кўрсатма ёзиб берди. Тезда уйга кетади”. Шундан кейин мен ўзимча ўйлар эдим. “Бу ердан қутулиб чиқиш учун пора олган бўлишинг керак экан. Нега энди мен ҳам унга ўхшаб “миллионлаб” пора олишим мумкин бўлмасин?” Худойберганов менинг назаримда қаҳрамондай эди. Иванов ҳам уни мақтар “Мана буни инсон деса бўлади. Шунча пулни топиб берди-я”, деб қўяр эди.

Албатта, Усмонхўжаевнинг сўроқ протоколидан келтирилган парчалар бу иш ҳақида чуқур ўйлаб кўриш, мунозара қилиш ва баҳслашиш учун етарли ахборот бермайди. Лекин бу ерда энг муҳим ва асосий масала – Усмонхўжаев айтган гапларнинг қай даражада ростлигидадир. У ўзини-ўзи оқлайди ҳамда маълумот олиш учун, гувоҳлик олиш учун кишини қонунга хилоф равишда азоблаш усуллари қўлланганлигини қоралайди.

Кимдадир шубҳа туғилиши мумкин. Кимдир “Булар бари порахўрлар, уларга ишониб бўлмайди. Агар Усмонхўжаев айбдор бўлмаганда ўзига ва ўзгаларга шунча айбни осонликча тўнкармиди”, дейиши мумкин. Ҳа, албатта, шубҳаланиш мумкин, лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Усмонхўжаев қамоққа олингунига қадар унинг иродаси букиб қўйилган эди. Партия контроли комитетида уни ССРИ Про-

куратураси ахбороти билан таништиришган эди. Ўша ахборотда унга ўзи ишлаган давр мобайнида сўроқ қилинган кишилар берган маълумотлар бўйича камида 2 миллион сўм “пора берилган эди”. У 1988 йил апрелида Гдляннинг маълумотлари бўйича ва унинг иштирокида ёзилган.

Усмонхўжаев ишдан кетишининг ҳақиқий сабабларини ҳам яхши билар эди. Булардан ташқари, бўлиб ўтган бир қанча суд жараёнлари, хусусан, ўлим жазосига ҳукм қилинган Каримов, Музаффаровларни айблаш бўйича суд жараёнлари унинг кўз олдидан ўтганлиги табиий. Ҳеч қандай айби бўлмаган кишилар, бутун-бутун оилалар оммавий равишда қамоққа ташланаётгани унга маълум эди. Бундай кўргиликдан Усмонхўжаевнинг оиласи ҳам, хусусан, унинг хотини, болалари, синглиси ҳам қочиб қутила олмади. Бу ерда руҳий-маиший муҳитнинг кескин даражада ўзгариб қолганлигини ҳам ҳисобга олиш керак, яъни озодликда юрган, қаерга борса иззат-ҳурматга сазовор бўлиб, барча қулайликлардан баҳраманд бўлиб юрган одам бирдан авахтага ташлаб қўйилди. Яна бошқа бир гапни ҳам айтмоқчиман, оғир вазиятга тушиб қолганда ўзини ҳамиша ҳам бир хил тутадиган кишилар бўлмайди.

ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ЁРДАМЧИЛАР

Жаргонда қонундан ташқари ўғри ибораси ишлатилади. Бундайлар йўқ демоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлганим, Гдлян айнан шунга ўхшаш янги атама – терговчининг қонундан ташқари ёрдамчисини киритди. Улардан унумли фойдаланиб, кўрилаётган ишларни ҳар томонлама “очиб” борган.

Гдлянчиларнинг Ўзбекистонда олиб борган фаолиятини ўрганиш давомида бизни “Михаил” деган шахс ҳам кам даражада қизиқтирмаётган эди. Умуман, шунақа одам бўлганми-йўқми? Агар бўлган бўлса, у ким эди?

Усмонхўжаевнинг гапларига қараганда, “Михаил” камерада изолятор маъмуриятининг муайян топшириқларини бажарган, маъмуриятнинг ёрдамчиси бўлган. Бизнинг сўровимизга изолятор бошлиғидан жавоб келди. Унда Усмонхўжаев кўпроқ сўроқ қилинган 1988 йил 19 октябридан 26 октябргача Михаил Анатолевич Т. у билан бир камерада бўлганлиги айтилган. У Москва шаҳридаги район судларидан бирида фирибгарлик ва порахўрлик қилгани учун 11 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган экан. Шундан кейин жавоб хатида: “...Олий совети Президиумининг афв этиш тўғрисидаги Фармонини бажариш ҳақидаги кўрсатма бўйича Михаил Т. 1988 йил 26 октябрда озод қилинган”, деган сўзлар ёзилган эди. Демак, “Михаил” бор экан, у терговдан ўтган, суд нималигини бошидан кечирган киши экан.

Михаил сўроқ вақтида ўзини вазминлик билан ва эҳтиёткорлик билан тутди. Унинг ахборотлари жуда чекланган эди. У “Мен иш қоидаларини етарли даражада яхши биланман ва хатога йўл қўймаганман”, деди.

“...Мен фақат Усмонхўжаев билан эмас, балки бошқа шахслар билан ҳам иш олиб борганман. Усмонхўжаев билан жуда яхши алоқа ўрнатдим муносабатларимиз яхши бўлганлиги учун ҳам у мен билан очиқ-ойдин гаплашган. Биринчи куни биз у билан деярли ҳеч нарса тўғрисида гап-

лашмаганмиз, фақат танишганмиз, чунки уни камерага соат 22 ларга яқин олиб келишган, ўша куни у кечаси билан деярли ухламаган, кўп чеккан. Эртасига уни сўроққа олиб чиқиб кетишди ва қарийб кун бўйи сўроқ қилишди. Камерага қайтиб келганидан кейин унинг ўзи мен билан гаплашишга уринди ва мен ҳам, албатта, жон деб рози бўлдим. Унга маслаҳатлар бердим”.

Мана шу маълумотлардан ҳам биз учун кўп нарсалар аён бўлди. Шундан кейин биз билан анча очиқ гаплашган яна бошқа “ёрдамчи”ларни ҳам сўроқ қилдик. Шулардан бири Игор Матвеевич қуйидагиларни ҳикоя қилиб берганди: “Аввалига мен Т.Гдлян, Н.Иванов ва А.Ревака томонидан терговнинг ниҳоятда қаттиқ олиб борилаётганини асосланган ва шундай қилиниши зарур бўлган иш деб ҳисоблаганман. Акс ҳолда Ўзбекистондаги юқори мансабни эгаллаб келган жиноятчилар ҳеч қачон ўз айбларини бўйинларига олмайдилар ва табиий равишда қонунсиз йўллар билан тўплаган бойликларидан ажралиб қолишни истамайдилар, деб ўйлаганман. Бироқ бора-бора мен шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, юқорида номлари тилга олинган терговчилар томонидан рухий таъсир ўтказиш ва зўравонлик натижасида айбланувчилар, ҳатто аслида бўлмаган ишларни ҳам бўлган деб тан олар ва терговчиларга керак бўлган маълумотларни беришар экан. Аслида бу сохталаштирилган маълумотлар бўларди”.

Шундан кейин терговчиларнинг камерада ишлайдиган “ёрдамчиси” ўз сўзини давом эттириб бундай деди: “Хўш, тергов изолятори ишида вужудга келган бундай аҳволнинг илллати қаерда деб ўйлайсиз?! Шахсан мен бунинг илллати, энг аввало, Гдлян тергов гуруҳининг иш фаолияти усулларида деб ўйлайман. Ўзбекистондаги ҳар бир юқори лавозимда ишлаб келган шахсга кўпинча кўр-кўрона ва ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда “миллионер” деган тамға босилаверади. Терговдаги ҳар бир кишининг бўйнига ҳеч қандай далил-исботларсиз ақл бовар қилмас суммалар қўйилиб, уларни терговга қайтариш талаб қилинади. Бу ишлар

ахлоқсизлик билан амалга ошириларди. Мамлакат раҳбарларига, ССРИ прокуратурасига ва матбуотга шов-шувга тўла ҳисоботлар тақдим қилинар, гўё “қонунсиз йўллар билан тўпланган бойликлар тўғрисидаги” рақамлар қалаштириб ташланарди. Тергов пайтида тергов қилинаётган кишининг ҳаётига ва унинг оиласи тинчлигига тўғридан тўғри хавф солиш, инсон руҳига таъсир кўрсатишнинг рухсат этилмаган усуллари қўлланиларди”.

Бундай ёрдамчиларнинг берган маълумотлари биз учун ғоят катта қимматга эга эди, чунки улар тергов қилинган кишиларнинг сўроқдан кейинги ҳолатини кўра олган ягона гувоҳлар эдилар. Булар сўроқ қилинган кишиларнинг хулқ-атворини, уларнинг изтироб чекишларини, тавба-тазарруларини, иродаси бўшашган дақиқаларни ва улар қаҳр-ғазабга тўлган онларни кузатган кишилар.

Биз сўроқ қилган кишиларнинг ҳаммаси ҳам, албатта, ўз иш усуллари тўғрисида очиқ гапириб бермади, ўзлари ўтказган зулм ва тазйиқлар ҳақида айтишмади, аммо аниқлаганларимизнинг ўзи ҳам ҳазилакам гап эмасди.

Масалан, Феликс деган бир киши топшириқ олган вақтида ўзини огоҳлантириб қўйганликларини, Ўзбекистондан келган “катталар” билан ишлаганда ниҳоятда эҳтиёткор бўлишни ва уларга ҳеч қачон қўл кўтармаслик, муштни ишлатмасликни тайинлаб қўйганларини сўзлаб берди. У маъмурияга узоқ вақтлардан бери ёрдам бериб келаётганлигини изоҳлаб, камерада камдан кам ҳолларда маҳбусларни урганлигини, у урган кишилар бармоқ билан санарли даражада оз эканлигини айтди. “Кейинги вақтларда маҳбусларни урмайдиган бўлдим, – дейди у. – Нега десангиз, менинг ҳаётий тажрибам бу ишларни жисмоний куч ишлатмасдан бажариш учун ҳам етарли бўлиб қолган эди”.

Бундай “ёрдамчилар” берган маълумотлар биз учун жуда қимматли аҳамият касб этиб, терговнинг рухсат этилмаган усуллар билан олиб борилганлиги, ҳибсга олинган кишилар ҳақорат қилиниб, уларга азоб берилганлиги, кўплаб ҳалол

кишиларга тухмат ва бўхтонлар қилингани тўғрисидаги фикрларимизни яна бир марта тасдиқлади.

Республика партия ташкилоти Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлган одам нима сабабдан республика прокурори Бутурлинга пора берганлиги сира ақлга сиғмайдиган иш эмасми? Рекунковга пора берилгани-чи? Усмонхўжаевнинг дастлабки берган маълумотлари бўйича, у биринчи 30 минг сўм пулни Рекунковга Болтиқ бўйидаги санаторияда тасодифан учрашиб қолган вақтларида берган. Рекунков велосипедда сайр қилиб юрган бўлган, Усмонхўжаев эса йўлка бўйлаб пиёда айланиб юрган. Учрашиб қолган вақтларида иккаласи ҳам тўхташибди, бир оз гаплашиб туришганидан кейин Усмонхўжаев унга 30 минг сўм берган. Албатта, бу сира ақлга сиғмайдиган бемаъни гап. Гўё Усмонхўжаев ҳар сафар ҳовлига сайр қилгани чиққанида нимага ишлатишни билмай ўзи билан 30-50 минг сўмлаб пул олиб чиқар эмиш.

Бу ерда гап шундаки, обдан қийнаб, тинкаси қуритилган маҳбус сўроқлар азоби жонидан ўтиб кетгач бир оз ростга ўхшатиб ёлғонлар тўқий бошлаган. Маҳбус жойни, тахминий вақтни ўйлаб топган. Рекунковга “пора бериш” ҳам шундай бўлган, бошқа жуда кўп кишилар билан ҳам шундай йўл тутилган.

Шуни айтиш керакки, гуруҳда бундай “ёрдамчилар” хизматидан фойдаланмайдиган, чиндан ҳам ҳалоллик билан маълумот тўплаган ва далилларга тўғри баҳо берган терговчилар ҳам бўлган. Гуруҳда уларни “қуллар” деб аташган. Улар гуруҳда қилинаётган айёрликлар ва сохтакорликларни ҳар доим ҳам билавермаган. Лекин улар ўз иш участкаларини, у ерда нималар бўлаётганини яхши билишарди. Деярли ҳар куни гдлянча иш усулига қарши норозилик билдиришар, қонунсизлик бўлаётганлиги тўғрисида Каракозов ва айрим ҳолларда ундан юқорироқдаги раҳбарларга маълум қилишарди. Лекин ҳамма уринишлари худди қумга сингган сувдек изсиз кетарди. Ўжарлик қилганларни эса гуруҳдан, баъзан эса прокуратурадан бутунлай ҳайдаб юборишарди.

Юрий Михайлович Писаревский гуруҳда узоқ ишлаган жуда катта ҳаётӣ ва терговчилик тажрибасига эга бўлган ва ҳаётда кўп воқеа-ҳодисаларга дуч келган киши. Ҳатто шундай инсон ҳам Ўзбекистонда Гдлян қилган ишларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаган. Одамлардан пул ва бойликларни тортиб олишдаги ўзбошимчаликлар, терговчиларнинг интизомсизлиги ва масъулиятсизлиги, одамларга шафқатсизлик билан муносабатда бўлишаётгани унинг ғазабини келтиради. У бундай адолатсизликнинг мисоли сифатида Одилбек Ғойиповни ушлаб келиш ва қамаб қўйиш воқеасини келтиради. Ғойиповнинг иш маълумотларига мутлақо алоқаси йўқ эди. У ўзига қўйилган айбларни рад этади, ўзини ҳимоя қилиш учун далиллар келтиради, лекин ҳеч ким унинг гапларига ишонмайди. Иббот-далиллар йўқлигига қарамасдан уни бир неча ой мобайнида қамокда сақлашади. Азоблаб, қийноқларга солиб сўроқ қилишади. Хуллас, Ғойиповнинг жонини халқумига келтирадилар. У йиғлаб ёлворади, саломатлиги ёмонлашиб қолганлигидан шикоят қилади. Унинг ошқозонида яраси бор эди. Бу етмаганидек, суяклари қакшаб оғрийдиган бўлиб қолади. Шунга қарамай, Гдлян уни зудлик билан озод қилиш ва стационарда даволашга ўтказиш тўғрисидаги барча таклифларни рад қилган.

Ю.Писаревский бу воқеаларни хотирлаб шундай дейди: “Менинг қўлимда мавжуд бўлган “далиллар”, шахсан ўзимнинг фикримча, Одилбек Ғойиповнинг пора олганлигини иббот қила олмас эди. Мен бу тўғрида Гдлянга айтдим ва унинг касаллиги, саломатлиги ёмонлашиб бораётганлиги муносабати билан уни қўйиб юборишни таклиф қилдим. Мен Гдлянга ҳар куни бир хил давом этадиган бундай сўроқларни ҳар ким ҳам, ҳатто катта ёшли соғлом кишилар ҳам кўтара олмаслигини айтдим. Бу сўроқлардан киши ё ақлдан озиши, ё ўз жонига қасд қилиши мумкин, дедим. Ғойипов эса фақат йиғлар, Гдлян ҳузурига сўроққа бора олмаслигини айтар эди”.

Бу айтилган гапларга ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ.

Ғойиповни уч йилдан ортиқ қамоқда сақлашди, кейин эса суд уни тўла оқлаб қамоқдан чиқариб юборди.

Бу ерда бир нарсани тушунтириб ўтиш керак. Келишувга биноан ЎзССР ДХК биноси учинчи қаватининг ўнг қаноти, шунингдек, биринчи қават тўлалигича Гдлян терговчилари ихтиёрига бериб қўйилган эди.

Млинарскийнинг сўзларини тергов участкаларидан бирининг раҳбари бўлиб ишлаган терговчи Бош тўлдирди. У 1984 йилда Млинарскийни Бухорога юборади, зеро Гдлян гуруҳининг қонунсизлик ҳаракатлари айти мана шу ерда – Бухорода туғилади ва кучга кира бошлайди. Бухорои шариф “Совет криминалистикасидаги янгича усуллар”, аниқроғи эса, уни шарманда қилган усуллар учун дастлабки синов майдони бўлган эди.

Млинарский у ерда унчалик кўп бўлмайди ва тез орада Тошкентга қайтиб келади. Бош унга танбеҳ бериб, нима сабабдан топшириқни бажармай қайтиб келганлигини сўраган вақтда, у Гдлян ва унинг гуруҳи олиб бораётган тергов усулларини таърифлаб бундай деди: “Шеф, мен авахтага тушишни хоҳламайман, бизнинг Украинада бундай ишлар учун қамайдилар”. Орадан сал вақт ўтмай Млинарскийни ўз юртига қайтариб юборишади.

АЙБИГА “ИҚРОР” ҚИЛИШ “САНЪАТ”И

Гдлян номи айтилганда катта авлод вакиллари кўз ўнгига иккиюзламачи, кибрли ва айни дамда ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган мансабпараст ва манфур кимса келиши табиий. Негаки, у Ўзбекистонда фаолият олиб борган 5-6 йил давомида кўплаб хонадонларга қайғу ва ғам-ташвиш келтирган. Ўзбек диёридаги исталган одам ҳеч қутилмаганда унга дуч келиб қолиши, унинг хоҳиши учун жинойатчи тамғасини олиши мумкин эди.

Биз қонунчиликни бузиш фактларини текшириши давомида биз Гдлян гуруҳи томонидан ҳибсга олинган шахсларнинг кўпчилигидан бир гапни қайта-қайта эшитишимизга тўғри келган. Уларнинг кўпчилиги “ўз айбига иқрор бўлиб келиш тўғрисида”ги, аслида эса бировга тухмат ва бўҳтон қилишдан иборат бўлган маълумотларни Гдлян, Иванов ва бошқа терговчилар айтиб туриб ёздирганлигини таъкидларди.

Мана шу айрим-айрим эпизодларни бир-бирига қўшиб ўрганиш натижасида шахсга зулм ўтказиш ва уни ҳақорат қилишнинг бутун Гдлянча тизими тўғрисида тасаввур пайдо қилиш мумкин.

Бу ҳақда Қ.Камолов шундай ҳикоя қилади: “Гдлян ва Иванов кишиларни кўрқитиш, уларга дўқ-пўписалар қилиш йўли билан маълумот олар эди. Шахсан мендан “сени отиб ташлаймиз” деб қўрқитиб ёлғон маълумотларни ёздириб олган. ССРИ Бош прокурори номига ёзган аризам матни ни менга Гдляннинг ўзи айтиб туриб ёздирган. Мен у нима деса шуни ёзиб бераверганман, холос. Шахсий фикрим қандайлигини эса сўраб ҳам ўтирмаган”.

В.Есин: “ССРИ Бош прокурори номига Гдлян айтиб туриб ёздирган. аризада гўё мен Петросяндан 7 минг сўм, Ҳикматовдан эса 5 минг сўм пул олганлигим ёзилган. Аслида эса бундай воқеа ҳеч қачон бўлмаган. Мени маънавий ва руҳий томондан қийнаб, иродамни букиб олганларидан кейин Гдлян билан

Иванов ўша куниёқ мендан ариза олишган. Яна бир марта таъкидлайман: аризани менга Гдлян айтиб туриб ёздирган...”

Гдлян билан Иванов айтиб туриб маълумот ва аризалар ёздирганликлари тўғрисида Усмонхўжаев, Абдуллаева, Қахрамонов, Бегелман ва бошқалар ҳам баёнот беришган.

Бир қарашда бу гапларнинг рост эканлигига шубҳа туғилиши мумкин. Ахир совет иттифоқидай давлатнинг Бош прокуратураси терговчилари одамларга зуғум ўтказиши, ўтказганда ҳам, терговни ўзлари истаган ўзанга буриш учунгина буни амалга оширишлари билан келишиб бўлмайдигандай туюлиши мумкин.

Гдлян гуруҳида ишлаган бир қатор терговчиларнинг айбланувчиларга айтиб туриб ёзилган “диктантлар” ва сўроқ вақтидаги мажбур этиш усуллари тўғрисидаги гаплари эса бундай фикрни, шубҳасиз, парчалаб ташлайди. Масалан, терговчи Ковеленов бизга қўйидагиларни сўзлаб берган: “Иванов олиб бораётган иш услуби терговчи сифатида мени жуда ҳайрон қолдирарди. У ҳеч қандай иш қилмай юриб-юриб, кейин бирданига ўтирарди-да сўроқ қилинадиган кишининг ўзи йўқлигида сўроқ протоколи ёзиб қўярди. Кейин эса ўша шахсни чақирар эди ва ҳозиргина ёзган протокоliga имзо қўйишни талаб қиларди. У бундай усулни, асосан, айбланувчиларга нисбатан қўллар эди”.

Бу масалада шубҳа қолдирмаслик учун биз бир нечта суд-муаллифшунослик экспертизалари ўтказдик. Бу ишни биз собиқ совет Иттифоқидаги турли эксперт муассасаларига топширдик. Текшириш учун худди ўша “айбига иқроп бўлиб келган”даги аризалар, терговчиларнинг айтиб туриб ёздирган ҳужжатлари, сўроқ протоколлари тақдим этилди. Экспертларнинг хулосалари айбланувчилар берган маълумотларни тўла тасдиқлади.

1991 йил 30 июлда Бутуниттифоқ суд экспертизаси илмий тадқиқот институти ходимлари бизга Туропов, Қахрамонов, Бегелман, Камолов ва Норовларнинг аризаларини текшириш, тадқиқ этиш натижалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб берди.

Бундан келиб чиқадиган қисқача хулосалар қуйидагилардан иборат: биринчидан, Қаҳрамонов, Бегелман, Норов номидан ёзилган “чин кўнгилдан ўз айбига иқроор бўлиш” ҳақида ССРИ Бош прокурори номига ёзилган аризалар, Камолов номидан “айбини бўйнига олиш тўғрисида” ССРИ Бош прокурори номига ёзилган хат, Н.Туропов номидан КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котибига ёзилган ариза матнлари, Туроповни сўроқ қилиш протоколининг матнлари бир ёки бир неча шахс томонидан ёки уларнинг фаол иштирокида тузиб чиқилган. Иккинчидан, уларни тузишда қатнашган шахс ёки шахслар махсус юридик тайёргарлиги бўлган кишилардир.

Шуни қатъий ишонч билан таъкидлаш мумкинки, махсус юридик тайёргарликка эга бўлган бу шахслар Гдлян билан Иванов эди.

1990 йил 12 августда матн муаллифларини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинланди. Дастлаб Усмонхўжаев ва Камолов, Есин ва Камолов, кейинроқ Усмонхўжаев, Есин, Камолов томонидан ёзилган бир қатор аризалар ва сўроқ протоколлари текширилиб, экспертиза қилинди. Текшириш экспертизалари Харьков суд-экспертиза илмий-текшириш институти томонидан ўтказилди. Буни қарангки, барча экспертизаларнинг хулосалари бир-бирига мос келди. Аризалар, сўроқ протоколлари бошқа шахсларнинг фаол иштирокида айтиб туриб ёздирилгани аниқланди. Экспертлар шу нарсага эътиборни қаратдиларки, аниқланган бошқа фактлардан ташқари, барча ариза ва протоколларда турли айбланувчиларда бир хил сўзлар, бир хил иборалар, бир хил жумлалар ва ҳатто бир-бирига айнан ўхшайдиган гаплар ҳам учрайди. Уларнинг кўплари юридик характерга эга бўлган матнлар ва иборалар эди.

М.Норов 6.11.1985 йилда ёзган аризадан:

“Айни вақтда мен ўз хатти-ҳаракатларим сабабларини, қандай қилиб мен жиноий йўлга кириб колганимни изоҳлаб беришни истайман”.

Бегелманнинг 4.08.1985 йилдаги аризасидан:

“Айни вақтда мен нима сабабдан жиноят қилиш йўлига кириб қолганлигимнинг сабабларини тушунтириб бермоқ-ни истайман”.

Норовнинг ўша аризасидан:

“Менинг қўл остимдаги ходимлар ўз ташаббуслари билан менга пора олиб келиб бера бошладилар”. Бегелманнинг юқорида келтирилган аризасидан:

“Шуни таъкидлашим керакки, одатда менинг қўл остимда ишлайдиган кишилар шахсан ўз ташаббуслари билан менга пора келтириб берар эдилар”. Бутун аризалар матни бўйлаб шу хилда икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаган жумлалар такрорланаверади.

Усмонхўжаев, Есин, Камолов аризалари “ўз айбига иқдор бўлиб келган” ҳужжатлар ва сўроқ протоколлари матнини тадқиқ этиш вақтида экспертлар, мана, нималарни аниқлашган:

Тадқиқ этилган матнлар маиший, расмий-иш ва публицистик нутқ услубидаги воситалардан фойдаланиб бажарилган. Улар қўйидагилар билан характерланади:

– фикрлар маъно томондан, тузилиш шакли жиҳатдан тугалланганлиги, мулоҳазалар хулосаланган, яқун топганлиги ва мантиқан хат боши, яъни абзацларга тўғри бўлиб чиқилганлиги билан ажралиб туради (В.Есин номидан ёзилган аризалар “хат бошидан” ёзилган жумлалари йўқлиги билан фарқ қилади);

– лексик-фразеологик жиҳатдан олганда, матнлар сўзлардан фойдаланиш нормаларига мувофиқ келиши билан, бир хилдаги жумлалар кўплиги билан, расмий-иш руҳидаги иборалар, газета-публицистика характеридаги гаплар худди бир қолипда босиб кўчиргандек ўхшашлиги билан ажралиб туради;

– синтаксис қоидалари юзасидан қаралганда, синтактик тузилмалар тил нормаларига мувофиқ келиши билан, гап тузилишида синтаксис қоидаларига риоя қилинганлиги ва қўшма гап чуқурлашиб, ҳар бири 3-5 бўлакка, равишдош

ва сифатдошларга ажралиб, тармоқланиб кетиши билан диққатни ўзига тортади;

– пунктуацион жиҳатдан олганда, айтилаётган фикрлар пунктуациянинг хилма-хил шаклларида фойдаланиб, аниқ ифода этилганлиги (ва бунда вергул, тире, икки нукта, қавс ва бошқалар жой-жойида ишлатилганлиги) билан ажралиб туради.

Баён этилган матнларни бир-бирига таққослаб тадқиқ этилган вақтда ёзма нутқнинг таъкидлаб ўтилган умумий ва хусусий белгилари тез-тез такрорланиб, бир-бирига мос келиши аниқданган.

Бундан ташқари, аризаларда умумий фикрни баён этишдаги ўхшашликлар, умумий структура (баён этиш қандай тузилганлиги) бирлиги аниқланган. Буни И.Усмонхўжаев, Қ.Камолов ва В.Есин номидан ёзилган аризаларда аниқ кўриш мумкин. Аризалар фактни баён этишдан, воқеа кунини кўрсатишдан ва ҳибсга олиш сабабларини айтишдан бошланади. Кейин ўз айбига иқроор бўлиш, ўз жинояти сабабларини баён қилиш (Ўзбекистон ССРдаги вазиятни тушунтириш) бошланади, кимдан пора олинганлиги (ёки кимга пора берилганлиги) аниқ маълум қилинади.

Фамилиялар, исмлар ва оталарининг исми (ёки бош ҳарфлари), шахснинг лавозими, поранинг қанчалиги ёки унинг характери тартиб билан бир чеккадан аниқ қилиб ёзилар эди, бир қатор ҳолларда бу воқеа қаерда, қандай вазиятда содир бўлганлиги кўрсатилар эди.

Фикрни баён этишнинг бундай тарздаги мос келиш хусусиятлари, лексик-синтактик қоидаларга мос равишда бир хил баён этилиши, бутун-бутун иборалар, жумлалар ва гаплар айнан такрорланиб келиши бир вақтнинг ўзида В.Есин нутқига ҳам (унинг она тили – рус тили), И.Усмонхўжаев билан Қ.Камолов нутқига ҳам (рус тили улар учун она тили эмас) хос бўлиши асло мумкин эмас.

Матнлар бу қадар бир-бирига ўхшаш бўлиб қолганлиги шу билан изоҳланадики, тадқиқ этилаётган матнлар

бир шахс ёки бир неча шахснинг фаол ёрдами билан тузиб чиқилган. Бу шахслар ким эканини юқорида айтиб ўтдик.

Партия, совет ходимларига нисбатан қатағон ва қувғинлар тўғрисидаги қиссани энди бизда ва чет элларда анча шов-шувларга сабаб бўлган бир мақола – Гдлян ва Ивановнинг “Огонёк” журналининг 1988 йил июн ойидаги 26-сонида босилиб чиққан “Қарши туриш” номли мақоласи теварагида содир бўлган воқеаларни баён қилиш билан давом эттирсак.

Мақола XIX партия конференцияси иш бошлайдиган кун арафасида босилиб чиққан эди. Ҳозирги вақтда, орадан кечган йиллар ва воқеалар орқали уларга назар ташлаб, фактларни бир-бири билан қиёслаб ва таҳлил этиб, шу нарсани қатъий ишонч билан таъкидлаш мумкинки, бу мақоланинг айна мана шу конференция олдидан босилиб чиқиши тасоудифий эмасди...

Худди мана шу “Огонёк” журнали ўзининг кейинроқ чиққан сонларидан бирида (4, 5-сонида) Самарқанд вилояти партия кўмитасининг биринчи котиби Назир Ражабов билан Бухоро вилояти партия кўмитасининг биринчи котиби Исроил Жабборовнинг номларини келтириб, уларни XIX партия конференциясида қатнашган “порахўр делегатлар” деб атайти.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш лозим, кейинчалик “порахўр делегатлар”нинг иккови ҳам оқланди, уларга билдирилган айблар эса тухмат-бўхтондан иборат гаплар, деб топилди.

“Мен Ревеконинг “Эртага хотининг сен билан қўшни камерада бўлади”, деб ўдағайлаганини, Гдляннинг “Ўз ихтиёринг билан ёзиб бермасанг ва юқорида ўтирганларнинг, жумладан, КПСС Марказий Комитети ходимларининг номларини айтмасанг, сендан “паровоз” ясаймиз, ишни Тожикистон ёки Туркменистон судига юборамиз, қарабсанки отиш ҳукми тайёр, деявер”, деб дағ-даға қилишларини, Ивановнинг “Бизнинг айтганларимизни қилмасанг, тез

орада Каримов, Худойбергановни озод қилиб юборамиз, Ражабов учига чиққан порахўр деб, сенга камида 15 йилни ёпиштирамиз”, деб огоҳлантириб айтган гапларини ҳеч қачон унутмайман”, дейди Ражабов.

Афсуски, Гдлян ва Иванов жазодан четда қолди. Улар “Қарши туриш” номли мақоласида баён этган яна бир ёлғон гапни – сохтакорликни фош қилмоқчиман. Улар “порахўр” делегатлар тўғрисида қуйидаги гапларни деб ёзишган эди: “...ССРИ прокуратураси бу ҳақда директив органларга хабар қилган. Демак, қайта қуриш душманлари ҳали ҳам кучли, улар ҳали қуроллари ташламаган. Демак, ҳамманинг бир-бирига кафиллиги ҳамон яшаб келмоқда”. Уларнинг таъкидлашича, гўё порахўрлик тўғрисидаги ахборот конференция бошланишидан анча илгари ёзиб берилгану, лекин прокуратуранинг ушбу ахбороти муҳокама қилинмасдан қолиб кетаверган эмиш. Бу ёлғон гап. Партия конференцияси 1988 йил июн ойида бўлиб ўтган. Ражабов билан Жабборов тўғрисида эса ССРИ прокуратураси КПСС МКга, Олий совет президиумига конференцияга қадар ҳеч қандай масала киритмаган. Буни Бош прокурор котибиятидаги хат-хужжатларни рўйхатга олиш дафтарини кўтариб, осонлик билан текшириб кўриш мумкин.

Ўша пайтда, афсуски, прокуратура ҳамон гдлянчиларнинг тергов маълумотларига амал қилишда давом этмоқда эди. Исботлаш, далиллар йиғиш жараёни билан эса ҳеч ким чуқурроқ қизиқмаётганди. Ҳатто ССРИ Олий совети президиуми ҳам прокуратуранинг илтимосини кўриб чиқишга панжа орасидан қаради. Ўша 1988 йилда ўзбошимчалик ва қонунсизликнинг ҳақиқий қурбонлари ҳимоясиз қолдилар. Жаллодлар жавоб берадиган пайт келганда эса юзларида табассум билан демократик шов-шув остида уларни суддан олиб қолдилар.

АФСОНАВИЙ МИЛЛИОНЛАР

1983-1989 йилларда Гдлян ва Иванов бошлиқ тергов гуруҳининг Ўзбекистонда олиб борган фаолияти ҳақида айрим кишилар етарлича хабардор. Бундайлар ССРИ прокуратурасининг ўзини кўз-кўз қилишни ҳаддан ортиқ яхши кўрувчи бу терговчилари юртимизда мафияга қарши курашиб, жуда катта миқдордаги талон-тарож қилинган пулларни давлатга қайтардик, деб бутун матбуотда овоза қилганликларини ҳам яхши билашади.

Майли, улар аниқлаган ноқонуний пул ёки қимматликлар аслида қанча бўлгану, қанчасини давлат ғазнасига топширганлиги бошқа масала. Ушбу гуруҳ фаолиятини ўрганган тергов гуруҳимиз биринчи галда эътибор қилган нарса – Гдлян ўзи қилаётган ишини мақтаб, мусодара қилиб олинган миллионлар ҳақида турли хил рақамларни айтгани бўлди. Бир ҳолда бу 40 миллион бўлса, кейин 44 миллион тилга олинди, сўнгра эса матбуот ва телевидение орқали у навбатдаги 45 миллион сўмни олиб келганлиги хабар қилинганди. Унинг оғзидан 140 миллион ҳам чиқиб кетди. 1990 йил апрелда бўлган ССРИ Олий совети сессиясида ҳам шу ҳақда гапирилди. Хўш, ҳақиқат қаерда? Ҳар қалай Гдлян ва унинг гуруҳи аслида қанча қимматдорликларни мусодара қилгану, амалда давлатга қанча даромад келтирган?

Бу хилдаги саволларга жавоб бериш жуда қийин бўлди. Гап шундаки, ўша кезде тергов бўлимида ашёвий далиллар устидан қатъий ҳисоб-китоб ва назорат йўқ эди. Каракозов, Гдлян, Чижук, Иванов ва тергов бўлимидаги бошқа баъзи ходимлар ишдан бўшатиlgанидан кейингина бу ишда тартиб ўрнатила бошлади. Биз олиб борган текшириш ишлари ҳам бунга туртки бўлди. Гдлян иши бўйича мусодара қилинган пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, заргарлик буюмлари мутлақо эгасиз бўлиб қолганлиги ишимизга катта халал берди ва ҳақиқатни аниқлашимизни қийинлаштирди. Ҳаммаси

аралаш-қуралаш бўлиб кетган, бир қопга солинавергандан кейин кимдан қанча ва қандай буюм олингани, эгаси кимлигини ҳеч бир кимса аниқ айтиб беролмасди.

Шундай бўлишига қарамай, ҳар қалай Гдлян 140 миллион рақамини тилга олганда жуда ҳам муболаға қилган деб рўй-рост айтишим мумкин. Тўғри, у буни бир мартагина тилга олди, бошқа ҳеч қачон уни такрорламади. Ўзини ўзи мақташга берилиб кетиб, Ўзбекистонда иш олиб борган бошқа тергов гуруҳлари томонидан талончилар, порахўрлардан амалда тортиб олинган салкам юз миллион сўмни ҳам ўз миллионларига қўшиб юборди. Пахтани қўшиб ёзиш билан боғлиқ ишлар бўйича, айниқса, терговнинг бошида мусодара қилинган сумма улар орасида энг йириги эди. Бунда, менимча, ўзбек терговчиларига ва коператив ходимларга, шунингдек, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан юборилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига омад кўпроқ кулиб боққан. Аммо бу миллионлар кўпларга маълум эмас. Демократик матбуот ҳам бу ҳақда лом-мим демади, чунки бу миллионларни бошқа терговчилар, анчайин камтарин кишилар топган эдилар. Фарқи шундаки, улар анча билимдонлик билан иш олиб борганди.

Мен Т.Гдлянни, унинг шуҳратпарастлиги ва ўзини кўкларга кўтариб мақташни ёқтиришини яхши билганимдан 45 миллион сўмнинг ҳақиқат эканлигига ишонмасдим. Топилган пулларни мусодара қилиш, сақлаш ва мусодара қилинган қимматбаҳо буюмларни ҳисобга олишдаги тартибсизлик бизни ҳушёр торттирди. Шу боис ишни яхши биладиган кишилардан тафтиш комиссияси тузиш ва 1983-1988 йилларга тааллуқли Гдлян иши юзасидан ашёвий далилларни ҳамда уларнинг ҳаракатини тўлиқ рўйхат қилиб чиқишни сўраб ССРИ Бош прокурори А.Я.Сухаревга мурожаат қилдик. Натижада шундай комиссия тузилди ва 1990 йил августида тафтиш ишига киришди. Бу низоьтда мураккаб, катта ҳажмдаги ва сердиққат иш эди. Ўтказилган тинтувлар, буюмларни кўздан кечириш протоколлари, қимматбаҳо буюмларни

банкларда сақлаш учун топширилганлиги ҳақидаги кви-
танциялар ҳамма-ҳаммаси бирма-бир қунт билан ўрганиб
чиқилди. Гувоҳлик берилганлиги ҳақидаги протоколлар,
пулни, заргарлик буюмларини олганлик ва берганлик ҳақи-
даги тилхатлар қунт билан солиштириб кўрилди.

Комиссия учун кунлар давомида синчковлик билан иш
олиб боргандан кейин якуний ҳужжат – актни ва унга илова
қилинган жадвални тақдим қилди. Комиссия чиқарган ху-
лосалар кўплар учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Гдлянчилар
олиб борган 45 та жинойт ишлари бўйича мусодара қилинган
пул ва қимматбаҳо буюмлар ҳақида қуйидаги маълумотлар
аниқланди:

- олинган пул – 14 679 733 сўм 85 тийин;
- заргарлик буюмлари ва олтин – 10 886 830 сўм 75 тийин;
- облигациялар – 1 886 830 сўм 50 тийин.

Жами 27 982 153 сўм 10 тийин, ҳаммаси бўлиб 1 258 130
сўм 77 тийинлик мол-мулк, 447 201 сўм 06 тийинлик омо-
нат хатланган.

Буларнинг жами 1 705 331 сўм 83 тийин бўлади.

Шундай қилиб, ҳаммасини қўшганда аранг 30 миллион
сўмга боряпти. Аммо қолган 15 миллион сўм қаерда қолди,
деган ҳақли савол туғилди. Ахир олинган суратларда само-
лёт пиллапояси, жилмайиб турган Гдлян, унинг орқасидан
эса миллионлар солинган қопларни кўтариб олишганди.
Унинг сўзларига қараганда, улардаги пул 40 миллионлик
рақамдан анча ошиқ эди.

Гдлян билан Иванов яна бир депутатлик мандати кети-
дан қувиб, Арманистонга қочиб кетганликларининг боиси
ҳам шу камомад эмасмикин? Фикри ожизимча, қамоққа
олиш, одамларни ноҳақдан ушлаб туриш ва сўроқ пайтла-
рида қонунни бузганликлари факти уларни унчалик ҳам
ташвишга солмаётган. Негаки, 23 та иш бўйича қимматбаҳо
буюмларни мусодара қилиш, сақлаш ва топшириш чоғида
Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси-
нинг 154, 159 ва 160-моддаларида баён қилинган талаблар
жиддий суратда бузилганлиги, шунингдек, тергов гуруҳи

ўз хизмат бурчини виждонан бажармаганлиги текшириш давомида аниқланганлиги, тафтиш ҳужжатида қайд қилиб ўтилган эди.

Қимматли буюмлар вақтида кўздан кечирилмаган, баъзан бу иш 2-3 ой кечикиб наридан бери ўтказилган, айниқса, заргарлик буюмлари билан шундай палапартишлик қилишган. Одатда узук, билагузук, тақинчоқлар сингари қимматбаҳо буюмларнинг умумий миқдоригина кўрсатилган. Уларга хос хусусиятлар, алоҳида аломатлари, масалан, ҳатто соатларнинг номери ҳам кўрсатилмаган. Кўп ишлар бўйича мутахассислар таклиф қилинмаган. Заргарлик буюмлари тўғридан тўғри ССРИ Молия вазирлигининг Давлат хазинасига топширилаверган, турли шахслардан олинган қимматли буюмлар битта идишда жўнатилаверган. Оқибатда бу буюмлар эгаси номаълум бўлиб қолган (Камолов, Нурумбетов, Ражабов, Худойберганов, Каниязов, Усмонхўжаев, Чурбанов, Каримов, Ғойибов, Мирзабоев, Илиади ва бошқа айбланган кўпдан кўп кишиларга оид ишлар шулар жумласидан).

Ғоҳо тинтув ўтказмасдан ва тегишли протокол тузмасдан ҳам қимматликларни олиб кетиш ҳоллари бўлган. Шу сабабли у ёки бу нарса олингани ҳақида сўроқ протоколлари орқалигина ҳукм чиқариш мумкин. Барча ҳолларда ҳам қимматликларни олганлик ҳақидаги тегишли ҳужжатнинг нусхаси берилавермаган (Чурбановни ва бошқаларни айблаш бўйича иш, Мирзабоев иши), ҳамма қимматбаҳо буюмлар ҳам ўраб-жойлаб ва сургучлаб қўйилмаган.

Мавжуд тартибни шу хилда бузиш ҳолларига кўп терговчилар йўл қўйган. Тинтув пайтларида шахсан иштирок этган Гдлян ҳам бундан мустасно эмас.

Мазкур маълумотлар билан танишиб чиққанидан кейин тафтиш комиссиясида ўз-ўзидан “Хўш, у ҳолда одамлардан олинган қимматбаҳо буюмларни ташмалаб кетишганими ёки уларни шунчаки йўқотиб қўйишганими”, деган савол туғилиши табиий эди. Бу хусусда ҳулоса чиқаришга, ниманидир даъво қилишга ёхуд рад этишга шошилмайлик.

Аввал шак-шубҳасиз ашёвий далилларга мурожаат қилиб кўрайлик. А.Каримов ва М.Худойберганов ишлари бўйича энг кўп – ҳар биридан 6 миллион сўмлик нарса мусодара қилинган. Отаулла Худойбергановдан 5 миллион 800 минг, Қосим Нурумбетов иши бўйича бир миллион сўмдан кўп, И.Усмонхўжаев, Қ.Камолов ишлари бўйича бир миллион сўмдан, А.Ражабов иши бўйича бир миллион сўмга яқин, Ғ.Мирзабоев ва Х.Норбўтаевдан ярим миллион сўмдан олинган. Бошқа шахслардан олинган пул ва қимматбаҳо нарсалар бундан анча кам бўлган. Шу нарса ҳам шубҳасизки, Бухоро вилоятида давлат хавфсизлик органлари томонидан қўзғатилган жиноят иши бўйича уларнинг терговчилари ва оператив ходимлари мусодара қилиб олган 8 миллион сўмдан кўп маблағни ҳам Гдлян “ўз” миллионларига қўшиб олган. У ана шу миллионларни ҳам прокуратура залида, бошқа жойларда, шунингдек, телевизор экранлари орқали намоиш қилиб кўрсатган. Шундай қилиб, Гдлян бошқаларнинг меҳнатини ўзиники қилиб кўрсатган. Қимматбаҳо буюмларни тортиб ёки топиб олганлиги учун терговчилар ҳамиша бир-икки маошлари баробарида пул мукофоти билан рағбатлантирилар, унвонлари оширилар ва жуда бўлмаганда ташаккурнома билан тақдирланардилар. Уларни рағбатлантириш керак эди. албатта. Бунга эътироз йўқ. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўлганки, уларни қўзбўямачилардан бошқача атаб бўлмайди.

Юқорида тилга олган ўша Бухоро вилоятининг ўзида прокуратуранинг, ИИБ, Давлат хавфсизлик комитетининг бир неча тергов гуруҳлари бир вақтда барабар иш олиб боришган. Кунларнинг бирида маҳаллий терговчилар катта миқдордаги қимматбаҳо буюмларни қўлга олишни мўлжаллаб, улар сақланаётган жойга борганликлари ва тинтув ўтказишга ҳозирлик кўраётганликларидан Гдлян хабар топади. Гдлян ҳеч бир асос бўлмаган ҳолда улардан ўзи олиб бораётган тергов ишига алоқаси бўлмаган ишни унга беришларини сўрайди. Улар ўз навбатида мутлақо қонуний асосда рад

жавоби беришади. Шундан сўнг Гдлян билан Иванов тинтувда бухоролик терговчилар билан бирга иштирок этиш ҳақида келишиб олишади, тинтув пайтида салкам 800 минг сўм топилади. Бунинг ҳаммасини Гдлян гуруҳи ўзи билан олиб кетади, икки ҳафтадан кўпроқ вақт уни ушлаб туради. Операция муваффақиятли ўтганлиги ҳақида тегишли ахборот беради, бу “омад”ни ўз ҳиссасига ёзиб қўяди, сўнгра бу пуллари Бухоро вилояти прокуратурасининг депозит ҳисобига ўтказди. Буни мақтанчоқлик қилишдан бошқача баҳолаш мумкин эмас, албатта.

Ашёвий далиллар – Гдляннинг энг нозик жойларидан бири. Биз уларни текширишга астойдил киришган эдик, аммо Бош прокурор Н. Трубиннинг ишни ёптирганлиги камомад, қимматбаҳо буюмларни алмаштирилганидан далолат берувчи кўпгина фактларни охиригача батафсил текшириб чиқишга ҳалал берди. Шунга қарамай, биз аниқлашга улгурган нарсаларнинг ўзи ҳам Гдлян гуруҳида ҳукм сурган носоғлом вазият ҳақида етарлича тасаввур берарди.

Ёдимда, 1989 йил охирида ССРИ прокуратурасида ўтказилган партия йиғилишида мен минбардан туриб ҳамманинг ҳузурида Гдлянга жуда кўп пул ва қимматбаҳо буюмларни қайтаришига тўғри келишини айтган эдим. Ўшанда у сукут сақлаган, эътироз билдирмаган, сўзларимни рад қилмаганди. Ҳолбуки, одати бўйича у ўзига хос қатъиятлилиқ ва шижоат билан ўзиникини маъқуллашга ўрганган эди. Башарти эътироз билдира бошлаганда, мен ҳам ўз навбатида аниқ мисоллар келтирган бўлардим.

Гдлян гуруҳи ўтказган тинтув протоколларида “60 та ва ундан кўпроқ тилла танга мусодара қилинди”, “Дипломат пул билан лиқ тўла эди” деган ажабтовур ёзувларга кўзингиз тушади. Хўш, аниқроғи тилла танга қанча эди? Аниғини ҳеч ким билмасди.

Гдлян қимматбаҳо буюмларни мусодара қилишдаги тартибсизликларни оқлаш учун бир неча бор уларни топилган ерда санаб ўтириш хатарли эди, ахир қимматбаҳо буюм-

ларнинг ўзи кўп эди-да, деб айтганди. Топилган буюмларнинг кўплиги ҳақида унинг айтганларига қўшилса бўлар. Аммо хавф-хатарга келсак, бирон марта бундай ҳол юз бергани йўқ. Ёки бошқа бир мисол: Тинтувлардан бирида тилла тангалар билан тўлдирилган икки юз граммли шиша банкани топишган, тангаларга туширилган герб, бургут тасвирини қайд этишгану, аммо тангаларнинг ўзини санашга ҳеч кимсанинг фурсати бўлмаган. Тинтув соат 18⁰⁰ дан 18³⁰ га қадар ўтказилган, буни нормал ҳол дейиш мумкин. Чунки кўп нарсас эмас, бор-йўғи икки юз граммли шиша банка рўйхатга олинган.

Қимматбаҳо буюмларнинг айримлари олинганидан кейин умуман кўздан кечирилмаган, идишга жойланиб, сурғучланмаган. Шундай фактлар ҳам аниқланди – тинтув ўтказилган вақтда топилган пуллар, қимматбаҳо буюмлар идишга жойланганидан кейин бир муҳр билан сурғучланган бўлса, кўздан кечириш учун уни очилган пайтда мутлақ бошқа муҳр нусхаси борлиги маълум бўлган.

1984 йил март ойида Иззатов иши бўйича топилган қимматбаҳо буюмларнинг умумий миқдори тафтиш қилинганда 5274 сўмлик тилла буюм (24 дона), 1049 сўмлик 15 дона қўл соати ва битта гилам етишмаётганлиги аниқланган. Бу ишни эса судга шахсан Гдляннинг ўзи йўллаган. Бу буюмлар қаерга гумдон бўлганлиги унга ойнадек равшан бўлиши керак эди.

1983 йил 17 октябрда айбланувчи Раҳмонов ёнидан шахсий тинтув ўтказилган чоғда 92 сўм 50 тийин пул чиққан, 400 сўмлик тилла узук ва 245 сўмлик “Ориент” соати олинган. Ушбу пул ва қимматли буюмларнинг бундан кейинги тақдири ҳақида ҳеч қанақа маълумот йўқ. Ишни судга Гдлян йўллаган. Раҳмоновдан олинган пул ва буюмлар гумдон бўлганлиги ҳақида у камтарона сукут сақлайди. Раҳмоновнинг ўзига тегишли буюмларни қайтариб беришларини сўраб ёзган шикоят хатларига эса тайинли жавоб йўқ.

Етишмаётган қимматбаҳо буюмларнинг рўйхати катта. Кўп саволлар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Ихтиёримизда

шундай маълумотлар ва фактлар мавжуд бўлиб турган бир вақтда Н.Трубин ишга нуқта қўйганлиги бемаънигарчиликлар ва жиноятларни яширганлиги кишини ажаблантиради, холос. Бундай тилёғламалик қилиш, ўз виждонига қарши бориш учун одам нечоғлик “уддабурон” бўлиши керак?!

А.Рўзметовдан тортиб олинган кимматбаҳо буюмлар ўғирлаб битирилганлиги ҳақидаги иш материаллари катта қизиқиш туғдиради. На Трубин, на унинг бевосита ёрдамчилари бу маълумотларни мутлақо ўқишмаган. Ишни тугатишга ниҳоятда шошилишган. Минг афсус. Улар ўзлари учун кўп нарсаларни кашф қилишлари мумкин эди.

Қарши бирлашган авиаотряди командири Арслон Рўзметовни 1985 йил 21 октябрда қамоққа олишади. У 3 йилу 9 ой 21 кун турмада ётади, кейин бутунлай оқланади. Уни ҳибсга олган вақтларида 8 минг километр юрган ВАЗ - 2107 русумли шахсий автомашинасини ҳам олиб кетишади. Машинада “Шарп” магнитофони ва Японияда ишланган радиоприёмник, икки карнайли “Стерео” бор эди. Машина анжомлари, эҳтиёт қисмлари тўла бут ҳолда эди. Яп-янги эҳтиёт ғилдираги ҳам бор эди. Тўртала ғилдираги ҳам янги бўлиб, Финляндияда ишлаб чиқарилганди. Ўриндиқлари қора тусдаги “велюр” материали билан қопланганди. Орқа ойнаси чет элда ишланган қуёшдан сақловчи панжара билан қопланганди. Машина салоида Японияда ишланган калкулятор, қуёшдан сақловчи кўзойнак, учта видеокассета ва йигирмата магнитофон лентаси бор эди.

Қамоққа олинган куни машинани терговчилардан В.Регеда ва Р.Туктарев кўздан кечириб, шу ҳақда протокол тузишади ва салон ҳамда автомашинадаги юқорида зикр қилинган буюмларнинг ҳақиқатда борлигини тасдиқлашади.

1987 йил ноябрда А.Рўзметов ҳақидаги ишни терговчи Р.Бисеров ўзига қабул қилиб олади. У ашёвий далилларни кўздан кечирар экан, машина талаб битирилганини аниқлайди. Бу ҳақда Гдьянга батафсил ахборот беради. У ўз навбатида автомашинани тезда Рўзметовнинг хотини-

га қайтариш ҳақида кўрсатма беради. Сўнгра хотинини чақириб, машинани кўздан кечириш ва топшириш актини расмийлаштиришади. Мазкур ҳужжатларда радиоаппаратуралар, декорация мосламалар, қуёшдан сақловчи панжара, магнитофон йўқлиги қайд қилинади. Шиналар эскиси билан алмаштирилган. Кассеталар ҳам йўқ эди. Машинанинг ўзини ҳам А.Рўзметовнинг уйи олдига судраб олиб келишади. 1988 йил 23 майда Рўзметова ўғирланган буюмларни қайтариш ҳақида Гдлян номига ариза ёзади. Аммо аризаси эътиборсиз қолдирилади.

А.Рўзметов озодликка чиқарилганидан кейин автомашинасини қайта тиклайди ва уни таъмирлашга уч минг сўмдан кўп пул сарфлайди. Бу пулларни у ўз чўнтагидан тўлайди. Ҳолбуки, уларни Гдлян ва унинг гуруҳи тўлаши керак эди.

Рўзметовни талаш шу билангина тугамаган. Уни қамоққа олиш вақтида уйда тинтув ўтказишиб, чет элда ишланган 56 та видеокассетани ҳам бошқа буюмлар қаторида олиб кетишади. Бу кассеталарнинг ҳар бирини Рўзметов 200-250 сўмдан олган эди. Унга фақат 43 дона видеокассета қайтаришади, у ҳам бўлса шу ерда ишлаб чиқарилган ва фойдаланиш учун яроқсиз эди. Улардан айримларига тергов ҳаракати қайд қилинади. Рўзметовнинг кассеталари ўз вақтида эксперт текширувидан ўтказилади. Улардаги ёзувларнинг мазмуни тўла аниқланган. Булар Америкада, Японияда ишланган, жангга алоқадор филмлар, қўрқинчли филмлар ва бир неча шахватпарастлик филмларидаи иборат бўлиб, ўша вақтларда чайқов бозорда сотилиб, бозори жуда чаққон, уларга ёшлар орасида талаб ниҳоятда катта эди. Гдлян гуруҳига кирган терговчилар ҳам бу филмларга жуда ўч эди. Видеокассеталарнинг аслини ва тўлиғича эгасига қайтаролмаганларининг боиси – улар пала-партиш ишлатилавериб яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги бўлса керак.

Биз ўғирлаб битирилган ашёвий далилларни текширишдан ўтказар эканмиз, ниҳоятда қизиқарли бир ҳужжатга дуч келдик. У бизнинг диққатимизни тортди. Ҳужжат унча

катта бўлмаганлигидан мен уни қуйида келтириб ўтмоқчиман: “Акт. 1986 йил 28 октябрда тузилди. Тошкент шаҳри. Биз, қуйида имзо чекканлар: ССР Иттифоқи прокуратураси тергов гуруҳининг раҳбари Т.Х.Гдлян, гуруҳ штаби бошлиғи Д.С.Непомнящий, тергов гуруҳи терговчиси Ю.М.Власов ва ССР Иттифоқи прокуратураси хўжалик бўлимининг катта муҳандиси В.И.Бондаренко ушбу актни туздик шул ҳақда-ким, иситиш системаси ишга туширилганидан кейин видеомагнит ленталар солинган қоғоз идишга сув теккан; Арслон Рўзметовдан олинган бу видеомагнит ленталар солинган қоғоз идиш ЎзССР ДХК тергов бўлимининг 334-хонасида де-раза олдида пол устида турган эди. Сув тегиб ивиши натижа-сида 13 та видеокассета бутунлай яроқсиз ҳолга келган”.

Ана шу сатрлар остида юқорида номлари тилга олинган кишиларнинг имзоси бўлиб, Гдляннинг имзоси биринчи бўлиб турарди.

Биз Ўзбекистон Давлат Хавфсизлиги комитетидан иситиш системаси ҳақида сўрагандик, кўп ўтмай жавоб олдик. Ундан парча келтираман: “ЎзССР ДХК тергов бўлимининг 334 хонасида 1986-1987 йилнинг бутун иситиш мавсуми да-вомида иситиш системасининг бузилиши, тешилган ҳоллар юз бермаган”.

Шундан кейин акт остига имзо чеккан кишиларни сўроқ қилиш масаласи кун тартибида турди. Гдлянни сўроқ қилишнинг иложи бўлмади. Бунда унинг депутатлик дахлсизлиги иш берди. Ю.Власовни сўроққа чақиртирдик. Терговчи Х.Жамолбоев танишиб чиқиши учун унга актни узатади ва уни қандай изоҳлайсиз, деб сўрайди. “Бу акт менга яхши таниш. Унга бошқалар қатори мен ҳам имзо чекканман. Кунларнинг бирида, бу 1986 йил 28 ноябр кунимиди, ё йўқми, аниқ айта олмайман, лекин бу айни 1986 йил октябр ойида бўлгани аниқ, хонамга Давид Семенович Непомнящий ССРИ прокуратураси хўжалик бошқармаси техниги В.Бондаренко билан бирга кириб келди. Уларнинг қўлида шу акт бор эди, уни ҳар иккаласи ҳам имзолаб бўлишганди, аммо ўшан-

да Гдляннинг имзоси бормиди ё йўқмиди, ҳозир эсимда йўқ, улардан бири, эҳтимол иккаласи бўлиши ҳам мумкин, тунда хонада ҳеч ким йўқ пайтда иситиш системаси ёрилиб, видеокассетани сув босгани, уларнинг айтишича, 13 та видеокассета яроқсиз ҳолга келганини маълум қилишди ва шу кассеталар ҳақиқатда яроқсиз ҳолга келганлиги ҳақидаги ушбу актга имзо чекишни мендан илтимос қилишди.

Бу одамларга ишонмаслик учун менда асос йўқ эди, шу ваздан мен актга имзо чекдим. Аслида ўша кассеталарни ўз кўзим билан кўрмаганман, уларни менга кўрсатишгани ҳам, мен бу ҳақда улардан сўраганим ҳам йўқ. Кассеталарга нима бўлганини билмайман. Ўша вақтда А.Рўзметов иши бўйича участка каттаси ким бўлганлиги эса эсимда йўқ, у кассеталарнинг ҳисоб-китобини олган бўлиши керак, албатта. Ҳозир аниқ эсимда йўғу, аммо ўша вақтда актда тилга олинган 334-хонада Д.С.Непомнящий ишлаган эди, чамамда. Ўша пайтда у тергов гуруҳининг штаб бошлиғи эди. Мен бу хонага кирганман ҳам, ўшанда иситиш батареяси олдида Рўзметов-Ғоипов иши бўйича ашёвий буюмлар солинган қоғоз қутига кўзим тушганди. Аммо айтишим керак, хонани сув босган пайтини ўз кўзим билан кўрганим йўқ, шунингдек, авария қачон юз бергани ва қачон бартараф қилингани, ким бартараф қилгани, слесарни чақиришганми-йўқми, булар ҳақида ҳеч нима билмайман, яъни номлари юқорида зикр қилинган кишиларнинг илтимоси билан ушбу актга имзо чекканимдан бўлак менга ҳеч нима маълум эмас”.

В.Бондаренко ҳам актга имзо чекканини айтди, аммо иситиш системаси ёрилиб, авария бўлганини кўрмаганини, бинобарин, 13 дона видеокассета қаерга ғойиб бўлганини билмаслигини маълум қилди.

Энди Д.С.Непомнящийни сўроқ қилиш қолганди. У бирмунча муддат иқроор бўлмай турди-да, актнинг сохталигини тўлиқ тасдиқлади. 1986 йил 28 октябрда Рўзметовга тегишли видеокассеталарни рўйхатдан чиқариш ҳақида кўрсатма олганлигини айтди. Сўнгра бўлган воқеани гапириб берди.

“Мен мазкур актни 334-хонада ўзим ишлайдиган машинкада шахсан тузганман. Актда қайд қилинганларнинг ҳаммаси, шунингдек, актнинг ўзи ҳам тамомила сохта. Бутунлай яроқсиз ҳолга келган ҳеч қанақа магнит лентаси бўлмаган, иситиш системасининг ёрилганлиги ҳам ёлғон, буларнинг ҳаммасини Гдланнынг кўрсатмасини бажариш учун ўзим тўқиганман. Мен тайёрлаган ушбу актни биринчи бўлиб Т.Гдлян имзолади, кейин мен имзо қўйдим, сўнгра Власов ва Бондаренко унга ўз имзоларини қўйишди. Улардан қайси бири актга биринчи бўлиб имзо чекканини эслолмайман, шунингдек, улар актга қаерда имзо қўйганларини ҳам аниқ айтолмайман. Актни бир нусхада тайёрлаганимдан кейин уни имзолаш учун Гдлянга мен олиб борганман, актни бошқа кўрмаганлигим учун унинг шундан кейинги тақдиридан хабарим йўқ. Актни сизнинг қўлингизда кўриб хайрон қолдим, чунки Гдлян уни жинойт ишига тиркайди, деб ўйламагандим. Бу акт сохталигини ахир у биларди-ку”.

Д.Непомняшчийнинг берган гувоҳликларига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, Гдлян 334-хонада сақланаётган жамики ашёвий буюмларни кўриш ва олиш имкониятига эга эди. Яна бир гап. Видеокассеталарни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги акт куннинг биринчи ярмида тузилган, куннинг иккинчи ярмида эса Гдлян самолётга ўтириб Тошкентдан Москвага учиб кетган. Ўшанда кассеталар ҳам у билан бирга учган, ғойиб бўлган, деб фараз қилиш мумкин.

Йўқолган нарсалар фақат шу кассеталаргина эмас. 1986 йил 21 октябрда А.Рўзметов уйида тинтув ўтказишади.

Тинтув узоққа чўзилиб, жуда кеч тугайди. Келаси куни тинтувни давом эттиришади. Х.Рўзметовани болалари билан алоҳида бир хонага киритиб қўйишади, терговчиларнинг ўзлари эса тун бўйи бутун уйга эгалик қилишади.

Тинтувдан кейин Х.Рўзметовага мусодара қилинган қимматбаҳо буюмлар рўйхатига киритилмаган бир қанча заргарлик буюмлари йўқ бўлиб қолганлиги маълум бўлади. Унинг Гдлян гуруҳи ва прокуратура номига берган ариза-

си эътиборсиз қолдирилади. Бунда гап, масалан, чет элда ишлаб чиқарилган зажигалкалар коллекциясининг бир қисми, шунингдек, қиймати 800 сўм турадиган 583 пробали олтиндан ясалган миллий нақш билан безалган билагузук ҳақида борарди. Рўзметовларнинг аризасини шубҳа остига олиш ҳам мумкин, албатта, зеро, улар манфаатдор томон. Аммо бизни безовта қилган бошқа нарса эди. Тинтув ўтказилган уй бешта хонадан иборат бўлган. Тинтув ўтказиш учун беш терговчи ва уч холис ҳам келган. Терговчилардан бири машинкада протокол тузишга киришган, гувоҳлар унинг яқинида ўтиришган. Бошқа терговчилар хоналарни кўздан кечиришган. Бу ишни бир вақтда қилишган. Ҳар бир терговчига бир хонадан теккан. Холислар эса уч киши бўлиб, улар ҳам залда ўтиришган. Терговчилар хоналардан қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб, стол устига қўйишган. Топилган буюмларни протоколга киритишган. Тинтув бошланган пайтда Рўзметовлар оиласидан уйда фақат ўн уч ёшли бола бўлган. Мен бу ерда кўпчилик терговчилар, шу жумладан, Гдлян гуруҳидаги терговчиларнинг ҳам ҳалоллиги ва виждонлилигини шубҳа остига қўймоқчи эмасман. Аммо вазият шундай бўлганки, биз Рўзметовлар уйидан йўқолган қимматбаҳо буюмлар ҳақидаги шикоят юзасидан текширув олиб бордик. Нечоғли аянчли бўлмасин, тан олиш керак, бунга қадар машинадаги буюмлар ўғирланган, қўлимизда видеокассеталарни рўйхатдан чиқариш ҳақида тузилган сохта акт ҳам бор эди.

Тан олиш керакки, биз бошқа тергов ҳаракатларини бажаришга улгурмадик Трубин қонунга хилоф равишда ишни тугатди. Шундай қилиб Рўзметовларнинг аризаси охиригача текширилмай қолди.

ЎҒРИНИ УШЛА

Халқимизда ғоят қизиқ, айни пайтда нозик бир ибора бор – даъвогаринг қози бўлса дардингни кимга айтасан. Гдлян гуруҳида терговчи бўлиб ишлаган Ю.Писаревский ҳам айни шу ибора мазмунига мос ҳолатга тушган.

“Дипломатни очиб кўрилганда унда 458 минг сўм бор эди. Бу пулларни пўлат сандиққа солиб қўйдик, – дейди Ю.Писаревский. – Пўлат сандиқнинг калитларидан биттаси менда эди, иккинчисини Гдлян ёки Иванов олганди. Пўлат сандиқни Гдल्याдаги муҳр билан сурғучладик. Менда бунақа муҳр йўқ эди. Барча терговчилар ДХКда соат 20:00 гача бўлишлари мумкин эди, аммо Гдлян билан Иванов бундан мустасно эди. Мен ДХКдан холислар билан бирга чиқиб кетдим. Эртаси кун эрта билан пул қўйилган пўлат сандиқ турган ДХКнинг 330-хонасига республика прокуратурасининг кассири, ҳисобчиси – Зоря Алексеевна ва Рита, гувоҳлар, республика прокуратураси махсус техника бўйича инженери Володя исмли йигит таклиф қилинди. Қўйилган пуллар қайта санаб чиқилди. Шунда кеча қўйилган пулга нисбатан 2000 сўм етмаётганлиги маълум бўлди. Гдлян менга даъво қилиб қолди. Мен унга бу ердан соат 20 да холислар билан бирга кетганлигимни айтдим. Яна унга иккинчи калит ҳам сизда, қимматдорликларни сурғучлашда қўйиладиган муҳр ҳам сизда, дедим. Буни эшитгандан кейин Гдлян жим бўлди. Шундан сўнг янгидан кўздан кечириш протоколи тузилди – бунисида энди янги сумма – 456 минг сўм кўрсатилганди. Протокол ҳам, холислар ҳам энди бошқа эди”.

Видодил Иззатовнинг берган гувоҳлигидан: “Гдлян Бош прокурор кўрсатмаси билан келганлигини ва кўп одамларни қамоққа олажагини айтди... Шундан сўнг у: сен турксан, мен бўлсам армани, юртдошлар сифатида умумий тил топишимиз керак, деди. Менинг: “Буни қандай қилиш керак?” деб берган саволимга Гдлян: сен менга ўн минг сўм

пул берасан деди ва Бухоро вилояти бўйича унинг одами бўлиб қолишимни айтди.

Анвар Мадаминов – Тошкент вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасининг давлат автомобил нazorати бошқармаси бошлиғи: “1984 йил 24 майда менинг хонамда Гдлян билан учрашувим бўлди, яккама-якка гаплашдик. У мен билан мулойим сўзлашди, менга қарши ҳеч нима йўқлигини, унга 70 минг сўм беришим кераклигини ва у мени дарҳол бўшатишини, аммо мен у билан ҳамкорлик қилишимни айтди...”

Шамси Рахимов: “Гдлян мендан 50 минг сўм беришимни талаб қилди. Шу мақсадда у бир ярим йил мобайнида омонат кассада ўзимдан ташқари хотиним ва ўғлимнинг номига қўйилган омонат пулларни хатга олмай турди”.

Бизга Раҳим Салимовдан арзнома тушганди. У арзномасида: ССРИ прокуратурасининг тергов бўлими хонасида Т.Гдлянга 100 минг сўм берганлиги, оғир жазодан қутулиб қолиш мақсадида шундай қилгани, бу пулларни Гдляннинг ўзи талаб қилгани ҳақида ёзганди.

Гдлян шаънига бундай айблар қўйишаётганига биз бe-фарқ қараб туролмасдик. Текшириб кўриш, Гдлянга нисбатан айтилган бу гапларнинг тагига етиш керак эди.

Ишни арз қилган одамни сўроқ қилишдан бошладик. У терговчилар ўзи билан қандай “муомалада” бўлганликларини оқизмай-томизмай гапириб берди. Ўғлини қамаш билан кўрқитишганларидан кейин у ўзига тухмат қилишга мажбур бўлади. Гдлян доим ундан пул талаб қилган. Салимов шундай хотирлайди: “... 1987 йил қишида мени яна Москвага, Бутирка турмасига олиб келишди. Бу ерда Гдлян мендан 300 минг сўм беришимни талаб қила бошлади. Бунинг эвазига ўғлимни бўшатиб юборишни ваъда қилди. Ўғлим 10 кундан бери қамокда эди. Менга бериладиган жазони эса бор-йўғи беш-олти йилга келтиришини айтди. Баҳорда Гдлян ўғлим Анварни ҳам хонасига чақиртирди. Ҳақиқатан ҳам, Гдлян уюштирган ана шу учрашув чоғида

мен ўғлимдан Москвага, ССРИ прокуратураси тергов бўлимига 100 минг сўм пул олиб келишини сўрадим”.

Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай Раҳим Салимовнинг ўғли ана шу пулларни олиб келган. Тергов бўлимида Гдлян улар учун қисқа муддатли учрашув уюштирган. Анвар келтирилган пулларни дипломатда қолдиргану, ўзи чиқиб кетган. Раҳим Салимов бир оз фурсат Гдлян билан яккама-якка қолган, газетага ўралган пулларни олиб Гдлянга берган. У пулларни олиб столининг ўнг тортмасига солиб қўйган.

Биз Анвар Раҳимовни ҳам сўроққа чақирдик. Уни 1987 йил баҳорида Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев район прокуратурасига терговчи Мороз таклиф қилиб, Москвага прокуратуранинг тергов бўлимига отаси билан учраштириш учун Гдлян чақираётганини айтади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айтилганларнинг ҳаммасини Мороз ҳам тасдиқлади. Тергов бўлимига етиб келганидан кейин, икки соатлар чамаси ўтгач, Анвар Раҳимовни отаси билан учраштиришади. Отаси унга қариндош-уруғларидан пул қарз кўтариши, ўзидаги бор пулларни қўшиб 100 минг сўм қилиб Москвага олиб келиши кераклигини айтади. Гдлян яна учрашувга рухсат беради. Анварнинг отасига пешонангиздаги тиртиқ қаердан пайдо бўлди, деган саволига у сўроқ пайтида Гдлян билан Иванов уни калтаклаганликларини айтади, “Гдлян оёғи билан шундай тепдики, пешонамнинг териси шилиниб кетди”, дейди у.

Анвар уйига қайтиб келгач, қариндош-уруғлари 100 минг сўм йиғиб беришади. Биз уларни ҳам сўроқ қилдик, ким қанча пул берганлигини айтди.

Ўн кунлардан кейин Анвар самолётда яна Москвага келган. Пуллар газетага ўралган бўлиб, дипломатга жойланганди, уни Ҳамроқул Шукуров поездда ўзи билан олиб келади. Биз уни ҳам излаб топдик ва у сўроқда пулларни Москвага олиб келиш билан боғлиқ ҳамма гапни тўла тасдиқлади. Анвар билан бирга ССРИ прокуратураси тергов бўлими биносига боришганини, Анвар пул солинган дипломатни олиб кетганини, бинонинг ичига кириб орадан унча кўп

вақт ўтмай дипломат ва пулсиз қайтиб чиққанини гапириб берди. Москвада Анвар ва Ҳамроқул Шукуров ССРИ Фанлар академияси ётоқхонасида аспирант Ислон Рамзатов хонасида туришган. У ҳам буни тасдиқлади. Дипломат ҳақида муфассал сўзлаб берди. Анвар дипломатни олиб Шукуров билан бирга ётоқхонадан чиққанини, отаси билан учрашгани кетганини айтди.

Анвар тергов бўлимига келгач уни тўртинчи қаватдаги хонага бошлаб киришади, кўп ўтмай шу ерга отасини ҳам олиб келишади.

“Иккаламизни ёлғиз қолдиришди, – дейди у. – Йўлакда таржимон Диля у ёқдан бу ёққа юрарди, фамилияси ёдимда йўқ. У билан Дадажонов суҳбатлашарди. Тахминан ярим соатлар мен отам билан суҳбатлашиб ўтирдим, 100 минг сўм пул олиб келганлигимни айтиб, дипломатга ишора қилдим. Янги костюм олиб келганлигимни айтувдим, отам уни олмади, ўзим билан олиб келган озиқ-овқат маҳсулотларини, озроқ уй нони, яна ҳаммаси эсимда йўқ, у-бу нарсаларни бердим. Кейин Мороз кириб, мен кетишим кераклигини айтди. Отам хонада қолди. Мен тўрхалтани ўзим билан олдим. Дипломатни хонада қолдирдим. Пуллар иккита “Совет Ўзбекистони” газетасига ўроғлиқ ҳолда дипломатда эди. У ерда 15 даста 50 талик ва 10 даста 25 талик купюралар бор эди. Бу пуллар турмада отамга нима учун керак бўлиб қолганини у менга айтмади, фақат керак, деди, вассалом. Мен дипломатни столнинг ўнг томонига, дераза томонидаги чеккасига қўйдим ва у қаерда турганлигини отамга айтдим”.

Узил-кесил хулосага келиш учун биз тергов тадбирларининг муфассал режасини тузиб олган эдик. Улардан айримларини бажардик, баъзи сабабларга кўра, бошқаларини ниҳоясига етказа олмадик. Аммо маҳбус Раҳим Салимовни қачон ва неча марта тергов изоляторидан тергов бўлимига сўроққа олиб келганларини тўлиқ таҳлил қилиб чиқдик. Улар сон жиҳатидан ҳам, вақт жиҳатидан ҳам Салимовлар бизга сўзлаб берган ҳолатлар билан бир вақтга тўғри кела-

ди. Шу нарса ҳам кўзга ташланардики, ана шу сўроққа олиб келишлар вақтида Раҳим Салимов билан тергов ҳаракатлари бажарилмаган. Орадан анча вақт ўтганлиги сабабли Анвар олган авиабилетларининг қийқим қисмини топишнинг иложи бўлмади, аэропортлардаги бунга тегишли архив йўқ қилиб бўлинган эди. Аммо иттифоқ прокуратураси бухгалтериясида Гдляннинг сафар гувоҳномалари ҳам сақланиб қолган эди. Улар биз сўз юритган воқеалар пайтида Гдлян Москвада турганлигини тасдиқларди.

Раҳим Салимов ҳамхоналаридан бирини ҳам сўрок қилишга муваффақ бўлинди. Бу одам Тўра Ҳайитов бўлиб чиқди. У Р.Салимов билан бирга Ўзбекистон Республикаси ДХК тергов изоляторига қарашли бир қамоқхонада ётганлигини айтди. “Сўроқ олиб борганларидан кейин камерага қайтгач, одатга кўра, сўроқнинг моҳияти ҳақида бир-биримизга гапириб берардик. Гдлян билан Иванов Салимовни раҳбарлар ҳақида гувоҳлик беришга мажбур этаётганларини, агар шундай қилса, ҳар қанақасига шафқат қилишга ваъда бераётганликларини у менга сўзлаб берган эди. Яна Гдлян ундан пул талаб қилаётганини, эвазига кам муддатли жазо ваъда қилаётганини айтганди. Қанча сўмлиги ёдимда йўқ, ҳар қалай Гдлянга 100 минг сўмми пул бериши керак экан. У бу пулларни бердими ё йўқми, бунисини билмайман. Биз бир ойдан кўпроқ вақт бир камерада бўлдик. Салимовнинг тоби қочиб қолди ва уни касалхонага олиб кетишди”.

Биз тергов бўлими хоналарини Анвар таний олармикан деган мақсадда унга кўрсатишга, у билан отаси берган гувоҳликларини жойнинг ўзида текшириб кўришга улгурмадик. Ўзимиз йиққан “дипломатлар” коллекциясини Анвар берган гувоҳликлари асосида бўлиб ўтган воқеаларнинг қатнашчиларига кўрсатишга ҳам улгурмадик.

Бош прокурор бу бўйича қарор қабул қилмаган эди. Тергов охирига етмади, масала яна очиқ қолди.

Кўпинча ўзимга ўзим шундай савол бераман: “Бордию, 100 минг сўмни келтиришган ҳам дейлик, агар бу пуллар пора та-

риқасида эмас, балки етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун келтирилган бўлса, нега бу ҳақда протокол тузилмаган? Агар ҳақиқатда бу пулларни келтирган бўлишса, улар қаяққа гумдон бўлган? Гдлян ҳеч бир асоссиз равишда барчани бараварига порахўриқда, “Кремл ишини барбод қилишда айблаган, орқа-ўнгига қарамай барчани қоралаётгани, ўзи бўлса уларнинг панасида яширинаётганининг сабаби ҳам шунда эмасмикин? Ахир, “ўғрини ушланглар” деб ҳаммадан кўра кўпроқ бақирадиган одам аслида ким бўлишини ҳамма ерда яхши билишади-ку”. Бундай саволлар кетма-кет қуйилиб келаверарди. Гдляннинг миллионлари етишмаётганлиги чоғида ҳам шунақа саволлар кўплаб туғиларди...

Гдлян миллионларини баъзи бировлар кўпинча икки терговчининг Ўзбекистондаги мафияга қарши курашининг натижаси қилиб кўрсатишади. Бошқалар эса Гдлян билан Иванов мафияга умуман текканлари йўқ, башарти одамларни жиноий жавобгарликка тортган бўлсалар, улар ҳам фақат мафия қарамоғида бўлган кишилардир, деб мулоҳаза юритишга мойил.

Умуман олганда, 1983 йилда Давлат хавфсизлик комитети терговчиларидан Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси бўлими директори Ш.Қудратов, Бухоро вилояти давлат автомобил нazorати бошқармаси бошлиғи Музаффаровга нисбатан қўзгатилган жиноят ишини қабул қилиб олган Гдлян аввалига бошланган ана шу улкан ишни давом эттирди. Аммо кейинчалик терговни бутунлай сиёсий нуфузи манфаатларига бўйсундирди. Бу ишдан Ўзбекистондаги партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи кадрларни “овлаш” дан иборат ўз режаларини амалга ошириш йўлида фойдаланди.

Масалан, Гдлян ва унинг терговчилари чиқарган қарорларга биноан порахўриқда айбланиб, ҳибсга олинган 64 кишининг деярли ярми айбсиз деб топилиб, судлар томонидан ҳамда янгидан тергов ўтказилиши натижасида бутунлай оқланди. Уларнинг ҳаммаси республиканинг масъул ходимларидир. Бу йўл қўйилган қонунсизликнинг бир

қисми, холос. Тергов қандай олиб борилганлигини, кўп ҳолларда номатлуб йўллар билан далиллар қўлга киритилганлигини яхши билганимдан Гдлян ишларида ёлғон қўплигидан ҳақиқатга ўрин қолмаган, деб рўй-рост айта оламан.

Бунга Гдлян ва унинг тўдаси Отаулла Худойбергановнинг қарийб 6 миллионини муҳокама қилиб ўтирмаганини мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин. Улар бу пулларни ҳақиқий эгасидан узоқлаштириб, бошқа бир одамга “тиркамоқчи” бўлишди. Ҳалол ишлаб топилган, аммо фуқаролардан ғайриқонуний асосда тортиб олинган пулларни ҳам улар мафияники қилиб кўрсатганларини айтмайсизми?! Шу сабабли Гдлян миллионлари асосан ҳақиқий мафияни хаспўшлаган, деб айтиш мумкин.

Тергов ҳужжатлари Гдлян билан Иванов ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, кўпгина ашаддий, порахўр ва талончи ўғриларни қонунга хилоф равишда бўшатиб юборганликларини, уларнинг жиноятларини яширганликларини ва улар етказган жуда катта моддий зарарни давлатга қайтариш учун етарлича чора кўрмаганликларини исботлайди. 1983 йил баҳорида Давлат хавфсизлик комитети терговчилари Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси бўлими директори Қудратов, Бухоро вилояти давлат автомобил назорати бошқармаси бошлиғи Музаффаровга нисбатан жиноят иши қўзғаб, улардан кўп миқдорда пул, бир неча миллион сўмлик қимматбаҳо буюмларни олиб ишга қўшадди. Миллионлар ҳосил бўлган манбаларни аниқлаш бўйича тинимсиз иш олиб борилади. Худди шу босқичда мазкур ишни Гдлян қабул қилиб олади ва тергов ишини давом эттиради. Қамоққа олинганлар ана шу катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмларни қаердан олган, деган савол ҳамон кун тартибида турарди. Шунда Қудратов билан Музаффаров ўз қўл остида ишлайдиганлардан пора олган, деган ривоят илгари сурилади. Модомики шундай экан, ўз раҳбарларига пул, қимматбаҳо буюмларни пора тариқасида берган кишиларнинг гувоҳлигини олиш керак эди.

Бу борада тергов хулосаси қуйидагича, Қудратовга нисбатан қўйилган айбга ва Гдлян тузган айбномага кўра, Қудратов ўз қўл остида ишлайдиган 56 савдо ходимидан пора олган, унинг умумий суммаси 2 миллион 358 минг сўмга тенг бўлган. Бунда тергов хулосасида 680 минг 833 сўм миқдоридаги порани магазин ва омборларнинг моддий жавобгар шахслари ўзлари қилган ўғриликлари ҳисобидан берган, поранинг қолган 1 миллион 677 минг сўми харидорларни алдаш ҳисобидан берилган, деб қайд қилинган.

Шундай бўлса-да, Иванов Гдлян билан келишган ҳолда пора берган, ўғрилик қилган ва харидорларни алдаган 56 кишининг ҳаммасига нисбатан жиноят ишларини ёпиб юборган. Уларнинг ҳаммасини савдо соҳасида ишлаб турган лавозимида олиб қолиш учун ғамхўрлик қилинади. Чунки берилган пора суммаси 70 мингдан тортиб 200 минг ва ундан ҳам ортиқ бўлган. Масалан, Қудратовнинг айблов хулосасида марказий универмагнинг бўлим мудир Сатторова 242 минг сўм, магазин мудирлари Орипова 113 минг сўм, Тошқулова 120 минг сўм берганлиги кўрсатилган. Пора берганларга нисбатан қўзғатилган ишларнинг ётқизилишини гўё пора берганликларини эътироф этиб, ўз хоҳишлари билан ариза берганликлари ёки пора беришга мажбур бўлганликларини асос қилиб кўрсатишади.

Участка бошлиғи терговчи Бош пора берганларга нисбатан қўзғатилган ишни тутатиш ҳақида кўрсатма берган Гдल्याга эътироз билдирган. “Мен улар билан баҳслашдим, берилган поралар суммаси катта, пора берганларни жазосиз қолдириб бўлмайди, – дегандим деб эслайди Бош. – Мен пора берганларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини бекор қила олмайман, дедим. Бунга жавобан Гдлян тутоқиб “Нега шовқин соласан, намунча чакагингни очиб қолдинг? Биз бу масалани сенсиз ҳам ҳал қиламиз”, деди.

Тергов давомида ўғрилик, харидорларни алдаш фактлари аниқланди. Мен ўғриликка оид материалларни алоҳида ажратиб олиш керак, деганимда, Гдлян “Сенинг нима ишинг бор, йўқол бу ердан...” деб менга қараб бақирди...

Ҳақиқатан ҳам, барча иттифоқдош республикаларнинг жиноят кодексларида пора берган кишилар пора берганлиги ҳақида ўз ихтиёри билан маълум қилган тақдирда, уларни жавобгарликдан озод қилиш кўзда тутилган. Табиий савол туғилади, Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси бўлими савдо ходимларида ана шу ихтиёрийлик бўлганми?!

Гуруҳнинг собиқ терговчиси В.Туровнинг хотирлашича, Бухоро участкасидаги бутун иш ҳар қандай қилиб бўлмасин “ариза” ёздириб олишдан иборат бўлган. Шу мақсадда одамларни сўроққа чақиришган ва “ихтиёрий равишда ариза ёзишга” ундашган. Бунга кўнмаган тақдирда уларга руҳий таъсир ўтказишган. Одамларни пора берганлигини қатъий рад қилишларига қарамай, эрталабдан кечгача бир неча кунлаб ушлаб туришган. Бундай ҳолларда сўроқ протоколлари юритилмаган.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси терговчи Калинин берган гувоҳликларга тўла ҳамоҳанг. “Пора берган кишиларни жавобгарликдан озод қилиш учун асосга эга бўлиш мақсадида улар терговчи ҳузурига ўзлари келмаган бўлишига қарамай, ҳақиқатан ҳам, улар терговчи ҳузурига ўзлари келмагандилар, ўз ихтиёрлари билан бўлган деб ўйлашлари учун ариза ёзишни тавсия қилардилар... Улар ўзлари ариза кўтариб келадилар, деб ўйлаш гўллик бўларди”.

Биз пора берганларнинг аксариятини сўроқ қилдик. Шунда улар Қудратовга ва Бухоро вилояти ижроия комитети ички ишлар бошқармаси раҳбариятига пора берганликлари ҳақидаги ариза билан ўзлари мурожаат қилмаганликларини гапириб беришди. Терговчилар бир неча бор чақирганларидан кейин ариза ёзишган ва уни терговчиларнинг ўзлари айтиб туриб ёздирган.

Ортиқов сўроқ қилинганда уни 33 марта сўроқ беришга чақирганларини ва фақат 1984 йил 28 июл кечаси 34 марта сўроқ бераётганда дўқ-пўписалар таъсирида пора берганлиги ҳақида сохта ариза ёзишга мажбур бўлганини айтди. Шундан сўнг ўз ихтиёри билан ариза берган, деган асос би-

лан унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тугатишган. Шунини айтмоқчиманки, Ортиқовга нисбатан қўзғатилган ишни ҳақиқатан ҳам тугатиш керак эди, “ўз айбини бўйнига олиши” ҳисобига эмас, балки фақат жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тўхтатиш керак эди. Биз шундай қилдик. Чунки у пора бермаган. Бироқ Гдлян ва унинг шериклари ҳақиқатан ҳам жиноят қилган кишиларга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни қандай қилиб ёпилганларига ақлимиз бовар қилмасди. Масалан, омбор мудирини Қосимов ўзи ўғрилаган пулдан Қудратовга 52 минг сўм келтириб берган. Бу пуллар Қудратовга қўйилган айбномада унинг ўзи ўғрилаганлиги кўрсатилган, Қосимов бўлса, шуниси ажабланарлики, жавобгарликдан батамом озод қилинган. Бошқа талончи ўғриларга нисбатан ҳам худди шундай иш тутишган.

Билишимча, Гдлян билан Иванов шунчаки жиноятчи шахслар билан жиноий тил топишиб, аввалдан уларни судга тортмасликни ваъда қилган. Бунинг эвазига улар бошқа шахсларга нисбатан гувоҳлик беришлари кифоя эди. Улар берган гувоҳликларнинг нечоғли тўғрилиги билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Ҳамма далиллар фақат берилган гувоҳликлардангина иборат эди. Т.Гдлян сермашаққат ишдан, хўжалик фаолиятини, савдодаги аҳволни атрофлича ўрганишдан шунчаки воз кечди. Башарти, у бу билан чуқурроқ шуғулланганида эди, ўзи учун кўп нарсаларни кашф этган бўлар эди. Ўз вақтида Давлат хавфсизлик комитети терговчилари Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси ташкилотидида тафтиш ўтказишни белгилаган эдилар. 1983 йил 12 декабрда унинг 1610 варақдан иборат акти Гдлянга юборилади. Тафтишда бир неча 100 минг сўмлик камомат, 87 минг сўмлик ортиқча қимматдорликларни ва 200 минг сўмликдан зиёд мол ҳеч бир асоссиз қайта баҳолангани аниқланади. Аммо тафтиш актини Гдлян ишга тиркамайди, аксинча уни гумдон қилади.

Бухорода савдонинг аҳволи ўша вақтда прокуратуранини ҳолатда қизиқтириб қолганлиги бежиз эмасди. Ҳисоб-

дан ташқари маҳсулот тайёрлашнинг бутун-бутун яширин ишлаб чиқариш цехлари мавжуд бўлиб, улар маҳсулоти-нинг савдо орқали ўтиши давлатга юз миллионлаб зарар етказмоқда эди. Бунинг пайини қирқиш пайти келганди. Аммо Гдлян билан Иванов бўлса уларнинг яна-да узоқроқ яшашига қулай шароит туғдириб берган.

Гдлян гуруҳидаги кўпчилик кишилар буни англаб етган ва оқилона чоралар кўришни таклиф қилган. Аммо уларнинг таклифлари дарҳол рад қилинаверган.

Бу ҳақда терговчи Калинин қуйидагиларни гапириб берганди: “Ўғриликлар билан бизнинг гуруҳимиз шуғулланмасди. Гдлян Москвадан келиб оператив кенгашларда ишни тезроқ тугаллашимизни биздан талаб қиларди. Назаримда, савдо билан алоҳида шуғулланиш, бунинг учун алоҳида гуруҳ ташкил қилиш, бошқа раҳбар тайинлаш ва савдо ишини чуқурроқ текшириш керак эди. Чунки у сердаромад жой. Республика прокуратураси Қудратовнинг ишини ўзларига топширишни сўради, аммо Гдлян бунга рози бўлмади”.

Бунга яна шуни қўшимча қилиш керакки, Гдлян билан Иванов Бухоро вилоятида юқорида тилга олинган 56 савдо ходимидан ташқари яна пора берган 87 кишини қонунга хилоф тарзда озод қилиб юборган.

Гдлян билан Иванов ўзлари йўл қўйган қонунсизликларни оқлаб кўрсатиб, иккинчи даражали, кичик жиноятчиларни жиноий жавобгарликдан озод қилганликлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга тушганди. Уларнинг бундай мулоҳазалари, аввало, ишнинг ҳақиқий аҳволидан беҳабар кишиларга қаратилган бўлиб, уларни шунчаки алдашдан иборат, холос. Бир қараганда улар ашаддий талончилар, ўғриларни, порахўрларни суддан олиб қолган бўлсалар, бошқа ҳолда гўё қимматбаҳо буюмларни сақлаётган юзлаб кишиларни, кўп болали оналарни, қартайиб қолган чолларни, ҳомиладор аёлларни турмага қамашди, айби бўлмаган бу одамларни бир неча кунлаб, ойлаб ва йиллаб ҳибсда сақлади. Савол туғилади, демак, Гдлян билан Иванов ўғри-

лик, порахўрлик нималигини билмаган айбсиз одамларни қамаш мафия билан курашишнинг маъноси деб билган эканлар-да?

Мантиқ бузилгани аён. Бунинг маънисини тушуниш учун терговчи Д.Олорескони сўроқ қилинганда тузилган протоколдан парча келтириш ўринли: “Аниқ санаси эсимда йўқ, аммо чамаси 1987 йил эди, биз терговчилардан олганмидик ёки бирон кимса юборганмиди, ҳозир эслолмаяпман. Навоий нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасидан олти вагон ғалла етишмаётгани аниқланганлиги ҳақида хабар топгандик. Менимча, ўшанда бирлашма бўйича молиявий хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш белгиланган бўлиб, унинг натижаларига кўра, 1,5 миллион сўм миқдорида камомад аниқланганди.

Тафтиш акти бўлган, унга кўпдан кўп ҳужжатлар тиркалган. Терговчиларимиз текшириш ишини бошлади, бирлашмада катта миқдорда порахўрликлар ҳақида гувоҳликлар олинди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай номаълум сабабларга кўра иш “ёпти-ёпти” қилинди, камомад сабаблари аниқланмай қолди. Ишга тиркалган кўпгина бухгалтерия ҳужжатлари йўқолди...”

Уларни биз ҳам топа олмадик. Оқибатда давлатга етказилган жуда катта зарарни текшириб, ишни ниҳоясига етказиш мумкин бўлмади.

Биз Гдлян гуруҳида Бухоро участкасида ишлаган деярли ҳамма терговчиларни қайта сўроқ қилиб чиқдик. Улардан кўплари тўғриси айтиб қўя қолишди: “Гдлян аниқланган ўғриликлар бўйича текширув олиб боришни таъқиқлади, давлат, жамоат мулкини талон-торож қилиш бўйича материалларни алоҳида ажратиб олиб текширишга ҳам розилик бермади”.

Биз бирмунча вақт участкага бошчилик қилган терговчи М.Рамановдан олган гувоҳлик эътиборга лойиқ. Унга кўра, Қудратовнинг Тошкент шаҳридаги савдо базалари билан алоқа боғлаганлиги, у ердан пора эвазига катта ҳажмда камёб молларни олиб туриши ҳақида маълумотларга эга бў-

лишган. Бу ортиқча моллар бўлиб, яширин усулда ишлаб чиқарилган. Базалардан бирининг директори кавказлик грузин ё армани бўлган. Тергов материаллари Гдлянга маълум қилинганида бу ҳақда у ҳеч қандай қарор қабул қилмаган.

Умуман, олиб борилган тергов материалларида кавказлик одамлар, шу жумладан, арманлар тез-тез кўриниб қолган. Аммо улардан биронтаси ҳам жиддий гумон ва жиноят қилганлиги ҳақида ишончли маълумотлар бўлишига қарамай, жиноий жавобгарликка тортилмаган. Жумладан, яширин моллар ҳақидаги маълумотлар ҳам ишончли жойдан олинган бўлишига қарамай, шундай йўл тутилган.

Тбилисидан Бухорога қимматбаҳо материал “лахтак газлама” деган ниқоб остида олиб келинаётганлиги ҳақида Гдлян атрофлича тергов ахборотиға эға эди. Хужжатлар “лахтак материал” сифатида расмийлаштириларди, аслида эса газмол олинар ва лахтакка нисбатан анча юқори баҳо-ларда сотилар эди. Нарҳидаги фарқнинг ўзи 100 минглаб сўмни ташкил қилар ва ўзлаштириларди. Терговчилар бу ҳақда жуда кўп материал йиғишган. Грузияға бориш ва бир неча текшириш ишларини бажаришгина қолганда Гдлян Тибилисига боришиға рухсат бермаган.

Фақат шугина эмас, терговчилар арман миллатига мансуб кишилар Бухороға Эрон матосини олиб келишганини аниқлаган. Мато савдо пештахталарида тезда сотилиб кетган. Уни сотишдан Қудратов яхшигина ҳисса олади. Бу ҳақда ҳам дурустгина материаллар тўпланган, хужжатлар олинган, Бухоро магазинларининг сотувчилари сўроқ қилинган. Энди молни олиб келган “олғирлар”ни сўроқ қилишгина қолганди. Суриштирувларда уларнинг Грузияда яшашлари маълум бўлган. Аммо Гдлян яна сафарға чиқишға, сўроқ қилиш ва ғоятда “истикболли” улкан ишни охириға етказишға рухсат бермаган. Аксинча тергов материаллари ишдан ажратиб олиниб, “чуқурға” ташланган, яъни йўқ қилинган. Мафиянинг эса чапак чалиб, Гдляннинг соғлиғи учун қадах кўтарган бўлиши табиий.

Гдлян гуруҳида ишлаган терговчи Сухобрус Гдлян билан Ивановнинг иш усуллари тавсифлар экан, шундай дейди: “Профессионал жиҳатдан уларни ожиз одамлар дейиш мумкин. Қонунга суянган ҳолда порахўрликка, мафияга ва умуман жиноятчиликка қарши кураш олиб боришдан манфаатдор бўлишларини кўрмаганман. Ҳамма ишдан бошқача мақсадлар кўзланарди. Ўша кезларда депутатлик, демократиялаш ҳақида гап бўлган-бўлмаганлигини билмайман, аммо ошкоралик авж олиб бораётганди, улар ана шу ошкоралик тўлкинида ўз мансаб мавқеларидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди”.

Одам ўлдирибми ёки ўғирлик қилибми, ишқилиб, бирор жиноят қилиб қўлга тушган кишининг аҳволини тасаввур қилиш қилиш мумкин. Аммо мутлақо бегуноҳ одамнинг қўлига кишан солсалар-да, қамаб қўйишса, буни қандай тушуниш мумкин? Шундай муносабатга дуч келган одам қандай аҳволга тушади, хаёлига нималар келиши мумкин? Боз устига, қўлига кишан тақиб, қамоққа ташланган шахс аёл киши бўлса, унинг кечинмаларини тасаввур қилиб бўладими?..

ССРИ терговчилари – Гдлян ва Иванов Ўзбекистонда олиб борган фаолияти давомида пул ундириш, ҳа, айнан моддий манфаатдорлик ортидан ўнлаб, ҳатто юзлаб кишиларни ана шундай тасаввур қилиб бўлмас ҳолга солган...

Пошшо Матчонова – 10 фарзандни туғиб, тарбиялаган қаҳрамон она. У қамоқхонада 9 ой сақланган. Шу вақт ичида унинг умр йўлдоши ҳам ҳибсга олинган. Вояга етмаган беш бола қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Яхшиям, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар бор экан, улар болаларни кулфатда қолдиришмади, ўз бағриларига олиб, ювиб-тарашди, едириб-ичиришди. П.Матчоновани жиноий йўл билан топилган қимматбаҳо буюмларни беркитиб сақлаётганликда айблашди. Аммо судга фақат умр йўлдоши хусусидаги ишнигина юборишди. П.Матчоновани қамашга таллуқли материалларни Иванов ишдан ажратиб олиб, суддан яшириб қолган. Аммо унинг қаллоблиги суд мажлиси

пайтида ошкор бўлиб қолди. Шу муносабат билан суд бутун ишни қўшимча терговга қайтарди. Кейинчалик қамалганларнинг хатти-ҳаракатида жиноят изи бўлмаганлигидан иш бутунлай тугатилди.

П.Матчонова ўзбошимчалик қурбони бўлган бирдан бир кўп болали она эмас. Худди унга ўхшаб, тўққиз фарзанднинг онаси А.Алимова, ўн бир фарзанднинг онаси Бибизода Толиева, ўн икки фарзанднинг онаси Ойнур Саидовани ҳам ҳибсга олишган. Улар ва бошқа кўплаб аёллар бировни ўлдирганликлари ёки қандайдир жиноят қилганликлари учун эмас, балки шунчаки уйдирмага асосланган шубҳа, айблар билан ушлаб турилган ҳамда қамоқда сақланган.

Аслида, ССРИдаги бошқа республикаларнинг кодексларида бўлгани сингари, Ўзбекистон жиноят кодексида ҳам Гдлян билан Иванов ва уларнинг терговчилари ҳужжатларда кўрсатиб ўтганларидек, жинойий йўл билан топилган қимматбаҳо буюмларни сақлаб берганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи модда йўқ эди. Жиноятларни яширганлик учун шунда ҳам ҳамма жиноятларни эмас, балки энг хавфли ва оғир жиноятларни яширганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Бундай жиноятлар рўйхати кодексларда санаб ўтилган. Яширувчи қандай жиноятни яшираётганини аниқ билиши керак, шундан кейингина жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин. Гдлян эса прокурор назоратининг бутунлай бепарволиги орқасида ўзи қонуншунослик қилиб, жиноятнинг янги таркибини ўйлаб топган ва шунга қараб одамларни қамай бошлаган. У очикдан очик ўзбошимчалик қилган, ўнлаб айбсиз одамларни таҳқирлаган. Шунга қарамай, унинг ҳамда Ивановнинг ҳимоячилари ҳам топилиб қолди. Улар газета ва журналларнинг саҳифаларида ва умуман, дуч келган ерда қонунни бузмай туриб, мафияни енгиб бўлмаслиги ҳақида сафсата сота бошлашди. Тўғри, қонунлар такомиллаштиришга муҳтож. Аммо марҳамат қилиб айтинг-чи, Гдлян билан Иванов айби йўқ, кўп болали ва ҳомиладор аёлларни, ёши бир жойга бориб

қолган кишиларни қамаш билан қайси мафияга қарши кураш олиб боришди экан? Порахўрликка қарши курашнинг маъноси шу хилда қамоққа олишлардан иборатми?

Гаровда ушлаб турилганларга тааллуқли материалларни судга тақдим этишмаганлигининг сабаби – улар тергов сохталаштирилганини ошкор бўлиб қолишидан хавфсирашган.

Аянчлиси, глянчилар Қонунга хилоф усулларни қўлланиш билан жиноятга ҳеч бир алоқаси бўлмаган одамларни ўзига ва бошқаларга нисбатан туҳмат қилиш даражасигача олиб боришган. Ўзларининг шахсий жамғармаларини терговчиларга топширишга, қариндош-уруғларидан, таниш-билишларидан пул қарз олишга, бутун қишлоқ бўйлаб, маҳаллама-маҳалла юриб, пул йиғишга мажбур этишган. Кўп ҳолларда улар магазинлардан заргарлик буюмларини сотиб олиб, қамалишдан қўрқиб, жиноий йўл билан топилган буюм сифатида олиб келиб топширишган. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, пул ва буюмларни бу хилда “мусодара” қилиш бутун Ўзбекистон бўйича амалга оширилган.

Бу қандай қилинганлигини Д.Бекжонов мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 2-гурӯҳ ногирони бўлган бу одамни бир неча бор сўроққа чақириб, 500 минг сўм беришни талаб қилишади. У бўлса ҳеч қачон жиноий йўл билан пул топмаганини, шунча пулни кўрмагани ва ушламаганини айтиб, рад жавоби беради. Аммо “ўзингни, хотининг ва болаларингни қамаймиз”, деган дўқ-пўписалардан кейин 100 минг сўм йиғиб, терговчига келтириб беришга рози бўлади. Бир неча кун давомида у қариндош-уруғларидан, таниш-билишларидан қарз кўтаради. Кимдан қанча қарз олганини нотариус идорасида тасдиқлатади (кейинчалик биз бу ҳужжатлар билан танишдик, нотариусни, Бекжоновга пул қарз берган кишиларни сўроқ қилдик). Олган қарзларига Бекжонов ўзининг жамғармасини ҳам қўшиб, терговчига 97 минг сўм келтириб беради. Аммо терговчилар бу пулларни жиноий йўл билан топилган, гўё катта бир порахўрнинг илтимосига кўра Бекжонов сақлаб бераётган пул сифатида расмийлаштирадilar.

“Гаров”даги яна бир киши – Бекембетовни 11 кеча-кундуз хибсда сақлашади, бир неча юз минг сўм беришга “кўндиришади”. Сўнгра озод қилиб юборишади ва “башарти ваъда қилинган пулни келтириб бермаса, ўзини яна қамоққа тушиши ва оила аъзоларини ҳам қўшиб қамаяжаклари” ҳақида огоҳлантиришади. Бекембетов 50 минг сўм пул йиғади ва синглиси билан бирга пулни прокуратурага олиб келади. Терговчи шу заҳотиёқ гувоҳлар ҳузурида пулларни қабул қилиб олади, аммо сохта протокол тузиб, унда гўё бу пуллар Бекембетов уйи ёнидаги қўшимча бинодан топилди, деб ёзади. Биз бу ҳодисани текширганимизда ўша гувоҳларни қидириб топдик. Улар воқеа аслида қандай бўлганлигини оқизмай-томизмай айтиб беришди. Уйда ҳеч қандай тинтув бўлмаган, пулларни прокуратурага келтириб беришган. Биз шу билангина кифояланиб қолмадик. Ҳолбуки, сохталикка йўл қўйилганлигини аниқлаш учун Бекембетов унинг синглиси, қариндош-уруғлари берган гувоҳликларини жам қилишнинг ўзи ҳам кифоя эди. Бекембетовнинг уйига бордик, не кўз билан кўрайликки, унинг уйи ёнида ҳеч қанақа қўшимча бино йўқ эди. Терговчининг ўзи ҳам Бекембетов билан юзлаштирилганида протоколни сохталаштирганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Терговчилар айбсиз кишиларнинг айбдор эканлигини шунга ўхшаш сохта протоколлар ёрдамида “исботлашга” уринганликларига кўп марталаб ишонч ҳосил қилдик.

“БОҒЛАНҒАН” ЎҒРИБОШИ

Гдлянчилар томонидан Ўзбекистонда олиб борилган тергов давомида қонун қўпол суратда бузилганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол қилинганлигидан далолат юзлаб фактлар бор. Уларни ўқиган ёки эшитган одамда савол туғилиши табиий, нима сабабдан бунга йўл қўйилган? Гдлян ва унинг гуруҳи устидан прокурор назорати қаерда қолган? Нима сабабдан судлар томонидан адолатсиз ҳукм чиқарилган?

Очиғини айтиш керак, мазкур гуруҳ устидан чинакам прокурор назорати бўлмаган. Қатор сабаблар, шунингдек, шахсий характердаги сабабларга кўра, унинг бўлиши ҳам мумкин эмасди. ССРИ Бош прокурорининг собиқ биринчи ўринбосари А.Катусевнинг бу борада бир қадар тартиб ўрнатиш йўлидаги уринишлари бирмунча кеч қолганди. Кажрафтор фалак гардиши шу қадар тез айланмоқда эдики, уни тўхтатишнинг энди ҳеч иложи бўлмай қолганди, уни ё бузиш, ёки бутунлай алмаштириш керак эди.

Совет социалистик республикалар иттифоқ прокуратурасининг тергов бўлими 80-йилларда алоҳида муҳим ишлар бўйича ўн беш чоғли терговчи, бир прокурор бошлиқ ва икки ўринбосардан иборат эди. Булар штатдаги ходимлар. Аммо жойлардан юборилган бир неча юз терговчи тергов бўлими байроғи остида иш олиб борарди. Энг мураккаб, энг салмоқли ва иттифоқнинг турли жойларидаги ишлар текшириларди. Масалан, 80-йилларнинг иккинчи ярмида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар махсус гуруҳларга бошчилик қилиб, Белорус, Қозоғистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Ленинград, Арманистонда иш олиб борарди. Табиийки, биргина бошлиқнинг икки ўринбосари ва прокурор уларнинг ишини назорат қилиш учун тўғриси айтганда, амалда кучи етмасди.

1987 йил охирида тергов бўлими терговчилари устидан назорат олиб боровчи прокурорлар қўпайтирилиб, тўрт ки-

шига етказилди. Аммо бу ҳам денгиздан томчидек гап эди. Шу боис ишнинг бутун оғирлиги гуруҳ раҳбарларининг ўзларига, алоҳида муҳим ишлар бўйича иттифоқ терговчилари устига тушарди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ҳали вақт синовидан ўтмаган, юқори тергов поғоналарида ишлаб кўрмаган, ҳаётий тажрибаси кам, одамлар билан доимий ишлашлари лозим бўлишини тўлиқ англаб етмаган кишилар эди. Кадрларнинг ниҳоятда қўнимсизлиги ҳам ишга салбий таъсир қиларди.

Шундай бўлса-да, тергов ишининг сир-асрорини ўргана оладиган одамлар ҳам йўқ эмасди. Тергов бўлимида ўз ишининг моҳир усталари ҳисобланган Сергей Михайлович Громов, Юлий Дмитриевич Любимов сингари ҳаётий тажрибага эга бўлган терговчилар ишларди. Улар умрларининг 40 йилини тергов ишига бағишлади. Энг ашаддий талончилар, ўғрилар, порахўрлар, қотиллар, 30-50 йилларда ҳеч қандай айби бўлмаган кишиларни оммавий суратда қатағон қилганлар устидан ёзилган қанчадан қанча айблов хулосалари уларнинг қўлидан ўтмаган дейсиз. Меҳнат фаолиятларида шу қадар олис йўлни босиб ўтган бўлишларига қарамай, улар “терговчи” номига ҳеч қандай доғ туширмадилар. Улардан бирмунча ёшроқ терговчилар – Владимир Калининченко, Константин Майданов ҳақида ҳам ўз ишининг моҳир усталари, қонунчиликнинг жиддий ҳимоячилари, деб комил ишонч билан айта оламан. Улар Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам ўзларига гард юқтирмадилар, ғоятда мураккаб ишлар устидан тергов олиб борганликларига қарамай процессуал нормаларни бузганликлари ҳақида жиддий шикоятлар бўлмаганди.

Тергов бўлими терговчиларини назорат қилиб бориш ишининг ташкил қилиниши ва унинг аҳволи менга маълум эди. Аммо Ўзбекистонда қонунчиликнинг бузилиши ҳақидаги ишларни текшириш жараёнида биз бунга яна ҳам кўпроқ эътибор бердик. Мазкур масала ССРИ прокуратурасининг коллегиясида алоҳида кўриб чиқиш учун тайёрла-

наётган эди. Афсуски, бир қатор сабабларга кўра, шу жумладан, Сухаревнинг Бош прокурор лавозимидан кетиши муносабати билан бу коллегия ўтказилмади. Аммо кўпгина масалалар шундан бирмунча олдин, прокуратуранинг 1990 йил 8 февралда бўлган коллегиясида кўриб чиқилиб, ҳал этишга муваффақ бўлинганди...

Гдлян гуруҳининг иши устидан назорат олиб борувчи асосий кишилар тергов бўлими бошлиғи Каракозов ва унинг икки ўринбосари – Бистров ҳамда Чижук эди. Иккала ўринбосар ҳам 1987 йилда ўз хизмат бурчларини уддалай олмаганликлари учун лавозимларидан озод қилинганди.

1984 йилдан бошлаб тергов бўлими ишида салбий ҳодисалар кўпаяётгани кўзга ташланган. Улар кўздан панада қолган, уларга эътибор берилмаган, деб бўлмайди, албатта. 1984 йил августи ва 1986 йил феврилида Гдлян билан Иванов қонунчиликни қўпол суратда бузганликлари учун икки марта интизомий жазога тортилган. Каракозовнинг эътибори икки марта ўз қўл остида ишловчилар устидан назоратни кучайтириши кераклигига қаратилган. 1987 йил 3 апрел А.Рекунков Каракозовга хайфсан эълон қилди, унинг ўринбосари Бистровни эса лавозимидан бўшатди. О.Сороканинг эътибори ўз қўл остидагиларга юксак талабчанлик қилмаганлигига қаратиб ўтилди. Буйруқда қайд қилинганидек, “тергов бўлими раҳбарлари ва терговчилари, прокурорлари ишнинг аҳволини танқидий баҳоламаган, қонунчилик қўпол суратда бузилишининг олдини олмаган, ишларни текшириш чоғида ноҳолислик, айбловга зўр бериш ҳолларига қарши лозим даражада курашмаганлар”.

Буйруқлар чиқарилавергану, аммо назорат иши амалда яхшиланмаган. Масалан, 1986 йил март ойида Сороканинг ёзма фармойиши билан Гдлян гуруҳга раҳбарлик қилишдан четлатилган. Шу фармойишга кўра, гуруҳга Каракозов бошчилик қилиши керак бўлган. Аммо Гдлян бошлиғининг “сукут розилик аломати” қабилида иш кўриши оқибатида гуруҳга раҳбарлик қилишда давом этаверган. Агарда Соро-

қанинг кўрсатмаси бажарилганида эди, кўпгина одамлар бошига бу қадар фожиалар тушмаган бўлармиди?!

1984 йил 6 августда йўл қўйган ғайриқонуний иши учун Гдлянга хайфсан эълон қилишади. Унинг хатти-ҳаракати Мирзобоев ўз жонига қасд қилишига сабаб бўлганди. Орадан уч ой ўтгач, 23 ноябрда эса унга икки ойлик маоши баробарида пул мукофоти беришади.

1986 йил 7 февралда Гдлян билан Ивановнинг ҳар иккаласига “прокуратура органларининг обрўсини тўкканликлари ва тергов ходимлари номига доғ туширганликлари учун” хайфсан эълон қилинади. Аммо ўша йилнинг июн ойидаёқ шундай оғир қилмишлари бўлишига қарамай, ҳар иккаласидан хайфсанни олиб ташлашади, ўша йилнинг октябрида эса Гдлян яна икки ойлик маоши баробарида пул мукофоти билан тақдирланади, Ивановга эса муддатидан олдин адлия катта маслаҳатчиси унвони берилади.

Прокуратура раҳбариятининг бу иккала терговчига нисбатан бундай кўнгилчанлик қилиши уларда ўзбошимчалик билан иш кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини назар-писанд қилмаслик кайфиятини туғдирган. Кейинчалик эса бундай ҳол охир-оқибатда уларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ўзларини кўкка кўтариб мақташлари, терговчилик одобини кўпол бузишлари, қатор мансабдор шахсларни оғир жиноятлар қилинишига дахлдор деб асоссиз равишда бадном қилишларига олиб келди.

Ўзбекистонда қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги ишларни текшириш давомида биз қамоққа олинганларнинг, улар қариндош-уруғларининг арзномалари, шикоятларини диққат билан ўрганишга алоҳида эътибор қаратдик. Гдлян билан Ивановнинг ҳимоячилари кўпдан кўп чиқишларида, шу жумладан, матбуот саҳифаларида босилган мақолаларида шикоятлар гўё иш қўзғатилгандан кейин 1989 йил май ойида пайдо бўлганлиги ҳақида гоятда шубҳали фикр-мулоҳазаларни илгари сура бошладилар. Бу улар айтганчалик эмас.

Мисол учун, Ғани Мирзабоев турли ташкилотларга, хусусан, Бош прокурорга, ССРИ Олий советига, М.С.Горбачевга шикоят хати йўллаган, аммо бор-йўғи иккитасигагина жавоб олган. Шикоятларнинг аксарияти текшириб ҳам ўтирмасдан, жиноий иш материалларига тиркаб қўйилаверган.

Мақсуд Барноев, Шамси Раҳимов ва бошқалар ҳам кўп-лаб шикоят хатлари ёзишган, аммо улар ҳам ҳеч қандай жавобсиз, тергов материалларига тиркалган. Суд томонидан оқланган Ҳикматовнинг айтишича, ҳибсда ётган икки йилу олти ой давомида у ёзган шикоятлари икки минг varaқ қоғозга етган, аммо улар юзасидан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Фақат суд қўйилган сохта айбларнинг тагига етган ва уни оқлаган.

Тўғри, баъзи шикоятлар бўйича Москвадан Ўзбекистонга текширув комиссиялари келган, аммо Гдлян улардан илдамроқ ҳаракат қилиб, текширувчилардан олдинроқ арзчилар билан “иш” олиб борган, уларга дўқ-пўписа қилган, турли хил ваъдалар берган. Жулас, улар Гдлян ҳақида бирон ножоиз гапни айтиб қўймасликлари учун нимаики қилиш керак бўлса, қўлидан келган ҳамма ишни қилиб улгурган...

Пора олганликда айбланиб ҳибс қилинган Турсунмурот Умаровнинг умр йўлдоши эрини ҳибсдан озод этишлари ҳақидаги илтимоснома билан Горбачёвга мурожаат қилган. Бунда эрининг кексайиб қолганлиги ва унга ноҳақ айб қўйганликларини айтган. Хатни текшириш учун комиссия йўлга отланган. Т.Умаровнинг ўзи бу ҳақда шундай хотирлайди: “Турмуш ўртоғимнинг хати эгасининг қўлига бориб теккан. Буни мен терговчилардан билдим. Гдляндан эса КПСС МК комиссияси аъзолари мен билан суҳбатлашиш учун келишлари хабарини эшитдим. Шу муносабат билан у “терговда берган гувоҳликларимда қаттиқ туришимни ва айёрлик қилмаслигимни уқтирди, акс ҳолда ҳеч қачон озодликка чиқолмаслигим, улар мени қамокда чиритишлари” ҳақида огоҳлантирди. Ҳақиқатдан ҳам комиссия аъзолари: Бош прокурор ўринбосари Сорока, партия контроли коми-

тети ходими ва КПСС МК ходими келишди. Сухбат чоғида мен аввал берган сохта гувоҳликларимни тасдиқладим, шу билан гўё ўзимга “озодик тилаб олмоқчи бўлдим”.

Масаланинг моҳияти шикоят хатларида эмас, уларни аслида ҳеч кимса чуқурроқ текширмаганлигидадир. Шуни ишонч билан айтаманки, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини ҳал қилиш чоғида тергов бўлимида қонун ва Бош прокурор буйруқлари талаблари жиддий суратда бузилишига йўл қўйилган.

Биринчидан, уларни ҳисобга олиб бориш иши йўлга қўйилмаган. Шу сабабли, биз ҳам улар аслида қанча эканлиги ва қанчаси ўрганилганини тўлиқ аниқлай олмадик. Иккинчидан, хат ва шикоятларнинг аксарияти расмий учунгина арзчиларнинг келтирган далиллари ва иш материалларни пухта ўрганмасдан кўриб чиқиладиган, жавоб бериладиган.

Кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўлганки, фуқаролардан тушган шикоят хатларини кўриб чиқиш улар шикоят қилган терговчиларнинг ўзига топширилган. Шундай бўлгач, уларнинг текшириши ҳолисона ва мукаммал бўлишига, тегишли чора-тадбирлар кўрилишига ким ҳам қафолат бера оларди.

Барноевни калтаклаганлари ҳақида йўлланган шикоят хатини текшириш учун ССРИ прокуратураси раҳбариятининг топшириғи билан Бош тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С.Герасимов ва тергов бўлими прокурори Г.Мазуркевич етиб келиб, дарҳол шу иш юзасидан бошлаб юборилган текшириш ишида қатнаша бошлаган. Аммо охир-оқибатда ҳамма материаллар Гдлян билан Ивановнинг қўлига тушиб, улар бу материалларни “ўрага” ташлаб гумдон қилиб юборган.

Гдлян билан Иванов Саттаровнинг иши юзасидан тергов ишларини қонунга ҳилоф усулларда олиб бораётганликларини ҳақида терговчи Б.Сверцев А.Рекунков ҳамда О.Сорокага бир неча марта мурожаат қилган. Аммо бу иш юзасидан текшириш ўтказилмаган, камига Сверцевни тергов ишидан четлаштириб, прокуратурада ишидан бўшатишган. Унинг

устидан “суд” уюштирилишида О.Сорока, Г.Каракозов ва А. Чижук иштирок этган.

Башарти, назорат бўлими Гдлян иши билан чуқурроқ шуғулланганида эди, у ҳеч қандай қийинчиликсиз одамларни аввал қамокқа олиш, шундан кейин эса уларнинг айбдорлигини исботлашдан иборат бемаъни тартиб ҳукм сурганини шундоққина кўра билишган бўлар эди. Ҳеч қандай айби бўлмаган оила аъзоларининг оммавий суратда қамокқа олинishi ҳолларини ўрганиш ва бунинг олдини олиш ҳам унчалик қийинчилик туғдирмаган бўларди. Гдлян ва у бошлиқ терговчилар қонунга хилоф иш тутаётганликлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қарши борганликлари аниқ-равшан кўриниб қолган бўларди.

Улар бу ҳақда ўзларига савол беришда анча кечикишди. Портлаш бўлишини кутишди. Ниҳоят, портлаш юз берди. Адолат тантана қилиб, ССРИ Олий суди 1988 йил охирида Қаҳрамоновни оқлади. Яхёевга нисбатан қўзғатилган ишни қўшимча терговга қайтарди. Фақат шундан кейингина Гдлян олиб борган тергов иши билан чинакамига шуғуллана бошлашди. Фақат 1990 йилга келибгина прокуратура ҳужжатларида пора олганлик ҳақида ўзига нисбатан қўйилган айбларни тан олган ёки бошқа шахсларни фош қилган айбланувчиларнинг берган кўпгина кўрсатмалари, гувоҳларнинг берган шаҳодатлари бир-бирига зид келаётганлиги тилга олина бошлади. Яна ўша: “Нима сабабдан прокурор назорати ишламади, ожизлик қилди”, деган саволни бергинг келади. Бу саволнинг жавоби ССРИ Бош прокуратураси тергов бўлими бошлиғи Г.Каракозов билан ҳам боғлиқ. Аслида усиз Гдлян ўша “машҳур” Гдлян бўла олмас эди. Аянан Каракозовнинг тавсияси билан уни ССРИ Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи этиб тайинлашган. Бу ерда иккаласи ҳам келиб чиқиши жиҳатидан арман миллатига мансублиги ҳам катта рол ўйнаганлиги табиий. Гдлян ўзининг бу ҳомийсидан кўп нарсаларни ўрганади. Шунини айтиш кифояки, ишлардан материалларни

ажратиб олиб гумдон қилиш одати Гдлян тергов бўлимига келмасидан олдин ҳам бўлган. Гдлянни Ўзбекистонга тўғрилаган ҳам Каракозов бўлган. Унинг ўзи ҳам бу ерда бир неча бор бўлган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Яхёевни яхши билган. Яхёев унга ҳатто ўзига ўринбосар лавозимини ҳам тавсия этган.

Кўпгина ўхшашликлари билан бирга Каракозов чуқур маълумотлилиги, ҳуқуқни билиши, ўқимишли ва вазминлиги билан Гдляндан фарқ қиларди. Аммо вақт ўтиши билан у Гдлянга эмас, аксинча Гдлян унга кўпроқ таъсир ўтказа бошлаган. Унда аста-секин процессуал меъёрга менсимай қараш, ҳуқуқдан “сиёсатни” устун қўйиш ҳолатлари пайдо бўлган. Гдлян эса ўз бошлиғини обдан ўрганган, унинг кучли ва заиф томонларини билиб олган, фурсати келди дегунча бундан ўз манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланган. Каракозов ҳам дабдабани, ном чиқаришни, миллионлар билан иш кўришни ёқтиришини Гдлян билган, чунки бунинг учун иккаласи ҳам мукофот оларди. Иш шунгача бориб етадики, бошлиқ эмас, у бошлиққа буйруқ берадиган бўлиб қолади.

Каракозов катта миқдорда пул, қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинаётган пайтда шахсан қатнашиши мумкин бўлган ҳолатни асло қўлдан бой бермаган. Масалан, 1986 йил октябрда у Тошкентга келади, бу ердан Гдлян ва бошқа терговчилар биргаликда Урганчга учади. Сўнгра ҳаммаси машинага ўтириб Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги Каленин номли жамоа хўжалиги томон йўл олишади. У ерда Йўлдош Саидовнинг уйини қидириб топишиб, пулларини чиқариб беришини талаб қилишади. У эътироз қилиб ўтирмай, терговчиларни оғилхонасига бошлаб киради ва ерни ковлаб иккита чоғроқ тугунчани олиб беради. Тугунчалардан иккита дипломат – пул солинган жомадон ва портфел чиқади. Ҳаммаси 50-100 сўмлик пуллар бўлган. Топилган пулларни уйга олиб кириб, полга тўкишади. Каракозов пулларни санаб ўтирмай, саралаш кераклигини

айтади. 50 ва 100 таликларни алоҳида тахлаб, дипломатга, қолганларини жомадонга жойлашади. Дипломатга пулларни Каракозовнинг ўзи жойлайди. Бу дипломат жомадондан чеккароқда, дераза олдида турган. Каракозов пул уюмидан даста-даста пулларни олиб, дипломат томон йўналади. Шу тариқа бирмунча вақт уйнинг биринчи ярмида унинг ёлғиз ўзи қолади, терговчи Иброҳимов ҳамда чақирилган холис-лар эса уйнинг иккинчи ярмида эди.

Буюғига пулларни мусодара қилиш бўйича операция иштирокчиси Раҳим Исмоиловнинг ҳикояси муҳим аҳамиятга эга. “Бирмунча вақтдан кейин Каракозов мен билан Головинга хонани бўшатиб қўйиш ва бирон кимса яқин келмаслиги учун кўча томондан уйни қўриқлашни таъминлаш ҳақида буйруқ берди, – дейди Р.Исмоилов. – Шахсан менга бу буйруқ жуда ғалати туюлди. Мен билан Головин хонани тарк этдик, чунки ана шу тадбир ўтказилаётган вақтда иккаламиз ҳам Каракозовга бўйсунардик. Хонада Каракозов, терговчи Иброҳимов ва фамилияси эсимда йўқ, бир холис қолди. Хонада электр чироғи ёниб турарди, кўча эса қоронғи эди. Кўчада турганимда хонада нималар бўлаётганини дераза орқали шундоққина кўриб турардим... Мен ва Головин бир-биримиздан 3-4 метрлар чамаси масофада эдик. Ҳаммаёқ жимжит эди. Ўзаро гаплашмасдик. Мен дераза орқали хонага бир неча марта кўз ташладим. Шунда Каракозов хонанинг Иброҳимов турган қисмидаги полдан икки даста пулни олиб, деразадан 2-2,5 метрлар чамаси нарироқда турган дипломатга жойлаётганини кўрдим. Бир сафар Каракозов қўлида пул билан келаётганда мен деразадан қараб тургандим. Эсимда, унинг бир қўлида бир даста 100 талик, иккинчи қўлида эса 50 талик пуллар эди. Мен дераза орқали уйга қараган эдим, Каракозов аввал ҳар ёққа аланглаб, тергов иши иштирокчиларига билинтирмай кителининг ички чўнтагига икки пачка пулни солаётганини кўрдим. Шу вақтда дипломат пулга лиқ тўлган эди. Каракозов чўнтагига солган пуллар неча сўмлик эканини ай-

толмайман, аммо шуни биламанки, мен кўрган дипломатга Каракозов 50 ва 100 талик пулларни жойлаётган эди. Мен унинг қилган ишидан ғазабланиб, деразадан нари кетдим ва Головинга “Каракозов қандайдир хунар кўрсатяпти”, дедим. Каракозов икки даста пулни ички чўнтагига солиб қўйганини Головинга гапириб бердим. Биз дераза ёнида турган пайтимизда Каракозов бизнинг гаплашаётганимизни эшитиб деразани очди ва вазият билан қизиқди. Биз ҳаммаси жойидалигини айтдик. Шундан сўнг Каракозов хонага киришимизга рухсат берди. Биз энди хонага кирмоқчи бўлиб тургандик, шу вақт Каракозов бизга рўбарў келди, у чуқур ҳаяжонда эди. Сўнгра унинг сўл томонига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Беш минутлар чамаси ўтар-ўтмас у қайтиб келди. Пул рўйхат қилиб бўлинганидан кейин мен, Головин, Каракозов учаламиз бир машинада Урганч шаҳрига келдик ва бу ерда мен бўлиб ўтган воқеани Анисимовга гапириб бердим. Тошкент шаҳрига етиб келишимиз билан Ўзбекистон ССР ДХК собиқ раиси В.Головин номига ахборотнома ёздим. Ёзган ахборотномамнинг шундан кейинги тақдири менга номаълум. Назаримда, бу масалани текшириб кўриш билан ҳеч ким шуғулланмаган.

Мен қатъиян шуни айтаманки, бу одам Герман Петрович Каракозов эди, пулларни олиб келиш учун йўлга чиқишимиздан олдин терговчи Гдлян уни гуруҳимиз раҳбари, деб таништирган эди”.

“Каракозов даста-даста пулларни жойлаётган дипломат стул устида турарди, уни кўча томондан дераза орқали яхши кўриш мумкин эди, айна чоғда пулларни жойлаш билан машғул бўлган бошқа кишиларга Каракозовнинг ҳаракати яхши кўринмасди, – дейди Головин. – Уй ёнидаги кўчада бўлган вақтимизда Исмоилов билан менинг орамдаги масофа унча катта эмасди, ўтказилаётган тадбирни кўриқлаш бўйича вазифамизни бажарарканмиз, биз бир-биримиз билан гаплашмасдик. Уйни айланиб юриб, Исмоилов дераза ёнидан чиқди ва бир зум унинг олдида туриб қолди. Ўша

пайтда уй ичида нималар бўлаётганини мен кўрганим йўқ. Шунда бирдан Исмоилов мен томонга тез-тез юриб келди, у ўзини йўқотиб қўйган, ҳаяжонланарди. Менга мурожаат қилиб, Каракозов Иброҳимовдан пулларни олгач, орқасига ўгирилиб дипломат олдига келганлигини, тик турган ҳолда пулларни дипломатга жойлаганини ва пайт пойлаб туриб, ҳеч ким кузатмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, икки даста пулни кителининг ички чўнтақларига солганлигини, буни ўз кўзи билан кўрганлигини айтди. Кейин Исмоилов бу 50 ва 100 талик пуллар эди, деб тушунтирди. Биз эҳтиётсизлик қилиб, бемалол гаплашаверибмиз. Дераза ортида турган Каракозов овозимизни эшитиб, тезда ташқарига чиқди, ўзини йўқотиб қўйган, қўллари қалтирар, титраган овоз билан тутила-тутила бегона кишиларни кўрмадингларми, деб биздан сўради. Кейин Каракозов биздан ва уйдан узоқлашди. Бирмунча вақтдан кейин қайтиб келди. У бизни уйга киришга таклиф қилди. Аввалига мен буни истамадим, кейин хонага кирдим, пуллар саналмасдан дипломатларга жойланиб бўлганди. Пулларни ўз хоҳиши билан чиқариб берганлиги ҳақида протокол тузилиб, тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланди. Кейин биз Урганч шаҳрига жўнаб кетдик ва бўлиб ўтган воқеалар хусусида Исмоилов бўлинма бошлиғи Анисимовга ахборот берди. Келаси куни Анисимов пулларни олиш чоғида юз берган воқеа ҳақида берилган хабар, унинг сўзига қараганда, терговчи Гдлянга маълум қилинган эмиш”.

Сафардан Тошкент шаҳрига қайтганларидан кейин Головин билан Исмоилов худди Ю.Анисимовга берган ахборотларини Ўзбекистон Республика ДХК раиси В.А.Головин номига ёзиб беришган. Ўзбекистон ДХК бошқармаси бошлиғи Ю.Анисимов Головин билан Исмоилов берган гувоҳликларини тамомила тасдиқлайди. Улар Тошҳовуз вилоятидан Урганч шаҳрига қайтиб келишлари биланоқ юз берган воқеа ҳақида ахборот берган. Бундан ташқари, ДХК раҳбариятига ҳам ахборотнома ёзган. Ҳар иккаласи ҳам Ка-

ракозовни фош қилиш юзасидан қатъий чоралар кўришни таклиф қилишган. Аммо вақт ўтган эди. Орадан бир неча соат ўтгач Анисимов Гдлян бирон бир чора кўрар деган умидда юз берган воқеа ҳақида унга хабар қилади. Аммо Гдлян бу гапни Иванов билан ўртоқлашиш мумкинми-йўқми, деб сўраш билан чекланган холос.

Ю.Анисимов яна қуйидагиларни айтганди: “Ахборотимни олгач терговчи Гдлян мен келтирган фактларни рад этиб ҳам ўтирмади ва “Шундай одамлар билан ҳам ишлашга тўғри келади”, деб қўйди. Терговчи Гдлян Каракозовнинг қилган ишидан дарғазаб бўлди ва Каракозовнинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериб, уни давлат мулкани катта миқдорда ўғрилашдан иборат деб баҳолади”.

Мен кишиларга баҳо беришда Гдлян сингари бир нарсaga қатъий келишиб олмоқчи эмасман. Каракозовга ўғрилиқ қилган, деган айбни қўймадик. Аммо Анисимовнинг Гдлянга бу ҳақда маълум қилгани Каракозовга нисбатан шундай “тушов” бўлганки, бу Гдлянга ўз шефини “тушовлаб олиш” имконини берган.

Биз бу ҳодиса бўйича ҳолисларни, терговчиларни сўроқ қилдик. Улар ҳам уйда пулларни мусодара қилиш ва саралаш билан боғлиқ ҳолатларни тасвирлаб берди, аммо ўғрилиқдан хабарлари йўқлигини, эҳтимол, буни улардан яширинча қилган бўлишлари мумкинлигини айтишди. Воқеа содир бўлган жойга бориб, гувоҳларнинг айтганларини текшириб кўрдик, тергов эксперименти ўтказдик. Текширишлар Йўлдош Саидовнинг уйи деразаси орқали уй ичида юз бераётган ҳамма воқеаларни кўриш, ҳатто хонанинг деразага яқин жойида ётган китобнинг номини ўқиш ҳам мумкин эканлигини тасдиқлади. Аммо исботланганлик ёки исботланмаганлик, деган масала барибир очиқ қолди.

Гдлян Ю.Анисимовнинг ахбороти хусусида ССРИ прокуратураси раҳбариятига маълум қилмаганлиги турган гап. Ҳолбуки, олинган ахборот тўғрилиги ёки нотўғрилигидан қатъи назар, раҳбариятга маълум қилиши шарт эди. Гдлян

бадном қилувчи материалларни тўплаб боришни яхши кўрарди. Шундай материаллар ёрдамида у ўз гуруҳидаги айрим терговчиларни “гаҳ” деса қўлига қўнадиган итоатгўй, садоқатли қулга айлантириб олишни хуш кўрарди. Терговчилардан қайси бири қаерда ва ким билан бўлгани, ичкилик ичган-ичмагани, аёллар билан бўлган-бўлмагани, нималар харид қилгани ҳақида унга ва Ивановга етказиб туришарди...

“Ўзбеклар иши” нега жиддий назорат қилинмаганлиги ҳақидаги саволга ССРИ Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, бирмунча вақт Гдлян қўл остида ишлаган Е.Чернишевнинг қўйидаги фикрлари ҳам қисман жавоб бўлиши мумкин. “Прокуратура, унинг раҳбарияти жамоатчилик фикри тазйиқи остида қолганди, – дейди Е.Чернишев. – Шу боис мен жинойт ишлари бўйича шошма-шошарлик билан, айниқса, суд қарори чиққунига қадар, матбуот саҳифаларида мақола билан чиқишларига ҳамиша қарши бўлиб келганман. Бундай ҳол одил судловни чалғитиши, ноҳолис, сохта ҳукм чиқаришга ундаб қўйиши, шунингдек, айбсиз одамнинг тақдирини мажруҳ қилиб қўйиши мумкин”.

Амалда шундай бўлиб чиқди. Прокуратура қонунсизликнинг вақтида олдини олиш учун ўзида жасорат топа олмади. Сухаревнинг Гдлян иши билан чуқурроқ шуғулланиш йўлидаги уринишлари эса унинг бош прокурорлик курсисидан айрилиши билан тугади. Аммо матбуот, айниқса, журналистлар жазосиз қолди, ҳолбуки, қанчадан қанча инсонлар фожиаси учун улар ўз виждонлари олдида жавоб беришлари керак.

“ЧЎНТАК” ПРОКУРОР

1989 йил охирига келиб Ўзбекистонда қонунчиликнинг бузилганлиги билан боғлиқ ишларни текшириш давомида муайян хулоса чиқариш учун етарли маълумот тўпланганди. Илюхин тўпланган материални ССРИ прокуратураси коллегиясида муҳокама қилиш мумкинлиги ҳақида Бош прокурор Сухаревга ахборот бериб бўлганди. Александр Яковлевич шошилмади. У дурустгина сиёсатдон одам эди, вазиятни зийраклик билан пайқаб ола биларди.

Нихоят коллегияни 1990 йил 8 февралда ўтказиш белгиланди. Коллегия бошланишидан бир ҳафта бурун ҳамма ҳужжатлар тайёр бўлганди. Коллегияга ошкоралик туси беришга, матбуот, телевидениени таклиф этишга қарор қилинди.

Коллегияга тайёргарлик кўраётган фақат прокуратурагина эмас эди, унга Гдлян ҳам ўзича ҳозирлик кўрмоқда эди. Коллегия ўтадиган куни прокуратура биносини пикетчилар ўраб олиб, улар Гдлянни ҳимоя килувчи, прокуратура раҳбариятининг истеъфога чиқиши талаблари илгари сурилган шиор ва плакатларни кўтариб олган эди.

Коллегия роппа-роса соат ўнда бошланди. Зал прокуратура ходимлари, мухбирлар билан тўлганди... Ҳамма жамул-жам эдию, фақат Гдлян билан Ивановдан дарак йўқ эди (таклиф қилинганларига қарамай, улар келишмаганди).

Коллегия аъзолари қисқача фикрлашиб олишганларидан кейин Гдлян билан Ивановсиз муҳокамани бошлаш мумкин, деган қарорга келдилар.

Сухарев Илюхинга сўз берди... У 30-40 минут сўраганига қарамай, бир соатдан кўпроқ гапирди. Бироқ ҳеч ким унинг сўзини бўлмади.

У прокурор назоратига оид камчиликларга муфассал тўхталиб ўтди. Ўша пайтларда жойларда прокурорларнинг ўзлари қамоққа олиш ҳақида рухсатнома беришларидан иборат ярамас одат кенг тарқалганлиги ҳақида гапирди.

Бунга А.Титаренкони мисол қилиб келтирди. Ўша кезде у аввал Хоразм, сўнгра Тошкент вилоятлари прокурори ўринбосари бўлиб ишлаган. Унинг ўзи Гдлян ва унинг терговчиларига 50 дан ортиқ кишини қамоққа олиш ҳақида рухсатнома берган. Шундан 47 таси кейинчалик қонунга хилоф, деб топилган. Одамлар ҳибсдан озод қилиниб, айбсиз деб топилган. У бу вилоятлардан ташқарида яшайдиган одамларни ҳам қамашга рухсатнома бераверган.

Титаренко Ўзбекистондаги ўз фаолиятини гуруҳлардан бирида терговчиликдан бошлайди, кейинроқ прокурор ўринбосари этиб тайинланади. Гдлян гуруҳида уни “чўнтак” прокурор деб аташарди, чунки у терговчилар хонасига келганида ҳар гал чўнтагида тайёр муҳрланган рухсатнома бўлган. У ўз хизмат ваколатини ҳаддан ташқари суиистеъмом қилганди. Биз унга айб қўйдик ва иш материалларини судга юборишга ҳозирладик. Аммо бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра кейинчалик бу иш тугатилди.

Коллегияда Илюхиндан кейин А.Сбоевга сўз беришди. У тергов бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётганига бир йилгина бўлганди, шу вақт ичидаёқ ҳамма муаммоларни тушуниб олганди. Шу сабабли “гдлянчи терговчилар устидан прокурор назорати йўқ” деганида, тўла асоси бор эди. Иш теварагида сирли муҳит ҳукм сураб, тергов жараёнидан фақат Гдлян, Иванов, Каракозовгина хабардор эди. Лозим даражада назорат йўқлигидан фойдаланган Гдлян ССРИ прокуратураси номи билан қонунсиз хатти-ҳаракатини давом эттираверган.

Сбоев яна Гдлян билан Иванов ишламаётганига бир йилдан ошгани, ўз ҳолларича турли шаҳарларга бориб-келиб юришгани, митингларда мамлакатда жиноятчилик ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги ҳақида оғиз кўпиртириб, ўзларини халқ ва давлат ҳақида қайғураётганликларини тилларидан қўймай, аслида беҳуда ишлар билан машғул бўлаётганликлари ҳақида гапирди.

Алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи В.Калини-

ченконинг коллегияда сўзлаган нутқи қисқа, аммо ишонарли бўлди. У Ўзбекистондаги ишларни текшириб бўлиб, сўнг Қозогистонга ўтган. Ўша пайтдаги вазиятдан яхши хабардор эди. У шундай деди: “Бизнинг бошимизга илгари ҳеч қачон ҳозиргидек шармандалик ёғилган эмас. Гдлян хусусидаги материалларнинг эълон қилиниши ҳаммамизнинг шаънимизга қора доғ бўлиб тушишини биламан, шунинг учун ҳам бошқа терговчилар ҳалол ва яхши ишлаганларига одамларни ишонтириш жуда қийин бўлади деб ўйлайман, бу ҳолатни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас...”

Бугун назорат иши ёмонлиги ҳақида кўп гап бўлди. Мазуркевич ҳақидаги масалани қўйишди. У ғоятда ҳалол ва ақлли одам. Яхши эсимда, у Ўзбекистонга борганида, 1984-1985 йилларда қонунчилик бузилганлиги фактларини аниқлаган, ўшанда уни Гдлян ва бошқалар ҳаммаси уни ҳақоратомуз “Строгович” деб аташган, “Строгович”, яъни ҳозирги жиноий процесс фанининг асосчиларининг номи билан юритишган. Улар ҳақоратли ёрлиқлар ёпиштиришни билишгану, аммо ҳеч нима билан ҳисоблашишни исташмаган. Ҳозир Гдлян билан Ивановнинг ўй-фикри шундайки, бугун уларга қарши сўзлаётганларнинг ҳаммаси оқибатда турмада ўтиради, эртага уларнинг замони бошланади...”

В.Калиниченко ҳақ бўлиб чиқди. Кўп ўтмай қонунни оёқости қилувчи диёнатсиз ва сотқин кишилар юзларидан ниқобларини олиб ташлаб, сиёсат майдонига чиқдилар. Н.Трубин ўз виждонини ютиб, Гдлян билан Ивановларнинг ишини тугатганидан кейин улар ғалаба нашъасини сурди. Ҳақиқатни қопга солиб оғзини бўғиб қўйишди...

Умуман, коллегияга қадар Гдлян ва Ивановни прокуратурадан ҳайдаш учун ўнлаб далиллар келтирилганди. Негаки, бунга қадар ҳам қонунчилик қўпол суратда бузилганлиги, одамлар ўз жонларига ўзлари қасд қилганлиги фактлари аниқланган, булар у ёки бу тарзда гдлянчилар терговига бориб тақалиши маълум эди. Аммо уларни шунчаки қойигандай бўлишди, сўнг яна бошларини силаб: “Бундан буёғига

ҳам шу алпозда иш кўраверинглар, сизлардан қаҳрамон чиқади”, деб оқ йўл тилагандек бўлишди.

Шу ўринда жиноят ишларининг кўрилиши устидан назорат олиб борувчи бошқарманинг катта прокурори Р.Овчарованинг коллегияда айтган яна бир гапини келтириб ўтиш ўринли:

“Бу ерда прокурор назорати бўлмаган, деб тўғри айтишди. Бу борадаги менинг жамики уринишларим мутлақо беҳуда кетди. Олег Василевич Сорока менинг кўзимга кўринмасликка ҳаракат қилар ва: “Гдлян иши юзасидан менинг яқинимга келма”, дерди. Каракозов бўлса, (мен унга бир неча марта мурожаат қилганман, чунки мен буларнинг тепасида Каракозов турган, деб ҳисоблардим) мен билан сўзлашишни ҳам, мулоқотда бўлишни ҳам хоҳламади...”

Мен Александр Михайлович (Рекунков) билан ўнларча марта суҳбатлашганман, унга ҳамма воқеаларни гапириб берганман, яна унинг номига ахборот ҳам ёзганман. Мен айтдим, улар мусодара қилаётган пулларга қаранг, бу улар давлатга етказаётган зарар олдида денгиздан томчидек бир гап. Бу бригадада ишлаётган одамларни бундан кейин биронта ҳам ишни кўришга яқинлаштириб бўлмайди, чунки бу бригадада одамларни майиб-мажруҳ қилишнигина ўрганиш мумкин...”

Ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида қонунларнинг ижроси устидан назорат қилувчи бўлим бошлиғи Ю.Хитрин гдлянчилар тергови устидан назорат бўлмаганлиги ҳақидаги фикрга қўшилгани ҳолда, назаримда, ғоят муҳим бир жиҳатга эътиборни жалб этди. “Гдлян билан Иванов ССРИ Бош прокурори ҳузуридаги терговчилар ҳисобланишарди. Ана шу “ҳузурида” қўшимчаси терговчилар жойларга чиқишганда, Ўзбекистонга сафар қилишганда, айниқса, ғоят муҳим рол ўйнади, зеро бу ерларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатишади. Ана шу “ҳузурида” қўшимчасини бу ноинсоф терговчилар тез-тез суиистеъмол қилардилар. Бу имтиёз

улар олдида кўп эшикларни очиб берар ва атрофдагиларга катта таъсир ўтказарди, чунки улар қаршиларида турган кимса Бош прокурорнинг, ҳуқуқ соҳасида жуда катта ваколатлар берилган кишининг вакили эканлигини ҳис этиб турардилар.”

Хитриннинг эътироф этишича, жойлардаги ўзига бўйсунувчи ходимлар Гдляннинг тергов изоляторларидаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатларига қаршилик кўрсата олмаганлар, баъзилари эса буни истамаганлар ҳам. Буни у қуйидагича изоҳлайди: ССРИ ИИВ билан келишилган ҳолда Гдлянга изоляторларни қўриқлаш чоғида мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги хизматлардан фойдаланиши учун ижозат берилганлигини биз ҳаммамиз яхши билар эдик. Камераларнинг бутун-бутун бўлмалари у ҳибс қилган кишилар учунгина ажратиларди. Бу бўлмаларга маҳаллий прокурорлар кира олмасди. Буларнинг барчаси сиртдан қараганда тергов сирини сақлаш учун қилинаётгандек бўлиб кўринарди, аммо қўлга олинган ва қамалганларнинг ҳуқуқлари мутлақо унутиб қўйилганди.

Хитрин одамларни қийнаб азоблаш ва бошқа хил шафқатсиз ноинсоний ёки қадр-қимматни ерга урувчи муомала ва жазо турларига қарши курашувчи халқаро қўмитанинг аъзоси эди. Унинг ишида бир неча марта қатнашган. Шу боисдан ҳам тергов ўтказишнинг гдлянча усулларини конвенция ва халқаро ҳуқуқ нормалари нуқтаи назаридан баҳолаб, уларни қийноқ усули, деб атади. Конвенцияда: қийноқ – фақат азоб беришгина эмас, балки шу билан бирга, мансабдор шахс томонидан ёки унинг иғвоси ёхуд сўзсиз рози бўлиши билан маънавий изтиробга солиш ҳамдир, деб тўғридан тўғри ёзиб қўйилган.

Хитрин бунга қўшимча қилиб шундай деганди: “Ҳар қандай бошқа бир давлатда, мен ушбу қўмита сессиясининг бир неча мажлисида бўлганман, рўй-рост айта оламанки, ҳатто Филиппинда ҳам бундай хатти-ҳаракатлари учун ҳар қандай полиция ходими ёки тергов ходими аллақачон турмада

ўтирган бўларди. Коллегия аъзоси сифатида Гдлян билан Ивановни прокуратура органларидан бўшатиш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани қўйиш учун тўла асос бор”.

Коллегиядаги нутқларнинг аксариятида “Гдлян билан Иванов қонунчилик бузилишига йўл қўйишган ва бунинг учун жавобгар қилинишлари керак”, деган ягона фикр янгради.

ССРИ халқ депутати Н.Игнатовичнинг нутқи эса бирмунча ғалатироқ бўлди. Кези келганда шуни айтмоқчиманки, шахсан ўзим кўпгина депутатлар ўз нутқларида сайловчилар номидан гапиришга ёхуд ўз фикрларини уларнинг ҳам фикридай қилиб кўрсатишга одатланиб қолганликларини пайқаганман.

Н.Игнатович билан ҳам худди шундай бўлди. Унинг нутқи жуда тумтарок, пойинтар-сойинтар бўлди. Афтидан, унингча, “Гдлян ва унинг гуруҳи қонунсизликка йўл қўйишган бўлиши мумкин, аммо уларни жавобгар қилиш учун шўшилмаслик лозим, халқ буни нотўғри тушуниши мумкин.

Шундоқ ҳам ҳозир халқ Гдлян ишидаги кўп жиҳатларни яхши билмайди. Шу сабабли прокуратура эҳтимол ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳақ бўлиб чиқар, аммо сиёсий нуқтаи назардан ютқазиб қўяди”.

Коллегияда 19 киши сўзга чиқди. Тақдим қилинган ҳужжатлар лойиҳаларини овозга қўйиш олдидан Сухарев муҳокама қилинаётган масаланинг нечоғли муҳимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. “Гдлян гуруҳида юз берган воқеа – ССРИ прокуратураси учун ниҳоятда шармандали ҳол, бинобарин, у гуноҳсиз қурбонларга етказилган зарарнинг ўрнини тўлдириш, ўзбек халқи олдида тавба-тазарру қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилиши керак”, деб таъкидлади.

Гдлян билан Иванов коллегияга келишмади, бу билан ҳамманинг кўз ўнгида телекамера олдида кўпдан кўп мухбирлар иштирокида иш юзасидан мусохаба юритишдан чўчишларини яна бир бор намойиш қилишди.

Олти соат давом этган қизгин тортишувлардан кейин коллегия Гдлян билан Ивановни прокуратура ишидан бў-

шатиш, уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун розилик беришини сўраб ССРИ Олий советига тақдимнома бериш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди. Тергов иши устидан прокурор назоратини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа ташкилий тадбирлар ҳам қабул қилинди.

Эртаси куни кўп газеталарда коллегия мажлиси ҳақида муфассал ахборот босилиб чиқди. Сарлавҳалар ҳам турлича: “Ҳақиқат сари ташланган қадам”, “Сабоқ чиқариш”, “Биринчи тавба” ва ҳоказо. Аммо асосий қийинчиликлар ва тўсиқлар ҳали олдинда, ССРИ Олий совети сессиясида эди. Сессияга икки ойу ўн кун қолганди. Коллегиядан кейин дарҳол сессияга тайёргарлик бошланди. Ҳеч қайсимиз хотиржам эмасдик. Биз жамоатчилик фикридаги ўзгаришларни кузатиб борардик, ўзгаришлар чиндан ҳам бор эди. Қийин бўлса ҳам, ҳар қалай объектив ахборот матбуот саҳифаларида кўрина бошлади, катор публицистлар, ҳуқуқшунослар ҳеч нимани яширмасдан гдлянча иш усуллари ҳуқуқий давлатга тўғри келмаслиги ҳақида ёзишди. Халқ депутатлари ва оддий фуқаролар Гдлян “Кремл мафияси” ҳақидаги қуруқ сафсаталаридан бўлак ҳеч қандай далилларга эга эмаслигини тобора англай бошладилар.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Халқ депутати Панфилованинг ССРИ Олий совети сессиясида ташлаган қуйидаги луқмаси кўпчиликнинг ёдида қолган: “Гдлян, башарти ихтиёрингда далиллар бўлса, Кремлдаги порахўрлар ҳақидаги материаллар бўлса, бизлар ҳам хабардор бўлишимиз учун уларни ошкора айт. Башарти бундай далил ва материаллар бўлмаса, халқни алдашни бас қил”.

Албатта, Гдляннинг ошкора айтадиган ҳеч қандай гапи йўқ эди, айта олмасди ҳам, чунки унинг барча сирли гап-сўзлари совун кўпигидек нарса эди. Коллегиядан кейин прокуратурага фуқаролардан кела бошлаган хатларни диққат билан кузатиб бордим. Тўғри, Гдлян билан Ивановни ҳимоя қилиб ёзилган хатлар кўпчиликни ташкил қиларди. Аммо уларни қоралаган хатлар ҳам кескин кўпайиб борди. Шу ўринда келган хатлардан айрим парчалар келтириб ўтиш лозим.

“ССРИ прокуратураси Гдлян билан Иванов Ўзбекистондаги порахўрликларга оид тергов ишларини жиноий усуллар билан олиб борганликлари ҳақида тўғри хулоса чиқарган, деб ҳисоблаймиз. Гдлян билан Иванов КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси Е.Лигачёвни ҳақоратлади, унинг виждонли одам эканлигига шубҳа қўзғатди. Гдлян билан Иванов 100 га яқин бегуноҳ одамларнинг турмаларда азоб чекишга мажбур қилди. Нима сабабдан Гдлян билан Ивановнинг иши устидан назорат бўлмаганлиги ёхуд нима учун уларни кечикиб назорат қила бошлаганликлари ҳақида турли гап-сўзлар юрибди. Бундай гап-сўзлар уларнинг жиноят-корона хатти-ҳаракатларини бошқаларга юклаш мақсадини кўзлайди. Ҳар бир ходим ўз ишида ўзи учун ўзи жавоб бериши керак”.

(А.Комов, Марганец, Ш. Днепронетровск области).

“Известия” ва “Советская Россия” газеталарининг 1990 йил 9 феврал сонларида Гдлян билан Ивановнинг Ўзбекис-

тондаги тинч аҳолига нисбатан жиноий хатти-ҳаракатлари ҳақидаги мақолаларни ўқиб, уларнинг қилмишлари ва тинч аҳолини талашлари ғазабимни кўзғатди. Уларнинг ҳар иккаласи ССРИдаги марказий давлат ҳокимиятини бадном қилдилар. Гуноҳсиз деҳқонлардан пулларини тортиб олиш билан машғул бўлмасдан, балки жиноятчиларни топиш керак эди!!! Қамокқа олинган барча аёлларни, болаларни ва уйида ёлғиз болалари қолган барча оталарни тезда қамокдан бўшатиб, уйига жўнатиш ҳақида Тошкентга, Ўзбекистон ҳукуматига шошилишч телеграмма юборишингизни сизлардан ўтиниб сўрайман. Мажбуран тортиб олинган ҳамма пуллар, меҳнат жамғармалари ва иш ҳақи тинч деҳқон аҳолига қайтарилиши керак”.

(П.Кошохов, Москва шахри)

“Хурматли ўртоқ Сухарев!

В.Артеменконинг шу йил февралда “Правда”да босилиб чиққан “Айбдор эмас!” номли мақоласида Н.Ражабов қонунга хилоф равишда ҳукм қилиниб, кейинчалик оқланганлигининг бевосита айбдорлари кўрсатилган. Булар ССРИ Бош прокуратурасининг терговчилари Т.Гдлян билан Н.Ивановдир. Хўш, нима сабабдан шундай бўлди, Сталин шахсига сиғиниш йилларида шундай усуллар билан иш кўрганларни ҳозир қоралаётган, номларини аниқлаб ошкор қилаётган бўлсагу бугунги кунда социалистик қонунчиликни бузаётганлар ССРИ халқ депутатлари бўлишса ва уларга нисбатан ҳеч қандай жазо кўрилмаса? Нима сабабдан шундай???

(Г.А.Моностиленко, Донецк шахри.)

“Хурматли В.И.Илюхин!

Ассалому алайкум! Ушбу сатрларни ўқишга биров фурсат топсангиз! “Известия” газетасида “Ҳақиқатни ҳамма билиши керак. Бор ҳақиқатни!” номи билан 1990 йил 9 февралда босилган мақолани ўқиб чиқдим. Биласизми, менда шундай тасаввур ҳосил бўлдики, худди биз 1937-38 йиллардаги

мамлакатда яшаётгандаймиз. Титроқ босади кишини, тепа сочинг тикка бўлади! Шуларни ўйласанг, яшашдан даҳшатга тушасан киши. Совет кишиси тергов органлари томонидан қонунсизликка йўл қўйилишидан нечоғли ёмон ҳимоя қилинган-а? Наҳотки, айтилганларнинг ҳаммаси тўғри бўлса! Олий совет комиссиясининг ростгўйлигига шак-шубҳам йўқ, албатта. Аммо бу, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлса, мен ССРИ прокуратураси коллегиясининг қарорини тамомила маъқуллайман ва унга қўшиламан.

Фикримча, Гдлян билан Иванов гуруҳини умумхалқ судига бериш, телевидение ва радиодан фойдаланиш керак. Халқ содир бўлган воқеалар тарихимизнинг яна бир қора саҳифаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши учун, мамлакатимизда бу энди асло такрорланмаслиги учун биронта ҳам икир-чикир, айтилмаган гап қолмасин. Ахир бу бутун дунё олдида шармандалик-ку! Одил судловимиз учун уятдаман. Фақат тўғрилиқ ва ҳақиқат билангина Сизлар ўзингизга бўлган ишончни қайтариб олишингиз мумкин. Ҳар қалай ССРИ Олий советининг ақл билан иш қилишига ишончим комил”.

(Владимир Муравев, Мари АССР Карой қишлоғи).

“Ҳурматли Президент!

Гдлян иши бўйича берилган телекўрсатувни томоша қилиб, шунга қатъий ишонч ҳосил қилдимки, кўпгина жиноятларда гдлянчилар айбдор, бинобарин, улар қандай ниқобга ўранмасинлар, уларни кечириш мумкин эмас. Халқ гдлянчиларни ҳимоя қилиб хато қилганлигини йиллар ўтиб тушуниб олади, аммо халқ депутатлари мандатини ёнида олиб юрган муртадлар эса қилган хатоларини ҳеч қачон тан олмайдилар. Уларни ҳимоя қилганлар қонунчилик ва шахс эркинлигини худди шундай оёқости қилинган 37 йилни қўмсаётган кимсалардир.

Аммо мен бир нарсани тушунолмаяман. Олий советдан меҳр-шафқат сўраш ва ундан бутун ўзбек халқи учун ҳақоратли бўлган панд-насихат эшитиш ва рад жавоби олиш

Ўзбекистонга нима учун зарур бўлиб қолди? Сиз мустақил Республика бўлсангиз, ўз президентингиз бор бўлса, афтидан, социалистик қонунчиликни бузган Гдлян билан Иванов ва уларнинг ҳамтовокларига қарши ўзингиз жиноят иши қўзғашга ҳаққингиз бўлса керак, албатта. Ўзбекистон ҳудудида тергов ишларини тугаллагач, уларни жиноят қилган жойларда судга чақиринг, агар келмасалар – сиртдан суд қилинг ва шундан сўнг жиноятчилар сифатида уларни ўзингизга топширишларини талаб қилинг”.

(Купцов, Ленинград шахри.).

“Хурматли ўртоқлар! Кўпдан буён газеталардан ўқийман, радиодан эштаман, телевизордан кўраману, аммо ҳеч ақлим етмайди: “Нима сабабдан Т.Х.Гдлян ва Н.В.Иванов қатъий қонун асосида ҳанузгача жавобгарликка тортилмаган. Ёки улар учун қонун йўқми? Менинг билишимча, бир мартагина тўхмат қилганлик учун икки йил меҳнат лагери берилиши мумкин. Улар одамларни таҳқирлагани, ўлимига сабаб бўлгани, бегуноҳ кишиларни ҳўрлаганликлари ҳам бунга қўшилса-чи?! Улар қилган жиноятларни санаб адоғига етмайсан киши. Менинг назаримда, улар Вишинский усулидан андоза олиб иш кўришган, фақат шунинг учун ҳам уларни суд ва турма кутяпти”.

(Павел Чечел, Ленинград шахри.)

“Мен пенсиядаман, ишламайман, аммо мамлакатимиз юргизаётган сиёсат, Олий совет ишини обдан кузатиб боираман. “Известия” газетасида Гдлян билан Ивановнинг ярамас қилмишлари ҳақидаги мақола...

Мен кўп фуқаролар номидан сўрайман – бу аблахлар тоқайгача виждонли ва софдил одамларга тўхмат қилишади. Олий ҳокимият органларига бизлар юборган вакиллар ўз ёнларида бундай депутатлар бўлишига қандай қилиб муро-са қилишяпти”.

(Ряшина, Новгород ш.)

Шундай мазмундаги кўплаб хатлар олинди, уларнинг ҳаммасини келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо юқорида хатлардан келтирилган парчалардан кўп нарса англашилиб турибди. Соғлом фикрловчи одамлар қонунсизликнинг авж олиши қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши тушунадилар. Кўплар Берия ва Вишинский замонларини даҳшатга тушиб эсга олаётганлиги тасодифий ҳол эмас.

Аммо Зеленоград шаҳридаги Гдлянни қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан мутлақо бошқача хат келганди. Мазкур хат Бош прокурорнинг тақдимномаси ССРИ Олий совети сессиясида кўриб чиқилганидан кейин олинган.

У бошдан оёқ расво жумлаларда битилган, асоссиз равишда ССРИ прокуратураси шаънига дўқ-пўписа қилишдан ҳам тоймаган, якка ҳолда мафияга қарши кураш олиб бораётган “қаҳрамонлик”ни халқ қўллаб-қувватлагани қайта-қайта таъкидланган. Гдлян билан Ивановга қарши қўзғатилган ишни дарҳол ётқизиши, прокуратура раҳбарияти истеъфога чиқиши, Гдлян билан Ивановга матбуотда ва телевидениеда чиқишга имконият берилиши талаб қилинган. Булардан ташқари, тергов материалларини парламентда эшитиш, съезд комиссиясининг барча материалларини эълон қилиш зарурлиги айтилган. Хатга Л.Лемко, А.Кочнев, А.Черпак, Л.Замурская имзо чекишган. Афтидан, бу одамлар Гдлян ёрдамида қўмитада “ёғлиқ” жой топишган бўлган. Шу сабабли бекор ўтирмаганликларини кўрсатиш учун вақт-вақти билан ўз маҳоратларини кўрсатиб туришган бўлса керак.

Жавоб хатимизда номлари зикр қилинган кишиларни, башарти улар учун ҳақиқатни билиш муҳим бўлса, иш материаллари билан танишиб чиқиш учун таклиф килдик. Аммо, афсуслар бўлсинки, улардан ҳеч қайсиси келмади, демак, уларга ҳақиқат эмас, асабни таранглаштириш керак эди.

“Зеленоград шаҳри, халқ депутати Т.Х.Гдлянни қўллаб-қувватлаш қўмитасига.

ССРИ прокуратурасида сизларнинг Гдлян билан Ивановни ҳимоя қилиш хусусида ССРИ Президентига қилган мурожаатномангизни диққат билан ўқиб чиқдик. Мурожаатномада баён қилинган кўпгина далиллар тўғиб чиқарилган, жиноий ишларнинг ҳақиқий ҳолатига ва материалларига зид келади. Бизнинг назаримизда, иш юзасидан ошқора мусохабадан ўзини олиб қочаётган, халқнинг фикрини дастак қилиб, унинг орқасига яширинаётган шармандаси чиққан депутатларни оқлаш йўлида навбатдаги уринишдан бошқа нарса эмас бу. Уларнинг ССРИ Олий советини менсимай, шошилиш равишда Арманистонга қочиб кетганлиги буни яққол тасдиқлаб турибди.

Митингбозлик оҳангидаги тумтароқ иборалар. “Москва”га қадар етиб келган бирдан бир иш, мамлакатни талон-торож қилган амалдорларнинг истеъфога чиқиши, ўч олиш, фактларнинг йўқлиги сингарилар ишни яхши билмаслик, ундан хабардор эмасликдан далолат берадики, бу сергак бўлишга ундайди кишини.

Агар қўмита чиндан ҳам ҳақиқатни аниқламоқчи ва бошқаларни таъқиб қилмаётган, худбин мақсадларини кўзламаётган бўлса, бундай ҳолда биз унинг аъзоларини ишдаги баъзи материаллар билан таништиришга тайёرمىз. Бунда, такрор айтамиз, одил судлов оломон орасида, кўчада ва митингларда эмас, балки қонунда қатъий белгиланган тартибда амалга оширилиши керак.

Мурожаатномада “фуқароларнинг норозилиги”га ишора қилинган. Биз бунга қўшилаемиз. Прокуратурага Гдлян билан Ивановнинг хатти-ҳаракатини қоралаган ва уларни жавобгарликка тортишни талаб қилган граждандарнинг хатлари муттасил келиб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, бундай хатлар мамлакатнинг турли минтақаларидан келмоқда. Фуқароларнинг кўпчилиги Гдлян билан Иванов хусусидаги гап-сўзларни эшитавериш чарчаганликларини, улардан кўнгиллари қолганлигини ва хотиржам яшашни, ишлашни хоҳлашларини айтмоқдалар.

Т.Х.Гдлянни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ана шу баён қилинганлар устида чуқур мулоҳаза қилиб кўради ва асабларни таранглаштирмайди, деб ўйлаймиз”.

***ССРИ Бош прокурори катта ёрдамчиси
З-даражали юстиция давлат маслаҳатчиси
В.И.Илюхин.***

ОЛИЙ СОВЕТДА МУҲОКАМА

18 апрел куни соат ўнда бизнинг гуруҳимиз иккала палатанинг қўшма мажлиси ўтказиладиган залда ҳозир бўлди. Ўшанда зал одамлар билан лик тўлганди. Негаки, унда фақат ССРИ Олий совети аъзоларигина эмас, балки умуман ССРИ депутатлари ҳам келишганди. Залда Гдлян билан Иванов кўринмасди. 16 апрел кечқурун Гдлян билан Иванов Арманистонга кетганлигини бизга хабар қилишганди. Аммо бу хабар ҳали текшириб кўрилмаганди. Сессия арафасида Илюхин комиссия ҳисоботини ва прокуратуранинг тақдимномасини кўриб чиқишни улар ўзбошимчалик билан даҳанаки жанг ва ҳақорат ёғдиришга айлантириб юборишга интилади, келтирилган далилларни бузиб кўрсатишга уриниб кўради, деб хавфсироган эди.

Соат 10.00 да А.Лукиянов сессия иши бошланганини эълон қилди. Кун тартибини тасдиқлаш олдидан залда Гдлян билан Иванов бор-йўқлиги масаласи кўтарилди. Ўзларини маълум қилишлари сўралганда ҳеч кимдан садо чиқмади. Улар Олий советни менсимай сессияга келмаганликлари маълум бўлди. Бундай ҳол биринчи марта бўлмаётган эди. Улар телевидение орқали олиб кўрсатиладиган сессия мажлисида халқ билан гаплашиб олишдан, ҳақиқатни аниқлаб олиш, ишдан яхши хабардор бўлган, уларнинг фактларини бузиб кўрсатишларига, ҳақиқатни яширишларига имкон бермаган иш материалларини яхши биладиган кишилар билан баҳслашиб, ўзларининг ҳақ эканликларини исбот этишдан бош тортишди.

А.Лукиянов икки сутка аввал барча ҳужжатларнинг нусхаси Гдлян билан Ивановга топширилганлигини эълон қилди. Сўнгра Р.Медведевга сўз берди. У жумладан, шундай деган: “Кейинги ойларда кўпдан кўп митингларда Гдлян ҳам, Иванов ҳам ўзлари ҳақидаги ишнинг парламентда эшитилиши, уларнинг жавоб беришларига имкон берилиши талаби би-

лан чиқдилар. Биз ана шундай парламентда ошкора суратда эшитиш вақтини тайин қилдик. Аммо бу ерда Гдлян ҳам, Иванов ҳам йўқ. Бунинг учун мен афсусланаман, холос.”

Уларнинг сессияга келмаганликларидан мен ўзим учун бошқа бир хулосага ҳам келдим. Ҳар иккаласи бизнинг тақдимномамизни, унда келтирилган фактларни обдан ўрганишган. Башарти, биз янглишганимизда эди, улар ўзларига хос бўлган усулни ишга солиб, бизнинг далилларимизни рад қилишга шошилган, бунинг учун сессия минбаридан муқаррар фойдаланишган бўларди. Демак, биз янглишмасдан, тўғри нишонга урган эканмиз, уларнинг бўҳтон қилганликлари ва қонунни бузганликларини жиддий очиб ташлаган эканмиз.

ССРИ прокуратурасининг Т.Гдлян бошчилигидаги гуруҳи фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш юзасидан ССРИ халқ депутатлари съезди сайлаган комиссиянинг ҳисоботи 52 саҳифадан иборат бўлиб, ССРИ халқ депутатларига тарқатилганди, шу сабабли Р.Медведев уни ўқиб ўтирмай, фақат энг муҳим жиҳатларигагина тўхталиб ўтган.

Ёзма ҳисобот бир неча бўлимдан иборат эди. Ундаги мулоҳазалар умумий масалалардан бошланиб, сўнг можаронинг қисқача тафсилотига тўхталиб ўтилганди. Масалан, 1987 йилга қадар мамлакат жамоатчилиги Гдлян билан Ивановнинг тергов гуруҳи қилган ишлар ҳақида деярли ҳеч нима билмаганлиги аниқ-равшан ифодалаб берилганди. Ҳолбуки, ўша пайтдаёқ ушбу гуруҳ тергов қилган жиноят ишлари бўйича бир неча муҳим суд жараёнлари бўлиб ўтган эди. Айни вақтда ССРИ прокуратурасига, шунингдек, КПСС Марказий қўмитасига Гдлян билан Иванов тергов гуруҳининг иш усуллари хусусида шикоятлар ва норозилик хатлари кела бошлаганди. Аммо улар юзасидан ҳеч қанақа жиддий чора кўрилмади. Шундан кейин оммавий ахборот воситаларида бу иккала терговчини мафияга қарши ўзлари якка ҳолда ҳамма нарсадан кечиб таваккалига кураш олиб бораётган моҳир ишбилармонлар қилиб кўкка кўтариб мақтай бошла-

дилар. Улар учун гўё бошқа терговчилар оператив иш олиб бормаётган, ҳеч қандай иш қилмаётган эдилар.

Ҳисоботда бўлиб ўтган воқеалар, жумладан, Гдлян билан Ивановнинг 19-партия конференцияси арафасидаги чиқишлари, ССРИ Олий суди билан улар ўртасидаги можаро, унинг раиси шаънига, шунингдек, Маровга, Қахрамоновни оқлаб, Яхёевга нисбатан қўзғатилган ишни қайта тергов учун қайтарган ССРИ Олий суди Ҳарбий коллегияси раиси шаънига чидаб бўлмайдиган ифвогарлик қилганликлари аниқ-равшан аксини топган эди.

Гдлян билан Ивановнинг кўпгина мансабдор шахсларни асоссиз равишда порахўрликда айблаганликлари кўрсатилган, уларнинг сайловолди компаниясидаги хатти-ҳаракатлари, икки терговчини ҳимоя қилиш қўмитаси тузилганлиги баён этилган эди ва ҳоказо.

Иккинчи бўлим Т.Гдлян тергов гуруҳининг фаолияти устидан прокурор назоратига бағишланганди. Унда, жумладан, қуйидагилар битилганди: “Гдлян билан Иванов – ўз қиёфаларига кўра “турғунлик даврининг” типик терговчи ходимлари”. Буни тўғри таъриф, деб бўлмайди. Бу иккала терговчининг шахсини ўрганиш асосида ССРИдаги бутун 50 минг кишилиқ терговчилар армиясига баҳо бериш номатлуб, деб биламан.

Шу билан бир вақтда, комиссиянинг “Гдлян гуруҳи устидан лозим даражада прокурор назорати бўлмаган”, деган фикрига тамомила қўшиламан. Назаримда, ҳисоботда А.М.Рекунков, О.В.Сорока, Г.П.Каракозов ва бошқа шахсларнинг бунда айби борлиги ҳисоботда тўғри кўрсатиб ўтилган. Аммо ҳисоботнинг Сухарев ҳам назоратни йўлга қўя билмади, деб унинг ҳақида ёзилган қисмини асосли, деб бўлмайди. Чунки терговнинг аҳволи, Гдлян фаолиятидаги қонунсизлик фактлари билан биринчи бўлиб ва жиддий шуғуллана бошлаган айти шу А.Сухарев бўлганди.

Учинчи бўлим Гдлян гуруҳининг ишига тааллуқли эди. У кўпроқ биз олиб борган тергов материаллари, мустақил

прокурор Мартинсон олиб борган бошқа ишларни ўрганиб чиқиш асосида ёзилган эди. Мазкур бўлимда баён қилинган фактлар 1990 йил 2 апрелда ССРИ Олий советига киритилган Бош прокурор тақдимномасига мувофиқ бўлиб, унга зид келмасди.

Е.Лигачёв ишига алоҳида бўлим бағишланганди. Комиссия материалларида Лигачёвнинг айбдорлигини исботлайдиган бирон-бир далил йўқлиги, прокуратура ундан барча шубҳа-гумонларни асосли равишда олиб ташлаганлиги яқдиллик билан таъкидлаб ўтилганди.

Ўз вақтида мен ҳисоботнинг охириги бўлимини ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб чиққандим. У “съезд комиссияси ишига нисбатан Т.Гдлян билан Н.Ивановнинг муносабати” деб номланган. Мазкур бўлим шуниси билан қизиқарлики, унда комиссия аста-секинлик билан, тергов материаллари ичига кириб бориб, матбуотда босилган материалларни ўрганиб чиқиш орқали ҳақиқатга қадам-бақадам яқинлашиб, ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб борган. Комиссия прокуратуранинг дастлабки босқичдаги асоссиз айбловларидан тортиб, аста-секин Гдлян билан Ивановнинг, уларни ҳимоя қилувчиларнинг ҳақиқий қиёфасини фош қила борган. Комиссия айни шу кимсалар унинг ишига доимо тўсқинлик қилганликларини эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, ССРИ халқ депутатларининг биринчи съездида бу иккала терговчи уларнинг тергов гуруҳи ишини ўрганиб чиқиш учун махсус комиссия тузилишига қарши эътироз билдирмади ва комиссия таркибини тузишда фаол қатнашди. Комиссия ишининг биринчи ойдан кейин ҳам унга хайрихоҳлик билан қарадилар, аммо комиссияга ҳеч қанақа ҳужжат беришмади. Бироқ уларнинг комиссияга муносабатлари аста-секин ўзгариб борди, бу аввалига норозиликдан охири душманликкача бориб етди, “Гдлянни ҳимоя қилиш” турли хил қўмиталари, айрим халқ депутатлари, жумладан, И.Сорокин орқали унга нисбатан тазйиқ ўтказа бошлашди.

Оммавий ахборот воситалари орқали комиссия ва унинг айрим аъзолари шаънига тухмат-бўхтон гапларни айтиш, ҳақоратлаш компанияси авж олдирилди. Уни “махсус бю-
юртма”ни бажараётганликда, ҳатто “Москва мафияси”нинг сотқин унсурлари томонидан “сотиб олинганликда” айбла-
дилар. Умуман, булар Гдлянга хос усул эди. Башарти, у би-
лан келишолмай қолсанг, уни танқид қилсанг, шу замоноқ сенга ана шундай ёрлиқлар ёпиштирарди.

Ҳисобот эътиборни ўзига тортадиган куйидаги сўзлар би-
лан тугаганди: “Г.Х.Гдлян билан Н.В.Иванов хусусига келсак, юқорида айтиб ўтилганидек, сўнгги ойларда улар бақироқ сиёсатдонлар даражасигача тубанлашиб кетдилар, митинг-
лар ва намойишларда сўзлаган нутқларида, шунингдек, матбуот ва телевидениеда турли хил масъулиятдан йироқ ва ифвогарликдан иборат, ҳақоратли гаплар ва даъватлар билан чиқдилар...”

Р.Медведев маърузасини тугаллагач, депутатлардан саволларни ёзма равишда беришларини илтимос қилди. Ун-
дан кейин Ю.Голик сўзга чиқди, аммо у кўпроқ Гдлян би-
лан Ивановнинг “Вечерний Ленинград” газетасида босилиб чиққан мақоласи хусусида гапирди. Мазкур мақолада улар ССРИ Олий совети ва мамлакат президенти шаънига на-
вбатдаги ҳақоратни ёғдирган, жумладан, “қонунга хилоф сиёсий тўда” деган иборани ишлатганди.

Шундан кейин ССРИ Олий советининг депутатлик одоби масалалари бўйича комиссияси раиси А.Денисовга сўз бе-
рилди. Маданиятчилиги, ҳушфеъллиги ва ниҳоятда анди-
шалилиги учун бу одамни ҳурмат қилиш мумкин ва лозим. Аммо унинг нутқи шахсан мени ҳушёр торттирди. У Гдлян билан Ивановни маънавий жиҳатдан қоралаш ҳақида сўз юритганда масаланинг моҳиятини унчалик чуқур тушуниб етмабди-да, деган мулоҳазага бордим. Менинг назаримда, у бу ерда кўпроқ ўз обрўси ҳақида, депутатлар ва сайлов-
чилар орасида шуҳрат орттириш ҳақида ўйлаётгандек эди. Айниқса, ўзи ва у бошлиқ комиссия инсоний суд эмас, бал-

ки кўпроқ илоҳий судга ўхшаш нарсани даъво қилишларини айтганида, бу яққол кўринди. Мен унинг нутқини ҳаммаша мийиғимда кўлимсираб, бироз ихлосим қайтган ҳолда ёдга оламан. Шунда А.Денисов ҳаётдан, реал воқеликдан нечоғли узоқда-я, эҳтимол, ҳозир ҳам у ўзгармагандир, деган бирдан бир фикр ҳаёлимдан кечади. У депутатларга мурожаат қилиб, яратганнинг марҳамати билан Гдлян билан Ивановнинг гуноҳларидан ўтишни қандай қилиб сўради экан. Шу дамда мен минбарга отилиб чиқиб: “Сиз кечиришингиз мумкин, яратган Эгамиз ҳам кечириши мумкин, аммо ўзбек халқи кечира олармикан? Хўш, сиз нима сабабдан бутун бир халқни унутиб қўйдингиз, нима сабабдан унинг вакилларида сўрамаяпсиз? Энг асосий, бош ҳакам шу халқнинг ўзидир”, деб ҳайқиргим келарди. Депутатларнинг ҳеч қайсиси бундай донолик қилмади, ҳеч ким халқни эсга олмади ҳам, уларнинг аксарияти одамлар ҳақида эмас, уйдирмалар ҳақида кўпроқ гапирди.

А.Денисовдан кейин А.Я.Сухаревга сўз беришди. ССРИ Олий советида у ҳақида бир-бирига қарама-қарши икки хил фикр туғилганди. Қайд этиш лозимки, А.М.Рекунковдан кейин биз, прокуратура ходимлари учун А.Сухарев улкан шахс эмасди, албатта. У прокурор назоратини йўлга қўя билиш илмини эгаллаганлик бобида ҳақиқатан ҳам А.Рекунковга ютқазарди. Аммо А.Рекунков сингари у ҳам инсонлар ҳаёти билан боғлиқ жуда катта иш тажрибасига эга эди. Александр Яковлевичнинг ҳаёти силлиқ кечмаган – машаққатли болалик, ёшлик йиллари, уруш сўқмоқлари, оғир жароҳатлар ва жанговар муқофотлар...

Унинг прокурорлик курсисини эгаллаган кезлари оғир даврга тўғри келди. Воқеаларга баҳо беришда парокандалик ҳукм сураб, қонун назар-писанд қилинмас эди, бу ҳол, ҳар қалай, жамият негизларига рахна солиши турган гап эди. А.Сухарёв мамлакатда қонунчиликни мустаҳкамлаш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилганди.

Р.Медведевнинг Бош прокурор истеъфо бериши ҳақидаги фикрни ўртага ташлаганига қарамай, Александр Яковлевич

Олий совет минбарига дадил кўтарилди ва ахборот берди. Биз у ҳақда ўйларканмиз, тушкунликка тушмаганлигидан, фикр-ўйларимиз ва дилимиздаги гапларни депутатлар онгига етказишга интилаётганидан қувонган эдик.

А.Сухарев ўз нутқини тугаллар экан, шундай деди: “Ишончим комилки, бугун муҳокама қилинаётган ва депутатларга тааллуқли бўлган ана шу масала муҳим, хусусий эмас, балки анча кенг доирадаги ишдир. Пировард натижада гап Гдлян ёки Ивановда эмас. Мазкур масала принципал аҳамиятга эгалиги яққол кўриниб турибди, зотан бу ерда гап қайта қуришнинг кўлами кенг қадриятлари, жамиятимизга етишмай турган ижтимоий адолат ва қонунчилик хусусида бораётир. Башарти биз ҳуқуқий давлат қуришни ва шахснинг устуворлигини эълон қилган эканмиз, қонун бобида ҳаммамиз изчил бўлмоғимиз, ўзбошимчалик йўлига мустаҳкам ғов солмоғимиз керак. Бу масалада икки хил ёндашув бўлиши мумкин эмас”.

Александр Яковлевичнинг нутқидан сўнг зал жонланди, депутатлар тартибсиз равишда микрофон олдига келишар, ўринларидан туриб қичқиришарди. А.Лукиянов бошқарув жоловини аранг ушлаб турарди. Ҳамма ғала-ғовур шундан бошландики, Олий совет аъзоси Н.Тутов Гдлян билан Ивановнинг баёнотларини ўқиб эшиттириш учун сўз беришларини сўради. Т.Пупкевич улар тамомила соғ-саломат юришипти, сессия эса уларнинг адвокатлари сўзини эшитиши керак эмас, деб унга жуда ўринли эътироз билдирди. Т.Пупкевични Т.Исмоилов қўллаб-қувватлади. Аммо уларга ўчакишган ҳолда Игитян сўз олди. Анатолий Иванович нотикларнинг сўзини комиссия ҳисоботини ва ССРИ Бош прокурорининг тақдимномасини муҳокама қилиш оқими-га буриб юборишга уриниб кўрди.

Олий совет аъзоси Б.Немцев Р.Медведев тақдим қилган материаллар ва унинг маърузаси мен учун ишонарли бўлди, бинобарин, Гдлян билан Иванов айбдор эканликларини исботлайди, деган қатъий фикрни айтди. Москва вилоят

уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси депутат В.Азаров ҳам шу нуқтаи назарда эканлигини таъкидлади. Унинг хулосаси лўнда бўлди: “Гдлян билан Иванов қонунга мувофиқ жазоланишлари керак”.

Мен катта ҳаётӣ тажрибаси бўлган одамларнинг донолиги, ақл заковати, етуклиги ва баҳо беришда хушёрлигини дафъатан ҳаёлимдан ўтказдим. Гдлян билан Ивановнинг адвокатлари эса кўпроқ ёшроқ кишилардан бўлиб, хусусий иш ортидаги улкан ҳодисани кўра билмайдиганлар сирасидан эди.

В.Гулия, И.Сорокинларнинг нутқлари сафсатабозликнинг ўзгинаси бўлди, дейиш мумкин. Улар ўз нутқларида кўпроқ Р.Медведев ҳамда А.Сухарев маърузаларидаги айрим сўзларга ёпишиб олишдан нарига ўтмади. Сорокин ҳамиша бўлганидек, узоқ фалсафа сўқиб ўтирмай, прокуратура коллегияси ва унинг раҳбарияти истеъфо беришини талаб қилди. Унинг сўзларидан: “Бизнинг одамларимизга тега кўрма”, деган маънони уқиб олиш мумкин эди.

В.Одилов унга жуда оқилона ва ишонарли қилиб эътироз билдирган. Ўша кезлари мен у билан таниш эмасдим, аммо мулоқотда бўлганим сари асли ишчи бўлган бу йигит аста-секин давлат арбобига айлана борганлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бордим. Унда ёшларга хос тажанглик ва тортинчоқлик йўқолиб, улар ўрнини ақл-заковат ва донолик эгалламоқда эди.

Миллий сиёсат ва миллатлараро масалалар бўйича Миллатлар кенгаши комиссиясининг аъзоси Чеховнинг овози ҳар сафаргидек вазмин ва ишонарли янгради. У прокуратурани қўллаб-қувватлаб чиқди: “... ҳамма соҳада тартиб-интизом бўлиши лозим, унга биринчи галда қонун посбонларининг ўзлари риоя қилишлари керак”.

Бошқа бир қанча нотиклар ҳам худди шу руҳда гапиришди. Депутат С.М.Ангапов халқ депутатлари биринчи съезди иш бошлаган кунлари минбарда Сухарев билан Гдлян ўртасида бўлган тўқнашув ҳақида сессияга эслатиб ўтди: “Ўшанда бизга Сухарев ютқазадию, Бош прокурорлик лавозими-

дан маҳрум бўладигандек туюлганди, аммо бундай бўлиб чиқмади. Сухарев Гдляннинг саволларини бирма-бир рад этди. Шундан кейин ССРИ депутатларининг аксарияти Сухаревнинг Бош прокурор этиб тасдиқланишини ёқлаб овоз берди. Бунинг сабаби эса, менимча шундаки, икки съезд бўлиб ўтди, Олий Кенгашнинг учинчи сессияси ўтяпти, аммо “Кремл-Брежнев мафияси” борлиги ҳақидаги фактларга ҳамон эга бўлганимизча йўқ. Афтидан, бугун ҳам бундай фактларга эга бўлмаймиз. Охир-оқибат биз, депутатларнинг бошимизни қотиришнинг нима кераги бор”.

Тарози палласи Гдлян билан Иванов фойдасига ҳал бўлмаётганлиги аён эди. Шунда уларнинг адвокатларидан бири В.Челишев минбарда пайдо бўлди. Г.Бурбўлиснинг нутқи ҳам В.Челишевнинг нутқига тамомила ҳамоҳанг бўлди. Ҳар иккаласи ҳам минтақалараро гуруҳнинг ашаддий намояндалари бўлиб, бу ерда Гдлян билан Иванов ўзларини бемалол ҳис қилардилар. Ўзбекистондан халқ депутати бўлган, республика журналистлар уюшмасининг раиси А.Мухторовнинг нутқи гдлянчилар тўдаси, уларнинг ҳимоячилари учун қақшатқич зарба бўлди. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри қандайлиги унга ҳаммадан кўра яхши маълум эди. Гдляннинг хатти-ҳаракатидан норозилик изҳор этиб ёзилган ўнлаб хатлардан ҳам А.Мухторов яхши хабардор эди.

Башарти ҳозир А.Мухторов нутқидан кейин А.Лукашов масалани овозга қўйган тақдирда, сессия ССРИ Бош прокурорининг илтимосини қондирган бўларди. Аммо минбарга бирин-кетин нотиклар кўтарилаверди. Депутатлар иккига бўлингани аниқ кўриниб турарди. Бир хиллар Гдлянни қўллаб-қувватлаб гапирса, бошқалари, уни жиноий жавобгарликка тортиш ва шу билан ҳуқуқий давлат асосига эҳтимол биринчи ғиштни қўйиш зарурлиги ҳақида сўзлашди.

Мазкур масалани эшитишнинг биринчи кун ирталабки мажлисда Б.Елцин ҳам Гдлян билан Ивановни ҳимоя қилиб чиқди: “... партия Марказий Қўмитаси ва Сиёсий бюронинг мазкур масала билан боғлиқ ҳаракати ҳам маълум эмас.

Мен ўзим Сиёсий бюро аъзолигига номзод бўлганман. Шу боис Гдлян билан Иванов гуруҳи иш кўрган вазият учун хос бўлган бир фактни айтиб ўтмоқчиман. 1986 йил бошида улар КПСС Марказий Қўмитаси раҳбариятига, Сиёсий бюронинг кўпгина аъзоларига жиддий бир хат билан мурожаат қилиб, унда ўзлари дуч келган фактларни баён қилишган ва республика раҳбарларига, шу жумладан, Усмонхўжаевга қарши тергов ишларини бошлашга рухсат этишларини илтимос қилишган. Орадан ярим йил ўтиб ҳам ҳеч қандай қарорга келинмади, 1986 йил ССРИ Олий Кенгаши Раёсати, партия Марказий Қўмитаси ва Сиёсий бюро ана шу улкан, жиддий ишдан ўз вақтида хулоса чиқариб олмадилар, деб ҳисоблайман. Шу сабабли ўша пайтдаёқ аҳволни тўғрилаш, шу жумладан, Гдлян билан Ивановни ҳам тўғри йўлга солиш мумкин бўларди, шубҳасиз, улар хизмат юзасидан ўз фаолиятларида қандайдир хатога йўл қўйган бўлишлари мумкин. Улар менинг номимга ҳам хат ёзишган. Мен Бош котиб ҳузурида бўлдим, кейин мазкур масалани Сиёсий бюрога олиб чиқдим. Шунини айтишим керакки, ўша кезде Сиёсий бюро Усмонхўжаевни жавобгарликка тортиш ёки ҳеч бўлмаганда унга қарши иш қўзғашга розилик бермади.

Комиссия умуман бутун системамиз, фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйичагина эмас, балки мамлакатимизда амал қилаётган бутун система бўйича ҳам хулосалар чиқармаган”.

Б.Елцин 1986 йилда Сиёсий бюро Усмонхўжаевни жиний жавобгарликка тортишга розилик бермаганлиги ҳақида гапирганда сессияни шунчаки тўғри йўлдан чалғитиб юборди. Ўша даврда, фикри ожизимча, унинг пора олганлиги хусусида жиддий далиллар йўқ эди, улар терговчиларнинг ёзма ҳисоботида келтирилмаганди. Бирон бир масалани текширмасдан туриб Сиёсий бюрода бир зумда ҳал қилиб юбориш бемаъни иш бўлган бўларди. Қолаверса, иш қўзғаш ҳақидаги бу масала у ерда кўриб чиқилмайди-ку. Энди ана шу хусусда. Гдлян бутун Ўзбекистон учун битта иш қўзғаган ва барчани ана шу иш бўйича ҳибсга олган.

Елцин прокуратуранинг таклифини рад этишни таклиф қилди. “Агар биз бугун икки депутатни депутатлик дахл-сизлигидан маҳрум этсак, эртасига бошқасини маҳрум қилишга тўғри келади, чунки ўтирганларнинг кўпчилиги ҳар томондан бўлаётган тазйиқни ҳис этиб турибди”.

Гдлян билан Ивановни ҳимоя қилишнинг асл сабаблари мана қаерда эканлигини кўрдингизми? Ўзининг хотиржамлигини йўқотишдан чўчиш, демак, ҳадиксираш учун асос бўлган экан-да?!

Кечки мажлисда ССРИ ДХК нинг раиси В.А.Крючков Гдлян билан Иванов соғ-саломат юрганлигини ва ушбу дамда Арманистонда эканлигини маълум қилди. Бу хабар депутатлар орасида қаҳр-ғазаб уйғотди. Аммо терговчилар тарафдорлари (Шаповаленко, Гирко, Филшина) нинг сўзидан кейин ҳамма тинчиб қолди. Моссовет депутатлари Гдлян ва Иванов билан бирдамликларини изҳор қилиш мақсадида ўз сессиясини тўхтатиб, автобусларда Кремлнинг Спасск дарвозалари олдига етиб келганликларини залда ўтирганларнинг ҳаммалари эшитишди. Бу воқеалар ССРИ халқ депутатлари тутган позициясига таъсир қилмай қолмади, албатта.

Шундан кейин кечки мажлисда сўзга чиққан Курск вилояти прокуратурасининг катта терговчиси – депутат Н.Струков давлатга қонун, фақат қонун ҳукмрон бўлиши кераклиги ҳақида гапирганда мавжуд факт ва материалларга таянган ҳолда иш кўрди. Н.Струков қатъий қилиб бундай деди: “Терговчилар томонидан қонунчилик бузилган фактлар кўп ва улар жиддий. Бундай фактлар бўйича тергов қонуний асосда олиб борилаётир”.

Нутқини туғаллар экан, у бундай деб таъкидлади: “Сафсатабозликни бас қилайлик, башарти сизлар, Гдлян билан Иванов, терговчи бўлсангиз, исбот-далилларни столга қўйинг, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни дастак қилиб олиб, юқори лавозимдаги кишиларнинг номларини пеш қилиб, бундан ўз манфаатингиз йўлида фойдаланишга чек қўйинг”.

Олим ва амалиётчи, хусусан, профессор А.Собчак нутқидаги қуйидаги сўзлар, айниқса, эътиборга молик эди: “Биз иттифоқ прокуратурасининг тақдимномаси билан танишдик. Ҳўш, ана шу тақдимномадан Гдлян билан Иванов, юристларнинг таъбири билан айтганда, айб қўйиш даражасида жиноят қилганлар деган хулоса чиқарса бўладими? Мен амалий ишда муайян тажриба орттирган юрист сифатида бизга тақдим қилинган хулосага асосланиб туриб бундай хулоса чиқаришга жазм қилмаган бўлардим...”

Бир қарашда эътиборга лойиқ, ишонарли ва қатъий айтилган фикрдек туюлади. Аммо А.Собчакнинг бу гапларни самимият билан айтмаганлиги кейинчалик ошкор бўлиб қолди. Унинг 1991 йилда босилиб чиққан “Ҳокимият сари йўл” номли китобида қуйидаги сатрлар битилган: “Агар қатъий қилиб айтиладиган бўлса, Гдлян билан Иванов янги-ча ижтимоий шароитларда 30 йилларнинг қатағон аппарати анъаналарини давом эттирган ҳолда ҳаракат қилдилар”.

Ҳар қалай А.Собчакнинг нутқида аниқ таклифлар ҳам бўлди. У Гдлян билан Ивановни ишдан бўшатиш учун прокуратурага розилик бериш ҳақида таклиф киритди.

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ҒАЛАБА

Хўкизлар билан жанг ҳақида тасаввурингиз етарлиликка шубҳам йўқ. Айтиш мумкинки, Гдлян ва Иванов, уларнинг тергов гуруҳининг тақдирини Олий советдаги муҳокамасини айнан шунга қиёслаш мумкин. Негаки, биз депутатларга масала моҳиятини тушунтириб, бу икки ҳайвонга чора кўрилишини истаётган бўлсак-да, аслида улардан ҳимояланишни ҳам унутмаслигимиз шарт эди.

В.Илюхин февралда бўладиган коллегия ҳужжатларини Бош прокурор имзолаши учун тайёрлаб бўлиши билан дарҳол ССРИ Олий советига тақдимнома лойиҳасини ёзишга киришди. Уни В.Новиков билан биргалашиб тайёрлади.

Тақдимнома лойиҳасининг биринчи варианты ўзларига ҳам ёқмади. Кейин уни қайта ишладик. Иккинчи вариантини А.Сухарев ўзининг ҳамма ўринбосарларига тарқатди. Бир ҳафтадан кейин кўпайтирилган нусхалар кўпдан кўп тузатишлар, фикр-мулоҳазалар билан яна бизга қайтиб келди. Шуни айтиш керакки, ҳар бир ўқиган одамнинг ўз услуби, яъни ўз дастхати бўлади. Шу сабабли биз кўпдан кўп тузатишлар орасидан умумийларини танлаб олдик ва шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатни қайтадан ишлаб чиқдик. Учинчи ёки тўртинчи вариантини бўлса керак А.Сухаревнинг столига қўйдик. Энди тақдимнома лойиҳасини унинг ўзи кўришга киришди. Қайта кўчирилгандан кейин унинг сўнгги варианты коллегиянинг деярли ҳамма аъзолари иштирокида муҳокама қилинди.

А.Сухарев ҳужжатнинг катта аҳамиятга эгалигини англади, шу боис уни имзолашга шошилмасди. обдан муҳокама қилиб бўлингандан кейин коллегия аъзолари даврасида ҳужжатни имзолади. Бу 1990 йил 2 апрелда бўлганди. Очигини айтсам, тақдимноманинг сўнгги варианты менга унчалик ёқмади. Унда қатъиятлилиқ, чиқарган хулосаларимизда пухталиқ, ҳаққўйлик етишмасди, ҳужжат ниҳоятда

вазмин оҳангда ёзилган бўлиб, далиллашга кўпроқ эътибор қаратилганди.

ССРИ Олий советидан нимани сўраймиз, деган масала узоқ муҳокама қилинди. Фақат Гдлян билан Ивановни прокуратура органларидан бўшатишга розилик беришними ёки яна жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳам розилик беришини сўраймизми? Тактик масалалар ҳал қилинмоқда эди. Тергов гурҳимиз раҳбари В.Илюхин уларни ҳам бўшатиш, ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ва бу иккала терговчини ҳибсга олишга розилик беришни сўраш керак деган фикрни айтди.

У бунда, биринчидан, Гдлян билан Ивановнинг айбдорлигига далил-исботнинг етарли эканлигига асосланган бўлса, иккинчидан, бизнинг қамоққа олиш ҳақидаги илтимосимиз тутган позициямизнинг тўғрилигига ишончимизни тасдиқларди. Ана шу ишончимиз, менинг назаримда, шу ҳолича халқ депутатларига ҳам таянч бўлиши керак эди. Учинчидан, Олий советга иккинчи марта мурожаат этишни зарурат қолмасди.

Негаки, фақат жиноий жавобгарликка тортишга розилик олинган тақдирда Гдлян ҳам, Иванов ҳам сўроқ беришга келмаслиги мумкин, деб ўйлашга етарлича асос бор эди. Бунда тергов иши яна боши берк кўчага кириб қолиб, уни тугаллаш мумкин бўлмай қоларди.

Тақдимнома ССРИ Олий советига юборилди, тақдимнома кўриб чиқилгунига қадар В.Илюхин съезд комиссиясига тушунтириш беришига тўғри келди. У Қизил майдон яқинида наридан бери таъмирланган эски бир бинода жойлашганди. Р.Медведевдан таклиф қоғозини олгач В.Илюхин комиссия жойлашган бинони қидириб роса сарсон бўлди, сал бўлмаса кеч қолаёзди.

Р.Медведев телефон орқали бўлган гапда тергов давомида ҳолисона аниқланган ҳамма нарса ҳақида ахборот беришни сўраганди.

У ерда бўлиб ўтган гап-сўзларни В.Илюхин қуйидагича хотирлайди: “Маълумот учун мен ССРИ Олий советига юбо-

рилган тақдимномани асос қилиб олдим. Комиссия ихтиёрида Иттифоқ прокуратураси коллегиясининг ҳужжатлари борлигини билардим.

Комиссия деярли тўла тартибда йиғилди. Менимча, К.Лубенченко йўқ эди. Комиссия мен билан дўстона муносабатда бўлди. Н.Струковдан бўлак уларнинг ҳеч бири билан илгари мулоқотда бўлмагандим. Комиссиянинг бошқа аъзоларини афтларидангина билардим, аммо бу ҳол уларнинг ҳаммаси билан яхши мулоқотда бўлишимга ҳалал бермади.

Менинг ахборотим, сўнгра тушган саволларга жавоб бериш деярли тўрт соат давом этди. Мен комиссиянинг ҳамма аъзолари масалага қизиқиш билан қараётганликларини ҳис этиб турардим. И.Бишер бундан истиснодек туюлди. У менга бирор марта ҳам савол бермади. У бутун йиғилиш давомида мудраб ўтирганлигини пайқадим. Саволларни стол теваарида давра олиб ўтирган комиссия аъзолари беришарди. Айрим саволлар такрорланарди. Мен уларга қисқа жавоб қайтарардим. Ифвогарона саволлар бўлмади. Фақат И.Сорокин худди кечирим сўрагандек оҳангда менинг бошқарма бошлиғи лавозимига қачон тайинланганим билан қизикди. Афтидан, у менинг иш юзасидан тергов олиб боришга розилик берганимни ушбу лавозимга тайинланишим билан боғламоқчи бўлди. Бундан ташқари, у “Социалистик индустрия” газетасида менинг шаънимга танқидий фикрлар айтилганлиги ҳақида сўради. Ана шу хусусда ҳам тушунтириш беришимга тўғри келди.

Р.Медведев муҳокамага якун ясади, муфассал жавоб берганлигим учун ташаккур изҳор қилди. Шундан сўнг у билан А.Сухарев ўртасида бўлиб ўтган гапдан хабардор бўлиб қолдим. Р.Медведев унга комиссияда фақат менинг ахборотигина мазмунли, ишга дахлдор бўлганлигини, ўткир масалалар хусусида муҳокама юритишдан четлаб ўтилмаганлигини айтди.

Бизнинг тақдимномамиз ССРИ Олий советида муҳокама қилинадиган вақт яқинлашмоқда эди. Табиий, биз ҳам унга вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳозирлик кўрдик. А.Сухарев

нутқининг матни тайёрланди. Тақдимномада ёзилганларни нутқ матнида такрорлаб ўтиришни истамадик, шу билан бир вақтда, унда баён қилинган фикрларни яна-да мустаҳкамлашни истардик. Кунларнинг бирида тушдан кейин мени А.Сухарев ҳузурига таклиф этишди. У съезд сайлаган комиссиянинг ҳисоботини сессияда эшитиш 18 апрелга тайин қилинганини айтди ва ҳисобот билан биз берган тақдимномани бирга қўшиб муҳокама қилиш нечоғли мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида менинг фикримни сўради.

Фикр алмашганимиздан кейин муҳокамани бирга ўтказиш зарур, деган ягона хулосага келдик. Медведев прокурор назоратини ташкил қилишдаги жиддий нуқсонлар ҳақида гапириб, Гдлян ва унинг гуруҳи ҳаддан ташқари қонунсизликка йўл қўйганлигини эътироф этиши бизга олдиндан маълум эди. Шу сабабли биз берган тақдимнома Р.Медведевнинг ахборотини бир қадар тўлдиради, деган фикрда эдик.”

Аммо сессиядан кейин биз тактик хатога йўл қўйганлигимиз маълум бўлди. Мазкур масалалар алоҳида-алоҳида муҳокама қилиниши биз учун фойдалироқ экан, чунки шундай бўлганда Гдлянни ҳимоя қилиб сўзлаган айрим депутатлар танқидий гапларининг бутун тиғи Р.Медведев ахборотига қаратилган бўларди. Аслида эса бунинг акси бўлди, улар сўзининг тиғи кўпроқ прокуратура шаънига қаратилди. Эҳтимол, бирмунча вақт ўтгач, ҳис-ҳаяжонлар биров босилиб, тақдимнома анча хотиржамлик билан муҳокама қилинган бўлармиди?

Муҳокама пайтида депутат Галина Старовойтова икки марта микрофон олдига келди. Бош прокуратурага кўп марта мурожаат қилганлиги боис тергов бошқармаси ҳодимлари уни яхши эслаб қолишган.

Г.Старовойтова элшунос – этнограф, фан номзоди, Арманистондан сайланган ССРИ халқ депутати эди.

Қорабўғда ташкил қилинган “Крунк” деб аталган комитет етакчиларидан бири, прокуратура бир неча марта пора олганликда айб қўйган Манучаровнинг жиноий жавоб-

гарликдан қутулиб қолишида ҳам унинг бевосита ва фаол иштироки бўлганди. Умуман, Г.Старовойтовани Қорабоғ масаласида арманлар позициясида турганлиги учун депутатликка кўрсатишганди.

У иш усуллари танлашда асло тортиниб ўтирмасди, очикдан очик бўлхтон ва алдамчилик қилишдан қайтмасди. 1991 йил апрелда ССРИ Олий совети сессиясида у Гдлян билан Ивановни одил суддан олиб қолиш учун бор кучини сарфлади. Яна алдамчилик ишга солинди. У Гдлян билан Ивановни прокуратурада ишдан бўшатиш учун ССРИ Олий совети билан бир қаторда Арманистон Олий советининг ҳам розилиги бўлиши зарур, деб бу фикрга ҳаммани ишонтиришга зўр бериб уринди. Чунки уларнинг иккаласи ҳам халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган эди. Бу навбатдаги найранг эди. Арманистон халқ депутатлигига сайловлар тўғрисидаги қонунда бундай шартлар кўзда тутилмаган. Аммо, шунга қарамай, Г.Старовойтова ўз сўзида туриб олди ва юқорида айтилган ёлғонни бутун ССРИга ҳақиқат қилиб кўрсатди.

ССРИ Олий совети мажлислари, хусусан, 17 апрелда кун бўйи Р.Медведев ва А.Сухаревнинг маърузалари муҳокама қилинди. 30 нафар депутат сўзга чиқди. А.Лукиянов музокараларни тўхтатиш ҳақидаги масалани овозга қўйди. Икки марта бу таклиф кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Шунга қадар икки марта танаффус берилган эди.

“Танаффус пайтида ҳам депутатлар баҳслашувни, икки терговчи ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттираётганликларини пайқадим, – деб хотирлайди В.Илюхин ўз кундаликларида. – Кремлнинг Спасск минораси олдида пикетчилар турганлиги ҳақида кўп гап-сўз бўлди, чунки халқ вакиллари Олий советга улар орасидан ўтиб келишларига тўғри келганди.

Кейинчалик Россия Федерациясининг президенти бўлган Б.Н.Елцин атрофини мухбирлар ўраб олишган, у ҳам ўз навбатида берилган саволларга бажонидил жавоб қайтарар-

ди. Мен беихтиёр шундай гаплашувлардан бирини эшитиб қолдим. Мухбир, ёшгина бир аёл, муҳокама қилинаётган масала ҳақида “Сизнингча қандай қарор қабул қилиниши мумкин?” деб сўради. Б.Елцин “Депутатларнинг ҳозирги таркиби ҳали демократик бўлиб шаклланиганича йўқ, уларда эскича фикр юритиш устун, шундай бўлгач Гдлян билан Ивановнинг жиноий жавобгарликка тортилишига розилик бериши мумкин. Шахсан мени уларнинг ҳозирги таркиби қаноатлантирмайди”, деб жавоб берди.

Музокаралар тўхтатилгандан кейин Р.Медведев ва А.Суҳаревга тушган саволларга жавоб қайтаришлари учун имкониёт беришди. Кўп савол тушди, янгидан мунозара бошланиб кетди. А.Суҳаревга ҳаммадан кўпроқ гапиришга тўғри келди. У тушган саволлар ҳамда ташланган лўқмаларга дадил ва асосли жавоблар қайтарди.

Шундан сўнг қабул қилинажак қарорлар лойиҳасини муҳокама қилишга киришилди. Бу ўта мураккаб ва шу билан бирга зерикарли маросим эди.

Муҳокама жараёнида қарорлар лойиҳасини тайёрлаш учун таҳририят комиссияси тузилганди. Унга И.Лаптев бошчилик қилди. Аммо менда ҳужжатларнинг лойиҳалари аввалроқ тайёрланган, деган тасаввур ҳосил бўлди. Таҳминча, уларда Гдлян билан Ивановни жиноий жавобгарликка тортиш учун розилик бермай, прокуратурага рад жавоби бериш кераклиги ҳам олдиндан белгилаб қўйилганди...”.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, фалсафа фанлар доктори, профессор, ЎзФА академиги Эркин Юсупов, сеvimли ёзувчимиз Одил Ёқубов, забардаст журналист, “Халқ сўзи” газетасининг биринчи бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторов, Чкалов номидаги авиация заводи мутахассиси Владимир Одилов, оддий ишчи, оловқалб Йўлдош Акбаров съезд минбаридан туриб, ССРИ халқ депутатларининг эътиборини Гдлян ва Иванов тергов гуруҳининг ноқонуний ишларига қаратганди.

Олий советида Гдлян ва Ивановнинг ишларини ўрганиш бўйича тузилган комиссия ҳамраиси Рой Медведев комис-

сия иши бўйича саёз ва юзаки маъруза қилганида Йўлдош Акбаров ва Владимир Одилов сўзга чиқиб, Рой Медведевнинг маърузасини қаттиқ танқид остига олган.

Йўлдош АКБАРОВ:

– Халқимиз жуда сабр-тоқатли халқ. Балки бизнинг кучлигимиз ҳам, ожизлигимиз мана шундадир. Лекин ҳар қандай сабрнинг ҳам охири бор.

Бизнинг жафокаш халқимизни Гдлян ва Иванов қаттиқ ҳақорат қилишди. Улар халқимизга “ўғри” деган тамғани ёпиштиришди, аёлларимиз ва фарзандларимизни хўрлади, Ўзбекистонни тиконли симлар билан ўраб ташлаш керак, деб айтишди. Мен эса бу жинойтчиларнинг ўзларини тиконли симлар орқасига ташлашни талаб қиламан. Бундан бошқача йўл тутиш ушбу жинойтчиларга шерик бўлиш ва Ўзбекистоннинг йигирма миллионлик халқини яна-да қаттиқ ҳақорат қилишни англатади.

Мен комиссия иши ҳақидаги маълумотномадан қониқмадим. Унда асосий саволларга жавоб берилмаган. Бугун мен, Гдлян ибораси билан айтадиган бўлсам, шарқий фронт полигонига нима учун айнан Ўзбекистон танлаб олинган, “Ўзбеклар иши” деган ибора ким учун керак бўлиб қолган, бутун бир миллатни ҳақорат қилиш ҳуқуқини уларга ким берган, уларнинг орқасида кимлар турибди деган саволларга жавоб олмоқчиман.

Шунинг учун ҳам комиссия ахборотига нисбатан ўзимнинг жиддий норозилигимни айтиб ўтишга қарор қилдим. Чунки ахборот қўрқоқларча ёзилган ва, юмшоқ қилиб айтганда, ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Бу ҳолатда комиссия аъзолари ўз обрўларини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас, негаки, улар Гдлян, Иванов, Гайданов, Лаптев, Карташян содир этгани аниқ қўриниб турган ва тасдиқланган жинойтларни инкор қилиш билан ўзларининг виждонига қарши иш олиб бормоқда.

Комиссия жинойтчиларни ҳимоя қилиб ғайриахлоқий позицияда турибди, бу эса бизнинг республикамиз халқи

учун оғир ҳақоратдир. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатидан менсимаслик ва шовинизм ҳиди анқиб турибди. Мен комиссия томонидан тўпланган материалларни ошкор қилишни талаб қиламан. Нима учун Бош прокурор Гдлян ва Ивановнинг ўзбошимчаликларига муносабат билдирмай, оғзига талқон солгандек жим ўтирибди?

Мен комиссиянинг ҳар бир ҳамраиси ва ҳар бир комиссия аъзоси съезд томонидан берилган топшириқларни қанчалик виждонан бажаргани тўғрисида тушунтириш беришларини талаб қиламан. Уларнинг позициялари мени ажаблантирмоқда ёки улар ҳам нимадандир қўрқишяптими? Улар ҳеч нарсадан чўчимай дадиллик билан объектив ахборот бериши шарт, акс ҳолда, уларга нисбатан ишончсизлик билдириш ва комиссияни тарқатиб юбориш лозим. Мен Рой Медведевнинг позициясига тушунмаяпман. Ахир у ўзининг китобларида Берия ва Ежов томонидан содир этилган жиноятларни дадиллик билан очиб ташлаган эди-ку? Шундай экан, нима учун у ҳозир бундай қилишдан қўрқмоқда? Мен комиссияга Болтиқбўйи республикалари вакилларида сайланган аъзоларнинг позициясига мутлақо тушунмаяпман. Улар ўз республикалари ҳақида гап кетганда ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида оғзиларини тўлдириб гапиришади, бизнинг республикамиз ҳақида гап кетганда, мум тишлаб олгандек жим ўтиришади.

Нихоят, мен сизларга мурожаат қилиб шуни айтаманки, комиссия айрим мансабпараст кимсаларнинг манфаатини ўйлаб, бизни алдамоқчи бўлмоқда. Юқорида мен тўхталиб ўтган масалалар муҳокама қилинишини талаб қиламан.

Яна шуни айтмоқчиманки, Гдлян ва Иванов устидан бўладиган суд қонунга биноан, улар оғир жиноят содир этган жойда – Ўзбекистонда бўлиши лозим деб ҳисоблайман...”

Владимир ОДИЛОВ:

– Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Мен сўзга чиқмасликнинг асло иложи қолмагани ва оғзига талқон солган одамдек жим ўтиришга ҳаққим йўқли-

ги учун ҳам минбарга чиқишга мажбур бўлмоқдаман. Жуда хунук ишларни қилишга қилиб қўйиб, ўзларини қўй оғзидан чўп олмагандек оппоқ қилиб кўрсатишга уринаётган Гдлян ва Ивановларнинг фаолияти юз минглаб ўзбекистонлик сайловчиларнинг ғазабини қўзғатмоқда. Бу янги пайдо бўлган “сиёсатдон”лар ўзларини қатъиятли қилиб кўрсатишга уринаётгани республикамизда содир этилган жиноятлардан чалғитиш ва жавобгарликдан қочишдан бошқа нарса эмас.

Бугун бу ерда айтадиган ҳар бир гапим учун қаерда бўлса ҳам жавоб беришга тайёрман.

Яқинда матбуотда тергов гуруҳи томонидан одамлардан олинган қимматликларнинг умумий миқдори 43 ёки 33 миллион сўмдан иборат бўлиши мумкин деган фактлар чоп этилди. Аниқ айтиш мумкинки, Гдлян тергов гуруҳи 22 миллион сўмни давлатга топширган. Лекин у ўз чиқишларида 140 миллион деб айтган эди. Шундан ёлғон гапириш Гдляннинг энг асосий иш усулларида бири экан деб ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун менда, у одамлардан олинган қимматликларнинг қанчасини давлатга топширган, деган ҳақли савол туғилди?

Мана менинг қўлимда шу ишларга оид ҳужжатлар бор:

Гдлян Тўрткўл тумандаги Дмитров номли колхозда бир гуруҳ терговчилари билан В.Н.Тожиевнинг уйига бориб, қимматликларни олади. Бу ҳолат уларнинг баённомасида қуйидагича расмийлаштирилган: қора полиэтилен халтада учта қутича бор, биринчи қутичада заргарлик буюмлари, тилла танга-узуклар, сирғалар соатлар; ўралган дастрўмолчада заргарлик буюмлари, беш ва ўн сўмлик тилла тангалар; иккинчи қутичада заргарлик буюмлари ва тилла тангалар. Учинчи қутичада ҳам заргарлик буюмлари ва тилла тангалар. Олинган буюмлар ўралди ва ССРИ прокуратурасининг 268-сонли муҳри билан муҳрланди.

Баённома Гдлян ва бошқа шахслар томонидан имзоланган.

Баённомада олинган қимматликларнинг белгилари, миқдори, вазни ва ҳоказолар батафсил баён этилиши лозимлигини билиш учун ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас.

Тожиевдан 1987 йил эрта тонгда олинган ва баённомада кўрсатилган қимматликлар қанақа ва қандай суммада эканини ким айта олади?

Бу тасодиф эмас, аксинча, у Гдлян томонидан ишлаб чиқилган ифлос тизим бўлиб, буни уларнинг қарийб барча ишларида кўриш мумкин.

Қимматликларга қонунга хилоф равишда жўртага аниқлик киритилмаган. Шу йўл билан Гдлян қимматликларнинг маълум қисмини ўзлаштириб олиш учун имконият яратган.

Бунинг натижасида Гдлянда қимматликлар ва пуллардан, одатда, оддий омбор мудирларида бўладиган камомадлар сингари йирик миқдордаги камомад бор. Бироқ оддий омбор мудиридан фарқли равишда Гдлян депутатлик мандатидан фойдаланиб жазосиз қолмоқда. Мен ССРИ Бош прокурорига мурожаат қилиб, ундан қонун олдида ҳамма тенг эмасми, деб сўрамоқчиман.

Бир қатор газеталар, масалан, 1989 йил 21 октябрда “Советской молодёжи” (Латвия) газетасида Гдляннинг каттагина интервьюси чоп этилиб, унда Гдлян шундай дейди: “Ҳуқуқий давлатни биринчи ғиштидан бошлаб биз қура-миз, биринчи ғишт деганимиз, бу сўз эркинлиги, ҳар бир кишининг иқтисодий, сиёсий, маданий, миллий ривожланишини таъминлашдан иборат деганидир.”

Мен шуни баралла айтаманки, бу сўзларнинг барчаси ишонувчан гўл одамларга мўлжалланган даҳшатли икки-юзламачилиқдан бошқа нарса эмас.

Энди Гдляннинг ишларидан аниқ бир мисол келтирсам. ССРИ Бош прокурорининг ёрдамчиси Овчарова 1985 йиллардаёқ Бухоро ишлари деб номланган иш бўйича айблов хулосаси судда эълон қилинганидан кейин шундай деб ёзган эди: “...судда 30 дан зиёд гувоҳ гдлянчилар томонидан калтакланганларини, хотинларинг, қизларинг ва сингилларингнинг номусига тегамиз деб таҳдид қилиб, инсоний ва миллий шаънимизни таҳқирлашди, деб гапириб беришди”.

Мен ўзим Бухоро ишлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа

ишлар билан танишганимда ҳам улар барча ишлар бўйича ўзбошимчалик билан иш юритганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Гдлян ва Иванов содир этган жиноятлари учун депутатлик ваколатидан маҳрум қилинишини ва қонунда кўзда тутилган тартибда жиноий жавобгарликка тортилишини тақлиф қиламан.”

Аммо гдлянчиларнинг митинглардаги ёлғон сўзларига лаққа тушган айрим депутатларнинг қаршилиги туфайли бу талаблар инobatга олинмаган. Кейинчалик эса раислик қилувчи Лукянов ўзбекистонлик депутатларга мутлақо сўз бермай қўйган.

Ўша вақтда ССРИ Олий советига Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатларнинг қатъий талаби қўйилган мурожаатнома тайёрланади. Мана ўша мурожаатноманинг ўзбек тилидаги матни:

«ССРИ Олий советига Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатлар Мурожаатномаси

Гдлянни ҳимоя қилиб кеча Манеж майдонида ўтказилган митингнинг кучли таъсирига берилган ССРИ Олий советининг кўпчилик аъзолари сўзга чиқишиб, тергов гуруҳи томонидан қонунийлик кўпол равишда бузилишига йўл қўйилганлиги тўғрисидаги мавжуд далилларни чуқур ва мазмунан таҳлил қилишдан сессияни чалғитишди.

Биз, Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатлар бу ишларнинг тагида хунук сиёсий ўйинлар ётганини кўриб турибмиз, шундан келиб чиқиб қуйидагиларни тақлиф қиламиз:

Агар Олий совет депутатлари прокуратура тақдим қилган далилларни етарли эмас, деб ҳисоблаётган бўлса, у ҳолда ССРИ халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб ССРИ прокуратурасига уч кунлик муддат ичида ўзларида мавжуд барча материалларни тақдим қилиш топширилсин. Прокуратуранинг тақдимномаси овозга қўйилсин. Тергов билан бевосита шуғулланган ходимлар, ҳеч бўлмаганда, тергов гуруҳи раҳбарларининг ҳисоботи тинглансин. Акс ҳолда, муҳокама бозорга айланиб кетмоқда.

Баъзи бир депутатлар кўзи кўр одам ҳам кўрадиган нарсани кўрмасликка олмоқда. Бу эса ишга юзаки ёндашиш бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки кўпчилик депутатлар масала моҳиятига чуқур кириб боришга ҳаракат қилаётганига бизда ишонч йўқ.

Агар илтимосимиз қаноатлантирилмайдиган бўлса, биз тегишли чоралар кўриш ҳуқуқини ўзимизда қолдирамиз.

ССРИ Олий совети депутатлари:

Й.Т.Акбаров, В.Т.Одилов, Э.Ю.Юсупов, О.Ёқубов, А.Мухтаров, М.М.Мирқосимов, Н.Давронов, Т.Б.Қирғизбоева, Т.Жўраева, Ф.Сафершаев»

Йўлдош Акбаров сессия мажлисида сўз берилмаган бўлса-да, ушбу мурожаатномани жойидан туриб баланд овозда ўқий бошлаганда кутилмаганда залга жимлик чўқади. Бу жимлик Мурожаатнома ўқиб бўлинганидан сўнг ҳам бир неча дақиқа давом этди. Сўнг Мурожаатнома бўйича сўзга чиқадиганлар кўпайиб кетганини кўрган Раислик қилувчи танаффус эълон қилади. Танаффусдан сўнг Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон ва яна бир неча республика вакиллари сўзга чиқиб, Мурожаатномада қўйилган масалани қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнггина ССРИ Олий совети Гдлян ва Ивановни лавозимидан бўшатишга рухсат беради, аммо уларни жиний жавобгарликка тортиш ва қамоққа олиш ҳақидаги талабларни рад этди.

Қайд этиш лозимки, сессиянинг сўнгги куни бутун вақти қарор лойиҳасини аниқлаб олиш ва овозга қўйишга сарф бўлганди. Лойиҳа тўлиғича ўтмади. Унга талай қўшимчалар, аниқликлар, тузатишлар қилинди. Моддама-модда овозга қўйилди. Аммо Гдлян билан Ивановни суд жавобгарлигига тортишга розилик бериш масаласи бўйича алоҳида овоз бериш умуман ўтказилмади. Қарорнинг Гдлян билан Ивановни прокуратура органларидан ишдан бўшатишга розилик бериш, лекин жиний жавобгарликка тортишга розилик беришни прокуратурага рад қилиш кўзда тутилган 3-банди

учун овоз беришди. Шу банднинг ўзида прокуратура раҳбариятини мустақамлаш ҳақида ҳам ёзиб қўйилган эди. Гдлян билан Ивановга терговчилар ҳузурига келишларини ёқловчи ёзув ҳам бор эди, аммо улар буни бажармади.

Бу таклиф аранг ўтди. Уни ёқлаб 275 депутат овоз берди. Қарор қабул қилиш учун эса камида 271 овоз бўлиши керак эди. Бундан кўриниб турибдики, сессия иккига, яъни деярли тенг иккига Гдлян билан Ивановнинг рақиблари ва тарафдорларига бўлинганди.

1991 йил 19 апрелда ССРИ Бош прокурори уларни хизмати доирасида интизомни қўпол суратда бузганликлари учун прокуратура органларидан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Буйруқ ҳолисона ва адолатли эди. Чунки иккала терговчи ҳам ўз хизмат мавқеларини суиистеъмол қилибгина қолмасдан, балки, шу билан бирга, прокуратура билан алоқани аллақачон узгандилар: ишга чиқмас, тергов билан шуғулланишдан бош тортар эдилар, аммо ҳар ой иш ҳақини олиб туришдан тортинмасдилар.

Биз Олий советдан кетар эканмиз, туйғуларимиз айқаш-уйқаш эди. Бир томондан, гарчи кичкина бўлса-да, ҳар қалай ғалаба қилгандик. Шахсан ўзим ишдан бўшатиш чорасидан ортиғини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Иккинчи томондан, кўп депутатларнинг ҳолисона иш тутмаганлиги, хато ўйлашларидан юрагимиз эзилмоқда эди. Демократ депутатлар, улар асосан ёшроқ кишилардан иборат эди, ўзларининг икки жанжалкаш ҳамкасбларини ҳимоя қила олганликларидан қувонмоқда эди. 1990 йил апрелда ССРИ Олий совети юз берган қонунсизлик ҳолларини қораламасдан, масъулиятсизлик учун, айбдор шахсларни суддан олиб қолиш учун хавfli вазият вужудга келтирган эди. Улар ўшанда буни англаб етмаганлар, эҳтимол, англаб етган ҳолда, била туриб шундай йўлни тутишган.

ТЕСКАРИ АЙЛАНГАН ЧАРХПАЛАК

1991 йил 30 август куни ССРИнинг охириги Бош прокурори Николай Трубин қонунчиликка, адолатга ва ҳақиқатга нисбатан виждонсизларча муносабатда бўлиб, ўз мансабидан жинояткорона фойдаланиб мисли кўрилмаган ҳужжатни имзолади. Бу ҳужжат мамлакатда ва чет элларда анча-мунча шов-шувга сабаб бўлган ССРИ халқ депутатлари, собиқ терговчилар – Телман Гдлян ва Николай Иванов ҳаракатлари бўйича қўзғатилган жиноий ишни жиноят аломатлари йўқ деб, ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги қарор эди. Шунингдек, ССРИ Бош прокуратураси тергов бўлими собиқ бошлиғи Герман Каракозов ва бошқа кўплаб прокуратура ходимлари устидан очилган жиноий ишлар тўхтатилди.

Ваҳоланки, Гдлян ва Ивановларни Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 119-1-моддаси (давлат ёки жамоат мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш), 128-модда (рэкёт), 152-модда (пора олиш), 149-модда 2-қисми (ҳокимият ёки мансабини суиистеъмол қилиш), 150-модда 2-қисми (ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқари чиқиш), 156-модда 2-қисми (айбсиз кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиш), 158-модда 1- ва 2-қисмлари (била туриб қонунсиз қамаш ёки ушлаб туриш), 159-модда 2-қисми (кўрсатув беришга мажбур қилиш), 160-модда 2-қисми (била туриб ёлғон хабар бериш), 87-модда 2-қисми (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш), 93-модда 2-қисми (уриш ва қийнаш), 112-модданинг “в” банди (туҳмат) билан жиноий жавобгарликка тортиш лозим эди.

Н.Трубин томонидан қабул қилинган қарор мутлақо кутилмаган иш бўлиб, бу хабардан виждонли, диёнатли одамлар бир неча кунгача ўзларига келолмай, нега бундай бўлганлигини тушунолмай юрдилар.

Аслида ушбу иш тугатилмасидан олдинроқ – 12 июлда худди шу Бош прокурор ССРИ Президенти М.С.Горбачев-

га мактуб йўллаб, Т.Гдлян ва Н.Иванов ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганликлари, ваколатларини ўзбошимчалик билан амалга оширганликлари, сўроқ вақтида одамларни ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилганликлари сабабли уларга айб қўйиш учун етарли далиллар тўпланганлигини маълум қилган эди. Хўш, тўсатдан нима ўзгарганди?

Қўп нарса. Энг аввало, 1991 йил 19-21 август кунлари содир бўлган воқеалардан кейин собиқ иттифоқдаги вазият ўзгарганди. Газеталарда хабар қилинганидек, ўша вақтда Кубада бўлган Трубин исённи қўллаб-қувватлашини айтган. Бу гап қанчалар ҳақиқат эканлигини аниқ эмас, лекин у “қармоққа” илинганди. Олий советда демократлар унга “Ё бизнинг талабларимизни бажарасиз, ё бўлмаса сизни исёнчи деб эълон қиламиз”, деган шарт қўйишади.

Мана шу воқеадан кейин Трубин ўзининг демократия тарафдори эканлигини “исботлашга” киришади. Бош прокурор курсисини тарк этмаслик учун ўша заҳотиёқ ўринбосарларини ишдан бўшатади. Бундан ташқари, демократларга ёқиш учун ўзини шу тоифага мансуб деб ҳисоблайдиган кишилар устидан қўзғатилган ишларни тугата бошлади. Унинг қонун олдидаги хиёнаткорлиги ҳам аслида шу билан изоҳланади.

Гдлян ва Иванов иши терговчилардан бошқа, яъни уларнинг иши билан бевосита шуғулланган тергов ходимларидан ташқари, ҳамманинг наздида сиёсий иш ҳисобланар эди. Бу мавзу атрофидаги шов-шувлар митингларда ва кўча юришларида, мамлакат парламентида ва ўша вақтларда ҳали мавжуд бўлган Компартияларнинг пленумларида сўзланган нутқларда қизигандан қизиб борарди. Гдлян ва Ивановга нисбатан жиноят иши 1989 йилнинг 25 майида қўзғатилди. Мазкур ишнинг қўзғатилиши ССРИ халқ депутатларининг биринчи съезди иш бошлаган кунга тўғри келди. Лекин бу шунчаки тасодикий мутаносиблик эди. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи юқори органи барибир шу иш билан машғул бўлди ва айни пайтда унинг атрофида ғоят мураккаб баҳс-мунозаралар бошланиб кетишига йўл очиб берди.

Ўша пайтда бу ҳақдаги маълумотлар ҳамиша бир ёқлама бўлиб, уларни кўпинча Гдлян ва Ивановнинг ўзлари тарқатишган ёки уларга содиқ бўлган йилномачилар, масалан, дам Россияда, дам Исроилда умргузаронлик қиладиган журналист Додолевга ўхшаган кимсалар ёзиб тарқатар эдилар.

Тўғри, жуда оз бўлса-да соғлом фикрли мақолалар ҳам онда-сонда босилиб турарди. Мазкур мақолалар ҳақида индамай ўтиш ҳам адолатдан бўлмайди. Аҳён-аҳёнда босилган бундай соғлом фикрли мақолаларда Гдлянча садизм ва бўхтонга қарши норозилик овозлари янграб турар эди. Бу овоз Олга Чайковская, Олег Темушкин, А.Садрийларнинг овози эди. ССРИ прокуратурасидан, мамлакат Олий Кенгаши томонидан тайёрлаб берилган расмий ахборотларда ҳам ҳақиқат овози эшитилиб қоларди.

ССРИ Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ҳақида улар мафияга қарши жуда кўп азоб-уқубат чекиб шафқатсиз кураш олиб бораётган қаҳрамонлар, деган тасаввур берувчи мақолалар ҳам оз эмас эди.

Кўча ва майдонлардаги митингларда шовқин-сурон ва хуштакбозлик остида шаклланган фикр-мулоҳазаларга, у ерда айтилган гап-сўзларни худди юмшоқ гўштдай ҳазм қилиб юборадиган одамлар тўдасида шаклланган ҳар қандай ахборотга қарши бориш, шаклланган ижтимоий фикрга қарши бориш – у билан баҳс-мунозарага киришишдир. Шу боис ҳам ундан кўра расворок иш бўлиши мумкин эмас. Бундай маълумотлар ҳақиқатдан қанчалик узоқ бўлса, ахборотга чанқоқ омма томонидан шунчалик тез қабул қилинар ва омманинг онгида эмас, қорнида ҳазм бўлар эди.

Одамлар оғзига чайнаб солинган, кўп ҳолларда бузиб талкин қилинган бу хилдаги бир ёқлама ахборотларга ўргатилган кишиларнинг онги бошқа гапларни мутлақо қабул қилмас ёхуд жуда қийинчилик билан идрок этарди. Бундай оммага ақл-идрок овозини, хушёрлик билан таҳлил қилинган мулоҳазалар ва аниқ фактларни етказиш ғоят мушкул эди.

Гдлян ва Иванов ҳодисаси тасодифан пайдо бўлгани йўқ.

Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Биринчи навбатда, бутун ҳаётни остин-устун қилиб юборган қайта қуриш, жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмай қолаётганлиги ва энг муҳими, омма – кенг жамоатчилик бошига тушган оғир кунлар бунинг учун қулай шароит яратди. Одамлар ўзларининг аянчли аҳволи сабабларини қидириб топишга, бундай оғир аҳволдан қутулиб чиқишга ҳаракат қилишарди. Шу боис бунгача эшитилмаган ҳар қандай янгилик, номаълум овоз уларга жозибали бўлиб туюлар ва ўзини раҳнамоларча тутган кишилар бундай сўзларни айтганда, айниқса, катта таъсир кўрсатарди.

Ҳа, Гдлян билан Иванов бу ҳолатдан маҳорат билан фойдаланди. Улар худди сахна орқасидаги режиссёрлар сингари иш кўрди, шундай номақбул йўллар билан одамларнинг нозик ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатди. Улар мафиянинг ишларини, порахўрларни, партократларни ва амалдорларни қоралаб чиқдилар.

Шубҳасиз, Гдлян билан Иванов бақироқ ва дўқ-пўписига уста бўлган қаллоб кишилар сингари қайта қуришнинг шиддатли тўлқинлари устида кўпикдек пайдо бўлди. Агар Гдлян билан Ивановга айрим сиёсатчилар ёрдам бермаганида, агар бу икки терговчи уларга вайрон қилувчи куч сифатида керак бўлмаганида эди, бу ҳодиса шу қадар зўрайиб кетмаган бўларди. Агар одамлар бўлиб ўтган воқеаларга сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳо берганларида, бу сохта қаҳрамонларнинг номини улуғлаб, уларга қулдек сиғинмаганларида бу ҳодиса узоқ яшай олмас эди.

Айтиш мумкинки, халққа чиндан ҳам қийин бўлган бир вақтда, халқ таланаётганда, унинг оғзидаги энг сўнгги бурда нон ҳам очкўзлик билан тортиб олинаётганда улар халқни унутди.

Ўша вақтда Ўзбекистонда “Бериячилик”ни қайта тирилтиришга уриниб кўрилганини собиқ иттифоқдаги ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ. Албатта, Москвада, Зелиноградда яшаган киши ўзидан минг-минглаб километр нарида бўлаётган воқеаларни тушуниши осон эмас. Минглаб километр

олисда туриб бегуноҳ одамлар устидан мағзава қуйилганини, сўроқлар вақтида уриб-қийнаганликларини, ўнлаб заррача айбсиз кишиларни, шу жумладан, оппоқ соқолли кексалар ва кўп болали оналар ҳам қонунсиз ҳибсга олингани ва турмага ташланганини тушуниш қийин.

Гдлян билан Иванов ҳодисаси хусусида яна шу нарсани қатъий таъкидлаш мумкинки, агар улар гуруҳи устидан прокурорлик назорати талабчанлик билан ўрнатилганда эди, бундай ҳодиса ҳеч қачон рўй бермасди. Шу нарсани афсус ва надомат билан қайд этиш керак, юз берган барча қонунга хилоф ишлар учун, айбсиз шахслар оммавий равишда жиноий жавобгарликка тортилгани учун масъулият ССРИ прокуратураси зиммасига ҳам тушади.

Такрор бўлса-да, айтиш керак, ушбу ҳодиса одамларнинг кўп гаплардан беҳабарлиги ёки етарли даражада хабардор эмаслиги шароитида туғилди. Кўпчиликда Ўзбекистонда фақат Гдлян билан Иванов тергов ишлари олиб борган, деган тасаввур бор. Ваҳоланки, ўша кезларда минтақада бир қанча тергов гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар орасида фаҳм-фаросатли, ақл-идрокли, меҳнатсевар ва камтар кишилар бўлганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Аммо иш давомида кўпгина терговчи, прокурорларнинг ўзлари учун нотаниш бўлган минтақада ишлашга қодир эмасликлари аён бўлиб қолди. Улар туб аҳолини, унинг одатлари ва расм-русмларини билмасликлари ишнинг белига тепди. Айрим терговчилар бу ерда ўзларини “муваққатчилар” деб ҳис қилдилар, бу эса уларнинг ишга бўлган муносабатларида акс этди. Ўзбекистонга “ўзини кўрсатиш”, амалга эга бўлиш, юлдузига юлдуз қўшиш ниятида келганлар ҳам бисёр эди.

Гдлян ва Иванов гуруҳи эса тергов ишига 1983 йил августда киришган. Улар қўлига олган биринчи иш Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларини ҳамда Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси директори Қудратовни айблаш бўйича эди. Бу иш Давлат хавфсизлик комитети (КГБ) терговчилари томонидан қўзғатилган ва уч ярим ой мобайни-

да тергов қилинган эди. Ўшанда улар ҳибсга олинган кишилардан 8 миллион сўмдан кўпроқ пул ва бошқа бойликларни топиб олган эдилар. Кейинчалик Гдлян буни ҳам шахсан ўзи қилган ишлар қаторига киритиб қўйди.

Сўнгра Бухоро вилояти партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Каримов, бошқа раҳбар ходимларни қамоққа олиш бошланди. Гуруҳ аъзолари давлатдан ўғирланган бир неча миллион сўмни айбдорлардан тортиб олади. Бу ишда ҳеч қандай муболағага ҳам, камситишга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Бериладиган баҳолар ҳолисона бўлмоғи керак. Худди шунингдек, Гдлян билан Ивановни ССРИ Бош прокуратурасига қарама-қарши қилиб қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки улар ана шу прокуратуранинг ходимлари эди. Прокуратура уларга тергов олиб боришни топширган, бунинг учун кишилар ажратган ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Шунинг учун ҳам бу ишдаги муваффақиятларга ҳам, муваффақиятсизликларга ҳам прокуратура бевосита алоқадор. Прокуратура йўл қўйилган зўравонликлар учун улар билан бирга жавобгар бўлиши керак.

Аввалбошдан Гдлян билан Ивановга иттифоқдаги истаган терговчисини танлаб олиб, ишга жалб қилиш ҳуқуқи берилган эди. Ташкилий масалалар, хоналар ажратиш, мутахассислар белгилаш, криминал техника билан таъминлаш масалалари биринчи навбатда ҳал қилиб берилганди.

Мен жинойтларни очишда ҳатто бронетранспортерлардан, ҳарбий вертолётлардан, фуқаро авиациясидан бу қадар кенг фойдаланилган бошқа бирор бир жинойт иши бўлганини эслай олмайман. Энди айтинг-чи, ишга шу тахлит ҳалақит бериш мумкинми? Агар бундай интилиш башарти бўлганида ҳам, вилоят партия қўмитаси котибларини, Ўзбекистон компартияси Марказий қўмитаси котибларини қамоққа олиш учун Гдлян билан Ивановга рухсат берилган бўлармиди? Йўқ, гуруҳнинг фаолияти тўхтатилган, ҳаракатсиз, фалаж ҳолга келтирилган бўлар эди. ССРИнинг ўша вақтдаги прокуратураси назорат раҳбарлари жуда катта масъулиятни

Ўз зиммаларига олган эди. Уларни бир жихат – тўпланаётган далиллар тўғри ёки нотўғри эканлигини ўз вақтида чуқур текширмаганлиги учун айблаш мумкин. Чунки гуруҳ ишини ташкил этишда, фаолияти устидан назорат ўрнатишда хатога йўл қўйилганди ва тергов қисми раҳбариятига ҳаддан ташқари ишониб, иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Бундан фойдаланган гдлянчилар беайб кишиларга хоҳлаган айбларини тақай бошлаган, ишлари назорат қилинмаётганлигини англаган ҳолда яширин равишда ёлғон гувоҳликлар берилишини талаб қилган, шу тарзда далилларни сохталаштирган.

Аччиқ бўлса ҳам, барибир ҳақиқатни айтиш керак. Фақат ҳақиқат одамларнинг ишончини қайта тиклаши ва ҳақиқат орқалигина ўз-ўзини поклашга эришиш мумкин. 1988-90 йилларда ССРИ Бош прокурори бўлган А.Я.Сухарев ва унинг ўринбосарлари ҳам худди шундай фикрда эдилар. Шунинг учун ҳам ўшанда Гдлян билан Иванов Ўзбекистондаги тергов ишларидан аввалига четлатилган бўлса, кейинчалик онгли равишда қонунбузарликка йўл қўйганликлари учун улар устидан жиноят иши қўзғатилганди.

“ПАХТА ИШИ”НИНГ ҚАЙТА КЎРИЛИШИ

1989 йил сентябр ойида Ўзбекистон Олий суди томонидан Ўзбекистон МК биринчи котиби Ислон Каримов номига вужудга келган вазият ҳақида ва тергов жараёнида йўл қўйилган қўпол қонунбузарликлар, инсон ҳуқуқлари топталгани ва “Пахта иши” бўйича келтирилган зарар миқдори бўрттириб кўрсатилгани ҳақида маълумотнома тақдим этилди. Ушбу маълумотномага асосан Ислон Каримов топшириғи билан ҳукумат комиссияси тузилди. Аввал 1989 йил 12 сентябрда етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича ҳукумат комиссияси, сўнгра, “Пахта иши”ни тўлиғича ўрганиш учун 1990 йилда комиссиянинг янги таркиби тасдиқланди. Унга раис этиб ўша пайтда ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган И.Ҳ.Жўрабеков тайинланди.

Комиссия 50 кишидан, асосан, ҳуқуқшунослардан иборат бўлиб, улар орасида Олий суд судяларидан А.Сарабеков, А.Қодиров, С.Исмоилов, С.Бердиқиличев, А.Дўстбобоев, Олий суд масъул ходими М.Мирзаолимов, вилоят ва туман судяларидан Ш.Ҳақназаров, Ю.Очилов, Э.Хўжакулов, Н.Тўхлиев, Ғ.Собиров ва прокуратура ходимлари бор эди. “Пахта иши”га оид 40 000 га яқин жиноят ишларининг барчаси вилоят судларидан Республика Олий суди ихтиёрига чақириб олинди ва улар синчиклаб ўрганилди.

1989 йил октябр ойида 500-600 га яқин, асосан, Қашқадарё вилоятидан келган кишилар Ўзбекистон Марказқўми биноси олдида тўпланиб, фақат Ислон Каримов билан учрашишларини қатъий талаб қилишади. У киши айнан Қашқадарё вилояти раҳбарлигидан республикага раҳбар бўлган. Тўпланганлар ўзлари ва судланган қариндошлари тазйиқлар остида қўшиб ёзишга мажбур бўлганликларини, моддий бойликларни ўзлаштирмаган бўлса-да, суд ҳукмига биноан 4-5 йил қамоқда ўтирганлари камлик қилгандай, ойлик маошидан 50 фоиз ушлаб қолинаётгани, бунинг оқибатида 8-10 тадан

бола-чақаси бор оддий қишлоқ одами тергов жараёнида бор мол-мулкидан ажрагани, номлари қора бўлгани етмагандай, суд томонидан тайинланган моддий зарарни тўлашга мажбур бўлиб қолишгани тўғрисида айтишади.

Олий суд раисига Жиноят-процессуал кодексининг 350-моддасига асосан ҳукмларнинг зарарни ундириш қисми ижросини тўхтатишни таклиф қилинади. Раис барча вилоят судларига телеграмма жўнаттиради ва шу мазмундаги телеграмманинг нусхалари йиғилганларнинг қўлларига ҳам берилади...

Вилоят судларидан келтирилган пахта ишига тааллуқли дастлабки ишларни кўриш чоғидаёқ илгари ҳеч ким эътибор бермаган бир қатор ҳуқуқий муаммолар аниқланади.

Биринчидан, Гдлян ва бошқалар “Пахта иши” бўйича республикага етказилган зарар миқдорини бир неча юз баробар бўрттириб кўрсатгани маълум бўлди. Иккинчи масала эса анча муҳим ва ҳуқуқий жиҳатдан ғоят мураккаб эди. “Пахта иши” бўйича судланганларнинг асосий қисми тергов материаллари бўйича ҳам, тергов хулосаси бўйича ҳам, суднинг ҳукми бўйича ҳам бир тийин ўзлаштирмагани, улар пахта плани бажарилгани ҳақидаги нотўғри ҳужжатларга тазйиқ остида имзо чекканлари аниқланди.

Қайд қилиш лозимки, қўшиб ёзиш фақат Ўзбекистонда эмас, барча совет республикаларида бўлган. Марказ Ўзбекистонга “десант” ташлаганда иттифоқ миқёсида тарқалган бу иллатдан гўё беҳабардай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. ССРИ прокуратураси ҳайъат мажлисларидан бирида Гдляннинг бевосита раҳбари Каракозов пахтачиликдаги қўшиб ёзиш Ўзбекистонга нисбатан бошқа республикаларда анча кўпроқ бўлган, деб эътироф ҳам этган. Демак, аслида айнан собиқ марказнинг буйруғига асосан социалистик давлатнинг “катта ютуқлари”ни намойиш этиш учун қўшиб ёзишлар вужудга келган эди.

Қўп тортишувлардан сўнг Олий суд раиси М.Маликов раислигида Ўзбекистон Олий суди пленуми 1990 йил 20 июл-

да “Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъ-молликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида” номли қарор қабул қилди. Ўша қарорнинг қисқартирилган шакли қуйидагича:

“Пленум, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш практикасида юзага келган масалаларни муҳокама қилиб, судлар томонидан бир қанча ишларни кўришда қонунсизлик ва фуқаролар ҳуқуқлари жиддий равишда бузилганини қайд қилади.

Талон-торож қилиш ёки пора олиш жиноятларини содир этишга ҳеч қандай қасдлари ва тамаъгирлик нияти бўлмаган фуқароларни, шундай жиноятларни қилганликлари учун судлаш фактлари бўлган. Кўп ҳолларда қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликларда айбли бўлганларнинг ҳаракати талон-торож қилганликда квалификация этилган.

Конкрет ишларни кўриш вақтида кўпинча колхоз ва совхозларнинг кассаларидан олиниб, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарига берилган, кейинчалик давлат банкасига тушган пул маблағлари асосиз равишда талон-торожлар суммасига киритилган. Тергов органлари томонидан айбланувчиларнинг жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қариндош ва танишларига тегишли бўлган пул маблағларини олиб кетиш фактлари ҳам бўлган.

Тергов олиб бориш ва ишларни судда кўриш вақтида жиноятларни содир этиш ҳолатларини тўла ва объектив текшириш, айбланувчини қораловчи ҳолатларни ҳам, оқловчи ҳолатларини ҳам аниқлаш зарурлиги ҳақидаги қонун талаблари бузилган. ЎзССР ЖПКнинг 22-моддасига ҳилоф равишда дастлабки терговнинг ва суд томонидан кўриладиган ишнинг тўлалигига ва объектив олиб борилишига салбий таъсир кўрсатишига қарамай, ишлар асосиз равишда ажратиб келинган. Бу эса жиддий суд хатоларига олиб келган.

Кўпгина ишлар бўйича содир қилинган жиноятга тўғри ижтимоий баҳо берилмаган: республиканинг ҳақиқий имкониятлари ҳисобга олинмай қаттиқ марказлашган планлаштириш билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалигидаги қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликларни келтириб чиқаришга ёрдам берувчи ҳақиқий сабаб ва шароитлар чуқур аниқланмаган.

Судлар ҳукм чиқариш вақтида, қонунда назарда тутилган асослар бўлмагани ҳолда, фуқаролик суди юргизиш тартибида кўрилишига оид бўлган келтирилган моддий зарарни қоплаш масалаларини ҳал қилган.

Юқорида кўрсатилган қонун бузилишларнинг кўп қисми кассация ва назорат инстанциялари томонидан ишлар кўрилганида эътиборсиз қолиб келган”.

Ушбу қарор амалий жиҳатдан ҳам, илмий-назарий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Комиссиянинг, Олий суд ходимларининг иши жадаллашди. 1990 йил декабр ойигача “Пахта иши” бўйича беш юзга яқин судланганлар иши кўриб чиқилди ва улар қўшиб ёзиш жиноятини юқори раҳбарлар томонидан тазйиқ оқибатида содир этгани учун оқланди.

Аммо орадан кўп ўтмай, комиссия ишига тўсиқлар қўйила бошлади. ССРИ Олий суди раиси Смоленцев 1990 йил октябр ойида Ўзбекистон Олий суди пленумига тақдимнома киритиб, 1990 йил 20 июлда қабул қилинган Пленум қарорининг учинчи бандини бекор қилишни қатъий талаб қилади. Хусусан, тақдимномада охириги зарурат ҳолати ҳақидаги қоидаларни Ўзбекистон Олий суди талқин қилишга ҳақли эмас, бундай ваколат фақат ССРИ Олий суди ваколатига киради, деб кўрсатилган.

1990 йил 28 декабр куни ўтказилган Ўзбекистон Олий суди пленуми “Пахта иши” комиссиясининг фаолиятини маъқуллаб, тақдимномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига талқин бериш Ўзбекистон Олий судининг мутлақ ваколати доирасига киради, деб таъкидланган.

Бу орада баъзи мансабдор шахслар, ҳуқуқшунос олимлар ҳам ССРИ Олий суди таъсири остида комиссиянинг фаоли-

ятига қарши ҳар хил гаплар тарқатгани ва республика раҳбарини чалғитиши оқибатида комиссия иши бир неча ой тўхтаб қолади.

1991 йил май ойи охирларида “Халқлар дўстлиги” саройида республика қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойи бошланади. Президент Ислон Каримов қурултойда нутқ сўзлаб, “ССРИ Олий суди “Пахта иши” бўйича бизга тазйиқ ўтказмоқда, лекин улар билсинларки, Ўзбекистоннинг ўзининг Олий суди бор, биз Москвадан бериладиган маслаҳатларга муҳтож эмасмиз!” деб баралла айтади. Қурултой иштирокчилари ушбу сўзларни тўхтовсиз қарсақлар билан қарши олишади. Чунки республика раҳбари пахта ишидан энг кўп жабр тортган қишлоқ хўжалик ходимларининг дилидагини топиб айтган эди.

Пахта иши комиссияси ўз ишини яна давом эттирди. Шунга қарамай, марказдан бўлаётган тазйиқлар давом этаверди.

ССРИ Бош прокурори Н.Трубин 1991 йил 29 майда республика раҳбарига тақдимнома юбориб, республика Олий суди Пленумининг мазкур қарори Иттифоқ қонунига мутлақо зид эканини қайд этиб, тегишли тартибда чора кўрилишини талаб қилди. Мана, ўша хатдан парча:

“...ССР Иттифоқи Олий суди раиси томонидан 1990 йил 28 октябрда Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумига тақдимнома киритилиб, 1990 йил 20 июлдаги 4-сонли Пленум қарорининг 3-бандини бекор қилишни талаб қилинди.

Пленум ушбу тақдимномани икки ой давомида кўриб чиқмади ва фақат 1990 йил 28 декабрда кўриб чиқди ва тақдимномани қаноатлантирмади. ССРИ Олий суди раисининг тақдимномасини кўриб чиқиш Пленум кун тартибига ҳатто киритилгани ҳам йўқ, республика прокурори тақдимнома билан таништирилмади ва у Пленум ишида иштирок этмади, бу ҳам қонун талабига зиддир...

...Шу тариқа “Пахта иши”ни қайта кўриш шошқалоқлик билан давом эттирилди, айбдор шахслар – совхоз ва пахта заводлари директорлари, колхоз раислари, бош бухгалтер-

лар, пахта пунктларининг мудирлари, классификаторлар ва бошқалар Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми қарорининг 3-банди асосида жиноятни охириги зарурат ҳолатида содир этган, деб оммавий тарзда оқлана бошлади...

Юқорида баён қилинганлар таъсир чорасини кўриш учун юборилмоқда..."

1991 йил 29 май.

Н.Трубиннинг тақдимномасини Ислом Каримов ўқиб чиқиб, устига "Архивга ташлансин!" деб ёзади-да, имзо қўяди.

Натижада, пахта ишини қайта кўриб чиқиш давом эттирилди. 3,5 минг киши оқланди. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланиши учун катта миқдордаги пул маблағи бюджетдан ажратилди, барчаси иш жойига тикланди. Пахта иши бўйича қолган судланганларнинг баъзилари давлатимиз раҳбари томонидан афв этилди, баъзиларига тайинланган жазо ўзгартирилиб, оиласи бағрига қайтди.

Комиссия "Пахта иши" бўйича материалларни синчиклаб ўрганиб, 1978-1983 йилларда ўзлаштирилган сумма 40 миллион сўмга ҳам етмаслигини узил-кесил аниқлади. Ушбу рақам суд қарорлари билан тасдиқланган.

Барчага тушунарли бўлиши учун шуни ҳам айтиш керакки, ушбу 40 миллион сўмга яқин пулни ўзлаштирган шахсларнинг барчаси қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилган ва уларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар комиссия томонидан қонуний, деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди дастлабки тергов аксарият ҳолларда бир ёқлама, юзаки, қонун талабларига ҳилоф равишда ўтказилганини, биринчи инстанция судлари мавжуд камчиликларга эътибор бермай судланувчиларга асоссиз жазо тайинлаганларини аниқлади ва айланувчиларга нисбатан чиқарилган ҳукмларни бекор қилиб, оқлади.

Оқланганлар орасида Ўзбекистон пахта саноати вазири бўлган В.Усмонов (вафотидан сўнг), собиқ Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси Н.Худойбердиев, Қорақалпоғистон раҳбари Қ.Камолов, Марказқўм котиби Э.Айтмуратов,

Ички ишлар вазирлигининг бир қатор масъул ходимлари ва бошқалар бор.

“Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деб ном олган ишларнинг ўзига хос бир хусусияти бор: олдин турли йилларда бўлган қатағонлар қурбонлари орадан 35-40 йил ўтиб, яъни вафот этиб кетганларидан кейин оқланган бўлса, мазкур ишлар бўйича жабрланганлар иши улар ҳаётлигида кўриб чиқилди ва оқланди.

“Пахта иши” ва “Ўзбеклар иши” шу тариқа охирига етди.

1. **Introduction**
 2. **Background**
 3. **Methodology**
 4. **Results**
 5. **Discussion**
 6. **Conclusion**
 7. **References**
 8. **Appendix**
 9. **Figure 1**
 10. **Figure 2**
 11. **Figure 3**
 12. **Figure 4**
 13. **Figure 5**
 14. **Figure 6**
 15. **Figure 7**
 16. **Figure 8**
 17. **Figure 9**
 18. **Figure 10**
 19. **Figure 11**
 20. **Figure 12**
 21. **Figure 13**
 22. **Figure 14**
 23. **Figure 15**
 24. **Figure 16**
 25. **Figure 17**
 26. **Figure 18**
 27. **Figure 19**
 28. **Figure 20**
 29. **Figure 21**
 30. **Figure 22**
 31. **Figure 23**
 32. **Figure 24**
 33. **Figure 25**
 34. **Figure 26**
 35. **Figure 27**
 36. **Figure 28**
 37. **Figure 29**
 38. **Figure 30**
 39. **Figure 31**
 40. **Figure 32**
 41. **Figure 33**
 42. **Figure 34**
 43. **Figure 35**
 44. **Figure 36**
 45. **Figure 37**
 46. **Figure 38**
 47. **Figure 39**
 48. **Figure 40**
 49. **Figure 41**
 50. **Figure 42**
 51. **Figure 43**
 52. **Figure 44**
 53. **Figure 45**
 54. **Figure 46**
 55. **Figure 47**
 56. **Figure 48**
 57. **Figure 49**
 58. **Figure 50**
 59. **Figure 51**
 60. **Figure 52**
 61. **Figure 53**
 62. **Figure 54**
 63. **Figure 55**
 64. **Figure 56**
 65. **Figure 57**
 66. **Figure 58**
 67. **Figure 59**
 68. **Figure 60**
 69. **Figure 61**
 70. **Figure 62**
 71. **Figure 63**
 72. **Figure 64**
 73. **Figure 65**
 74. **Figure 66**
 75. **Figure 67**
 76. **Figure 68**
 77. **Figure 69**
 78. **Figure 70**
 79. **Figure 71**
 80. **Figure 72**
 81. **Figure 73**
 82. **Figure 74**
 83. **Figure 75**
 84. **Figure 76**
 85. **Figure 77**
 86. **Figure 78**
 87. **Figure 79**
 88. **Figure 80**
 89. **Figure 81**
 90. **Figure 82**
 91. **Figure 83**
 92. **Figure 84**
 93. **Figure 85**
 94. **Figure 86**
 95. **Figure 87**
 96. **Figure 88**
 97. **Figure 89**
 98. **Figure 90**
 99. **Figure 91**
 100. **Figure 92**
 101. **Figure 93**
 102. **Figure 94**
 103. **Figure 95**
 104. **Figure 96**
 105. **Figure 97**
 106. **Figure 98**
 107. **Figure 99**
 108. **Figure 100**
 109. **Figure 101**
 110. **Figure 102**
 111. **Figure 103**
 112. **Figure 104**
 113. **Figure 105**
 114. **Figure 106**
 115. **Figure 107**
 116. **Figure 108**
 117. **Figure 109**
 118. **Figure 110**
 119. **Figure 111**
 120. **Figure 112**
 121. **Figure 113**
 122. **Figure 114**
 123. **Figure 115**
 124. **Figure 116**
 125. **Figure 117**
 126. **Figure 118**
 127. **Figure 119**
 128. **Figure 120**
 129. **Figure 121**
 130. **Figure 122**
 131. **Figure 123**
 132. **Figure 124**
 133. **Figure 125**
 134. **Figure 126**
 135. **Figure 127**
 136. **Figure 128**
 137. **Figure 129**
 138. **Figure 130**
 139. **Figure 131**
 140. **Figure 132**
 141. **Figure 133**
 142. **Figure 134**
 143. **Figure 135**
 144. **Figure 136**
 145. **Figure 137**
 146. **Figure 138**
 147. **Figure 139**
 148. **Figure 140**
 149. **Figure 141**
 150. **Figure 142**
 151. **Figure 143**
 152. **Figure 144**
 153. **Figure 145**
 154. **Figure 146**
 155. **Figure 147**
 156. **Figure 148**
 157. **Figure 149**
 158. **Figure 150**
 159. **Figure 151**
 160. **Figure 152**
 161. **Figure 153**
 162. **Figure 154**
 163. **Figure 155**
 164. **Figure 156**
 165. **Figure 157**
 166. **Figure 158**
 167. **Figure 159**
 168. **Figure 160**
 169. **Figure 161**
 170. **Figure 162**
 171. **Figure 163**
 172. **Figure 164**
 173. **Figure 165**
 174. **Figure 166**
 175. **Figure 167**
 176. **Figure 168**
 177. **Figure 169**
 178. **Figure 170**
 179. **Figure 171**
 180. **Figure 172**
 181. **Figure 173**
 182. **Figure 174**
 183. **Figure 175**
 184. **Figure 176**
 185. **Figure 177**
 186. **Figure 178**
 187. **Figure 179**
 188. **Figure 180**
 189. **Figure 181**
 190. **Figure 182**
 191. **Figure 183**
 192. **Figure 184**
 193. **Figure 185**
 194. **Figure 186**
 195. **Figure 187**
 196. **Figure 188**
 197. **Figure 189**
 198. **Figure 190**
 199. **Figure 191**
 200. **Figure 192**
 201. **Figure 193**
 202. **Figure 194**
 203. **Figure 195**
 204. **Figure 196**
 205. **Figure 197**
 206. **Figure 198**
 207. **Figure 199**
 208. **Figure 200**
 209. **Figure 201**
 210. **Figure 202**
 211. **Figure 203**
 212. **Figure 204**
 213. **Figure 205**
 214. **Figure 206**
 215. **Figure 207**
 216. **Figure 208**
 217. **Figure 209**

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Мукаддима.....	6
Муаллиф ҳақида.....	13
Махфий маҳқама.....	16
Аҳмаджон Одилов ким?.....	27
Қамоқдаги собиқ прокурор.....	36
Навбатдаги махфий топшириқ.....	44
Шоқоллар тўдасининг пайдо бўлиши.....	49
Гдлян ва Иванов ўзи ким?.....	57
Чиябўри изидан ёхуд олтин васвасаси.....	68
Иосиф Виссарионович.....	74
Бериянинг издошлари.....	82
Қазарма тартибида.....	89
«Ўра» ва зулм «манзара»сининг очилиши.....	96
Раиса Михайловна ва театрлашган судлар.....	103
Суднинг қўпол хатоси.....	111
В.Илюхин хотиралари.....	118
Собиқ маҳкумлар кўрсатмалари.....	128
Тўқмоқ терговчилар.....	137
Кодексдаги номаълум модда.....	159
«Арзимас» маҳбус.....	172
Гина ва кибр қурбони.....	181
Ҳақиқатнинг аччиқ йўли.....	188
Мусахоновлар.....	199
Қаердалигини ДХК ҳам билмайдиган айбланувчи.....	209
Сиёсатчига айланган терговчилар.....	216
Лигачёвга қўйилган тузоқ.....	225
Рашидовга йўл ёки.....	232
Биринчи котибга ҳужум.....	242
Қонундан ташқари ёрдамчилар.....	267
Айбига «иқрор» қилиш «санъат»и.....	273
Афсонавий миллионлар.....	280
Ўғрини ушла.....	293
«Боғланган» ўғрибоши.....	310
«Чўнтак» прокурор.....	323
Жамоатчилик фикри.....	330
Олий Советда муҳокама.....	337
Мағлубиятга тенг ғалаба.....	349
Тескари айланган чархпалак.....	362
«Пахта иши»нинг қайта кўрилиши.....	369

Бадиий-публицистик нашр

Исматулла Йўлдошев

**МАХФИЙ МАҲКАМА
ЁХУД
ҚОНУНСИЗ ҚАМАЛГАНЛАР ҚИССАСИ**

Муҳаррир:

Асадулло ШУКУРОВ

Мусахҳих:

Алишер САБРИЙ

Техник муҳаррир:

Меҳринисо РОЗИҚОВА

«TURON NASHR» нашриёти.

100129. Самарқанд шаҳри,

Хўжа Аҳрор Валий кўчаси, 37 уй.

Тасдиқнома: № 4174 (22.09.2020 йил)

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ўзб)

Й 58

Теришга 05.02.2021 йилда берилди.
Босишга 21.02.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 ¹/₁₆ «PT Serif»

гарнитурасида офсет босма усулида,
офсет қоғозида босилди.

23,75 шарт. б.т. 23,00 ҳисоб нашр. таб.

Адади 2000 нусха.

«Reliable Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш.,
Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6 уй.

ISBN: 978-9943-7051-0-4

Исматилло Йўлдошев



Махфий Маҳкама

Samarqand 2021

ISBN 978-9943-7051-0-4



9 789943 705104